



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

7
1985

54-йил чиқиши

ML

Бош редактор
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ

Редколлегия:

Сарвар АЗИМОВ
Ҳафиз АБДУСАМАТОВ
Нинель ВЛАДИМИРОВА
Жуманиёз ЖАББОРОВ
ЗУЛФИЯ
Абдусайд КҮЧИМОВ
/масъул секретарь/
Тоҳир МАЛИК
МИРМУҲСИН
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ
Умарали НОРМАТОВ
Абдулла ОРИПОВ
Иброҳим РАҲИМ
Туроб ТҮЛА
Худойберди ТҮХТАБОЕВ
/бош редактор уринбосари/
УЙҒУН
Улмас УМАРБЕКОВ
Унтам УСМОНОВ
Раҳмат ФАЙЗИЙ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ
Иброҳим ЮСУПОВ
Нурали ҚОБУЛ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

Мундарижа

НАСР

Уткир Ҳошимов. Икки эшик ораси. Роман	3
Мирмуҳсин. Темур Малик. Роман. Охири	101
Зоҳир Аълам. Деҳқон ўғли. Қисса	166

МУШОИРА

Жилғаларнинг кумуш жаранги	54
--------------------------------------	----

ШЕЪРИЯТ

Тўра Сулаймон. Элу юртнинг таянчи	66
Рўзи Қодирий. Сиз борсиз бахтимга одамлар	69
Асқар Қосимов. Дафтарларда қолган сатрлар	96
Муҳаммад Юсуф. Тўрт ботир	164

ҲИКОЯЛАР

Фарҳод Мусажонов. Зиёфат	71
Шойим Бўтаев. Улар энди бошқача	78
Қулман Очилов. Пуфак	82

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

Шокирали Нуралиев. Савдо ва бозор	86
---	----

МУҲОКАМА, МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА

Сафо Очил. Таржима ва таҳлил	198
--	-----

ТАҚРИЗЛАР

Салоҳиддин Мамажонов. Меҳр жилолари	204
Ботирхон Акрамов. Тарҳи тоза, беандоза мисралар	206



„Журнал Варшанда“ деймишга фақат авлод ҳақда.
 Бу гап, „Асар ҳам ишқиб етилмеган, уни яна
 ишлашмай“, деган мазоно бўлди. Мафозини, ишқиб
 экан, асарни эълон қилишга
 шонлиги керекми?

Бу гап, „Асарни ишқиб етилмеган“
 корини, сабрини, билишини, вақтин
 ёлғиз, ўқибилар, сизлар
 филол- ишқиб қўяверилган ишқиб
 лар, баранга тўнларлар, кейин
 мен уни йкшима қайта ўқиб
 ишқиб, бон қўлдан тўн эдил, ани
 бир кўриш қўям ҳаққи оқай“, деган
 мазоно



ИККИ ЭШИК ОРАСИ

Бермайдими? 5285
Муқаддима

Роман¹

**ёки қурилиш-
 монтаж
 бригадасининг
 бошлиғи
 Музаффар Шомуродов
 ҳикояси**

Совуқ хабар

Handwritten signature or mark.

«Рост билан ёлгоннинг ўрта-
 си — тўрт энлик», деган гап
 бор. Қизик, нега энди оз эмас,
 кўп эмас, тўрт энлик? Гап
 шундаки, кўз билан қўлоқнинг
 ораси — тўрт энлик экан.
 Эшитганингга эмас, кўрга-
 нингга ишон... Мақсад — шу.

Иккинчи жаҳон уруши эллик
 миллион одамнинг увелига
 қолди. Шундан йигирма мил-
 лиони совет кишилари эди. Энг
 азиз, энг асил кишиларимиз.
 Қолаверса, уруш фақат окопда-
 ги жангчиларнинг жонига чанг
 солиб қолмади. Минглаб чақир-
 им наридаги одамларни ҳам
 синовдан ўтказди. Негаки, биз
 бир хонадон аъзоларимиз.
 Мушкул дамларда имонини,
 инсонлигини сақлаб қолган
 ота-оналаримиз, ака-опалари-
 мизнинг ҳаёти бугунги дорило-
 мон замонда бизга ўрناق бўла-
 ди.

Бу асардаги кўп одамларни
 ўзим кўрганман. Кўплари бил-
 лан гаплашганман. Баъзилари-
 нинг ўзи билан, баъзилари-
 нинг... руҳи билан... Баъзилари
 нимани гапирган бўлса, шуни
 қоғозга туширдим. Баъзилари
 нима гапирганини эмас, нима
 ўйлаганини ёздим.

Хуллас, бу савдолар кўп
 йиллар давомида кўп киши-
 ларнинг бошидан кечган. Улар
 устидан ҳукм чиқариш — сиз-
 ларга ҳавола...

Пайшанба — маош куни эди. Пе-
 шиндан кейин атрофи тахта девор
 билан омонат ўралган қурилиш ҳов-
 лисига чанг-тўзон кўтариб «ЗИЛ»
 машинаси кириб келди. Чеккадаги
 вагонетка олдида вошиллаб тўхтади.
 Кабина эшиги очилиб, қўлтиғига қора
 сумка қистирган кассир қиз — Фая
 сакраб тушди. Вагонетка зинасига
 пилдираб чиқиб, бақирди:

— Йигитлар, келинлар, пулла-
 рингни олинглар!

Бетончи Сафар ака айиқдек
 лапанглаб вагонетка томонга би-
 ринчи бўлиб юрди. Кетидан пай-
 вандчимиз Икром ака. Унинг кетидан
 Эркин деган текелажчи йигит...

Саратон офтоби аёвсиз қизди-
 раётган, оёқ остида қум, бетон
 қоришмасининг кукунлари сочилиб

¹ Журнал варианты.

ётган майдончадан ўтиб, вагонетка соясига бордим у туриб қолдим. Ҳозир бирор дилсиёҳлик бўлишини билиб, юрагим ғаш тортди.

Қурувчи халқи нозик. Маошнинг баракаси учдими, дарров «Ўз ихтиёри билан» ариза беради-да, сметаси «еб битирилмаган» бошқа объектга ўтади-кетади. Тошкентда нима кўп — қурилиш кўп. Тўғри, бизнинг йигитлар унақа эмас: ўн уч киши зилзиладан бўён бирга ишлаймиз. Ўн икки йилдирки, ҳаммамиз ака-укадаймиз. Олти йил аввал мени ўзлари бригадир қилиб «кўтаришган». Шу кунгача нарядни ўртача ўн сўмдан кам ёзмасдим. Бу сафар...

...Ҳаммасига ўша А—1 деган лаънати арматурали панель сабаб бўлди. Йўқ, гап панелда эмас, «Кобра»да! «Кобра» деганимиз бошқарма-мизнинг бошлиғи — Шавкат Қудратович. Шу одам ўз вақтида уйсозлик комбинатидан А—1 эмас, А—2 арматурали панелни етказиб берганида олам гулистон эди. Тағин дўқ уришига ўлайми?! Уч кун аввал «Москвич»ида кеп қолди... Бригададаги йигитлар уни «Кобра» деганича бор. Ҳар «кўзи» пиёладек ойнак тақиб юради. Юзи лагандек. Разм солиб қарасангиз, оппоқ чинни лаганнинг икки четига иккита пиёла тўнкариб қўйилганга ўхшайди. Аслида-ку, ким қанақа кўзойнак тақиши ўзининг иши-я, лекин шу Шавкат Қудратовичнинг феъли ғалатироқ; ўтирган креслосини шунақанги яхши кўрадики, Сафар аканинг айтишича, орқасини ўша курсига «беш юз» маркали цемент билан ёпиштириб олган: қимирласа териси шилиниб тушади. Унга битта нарса керак: қай йўл билан бўлмасин, планни бажарса, қўчма Қизил байроқ олса. Кетидан ишқал чиқса, прорабни, бригадирни айбдор қиладию ўзи бир чеккага чиқиб тураверади. Қабулига кирсангиз ўпишиб кўришади, чиқишингиз билан орқангиздан ёмонлайди...

Хуллас, уч кун аввал «Москвич»да келиб қолди. Йигитлар учинчи қаватда домино ўйнаб ўтиришар, шақир-шуқур товушлар пастдан бемалол эшитилиб турарди.

Шавкат Қудратовичнинг ранги ўчиб кетди.

— Бу қанақа чемпионат? — деди юқорига имо қилиб.

Индамай туравердим. Кўриб қўйсин! Одамлар бекор ўтирибди. Керакли панель йўқ. Прорабга тушунтирдим, участка бошлиғига илтимос қилдим, ўзининг қабулига кирдим. Елкамга қоқиб чиқариб юборди.

— Ким у? — Шавкат Қудратович кўзойнагини ялтиратиб чақчайди. Фамилияси нима?

Айтдим нима-ю, айтмадим нима? Материал бўлмаганидан кейин...

Индамай туришимдан ҳаммасини тушунди.

— Тартибсизликка ўзлари бош-қош бўптилар шекилли, ўртоқ Шомуродов? — деди лаби бурилиб. — Бригадирлик юки оғирлик қилиб қолдими?

Яна индамадим. Охири унинг тоқати тоқ бўлди.

— Тил-забон борми ўзи? — деди тутоқиб. — Квартал тугаяпти. Биринчи июлдан пардозчилар ишга тушиши керак. Тўртинчи қаватни ким монтаж қилади? Томни ким ёпади?

— Пардозчилар ҳали-вери ишга тушмайди, — дедим хотиржамлик билан.

Шавкат Қудратовичнинг ранги гезариб кетди.

— Ўҳ-хў! Жа осмондасиз-ку, йигит! Гап бундай: уч кунда тўртинчи қаватни монтаж қилиб, томни ёпасиз.

Нима дей? Нима қилай? Зина майдончасининг панели лойиҳадагидан роппа-роса бир қарич калта бўлса, қандоқ монтаж қиламиз? Майли, арматураларни учма-уч қилиб уласаям бўлади, лекин А—1 дегани жуда ингичка арматура-ку?

— Эсингиздами, Шавкат ака, зилзилада биттаям панель уй йиқилмаган, аммо зинаси босиб қолган уйлар бўлган. Нормативдаги панелни беришмаса...

У «вой тентаг-ей» дегандек қўл силтади:

— Зилзила ўн икки йил аввал бўлган, йигит. Энди қайтмайди. «Ванночка» билан сварка қилсангиз, қилт этмайди.

Тушундим. «Ванночка» дегани шуки, пўлат қувур узунасига кесилади, плитанинг арматураси билан девор арматураси ўртасига қўйиб, «қуюқ» пайванд қилиб юборилади. Кейин икки четда қолган «ёриқ»қа бетон қўйилади. Тамом — вассалом! Аммо яқинда Қорақамиш массивидаги битта уйнинг зиналари ўзидан-ўзи қулаб тушди. Ер қимирламади, ҳеч ким эшигидан чиқиб зинапояда сакрамади. Бир тонналик бетон плита ўз залворини кўтаролмай чокидан узилиб кетди. Яхшиямки, шу иш кечаси бўлган. Агар эрталаб, мактаб боласи ўқишга кетаётганида, ёки одамлар кечкурун ишдан қайтаётганида бўлса...

Дадам менга бир гапни кўп айтган: «Ўзингдан катта одам гапирганида бошингни ҳам қил, хўп де. Нотўғри гапирса, мулойимлик билан тушунтир».

Мен ҳам «мулойимлик» билан тушунтирдим:

— Шавкат Қудратович, ўзингиз биласиз, «ванночка» фойда қилмайди...

Йўқ! Гапимни эшитгиси ҳам келмади.

— Сиз... сиз... — деди лаби титраб. — Майда одамсиз! Давлат манфаатини ўйламайсиз! Мана шу уйга кўчиб киришни ўн йилдан бери кутаяпган одамлар бор! Оналар, болалар, Улуғ Ватан урушининг инвалидлари... Топшириқни бажаринг!

— Яхши! — дедим. — Битта илтимос, А—! арматурали панелни монтаж қилиш мумкин, деб ёзиб беринг... Ўз қўлингиз билан...

«Кобра» сесканиб кетди. Ҳатто икки лунжи шишиб кетгандек бўлди.

— Сиз... — деди вишиллаб.— Илғор бошқармамининг умуммақсадига атайлаб болта ураясиз. Сиз... потенциал ёр одамсиз... Кўрамиз, монтажчиларингиз носвойчининг ҳақини олса, нима деб сайраб қоларкансиз... Умуман... сиздақа бригадирдан воз кечиш масаласини ўйлаб кўрамиз... Фактларимиз етарли...

«Москвич» жўнаб кетганидан кейин кўп гапларни айтолмай қолганим ўзимга «нашъа» қилди. Ўз қўлинг билан ёзиб берганинда ҳам бегона плитани бари бир ишлатмасдим. Осмон қўлингизда бўлса ташлаб юбор. Қачонгача қалбакилик қиламиз? Қачонгача ёлғон-яшиқ план бажариб, байроқ оламиз? Шу уйда ўзинг яшармидинг, ноинсоф? Нега энди ўзингга раво кўрмаган нарсани ўзгаларга раво кўрасан! Ол, ўша дардисар бригадирлигингни!

Фақат... Бир жиҳатдан «Кобра»нинг гапи рост, бригададаги монтажчилар «носвой пули» олса, ана унда кўрамиз томошани! Мана, бугун... Ҳозир...

Ана, бетон қоришмаси сачрайвериб, шимининг почаси қатирмоч бўлиб кетган Сафар ака айиқдек лапанглаб келаяпти.

— Нима бу? — деди чангалидаги уч сўмлик, беш сўмлик пулларни кўрсатиб.

— Пулга ўхшайди, Сафар ака... — дея ҳазилга олдим.

— Тўғри, пулга ўхшайди, аммо-лекин пулмас. Ма, тўйингга ишлат! — У пулларни улоқтириб юборди. Уч сўмлик, беш сўмликлар офтобда қизиётган қум аралаш тупроқ устига пирпираб сочилиб кетди. — Қирқ уч сўм пулми? — деди, юзини чириллатиб ўгириб. — Нима, мен сенга студентманми?

— Ун беш кундан олти кунини домино ўйнаш билан ўтказдик, ўйнаб ўтирган кунимизгаям тўрт сўмдан тўланди-ку, Сафар ака! Хурсанд бўлмайсизми?

— Мен сенга ўйнаб ўтираман дедимми?! — Сафар ака қўлини паҳса қилди. — Ё, бувингнинг чорвоғида ишладимми? Топиб бергин эди, қиладиган юмушимни!

Ана, Икром ака ҳам келаяпти. Бунисиям ҳозир саннайди, деб турсам, йўқ, ерда сочилиб ётган пулларни хотиржам йиғиштириб олди-да, Сафар аканинг чўнтагига тикди.

— «Кобра» матирял бермаса, Музаффарда нима гуноҳ? — деди тўнғиллаб. — Гапинг бўлса, хўжайиннинг ўзига айт!

— Менинг хўжайиним «Кобра»мас, шу! — Сафар ака қовоғини уйиб менга имо қилди. Хўрсиниб қўйди. Бир нима эсига тушди шекилли, яна

*Шошимов
қер ҳар
бунақа
да ақалли
илмий
баромий
келадиган
қилди қўйди, шу
қалбик даққ
шундайлар! 5.Х.85.*

қўлини пахса қилди: — Олти болам ейман, ичаман деб турибди. Тўрттаси мактабга боради. Уларга биттадан папка олишга етмайди-ку! — у жаҳл билан киссасига шапатилади. — Уёғини сўрасанг, кичик қайсинглим бошқа вақт қуриб қолгандек туғиб берди яқинда! Уни бешик тўйисиям мени гарданымда! Қайси бирига етказай!

— Оббо! Жа, оласан-да, сенам. Хотин киши эрга текканидан кейин туғади-да, сендан сўраб ўтирармиди, — Икром ака дўстининг елкасига шапатилади. — Қўй энди, бу гапларни. Калтаи-кўтоҳ плитани ямаб қўйсақ, худо кўрсатмасин, эртага бир бечорани босиб қолса, хурсанд бўлармидинг?

— Босмайди! — Сафар ака, асабийлик билан елкасидан Икром аканинг қўлини силтаб ташлади. — Шу кунгача босиб қолганини эшитганим йўқ. Ўзим бетон қўйиб, ямаб ташлардим...

Ўлганимнинг кунидан илжайдим.

— Бетон қўйган билан иш битмайди, Сафар ака, ахир шу уйдаям сиз билан менга ўхшаган одамлар...

— Э, бор-е! — у шиддат билан бурилди. — Ҳар куни ўн мартадан қулоғингни қоқиб қўлингга берадиган хотининг бўлмаса, йўлингга термулиб турган болаларинг бўлмаса, гапни ким қўйибди сенга!

— Ҳой, хувари! — Икром ака лапанглаб кетаётган ўртоғининг кетидан югурди. Беш-олти қадам нарида етиб олиб, яна елкасига қўл ташлаган эди, Сафар ака тағин силтаб юборди.

Икром ака қайтиб келди.

— Кўнглингга олма, укам, — деди хижолатли илжайиб. — Сафарни энди кўраётганинг йўқ-ку! Ҳозир у-бу дейди-да, бирпасдан кейин эсидан чиқади,.. Уёғини сўрасанг, мендаям бештаси бор. Кўргансан-ку, ҳаммаси чурвақа.

Индамадим. Лекин кўнглим хуфтон бўлди. Сафар ака тўғри айтади, олти боласи бўлса. Ҳаммаси ёш бўлса, хотини ишламаса... Нима зарил эди менга уёқда «Кобра»га, буёқда Сафар акага шумшук кўриниб? Биламан, «Кобра» орқамдан «материал» тўплайди энди. Ўзи бир чеккага чиқиб олади-да, заминими, бош инженерними ишга солади. Тупурдим ўша бригадирлигига! Ҳайдай қолсин. Аммо алдам-қалдам иш қилмайман.

Шуни ўйлаб, кечгача дилим ғаш бўлиб юрди.

Темир арматуралардан пайвандлаб ясалган дарвозадан кўчага чиққанимда қуёш ботиб борар, ҳаво дим эди. Қурилиш майдонидаги краннинг қир учиде саратон офтобининг сўнги нурлари яллиғланади. Уфқни қизғиш туманлик қоплаган. Кун бўйи ёна-ёна толиққан осмон энди яхлит чўғга айланиб тинчигандек. Сафар аканинг гапи ҳалиям хаёлимда. Рост айтади. Орқа этагимда оғирлигим йўқ, хархаша қиладиган хотиним йўқ. Берсанг ейман, бермасанг ўламан, дейдиган болам йўқ... Ҳозир уйга бораман. Омоннинг хотини — келиним «муллака, яхши келдингизми» деб қўлимга сув қуяди (агар иккинчи сменада бўлмаса). Кейин дадам билан ойимнинг хонасига кирман. Салом берман. «Мана, дада, ойлик тегувди», деб эл қатори олган қирқ етти сўмни қўлига тутқазаман. Дадам пулни санайди-да, «барака берсин» деб ўзимга қайтаради. Пулни ойимга узатаман. Ойим олмайди, санамайди. Кўзимга термулиб туриб, чуқур хўрсинади. Ана ўша хўрсиниши ёқмайди. Авваллари маош олган куним албатта «эски гап» қўзғалар эди.

«Уканг бир эмас иккита болали бўлди, ўғлим, кўчага чиқолмайдиган бўлиб қолдим-ку! Кимни кўрсам, Музаффарни қачон уйлантирасиз дейди. Даданг иккаламизни боғлаб берганмас, болам...» Ойим гапини тутатмасдан, дадам илиб кетади. «Қўй, Роби, овора бўлма, ўғлинг осмондаги ойни олади!»

Дадам билан ойим гапирaveraди. Мен эса Мунавварни эслайвераман. Ҳайрат билан тикилиб турган кўзларини, катта-катта, қоп-қора кўзларини... Кейин нимага институтдан кетганим, нега қурилишга келганимни ўйлайман. Улар азбаройи зилзила туфайли ўғлимиз ўқишни ташлаб кетди, деб ишонади. Мен бўлса... Зилзила нима бўпти! Ўқишни ташлаш нима бўпти! Мунаввар бўлмаганидан кейин... Ахир одам умрбод унутолмайди-

ган, умрбод ўзини кечиролмайдиган нарсалар ҳам бўлади-ку жаҳонда?!

«Осмондаги ой» эмиш... Ойни нима қиламан! Кимман ўзи? Нега одамларга азоб беришим керак? Нима ҳаққим бор? Мана, бугун ҳам бригадамиздаги ўн икки кишининг ҳаммасини хафа қилдим. Сафар акадан бошқа ҳеч ким гапирмади. Лекин ҳаммасининг оиласи бор, бола-чақаси бор... Ҳатто Эркиннинг ҳам. Хўш, нима қилай? Катта виждонсизликлар кичкина нопокликдан бошланишини билсам нима қилай, ахир?

...Метро станцияси ёнидаги дўкончада лимон сотишаётган экан. Кўриб, кўнглимнинг чигили хиёл ёзилгандек бўлди. Яхши, ойимни хурсанд қилишга баҳона топилди. Эрталаб «бошимнинг орқаси ачишиб оғрияпти, яна давлиятам кўтарилганга ўхшайди» деб нолиган эди. Илгари ойимнинг буйраги оғрир эди. Биқинини чангаллаб икки букчайиб қоларди. Энди қон босими ҳам кўшилган. Докторлар буям буйрак касали билан боғлиқ, дермиш...

Навбатга туриб икки кило лимон олдим. Буни қарангки, ялпизли сақич ҳам бор экан. Укамнинг қизи — Нилуфар эшикдан киришим билан, «нима, обкелдиз, катта ада» деб оёғимга ёпишади. (Омоннинг ўғли ҳали кичкина, энди эмакляпти. Аммо Нилуфар пишиқ қиз, бижир-бижир қилиб одамнинг бошини қотириб ташлайди, жиннивой!)

Кўчамизга етиб келганимда ҳали ёруғ эди. Биласиз, бунақа пайтда бола зоти боғлаб қўйсангиз ҳам уйда ўтирмайди. Ҳаммаси кўчага шата-лоқ отади. Қий-чув, тўполон... Кўчадан дам-бадам машина ўтиб турганига қарамай икки тошдан «дарвоза» ясаб олган болалар копток тепяпти. Атлас лозим кийган кўшни келинчак резина ичакдан дарвоза олдига сув сепяпти. Димоққа қизиган асфальт ҳиди урилади.

Арқонда сакраб ўйнаётган Нилуфарни узоқдан кўрдим. Боғчадан кела солиб ташқарига отилган шекилли, оёғидаги гольфигиниям ечмабди. Боши устидан арқон айлантириб дикир-дикир сакраяпти. Узидан тикроқ ўртоғи санаб турибди.

«Нилу!» дейишим билан ярқ этиб қарадию арқонининг бандидан судраганча мен томонга югурди.

— Сенга миннама обкелдим! — дедим бир қўлимда лимон ўралган газетани кучоқлаганча, иккинчи қўлимни чўнтагимга тиқиб.

— Нима, катта ада, нима? — деди Нилуфар ҳаллослаб.

— Аввал битта ўпай, кейин бераман.

— Ҳо! — Нилуфар ўзини орқага ташлади. — Олдин беринг-да!

— Майли, яримта ўпаман.

Нилуфарнинг кир юзидан ўпиб, сақични узатдим.

— Мана! Ўртоғингга бер...

— Урре! Катта адам жевачка обкелдила! — Нилуфар қўлимдан сақични юлқиб олдию кутиб турган ўртоғи томонга югурди. Беш-олти қадам нарига бориб. тўхтади-да, бир нима эсига тушгандек орқасига қайрилиб қаради.

— Катта ада, бувим ўлдила... — деди кўзларини пирпиратиб.

— Нима? — Этим сесканиб кетди. — Нима дединг?

Нилуфар чопганича ўртоғининг олдига борди. Икковлашиб югуриб кетишди. Кўз олдим қоронғилашиб чайқалиб кетдим. Алланима ерга дўпир-дўпир тушаётганини кейин пайқадим. Қарасам, лимонлар асфальт йўлкада ҳар ёққа думалаб кетяпти.

Ойимнинг эрталаб айтган гапи яна қулоғимга жаранглади:

«Бошимнинг орқаси ачишиб оғрияпти, ўғлим. Тагин давлиятам ошганга ўхшайди».

Юрагим сирқираб уйга югурдим. Ҳовли кимсасиз, сув сепилмаган, ивирсиб ётарди. Бундан чиқди... Бундан чиқди, ҳаммалари ойимнинг бошида ўтирибди. Демак, ойим...

Айвонга қандай отилиб чиққанимни, ойим билан дадам турадиган уйга қандай кирганимни билмайман.

Энг аввал девор тагидаги темир каравотга қарадим. Йўқ, кароват бўш эди. Шундагина дераза ёнида хонтахта олдидаги кўрпачада ўтирган ойимга кўзим тушди. Эшикка суянганча бўшашиб туриб қолдим. Ойим

хонтахтага тўкиб қўйилган гуручни тозалар, деразадан тушиб турган нурда юзи рангсиз, дардчил кўринар эди. Мени кўрдию ялт этиб қаради.

— Келдингни, ўғлим? — деди жилмайишга уриниб. Уша заҳоти юзида аянчли ифода пайдо бўлди.

Одамзоднинг қонида ғалати адолатсизликлар бўлади. Бегоналардаги ўзгаришни дарров сезасиз-у, яқин одамингизга эътибор бермайсиз. Худди ота-онангизни биров сизга боғлаб бериб қўйгандек. Гўё улар сиз учун абадий яшаши шартдек. Ойим кексайиб қолганини, сочлари оқариб кетганини, қовоқлари салқиб, юзи йиллаб тўшакка ёпишиб ётган одамдек сарғимтил-заҳил тусга кирганини энди пайқадим.

— Ойи... — дедим секин... — Тузукмисиз? Нилуфар... жинни... — уёғини айтмадим. Кўнглимни қувонч илтиб ўтди. — Мен сизга лимон...

Қарасам, газета «варонка»ни ҳалиям қўлтиғимга қистириб турибман. Тагида иккита лимон қолибди.

— Лимонни қўятур, Музаффар! — Ойим оғир қўзғалиб ўрнидан турди. Совуқ лаблари билан пешонамдан ўпди. — Ўтир, болам.

Ҳайрон бўлиб, кўзига қарадим. Ҳозиргина кўнглимни қувонтирган шодлик ўрнини хавотир эгаллади.

— Тинчликми, ойи?

Айвон томондан дадамнинг йўталгани эшитилди. Уйга аввал тамаки иси, кейин дадам кириб келди. Саломимга жавобан одатдагидек «валеи...» деб қўйдю оқсоқланиб келиб ўзининг жойига — хонтахта тўрига ўтирди. «Беломор»ини сўриб хонтахта бурчагидаги пиёлага кулини ташлади. Негадир хўрсиниб, юзини ўгирди. Нима гап ўзи? Ойимга юзландим. У чиллакдек ингичка, титроқ бармоқлари билан яна гуруч теришга тушди. Гўё ҳар битта гуручни санаётгандек, бир нуқтадан кўз узмас, лаблари титраб турарди.

— Нима бўлди! — дедим бетоқатланиб.

Ойим «сиз гапиринг», дегандек дадамга қаради. Дадам бўғинларини шиқирлатиб ўрнидан турди. Оқсоқланиб топча олдига борди. Чойнак қопқоғига қистириб қўйилган аллақандай қоғозни олиб, тепамга келди. Индамай узатди. Телеграмма экан. Тепаси кўк хошияли «Молния» телеграмма. «Онанг вафот этди. Жума куни чиқарамиз». Шу. Имзо ҳам йўқ, бошқаям.

Энди тушундим. Ҳали Нилуфар «бувим ўлдила» деб бежиз айтмаган. Бундан чиқди... Қўқондаги ойим... Онам... бечора онам! Томоғимга аччиқ бир нима тикилиб келди. Қачон кўрувдим охириги марта? Қачон борувдим Қўқонга? Неча йил бўлди? Ўн йилми, ўн беш йил? Билмадим, эсимда йўқ. Фақат қиш эди. Қаҳратон қиш... Тор кўча. Уртасига қор уйиб қўйилган каталакдек ҳовли. Чақмоқ телпакли одам. Совуқ вокзал. Йўлдошхон ака. Тоғорадаги ош. Қон йиғлаб қолган онам.

...Бир маҳал ойимнинг пиқиллаб йиғлаётганини ҳис этдим у бошимни кўтардим. Уй ичи қоронғи бўлиб кетган, дадам босиб-босиб папирос чекар, ҳар тортганида папироснинг учи ловиллаб, мўйлови, ўйчан юзи, бир нуқтага қадалган кўзлари ёришиб кетарди. Ойим рўмолининг учини юзига босганча ҳиқ-ҳиқ йиғлар эди.

— Бу дунёга келиб нима кўрди бечора, — деди у титроқ лабларини тишлаб.

— Отланақол, Музаффар... — Дадам дағал бармоқлари билан папиросни пиёлага ботириб ўчирди. Секин ўрнидан туриб, чўлоқланиб борганча чироқ ёқди. — Самолётга ишониб бўлмайди, — деди ўзига-ўзи гапирётгандек. — Поездга чиқасан. Ҳали замон Омон келади. Ўзи обчиқиб қўяди.

Индамадим. Кўз ўнгимда яна ўша қор босган ҳовли, чақмоқ телпакли киши, музлаган перрондан сирғаниб-сирғаниб вагон кетидан югурган онам жонланди.

— Шўрликнинг сендан бўлак кими бор! — Ойим енгининг учини кўзига босди. — Жилла курса совуқ дийдорини кўриб қол, болам...

— Автобусда кетаман. — Бу гап хаёлимга тўсатдан келди. Авто-станция яқин. Автобуслар кечаси қатнайди...

ИККИ ЭШИК ОРАСИ ◆ РОМАН
◆ КОШИМОВ

— Маъқул! — Дадам оймга имо қилди. — Қани, бўлақол, Робия! Ойим сандиқ очди. Тугун тугди. Дадам кўлимга бир даста пул тутқазди. Тугундаги нарса тўн билан дўппи эканини билиб, юрагим эзилди. ...Автобус ичи дим. Бензин иси тер ҳидига аралашиб кетган. Деразадан ташқарига тикилганча ўй суриб кетяпман. Осмонда тўлин ой хомуш нур сочади. Автобус билан ёнма-ён учиб боради. Пахтазорлар, йўл четдаги дарахлар лип-лип ўтади. Ҳаммаси оймўманинг юмшоқ беланчагида ором олиб тебранади.

Эҳтимол, кеча онам ҳам шу оймўмага термулиб, мени ўйлаб ётгандир. Кўргиси келгандир. «Уғлим қани?» деб сўрагандир. Анавига-ку, бир нима дейишга ҳадди сиғмайди. Насибага ялингандир, «акангни чақиртир, кўриб қолай» дегандир...

Онам шўрлик... Сўнгги ниятига ҳам етолмаган... Бу қандоқ бедодлик? Бу қандоқ адолатсизлик?! Узинг-чи? Нега йиғламайсан? Кўзингда онанг учун тўкадиган бир қатра ёшинг йўқми?..

Автобус ҳамон чайқалиб боради. Аммо энди иссиқни ҳам, моторнинг гуриллашини, чекка-чеккадан қулоққа чалинаётган хуррақни ҳам сезмайман. Хаёл минг ёққа олиб кетади.

Ажаб, инсон хотираси эшиги беркитиб қўйилган омборга ўхшаркан. Омбор олдидан ҳар куни ўтасиз. Ўтасиз-у, ўз юмушингиз билан овора бўлиб, қайрилиб қарамайсиз. Вақти келиб тасодифий шамол омборнинг эшигини очиб юборадию беихтиёр ичкарига мўралаб қарайсиз. Шунда қизиқ ҳолат рўй беради. Омбор ичида олтидан азиз нарса ҳам, кўзингиз тушиши билан таъбингизни хира қиладиган қақир-қуқурлар ҳам қалашиб ётган бўлади. Алам қиладиган жойи шундаки, сиз улардан хоҳлаганингизни ажратиб ололмайсиз. Буниси керакли, бунисининг керағи йўқ деб бирини олиб, иккинчисини улоқтириб ташлаш қўлингиздан келмайди. Ҳаммаси бараварига жон ато қилиб, атрофингизни қуршаб олади.

БИРИНЧИ ҚИСМ

Биринчи боб

Кичкинтой Музаффар ҳикояси

1. Мен, дадам, «Алвасти кўприк»

Бугун «Қора аммам»никига борамиз! Дадам кеча ваъда қилган. Шунинг учун эрталаб хархаша қилмай уйғондим. Бир бурда арпа нон, тўртта жийда билан чой ичиб бўлгунимча дадам кавшандозда ўтириб этигини кийди. Чап пойини дарров кийди-ю, ўнг пойида анча қийналди. Доим шунақа бўлади: дадамнинг ўнг оёғи қийшиқ. Урушда ўқ тегиб товонини учириб кетган. Пайтавани уч марта қайтадан ўради. Аллакимни сўқди. Кейин қаддини ростлаб, жигарранг шимининг чўнтагидан тамаки халтасини олди. Бошқа чўнтагидан буклоғлик газета чиқарди. Тирноқлари сарғайиб кетган йўғон бармоқларини халтачага суқиб, бир чимдим тамаки олди-да, қоғозга тўқди. Қоғозни бураб-бураб тили билан ҳўллаган эди, папирос тайёр бўлди-қолди. Папиросни мўйлови тагига тиқиб, гугурт чизди. Дадам ҳар гал гугурт чизганида мўйлови ёниб кетмасайди деб кўрқаман. Мўйловиям йўғон-да, ўзи. Худди «Қора аммам»нинг мушугини думига ўхшайди. Диккайиб туради, сарғайиб кетган. Хайрият бу гал ҳам қўймади.

— Қани, гирой, кетдикми? — деди оғзидан тутун чиқариб.

Отим, Гирой эмас, Музаффар. Чойхонадаги кишилар шунақа дейвериб, дадамниям ўргатиб қўйишган.

— Кетдик.

Ота-бола кўчага чиқдик. Эшигимиз олдида бир туп ёнғоқ бор. Шунақанги баландки, учи осмонга тегиб туради. Кузда, ёнғоқ пишганда



Расмларни Рустам ЗУФАРОВ чизган

дадам узун таёқ кўтариб устига чиқади. Қарсиллатиб қоқади. Мен териб оламан. Аммо ҳозир — ёз. Ёнғоқ ҳали пишмаган.

Шундай қилиб, «Қора аммам»никига йўл олдик. Олдинда дадам чўлоқланиб боряпти. Оёғида этик. Эгнида икки чўнтаги дўппайиб чиққан жигарранг шим. Эски кўйлак. Бошида дўппи. Ҳар қадам босганимда ўнг томонга йиқилиб кетаётганга ўхшайди. Лекин йиқилмайди. Фақат тез юрганида ўнг оёғининг тагидан кўпроқ чанг кўтарилади. Судраб босади-да.

«Қора аммам»ники роса узоқ. Нўғайкўрғон деган жойда. Юравериб-юравериб, чарчаб кетасиз. Кўчадан кетаверсангиз энг аввал «Туя» амакининг уйи келади. «Туя» амаки — сартарош. Абдували деган ўғли бор. Бўйи мендан каттароқ, ўзи сап-сарик. Абдували билан энди ўйнамайман. Анунда соққақувар ўйнаган эдик, олтига ёнғоғимни ютиб қочиб кетди. Узининг эшиги олдида ёнғоқ йўқлигига алам қилган-да! Кетидан қувлаб кирмоқчи эдим, Мавлуда опасидан кўрқдим...

Шундай қилиб, Абдувалиларнинг уйидан ўтиб гузарга чиқасиз. Йўқ, аввал «Туя» амакининг сартарошхонаси келади. Фанердан ясалган, томига қора қоғоз ёпилган. Деразаси синиқ. «Туя» амакини Абдувалидан ҳам ёмон кўраман. Сочни устарада олади. Аввал бошингизни роса ишқалайди. Кейин совун суради-да, «бошингни эг» деб туртаверади-туртаверади... Бўйнинг оғриб кетгани билан иши йўқ. Бўйнинг оғриганима майли, бурнингни тортавериб чарчайсан. Нуқул бошингни эгаверганидан кейин бурун оқади-да! «Туя» амаки бўлса, сўқади. «Нима бало, гирой, бурнингда булоғинг борми, қайнаб чиқаяптими?» дейди. Бирпас шунақа ўтирсин, ўзиники қайнаб чиқмасмикин?!

Яна озгина юрсангиз чойхонага чиқасиз. Чойхона ўзимизнинг уй ҳисоб. Икки туп тол тагида тўртта сўри бор. Толлар шунақанги йўғонки, бизнинг ёнғоқдан ҳам катта... Кечқурун бекинмачоқ ўйнаганда қавагига кириб олсангиз ҳеч ким тополмайди. Сўриларга наमत ташланган. Тўғри, чойхўрлар наमतни қайриб, тагига носвой туфлайвериб, қатирмоч қилиб юборган. Тол шохига илинган беданалар бир-бирига гал бермай сайраб ётади. Айниқса биттаси зўр. Бир сайраганда тўхтовсиз етти марта «бит-билиқ-бит-билиқ» дейди. Узим санаганман. Дадамнинг айтишига қараганда, Илҳом чойхоначи шу беданани Хастимом бозоридан бир ғунажиннинг пулига сотиб олган экан. Кечалари тўрқовоғи билан бошига қўйиб ётармиш.

Қишда дадам мени ҳар куни чойхонага олиб чиқади. Тамаки тутуни, самовар буғи билан тўлган пастак чойхонада одам-одамни танимайди. Шифтдаги узун сим — илгакка илиб қўйилган фонус ўзини-ўзи аранг ёритади. Аммо бу ердаги ҳамма нарсани яхши биламан. Қориндор сарик самовар бурчакда туради. Занглаб, чуриб кетган тунука карнай учидан тутун кўтаради. Шифтнинг қамишлари осилиб қолган, кузда чакка ўтган.

Совуқ тушиши билан сўрилар ичкарига олиб кирилади. Бир бурчакда шапарақ кўрпача билан иккита кир ёстиқ дўппайиб туради. Лекин кўрпача ёзилмайди. Одамлар кигизда чордона қуриб ўтришади. Ҳаммаси дадамга ўхшаган кишилар (хотинлар йўқ). Бири чопон, бири эски шинель кийган. Бирининг бошида куя ялаган телпак, яна бири қийиқчаси билан қулоғини боғлаб олган. Дастурхон йўқ. Тўғридан-тўғри кигиз устига қўйилган, эскилигидан гули билинмай кетган патнисларда нон (баъзан арпа нон, баъзан зоғора нон), туршак, икки-уч чақмоқ қанд бўлади.

Чойхонадагиларнинг ҳаммаси мени танийди.

— Қани, гирой, қанддан олинг! — дейди «Туя» амаки илжайиб. — Булбулингиз ўсиб қолдимми? Қачон жичча кесиб сайратма қиламиз энди?

Нариги сўрида ўтирган силлиқ юзли, сийрак соқолли Комил бува патнисдан икки чақмоқ қанд олиб, аzza-баzza опкелади.

— Мана, азамат йигит! Биззи қандданам еб кўринг.

Дадамнинг тиззасида ўтирган жойимда қандга қўл чўзаман. Дадам уришмайди. Бурчакка, самовар тутаб ётган томонга қараб қичқиради.

— Илҳом, самоварингни тагига тош боғлаганмисан, нима бало?! Бермаснинг оши пишмас деб!

Илҳом чойхоначи аллақердан бир пой эски махси топиб, қўнжини самовар дудбуронига кийгизади. Махсини ғайрат билан пастга босиб, шамол юборади. Самоварнинг тагидан чўғ сачрайди.

— Утин ҳўл-да, ака! — дейди ўзини оқлаб. — Емғирда қолган.

— Емғирдамас, дўлда! — дейди «Туя» амаки бақириб.

Қийқириқ, кулги қулоқни ёргудек бўлади.

Чойхоначининг юзи чўтир. Шуни аския қилишади. Биров дўлда қолган таппи дейди, биров чакичланган патир...

Чойхоначи ҳам бўш келмайди.

— Ёзда шунча ялиндим, — дейди шанғиллаб. — Жон ака, сиз чўлда кўп юрасиз, бир аравагина саксовул обкеб беринг, десам ноз қилдингиз. Мана энди аҳвол бу: сизга чой етказиб бўладими! Чўмичда суғоргандай...

Боягидан ҳам қаттиқроқ кулги портлайди. Чойхўрлар бири тиззасига шапатилаб, бири қорнини ушлаб хохолашади. Дадам тиззасига урмайди, тиззасида мен борман. Лекин кўзёшини артиб мацца қилиб кулади. Фақат битта одам — Комил бува хохоламайди. Секин жилмайиб қўяди. Комил бува — табиб. Уни ҳамма иззат қилади. Чойхоначи ҳам унинг патнисига топ-тоза бутун чойнак келтириб қўяди. Охири, тутун ҳиди анқиб турган чой бизга ҳам келади. Дадам тумшўғига тунука уланган чойнакдан аввал менга чой қўяди. Кейин ўзига...

Чойхўрлар бу йил қор кўп ёққанини, буғдой мўл бўлишини айтишади. Оқсоқол колхозга янги трактор олиб келганини, эртанги карамни вақтлироқ экайлик, деганини айтишади. Одамларнинг гап-сўзидан шуни англайманки, Оқсоқол бува «гадавой» майлисида «мен энди кексайиб қолдим, бўшатишлар», деган. Аммо колхозчилар «ўзингиз бўласиз» деб туриб олишган. Кўзим ўзидан-ўзи юмилиб кетаверади. Дадам чопонига ўраши билан елкасига бош қўяман. Дадамнинг чап елкасида муштимни тиксам бемалол сиғадиган чуқурчаси бор. Қизғиш-кўкимтир чандиқ. Немис замбарак отганида ўйиб кетган экан. Доим ухлаш олдидан шу чуқурчани ўйнашни яхши кўраман... Димоғимга таниш тамаки иси урилади. Дадамнинг диккайган мўйлови томоғимга тегиб қитиқлайди.

— Ухлайқол, — дейди шивирлаб. Чандиқни силаб-силаб, ухлаб қоламан... Эрталаб кўзимни очсам уйда — совиб қолган танча четида ётган бўламан...

* Хуллас, чойхона — ўзимизнинг уй. Лекин ҳозир чой ичишга вақтимиз йўқ. «Қора аммам»никига тезроқ бориш керак. Ана, дадам тўпроқ йўлда тўхтаб, жаҳл билан ўгирилди.

— Бўлсанг-чи! Ҳали замон кун ёйилиб кетади. Далага чиқишим керак.

Юриб-юриб, ёнғоқзор ичига кириб қолдик. Бу ердан аввал ҳам кўп ўтганмиз. Ёнғоқзор шунақанги қалинки, баҳорда бировнинг сигири адашиб қолса, кузда ўзи қайтиб чиқмагунча эгаси тополмасмиш. Мана, ҳозир ҳам ним қоронғи, зах чакалакзордан кетяпмиз. Юрагимни ваҳима босади: «Қора аммам» айтган: ёнғоқзорда ажина бўларкан. Одам адашиб қолса, оғзини қийшайтириб кетаркан. Комил буванинг уйи шу ёнғоқзорнинг ичиди — Бўрижарнинг қоқ устида эмиш. Комил бува ажиналардан қўрқмас экан. Қайтага, оғзи қийшайиб қолганларни дори бериб тузатаркан. Шунинг учун одамлар табиб бувани яхши кўрса керак-да...

Ҳаммасиям майли-ку, ҳали Алвасти кўприкдан ўтамиз. Шуниси айниқса ёмон. «Қора аммам»нинг айтишига қараганда уруш пайтида Алвасти кўприкда жин-ажиналар кўпайиб кетган экан. Бир марта Роби опамгаям даф қибди. Опам зўрға қочиб қутулган экан.

Ана, олисдан Алвасти кўприкнинг овози келяпти. Дадам бўлса парво қилмайди. Беш-олти қадам олдинда оқсоқланиб кетяпти. Жонҳолатда кетидан югурдим.

— Дада, чарчадим.

Ҳечам чарчаганим йўқ-да! Қўрқаяпман. Лекин дадамга «Қўрқаяпман» дейишдан қўрқаман. Бир марта «Алвасти кўприкда ажина бормиш», деганимда дадам сўкиб берган: «Ажина-пажина йўқ, алвасти чўпчакларда бўлади, ўғил боласан, унақа кўрқоқ бўлма» деган. Дадам ёлғон гапирмай-

ди. Аммо бари бир Алвасти кўприкка яқинлашганда «чарчаб» қоламан. Дадам тўхтайди. Орқага бурилиб қовоғини солди.

— Сўлоқмондай бола... — деди тўнғиллаб. — Ешинг бешга чикдию уялмайсанми?

Шундай бўлсаям бари бир опичиб олди. Сув борган сайин қаттиқ шовуллайди. Кўзимни юмиб олган бўлсам ҳам сезиб турибман. Иштоним устидан оёғимга тикан киряпти. Бундан чиқди, шундай Бўрижар ёқасидаги тор сўқмоқдан кетяпмиз. Бир томон наъматаклар ўсиб ётган чакалакзор, бир томон чуқур жарлик.

— Бўғиб ташладинг-ку, қўйвор! — дадам жаҳл билан бошини чайқади.

Ўзим ҳам биламан, дадамни бўғиб қўйдим. Лекин нима қилай, қўрқаман-да! Алвасти кўприкка энди келдик. Ана, ҳеч нимани эшитиб бўлмай қолди. Бўрижар дод солиб вошиллаяпти.

Ниҳоят, сувнинг шовуллаши орқа томондан эшитила бошлади. Дадамнинг оёғи тагида шағал шиқиллаётганини билиб, секин кўзимни очдим. Дадам сирғана-сирғана тепага чиқиб боряпти. Қўрқа-писа орқага қарадим. Оппоқ кўпиклар қутуриб тор кўприк остига кириб кетаётган Бўрижарга кўзим тушиб дарров юзимни ўгирдим.

Дадам, ниҳоят, темир йўл устига чиқди. Димоғимга қорамой ҳиди урилди. Олизда тоғлар ортида қуёш чиқиб келар, дадам ҳамон чўлоқланганча шиқир-шиқир шағал босиб, бир жуфт темир йўл орасида мени опичлаб борарди. Шундагина қип-қизил бўйни терлаб кетганини, кўйлаги ҳўл бўлиб, чап елкасидаги чуқурчасига ёпишиб қолганини кўрдим. Қўлимни секин бўшатдим уша заҳоти кўнглимга яна ғулғула тушди: поезд келиб босиб кетса-я!

Дадам ҳарсиллаб нафас олиб, нариги томонга — пастга тушди. Алвасти кўприк ҳамон шовуллаб турар, лекин энг кўрқинчли жой орқада қолган, бу томонда сув ёйилиб тинчгина оқар эди. Терак бўйи қамишлар ўсиб ётган чакалакзорга киргандан кейин дадам елкаси оша менга ўгирилиб қаради.

— Тушсинлар энди, гирой, иззатингиз битди.

Ерга тушишим билан калишим сувга тўлиб чиқди. Қамишзор орасидаги сўқмоқни илиқ, лойқа сув босган эди. Эрта сарғайган қамишлар оҳиста чайқалиб, шивирлаб турар, учидаги макка супургидек попилтириқлари секин-секин чайқаларди.

— Қамиш, — дедим ҳиқиллаб. — Варрагимга қамиш оберапис.

— Ҳозир варрак учирадиган пайтмас! — дадам қўлимдан тутди.

Ана, Нўғайқўрғонгаям етдик. Олизда оқ уй кўриндим, Нўғайқўрғонга келганимиз шу! Оқ уй — колхознинг идораси. Биз у томонга юрмаймиз. Битта арава зўрға сиғадиган тор кўчага кирамиз. Икки томонда пастак уйлар. Баъзиларининг девори тагига сомон уйиб қўйилибди. Уйлар орасида Оқсоқол буваники ажралиб турибди: болохонаси бор. Болохонали уйга яқин келганда дадам яна қўлимни силтади:

— Тезроқ юр!

Оқсоқол буванинг дарвозаси олдидан тезлаб ўтиб, «Қора аммам»нинг эшигига келдик. «Қора аммам»нинг дарвозаси йўқ. Эшигиям шунақа кичкинаки, дадам энгашиб киради. Ана, эшикдан анча нарида, баҳорда каллаканиб, қайтадан шох отган тол тагида эшакарава турибди. Араванинг бир филдираги синган. Шотиси лайлак қилиб қўйилибди.

Ҳар келганимда устига чиқиб ўйнайман...

2. «Қора амма»нинг мушуги

Ҳовлига киришим билан айвондан тушиб келаётган «Қора аммам»ни кўрдим. Аммам худди коптокка ўхшайди. Кичкина, дум-думалоқ. Тагин ёздаям қора нимча кийиб юради.

— Қора амма! Бизлар келдик!
— Вой амманг айлансин! Вой амманг ўргилсин сендан!— У пилдираб келиб мени бағрига босди. Димоғимга қатиқ ҳиди урилди, юзимдан ўпаётганида оппоқ сочининг учига осиб олган сўлкавой чўлпилари бир-бирига урилиб жиринглаб кетди.

— Қора амма, тангангизни ўйнасам майлими?

— Вой танга сендан айлансин!

Дадам елкамга секин туртди.

— Неча марта айтганман: «қора амма» эмас, амма дегин, тентак!

— Сенинг ишинг нима! — «Қора аммам» дадамга қараб илжайди. — Қорани қора дейди-да! Қораман! Тўғрими? Юр, болам!

Аммам қўлимдан тутиб, айвонга судраган эди, орқадан дадамнинг овози келди.

— Мен кетдим, опа. Кеч қоляяпман.

— Ҳой, қаёққа? — Аммам, мени қўйиб, дадам томонга талпинди: — Чой-пой ичмайсанми?

— Кечки картошкани чопиқ қиляяпмиз. Оқсоқол кўрсалар хафа бўладилар. Кечқурун келарман.

— Робиям саҳарлаб чиқиб кетган. Бир пиёла чой ич ахир.

Дадам кўнмади. Шоша-пиша кетиб қолди. Аммам иккаламиз айвондан ўтиб, уйга кирдик. Аммамнинг уйи бизникига ўхшаган эмас. Ҳаммаёқ топ-тоза. Ҳатто деразаларда парда ҳам бор. Токчалардаги лаган-баркашлар ярақлайди. Еттинчи лампанинг шишаси ҳамиша ялтираб туради. Роби опам ҳар куни кул билан ювади. Ўзим кўрганман. Деворда иккита сурат бор. Ёғоч ромга солиб қўйилган. Иккаласиям сарғайиб кетган. Биттаси Ҳусан бувамники. Бошига кичкинагина салла ўраган, чўққисоқол чол. Негадир доим қовоғини солиб туради. Биттаси ёш йигит. Бошида дўппи, эгнида тўн. Хиёл жилмайиб турибди. Худди «бери кел, сенда гапим бор» деётганга ўхшайди. Қошининг қалинлигим, қирра бурними — аллақаери дадамга ўхшаб кетади. Фақат мўйлови йўқ. Бу — «Қора аммам»нинг ўғли — Кимсан акам.

«Қора аммам» бир қўлида супра, бир қўлида элак билан кириб келди. Элакда анча-мунча туршак бор эди.

— Ма, болам, туршак еб тур, ҳозир сенга нон ёпиб бераман. Ўзингга ўхшаган ширингина кулча.

Туршак чайнаб «Қора аммам»нинг рўпарасида ўтирибман. Аммам чўккалаб ўтирганча ун эляяпти. Элак тап-тап, тап-тап этади. Тагидан супрага ун ёғилади. Худди қордек. Аммамнинг қоп-қора билаклари бирпасда унга беланди. У бошини бир ёнга ташлаганча элакни тапиллатади. Ғиж-ғиж нафас олади. Қизик, худди ичига митти одамчалар кириб олган-у, ҳадеб ҳуштак чалаётгандек.

— «Қора амма», ичингизда нима бор?

У ярқ этиб бошини кўтарди. Маънос кулди.

— Дард бор, болам, акангни дарди бор...

Яна жимлик чўқди. Элак тапиллайди. Тагидан ун ёғилади. Аммамнинг ичидаги «одамчалар» ҳуштак чалади.

Туршагимни еб бўлдим. Энди данак чақиш учун ўрнимдан турмоқчи эдим, аммамнинг овози чиқиб қолди. Менга гапиряпти, десам ашула айтаётган экан.

Дукур-дукур от келди,
От бошида хат келди.
Хатини ўқиб кўрсам,
Вой-вой билан дод келди.

Қизик, элак билан аммамнинг ашуласига мос тапиллаётганга ўхшаб кетди. «Дукур-дукур от келди...»

Аммам яна жимиб қолди. Нафасининг ғижиллаши кучайиб кетди. Деворга — Кимсан акамнинг суратига тезгина қараб қўйди-да, хўрсинди, яна мингиллаб ашула айта бошлади...

Бу гал элакнинг тапиллаши ҳам сусайиб қолди. Энди у секинроқ,



оғирроқ чайқала бошлади. Худди «жон-бо-болам, жо-ним-болам» деётгандай.

Аммам икки қўллаб элакни кўтариб ун ёпишган билаги билан кўзини артди.

— «Қора амма», йиғламанг...— дедим ялиниб.

— Йиғлаганим йўқ, болам! — Аммам бурнани тортиб жилмайди. — Нега йиғлай? Яқинда Кимсан аканг келади. Тўй қиламиз. Сен-чи, Кимсан аканг билан отга мингашиб тўйга айтасан... Бор, болам, данагингни чақиб егин. Тандир тагида-чи, теша бор. Ҳазир бўл, қўлингни чақиб олма тагин.

Қўлимда бир ҳовуч данак билан айвонга чиқдим. Айвон тоқчалари бўм-бўш. Иккита сопол лаган билан тўртта товоқдан бўлак нарса йўқ. Деворга қатор мих қоқилган. Биламан, куздами-қишдами келсангиз шу михларга қатор қилиб беҳи илиб қўйилган бўлади. Айниқса, қишда ҳаммаёқни беҳи ҳиди тутиб кетади.

Гувиллаб олов ёнаётган тандир тагидан тешани топиб, япасқи фишт устида данакларни чақиб едим. Охири учтами, тўртта данак қолган эди, ёнбошимда бир нарса «миёв» дейди! Қарасам «Қора аммам»нинг мушуги! Жуда юввош мушук-да, ўзиям!

— Ма, Мош, пиш-пиш!

Мош «миёв» деб оёғимга суйкалди. Бўйнидан ушлаб, оғзига мағиз тикдим.

— Е, Мош, е!

Шунақа ширин мағизни емади! Оғзидан чиқариб ташлаб «пси» деб аксириб ҳам қўйди. Мушукни қучоқлаганча ҳовли этагига югурдим. Мушук шунақанги чаққон бўладики, аэропландан ташласангиз ҳам ўлмайди. Оёғи билан тушади! Абдували айтган. Қани кўрайликчи!

Э, «Қора аммам»нинг бостирмаси баланд экан-ку! Нарвон сўрамоқчи бўлдим-у, кўрқдим. Биламан, аммам «мушукка озор берма» деб койийди.

Мушукни қучоқлаганча ҳовли бурчагига бориб қарасам оғилхона томи билан бостирманики тутшиб кетган экан. Аввал оғилхонанинг томига чиқамиз, кейин бир осилсак, бостирмага чиқиб турибмизда!

Шундай қилдим. Тўнкарилиб ётган сават замбилга, чиқиб оғилхона томига тирмашдим. Икки тирсагим деворга тегиб шилиниб кетса ҳам парво қилмадим. У ердан амаллаб бостирмага чиқиб олдим. Мушук шунда ҳам парво қилмади. Кўзини юмиб, хуриллаб ётибди. Бостирма томидаги ўтлар қовжираб қолган экан. Товонимга тегиб ғашимни келтирди.

Худди шу пайт «Қора аммам» сават кўтариб тандир томонга ўтиб қолди. Мош ҳам аммамни кўрди шекилли типирчилаб миёвледи. Аммам, овоз қаёқдан келганини билмай аланглади. Лекин ҳар эҳтимолга қарши огоҳлантирди.

— Мушукка озор берма, Музаффар! Улуғлар орқасини силаган жонивор-а!

Ҳозир кўрамиз-да! «Улуғлар» силаган бўлса орқаси билан тушарминкин, ё оёғи биланми?

— Мош-мош, бўлди... — деб силаб-сийпаладим-да, том лабига келдим. Аммамнинг тандир ковлашини пойлаб туриб, мушукнинг тўрттала оёғидан қисиб ушлаганча чалқанчасига ерга ташлаб юбордим. Мушук ўша заҳоти лип этиб ўнгланди. Оёғи билан ерга юмшоққина тушди. Думи ҳурпайиб кетди. Яна бир марта «миёв» деб мен томонга жаҳл билан қаради-да, гултожихўрозлар орасига кириб ғойиб бўлди. Қойил!

Томдан қайтиб тушиб, гултожихўрозлар орасини қарасам, мушук йўқ. Шунча қидирсам ҳам тополмадим. Зерикиб молхонага кирдим. Бурчакда турган сигир ним қоронғида кўзлари ялтираб пишқириб қўйди. Аммамнинг сигири ҳам ўзига ўхшаган қоп-қора. Сигир кавш қайтараркан, ювошгина «мў-мў» деди. Бора-бора кўзим қоронғиликка ўрганди. Ўртадаги устунга исириқ боғлаб қўйилган. Исириқ чанг босиб қорайиб кетган. Девордаги михларга қуриган гултожихўрозлар, шода-шоода қизил гармдорилар илинган. Бир чеккада хаскаш, кетмон, паншаха...

Энди бостирмадан чиқиб кетаётсам, қатор-қатор хумларга кўзим

тушди. Ҳар биттаси мендек келади! Аммам айтган. Бир вақтлар — урушдан олдин шу хумларда дон-дун, гўшт-ёғ тураркан. Ҳусан бувам ҳамма нарсани килолаб эмас, хумлаб оларкан. Ҳозир улар бўм-бўш. Чертсангиз «гум-гум» қилади. Аввал битта хумни чертдим. Кейин иккинчисини, учинчисини чертиб кўрдим. Ҳаммаси гумбиллайди. Охиргисининг ичида бир нима шитир-шутур қилди. Чертишга тоқат қилмай муштим билан уриб кўрдим. Алланима хум ичини тимдалагандек бўлди. Бирдан Мош эсимга тушди. Томдан ташлаганимда аразлаб хумга кириб олган бўлса-чи?

— Мош! — овозим борича бақирдим. — Мош, чиқ.

Ҳовли томондан «Қора аммам»нинг товуши келди.

— Кулчанг пишди, Музаффар!

Хум ичида яна ўша шитирлаш эшитилди. Оёғим учиди чўзилиб уввало уринсам ҳам, нима борлигини кўролмадим. Хумнинг оғзи пешонам билан баб-баравар!

«Қора аммам» тагин чақирди.

— Келақол, болам, совуб қолади.

Охурда ётган пачоқ челакини кўтариб келдим-да, тўнкариб устига чиқдим. Хумнинг бўйнидан чангаллаб ичига мўраладим. Ҳеч нарса кўринмайди-ю, бари бир тагида бир нима типирчилаяпти. Ниҳоят, хумнинг силлиқ деворига сапчиётган каттакон ола каламушни илғадим. Бўлди! Ҳаммаси аниқ! Бу каламуш амаллаб хумга ўрмалаб чиққану ичидаги донни еб бўлиб қанақа қилиб чиқиб кетишини билмаяпти. Ҳозир кўрасан! Мошни обкеламан, таъзирингни беради.

Тўнкарилган челақ устидан сакраб тушиб, ҳовлига отилдим.

— Мош! Пиш-пиш! — дедим ялиниб.

— Вой, Мошинг ўлсин! — «Қора аммам» тандирга шўнғиркан, сават бурчагида турган жажжи кулчага имо қилди. — Аввал ўзинг еб ол.

— Мош! Пиш-пиш! — кўлим куйганига қарамай кулчани бурдаладим. Димоғимга нон иси урилиб оғзим сув очиб кетди. Бироқ ҳозир нон ейишдан кўра қизиқроқ ишим бор. Мушукни топсам бўлди!

— Ма, Мош! Мана нон!

Мушук миёвлаб яқин келди. Тиззамга ўтқазиб бир бурда нон едирдиму секин кўтарганча бостирмага югурдим. Аввалига индамай келган Мош қоронғи бостирмага кирганидан кейин думи ҳурпайиб, типирчилай бошлади.

— Мош, мош! — деб орқасини силадим-да, каламуш қамалиб қолган хумга яқин келдим. — Мош!.. Мана... Ҳозир...

Мушукнинг кўзлари совуқ ёниб, жунлари типпа-тик бўлиб кетди.

— Мош... — Шундай деб мушукнинг бошини хум оғзига тикқанимни биламан. Ёввойи товушда «мав!» дедию орқа оёғи билан кўлимни қаттиқ тимдалади. «Вой-вой»лаб қўйиб юбордим. У жонҳолатда сигир устига сапчиди. Сигир пишқириб ўзини четга ташлади. Думини хода қилиб мўраб юборди. Мушук кўзлари ёнганча эшикка отилди.

— Амма! «Қора амма!»

Ғиж-ғиж нафас олаётган, қўрқувдан кўзлари олайиб кетган аммам югуриб кирди.

— Нима қилди, — деди нон ҳиди анқиб турган қўллари билан бошимни бағрига босиб. — Айт, нима бўлди?

— Юмдалади! Мушук юмдалади! Вой кўлим!

— Ҳақ қилиқларинг ордона қолсина! Отанга нима дейман! — Аммам кўлимдан чангаллаган қўйи, ҳарсиллаганча ҳовлига олиб чиқди. — Мушук билан ўйнама девдим-ку.

У ёғоч қошиқда қозон тагидан қорақуя қиртишлаб олди. Қорақуяни ярамга босганида баттар ачишиб кетди.

— Каламуш! — дедим йиғлаб. — Хумда каламуш бор экан. Мош билан уриштирмоқчи эдим.

— Ўлсин! — Аммам бошидан рўмолини юлқиб олди. Сочлари ёйилиб, чўлпилари жиринглаб кетди. — Каламуш ўла қолсин! Хумни

йиқитсанг-ку ўз йўлига кетарди. Отанга нима дейман. Эрка бола бўлсанг...

Ажаб, аммам қоракуя қўйиб рўмоли билан боғлагандан кейин оғриқ дарров босилди. Аммам чой ичирди, ўзимнинг кулчамдан қолганини едирди. Жой солиб берди.

— Ухла! Отанг нима қилди, деса, йиқилиб тушдим дейқол. Укам бечоранинг топганиям, тутганиям сенсан...

Нега ухларканман! Тўғри, энди Мош билан ўйнамайман. Ёмон мушук экан. Аммамникида ўйин камми! Ана Ҳусан бувамнинг аравасига чиқаман. Бир ғилдираги синган бўлса нима қипти? Аввал устига чиқаман. Кейин секин-секин шотисига осилсам «лайлак» бўлиб турган шоти ерга тушади. Шотини қўйиб юборсам яна кўтарилиб кетади.

«Қора аммам» мошхўрдага олов ёқишини пойлаб пастак эшиқдан лип этиб ташқарига чиқдим. Эшакараванинг бутун ғилдирагига осилиб устига миниб олдим. Шоти бандига кўндаланг ўтириб, пастга боса бошладим.

Офтоб ботиб кетган, нимқоронғулик чўккан, ҳавода жўхори кабоб ҳиди кезарди. Қаёқдан келяпти бу хид? Оқсоқол буваникидан шекилли. Менам аммамга, кўмма қиберинг, десам бўларкан. Жўхори кўмма зўр! Думбул сўтанинг орқасига чўп тиқиб, чўғга суқсангиз «порс-пурс» этган овоз чиқади. Қарабсизки, бирпасда жўхори кабоб тайёр!

Араванинг шотисини энди пастга туширган эдим, ним қоронғулик ичидан овоз келди.

— Музаффар!

Танидим! Роби опам!

— Роби опа! — Аравани ҳам унутиб чошиб бордим. Роби опам бақувват қўллари билан ердан даст кўтариб қучоқлаб олди. Димоғимга лампамой ҳиди урилди. — Аравани ўйнама, болажон! — деди пешонамдан ўпиб. — Юр, уйга! Яхшиси, эртага отимга миндираман.

Роби опамнинг «отини» биламан. Ғилдиракларининг тиши катта-катта, дудбуронидан тутун чиқиб турадиган трактор! Баҳорда келганимда Роби опам «оти»да учирган. Роби опамни яхши кўраман. Ўзиям яхши-да! Аммамга ўхшаган кичкинамас. Бўйи новча, юзи оппоқ, чиройли. Сочи узун, ерга тегади.

Роби опам бизникига ҳам бориб туради. Жомашовда менинг иштонларимни, дадамнинг қўйлак-шимларини ҳафсала билан ювади. Роби опам «Қора аммам»нинг рўмоли билан боғланган қўлимга кўзи тушдию хавотирланиб сўради:

— Нима бўлди, болажон?

— Э, ҳеч нима! — дедим гиройлик қилиб.

Роби опам лампамой ҳиди анқиб турган қучоғидан бўшатмай мени ҳовлига олиб кирди. Ошхонада куймаланаётган «Қора аммам» биз келганимизни дарров билди.

— Робия! — деди қозон кавлашда давом этиб. — Мошхўрда пишди. Чироқни обкириб, сигирни соға қол.

Овқатдан кейин айвонда, хонтахта атрофида ўтириб чой ичдик. Аммам ғиж-ғиж нафас олиб, дастурхонда қолган нон увоқларини йиғиштирди. Роби опам тиззасига қийиқча ташлаб гул сола бошлади. Бостирма томининг орқасидан ой чиқди. Олис-яқинда итлар ақиллади. Аллақаёқда мушук миёвлади. Қўлимни тимдалаган Мош... Одамни зериктирадиган жим-жит оқшом.

Бирдан дадам эсимга тушиб қолди. Нимага ҳалигача келмади?

— Қора амма! Кетаман! — дедим йиғламсираб. — Дадамминан ухлагим келаяпти!

— Ҳозир, болам, даданг ҳализамон кеп қолади! — дея аммам пешонамдан ўпди.

— Вой, болажон, — Роби опам тикиб ўтирган каштани ёнига қўйиб, бошимни силади. — Ке, менинг ёнимда ўтир.

— Керакмас... — дедим йиғламсираб. — Дадам қачон келадила?

— Бечора-ей! — аммам мени бағрига босди. — Сени отанг тўққан ўзи! Келади! Келмай қаёққа борарди!

Бир томонимда аммам, бир томонимдан Роби опам ўртага олиб ётишди. «Қора аммам»дан қатиқ иси, Роби опамдан лампамой ҳиди анқийди. Мен бўлсам дадамнинг тамаки иси анқиб турган мўйловини, елкасидаги чуқур чандикни ўйнаб ётишни қўмсайман...

3. Ёмон чумчуқ

Кўзимни очсам, тепамда дадам чекиб ўтирибди.

— Турсинлар, гирой, — деди кулимсираб.

— Қачон келдиз?

— Ўзинг ухлаб қопсан-ку, қани ювин тезроқ.

Ростдан ҳам кечаси ёнимда дадам ётгани аниқ. Ёстиқдан папирос ҳиди келяпти. Ўрнимдан туришим билан дадам боғлоғлиқ қўлимга қараб сўради.

— Нима қилди?

— Э, йиқилиб тушдим.

Айвондан тушиб борарканман, дадам кетимдан гапириб қолди:

— Тинчимаган боласан-да, сув тегизма энди. Газак олади.

Гултожихўрозлар очилиб ётган ариқча бўйида чўнқайиб, чап қўллаб ювиндим. Қарасам — нарироқда Мош ҳам ювиняпти. Олди оёғининг учини оғзига тегизиб ҳўллайди-да, юзига суртади. Ўзининг юзини юмдаламайди! Кесак билан тушириб қолгим келди-ю, дадамдан кўрқдим.

Аммам ошхонадан икки товоқ қаймоқ олиб чиқди. Роби опам йўқ, аллақачон далага кетган, вақтли бормаса, Башор хола деган бошлиғи уришади!

Дадам қаймоққа нон тўғраб, шоша-пиша еди.

— Бола қолаверсин! — «Қора аммам» ҳарсиллаб нафас олганча дадамга юзланди.— Юраверади. Ҳали жўхори кадоб қилиб бераман.

— Ҳа! — дедим ирғишлаб.— Жўхори кадоб ейман!— Йўқ — дадам менга қараб қовоғини солди.— Тўполон қилиб, яна бир балони бошлайсан.

Аммам дадамнинг қўлига тугунча тутқазди. Биламан, тугунчада кеча ёпилган нон, туршак бор. Пастак эшик олдида келганда девор тагида турган каттакон кетмонга кўзим тушди. Дадамнинг кетмони! Банди шамдай силлиқ, юзиям баркашдек келади. Дадам кетмонни елкасига олиб, аммам берган тугунчани дастага илди.

— Тез-тез кептургин, болани обке! — деб қолди аммам кетимиздан.

Кўчага чиққандан кейин яна Алвасти кўприкдан ўтишни ўйлаб юрагим увишди.

— Алвасти кўприкка борамизми? — дедим ҳиқиллаб.

— Йўқ, саккизинчи бригадага!

Маза! Идора олдидан ўтарканмиз! Идора — кеча ўзим узоқдан кўрган оппоқ уй. Олдида иккита ҳайкал бор. Берироқда ҳовуз. Ҳовуз четида толлар, бир туп ўрик. Сув юзида беш-олтита ўрик қалқиб турибди: сап-сарик. Қантак ўрикка ўхшайди! Ҳовуз олди гулзор. Карнай гуллар очилиб ётибди. Ҳу, ана, идора орқасида катта-катта деразали узун уй. Бу — «Қулуп». Томида радио ашула айтяпти.

Ўҳоят, картошка полизга етиб келдик. Дадам шошганича бор экан. Олисида, пайкал ичида эркагу аёл колхозчилар юрибди. Кетмонлар тонг офтобида ярақлайди. Бошига дакана танғиган аёллар, дўппи кийган эркаклар пайкал-пайкалга бўлиниб, чопиқ қилишяпти.

Дадам шарқираб оқиб ётган ариқ бўйида, бир туп садақайрағоч тагида тўхтади. Оёқ учида чўзилиб, тугунни қайрағочнинг пастки шохига илди. Белидаги қийиқчани ерга, сояга ёйди.

— Шўхлик қилмай, жим ўтир, хўпми? — деди ҳар доимги гапини қайтариб.

Дадам билан кўп жойга борганман. Ариқ тозалашга, арпа ўришга. Дадам далага кириб кетганда мен пойлаб ўтираман. Урганиб қолганман.

Дадам бир ҳатлаб ариқдан ўтди-да, картошка пайкалга кириб кетди. Дадамнинг кетмон уришини томоша қилишни яхши кўраман. Дастасидан

кўтариши билан каттакон кетмони офтобда ярақлаб кетади. У кетмонни шу қадар зарб билан урадики, ер силкиниб кетгандай бўлади. Тағин ҳар гал кетмон ташлаганда «ҳаҳ-ҳаҳ», деб кўяди. Худди бировга зарда қилгандек! Биламан, ҳозир дадам терлай бошлайди. Аввал бўйни терлайди: қип-қизариб, ялтираб кетади. Кейин оқ кўйлагининг гарданига ёпишган жойи ҳўл бўлади.

Қайрағочнинг ғадир-будир танасига суяниб ўтирарканман, муттасил чирқиллаётган чумчуқлар қулоғимни батанг қилиб юборди. Бошимни кўтариб қарасам, садақайрағоч атрофи ғуж-ғуж чумчуқ. Бири учади, бири кўнади. Вуй, инларининг кўплигини! Биттаси жудаям пастда экан. Дўппидек инда учта боласининг боши кўриняпти. Катта чумчуқ учиб келиши билан учала полопон сап-сарик тумшуғини катта очиб, баравар чирқиллайди. Аммо дадаси ҳеч адашмайди. Ҳаммасига галма-галдан овқат беради. Ие, дадаси иккита экан-ку. Биттаси учиб кетиши билан иккинчиси келяпти. Болаларига навбат билан овқат улашишяпти. Бундан чиқди, биттаси — дадаси, иккинчиси — аммаси!

Болаларини олиб тушиб ўйда боқсам-чи? Нима қипти, чумчуқ сўфитўрғай эмас. Қарғамайди. Қайрағочга қандай тирмашганимни ўзим билмай қолдим. Бир-икки марта сирғаниб кетиб, тиззамнинг кўзи ачишди. Бир амаллаб қайрағочнинг пастдаги шохига осилиб олдим. Чирана-чирана шохга чиқдим. Уёғи осон кетди. Шохлар қалин, худди, нарвондек бир-бирига яқин турарди. Энди чумчуқ ини ҳам, сап-сарик оғзини очиб чирқиллаётган қушчалар ҳам, ҳатто ин ичидаги оқиш тезаклар, тухум пўчоқлариям аниқ кўрина бошлади. Шохларни ушлаб секин-секин ин томон сурилдим. Боядан бери чирқиллаётган қушчалар бирдан жимиб қолди. Хурпайиб, ин тагига ётиб олишди. Нима бўпти, яна озгина силжисам, чумчуқлар меники! Қўйнимга солиб обтушаман-да, ўйга олиб кетаман. Аксига олиб, ин шохнинг қир учида, ингичка жойида экан. Қанча сурилсам, шох шунча қаттиқ лопиллайди. Бунинг устига чанг босган япроқлар юз-кўзимга урилади. Ҳаммаёғим қичишади, оёқларим титрайди...

Қўлим «ярадор»лиги паққос эсимдан чиқиб кетган экан. Тёпадаги шохни қисиброқ чангаллаган эдим, ўнг қўлим қаттиқ ачишди. Аммам ўраган рўмол устидан шох-пох кириб кетдим, нима бало? Кўзимдан ёш чиқиб кетай деса ҳам чидадим. Инга яқинлашган сайин оёғимнинг қалтираши кучайиб кетди. Энди инга қўл чўзган эдим, бир чумчуқ овози борича чирқиллаб шундоқ тумшуғим олдидан учиб ўтди. Юзимга қаноти тегдиям. Қўрққанимдан тўхтаб қолдим. Шунда ғалати иш бўлди. Сонсаноксиз чумчуқлар атрофимда чарх уриб айлана бошлади. Оламни бузгудек бўлиб чирқиллаганча бири уёққа, бири буёққа учади. Кўзимни ўйиб олишга қасд қилгандек, юзимга қанотини тегизиб, чуғур-чуғур қилади. Бошим айланиб кетди. Соғ қўлим билан шохни чайгаллаганча «ярадор» қўлимни силкитиб «кишт-киштлаб» ҳайдадим. Латта ечилиб кетди. Чумчуқлар бўлса тўда-тўда бўлиб, баттар ёпишади. Қўрққанимдан овозим борича бақриб юбордим.

— Дада-а!

Оёғим сирғаниб кетди. Икки қўллаб шохга ёпишган эдим, ярадор қўлим шунақа ачишиб оғридики, шох қўлимдан чиқиб бир зум лапанглаб турдим-да, пастга шўнғидим. Елкам қандайдир шохга қаттиқ урилганини, ерга учиб тушганимни элас-элас биламан...

Бир маҳал кўзимни очсам, дадам кўтариб кетяпти. Доим опичлаб юрарди. Ҳозир қўлига кўтариб олибди. Авваллари чўлоқлиниши ҳечам озор бермасди. Ҳозир ҳам оқсоқланганда жоним чиқиб кетай дейди, қўлим сирқирайди. Дадамдан муттасил анқиб турадиган тамаки ҳиди ҳеч қачон кўнглимни айнитмасди. Энди бўлса қусгим келиб, ўқчий бошладим.

— Дада! — дедим инграб.

Дадам юзимга хавотирланиб қаради.

— Ҳозир, ҳозир, — деди овози хириллаб. — Бирпас чидагин, йигитсан-ку ўзинг, гиройсан-ку.

У аввалгидан баттарроқ оқсоқланиб югуриб кетди. Кўз ўнгимни сарғиш туман қоплади. Яна қусгим келди. Кейин нима бўлгани эсимда йўқ.

Қаттиқ оғриқдан ҳушимга келдим. Яна ўша сарғиш туман. Бора-бора туман тарқалиб аввал дадамнинг муйловини, кейин ўзини кўрдим. Қарасам, ёнида яна битта одам бор. Танидим: думалоқ дўпписини бостириб кийиб олган Комил бува мулойим кулиб турибди. Сийрак соқолини селкилатиб, бошимни силади.

— Қўлни синдириб обсиз-ку, азамат йигит!

Қизиқ, табиб бува ҳар доим одамга шунақа мулойим кулиб қарайди, ҳеч кимга қаттиқ гапирмайди.

Қўрқа-писа дадамга қарадим. Табиб буванинг олдида уришгиси келмади шекилли, қовоғини солиб, юзини ўгирди.

— Зиёни йўқ, — деди табиб бува оғзига нос ташлаб. — Уч ҳафтада сан-кўр, ман-кўр бўлиб кетадилар. Қани, қўлни кўтариб кўринг-чи, йигит. Унисинимас, чап қўлни.

Чап қўлим таёқдек қотириб боғлаб ташланган эди. Табиб бува тахтакачлаб қўйганини тушундим. Қўлимни кўтарган эдим, оғриди-ю, аммо боягидек кўнглим айнамади.

Шу пайт узун қўйлагининг этаги ерга тегай деб турган хотин уйга кирди. Аввал далада кўрганман: табиб буванинг хотини — Лазокат хола. Бурни товўқнинг тумшугига ўхшайди.

— Шафтоли ейсанми? — у қўлидаги каттакон зарғалдоқ шафтолини узатди.

Олишга олдим-у, шафтолини қандай артишни билмай қолдим. Ўнг қўлим «ярадор», чап қўлим синган. Дадам қошини чимириб шафтолининг пўстини арчиб берди. Аммо егим келмади.

Ҳовлига тушишимиз билан кўча эшикдан йўл-йўл қўйлак кийган, соч қўйган йигит кириб келди.

— Ие, гирой, қўлга нима қилди? — деди кулиб.

Танимасам ҳам «гирой»лигимни кўрсатиб қўйиш учун илжайдим: — Ҳеч нима.

Табиб бува мулойим товўшда йигитга тайинлади.

— Укангизни уйларига обориб қўйинг, Олимжон...

Бундан чиқди Алвасти кўприкда Ҳусан бувам билан Оқсоқол бувага ёрдам берган Олимжон ака шу экан-да! Сўрагим келди-ю, дадам қовоғини солиб турганини кўриб индамай қўяқолдим.

Йигит қўлтигим тагидан авайлаб олиб, мени кўтарди.

— Обориб қўяман.

— Йўқ, ўзим... — деди дадам ҳамон қовоғини солиб. — Озора бўлманг, Олимжон...

— Ие, овораси бор эканми, ўзимнинг укам-ку, — Олимжон ака қучоқлаб кўтараркан, кулимсиради. — Бу қўл ҳам ранен бўлганми?

Қўрқа-писа яна дадамга мўраладим. Йўқ, бу гал ҳам индамади. Тамакисини тутатиб, қаттиқ-қаттиқ тортди.

— Бир ҳафтадан кейин тагин обкеласиз, — деб қолди кетимиздан чиққан табиб бува мулойим жилмайиб. — Қисилманг, Шомуроджон. Бола-да, бола!

Салқин, захкаш ёнғоқзор орасида юриб кетдик. Олдинда дадам, орқароқда мени кўтариб олган Олимжон ака... Олимжон акам чўлоқланмас экан. Мени енгилгина кўтариб кетяпти. Сочи ёйилиб, пешонасига тушган. Олисда Алвасти кўприкнинг шовуллаши эшитилди. Ўша томонга қарамасликка ҳаракат қилдим.

— Кузда келсанг-чи, сенга ёнғоқ бераман, — деди у ваъдани катта қилиб.

— Ўзимизниям ёнғоғимиз бор! — дедим илжайиб.

— Ие, зўр экан-ку! — Олимжон ака кулди. — Бўлмаса ўзингни ёнғоғингни олиб келасан. Ёнғоқ ўйнашни биласанми?

— Биламан, — дедим илжайиб. — Соққа қувар, қубба...

— Бўпти, иккаламиз ўйнаймиз. Аммо ютиб олганни қайтиб бериш йўқ.

Ҳовлимизга киргандан кейин Олимжон акам мени айвонга ўтқазди.

Негадир юзимга авайлаб шапатилади-да, кўз қисиб қўйди. Дадам билан хайрлашиб, чиқиб кетди.

Ана энди дадам мени роса уришади! Қўлимга тағин оғриқ кирса ҳам тишимни-тишимга қўйиб ўтиравердим. Дадам уйга кириб сопол лаган олиб чиқди. Оқсоқланиб борди-да, ҳовлидаги холдастор олмани тепиб силкитди. Аллақанча олма дув этиб тўкилди. У олмаларни лаганга солиб, ювиб келди. Этигининг қўнжидан суяк сопли пичоғини чиқариб биттасини арчди. Икки паллага бўлди-да, бир палласини пичоқ учига илиб узатди.

— Ма, е.

Шундагина дадамнинг кўзига юрак бетлаб қарадим. Унинг ранги ўчган, терлаб кетган юзини кафти билан артган бўлса керак, бармоқ изи қорайиб турар, мўйлови титрар эди.

Узимга қолса, олмани жон деб ердим-у, яна кўнглим айний бошлади. Қўлимнинг сирқираши кучайди.

— Оғрияпти, — дедим йиғламсираб.

Дадам кўзимга тикилиб туриб, уҳ тортди. Шимининг чўнтагини узоқ титкилаб, газета-қоғоз, тамаки халта олди-да, қўллари титраб папирос ясади. Гугурт излаб тополмади шекилли, тоқчалардаги баркаш-чой-накларни тарақ-туруқ қилиб анча тимирскиланиб юрди. Кейин «ҳозир» деб кўчага чиқиб кетди. Зум ўтмай бир қўлида хурмача, бир қўлида узун шиша билан қайтиб келди. Тоқчадан ёғоч қошиқ олиб, хурмачага ботирди. Бир қошиқ қатиқни тумшуғимга тиқиштирди.

— Ич, — деди бўғиқ овозда. — Ёғлиқ қатиқ экан. Сартарош амакинг берди.

Баттар кўнглим айниб, юзимни ўгирдим.

— Керакмас...

Тўсатдан дадамнинг кўзида ўт чақнади.

— Дарахтда пишириб қўйганмиди, бадбахт! — деди ҳайқириб.

Қўрқанимдан ғужанак бўлиб олдим. Бирпасда кўнглимнинг айниши ҳам, оғриқ ҳам эсимдан чиқиб кетди. Дадам шахд билан ўрнидан турди-да, чўлоқланиб тоқча ёнига борди. Каттакон пиёлани юлқиб олиб, хонтахта устига тарақлатиб қўйди. Узун шишанинг тагига кафти билан уч-тўрт урган эди, сўрғичланган пўкак отилиб ҳаммаёқни қўланса ҳид тутиб кетди. У важоҳат билан пиёлани тўлдириб қўйди-да, нафас олмай охиригача ичди. Кейин тағин тўлдириб қўйди, яна ичди. Бирпасда кўзлари қизариб, мўйлови осилиб қолди. Негадир ҳарсиллаб нафас олганча тағин пиёлани тўлдирди. Яна ичди. Пиёлани ҳовлига улоқтириб юборди. Пиёла ҳовли ўртасига, олма тагига бориб тушди. Аммо синмади, сакраб кетди. Дадамнинг кўзларида қўрқинчли олов чақнади.

— Улдираман! — деди бақириб. Оғзидан кўпик сачраб хонтахта устида ётган суяк сопли пичоғини боши устида баланд кўтарди. — Улдираман! Сўяман!

Даҳшат ичида чинқириб юбордим.

— Дада! Дада-а-а!

— Сўймасам отимни бошқа қўяман! — У бор кучи билан пичоқни бир урган эди, сопол лаган чил-чил бўлиб кетди. Лагандаги олмалар ҳар томонга сочилиб беш-олтитаси наमतга, иккитаси айвон лабидан думалаб ерга тушди. Пичоқ хонтахтага санчилиб қолди.

— Дада! — дедим титраб. Урнимдан сакраб туриб кетдим. — Дадажон!

— Сўяман! Ернинг тагида бўлсаям топиб олиб сўяман! — Дадам икки қўли билан бошини муштлай бошлади. — Қанжиқ! Улдираман! Улдираман!

У «ўлдираман» деган сайин икки қўллаб бошини муштлар, овози хириллаб қолган, оғзидан кўпик сачрар эди. Бирпасда пешонаси момата-лоқ бўлиб кетди. Кейин ўзидан-ўзи қўл-оёқлари силкина бошлади. Ранги гезариб, овози чиқмай қолди. Шилқиллаб ёнбошга ағдарилди. Даҳшат ичида ўзимни дадамнинг устига ташладим.

— Дада, унақа қилманг, дадажон!..


Оғриқни ҳам унутиб, елкасидан силкитдим.

— Дада, туринг! — дедим ёлвориб.

У қимир этмай ётар, кўзлари бақрайиб қолган, аммо мени кўрмас эди. Йиглаб юбордим.

— Дадажон, туринг. Иккинчи қилмайман.

— Ҳой, Шомурод, сенга нима бўлди? — Аллақаёқдан пайдо бўлган «Қара аммам» пилдираб айвонга чиқиб, дадамнинг юзини силади. Туртиниб ошхонага югурди. Бир коса сув обкелиб, дадамнинг юзига сепди. Айланиб-ўргилиб пешонасини, қўлларини силай бошлади.



Иккинчи боб

«Қора амма» ҳикояси

Пешиндан кейин нуқул ўнг қовоғим учаверди. Қуриб кетсин, шу кўзим учса — хафа бўламан. Сал-пал чалғийманми, деб таппи қилдим, ҳовлини чалиб чиққан бўлдим. Дилим ўлгур ҳеч ёришмайди. Дардимни айтай десам Робия ҳам ишда. Қизим бечорагаям қийин. Эрта кетади, кеч келади. Қизбола боши билан трактор ҳайдайди. Башоратхон ўзи яхши жувон-ку, жаҳли тезроқ. Аччиғи чиқса, эриниям обориб-опкелади. Нима қилсаям бригад-да! Қолаверса, Оқсоқолдек одам ярим кечагача даладан чиқмаганидан кейин ўзини уёққа-буёққа ташлашга уялади-да киши...

Хаёлим бўлинармикин, деб томорқадаги жўхоризордан сигирга ўт юлаётганимда, эрталаб Музаффар «жўхори кабоб ейман» дегани эсимга тушди. Укам ҳам жуда кажбаҳс-да! Болани ташлаб кетақол, десам кўнмаганини кўрмайсизми? Еш бола кун бўйи далама-дала юради. Оғзига бир қошиқ обиёвфон тутадиган онаси бўлмаса! Пешинда обшиқозондан шўрва ичади — шу!

Шомуроднинг феъли чолимга ўхшайди. Чолим ҳам ўз киндигини ўзи кесган хилидан эди. Колхозга биринчи бўлиб ёзилганида Орифхўжа бойнинг одамлари кечаси уйимизга бостириб кирган. «Ичагингни бошингга салла қилиб кетамиз», деб дўқ урган. Чолимнинг жуссаси кичкина бўлсаям, юраги отнинг калласидек эди. «Шу гапинг учун ҳам колхоз бўламан, қўлингдан келганини қил», деб тураверган. Босмачи чиққанида кетига кўп тушишди. Бир марта отишди ҳам. Менинг толеимгами, Кимсанимнинг бахтими, бирон жойи тирналмади. Қайтага, Оқсоқол билан аскар тўплаб, босмачини Паркатгача тириктириб келишди...

Бола нарса, севина қолсин деб жўхорининг сутлироғидан танлаб қўрга кўмдим. Робиянинг келишини кутишгаям сабрим чидамай йўлга тушдим.

Алвасти кўприқдан ўтаётганимда юрагим яна ҳовлиқди. Улсин! Хосиятсиз жой! Колхоз энди тузилганида босмачи шу ерда чолимга ўқ узган.

Ёнғоқзордан ўтиб кетаётсам, олдимдан Комил табибнинг ўғли Олимжон чиқиб қолди. Барака топгур, хўпам яхши бола. Уруш пайтида Робиянинг тракторига сув ташиб юарди. Ҳозир Тошкентдаги катта ўқишда ўқийди. Оқсоқол билан чолим пойиз тагида қолганида қандоқ чирқиллаган эди, бола бечора... Умри бор экан, Оқсоқол тирик қолди, чолим шўрлик...

— Шомурод акамни кига кетяпсизми? — деди Олимжон салом бериб. — Тезроқ борақолинг.

Юрагим бир қалқиб тушди.

— Тинчликми?

— Тинчлик. Хавотир олманг... — дедию кетаверди.

Хавотир олмаганим қўрсин. Эшикдан кириб келсам, бу ҳангома. Қовоғим бекорга учмаган экан-да.

Музаффар бечора қаттиқ қўрққан экан. Дадасидан бир қарич жилмайдиган бола этагимга осилиб ялинди:

— Аммажон, кетманг, сиз билан ётаман!

Қизиқ, соат неча бўлдийкин? Ой пештоққа келиб қопти. Чигиртка чириллайди... Ҳаммаёқ сув куйгандек жимжит. Болани бағримга босиб ўтирибман. Ичкарида Шомурод хўрсинади. Ҳўқтин-ўқтин «бари бир ўлдираман!» деб алаҳлайди. Музаффар, қўли оғриётган бўлса керак, инграйди. Уйқусида чўчиб пинжимга киради. Ана, яна сесканиб тушди. Қўзини очиб, атрофга олазарақ қаради.

— Қўрқиб кетяпман...

— Қўрқма, болам, мен борман-ку. Ухла...

Жувонгина ўлгур-а! Ноинсоф, боланинг уволи тутгур имонсиз! Эрингни бировдан кам жойи йўқ эди-ку! Чўлоқ бўлса, девор оша ўғирлик қилиб бўлмагандир! Тўрт йил қон кечиб келди-ку! Эри урушда ўлган қанчадан-қанча гулдай жувонлар юрибди сабр қилиб. Ақалли болангни ўйласанг бўлмасмиди, имонфуруш!

Ой ҳаволаб кетди. Айвон қоп-қоронғи бўлиб қолди. Уйқу йўқ. Хаёл минг кўчага олиб киради. Кимсаним... Олтитасини ерга қўйиб, биттагина тутган боламниям худо кўп кўрди.

Дукур-дукур от келди,
От бошида хат келди.
Хатини ўқиб кўрсам,
Вой-вой билан дод келди...

Қаёқдасан, болам? Қайси юртларда юрибсан?! Жонинг соғми ўзи? Майли оёқ-кўлсиз бўлсанг ҳам, биров замбилда кўтариб келсам жон дердим! Кафтимда олиб юрардим! Отанг йўлингга термула-термула ўтди. Энди ақалли мени ўз қўлинг билан тупроққа қўйсанг-чи! Йўқ, йиғлаётганим йўқ, болам! Йиғламайман. Мен йиғласам, сен безовта бўласан. Робия куяди. Қизимнинг икки кўзи ҳалиям эшиқда. Бошқа қиз бўлса, этагини қоқардию «бор-е!» деб биттасига тегарди-кетарди. Не-не жойлардан совчи чиқмади. Туққанданми-туғишганданми, деб шуни айтади-да! Бир қиз бўлса шунчалик бўлар.

Шунақа дейман-у...

Вой, ўлмасам! Яна ўша шум хаёлга боряпманми? Кимсаним, жон болам, кечир гуноҳкор онангни! Биламан, асти кўрсатмасин, шаҳид кетган бўлсанг арвоҳинг чирқиллайди. Тирик бўлсанг эртага келиб ёқамдан оласан. «Нима қилиб кўйдинг, шум кампир, сенам онамисан, имонсиз», дейсан! Нима десанг ҳаққинг бор. Қайси она ўз юрагини ўзи суғуриб тупроққа ташлайди? Қайси она ўз боласига ўзи хиёнат қилади?

Қандоқ қилай болам! Ўзинг ўйла, ахир, Робиям, сенинг Робиянг қовжираган гулдек кўзимнинг олдида сўлиб боряпти. Еши ўттизга қараб кетяпти, ўғлим! Совчилар «қариқиз» деб қадамини узиб қўйганига анча бўлди.

Онангнинг гуноҳидан ўт, болам! Бу ният хаёлимга келганига анча бўлганди. Аммо бировга айтиш уёқда турсин, ўйлашгайм кўрқиб юрардим. Бугун тоғангникидаги мана бу «томошани» кўриб... Ақалли шу норасида гўдак ҳурмати онангдан ўпкалама, болажоним!

Хўроз қичқирди. Салқин тушди. Тонг бўзариб, ёнғоқнинг учидаги шохлар силкина бошлади. Мен бўлсам Музаффарни қучоқлаганча мук тушиб, ҳалиям Кимсаним билан гаплашяпман.

* * *

Эрталаб, Шомуродни ишга жўнатиб, Музаффарни ўзим билан уйга олиб кетдим. Бола-да! Қўлининг оғриғини унутиб чопқиллаб кетди. Кечаси безовта бўлиб чиққани учун барвақт ётиб қолди. Робия ишдан келадиган пайт яқинлашган сайин кўнглим алғов-далғов бўла бошлади. Майли, Шомуродни-ку, қайсарми, баломи, бир амаллаб кўндирарман. Лекин Робияга қай юз билан айтаман бу гапни! Нима дейман? Тилгинам танглайимга ёпишса бўлмайдимми?

...Робия кеч келди. Айвон бурчагида ухлаб ётган Музаффарни кўриб суюнди.

— Ие, яна нима қилди? — деди боланинг тахтакачланган қўлига кўзи тушиб.

— Йиқилиб, қўли синибди.

— Вой, бечора! — У Музаффарнинг пешонасидан ўпаётганида юрагим қалқиб кетди.

Кейин озроқ кир чайди. Ярим кеча бўлиб кетганига қарамай бошини ювди. Еттинчи лампани хонтахтага қўйиб, кўк қийиқчага гул боса бошлади. Пилик чирсиллайди, ҳовлида қурвақалар қуриллайди. Робия қизил ипак қатини чаққон-чаққон тортиб кашта тикяпти. Узун киприклари оппоқ юзига тўкилиб турибди.

— Робия! — дедим секин. — Бола шўрлик қўлини ёмон синдирибди. Чумчуқ оламан деб садага чиққан экан.

У ачиниб Музаффар томонга қаради.

— Табиб кўрдими?

— Ҳа, Комил буваси тахтакачлаб қўйибди.

— Жони оғригандир.

— Бўлмаса-чи!

Яна жимлик чўкди. Робия афсусланиб бош чайқади-да, ишини қилаверди.

— Робия... — дедим яна. — Шу болагаям жабр бўлиб кетди. Она бўлмаганидан кейин шу экан-да!

У қийиқчани тиззасига ёйганча бошини кўтарди.

— Аввалам айтувдим-ку, ойижон. Адамга тушунтиринг, Музаффар бизникида тураверсин.

«Адамга тушунтиринг!» Юрагим увишиб, бошим ҳам бўлиб қолди. Мен ноинсоф, мен юзи қаро қайси юз билан... Кимсаним, жон болам, кечир гуноҳкор онангни!

— Робия, — дедим йиғлагудек илжайиб, — совчи келди!

У менга қарамай кулимсиради.

— Муборак бўлсин!

Доим шунақа майнавозчилик қилади. Йиғлаб-сиқтаса, «уйингизга сиғмай қолдимми», деб шовқин солсаям гўрга эди. Кулади.

— Унақа дема, қизим! — овозим титраб кетди. — Кимсан аканг тирик бўлса шу кунгача дараги чиқарди.

У ишини хонтахта устига қўйиб, кўзимга таънали қаради. Чиройли кўзларида «шу гапни сиз айтяпсизми» деган маъно бор эди.

— Мен-чи, ойижон? — деди хотиржам оҳангда.

Тушунмадим.

— Нима сен? Сенга нима бўпти, қизим? Ҳали ўн гулингдан...

Робия «вой, содда ойим-а» дегандек кулимсиради.

— Мен борман-ку, — деди секин. — Мен тирикман-ку! Бундан чиқди, Кимсан акам ҳам тириклар. — У «гап тамом», дегандек яна қатим тортишга тушди. Дамим ичимга тушиб кетди.

— Совчи ким деб сўрамайсанам, қизим, — дедим ичимдан тошиб. келаётган йиғини аранг босиб.

Робия энсаси қотиб кулди:

— Ковушини аямаса келаверсин... Сизга нима?

— Уша совчи — манман!

Бу гап қандоқ оғзимдан чиқиб кетганини билмайман. Робиянинг қўлидаги қийиқча сирғаниб ерга тушди. Ранги ўчиб, юзимга ҳайратланиб қаради.

— А?!

— Шомуродга...

— Нима! — У чаён чаққандек сакраб ўрнидан турди. Этагининг шамоли тегиб лампа ўчиб қолди.

Жонҳолатда оёғига ёпишиб олдим.

Йўқ, мен йиғламайман, деб аҳд қилган эдим. Кимсанимнинг мозорини

топтагунимча, гўрини ўз кўзим билан кўриб, тупроғини ўз қўлим билан қучоқламагунча бир томчи ёш тўкмайман, деб қўйгандим. Ҳозир, боламнинг азасига йиғиб юрган ўша ёшлар бирдан кўзимдан тирқираб чиқди.

— Болам! Жон болам,— дедим илтижо қилиб,— Кимсанни сен кутсанг, мен кутмаяпманми! Ўз боламнинг кўзига ўзим чўп солгандан кўра ўлганим яхшимасми! Нима қилай, жон қизим, иложим қанча!

— Ахир... ахир...— У мадори қуригандай ёнимга чўккалаб қолди. Нами кетмаган сочлари юзимга ёйилиб тушди.

Бошимни кўтариб қарасам, кўзлари ҳайратдан катта-катта очилганча ҳамон чўккалаб ўтирибди. Юзи ой нурида янаям оқариб кетган, энтикиб нафас олаяпти.

— Ойи...— деди пичирлаб.— Ахир у киши... адам-ку...

— Нима қилай, жон қизим...

— Кимсан ака...— Унинг бўғзидан ожиз нидо отилиб чиқди.— Кимсан ака... Ойижон... Нима деяпсиз! Нима қилмоқчисиз?..

ИККИНЧИ ҚИСМ

Учинчи боб

Робия ҳикояси

1. Тошкентга келдик

Агар ойим «ҳозир сен ўласан» деса бунчалик ваҳимага тушмасдим. Бу қандай бедодлик? Шомурод тоғани қичкиналигимдан «ада» деб ўрганиб қолганман-ку. Уям мени «қизим» дейди-ку. Уйига бориб кирини ювганимда, Музаффарни чўмилтирганимда, овқат пишириб берганимда... Ҳеч қачон менга унақа кўз билан қараган эмасди-ку.

Йўк, бобом бўлса бунақа гап чиқмасди. «Овозингни ўчир, пакана!» деб бир мушт кўтарса, ойим пилдир-пис бўп қоларди.

Нима деяётганини ўзи биладими ойим? Ахир... Кимсан акам менинг қайлиғим бўлса, ойимнинг ўғли-ку! Кимсан акам, ҳаммадан кўра ойимга яқин-ку. Нима жин урди уни?

Биламан, Шомурод тоғамга осонмас. Музаффаргаям қийин. Лекин менга бегона одам эмас, келиб-келиб ўзимнинг ойим шу гапни айтса, қандоқ чидайман?! «Ойи» деб шу хотиннинг этагидан ушлагандим-ку ахир!

...Ўз онамни элас-элас хотирлайман. Пастак шифтли уйда, дераза тагида нуқул осмонга қараб ётар эди. Ранги сарғайиб, икки чакаги ич-ичига кириб кетган. Кўзлари қоп-қора, чиройли. Узун-узун киприклари қилт этмайди. Деразадан аллақандай мадрасанинг кунгураддор пештоқи кўриниб туради. Пештоқ чеккасида шерлар тасвирланган. Кийикни қувиб кетаётган даҳшатли шерлар... Онам бир нуқтадан кўз узмай ётади. Баъзан кўзи очиклигича ухлаб қолганга ўхшайди. Аммо ухламайди. Отамнинг эшикдан кириб келишини кута-кута чарчайман. Дадам — ўқитувчи. Мен тенги қизлар дадамнинг мактабига қатнайди. Мен бормайман, онамга кўз-қулоқ бўлиб ўтираман. Дадам ишдан келиб, ойимга қарайди. Кейин патниснинг орқасига ҳарф ёзиб, мени ўқитади.

— Уқи, қизим, ўқи!— дейди тажанг бўлиб.— Ёшинг ўнга чиқди. Сен тенги болалар учинчи синфга кўчди, ўқи!

Нима қилай? Кун бўйи онамга қарасам, қорним оч бўлса, нима қилай?

— Нон...— дейман, ялиниб.— Дадажон, нон!

Онам ётган жойида инграйди.

— Қийнаманг бачамни. Пайти келиб ўқиб олар.— Шу гапни айтгунча ҳам чарчаб қолади, энтикиб-энтикиб нафас олади.— Мен-ку, қилтомоқман. Ақалли, Робияжонга бир бурда нон топиб беринг...

Дадам ноиложликдан баттар тажанглашиб ҳовончада толқон туяди. Бир қошиғини онамга, бир қошиғини менга тутди. Онамнинг томоғидан толқон ўтмайди. Кўзи билан менга имо қилади:

— Бачамга беринг...

...Бир куни эрталаб уйимизга одам йиғилди. Олача тўн кийган кишилар, оппоқ кўйлак кийиб, бошига оқ рўмол ўраган хотинлар... Ҳамма чуввос солди. Дадам бошимни кўксига босганча хўрсиниб-хўрсиниб йиғлади.

Кейин онамнинг тўшаги бўшаб қолди. Ёш бола эмасдим, онам ўлганига аллақачон ақлим етган эди. Бир куни дадам қўлида катта чамадон кўтариб, мени вокзалга олиб чиқди. Фиштин бинога кириб келаверишда, зинада думалаб ётган хотинни кўриб, кўрқиб кетдим.

— Дада! Анави семиз хотин нимага зинада ухлаб ётибди?

Дадам бошимни силади.

— Семиз эмас, шишиб кетган. Қарама, Робияжон. Юр. Поездга миниб Тошкентга борамиз.

Поезднинг тарақа-туруқ овози, одамларнинг шовқин-суронидан бошим айланиб ухлаб қолибман... Эрталаб поезддан тушдик. Трамвайга ўтирдик. Трамвайнинг жиринг-жиринг қилиб юриши қизиқ туюлса ҳам, қорним очган, нон егим келарди.

— Дада, нон...— дедим ялиниб.

— Шошма, бачам, шошма.

Дадам текис қилиб дазмолланган оппоқ итёка кўйлак кийиб, чучвара нусха бўйинбоғ тақиб юрадиган одам эди. Пўрим кўйлак кияди-ю, егани нони йўқ...

Бир жойга келиб трамвайдан тушдик. Дадам қимирламай ўтир, деб, мени чамадон устига ўтқизди-да, ўзи фиштин зиналардан кўтарилиб, ойнаванд эшикка кириб кетди. Анчадан кейин оппоқ, узун яктак кийган, кўкрак чўнтагида соат занжири ялтираб турган чол билан бошлашиб чиқди. Чолнинг соқол-мўйлови, кўзи устига қайрилиб тушган қоши, ҳатто қулоқларининг ичидан чиқиб турган туклари ҳам кўкимтир-оппоқ эди. У гавдасини фоз тутиб келаркан, йўл-йўлакай кўкрак чўнтагидан соатини чиқариб, шиқ эткизиб қопқоғини очди.

— Уҳ-ҳу, вақт кетиб қопти-ку, маълим!— деди бош чайқаб.

Дадам яқин келиши билан яна ялиндим:

— Нон! Дада, но-о-он!..

Бояги чол ялт этиб менга қаради. Баркашдек кафтини дадамнинг ияги олдида пахса қилиб бақирди.

— Ув маълим! Кўчада қизим қолди, оч ўтирибди, десанг ўласанми?

Чол дадамни уради, деб кўрқиб кетдим. Йўқ, дадам чолдан чўчимади, маъюс жилмайди:

— Кўриб турибсиз, Оқсоқол. Замон шунақа: олтин-кумуш кул бўлган, арпа-буғдой пул бўлган.

— Пул бўладими, кулми, падарига лаънат! Локин нораства болани оч қолдирма!— Чолнинг овози гумбурлаб чиқар, унга сайин кўнглим озиб, бошим айланар эди.— Шошма, мен ҳозир!— Чол шундай деди-да, қайтарма қўнжли этик кийган оёқларини катта-катта ташлаб аллақаяёққа кетди. Дадам ёнимга, чамадон зихига чўкиб, бошини қуйи солди.

Бир маҳал орқа томондан гумбурлаган овоз келди:

— Ма қизим, еб ол, буванг айлансин!

Қарасам, бояги чол седана сепилган оппоқ кулчани ушатаяпти. Жонҳолатда қўлимни чўзим. Чол кулчани иккига бўлиб, ярмини менга, ярмини дадамга берди.

— Бунданам оғир йилларни кўрганмиз, маълим!— деди яна шанғиллаб.— Бу кунларам ўтади-кетади. Бу йил— ўттиз тўртинчи йилми? Эсингда бўлсин, маълим, насиб этса, ўттиз бешинчи йилда, узоғи билан ўттиз олтинчи йилга бориб, ҳаммаси оппон-соппон бўп кетади.

Нонимни бирпасда еб бўлдим. Қарасам, дадам ҳали ярмисиниям емабди. Ҳар луқма томоғига тиқилиб қолаётгандек зўрға ютинади.

— Нон!— дедим қўлимни чўзиб.— Дадажон...

Дадам қўлидаги ноннинг қолганини узатди. Чол қараб турганини кўриб, нон бурдасини қўрқа-пуса қўлимга олдим.

— Майли!— Чолнинг соқоли титраб кетди.— Насиб этса, ҳаммаси

яхши бўлади. Қани, маълим, кетдикми? Турақол қизим!— У тагимдаги чамадонни юлқиб кўтарди. Нарироқда от-арава турган экан. Нафсим қониб, энди сув ичгим келарди. Лекин дадамнинг жиддий кўзларига қараб, сув сўрашдан қўрқдим.

Дадам аравага ўтириб, мени бағрига оларкан, чолга қаради.

— Йўл олисми, Оқсоқол?

— Олис... Кўтармага борамиз!

— Соат неча бўлди?— деди дадам қуёш ботиб бораётган уфққа қараб.

— Соат?— Чол дадамга бир қараб қўйди-да, арава ичида ётган камчини олди.— Соатни бошингга урасанми!

Қарасам, чолнинг кўкрак чўнтагида бояги ялтираб турган соат занжири кўринмаяпти.

Дадам унинг кўзига тикилиб, секин хўрсинди.

— Раҳмат... Тирик бўлсам, шу яхшилигингизни...

— Чу!— чол қовурғаси саналиб турган от устида камчи айлантирди.— Чу, оғайни!— кейин дадамга қараб кулимсиради.— Сани туппа-тузук маълим десам, фирт жинни экансан-ку! Чу!

Арава тош босилган йўлдан тарақлаб юриб кетди. Кап-катта қиз, дадамга суюнганча яна ухлаб қопман.

— Хусанбой! Ҳо, Хусанбой!

Кўзимни очсам, ҳамон аравада, дадамга ёнбошлаб ўтирибман. Қандайдир қишлоққа келиб қолибмиз. Толзор кўча, томсувоқ қилинган пастак уйлар... Бояги чол пастак эшикни тақиллатиб, бировни чақиряпти.

Зум ўтмай эшик очилди. Коптоқдек юмалоқ, паст бўйли қоп-қора хотин чиқди. Тавозе билан икки қўлини кўксига қўйиб салом берди.

— Юмушингиз бормиди, Оқсоқол?

— Чақир Думани!— бизни олиб келган чол қора хотинни жеркиб берди.— Эркакларнинг ишига аралашингга бало борми?

Қора хотин ҳовли ичкарасига пилдираб кириб кетди.

— Ув, маълим!— Чол дадамга қўлини пахса қилди.— Тушмайсанми? Нима, сенга особий тақлиф керакми?!

Дадам жилмайиб, мени қучоғидан бўшатди. Ерга сакраб тушди.

— Кел, бачам!— деди пастдан қўлини чўзиб.

— Ўзим...— арава ёндорига осилиб ерга тушдим. Дадам аравага қайтиб чиқиб, чамадонни олиб тушди.

Бир чеккада ётсираб турардим. Уйимизга қайтиб кетгим келарди. Пастак эшик тагин очилди. Бояги қора хотинга ўхшаган паст бўйли, аммо бақувват, ихчам соқолли киши чиқиб келди. Қўли гўннга беланган экан, бизни олиб келган чолга билагини тутди.

— Баҳай, Оқсоқол, тинчликми?

— Тинчлик! Гап бундоқ, Дума!— Оқсоқол дадамга имо қилди.— Самарқанддан меҳмон обкелдим.

— Баҳай! Меҳмон отангдан улў!— пакана киши пилдираб бориб дадамга тирсагини тутди.— Хуш кепсиз, меҳмон!

Дадам ийманиброқ сўрашаётган эди, Оқсоқолнинг азамат овози яна гулдиради:

— Ўртоқ Самадов — маълим. ЎзГУни битирган. Болаларимизни ўқитишга келган, уқдингми?

Чамаси, пакана киши ҳеч нимага тушунмаса ҳам, илжайди.

— Маъқул, Оқсоқол!

— Мулозаматингни йиғиштир, Дума!— Оқсоқол овозини баралла қўйиб, қўлини пахса қилди. — Ўртоқ Самадовнинг маълимлигини уқдингми?

— Уқдим! Меҳмон келса бош устига, дедим-ку!

— Э, меҳмон эмас, овсар!— Оқсоқол жаҳл билан қўл силтади.— Носингдан ол!

Пакана киши йўл четидаги отқулоқни юлиб олиб қўлини артди. Почаси қайрилган шимининг чўнтагини кавлаб, носқовоқ чиқарди. «Ма, чек захарингга» дегандек Оқсоқолга зарда билан узатди.

Оқсоқол кафтини тўлдириб нос отди.

— Меҳмон эмас, мезбон!— деди, носқовоқни эгасига қайтариб.— Кўриб турибсан, замон оғир. Қаҳатчилик битиб, колхоз қаддини кўтариб олгунча саникида туради. Кейин маълимга шунақанги уй собберайлики, кўрган одамнинг оғзи очилиб қолсин. Тушундингми?

Пакана киши «маъқул» дегандек бош ирғади. Бироқ бизни олиб келган чол унчалик қаноатланмади шекилли, тагин шанғиллади:

— Узимизникига оборардим-у, хабаринг бор, келинларимнинг чилласи чиққани йўқ. Қани, нима дейсан?!

Пакана киши, сен чекканда мен қоламанми, дегандек носқовоғининг тагига жаҳл билан уч-тўрт урди-да, Оқсоқолдан ҳам кўпроқ носни кафтига тўкди.

— Турган-битганинг ваҳима-я, Оқсоқол!— деди чийиллаб.— Шуни олдинроқ айтсанг ўласанми? Битта уйни бўшатиб кўярдим.

— Бўшатасан-а, бўшатасан! Кўчада бир тийин тушиб ётган бўлса кетинг билан қисиб оласан-ку!

Пакана кишининг жаҳли ёмон экан. Аввал дадамга, кейин чолга ранги ўчиб қаради-да, чопиб бориб, Оқсоқолга хезланди.

— Ўв!— деди бўйнини хўроздек чўзиб.— Раисман, деб жа ўзингдан кетма! Хусан Думани энди кўраяпсанми, аҳмоқ!

— Бўлди, дўстим, бўлди!— Оқсоқол рўпарасига туриб олиб ёқасига ёпишмоқчи бўлаётган пакана кишининг елкасига шапатилади.— Ҳазилни-ям билмайсанми, нима бало, Дума! Маълим Нўғойқўрғонда мактаб очмоқчи. Катта мактаб. Ишонганимдан сеникига опкелдим-да, ўртоқ!

Пакана киши яна бирпас хезланиб турди-да, нари кетди. Пастак эшикни оёғи билан тепиб, ҳовли ичкарасига қараб ғазабнок чинқирди:

— Чаққон бўл, ҳой! Катта уйни бўшат!

— Маълим!— Оқсоқол носини тупуриб, кафтининг орқаси билан соқол-мўйловини артди.— Дума — мени қадрдоним. Мени айтди дерсиз: нарис билан бир йилда қулинг ўргилсин уй қуриб берамиз. Ушангача шу хонадон сизники.

Дадам чамадонни кўтараётган эди, пакани киши келиб қўлига ёпишди.

— Сиз кўтарсангиз уят бўлади, маълим...

Ҳовлига киришимиз билан бўйи мандан тикроқ, кир кўйлак кийган, қоп-қора каллахум бола чопиб келиб, бошимдаги дўппини олиб қочди.

— Иби, бер,— дедим чинқириб.

— Ойи! Тўппи! Зар тўппи!— деди каллахум бола ҳовли этагига югуриб.

Айвондан бояги қора хотин чопиб тушди.

— Кимсан! Номусга ўлдирдинг-ку! Зар тўппи кийсанг қиз бола бўпқоласан!

— Дада, дўппим... дўппим!— дедим йиғламсираб.— Берсин!

Дадам неғадир хотиржам кулди. Қора хотин чопиб келиб, мени бағрига босди.

— Беради, жон қизим. Бермасин-чи, нақ қулоғини кесиб оламан. Вой бу қизнинг ширинлигини! Отинг нима?

У менинг жавобимни ҳам кутмай, шаталоқ отиб томорқа эшиги томонга қочиб кетаётган болага муштини дўлайтирди.

— Кимсан! Уялмайсанми, тойлоқдек бўлиб қиз болани йиғлатишга! Гўштингни бир бурдадан қилмасам, юрган эканман!

Дадам мени юпатди:

— Беради, еб қўймайди дўппингни.

Пакана киши бир дўқ қилган эди, каллахум бола дарров қайтиб келди. Дўппимни қўлимга тутқазди. Аввалига қора хотин «Кимсан» деганида каллахум боланинг кимлигини билмагани учун шунақа деяпти, деган хаёлга борган эдим. Йўқ, оти Кимсан экан.

Қоронғи тушганида атала ичдик. Ҳеч қачон бунақа ширин овқат ичмагандим. Аталани ичшдан кўра ёғоч қошиқни ялаш маза бўларкан. Буниям каллахум бола ўргатди.

— Менга қара, эй!— деди.— Аввал қошиқнинг орқасини ялайсан. Кейин ичини, билдингми?

Эрталаб уйғонсам, қора хотиннинг кучоғида ётибман. «Дада!»— деб финшиган эдим, қора хотин юзимдан ўпиб юпатди: «Отанг ҳозир келади, қизим. Идорага кетди. Гап бундоқ, Робияхон. Энди сен менинг қизим бўлдинг. Мен — ойингман. Ҳусан буванг — буванг. Ёшинг ўндами? Акангни ёши ўн иккида. Бундан чиқди, Кимсан — аканг. Акангни «сиз» деб гапиргин, хўпми, қизим?»

Қора хотин чойга зоғора тўғраб ичирди. Нима қилишимни билмай ҳовлига тушсам, пушталарда қип-қизил қалампирлар пишиб ётибди. Каллахум — Кимсан қип-қизил қалампирларни узиб олиб, бемалол еб юрибди.

— Жинни!— дедим кулиб.— Қалампир еяпти.

— Ўзинг қалампир!— Кимсан қизил қалампирлардан яна иккитасини узиб оғзига солди.— Қулупнай-ку бу! Еб кўр!..

Кимсан узатган «қалампир»дан биттасини қўрқа-пуса тишлаб кўрдим. Шунақа ширин-ки!

— Яна!— дедим ялиниб.

— Ўзинг узиб ейвер!— Кимсан илжайди.— Қулупнайни билмайди-ку!

Айвон томондан Қора хотин овоз берди.

— Кимсан, синглинга қулупнай териб бер, ўғлим...

— Нима, ўзининг қўли йўқми?— Кимсан менга илжайиб қарадию пуштадан чиқиб нари кетди.

* * *

Биз кўчиб келган ҳовли катта эди. Қатор қилиб солинган икки уй, бир айвон. Этак томонда бостирма, молхона. Ҳовли сатҳи кенг бўлгани билан кафтдек бўш жой йўқ. Ярмисига пиёз сепилган, ярми қулупнайзор. Ундан нарида гултожихўролар очилиб ётибди. Нок, гилос, беҳи дарахтлари тартиб билан экартиб.

Бу хонадоннинг ғалати удумлари бор экан: тонг отгандан кун ботгунча, қимирлаган жон борки, бекор турмайди. Бобом саҳарлаб эшак миниб колхозга чиқиб кетади. Ойим молга қарайди, нон ёпади, кир ювади, чўнқайиб ўтириб, ҳовлидаги пиёзларни ўтоқ қилади, қулупнай пушталарини чопади, терт қоради. Икки ҳафта ичида кўп нарсаларни билиб олдим. Бу хонадонда ҳеч нима бекор кетмас экан. Ойим (Қора хотинни шунақа дейишга ўргандим) пиёз арчса «соқолини» ташлаб юбормайди. Ерга суқади: шунақа қилса яна пиёз ўсиб чиқаркан. Кимсан акам (ойим тайинлагани учун «ака» деб «сизлайман») ўрик еса данагини ташламайди. Чақиб мағзини олиб қўяди. Тандирдан чиққан кул пиёз пуштасига сепилади.

Кимсан акам мен ўйлагандек ёмон бола эмас экан. Баъзан раҳмим келади унга.

Эрталаб бобом далага ишга чиқиб кетаркан супада ухлаб ётган Кимсан акамнинг тепасига келиб, устидан кўрпани улоқтириб ташлайди.

— Тур ўрнингдан! — дейди дағдаға билан.— Мўйлови чиқиб қолган бола ялпайиб ётишингни қара? Бўл тез, гўнгни ташиб қўй.

Кимсан акамнинг мўйлови бормикин, деб қараб қўяман. Йўқ, кўринмайди. Бечора дик этиб ўрнидан туради-да, кўзини ишқалаб молхонага кириб кетади. Бирпасдан кейин замбилғалтакка гўнг ортиб, чираниб-чираниб ғилдиратганча томорқага олиб чиқади. Кечгача тиним билмайди. Ҳамма иш қўлидан келади. Томорқада ер чопади, молга қарайди, ўтин ёради.

Кечқурун энди овқатга ўтирамик, деб турганимизда узоқдан эшак ханграгани эшитилади.

— Турақол, Кимсанжон! — дейди ойим. — Даданг келяпти.

Кимсан акам дарров обдастада илиқ сув тайёрлайди. Кўчадан кириб келган бобом сув қуйиб туради.

Эрталаб ҳаммаси қайтадан бошланади... Бора-бора мен ҳам уй юмушларига киришиб кетдим. Ҳовли супураман, идиш-товоқ юваман, ойим кепак аралаш ундан хамир қилса сув иситаман.

Кузда — почтахона ёнидаги аллақандай эски бинога жойлашган мактабга қатнай бошладик. Мен — биринчи синфга, Кимсан акам — тўртинчи синфга.

Болалар ичида энг каттаси — менман. Бир марта ўқитувчи опа дадамга илтимос қилганини эшитиб қолдим. «Ўртоқ Самадов, Робия-хоннинг саводи аллақачон чиққан экан, бемалол учинчидан ўқийверса бўлади», деган эди, дадам силтаб ташлади: «Ҳамма қатори қонуний ўқисин!» Шундай қилиб, кап-катта қиз укам тенги болалар билан дадам аллақачон ўргатган «Алифбе»ни, ҳисобни қайтадан ўрганишга тушдим.

Узундан-узун қиш кечалари дадам билан бобом нариги уйга кириб кироатхонлик қиладиган одат чиқаришди. Лампа битта. Ойим, мен, Кимсан акам бериги — қоронғи уйда сандал четида ўтирамыз.

Ойим норози бўлиб чирқиллайди:

— Лампамой анқонинг уруғи бўлмаса экан! Эртага нима қиламиз? Аммо «зиқна» бобом лампамойни аямайди.

— Ўқинг, маълим, — дейди шанғиллаб. — Отабекни ўқинг.

Дадамнинг осойишта овозда китоб ўқишига қулоқ солиб ётамиз. Бериги уйга бемалол эшитилиб туради. Отабек... Кумушбиби...

Бир куни дадам китоб ўқишдан тўхтаб бобомга гапириб қолди:

— Сўраганнинг айби йўқ, Ҳусан ака, нега сизни Дума дейишади? Бобомнинг кулгани эшитилди:

— Э, маълим, ўзимам аниғини билмайман. Оқпошшо замони эди. Бир куни бутун Нўғайқўрғон даҳаси чойхонага йиғилиб майлис қилди. Нодирхўжа деган элликбоши бўларди. Маҳмаданароқ одам эди. Қулоқ бўпкетди. Ўша ваъз айтди. «Орангларда ишбилармон бир одамни Думага сайламасаларинг бўлмайди. Оқпошшо ҳазрати олийларининг фармони шу» деди. Одамлар чувиллашиб мени кўрсатишди. Сайласа сайлай қолсин, десам, кетида бир арава ғалваси бор экан. Ўқтин-ўқтин шаҳарга тушиб, Думасига бориш керак бўларкан. Буёқда иш қолиб кетяпти... Дума дегани каттакон бир маҳкама экан. Деворига семиз-семиз хотинларнинг сурати осиб қўйилган ҳайҳотдай хона. Лак-лак одам... Чувир-чувир қилиб алланималарни гаплашишди. Қўл кўтаринглар, деди. Қарасам, ҳамма қўл кўтаряпти. Менам кўтаравердим... Кейин бормай қўйдим. Орада инқилоб бўлди, Дума-пумасиям сувга уриб кетди.

Дадам кулди.

— Сиз, Ҳусан ака, ҳақиқий деҳқонсиз. Ер илмини яхши биласиз. Аммо кечирасиз-у, саводингиз... — дадам андиша қилди шекилли, тутилиб қолган эди, бобомнинг ўзи айтиб қўя қолди:

— Йўқ-да, маълим, бизда савод нима қилсин! Эсимизни танибмизки, ер кавлаб ётибмиз.

Тағин дадамнинг овози келди:

— Шуни айтаман-да! Ўшанда сизни сайлашга сайлашибди-ю, буёғини ўйлашмабди-да. Дума деган давлат масалаларини ҳал қилиши керак. Сиз...

— Оқпошшоям анойимас! — бобом пихиллаб кулди. — Менга ўхшаб, қўл кўтар, деса оёғиниям қўшиб кўтарадиган соддаларни танлаганда!.. Ажаб бўлди, ҳаммасини тўнғиз қўпди. Қўйинг бу гапларни! Яхшиси, Кумушбибини ўқинг. Жа қизиқ жойида тўхтаб қолдик.

* * *

Мен тўртинчи, Кимсан акам еттинчи синфга кўчганида бир вақтлар Оқсоқол бува бизни аравада кўтармага олиб келаётганида ваъда қилган тўқинчилик замон келди. Тўғри, бир йилда эмас, уч йилда... Энди сайлов

кунлари тонг саҳардан ноғоралар така-тум қиладиган, байрамларда дошқозонларда ош дамланадиган бўлди. Кеч кузда бобом қўй сўйиб калла солади, қолган гўштни тузлаб хумга тиқади...

Бир куни Оқсоқол дадамга гапириб қолди:

— Мана, маълим, ўлмаган қул, сен же-мен же кунларгаям етдик. Энди сизга ўн икки болорли уй қуриб берамиз. Одамларни ҳашарга айтиб қўйдим. Белида белбоғи бори келаверади.

Дадам хижолат чекиброқ бобомга қаради.

— Агар Ҳусан акани қисиб қўймаган бўлсак, ҳашарчиларни мактаб қуришга солсакмикин... Бизга-ку уй топилар, мактаб зарурроқ-да.

— Нега қисиларканман! — бобом Оқсоқолга юзланиб чийиллади. — Маълим тўғри айтптилар. Энг аввал мактаб керак. Раисман, деб кериласан-у, шунга ақлинг етмайди.

Шу гап — гап бўлди. Эрта ёздан дадам «катта мактаб» қурилишига шўнғиб кетди. Колхозчилар уёқда турсин, юқори синф ўқувчилари ҳам ҳашарга югуради. Бўйи чўзилиб, овози дўриллай бошлаган Кимсан акам эрталабдан разъездга — мактаб қурилаётган жойга югуради.

Кечқурун қоронғи тушганида ойим қўлимга бир товоқ овқат, тўртта нон тутқазади.

— Борақол, қизим, ҳаммасининг ичи узилиб кетгандир...

Тугунни кўтариб — разъезд томонга чопқиллайман.

Тумонат одам! Ҳар ёқда машъала гуриллайди. Даладан тўппа-тўғри ҳашарга келган колхозчилар бири лой олиб, бири лўмбоз босиб, мактаб деворини кўтаради.

Кимсан акам ялангоёқ лой тепади. Ориф оқсоқол ишбоши бўлиб, уёқдан-буёққа югуради. Дадам пўрим шимининг почасини қайириб ҳандақ ичида пилдираб юради. Бобом деворга миниб олиб чийиллайди.

— Кучинг борми, ҳов! Отсанг-чи мундоқ!

Лой отишда Оқсоқолнинг икки норғил ўғли — Шокир ака билан Зокир аканинг олдига тушадигани йўқ... Ойимнинг айтишича, Шокир ака билан Зокир ака трактор ҳайдаркан. Тракторнинг омочи шунақа зўрмишки, бир йўла йигирмата қўшхўкизнинг ўрнига ер ағдарармиш. Икковлари ҳашарниям боплайди. Пахсакуракка лойни тўлдириб бир отганида бобомнинг қўлига бориб тушади. Ҳеч ким чарчадим демайди. Аския, қийқириқ...

Кузга бориб, янги мактаб битди ҳисоб.

...Қумсувоққа тушишган куни ҳам ҳашарчилар олдига борган эдим. Бир коса қовурдоқ уч кишига нима бўларди! Дадам, бувам, Кимсан акам бир қошиқдан еса — еди, бўлмаса — йўқ. Шундаям нолишмади. Пешинда Оқсоқол бува қўй сўйиб, қайнатма қилиб берган экан. Ҳаммалари яна ишга шўнғиб кетишди. Оқсоқол буванинг Зухра келини билан уйга қайтдик... Тинч-тўкин замоннинг аллақандай осойишта завқи бўлади. Ушанда бу завқни тушунмаган эканман. Бошимизга кулфат ёғилганидан кейин қадрига етдим. Уша кеча чарчаб барвақт ухлаб қопман. Бир маҳал ёнимда ётган ойим: «Вой ўлмасам, тинчликми!» деб сапчиб турганидан уйғониб кетдим. Уша заҳоти кўча эшикнинг қаттиқ тақиллагани, кетидан:

— Дума, оч! — деган овоз келди.

Ойим «кимде-е» деб айвонга югурди.

Негадир юрагимга ваҳима тушди. Нимқоронғу бурчақда бемалол хуррак отиб ётган Кимсан акамни илғаб, кўнглим жойига тушди.

Эшик яна тақиллади.

— Дума!

Оқсоқол буванинг овозини таниб, тинчландим. Иш билан келган.

Ойимдан олдин бобом бориб эшикни очди шекилли, ўша томонда эркакларнинг гўнғир-гўнғир гаплашгани қулоғимга чалинди. Бутунлай хотиржам бўлдим. Энди жойимга ётган эдим, дераза олдидан биров гурсиллаб ўтди.

Дадам ётган уй томонда бобомнинг чақиргани эшитилди.

— Маълим, тураркансиз.

Нариги уйда дадам йўталди.

— Тинчликми, Хусан ака?

— Сизни сўрашяпти... — Бобомнинг товушида хавотир борлигини сездим у тагин ўрнимдан туриб кетдим.

— Ким? — деди дадам.

— Билмадим, раис билан яна икки киши.

Дадамнинг ҳовлига тушганини билдим. Шап-шуп юриб эшик олдига борди-ю, ўша заҳоти қайтиб келди.

— Робия, — деди остонада тўхтаб. Қоронғида овози титраб кетганини сездим.

— Дада! — юрагим ёмон бир нарсани ҳис этиб чопиб олдига бордим. — Дада!

— Мен эртага келаман, қизим. — Дадам шундай деди-да, илдам юриб нариги уйга кирди. Бир зумда кийиниб чиқди. Этигини тополмай каловланиб турган эди, бобом оймга ўшқириб берди:

— Чироқни ёқсанг-чи, пакана!..

Ойим шоша-пиша чироқни ёқиб, пилигини кўтарди. Дадам айвон бурчагида турган этигини топди. Пайтава ўраётганида қўллари қалтираб кетганини кўрдим. Баттар қўрқиб кетдим.

— Дада, — дедим титраб. — Қаёққа кетяпсиз?

Дадам ранги қув ўчганча муздек лаби билан пешонамдан ўпди.

— Қўрқма, қизим, эртага келаман, — деди-ю, бобомга юзланди. — Тушунмовчилик бўлганга ўхшайди, Хусан ака. — Кейин негадир оймга илтижолни термулди. — Мабодо бир ой, ярим ой келмай қолсам, Робияни сизга топширдим. Оналик қиласиз.

— Вой, ўлмасам, маълим! — ойим лаби титраб мени қучоқлаб олди. — Нимага унақа дейсиз?

Дадам ҳовлига тушган жойида қайтиб айвонга чиқди. Икки юзимдан қаттиқ ўпди-да, сакраб пастга тушди. Қадини фоз тутиб, эшик томонга йўналди.

Дарвоза томонда гуриллаган машина овози эшитилгандан кейингина ҳушим ўзимга келди.

Ойимнинг қучоғидан чиқдим у чинқирганча ҳовлига отилдим.

— Дада! Дадажон!

Кўча эшик олдида турган бобомни туртиб ўтиб, тупроқ йўлдан югуриб кетдим. Ҳаммаёқни чанг-тўзон қоплаган, ҳаводан бензин ҳиди келар, олисда машинанинг қизил чироғи узоқлашиб борарди.

— Дада! — ялангоёқ чопиб борарканман, энтикиб қичқирдим. — Дадажон!

Машина чироғи кўринмай кетди. Мен бўлсам ҳамон югуриб борардим. Нафасим қисилиб қолган, томоғим ачишар, аммо тўхтамасдим. Охири тошгами, кесакками қоқилиб, юзтубан йиқилиб тушдим. Оғзимга тупроқ тўлиб йиғлаб юбордим. Бир маҳал кимдир елкамни силади.

— Тур, Робия, тургин. Уйга борайлик.

Кимсан акамнинг дўриллаган овози қулоғимга ёқимсиз туюлиб кетди. Ерни муштлаганча қичқирдим:

— Бормайман!

— Шунақа қилмаги-ин. Ўзинг яхшисан-ку, Роби, кетайлик.

— Бормайман! Бормайман! Дада! Дадажон!!

Кимсан акам ёнимга чўнқайиб бошимни силади.

— Даданг келадилар. Нега йиғлайсан, келадилар. Мана мени айтди, дерсан, юр, уйга кетамиз.

Дадамнинг қўллари қалтираганча пайтава ўраётгани, оймга илтижолни термулгани, «Робияни эҳтиёт қилинг», дегани кўз олдимга келдию яна чинқириб юбордим:

— Йўқол! Дадам! Дадамга бораман!..

... Ойим «ҳализамон даданг келади» деб ҳарчанд юпатгани билан анчагача ҳиқиллаб ётдим. Нариги уйда ҳамон чироқ ёниқ турар, бобом билан Оқсоқол бува алланимани маслаҳатлашишар эди. Тонг бўзарганда ухлаб қолибман. Ҳовли томондан келаётган қаттиқ-қаттиқ овоздан уйғо-ниб кетдим...

— Тушунтирдингми ахир? Маълим — яхши одам, Самарқандда ўқиган, болаларингизга илм бераяпти, каттакон мактаб қурди, дедингми? Бобомнинг овозини эшитиб, кечаси бўлган воқеа, дадамнинг «Робияни эҳтиёт қилинг», дегани яна эсимга тушди. Кўзимни ишқалаб айвонга чиқдим.

Вақт пешинга яқинлашиб қолган, беҳи тагида бобом билан Оқсоқол бува гаплашиб туришар, нарироқда Кимсан акам кетмон сопидан тутган кўйи талмовсираб туриб қолган, ошхона эшигининг остонасига ўтириб олган ойим иккала чолдан кўз узмас эди.

— Айтдим!— Оқсоқол бува бировга ўчакишгандек жаҳл билан қўлни пахса қилди.— Большевиклик виждонимни ўртага қўйиб, кафолат бераманки, битта-яримта имонсиз, маълимга тўхмат қилган, дедим!

— Хўш, нима дейишди?

Оқсоқол бува бобомга аразлагандек ҳўмрайиб қараб қўйди.

— Текширамиз, деди.

— Гуноҳи нима экан, демайсанми, овсар!— бобом ҳаммасига Оқсоқол бува айбдордек, шанғиллади.— Менга Калинин Оқсоқол ўз қўли билан орден берган, керак бўлса энг катта оқсоқолнинг олдиғача бораман, демадингми?!

— Дедим!— Оқсоқол буванинг мўйлови титраб кетгандек бўлди.— Айби шумишки, райондан берухсат мактаб қурилишини бошлаганмиш. Дарсни программа бўйича ўтмасмиш.

— Ие?— деди бобом ҳайратдан овози ингичкалашиб.— Мактаб қурса ёмонми? Мактабни ҳашар билан қурдик-ку!

— Арпа уни баҳона...— Оқсоқол бува овозини пасайтирди.— Менимча, маълимга Хўжақулов қасдлашган.

— Ким у Хўжақулип?

Оқсоқол уф тортди. Анчагача жим қолди.

Ҳамон айвон устунига суяниб турардим. Бобом ҳам, Кимсан акам билан ойим ҳам Оқсоқол буванинг оғзига термилишар, ҳеч ким менга эътибор бермас эди.

— Маълим сенга гапирмаганмиди? — деди Оқсоқол бува бобомнинг кўзига қаттиқ тикилиб.

Бобом ингичка елкаларини учирди.

— Нимани?

— Менга бир айтгандек бўлувди,— деди Оқсоқол ўйчан оҳангда.— Маълим Самарқандда ишлаб юрганида Хўжақулов деган терговчи билан қаттиқ тўқнашади. Темир йўлда катта ўғирлик очилади. Терговчи ишни ёпти-ёпти қилиб юбормоқчи бўлганида станцияда ишлайдиган қўшниси маълимга қиқиб арз қилади. Маълим аввал газетага, кейин обкомга хат ёзади. Гуноҳкорлар жазосини олади. Терговчи ариза бериб ишдан бўшайди. Фарғонагами, Қўқонгами кетади. Айланиб-айланиб Тошкентга келиб қолади. Ана ўша Хўжақулов ҳозир прокурор.— Оқсоқол бува узоқ тимирскиланиб нос отди. Бобом икковлари ерга тикилиб, ўй суриб қолишди. Назаримда, нима қилишга иккови ҳам хайрон эди.

— Тўхмат балосидан асрасин!— деди ошхона остонасида ўтирган ойим ўкиниб. Кейин тўсатдан менга кўзи тушиб, илдам ўрнидан турди.— Вой, ўйғондингми, қизим?

Оқсоқол бува ярқ этиб, мен томонга юзланди.

— Сан, қизим, хафа бўма!— деди салмоқлаб.— Ўқишингга боравер. Маълимни айби йўқ. Ҳақ жойида қарор топмагунча қўймайман. Мени ким деб юрибди Хўжақуловлар!

Ойим айвонга чиқиб, елкамга қоқди. Кетмон сопидан тутиб турган Кимсан акам гоҳ Оқсоқолга, гоҳ менга қараб илжайди. Оқсоқол буванинг гапи — «эртага дадангни обкеб бераман» дегандек туюлиб, ўзимнинг ҳам кўнглим ёришди. Фақат мактабга боришга оёғим тортмас, укам тенги болалар билан ўқиб юрганим етмагандек, энди ҳамма мени турткилашини ўйлаб, алам қиларди. Аммо шу гап хаёлимга келганида йиғламадим, ҳатто ойимга ҳам дардимни сездирмадим. Тўсатдан тушган ғам ёш болани бир кунда катта одамга айлантириб қўяркан.

2. Янги раис

Дадамни яна туш кўрдим. Вокзалмишми-ей, бозорми-ей, хуллас, одам кўп эмиш. Дадам узоқда, оломон орасида туриб, нуқул қўли билан «бери кел», деб имлармиш. Оппоқ кўйлак кийиб, бўйинбоғ тақиб олганмиш. Олдига бораё десам, аллақандай чарм камзулли кишилар йўлимни тўсиб қўйибди. Дадам узоқдан қўл силтаб чақирармиш. Чопиб бораё десам оёғим қимирламасмиш. Дадамни оломон ичида йўқотиб қўйибман. Нафасим қайтиб, нуқул чақирармишман:

«Дада! Дадажон!»

Ўзимнинг товушимдан ўзим уйғониб кетдим. Уй ичи ғира-шира қоронғи, ёнимда Кимсан акам ўтирарди.

— Нима қилди, Робия? — деди дўриллаб. — Сув ичасанми?

Тушим ҳамон кўз олдидан кетмас, дадамни йўқотиб қўйганим алам қиларди.

— Э! — дедим жеркиб. — Сувни нима қиламан?!

Кимсан акам, бирпас қараб турди-да, индамай чиқиб кетди. Анчагача хомуш ўтирдим. Бора-бора ҳушим ўзимга келди. Кун бўйи ойимга қарашиб юриб кечқурун овқат емай ётиб қолганим эсимга тушди.

Бугун Нўғайқўрғонда нохуш гап тарқалди: «Қулуп»да майлис бўлармиш. Ориф оқсоқолни олиб ташлаб, ўрнига бошқа раис сайлашармиш...»

Ойим билан бобом ҳам ўша ёққа кетганча ҳалиям қайтишмаган шекилли, айвонда чироқ ёқилмаган, ҳовли жимжит эди.

Эшик ғийқиллаб очилиб, Кимсан акам мўралади.

— Роби, бизаям идорага бормаймизми?

...Дилгир куз оқшоми қишлоқни сукунат пардаси билан ўраб олган кунботар томонда ярим-ёрти ой увада булутлар орасида тентирар, бутун Нўғайқўрғон ҳувиллаб қолгандек эди. Пастак деворлар устидан тутун кўтарилмайди, деразаларда чироқ кўринмайди, аллақаерда эчки бўғилиб маърайди...

Чиндан ҳам бутун қишлоқ идорага кўчиб келган экан. Катта-катта деразалардан нур тушиб турган узун бино — «қулуп»га яқин бориб бўлмайди. Зинасигача одам тиқилиб кетган.

Кимсан акам қўлимдан судраб бино орқасига олиб ўтди. Нур тушиб турган деразалар очик, ичкаридан ғовур-ғувур эшитилади. Кимсан акам тармашиб деразага чиқди.

— Қўлингни бер! — деди қаттиқ шивирлаб. Энгашиб билагимдан ушлаганча бир тортган эди, қўлим узилиб кетай деди.

— Қўйворинг! — дедим типирчилаб.

— Жим! — у бақувват қўллари билан мени баланд дераза тоқчасига

● АҚЛ ВА МАЪНО ДУРЛАРИ ●

Бир подшо ўз амири билан муҳим бир иш устида суҳбатлашарди. Тасодифан бир чаён ўша амирнинг кўйлаги ичига кириб, унинг баданига ўткир нишини ура бошлади. Чаён ҳолдан тойиб, ниши ишдан чиқди. Аммо амир сабр қилди ва кенгашни бузмади. Ҳатто афтини ўзгартирмади. Кенгаш тугагач, амир уйига келиб, чаённи ичидан олиб ташлади. Бу хабар подшога етгач таажжубланди ва эртасига ўша амир хизматга келганда сўради: «Киши зарарни ўзидан даф қилмоғи керак. Сен нечун ундай қилмадинг?» Амир жавоб бериб деди: «Тўғри, подшоҳи олам. Лекин мен чаёндан кўрқиб, шоҳ хизматини бузадиган кишилардан эмасман. Бугун мажлисда чаён захрига чидай олмасам, эртага жанг майдонида заҳар билан сўғорилган душман қиличининг зарбига қандай бардош бераман». Бу жавобдан хурсанд бўлган подшоҳ унга янада баландроқ мартаба инъом қилди.

тортиб чиқарди. Токчага кўндаланг ўтириб, ичкарига қарасам — тумонат одам. Олдинги қатордагилар тўппа-тўғри ернинг ўзига чордона қуриб ўтиришибди. Чекка-чеккадаги лампалар, фонуслар хира нур сочади. Ҳаммаёқни лампамой ҳиди, тамаки иси тутиб кетган. Биров деразага чиққанимизни кўрса уришиб беради, деб ўйлаган эдим. Йўқ, ҳеч ким қайрилиб ҳам қарамади.

Кимсан акам «уёққа қара» дегандек биқинимга туртиб имо қилди Саҳнада — устига қизил мато ёпилган узун стол орқасида олти киши ўтирибди. Энг аввал Оқсоқол бувага кўзим тушди. Эҳтимол, гавдаси ҳаммадан катта бўлгани учун биринчи бўлиб уни кўргандирман. У бошини кафтига ташлаганча, бир томонга хиёл оғиб ўтирибди. Ёнида бобом. Қора камзул кийиб олган. Бошида жияги титилиб кетган дўппи. Гавдаси янаям кичрайиб кетгандек, столга мўк тушган. Ёнбошида новча бўйли озғин киши. Танийман. Оқсоқол бува билан бизниқига кўп келган. Эргаш-сельсовет дейишади. Ундан нарида ўтирган кишини танимадим. Йўл-йўл костюм кийган. Бўйнида бўйинбоғ. Сочини силлиқ тараган. Ингичка мўйловиям бор. У нуқул безовталанади. Чойнак-пиёла қўйилган минбарда ваъз қилаётган айвони катта шапкали кишига бўйинини чўзиб қараб-қараб кўяди.

Шапка кийган семиз киши жон куйдириб гапиряпти.

— Уртоқ колхозчилар! Тушунинг ахир! Ориф оқсоқолни ҳаммамиз ҳурмат қиламиз. Уч йил қурғоқчилик бўлгандаям колхозни чўктириб қўймади. Планни ошириб бажарди. Мана энди, колхоз бадавлат хўжаликка айланди.

Пастдан аллақандай эркак кишининг баланд овози янгради:

— Бўпти-да! Тағин нима дейсиз?

Шапкали киши ўнг қўлини баланд кўтарди.

— Илтимос, тинчлик сақлансин! Биламиз, «Қизил деҳқон» илғор колхоз. Мана бунақа клублар ҳамма хўжаликдаям бор деёлмаймиз. Каттакон мактаб қурдинлар. Ҳаммасига Оқсоқол бош бўлдилар. Ориф ака — эски большевик, тажрибали деҳқон. Лекин хўжаликни янги изга соладиган замон келди. Бунинг учун илмли, агрономияни яхши биладиган раис керак. Уртоқ Хўжаев...

— Керакмас! — Пастда ўтирганлар йўғон-ингичка овозда чувиллашди. — Бизга Оқсоқолнинг ўзиям бўлавуради.

Шапкали киши «уф» тортиб бош чайқади. Эргаш-сельсоветнинг ёнбошида ўтирган ингичка мўйловли одам сапчиб ўрнидан турди. Бир нима демоқчи бўлди-ю, шашти пасайиб қайтиб ўтирди.

Пастдагилар баттар шовқин солишди:

— Оқсоқолнинг айби нима?

— Хажайипингиз шунчалик зўр бўлса, бошқа колхозга раислик қилақолсин!

Шапкали киши «ўзингиз тинчитинг» дегандек Оқсоқолга қаради. Оқсоқол шошилмай ўрнидан турди. Қадини фоз тутиб, минбар олдида борди. Шапкали киши унинг елкасига дўстона шапатилаб кўйди.

— Халойиқ! — деди Оқсоқол гулдирраган товушда. Секин-секин тинчлик чўкди. — Калта ўйлама, халойиқ! Мана, оғир йиллардан ўтиб олдик. Тўкинчилик замон келди. Локин бундан кейин деҳқоннинг ишини кетмон эмас, мошина қилади. Украина томонларда буғдойни мошина ўраяпти. Яқин орада олимлар ҳаводан ўғит олади.

Пастда кимдир асабий луқма ташлади:

— Олса жа яхши-да, ўша ўғитни сиз билан биргалашиб далага соламыз, оқсоқол!

— Ўв, Раҳимтой! — Оқсоқол рапидадек қўлини паҳса қилди. — Бердисини айтгунча уриб ўлдирма-да, одамни! Ҳали шунақа кунлар келадики, сувни ҳовузга солиб қулфлаб қўйишади. Ана ундан кейин расамади билан тарқатишади. Қани, сувни қулфлаш қайси бирингни қўлингдан келади?

Одамлар жимиб қолишди. Фонусларнинг чирсиллаши аниқ эшитила бошлади. Қоронғи бурчакда ўтирган аллақандай хотин йиғлаётган боласини жеркиб овутиди:

— Э, қиз бўлмай ажалнинг олдида кет!

— Болани қарғама, Қумри! — деди Оқсоқол беозор тенбех бериб. Кейин яна ўша гулдираган оҳангда давом этди: — Қани, қайси биринг эплейсан ўшанақа юмушни? Ана индамайсан! Уёғини сўрасанг менам эпллолмайман. Хўш, шундоқ экан, нимага шовқин соласан? Бунақа ишлар, — у йўл-йўл костюмли кишига юзланди, — ўртоқ Хажайипни қўлидан келади. Райком уни раисликка лозим кўрибдими, бир нарсани билиб қилган. Гапни кўпайтиришнинг ҳожати йўқ. Қайси биринг Оқсоқолни ҳурмат қилсанг, қўл кўтаравер!

Оқсоқолнинг ўзи биринчи бўлиб қўлини баланд кўтарди. Уша заҳоти шапкали киши маъқуллаб овоз берди. Пастдагилар бирин-сирин қўлини осмонга чўза бошлади. Орқа томондан хотин кишининг ҳиқиллаб йиғлагани эшитилди: «Оқсоқолнинг ўзи яхшийди, овсин, одамнинг дардини тушунарди». Қараб турсам, бобом пашша кўригандек истар-истамас, қўлини силкиб қўйди.

— Демак, бир овоздан! — шапкали киши ўрнидан туриб Ориф оқсоқолнинг қўлини қисди. — Раҳмат, Оқсоқол! Сиз бари бир колхознинг отаси бўлиб қоласиз. Партия сизга ишонади. Қани, ўртоқ Хўжаев, сўз — сизга!

Йўл-йўл костюмли киши илдам туриб, минбарга борди.

— Ўртоқ колхозчилар! — деди баланд, жарангдор овозда. — Ҳурматингиз учун раҳмат, ўртоқлар! Тўғри, менинг ҳам агрономлик дипломам йўқ. Лекин законий битта гапни айтиб қўяй, раз менга хўжаликни ишончи топширдиларингми, қаттиқ ишлаймиз. Ҳурматли райкомимиз олдида ваъда бериб айтаманки, келаси ўттиз тўққизинчи хўжалик йилида сабзавот ҳосилдорлигини икки ҳисса оширамиз!

Пастдан кимдир кинояли бақирди:

— Балки уч ҳисса оширармиз, раис?

— Ким? — янги раиснинг қоши чимирилиб кетди. — Ким айтди шу гапни? Ўрнидан турсин-чи?

Совуқ сукунат чўкди. Гапирган одам бировнинг орқасига яширинди шекилли, ҳеч ким ўрнидан турмади.

— Ҳалиям орамизда бузғунчилар бор! — Янги раис ҳар сўзини чертиб таъкидлади: — Билиб қўйинглар! Раз мен раис эканман, бунақа иллатлар билан законий жойда гаплашиб қўйишни ўз вазифам деб биламан.

Пастда аввал шивир-шивир, кейин ғовур-ғувур бошланди.

— Ким ўзи бу?

— Мунча баланд кетади!

— Тўқайда чивинга бир талансин, қаёққа қочаркин!

Ҳаммаёқ ари инидек ғувиллаб кетди. Янги раис эсанкираб қолди.

— Жим! — деди минбарни муштлаб. Э, молга ўхшаган.

Пастдагилар тинчш ўрнига баттар авжига чиқди:

— Э, ўргилдик сендан!..

Янги раис, ингичка мўйлови учиб, гоҳ шапкали кишига, гоҳ Оқсоқолга қарарди. Шапкали киши жаҳл билан қўл силтади, чамаси, янги раисни койиди. Лекин бу билан шовқин босилмади. Шунда Ориф оқсоқол яна ўрнидан турди.

— Ҳўв! Хажайип! — деди соқоли титраб. — Закунчимисиз, нима бало! Нуқул «закун-закун» дейсиз! «Қизил деҳқон»дагилар закунни сизчалик билмасаям, деҳқончиликка ақли етади. Шўх ер қанақа бўлишини мендан яхши билсангиз керак. Ҳаммаси тош. Кетмон урсанг бетингизга тош сачрайди. Еримиз — шунақа. Ярмиси — тўқай. Ниятингиз яхши-ку, ҳолва деган билан оғиз чучимади-да, ўртоқ Хажайип!

Пастдагилар анча тинчиб қолган, лекин чекка-чеккадан ҳамон норози хитоблар эшитиларди:

— Кеча келди югуриб, бугун олар суғуриб...

— Туппа-тузук мол эканмиз-у, билмай юрганимизни қара!

— Халойиқ! — Оқсоқол кафтини боши устида баланд кўтарди. — Бас! Ўртоқ Хажайип билмасдан айтди. Ешлик қилди. Ҳали кўрасизлар: ра-

ис билан апоқ-чапоқ бўпкетасан ҳамманг... Ундан кўра бўладиган гапни гаплайлик. Колхозимизда гастиниса-пастиниса йўқ. Уртоқ Хажайипни ўзимиз раис қилиб сайладик, тўғрими, энди буёғиниям ҳал қилиб қўяйлик. Раис одам шаҳрдан қатнаб юрса ярашмайди. Шундоқ экан, ўзимизнинг хўжаликни бошлиғига уй топиб бермасак отимизга ор, итимизга номус! Қани, ўртоқ Хажайипга ким битта уйини бўшатиб беради? Доимгамас, вақтинча.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Оқсоқол бобомга юзланди.

— Дума!.. Гапирсанг-чи мундоқ!

Бобом ўтирган жойида бўйнини чўзиб чийиллади:

— Йўқ уйни туғиб бераманми сенга!

Янги раис бобомга ижирғаниб қаради. «Уйинг билан қўшмозор бўл», дегандек лабини кинояли кимтиди.

Оқсоқол ўйланиб қолди.

— Бу гапингам тўғри, — деди салмоқланиб. Кейин пастдагиларга қараб, ҳайқирди: — Халойиқ! Мана, даладаям иш қолмади ҳисоб. Шолғом билан турупни йиғиб олсак бўлди. Шу... совуқ тушмасдан ўртоқ Хажайипга уй собберсак. Ҳайҳотдек мактабни тўрт ойда қурган битта уй сололмай-мизми! Аммо-локин шунақа уй бўлсаки, «Қизил деҳқон» колхозининг раиси қайда туради, деганда, мана деб кўрсатадиган бўлса. Энди... гапнинг пўсткаллеси шу: белимда белбоғим бор деганинг эрталаб ҳашарга келавер!

3. Рашид абзининг мўрчаси

Оқсоқол менинг дадам туфайли раисликдан тушганига ақлим етмаган экан. Эртасига бобом икковлари ҳашардан қайтиб, кечаси алла-паллагача ҳангомалашиб ўтиришди. Гап айланиб яна кечаги мажлисга тақалди.

— Сенам қизиқсан-да, Оқсоқол, — деди бобом бўғилиб. — Ўз қўлинг билан амалингни бериб ўтирибсан.

— Амал нима?! — Оқсоқол бепарво қўл силтади. — Менга қолса, раислик уёқда турсин, минг марта катта амалиям мисоли оёғингдаги этикдай гап. Сени амалга халқ кўтарадими, давлат ўтқазиб қўядими, бари бир. «Мана шу этикни кийгин-да, керак бўлса сув кечиб, керак бўлса лой кечиб, юртнинг хизматини қилгин», дейди. Қиласанам!.. — Оқсоқол бир зум ўйлаб туриб, носини тупурди. — Тўғри, бир хиллар бор, зиғирдай амал тегдими, бўлди, амал билан кўшиб ақл ҳам берди, деб ўйлайди. Бунақалар ёнида ўзидан ақллироқ одам ишлашини хоҳламайди. Назарида ақлли одам этигини ечиб олаётгандай бўлаверади. Бечорани гоҳ тирсаги билан туртади, гоҳ думбаси билан...

— Бўпти-да! — бобом баттар тутоқди. — Шу закунчинг ақлли одамни бийлатармикин? Башараси айтиб турибди-ку кимлигини. Халқ дод деб ёқлаб турса-ю, бу кишим ноз қилсалар! Ўргилдим олифтагарчилигиндан! Ё халқ бир қадримни билиб қўйсин, дедиларми?

Оқсоқол кўкимтир қошларини уйиб ерга қараганча узоқ жим ўтирди. Кейин қандайдир паст, ўзига ярашмаган ўйчан овозда гапирди:

— Раис ўзгаргани билан халқ жойида турибди-ку, Дума!.. Қолаверса, одамлар минг дод десин, бари бир мени олиб ташлашарди. Маълимни атайлаб обкелгансан деб...

— Маълимда айб йўқ! — Бобом Оқсоқолга чақчайиб чийиллади. — Айб йўқ! — деди аразлаган боладек юзини ўгириб. — Тағин ўша закунчига уйимни бўшатиб берармишман. Маълим эртага қайтиб келса, қайси юз билан кўзига қарайман!

— Биламан, Дума, биламан! — Оқсоқол бобомни юпатиб елкасига қоқди. — Атайлаб сўрадим... Баҳонада янги раисга халқ уй солиб берсин, дедим... Лекин, дўстим, бировга билар-билмас айб-кўйиш — кони гуноҳ. Янги раис ёш, илми бор. Сен билан биз нима? Олма-ўрик бўлармидик энди!

Бобом энсаси қотиб, қўл силтади.

— Илми бормиш... Узи айтди-ку қўлимда қоғозим йўқ, деб...

— Қўйсанг-чи, гап қоғоздами? — деди Оқсоқол хўмрайиб. —

— Қарайлик-чи, нима каромат кўрсатаркин ўша закунчинг, — бобом ўрнидан туриб кетди. — Бор қизим, чойни янгилаб ке...

Янги раис кўп ўтмай чиндан ҳам «каромат» кўрсата бошлади. Уша мажлисда «қаттиқ ишлаймиз» деганича бор экан. Тонг отмасдан эшик тақиллайди. Жўн тақилласаям майли-я, ҳаммаёқ қарсиллаб кетади. Эшикни очишингиз билаң пешонасига кўзmunчоқ аралаш кумуш маржон тақилган жийрон от, эгарда қийшиқ ўтирган, чақмоқ телпак кийган Закунчига кўзингиз тушади.

— Кун чиқай деб қолди. Ётаверасанларми, дангасалар! — дейди қамчисини таҳдидли ўйнатиб.

Шу гапни айтмасаям колхозчилар тонг отмасдан далага чиқиш кераклигини билади. Оқсоқол раислиги пайтида бунақа дағдағалар йўқ эди. Зарил бўлиб қолганича Оқсоқол: «Халойиқ, шу иш шундоқ бўпқолди, белимда белбоғим бор деганинг келавер», деса одамлар ўтгаям-сувгаям уриб кетаверарди. Закунчининг дағдағаси халқнинг ихлосини қайтарди. Калтак еган хўкиз ётоғон бўлади, дегандек, баъзилар қайсарлик қила бошлади. «Қор ёғиб турибдию далада пишириб қўйибдимми», деб оёқ тирайдиганлар ҳам топилди. Аслини олганда бу гап тўғри. Ерга аллақачон яхоб бериб бўлишган. Қаҳратон совуқда шудгор қилиб бўлмаса, ариқ очиб бўлмаса. Лекин Закунчи бу томониниям ўйлаб қўйган экан. Қиш чилласида бир-биридан ваҳимали гаплар тарқалди:

«Шаҳарда Закунчининг суянган тоғи бор экан: тоғаси каттакон прокурор эмиш...»

«Дўмбрободдаги олтинчи бригадада Аҳмад полвон деганинг кетмончи хотини туғиб икки кун далага чиқмаган экан, Закунчи уч йилга кес-тириб юборибди...»

«Бўғалтир Солиб сўпоқ Закунчига хабаркаш бўпти. Кимнинг уйида нима гап бўлаётганини ёзиб юрармиш...»

Йил ўтмай, раисдан ҳамма кўрқиб қолди. Хотинлар йиғлаётган боласини «жим бўл, Закунчи келаяпти!» деб «овутадиған» бўлишди.

Фақат Оқсоқол билан бобом бу гапларга парво қилишмас, бири кетмон кўтариб, бири эшакаравасини миниб сахарлаб чиқиб кетишар эди. Лекин бир жиҳатдан раис айтганини қилди. Колхоз икки йил кетма-кет планни ошириб адо этди. Балки Закунчининг қаттиққўллиги иш бергандир. Балки чиндан ҳам «илми-ҳикмат»ни яхши билар...

...Кимсан акам еттинчини битирганидан кейин шаҳарга бориб ўқимоқчи эди, бобом қўймади: кетмонга солди. Бир куни Кимсан акам бобом билан оймга айтолмаган дардини менга гапирди:

— Шаҳарда ўнни битириб, учувчи бўламан, истрибителда душманни қираман.

— Қанақа душман?

— Фин уруши бўляпти-ку, жинни!

Юрагим увишиб кетди.

— Улдириб қўйса-чи?

— Ким ўлдиради?

— Душман-да!

Кимсан акамнинг жаҳли чиқиб кетди:

— Қанақасига ўлдиради? Бизнинг истрибетелдан ўқ ўтмайди. Чкаловни эшитганмисан?!

Унинг аҳди қатъий эди. Бир марта шаҳарга ҳам бориб келди. Кечқурун овқатдан кейин бобом Кимсан акамни сўроққа тутиб қолди:

— Учувчи бўламан, денг, бойвачча?

Кимсан акам иягидаги ҳуснбузарни тирноғи билан ситиб, ўшшайиб ўтираверди. Бу унинг «қа, қўлингиздан келганини қилинг» дегани эди.

— Менга қаранг, бойвачча! — бобом тажанглик билан бўйнини чўзди. — Кетмонингиз енгиллик қилиб қолганга ўхшайди. Молхонага киринг, ярим пудли кетмон турибди! Ана ўшани минингда, далага чиқиб

айриплон қилиб учинг, хўпми? Давлатимизнинг сиздан бошқа учувчисиям бор. Сиз кетмонни қанча ғайрат билан урсангиз, юртимиз шунча қудратли бўлади.

Кимсан акам бобомга бир нима деёлмайди-ю, мени бурчакка имлаб орзусини айтди:

— Бари бир! Учувчи бўлмасам, офицер бўламан! Армияга кетаман!

Йўқ, унинг бу орзуси ҳам рўёбга чиқмади. Армияга ҳамманиям оливеришмас экан.

Бобомнинг гапи тўғри чиқди. Колхозчилар кетмонни ғайрат билан урган сайин юртимиз қудратли бўлиб борарди. Ҳар байрамда дошқозонларда ош дамланган, стахановчиларни патефон, самовар, кийимлик атласлар билан сийлашган... Бир марта Кимсан акамга ҳам этик мукофот беришди.

Фақат менинг дилимдаги армон ечилмай қолаверди. Оқсоқол «эртаиндин келади», деган дадам келавермади. Тўғри, Оқсоқол билан бобом кўп елиб-югуришди. Натижа чиқмади. Бора-бора дадам тушимгаям кирмай кўйди.

Баҳор оқшомларидан бирида синиқ пиёланинг орқасига ўсма эзиб ўтирсам, даладан қайтган ойим кўриб қолди.

— Майли, қизим, — деди кулумсираб. — Ёшинг ўн еттига кетяпти. Эртаиндин совчи келади. Ўзингга қараб юр...

Уялиб кетдим.

— Боринг-е! — деганча ошхонага қараб қочдим. Ойим совчини гапириши билан негадир Кимсан акам лоп этиб кўз олдимга келди. Кимсан акам тоғдек йигит бўлган. Бобомга иккита келади. Ҳайронман, кейинги пайтда мен билан кам гаплашади. Ҳовлидами, молхонадами, дуч келиб қолсак, менга ғалати қараётганга ўхшайверади. Қўрқаман. Лекин ўша заҳоти ўзимни ўзим қарғайман: «Ўл жинни! Аканг-ку!»

Биринчи Май байрами яқинлашиб қолган эди. Пешиндан кейин ойим қўлимга бир кийимлик атлас тутқазиб, тайинлади:

— Бор, қизим! Холпош холангга обор. «Ойим айтдилар, менга кўкракбурма кўйлак тикиб бераркансиз», дегин.

Ойимнинг одати шу: байрам яқин келиши билан типирчилаб қолади. «Шундоқ улуғ айём кунларида болаларим оҳорликсиз қолмасин», деб менга кўйлакми, лозимми, тиктиради. «Кимсанга шим-пим оберинг», деб бобомга ялинади. Бобом «чиқимнинг бети қурсин» дейдиганлардан. Менга-ку тишини суғургудек қилиб бўлсаям минг жойини кавлаб пул чиқаради. Кимсан акамга келганда пешонаси тиришиб кетади. «Янги шим киймасалар кимнинг кўнгли копти, бойвачча, дейди тўнғиллаб. — Ҳали тўй ташвиши турибди». Бари бир, ойим кўймайди. «Катта йигит бўпқолди», дейди, «ишлаб топганини қўлингизга обкеб беряпти-ку! Жўралари билан ўйнасин» дейди. Хуллас, бобомни кўндиради.

...Оқсоқолнинг каттакон кунгурадор дарвозасидан кирсам, Зуҳра келин атиргуллар ғунчалай бошлаган гулзор четида, ариқ бўйида кир ювиб ўтирган экан. Кўпикли қўли билан елкамга қоқиб кўришди.

— Қаний! Битта кўрий! — деди қўлтиғимдаги атласга имо қилиб. Атлас қатини очган эдим, Зуҳра келиннинг сурма тортилган кўзлари ёниб кетди.

— Саккизтепки экан! Зокир акамга айтаман, менгаям оберадилар.

Шундай дедию бирдан маъюс тортди. Озиб-тўзиб кетганини, кўйлагининг елкалари осилиб қолганини сездим.

Зуҳра келин — Зокир аканинг хотиқи. Холпош хола иккала келинини бирдек кўради. Тўйга борса бир ёнига Фотима келинини, бир ёнига Зуҳра келинини олиб, чўғдай ясангириб оборади.

— Айниқса шу қизимни яхши кўраман. Потмамниям ёмон демайман-ку, сал лачапўшроқ. Кир юваман, деб сув қайнатса, тагига олдириб юборади! — дейди Зуҳра келинни мақтаб.

Фотима келин хафа бўлмайди. Қайтага қаҳ-қаҳ уриб кулади:

— Унақа деманг, ойижон, кеча қилган шилпилдоғимни мақтаб-мақтаб едингиз-ку!

— Вой ордона! Шилпилдоқ қилишни сенга ким қўйибди. Ёйган хамирингни кўрпа қилиб ёпиб ётса бўлади-ку. Зўрани йўриғи бошқа. Лағмон кесса, кокил қилиб ташлайди. Ҳовли супурса ерда аксинг кўринади. Узимга ўхшайди-да!

Холпош хола тўй-ҳашамларда Зухра келинни оғзидан бол томиб мақтаса ҳам бизникига чиққанида ойимга ҳасрат қилади.

— Куйиб кетдим, овсинжон! Потмам бир эмас, иккита болали бўлди. Зўрам ҳеч юкли бўлмапти.

— Фарзанд билан давлатнинг кечи йўқ, — дейди ойим юпатиб. — Бир хил одамлар ўн йил-йигирма йилда болали бўлади. Зўраҳонга нима қипти? Бор-йўғи олти йил ўтдимиз?

— Кўрсатмаган дўхтирим, боқтирмаган табибим қолмади. Қайси куни Комил табибга яна обордим. Келинингиз соп-соғ, дейди.

— Ана айтмадимми? Шунгаям сиқиласизми?

Холпош хола дардли бош чайқайди:

— Шундоқ дейсиз-у, Зокирим ўқтин-ўқтин ичадиган одат чиқарди. Отасининг феълини биласиз-ку, билиб қолса тикка сўяди! Зўрам ҳам чакказарброқ бўпқолди. Опасини кўриб сиқилади-да, шўрлик.

Ҳозир Зухра келинни кўриб, ўша гаплар эсимга тушди. Чиндан ҳам ранги бир ҳолатда, сурма тортилган кўзлари киртайиб қолган.

— Киригинг, — деди у юпқа лаблари бурилиброқ. — Ойим уйдалар!

Устунлари сирланган баланд айвон томон энди юрган эдим, ичкаридан гўдак йиғиси эшитилди. Эшик очилиб паҳлавондек боласининг оғзига кўкрак тиқиштираётган Фотима келин айвонга чиқди.

— Вой, Робияхон! — деди зиналардан дўмбиллаб тушаркан. — Атласми? Бизларам бир кўрайлик!

Авваллари Фотима-Зухраларни доим адаштириб юрардим. Ҳозир ҳам иккаласи бир-бирига ўхшайди. Попукдек қош-кўзи, кулча юзи... Фақат Фотима келин тўлишиб кетган. Зухра келин бўлса — тасмадек.

Фотима келин атласнинг бир бурчини чимчилаб кўрди.

— Вой, мунча чиройли! — У ёнбош томондаги уйга қараб, ўқтам ввозда қичқирди: — Ойи, манавини кўринг! Шокир акамга айтинг, байрамга менгаям обертсинлар!

Ичкаридан ҳарсиллаб-гурсиллаб Холшош хола чиқиб келди. Нима қилсаям Ориф оқсоқолнинг хотини-да! Ёши олтмишдан ошган бўлсаям, келинлардек ясаниб олибди.

Ориф оқсоқол билан дадам қанақа ўртоқ бўлса, Холпош хола билан ойим ҳам шунақа дугона. Оқсоқолнинг гавдаси бобомга иккита келса, Холпош хола ойимга учта келади. Оппоқ юзли, қоматдор хотин. Ойим дуч келган одам билан апоқ-чапоқ бўлиб кетаверади. Холпош хола ўз қадрини билади. Бутун Нўғайқўрғонда «осмондаги қушни бежайдиган чевар» номи бор. Аммо ҳаммагаям кўйлак тикавермайди. Жини ёқтирмаган одамни, «кўзим ўтмай қолди чеварликни ташлаганман, айланай» деб эшикдан қайтаради.

У мен билан айланиб-ўргилиб кўришаркан, Фотима келинни беозор жерқди:

— Ордона! Сигирдай хотинга атлас кўйлакни ким қўйибди! Атлас етказиб бўладими сенга! — у ҳовлига юзланди. — Атласни Зўра кийса ярашади. Зўраҳон! Буёққа қара, қизим!

Зухра келин кўпикли қўлини сочиққа арта-арта зинадан айвонга чиқди.

— Лаббай, ойижон!

— Утир, мундоқ. Сенам ўтир. — Холпош хола кейинги гапни менга айтдимиз, Фотима келингами, тушунмадим, ҳар эҳтимолга қарши хонтахта атрофига учаламиз чўқдик: ҳамон бола эмизаётган Фотима келин, қўлидаги кир сочиқни асабий фикимлаётган Зухра келин, мен...

Хонтахтага қуроқ дастурхон ёзилган, ўртада писта, бодом, қанд-қурс тўла патнис турарди. (Оқсоқолникида патнис ҳамиша тайёр!) Айвон тоқчасида эски «гардим» лаганлар. Даста-даста қалампир нусха косалар. Нариги бурчакда Холпош холанинг дунёга донғи кетган «Зингер»

машинаси турибди. Берироқда — суюнчиғи баланд курси. Курси орқасидаги токчада ёғоч бандли телефон. Бобомнинг айтишича, бир вақтлар бу телефонни Ориф оқсоқолга энг катта оқсоқол — Калинин бува совға қилган экан. Телефоннинг сими йўқ, аммо Ориф оқсоқол жудаям авайлайди уни...

Холпош хола махси кийган оёғини битта-битта босиб, ичкарига кириб кетди. Кўрпаларнинг гурс-гурс қилиб ерга тушгани эшитилди. Фотима келин боласини қучоқлаб ўрнидан турган эди, Зуҳра келин имлади:

— Кирма! Балоба қоласан!

Анчадан кейин Холпош хола худди меникига ўхшаган саккизтепки атласни семиз билагига ташлаб чиқиб келди.

— Зўраҳон, қизим! — деди атласнинг қатини очиб. — Робия иккаланга бир хилда кўкракбурма кўйлак тикиб берман. Байрамда бир ўйнанглар!

— Раҳмат, ойижон! — Зуҳра келин пирпираб турган юпка лабини тишлаб, ерга қаради.

— Менга-чи?! — Фотима келин астойдил хафа бўлганидан лўппи юзи қизариб кетди. — Бисотингизда менга битта кўйлак топилмадими?

— Сенам бормидинг? — Холпош хола ясама дашном билан қошини чимирди. — Қуруқ қолсанг ўласан-а. Майли, сенгаям топамиз Бор, гапинг рост бўлса, ошхонадан қийма тахтани обчиққин-да, исмалоқни майдала, сомса ёпамиз. Ҳа, айтмоқчи, қизинг қани? Попук қани?

Фотима келин, кўйлақдан қуруқ қолмаслигига кўзи етиб, мамнун илжайди.

— Ҳозир шўттайди. Юргандир.

— Мен сўроқламасам ўзингни эсингаям келмайди-а! — Холпош хола бошини таъна билан чайқади. — Сендақа онани мушук есин!

Фотима келин ўғилчасини бағрига босганча дарвозага югурди.

— Ойпопу-ук! Қаёқдасан, ҳа, сендақа дайди қизни мушук есин!

Холпош хола Зуҳра келин иккаламизни айвон бурчагига турғазиб кўйиб, гази билан галма-галдан бўй-бастимизни ўлчаб бошлади.

— Қоматинг Зўрамдай бўпқопти, Роби! — деди кулиб. — Иккаланга бир қолипда тиксам бўлавераркан.

— Тап-тайёр келин-да! — Бир қўлида ўғилчасини кўтарганча бир қўлида сақич чайнаётган беш шар қизчасини етаклаган Фотима келин айвонга яқин келиб қаҳ-қаҳ кулди. — Насиб этса, яқинда Робияхоннинг ҳолчасини еймиз, ойи! Очилбой «оҳ» деса ўпкасидан ой кўриниб юрибди.

«Нима? Очил?!» Сесканиб Фотима келинга қараган эдим, Холпош хола жеркиб берди.

— Э, ўл айнамай! Нима қиласан, қиз болани уялтириб?

— Нега уяларкан! Шокир акам айтдилар. Очилбой Робияхонга совчи кўймоқчимиз.

Аламимдан йиғлаб юборай дедим. «Ким у, Очилбой?» Бирдан эсимга тушди. Комил табибнинг ўғли. Мактабдаям кўзойнак тақиб юрарди. Қилтириқ! Кимсан акамдан олдинроқ ўқиган. Ойим бир-икки марта бобомга «табибнинг ўғли хўп ақлли йигит бўпти, Тошкентдаги катта ўқишда ўқирмиш, маълум бўларкан», дегани қулоғимга чалинган эди. Шуни эслаб кўрқиб кетдим. Негадир Кимсан акам кўз олдимга келди. Кўкрагимни газ билан ўлчаб турган Холпош холадан юлқиниб чиқиб, айвон зиналаридан сакраб тушдим.

— Қачон эсинг киради, жувон ўлгур! — Холпош хола газининг икки четидан чангаллаганча қўлини муштлаб Фотима келинга дағдаға қилди. — Ҳамма нарсани гап деб гапираверадими?!

Ҳовлининг ярмисига борганимда Фотима келин ўғилчасини қучоқлаганча орқамдан етиб келди.

— Робияхон! Кўнглингизга келмасин. Эшитганимни айтдим-да!

— Э, қочинг! — Қулоғимгача қизариб кетганини сезиб, дарвоза томонга югурдим.

— Шошманг, Робияхон! — Фотима келин орқамдан лўкиллаб чоп-

ди. — Кечқурун Рашид абзининг мўрчасига борамиз. Зўра иккаламиз. Сизам юринг! Мазза қилиб чўмилиб келамиз...

Ховлимизга киришим билан қандайдир янгилик бўлганини сездим. Бобом тандир олдида Оқсоқол бува билан чақчақлашиб турар, иккаласининг ҳам чеҳраси очиқ эди.

— Қизим! — Бобом носини тупуриб илжайди. — Сигир муборак бўсин демайсанми! Бор, онангга боқиш!

Молхона олдидаги гулини тўккан гилосга боғлаб қўйилган каттакон ола сигирга кўзим тушди. Аввалги ғунажинимиз бир эмас, уч йил қисир қолганидан кейин бобом сотиб юборган, ўшандан бери уйимизда уч-тўртта қўйдан бўлак мол йўқ эди. Янги сигирни кўриб қувонганимдан чапак чалиб юборай, дедим. Сигирнинг сутга тўла елини нақ ерга тегай деб тирсиллаб турарди. Ойим нуқул сигирнинг бўйнига чизимча боғлашга уринар, боғлоғлиқ бўлишига қарамай, нимага бўйнига қўшимча арқон солинаётганини тушунмаган сигир ҳадеб бошини силкитар, ойим, хўш, жонивор, хўш деб қайта-қайта тармашар, аммо бўйи етмай қийналарди.

— Зотли сигирга ўхшайди, кўзикмасин, — у минг машаққат билан сигирнинг бўйнига чизимчани илди. Чизимгача яримта калиш осилган эди.

— Зотли бўлганидаям қанақа де? Галанска! — Оқсоқол тантана билан тушунтирди. — Бир кунда уч чирпит сут беради. Дума ўзи калта бўлсаям, боши тошни ёради. Мол танлашни билади.

Бобом бозорга Оқсоқол билан борганини, икки ўртоқ бозорнинг энг олди молини харид қилишганини тушундим.

Ойим пилдираб ошхонага кириб кетди. Қиррасига данакдек маска ёғ ёпиштирилган челақ олиб чиқди.

— Тувакдай челагинг нима бўлади, ҳой! — Оқсоқол қўлини пахса қилди. — Обчиқмайсанми каттароғидан! Ё пақиринг ҳам ўзларингга ўхшаган паканами?!

Ойим мулойим жилмайган кўйи сигирнинг тагига чўнқайди.

— Аввал битта челаққа соғайлик-чи, а, жонивор! — деди сигирними, Оқсоқолними эркалаб. — Худога шукур, пақирдан сероби йўқ. — Вой жонивор-ей! Тирсиллаб кетибсан-ку! — У энди елинга қўл чўзган эди, сигир думини силкитиб, орқа оёғини депсиди.

— Қашлаб турсанг-чи! — Бобом менга гапирётганини тушундим. Илдам бориб, сигирнинг йўғон томирлари бўртиб турган бўйнидан силай бошладим.

— Хўш, жонивор, хўш... Сигир катта-катта кўзларини олайтириб, бир қаради-да, пишқириб қўйди. Анча тинчланди.

Ойим энди елинга қўл тегизган эди, сигир яна сесканиб кетди.

— Ув, саводсиз! — Оқсоқол астойдил жаҳл билан ўшқирди. — Бу сени «хўш—хўшингни» тушунадими? Айтдим-ку, галанска деб. Га-пирсангчи, мундоқ, Дума! Тилинг борми?

— Тўғри, — бобом уч-тўрт қадам яқин келиб, тушунтирди. — Оқсоқол тўғри айтаяпти. Бу — галанска сигир. Ўзига яраша муомала қилиш керак.

Ойим челақни бутига қистирганча, бирпас ўйланиб турди, кейин ниманидир эслади чоғи, бирдан юзи ёришиб, зириллаб турган елинга яна қўл чўзди.

— Иди чўрт — деди бор овозда. — Иди чўрт жонивор, ўзим айланай говмишимдан, ўзим ўргилай сендан!

Қизик, сигир тинчиб қолди. Челаққа пов-пов сут туша бошлади.

— Ана биларкансан-ку! Юр кетдик, Дума! Карамни экиб бўлишгандир.

Оқсоқол билан бобом узун-қисқа бўлиб кўча эшикдан чиқиб кетишди.

Ойим ҳамон ғайрат билан елин чўзар, «галанска» сигир узун, оқиш киприкларини мулойим юмиб турарди.

— Робия қизим, иди чўрт ошхонада челақ турибди, тезроқ чайиб ке, иди чўрт.

Бир маҳал қаҳ-қаҳ кулгидан сигир ҳам, мен ҳам сесканиб тушдик. Сигир узун, қийшиқ шохини силкитиб ёнбошига — кулги янграган томонга

Илтимус

қаради. Ойим сут тўла челақни обқочаман деб, орқасига ўтириб қолди. Қарасам беш-олти қадам нарида Шомурод тоғам тиззасига уриб, хахолаб куляпти. Бошдан-оёқ оппоқ кийинган. Олдига уқа тутилган шойи куйлак, каламинка шим, оқ туфли. У эгилиб-эгилиб кулар, сочи чеккасига ёйилиб тушган, кўзидан ёш чиқиб кетган эди.

— Опа! — деди энтиқиб. — Нима деяпсиз, опа?

— Нима? — Ойим сигири чала соғилганидан ғаши келиб, тоғамга чақчайди. — Кўрмайсанми, сигир соғаяпман! Поччанг сигир опкелди. Галанска экан, оғзимиз оқариб қолди.

Шомурод тоғам кулгидан энтиқиб менга қаради:

— Ойинг нима дедилар, ҳозир?

Индамай елками қисдим.

— Айтаётган гапингиз — ёмон гап-ку! — Шомурод тоғам кула-кула кўзини артди. — Унақа деманг, опа!

— Э, қилиғинг қурмасин! — Ойим сут тўла челақни авайлаб кўтариб ўрнидан турди. — Сигир жониворниям қўрқитвординг!

— Йўқ, майли-ку! — Шомурод тоғам тағин кулди. — Унақа деманг, опа! Сигир бечорани сўқиб нима қиласиз?

— Қачон сўқдим? — Ойим ҳайрон бўлиб, гоҳ Шомурод тоғамга, гоҳ «галанска» сигирга қаради. — Билмасам, — деди бўшашиб. — Тошкентга тушганимда қулоғимга чалинган эди. Бинойдан гап дебман, бунақалигини қаёқдан билай...

Шомурод тоғам ҳар келганида узоқ ўтирарди. Бу сафар ойим билан уйга кириб кетиб, чорак соатча бир нималарни гаплашди-да, йўлга отланиб қолди. Ойим ҳам «ўтир» деб қистамади.

Шу куни Ойим «ирими шунақа бўлади, оқликка қўни-қўшнининг оғзи тегсин» деб етти эшикка сут улашди. Кечки овқатга ҳам ширгуруч қилдик. Она-бола энди овқатга ўтирган эдик (Кимсан акам эрталабдан бери кўринмас, бобом, Оқсоқол бува билан далага кетганча қайтмагани), эшик тақиллаб Фотима келин, Зухра келин кириб қолишди. Иккаласи бошига дакана рўмол танғиган, Фотима келин тугун кўтариб олган, Зухра келиннинг қўлида товоқ — исмалоқ сомса обчиқибди.

Ойим, сутли овқатдан кейин кўксомса ема, деб чирқиллаганига қарамай, иккитасини маза қилиб еб олдим. Ширин бўпти.

— Борасизми? — деди Фотима келин қистаб. — Опоқи, Робияхон билан Рашид абзининг мўрчасига бориб келайлик...

Ойим иккиланиб қолди:

— Рашид абзи ўлсин. Қачон қарама — маст. Мўрчани ким иситади?

— Ўзимиз! — Зухра келиннинг қоп-қора кўзлари иштиёқ билан ёниб кетди. — Бир чўмилайлик!

Рашид абзининг уйи — Нўғайқўрғоннинг энг чеккасида. Парча опа деган думбул-тентак хотин билан қўшни туришади. Парча опа-ку, уйда деярли яшамайди. Эрта баҳордан кеч кузгача даладами одамларнинг уйдами ётиб қолаверади. Аммо Рашид абзини доимо уйдан топасиз. Қишин-ёзин абзиникидан одам аримайди. Тахта деворнинг ғирасидан мўраласангиз икки терак пастликда оқаётган Бўрижарни кўриб ваҳмингиз келади. Аммо Рашид абзи парво қилмайди. Дўппидеккина кулбасида бемалол яшайверади. Абзи — чўлоқ. Йигирма йил олдин бўлган урушда бир оёғидан айрилган. Ёғоч оёқ тақиб юради. Махно деган босмачи, бечоранинг чап оёғини қиличда ўз қўли билан чопиб ташлаган экан. Бобомнинг айтишича, Абзи ўшандаям тишини-тишига қўйиб тураверибди. «Сен менинг оёғимни чопдинг, кун келади, мен сенинг бошингни чопаман» дебди. Махно Рашид абзининг бошиниям чопмоқчи бўлиб турганида қизил аскарлар бостириб бориб қолишибди. Абзи Уфа деган шаҳарда даволаниб ётганида чиройли бир қиз уни яхши кўриб қопти. Оти Розия экан. Очарчилик йиллари Тошкентга келишибди. Рашид абзи хотинини жонидан яхши кўраркан. Аммо Розия қорни нонга тўйганидан кейин ёмон иш қипти. Бир кечада поездга ўтирибдию бегона йигит билан қочиб кетибди. Рашид абзи ўшандан бери сўққабош. Уфада турадиган опасидан бўлак қариндош-уруғи йўқ. Почтачилик қилади. Иши кўпмас.

Нўғайқўрғонда ким-кимга хат ёзардию, ким-кимдан хат оларди.

Абзи амаки ўзи яхши киши-ку, кўп ичади. Кузда одамлардан узум олиб, мусаллас солади. Аммо элдан ажрамайди. Қишлоқда тўй бўладими, маъраками, Абзи ҳаммадан олдин етиб келади, самовар қўяди.

Бутун Нўғайқўрғонда Рашид абзининг мўрчасидан ўтадиган ҳаммом йўқ. Каттадан-кичик ҳамма шу мўрчада чўмилади.

...Олдинда кетаётган Фотима келин хурсанд бўлиб шанғиллади:

— Ишимиз ўнгидан келадиган бўлди, Зўра, Абзининг мўрчаси бўшга ўхшайди.

Ростдан ҳам Бўрижарнинг тик соҳилида қўққайиб турган мўрчадан тутун чиқмас эди. Демак, мўрча — бўш.

Рашид абзи — сўққабош бўлгани билан уйини гулдек қилиб қўяди. Умуман, бутун Нўғайқўрғонда тўртта оқ уй бор. Биттаси — колхоз идораси, биттаси «қулуп», яна биттаси Ориф оқсоқолнинг далдаси билан колхозчилар ҳашар қилиб қуриб берган Умар закунчининг ҳашамдор уйи, тўртинчиси Рашид абзининг кулбаси. Тўғри, Абзининг уйи Умар закунчиникига ўхшаган салобатли эмас. Закунчининг томига қизил тунука ёпилган, Абзиникига — қора қоғоз. Умар закунчи ҳам сўққабош. Абзи ҳам. Лекин Закунчининг сирланган дарвозасига «полуторка» машина бемалол сиққани билан уникига Соли сўпоқдан бошқа одам йўламайди: овчарка деган қопоғон ити бор. Абзининг эшиги туйнукдек кичкина бўлсаям ҳамма келаверади: ити йўқ. Маша деган эчкиси Абзининг ўзидан ҳам ювош.

...Рашид абзи худди ўша ювош эчкисининг арқонидан тортиб, тажанг бўлиб турган экан. Бир шохи синган, соқоли сарғайиб кетган эчки олдидаги икки оёғини тахта деворга тираганча нуқул дераза олдидаги олчанингуллаган шохини узиб емоқчи бўлади. Орқа оёқлаб тик тургани учунми бодрингдек елинлари диккайиб кетган. Абзи ёғоч оёғини ерга қадаб арқонни силтаб тартади. Бошида қизил бахмал дўппи, эгнида нимча. Арқонни чирианиб тартаверганидан ингичка бўйнининг томирлари бўртиб чиққан. Эчки ювош бўлгани билан ўзига етгунча қайсар экан. Эгасига бўй берай демайди.

— Менга беринг, амаки! — Фотима келин арқонни бир силтаган эди, эчки шўрлик ёнбоши билан ағдарилиб тушди. Ўрнидан туриб, Фотима келинга кўз қири билан адоватлироқ қараш қилди, норози оҳангда маъраб қўйди.

Абзи эчкининг биқинига ёғоч оёғи билан ўхшатиб тепди. Эчки дикирлаб ҳовлига кириб кетди.

— Муршағами? — деди Абзи илжайиб.

Фотима келин мўрчага ўт қалаётганида Абзи кичкина фонус олиб келди.

Жонингни роҳати-да, бу мўрча! Чўян бандли печкани ёқишингиз билан қозонда сув исийди. Печка ёнбошида тош териб қўйилган махсус жой ҳам бор. Ёғлоқда сув олиб сепсангиз, «вош-ш» этиб буғ кўтарилади...

...Мўрча дарров қизиди. Бурчақда фонус сарғайиб турган каталакдек ҳаммомда уч киши сиқилишиб қоларкан. Дамим қайтиб кетди. Фотима-Зуҳра келинлар парво қилмайди. Бир-бирининг устидан сув сепиб, қийқиришарди. Мўрча бурчагидаги лиқилдоқ курсида шамшод тароқ билан сочимни тараб ўтирсам Зуҳра келин бошимга эгилди.

— Вуй, — деди ерга тегиб турган ҳўл сочимни кафтига олиб, — ярмисини беринг, Робияхон.

— Олақолинг! — деб кулдим. — Ўзиям жонимга тегиб кетди, ювиш қийин.

— Ҳо, олақолингмиш! — Зуҳра келин қаҳ-қаҳ уриб кулди. — Йигитлар сочингизга ишқибоз-да, опаси айлансин. Орқангизни ишқалаб қўйими!

У макка чочиққа совун суркаб, курагимни ишқалашга тушди. Қўли кичкина бўлсаям шунақанги чайир эканки, чинқириб юбордим.

— Оғрияпти!

— Вой, шунга шунчаликми? — Зуҳра келин кулди.

— Э, боринг! — дедим уялиб.

Фотима келин иссиқдан нафасим қайтиб қолганини кўриб, бурчакдаги ёғоч бочкадан совуқ сув олиб қуйди. Ҳовли томондан аввал гармон товуши, кетидан Рашид абзининг хирилдоқ овозда ашула айтгани эшитилди:

Айда, молай, базарға...

— Вой ўлсин! — Фотима келин қиқирлаб кулди — Абзи яна ичиб олди шекилли заҳарига.

Зум ўтмай Рашид абзи яна гармонини чўзиб қолди:

«Патийим, Патийим...»

— Сени чақиряпти, Поти! — Зухра келин хандон отиб кулди. — Чиқ! Фотима келин бўлиқ кўксини маккачочиқ билан ишқаларкан, мамнун илжайди.

— Э, Потийи билан қўшмозор бўлсин... Кўкрагим ийиб кетди. Тоҳир йиғлаётганга ўхшайди. Эмадиган вақти бўлди...

Учаламиз шафтолидек қизариб ҳовлига чиққанимизда қоронғи қуюқлашиб қолган, ҳали ой чиқмаган, аммо осмонда фақат баҳор оқшомлари бўладиган нимтатир, майин ёруғлик бор эди. Рашид абзи курсида ёғоч оёғини соғ оёғи устига диккайтириб кўндаланг кўйганча, кўзларини ярим юмиб, гармон чалар, ашула айтарди.

Ажаб, у хушчақчақ қўшиқ айтарди-ю, овози аянчли эди. Оқсоқолнинг келинлари «раҳмат» деганда ҳам кўзини очмади. Гармон нола қилаверди... «Мини ташлаб қоя китти...» Рашид абзи яхши одам-ку! Розия нега унақа қилади! Нимага биров билан қочиб кетади? Хаёл суриб бораётган эканман, каллакланган тол тагидан ажралиб чиққан қоп-қора шарпани кўриб ўтакам ёрилаёзди.

— Ким у, опа! — дедим Фотима келиннинг пинжига тиқилиб. Оқсоқолнинг келинлари ҳам тўхтаб қолишди. Бояги шарпа секин-секин яқин келди. Салом берди.

— Кечирасизлар, келинойи, — деди овози титраб. — Робияхонда бир оғиз...

Юрагим гурсиллаб урар, уй томонга югурай десам оёғимда мадор йўқ эди. Чамаси, Фотима келин ҳам эсанкираб қолган, нуқул «ким у, Зўра, ҳой кимсиз?» дерди.

Зухра келин шаддод экан. Лип этиб, олдимни тўсди-да, шарпага рўпара бўлди.

— Ҳа, сизмисиз, Очилбой?! — деди кескин оҳангда.

— Мен... Келинойи... — Шарпанинг овози яна титраб чиқди. — Кечирасизлар...

— Нима гап, Очилбой! — Зухра келин унинг довдираб қолганидан дадиллашиб дағдаға қилди. — Етти номус — бир ўлим! Бу нимаси, ярим кечада, қиз боланинг йўлини тўсиб! Кўрганлар нима дейди?

— Узр, келинойи... — Очилбой талмовсираб қолди. Кўрқа-писа янаям яқин келди. Кўзойнаги йилтираб кетганини, ияги титраётганини кўрдим. — Хафа бўлмайсизлар... — у аввал Фотима-Зухра келинларга, кейин менга юзланиб қўлини кўксига қўйди. — Робияхон. Шуни ўқиб кўрсангиз бўлди... Мен ёмон ниятдамас... — Шундай деб шимининг чўнтагига қўл суқди-да, аллақандай қоғоз чиқарди. Хатни энди узатган эди, гурс-гурс қадам товуш эшитилди. Аллакким ҳаллослаб келганча Очилбойнинг қўлидаги хатга чанг солди. Бу шу қадар кутилмаганда бўлдики, анграйиб қолдим. Уша заҳоти Кимсан акамнинг овози қоронғи осмонни зириллатди.

— Ҳўв, шапкўр!.. — У хатни бурда-бурда қилиб Очилбойнинг юзига улоқтирди. Бир парча қоғоз Очилбойнинг кўзойнагига илиниб қолди.

— Кимсанжон, укам... — Очилбой қўллари титраганча кўзойнагини ечди. — Синглингизга...

— Жон керак бўлса жўнаб қол!

Кимсан акам шундай важоҳат билан устига бостириб бордики, Очилбой беихтиёр орқага тисарилди.

— Кимсанжон... — Очилбой шоша-пиша кўзойнагини қайтадан тақди. Қоронғида аянчли илжайди. — Синглингизга...

— Синглиммас! — Кимсан акам ҳайқириб юборди.

— Синглингизга ёмонлигим...

— Яна гапиради-я! Кетасанми-йўқми? — Кимсан акам ховончадек муштини баланд кўтариб Очилбойга ташланган эди, Зуҳра келин билагига осилди:

— Қўйинг. Уят бўлади!

— Узр... — Очилбой тисарила-тисарила зулмат қўйнига сингиб кетди.

— Ваҳимангиз қурсин, Кимсанжон! — Фотима келин энди тилга кирди. — Туф! Туф! Яхшиям қорнимда болам йўқ: нақ Шокир акамдан балога қолардингиз.

Кимсан акам, «бор-е, сенга нима», дегандек жаҳл билан қўл силтаган эди, опа-сингил келинлар шоша-пиша йўлга равона бўлишди.

— Ярим кечада пишириб қўйибдимми?! — Кимсан акам юзимга чақчайиб қаради. Қоронғида кўзлари ёниб турарди. Вой-бў! Қўйдек ювош Кимсан акамнинг жаҳли шунақа ёмонлигини билмаган эканман! Қизиқ, унинг дағдағаси ҳам ғашимга тегар, ҳам ёқар эди.

— Ўзим! — дедим бўш келмай. — Рашид абзининг мўрчасига бордик. Ойимга айтганман.

— Э, ўша Рашид абзингни!.. — Кимсан акам ёш болани етаклагандек қўлимдан силтаб тортганча беш-олти қадам юрди-да, тўсатдан тўхтаб қолди.

— Робия! — деди кўзимга тикилиб, қўлимни шунақа қаттиқ қисдики, додлаб юборай дедим. — Робия! Агар ўша шапкўр яна йўлингни тўсса...

— Қўйворинг! — дедим қўлимни силтаб. — Қочинг!

— Тилиб ташлайман! — Унинг овози титраб кетди. — Эшитиб қўй. Иккаланганим! — Бирдан қўллари бўшашиб бошини қуйи солди. — Робия! Тушунсанг-чи ахир, жинни! Менга кераксан! Билдингми, жудаям кераксан!

Юрагим гурсиллаб урганча уйга югуриб кетдим. Севинишимниям, хафа бўлишимни билмасдим. Орқа томонда Кимсан акамнинг ҳайқириги янгради:

— Робия!

Ҳовлига учиб кирдим. Яхшиям бобом йўқ, ойим молхонада сигирга қараётган экан. Анчагача ҳовлининг қоронғи бурчагига бориб ҳурпайиб турдим. Назаримда юрагимнинг уришини бутун дунё эшитаётгандек эди. Ойим қўлида фонус билан молхонадан чиқди.

— Келдингми, қизим... Қаёқдасан? — деди аланглаб.

Бирпасдан кейин Кимсан акам кириб келди. Айвон олдида рўпара бўлдик. Қип-қизариб терлаб кетибди.

— Овқат ейсизми? — дедим кўзига қарамай. — Ширгуруч қилувдик. Янги сигирнинг сутидан.

Кимсан акам «галанска» сигирни кўрган шекилли, унча эътибор бермади. Ярқ этиб кўзимга қаради-да, илжайди.

— Обке, тош бўлсаям ейман!

— Суюнчи беринглар болаларим! — деди ойим фонусни токчага қўя туриб. — Тоғангни тўйи юришиб қолди. Насиб этса, майрам куни — никоҳ! — У аzza-базза хонтахта рўпарасига ўтириб қўл очди. — Илоё қўшгани билан қўша қарисин, ўзидан кўпайсин. Сенларгаям яхши жойлардан ато қилсин! Аввал синглингни тўйини қиламиз-а, ўғлим?

Зимдан разм солдим. Кимсан акам менга қараб ўтирибди.

— Таомилда қиз бола олдин узатилади, болам, — деди ойим билағонлик билан. — Синглингни тўйига сен бош бўласан, сенинг тўйингга Робия бош бўлади.

Кўнглим ғаш тортди. Лаганни кўтариб ошхона томонга юрганымда ойим мақтанди:

— Тоғанг бало экан, Кимсан. Келин бўлмиш Раъноҳон икки жаҳоннинг бири! Уч марта совчи бўлиб бордим-у, бари бир пишмайдиган савдо деб

ўйлагандим. Шундай қиз Шомуродга тегишига ақлим етмовди. Йўқ, текстилда бирга ишлаб, юлдузи-юлдузига тўғри келган экан. Қуда томон охири кўнди. Тўйга бормасаларинг, бўлмайти, болаларим!

— Иккаласи бир-бирига кўнгил қўйган бўлса бўпти-да, — деди Кимсан акам катта одамлардек салмоқлаб. Зимдан менга қараб қўйди. — Ҳамма гап шунда, ойи!

...Ажаб, шу кеча дадам яна тушимга кирди. Кимсан акам иккаласи қулупнай териб юришганмиш... Дадам қулупнай териб, нуқул Кимсан акамга узатармиш. Юзини аниқ кўрмасмишман, нуқул кулармиш...

4. Тошкентдаги томоша

Шомурод тоғамнинг тўйига уч кун қолганида Кимсан акам ғалати гап топиб келди.

— Тоғамнинг тўйига бормайсан!

Ҳайрон қолдим.

— Вой, нега? Хафа бўлмайдиларми?

— Жуда боргинг келса чалларга борарсан. — Кимсан акам қувлик билан кўзини қисди. — Нима қилсанг қил, тўй куни бир баҳона топ. Бошим оғрияпти, дейсанми, касалман, дейсанми, хуллас, сен никоҳга бормайсан! Менам бормайман.

Ичимда Кимсан акамнинг гапига кўниб турсам ҳам қайсарлик қилдим.

— Нега бормас эканман, бораман!

У буйруқ қилиб «ошириб юборганини» сезди.

— Робия... — деди ялиниб. — Хўп дегин, кейин хурсанд бўласан...

«Хўп» демадим-у, бари бир айтганини қилдим. Эртага никоҳ деган куни даладан барвақт қайтдим. Ҳамма қатори кетмончилик қилаётганимга уч йил бўлди. Аввал ойимга кўмаклашиб юрдим. Кейин ўзимга ҳам меҳнат куни ёзадиган бўлишди. «Бошим оғриётганини» баҳона қилиб, аizza-баizza ётиб олдим.

Тўй ташвиши чиққанидан буён Кўтармага — Шомурод тоғамникига кунига уч мартадан қатнаётган ойим аҳволимни кўриб қўрқиб кетди.

— Вой, менгина ўлай, бу ташвиш ҳам бор эканми, — деб бошимда парвона бўлиб қолди. «Қизғалдоқ офтоб урган» деб қатиқ ичирди, «кўзикансан» деб исириқ солди. Эрталабгача бари бир «тузалмадим».

Тонг отганда бобом билан ойим маслаҳат қилишди.

— Робия касал, ёлғиз ташлаб кетиб бўлмайти, — деди бобом. — Тўй нима, ғат-ғут этади бир кунда ўтиб кетади. Қизингни соғлиғини ўйла.

— Шўрим қурсин! Биттаю битта укамни тўйига бормасам, эл-юрт нима дейди?

— Биров сенга борма деяптими! — бобом жаҳл билан тўнғиллади. — Ҳатаканг ёрилмасин. Борамиз. Сенам, менам! Синглисидан Кимсан хабар олиб туради. Базмга борди — бўлди-да! Хотин-халаж ичида нима бор ҳўкиздай йигитга!

Бобом билан ойим ясаниб чиқиб кетган заҳоти Кимсан акам илжайиб кириб келди.

— Айтмадимми, зўр бўлади, деб. Тур, отлан!

Ойимни алдаганим учун ўзимни-ўзим ёмон кўриб кетдим.

— Қаёққа?

— Шаҳарга борамиз. Бугун байрам. Театрга тушамиз.

— Ойим келиб қолсалар-чи? — дедим хавотирланиб.

— Чалларни ўтказмагунча келмайдилар. Атлас қўйлагингни кий.

Шу бугун ўзимнинг ҳам роса «посон» бўлгим келарди. Ҳолпош хола тикиб берган атлас қўйлагимни кийдим. Сочимни иккита қилиб ўриб, чамандагул дўппимни бошимга илдим... Фақат ўсма қўйишга улгурмадим. Айвондан Кимсан акамнинг нуқул маъноли йўталаётганини эшитиб чиқсам, аллақачон отланиб бўпти. Соқоли қиртишлаб олинган, эгнида оқ жужун кўйлак, оёғида хиром этик. Кўзлари мулойим кулиб турибди.

Кўнглим бир қалқиб кетди. Кимсан акам шунчалик келишган йигитлигини энди пайқаганимга ўзим ҳайрон қолдим.

— Робия... — деди у ялиниб... — Илтимос, сочингни чамбарак қилиб олгин.

— Вой, нимага? — қайси куни Рашид абзининг ҳаммомида Зухра келин «йигитлар сочи узун қизни яхши кўради», дегани эсимга тушди. Ерга тегай деб турган икки ўрим сочимга қарадим. — Ёмонми?

— Яхши-ку... Менга чамбарак қилганинг ёқади...

...Тупроқ кўчалардан узоқ юрдик. Кимсан акамнинг хиром этиги, менинг ғарчли «лодочкам» чангга беланди. Бироқ иккаламиз ҳам бунақа «майда-чуйда»ларга парво қиладиган аҳволда эмасдик. Осмонда баҳор қуёши эркаланиб жилмаяди. Кўчанинг икки бетидаги баргак чиқарган толлар ҳозиргина сочини ювиб, офтобда қуритаётган қиздек таманно қилади. Қушлар ошён қуриш ташвишида чуғурлайди. Йўл четидаги қип-қизил қизғалдоқлар гиламдек товланади. Кўклам шабадаси мастона бош чайқайди. Қизғалдоқлар орасида онда-сонда кўзга чалиниб қолаётган чучмўмалар оламга мунис мўралаб қарайди. Ажаб, шу кўчалардан аввал ҳам ўтганмидим? Илгари ҳам кўклам бўлганмиди? Нимага қизғалдоқларни кўрмаган эканман? Бу дунё шунақа чиройлими? Офтоб шунақа майинми? Қизғалдоқлар шунақа кўпми?

Кимсан акам уч-тўрт қадам олдинда боряпти. Биламан, уям иккаламиз ёнма-ён юришимизни хоҳлаяпти-ку, уялади. Одамлар ёмонда! Дарров гап қилади. «Кап-катта ака-сингил қўл ушлашиб юрибди» дейди. «Ака-сингил?» Бир ҳафта аввал Кимсан акам Очил акага нима деди? Ўзиям капалаги учиб кетди Очил шўрликнинг! Кимсан акам ажаб қилди! Иккинчи йўлимни тўсмайдиган бўлади.

Ниҳоят, трамвай айланадиган жойга келдик. Одамлар бирдан кўпайиб кетди. Хўроқанд шимиған болалар, газсув дўкони олдида навбат кутиб турган шляпали кишилар, писта чаққан олифта хотинлар.

Ғиштин девор орқасида осмон баравар мўридан тутун чиқиб ётибди.

— Текстил шу! — деди Кимсан акам тушунтириб.

— Эрталаб соат бешда гудок чаладиганми?

— Ҳа-а, топдинг! — Кимсан акам мўрига имо қилди. — Шомурод тоғам шу ерда ишлайди! Мастер!

Ҳайрон бўлдим.

— Вой-бў! Кўтармадан шуёққа қатнайдиларми?

— Нима кўпти! Дашни поездга ўтириб келаверади! Ие, ана трамвай! Чопдик! — Кимсан акам қўлимдан ушлаб, судраб кетди.

Трамвай тиқилинч эди. Ясан-тусан қилган йигитлар хоҳолаб кулади, қизларга гап отади. Кимсан акам, қовоғини солиб, билагимдан ушлаб олди. Кафти қайноқ эди...

Жангоҳ дегани жаннатдек боғ экан. Музика тинимсиз гумбурлайди. Темир панжарали кунгурадор дарвоза тепасида сурат. «Яшасин 1 Май!» деган шпор илинган.

Патта олиб, ичкари кирдик. Йўлкаларга қизғиш қум сепилган. Карнай-сурнай, ноғора садолари қулоқни қоматга келтиради. Дорбозлар осмони фалакда лангар чўпини саланглатиб ўйин кўрсатади. Полвонлар кураш тушади. Найзангул ўйнатаётган лўттибозлар томошатабларни чорлайди: «Кеп қолинг! Томошанинг зўрига кеп қолинг!» Бир томонда дошқозон тўла ош. Бир томонда кабоб. Кимсан акам иккаламиз кабоб еб, «зилдирский» сув ичдик.

Театрга кирганимизда оқшом тушиб қолган эди. Эҳ-ҳе! Шунча духобани қаёқдан олишди экан. Оёқ остига чўғдек гилам ташланган. Кўрсиларга қизил бахмал сирилган. Каттакон саҳнани ҳам қип-қизил бахмал тўсиб турибди. Бўйи эллик қулоч, эни қирқ қулоч келар...

Томошанинг охирига Офелия жинни бўлиб қолганини кўриб, кўрқиб кетдим. Икки қўллаб, Кимсан акамнинг билагидан чангаллаб олдим.

— Нега? — дедим титраб. — Бечоранинг айби йўқ-ку!

Кимсан акам секин елкамдан кучди:

— Гамлетниям айби йўқ...

Театрдан йиғлаб чиқдим. Трамвайда Текстилгача келдик. Уёғига пиёда кетдик. Кимсан акам тупроқ кўчада тап-тап қадам ташлаб олдинроқда борарди. Эрталаб-ку биров кўриб қолмасин, деб қўрққан эди. Ҳозир қоронғи-ку! Нега ёнма-ён юрмайди! Қўрқоқ! Димоғимга олма гулининг ҳиди урилади. Чигирткалар қўнғироқ чалади. Тўқай томонда бедана питпилдиқ отади. Кунботар уфқда тиллақошдек нозик ой ялтираб турибди. Янги ой... Ойим қизик: ҳар гал янги ой чиққанида ният қилади. «Илоё янаги шу кун, шу ойларга омон-эсон етайлик!» Келаси ой чиққунча нималар бўларкин. Биз ҳам омон-эсон етиб олайлик. Бобом, ойим, мен... Кимсан акам. Биргалашиб етайлик.

Баргак чиқарган тол панасига етганда Кимсан акам таққа тўхтаб қолди. Хаёл суриб келаётган эканман, тоғдек елкасига урилиб кетдим.

У шаҳт билан ўгирилди.

— Робия,— деди қўлимдан тутиб. Кафтининг қайноқ тафтидан билагим ёниб кетгандек бўлди. Қўлимни тортиб олмадим, тортиб олгим келмасди. — Ростини айт; Очил ака нега хат берди сенга? Ё ўзинг ҳам...

Ҳа, гап буёқда экан-да! Мен нима дарддаю бу кишим... Алам қилиб кетди.

— Қўйворинг!— дедим. — Мен қаттан биламан!

— Робия! — Кимсан акам юзи юзимга теккудек яқин келди. Ҳам шиддат, ҳам ўтинч оҳангида сўради. — Тўғрисини гапир...

Жинни! Аҳмоқ! Кучим борича қўлимни силкитиб, депсиндим.

— Қўйворинг! Тушини сувга айтсин ўша шапкўр! Керакмас! Ўзиям бошида қолсин, хатиям!

Кимсан акамнинг қўллари бўшашди.

— Рост-а, шу гапинг рост-а, Робия!

«Рост бўлмаса сен билан келармидим, ойимни алдаб «касал» бўлармидим!»

Ичимда шу хитоб янгради-ю, сиртимга чиқаришга юзим чидамади. Чопиб кетдим. Орқамдан Кимсан акамнинг югуриб келаётганини, ҳаллослаб нафас олишини сезиб турардим. Худди бир вақтлар дадамни олиб кетган машина кетидан югурганимда орқамдан чопгандек... Билмадим, эҳтимол ўшанда, заранг ерни муштлаб йиғлаганимда, «унақа қилмагин, Роби...» деб ялинганда суяниб қолгандирман унга... Тўғри, у пайтларда ёш бола эдик. Шундоқ бўлсаям...

Охири у менга етиб келди. Елкамга кафтини авайлаб босди.

— Робия! — деди ўтиниб. — Тушунгин ахир... Сен менга жудаям кераксан...

Уёғига секин кетдик. Янги ой нозик қошини чимириб маъноли жилмайиб турар, чигирткалар мастона нағма чалар, фақат олдинда Алвасти кўприк таҳдидли гувуллаб, кўнгилга ғашлик солар эди.

Уйга келсак — ҳеч ким йўқ.

— Овқат қилайми? — дедим Кимсан акамнинг кўзига қарашга уялиб.

— Дам олсанг-чи, жинни, — деди Кимсан акам жилмайиб.

У айвон ўртасида иккиланиб туриб қолди. Яна нимадир дейишини хоҳлардим. Айна пайтда гапиришидан қўрқар, андиша қилардим.

— Майли, бўлмаса...— у секин уйга кириб кетди. Қарасам, айвон бурчагида қизил белбоғи турибди.

Ошхонада сув иситиб қийиқчани ювдим. Ундан Кимсан акамнинг ҳиди келарди. Нами аримаган қийиқчани олдиму югуриб уйга кирдим. Нариги хонадан Кимсан акамнинг хўрсингани эшитилди. Ҳозир кириб келади-гандек эшигимни занжирлаб олдим. Еттинчи лампани тоқчага қўйиб, қутини титкилай-титкилай зангори ипак топдим. Тиззамга муздек уннаётган қийиқча бурчагига лотинча «К», «Р» деган ҳарфларни босдим. Мендан каштачи чиқмас экан. Ҳарфлар қинғир-қийиқ бўлиб кетди. Шу арзимаган ишни битиргунча тонг бўзарди. Қийиқчани тиззамга қўйганча ухлаб қолибман.

Эрталаб эшикнинг тақиллашидан уйғониб кетдим.

— Робия! — деди Кимсан акам эшик орқасида туриб. — Мен кетдим. Тентак! Деразадан келса-ку, очиқ турибди!

— Шошманг! — Қўлимда қийиқча билан учиб бориб эшикни очдим. — Чой ичмайсизми?

— Э, кеч қолдим. Далада ичарман.

— Тўхтанг бўлмаса! — Айвон бурчагида турган қутидан иккита нон олиб қийиқчага ўрай бошладим. Шошилгим келмас, Кимсан акам қийиқча четидаги ёзувни кўришини хоҳлардим. Ниҳоят у қизил қийиқча бурчагидаги зангори ҳарфларга кўзи тушиб яқин келди.

— Нима бу? — деди бошимга эгилиб.

— Қийиқчангиз! — Ҳеч нимадан беҳабар одамдек тугунни узатдим. — Манг. Кир бўпкетган экан ювдим. Айтмоқчи, пайтавангиз дорда турибди. Қуригандир.

— Робия!.. — Кимсан акамнинг овози титраб кетди.

— Э,— қўлини елкамдан олиб ташладим.— Қочинг. Сигир соғишим керак. Сутини тортиб қўйса, ойим уришадилар.

5. УРУШ

Бизнинг томорқадаги чиллаки ҳамманикидан олдин чумак уради. Бошқаларники энди шўра чиқарганида бизники ранг олади. Бошқаларники энди ранг кирганида бизники фарқ пишади. Бу йил ҳам шунақа бўлди. Ойим Кимсан акам иккалаамизга буюрди:

— Узумнинг пишган-пишганидан узинглар. Тоғанга олиб бораман. Келинимнинг оғзи тегсин.

Ойим «келиним-келиним» деганича бор. Чаллар куни Шомурод тоғамникига борганда Раъно келинойимни кўриб оғзим очилиб қолди. Оппоқ ғижим рўмол ўраб, уч марта салом қилдию шундоқ рўмолини очса... Тавба! Бунақа чиройли қизни умрим бино бўлиб кўрмаганман! Қаламда тортилгандек қошлар, ёниб турган қоп-қора хумор кўзлар, сутдай оппоқ юз, ингичка иягидаги митти холи, ангишвонадек оғзи — ҳаммаси атайлаб чизиб қўйилганга ўхшайди. Ростини айтсам, қиз бола бўла туриб ўзимнинг ҳам ҳавасим келди. Раъно янгамни бир кўришда яхши кўриб қолдим. Шунинг учун ойим «келинимнинг оғзи тегсин» деганида Кимсан акам иккалаамиз шоша-пиша томорқага югурдик. Энди узум узмоқчи бўлиб турган эдик, бобом билан Оқсоқол бува келиб қолишди. Оқсоқол узумларни кўриб бошини сарак-сарак қилди:

— Нима бало, Дума! Узумингни тагига кечаси билан олов ёқиб чиқасанми?

— Туф де, кўзинг тегади! — бобом пакана гавдасини ғоз тутиб, кўксига муштлади. — Ким деб ўйлаяпсан бизни! Йўлини билиш керак, йўлини.

— Билсанг айт мундоқ, пажалиста!

— Яна «пажалиста» дейди-я! — бобом Оқсоқолнинг юзига сапчигудек чақчайди. — Минг марта айтганман шу гапингни ташла деб.

— Ие, кечирасан, Дума, оғзимдан чиқиб кетди, — деди Оқсоқол илжайиб. Билмасдан айтдим-да, ўртоқ. Аммо узуминг зўр бўпти. Баракасини берсин! Менгаям ўргат йўлини!

— Талаш деган нарсани биласанми! — Бобом Оқсоқолга ғолибона қаради. — Ҳар қандоқ мева бўлмасин ўрикми, узумми, нишона берганда нораства болаларга талаш қилдириш керак. Ушалар тўйганидан қолгани баракали бўлади. Менам бу узумнинг биринчи ҳосилини болаларга талаш қилдирганман. Ўн саккиз йил бўлди, Кимсаним энди туғилган эди.

— Сен-а? — Оқсоқол белкуракдай кафти билан тиззасига уриб, маза қилиб кулди.— Томорқангни устидан чуғурчуқ учиб ўтишга қўрқади-ку, зиқна. Бошқа сиринг бор, айтавер!

— Айтайми! — Бобом Оқсоқолга қўлини чўзди. — Носдан ол!

— Ула! Нокас! — Оқсоқол инқиллаб-синқиллаб шимининг чўнтагига қўл суқди. Нос тўла шишани бобомга узатди. — Ма! Чек захарингга! Битта гапниям текинга айтмагин!

— Керакмас! Узимники бор! — Бобом узун камзулининг чўнтагидан қизғиш носқовоғини чиқарди. — Мендан тиланмагин деб атайлаб сўрадим. — У кўзини қисиброқ илжайганча нос отди. — Ҳеч қанақа сир-пир йўқ. Ҳовлининг деворини баланд, томорқаникини паст ол, деган ҳикмат бор. Эшитганмисан. Эшитмагансан! — Бобом билағонлик билан томоғини тақиллатди. — Ишқомингдан шамол ўтиб турсин, каллаварам. Бўлмаса кул тушаверади.

Икки ўртоқ ҳангомалашиб, пастдаги эшикдан ҳовлига кириб кетишди.

— Юринг,— дедим Кимсан акамни қистаб, — тезроқ узайлик. Ойим кеч қолмасинлар.

Ишқом оралаб кетдик. Қуёш қиздиради. Ток япроқлари унсиз тебранади. Офтоб нурини эмиб қизарган узум бошлари солланиб турибди. Аллақерда ғуррак ғуриллайди.

Кимсан акам қорайган узум бошлари ғуж бўлиб турган ток олдига келиб тўхтади. Осилиб, бағазга чиқди. Залворидан ишқомнинг нариги бошигача лопиллаб кетди.

Кимсан акам ғарқ пишган чиллакини топди. Бир донасини узиб, оғзига солди.

— Оҳ-оҳ-оҳ! Шунақанги ширинки, есанг лабинг лабингга ёпишиб қолади, Робия!

— Бўлинг! — турган жойимда оёқ депсиб қистадим. — Ойим шош-яптилар.

Кимсан акам тезроқ ишлаш ўрнига тегажоғлиқ қила бошлади:

— Вой-бу! Бунақа ширин узумни умримда емаганман. Асал-а, асал! Ишонмасанг ялаб кўр...

КУНЛАРДАН БИР КУН ●

Халқ оғзига тушиб улгурмаган ёш қаламкаш Людвиг Тик рухсатсиз Иоганн Вольфганг Гёте ҳузурига ташриф буюради. «Фауст» муаллифи шоирни танимаганлиги туфайли уни қабул қилмайди ва тезда уйдан чиқиб кетишини талаб этади. Лекин Тик кетиш ўрнига хизматкор ёнидан ўтиб, тўғри ичкари хонага сурбетларча бостириб киради.

— Мени албатта кўрмоқчимисиз?

— Ҳа.

— Мана, мен. Кўриб олинг! Етарли бўлса керак-а?

— Етарли.

— Мендан яна нима истайсиз?

— Узингизни кўрсатганингиз учун қанча ҳақ тўлашим керак?

Икки сўз санъаткори ўртасида мана шу тарзда бошлан-

ган дўстлик кейинчалик узок йиллар давом этган.

Чарльз Диккенс бўш вақтларида балиқ овларди. У уйи ёнидаги дарёга қармоқ ташлаб кўярди-да, хаёллар уммонига ғарқ бўларди. Кунларнинг бирида ноқулай жой танлаган нўноқ балиқчига кўшниси танбеҳ берди:

— Жаноб Диккенс, бу ер-

— Э-э! Ойим уришиб берадилар, инсон! Қоронғида Алвасти кўприкдан қандоқ ўтадилар? Узингиз обориб қўясизми?

— Сенам борсанг, обориб қўяман! — Кимсан акам илжайиб чиллакини узатди. — Қани, оч саватингни!

Сават яримлаб қолганида томорқанинг пастак эшиги ғийқиллади. Бобомнинг йўталгани эшитилди. Кимсан ака иккаламиз дарров сипо бўлиб қолдик.

Секин қарасам, бобомга эргашиб ойим ҳам пилдираб кетяпти. Бобом ишимизни бир зум томоша қилиб турди-да, Кимсан акамга буюрди:

— Туш...

— Нега, бобожон? — дедим қўлимдаги саватга имо қилиб. — Ҳали тўлгани йўқ-ку!

Кимсан акам дорбозлардек бир оёқлаб бағазга осилган кўйи биз томонга юзланди. Ойим тескари қараб кафти билан юзини тўсганча хиқиллаб йиғлаб юборди.

— Уруш бошланибди! — деди бобом синиқ оҳангда.

Ҳиқиллаб йиғлаётган ойим тўсатдан овозини баралла кўйиб юборди.

— Вой шўрем! Бу бало қаёқда турган экан. Шўргинам қурсин!

— Саннама-э! — бобом ўшқириб берди. — Учир!

Ҳайрон бўлиб ойимга қарадим. Нега йиғлайди? Уруш бошланса нима бўпти? Ўзи анчадан буён «уруш-уруш» деган гаплар юрарди-ку!

Кимсан акам ерга сакраб тушди. Қуриган кесакка қоқилиб мункиб кетди. Ранги қув ўчиб энтикиб нафас олаётганини сездим.

Давоми келгуси сонда

● КУНЛАРДАН БИР КУН

да ҳеч вақо йўқ. Юқориоққа ўтинг. Ҳар сафар қармоқ отганингизда, албатта бирон нарса илинади.

— Уни ўзим ҳам яхши биламан, — эътироз билдиради аллома, — дамбадам қармоқларни янгилаб туриш хаёлимни бўлиб қўяди-да!

Марк Твен дўсти Хари Дунканга кўп пулни қарз беради. Дункан пулни, соғ-саломат бўлса, бир ой ичида албатта

қайтариб беражagini ваъда қилади. Лекин муддат тугаб, қарздордан дарак бўлмагач, Марк Твен газетага шундай эълон беради:

«Ҳамма қавму қариндошлар ҳамда таниш-билишларга чуқур қайғу билан Хари Дунканнинг вафот этганлигини маълум қиламан. У мендан 500 доллар қарз олиб, агар ўлмасам, тўрт ҳафта давомида сўзсиз келтириб бераман, деб қасам ичганди. Хари Дункан ўз сўзида турадиган,

лафзи ҳалол дўст эди. Бордию у бечора ҳақиқатан ҳам бандаликни бажо келтирган бўлса, унинг жойи жаннатда бўлсин!»

Бутун бошли шаҳар аҳли антиқа эълондан роса мириқиб кулиб юрди. Қизиғи шундаки, ҳалиги «марҳум» тирилиб, эртасигаёқ қарзни Марк Твенга қайтариб берди.

Немисчадан
Бойхўроз МАМАТҚУЛОВ
таржималари.

ЖИЛҒАЛАРНИНГ КУМУШ ЖАРАНГИ

Раҳим Бекниёз

Ишонч

Икки нарсага йўқ дунёда гумон:
Биттаси замону биттаси макон...
Замон қанотида чарх урар, елар
Инсон бешигига айланган макон.
Шунчаки тўхтамсиз бекатдир йўллар,
Чексиз бекатлардан иборат замон.
Эй, замон қадрини идрок этган жон,
Яшил бекатларга ёққувчи чироқ —
Коинот аталмиш зангори уммон
Сенга кўз тутмоқда, йўлингга муштоқ.
Етганингдан олис — етгуси йўлинг,
Пойи-қадамингда ёқиб бор маёк.
Фақат яратгали яралган қўлинг,
Майли, қўригали ушласанг яроқ.
Сенинг қўлингдадир нурли келажак,
Истиқбол тақдири сенинг қўлингда
Ва лекин бадному ёвуз ўлимсак
Қурол ўқталмоқда, афсус, йўлингда.
Қарши ўқталгандир «першинг»у тўплар,
Самода «пантом»лар изғишар тун-кун.
Сигареталармас, йўқ, заҳар пуфлар —
Пуфлар ракеталар заҳарли тутун.
Ғофил қолма, боққил қуёшга уйғоқ,
Нотинч лаҳзаларни ҳушёр кутиб ол,
Шиддатли замонга бўлгил кўз-қулоқ,
Орзу-армонларга етмасин завол.
Коинотга дадил йўл солган, элдош,
Бепоён йўлингда порласин маёк.
Зухра гарданига қўл солган, элдош,
Ўчмагай заҳматкаш қўлингда чироқ...

Михаил Гребенюк

Ҳаёт жанги

Мармар шаршарага ҳовлиқиб чопган
Мовий дарё бўйлаб,
жангдан сўнг, тонгда —
Қўлда маҳкам тутган пакети билан
Аскар шошиларди штаб томонга.

Тўпларнинг наъраси тингандай эди,
Гўёки, уруш ҳам тугаган ногоҳ...
Қайдан келганини билмайин қолди,
Бир жуфт душман танкин адирга бу чоқ?

Заминни титроққа келтирган ларза,
Аскарни ҳавога юборди отиб
Ва у дунё узра қулоч ёйганча,
Бир зум туриб қолди, муаллақ қотиб.

Мангуликка кўчган ўша лаҳзадан
То ушбу кунгача, токи ушбу дам —
Аскар айри олам юлдузларидан,
Эшитмас болалар шовқинини ҳам!

Бари тирикликка чанг солган уруш —
Қулоғин кар қилди, кўзин ногирон.
Уни оғир дамда шафқатсиз, мудҳиш —
Ажалнинг қўлига топширди осон...

Ўлим этолмади аскарни мағлуб,
Қаддин буколмади уруш ҳам сира!
Уруш палатада юргандай бўлиб,
Тунлари безовта тушига кирар...

Ва пайт пойлаб, мина портлатар ҳамон,
Аскар дам йиқилар, дам ҳалок бўлар.
Ғойиб бўлаётган оламга томон —
Қараб, умид билан қўлларин чўзар.

У ҳаётга қайтар, тириклик яна
Ризқ-рўз инъом этар, бахш этар макон.
Қалбида ҳаяжон қилар тантана,
Тағин томирида гупиради қон.

Ўлим этолмади аскарни мағлуб,
Қаддин буколмади уруш ҳам сира.
Энди-чи, тушида фақат жонланиб,
Миналар портлатар... аччиқ хотира!

* * *

Ўн саккизга тўлган эдим у маҳал,
Мангулик касб этган Ватаним томон —
Қабоҳатнинг асрий тимсоли — ажал
Ногоҳ юриш қилди машъум, беомон!
— Боргил, ўғлим, — деди касалманд отам, —
Вабо чангалида қолмасин замин.
Онам деди: — Майли, бора қол, болам,
Беҳуда чўзмагин айрилиқ дамин!..

Таъзим бажо этдим кўкка, тупроққа,
Уйга, кўчага ҳам айладим таъзим.
Мен қишлоқдан кетдим, бизнинг қишлоқда —
Токи, замбараклар гулдурамасин.

Йўлим машаққатли йиллардан ўтди,
Бу йўл бошлар эди мангулик томон...

Мен шу йўлдан юриб бахтимни кутдим,
Буюк, боқий бўлиб қолдим ногаҳон!

Бу йўл оғир эди, яширмоқ нечун,
Биров азобига ишонмас дарҳол.
Унинг укубатин англамоқ учун
Сўз ё бирон ўлчов топишинг маҳол.

Биз кўпчилик эдик, дўстлар, у замон —
Устивор кутганлар ғалаба онин.
Қулардик, Ватанга бўлиб фидо жон,
Қад ростлардик, асрай деб шу дунёни.

Аҳмад ТОШХУЖАЕВ таржимаси.

Эргаш Ендош

Кўклам

Кўклам бирам кутдирди-ей, нозинг тушмагур,
Ҳануз уйқу таъсирида мудрар дов-дарахт.
Ҳануз булбул хаёл сураб, ўйинг пишмагур,
Сулув қизлар хандонлашмас боғда соч тараб.
Кўргим келар кўк майсалар кўмган далани,
Бойчечаклар наш-намосин тоггим келади.
Адирларда кўзим илғаб қолган лолани —
Чиқақол, деб, қулогидан тортгим келади...
Соғинч ўртар,
Уртар,
Бироқ, ёрдир тасалли,
Дилдам кўклам таширидан бўлиб кўнглим тўқ.
У оламга кириб келур ўлкам орқали,
Зотан, олам оғушига бошқа йўл ҳам йўқ...

Санобар Ҳасанова

Шилдир-шилдир куй

Яна гуллар фасли. Хуш ёққан манзил —
Ариқ бўйларида ялпиз чўзди бўй.
Ариқ бўйларини қўмсаб қолди дил,
Ариқ бўйларида шилдир-шилдир куй.

Булбулнинг маскани 'тўп-тўп атиргул
Оро бериб қолди яна ўзига.
Мажнунтол кокилин ўролмай буткул,
Куну тун лол боқар сувнинг юзига.

Табиат кўп ажиб бисот-пардозин
Инсон макон тутган борлиққа бермиш.
Анҳор қирғоғининг кўк пойандозин
Навбаҳор мунчалар эринмай термиш.

Қиру адирларда наврўз элчиси,
Гулбарра сайрга чорлайди элни.

*Қуёш ерга очиб иссиқ дарчасин,
Баҳор келди дебон хушлайди дилни.*

*Баҳорим, ҳуснингга олам маҳлиё,
Шунчалар чиройу латофат қайдан,
Боғларим ҳуснига бир боқиб қиё,
Ешлигим ҳусн очди шу он қайтадан.*

* * *

*Тоғлар бағридаман, кўк шалоладай
Шовуллаб отилиб, чопгим келади.*

*Яйрайман қувониб худди боладай,
Тоғлар хазинасин топгим келади.*

*Тоғлар мафтуниман, гўё лоладай,
Тоғ дарёси бўлиб тошгим келади.*

*Қирғоқ узра турдим мағрур, қоядай,
Тезоқар жилғалар тошқин келади.*

*Селга, довулларга чидаб, нурамай,
Юксалган чўққига рашким келади.*

*Тоғларим, бардамсиз эл юрагидай,
Таъриф этмоқликка машқим келади...*

Наманган

Ўктам Мирзаёров

Масрурлик

*Тунлар тонгга уланар,
Майса-узук, лаъл-шабнам.
Дудоқлар бўсадан нам...
Олам жилвагар. Олам!*

*Ҳажрлардан фориг дил,
Сигмас сўнгсиз маъвога.*

*Меҳрга ташна кўнгил
Тўлди ишққа, навога.*

*Сувларга суқланаман,
Тўлқин бўлгим келади.
Гоҳо дудуқланаман,
Ҳислар тўзғиб, елади.
Ҳаёт! Ҳаёт! Севаман!..*

Тошкент.

Жўра Алимардон

Манзара

*Қаҳратон қаҳрида тўнган томчилар
Ярқироқ найзадай турар осилиб.
Қуёшнинг тиғида юмшаган қорлар
Оқшом оғушида ялтилар кулиб.
Кўк юзин сайрини қилиб ихтиёр
Ой қалқар, оламга сочиб кумуш нур.*

Ҳайратли сокинлик борлиққа ҳоқим,
Коинот жимиллар, гўё тўкиб қўр.
Елкага ёпиниб кумушранг чопон,
Дарахтлар эгилиб, сурмоқда хаёл.
Залварли тоғлар ҳам ўраб оқ дастор,
Даврада турипти сукут ичра лол...

Чирокчи.

Собир Жаббор

* * *

Сингиб кетгинг келар боғларга,
Ифорларга тўла шаббода...
Меҳр қўйиб сўлим баҳорга,
Кўнглинг учиб юрар ҳавода!

Кечаги қиш заҳмин унутиб,
Нафасингга жойлаб баҳорни —
Тинглагайсан, кафтингни тутиб,
Завқли куйлаётган анҳорни.

Гўзалликни қалбан олқишлаб,
Чечакларга термиласан шўх.
Дейсан, гулни қадаҳдек ушлаб —
Бизнинг баҳор ҳеч бир юртда йўқ!

Никарагуа

Ҳимояга! — деди эркаклар,
Қўшилишди аёллар мағрур.
Ватан нималигин гўдаклар
Қилолмасди ҳали тасаввур.

Эрк, деб қурол тутди эркаклар,
Аёллар ҳам қараб турмади;
Эрк дардида ўсса гўдаклар —
Бундай халқнинг буюк қудрати.

Қўкон.

Севара Ҳошимова

ОНАЖОН

Аллаларинг эшитганим чоғ,
Мурғак қалб-ла, бағрингда ёндим.
Сенсан менга гўзал чаман-боғ,
Сени кўрдим, меҳрингга қондим!

Узин тунлар бўлдинг ҳамроҳим,
Шерикдирсан қайғу-ғамимга,
Сенсан менинг улўғ паноҳим,
Хор қилмадинг ҳеч бир ғанимга.

Не қилайки, севинч, ғамда ҳам,
Фақат сени қўмсаб қоламан.
Сен бор бўлсанг чекинади ғам,
Бахтли кунлар ёдга оламан.

Сен борсанки дунё чароғон,
Яшнаб боқар осмон зангори.
Фидо бўлсин сенга, онажон,
Кўнглимдаги меҳрнинг бори...

* * *

Шовуллайди теракзоримиз,
Уларга жўр юрак — горимиз.
Эшитганда кўм-кўк қўшиғин
Эрий бошлар дилдан қоримиз.

Ешлик ўтиб борар бетакрор,
Бахтли дамлар эсланар минг бор.
Севинч ҳисси қамрар дилларни,
Муҳаббат-ла келганда баҳор.

Ҳаёт гўзал, яшаш мароқли,
Биз билмаймиз асло фироқни...
Оловлатиб эзгу ҳисларни,
Елдай учар дамлар фараҳли.

Теракзорлар айтади ўлан,
Пойин ўпар тинглаб майсалар,
Бўйлашсам дер тераклар билан —
Куз келгунча минглаб майсалар...

Тошкент.

Қудрат Бобожон

* * *

Оқ либосда, ойдин юзли қиз,
Йўлга боқар, мен эса унга,
Сочларида гўзаллик тенгсиз —
Термиламан бу порлоқ тунга.

Қўлларида яшил дастрўмол,
Кўзларида ҳайрат ёмғири.
Ҳилпиратар куйлаган шамол,
Ким айтадир бу ҳолнинг сирин?

Мен баёнсиз бир ҳисни туйиб,
Уйга чўмиб боқурман йўлга.
Мўъжизангни яратиб қўйиб

Баҳор мени солдинг не кўйга?
Юрагимга исмингни ўйиб,
Кочнотни чорлайман... тўйга.

* * *

Тун бўйи кўксимда чайқалди Жайҳун
Хоразм тарафдан эсди шамоллар.
...Ҳаловатсиз тун ичра узун
Чарх урди бошимда чигил хаёллар.

Хоразм тарафда қуёшим аҳгар,
Куйган қир сингари ёришди бағрим.
Шу шафақ, шу ёғду Урганч бўлса гар...
О, менинг соғинчим, туғилган шахрим.

Соғинч каби тилсиз тонг отди бугун,
Денгиз долғаланди осмонга тўлиб,
У тараф тўлқинлар сапчиди узгун.

Елканлар елкамга қўйдилар қўлин,
Хоразм тарафга кетди бетизгин
Менинг соғинчларим бир кема бўлиб...

Н-қисм.

Бухоронинг етти юлдузи

Қадим Бухоронинг осмони баланд,
Қалдирғочлар яйраб зерикмас, ҳатто
Учиб ўтганини аниқ кўрганман
Сеҳрли гиламда чол ибн Ҳаттоб.
Бибиш — кампир шоҳи рўмол учида
Туғиб қўйган сирли топишмоқларни,
Оппоқ лайлакларнинг оппоқ тушида
Кўринган Бухоро қучоқларини
Куйламоқ истайман, дўстим, ҳамиша
Чашмаи Аюбнинг сувидан ичиб.
Бухоронинг етти юлдузи эса
Фалак оғушидан кетмагай учиб...

Ҳали қуримаган кипригида ёш,
Ҳали ўн саккизи уни этмай тарк,
Бухородан Сино олиб кетди бош —
Оҳ, дарбадар бўлди ўша кун ШАРҚ...

Шоҳруд ариғидан ғазаллар оқиз,
Устоз Рудакийдан хотир бу ариқ.
Э воҳ, шу кўзларга санчилди бигиз,
Кўр бўлди ўша кун, кўр бўлди ТАРИХ...

Петербург. Кўчалар. Бегона наво.
Йўқ, унутмас ҳамон улуғ сиймони:
Дониш, елкасига опичлаб яёв,
Бухорога олиб қайтди «дунё»ни¹...

Етмиш беш йил ўтар, ўтар ҳадемай
Гўдак чол тусига кирар бир карра.
Айний шонасида тинч ухлаёлмай
Тўлганиб чиқади етмиш беш дарра...

Тарих, кечирмасман, унутмам сира
Уста Ширин чеккан қийноқларини!
Воҳ, шамшир тушди-ю, панжаси узра —
Чумчуқлар талади бармоқларини...

Лабиховуз ичра жимирлайди сув,
Йўқ, сув эмасдир бу, сув эмас, ахир.
Бу — Хўжа Насриддин яратган кўзгу—
Унинг кулиб тўккан кўз ёшларидир...

Юлдузлар ҳисобсиз кўкда ҳайтовур,
Мунажжим зикр этар холис тикиб кўз.
Коинотнинг яланг — оч бўғзидадир —
Ҳали кашф топмаган — ЕТТИНЧИ ЮЛДУЗ!

Бухоро.

¹. Шоир ва файласуф Аҳмад Донишнинг Петербургдан глобус олиб қайтгани назарда тутилади.

Абдулла Набиев қўшиғи

*Мен бир лаҳча чўғ эдим, йигирма бир ёшимда,
Кўкрагимдан ўқ едим, йигирма бир ёшимда.*

*Бўрон каби ҳайқириб, қилич солдим ёвларга,
Дарё мисол шўх эдим, йигирма бир ёшимда.*

*Комсомоллар сафида бўлгин деди шиддаткор
Туз берган халққа меҳрим, йигирма бир ёшимда.*

*Еру кўкни титратиб, жаранглаб қолди мудом
Ҳаёт деган қўшиғим, йигирма бир ёшимда.*

*Майдон узра турибман, дунё тинчин қўриқлаб,
Қўлда ҳамон милтиғим, йигирма бир ёшимда...*

* * *

*Чулғаб ётар уфқ юзин енгил туман,
Шабнам ичиб мудрашади дала-қирлар.
Ялпиз ҳиди уфуради кенгликлардан,
Юлдузлардан тўкилади оппоқ нурлар.*

*Кўҳна олам яшаради бодом гуллаб,
Қалдирғочлар чуғурлайди тонг олдидан.
Тонг бошланар қўшиқларга қўшиқ улаб,
Тонг бошланар одамларнинг хаёлидан...*

Қўқон.

Олим Тошев

* * *

*Кимдир, балки бир кун Марсгача борар,
Ундан узоққа ҳам борар шубҳам йўқ.
Ақл қилни қирқмас, балки минг ёрар,
Инсон ўзи бўлар бундан мубҳамроқ.*

*Кимдир, балки бир кун Монна Лизадан
Минг бора жонлироқ сурат чизадир.
У пари дилларга солган ҳайратлар
Ундан албат ўзар, албат ўзадир.*

*Кимдир, истеъдоди энг гуллаган пайт
Ўзни бағишлайди бир одам учун,
Бахтли қилиш учун битта одамни —
Аямагай асло умрин, бор кучин.*

*Шу бир одам учун, бир одам учун
Жонин беришдан ҳам балки қайтмагай,*

*Шунчалик буюклик қилиб, бу ҳақда
Ҳеч кимга, ҳеч қачон, ҳеч гап айтмагай.*

*Ижодкор дўст, сени тортмасман ортга,
Дунёларни ёрсин кенг тафаккуринг.
Лекин ҳеч кимгамас, фақат шу зотга —
Минг бора таъзимим ва ташаккурим!*

Тошкент.

Раҳим Каримов

* * *

*Сен кўришдинг отанг билан тортиниб,
Ҳар галгидай яна сир босди чоғи.
Қучолмадинг нега маҳкам, ботиниб?
Биласан-ку, висолнинг бор саноғи.*

*Сен кўришдинг онанг билан тортиниб,
Пешвоз чиққан, яланг — бошу оёғи.
Қучолмадинг меҳрибонинг ботиниб,
Кўришишининг гўё йўқдек одоғи...*

Москва.

Омон Ражаб

* * *

*Оқшом. Аёл пиширмоқда нон.
Сочи чанбар, шимариқ енги.
Икки юзи — шафақли осмон
Кўзларида оловнинг ранги.*

*Унга дастгоҳ — оловли тандир,
Уйин солиб турибди гўё.
Бу тандирмас, порлаган кўкдир,
Ерга тушиб, кичрайган танҳо.
Пастда қўри — чўғлари ёнар,
Гумбази-чи? Оқарар туздай.
Аёл ёпар ойдайн нонлар,*

*Кулчалари сонсиз юлдуздай.
Оппоқ қўллар ўтли тандирдан
Кўчирмайди иссиқ кулча, нон —
Ой, юлдузни узмоқда кўкдан,
Дастурхонга қўнмоқда осмон.
Замин бағри зиёга тўлар,
Хушбўй эгар оламни хушҳол.
Дунё қаддин мағрур кўтарар —
Нон пишириб турганда аёл...*

Тожикистон ССР.

Исмоил Тўхтамишев

* * *

*Эҳтиросга кўмилди қалбим,
Кириб келгач унга муҳаббат.
Беихтиёр пичирлар лабим:
Елғиз сени севаман фақат...*

*Юрагимда асранган нидо,
Кўзларимда қотган у ҳайрат*

*Тоғлар худди бергандек садо:
Елғиз сени севаман фақат.*

*Кетиб қолди. Учмас хогира
Қўлимдаги даста-даста хат.
Бир ёзув бор, ҳеч тортмас хира:
Елғиз сени севаман фақат...*

Унутмайман ҳаргиз мен уни,
Ениб ҳамон кутаман шафқат.
Менинг бутун умрим мазмуни:
Елғиз сени севаман фақат...

Қарши.

Мўмин Абдурасул

* * *

Менинг йил фаслимда барвақт тушди қор,
Қалбимда ва лекин умид барқарор.
Билгинки, қанчалик барвақт келса қиш,
Шунча узун бўлар, одатда, баҳор...

* * *

Қизил рангим кўриб демангиз майхўр,
Е бўлмаса бирор текинхўрга жўр.
Деганлар: қалбдаги чиқади бетга,
Юзимда акс этар қалбимдаги кўр...

Тошкент.

Эргашали Абдуллаев Саратон

(Манзара)

Наздимда,
 ҳарсиллаб турибди худди
Печакгулга шошиб қўнган болари.
Гарчи, офтоб ҳам найзадан ўтди,
Жазирама дамлар авжи бор ҳали.
 Ҳув улкан чинорнинг бағри аллалар
 Мудраган ғурракнинг чала тушини.
 Фақат тўрғай куйин тинглар далалар,
 Тинглар саратоннинг фарзин қушини.
Ҳозиргина тушлик бўлди шийпонда,
Энди кун қайтгунча ҳордиқ бошланар.
Қизлар-чи,
 кўзлардан пинҳон томонда
Кўйлақлари билан сувга ташланар...

Фарғона.

Олқор Дамин

* * *

...Уруш қора қўллари билан
Қанча қора хатлар битмади...
Уруш
 одамзоднинг бахтига

*Пулемёт оғзидан туфлади.
Ҳамон бутун уруш тушлари,
Тишларида — «першинг»лар қатор.
Уруш*

*қора қўллари билан
Энди сира битмасин хатлар...
Севишганлар титроқ мактуби
Почталарда кетсин қалашиб.
...Ҳаммамизга она-ку шу Ер,
«Менинг онам!» дейлик талашиб.*

Самарқанд.

Шавкат Исматуллаев

*Гиёҳларнинг камалак рангларини,
Жилғаларнинг кумуш жарангларини,
Қушларнинг шошқалоқ оҳангларини —
Сендан англадим мен.*

*Бутун табиатнинг нафосатини,
Заминнинг азалий саховатини,
Ҳаётнинг дардини, ҳаловатини —
Сендан англадим мен.*

*Вақтнинг хаёл бўлиб учарлигини,
Баҳор фасл танлаб кўчарлигини,
Тақдир тантилиги, ўжарлигини —
Сендан англадим мен...*

Фарғона.

Туроб Ниёзов

* * *

*Ҳокимликни эгаллаган Вақт,
Чиқарибди шундай бир фармон:
«Интилганга улашаман бахт,
Қолдираман лоқайдга армон.»*

Жиззах.

Ғулом Шомуродов

* * *

*Денгиз осмон,
Қайиғим ҳилол,
Оқ кўпиклар тўзғиган булут.
Мен сузаман,*

*Борлиғим хаёл,
Қўшиқ айтар атрофда сукут.*

*Мен сузаман,
Йўқ, мен учаман,
Руҳим енгил ҳаводан сўзсиз.
Мен севаман,
Сени қучаман —
Осмонлигинг учун ҳам, денгиз!*

Бухоро.

Обиджон Олимжонов

* * *

*Оқшом чўкар. Тупроқли йўлда
Судралади ҳорғин оёқлар.
Ариқчага эгилар аста
Саратондан толган қиёқлар.
Кичик қишлоқ кўксин тўлдириб.
Булут каби кўпириб, тоша —
Оқ ўрикнинг ҳиди гуркирар
Боғнинг пахса девори оша.
Қулоқ тутиб алла савтига
Қоп-қора тун сураб оқ хаёл.
Эрий бошлар салқин тафтидан
Япроқларда яхлаган шамол...*

Андижон.

●●●

Тўра Сулаймон Элу юртнинг таянчи



Она-ер

Борлик, тирик жоннинг ризку рўзи сен,
Ҳазрати деҳқоннинг танти сўзи сен,
Қаҳринг келса агар аёз, кузи сен,
Жон бера билмасмен
Сендин бўлакка.

Тупроғидин айри — имкондин айри,
Эътиқоддин айри — имондин айри,
Жамоадин айри — замондин айри,
Жон бера билмасмен
Сендин бўлакка.

Оҳу зорим етиб-етмай фалакка,
Ёв ичинда қолсам бордию якка,
Хорлик етса ҳамки суяк-суякка,
Жон бера билмасмен
Сендин бўлакка.

Ҳақлар ҳақдин топар, ё қаноатдин,
Йигит субутидин, лочин қанотдин,
Сенингсиз, ким қайдин топар ўз бахтин?
Жон бера билмасмен
Сендин бўлакка.

Онадай хокисор, онадай мунис,
Бирда кудратлисан, бирда-чи маъюс...
Боқийликни сенсиз қилолмасмен ҳис,
Жон бера билмасмен
Сендин бўлакка.



Мангулик масканим, мангу маъвомсен,
Киндик қоним томган соҳиб карамсен,
Кимга қазноқ, кимга Боғи эрамсен,
Жон бера билмасмен
Сендин бўлакка.

Бағрингда: Улуғбек — кўкси само ҳам,
Табобат устози ибн Сино ҳам,
Висолга етмаган ошиқ наво ҳам,
Жон бера билмасмен
Сендин бўлакка.

Оғоч отга минсам, бўзлаб қолар ким?
Ё шаънли, ё шаънсиз бўларман, балким...
Матлаб, эътиқодим сенга аёнким,
Жон бера билмасмен
Сендин бўлакка.

Сен билан бўлмаса жонимиз тутош,
Тарк этар самони ой, юлдуз, қуёш.
Сен биз, биз сен билан мангу тақдирдош...
Жон бера билмасмен
Сендин бўлакка.

* * *

Эрта куннинг бахтли эгалари ким ўзи?
Элу юртнинг таянчи, дарғалари ким ўзи?
Қитъаларнинг бузилмас қалъалари ким ўзи?
Биз жаҳон болалари.

Қувонамиз, элларнинг қалби тутшиб турса,
Бир-бирига муҳаббат, меҳри ҳам ошиб турса,
Осмонида ой, қуёш, юлдуз ярашиб турса,
Биз жаҳон болалари.

Ҳеч адоват, ҳеч низо юрмасин орамингда,
Ҳеч қачон мунг бўлмасин қўшиқ, таронамингда,
Тўплар наъра тортмасин, деймиз, сайёрамингда,
Биз жаҳон болалари.

Кўрмайлик, ҳеч кимсанинг бемаврид кўзёшини,
Онанинг бағри куйиб — фалакдан нолишини,
Чўпу хасга ўт тушиб, ўрмоннинг ёнишини,
Биз жаҳон болалари.

Эл саломат, кўрғон бут, юртлар бенизо бўлса,
Камолу бахтимизга офтоб андоза бўлса,
Шодланамиз кўк тиниқ, сувлар ҳам тоза бўлса,
Биз жаҳон болалари.

Тиллари бошқа, лекин ўй, дилимиз бир асли,
Манзил, муқодимиз бир, ўртада йўқ сир асли,
Бир бўлсак, қудратимиз — денгиздай кабир асли,
Биз жаҳон болалари...

Шайдолик

Айни тонг чоғида кўрган туш мисол
Елмаслик йилларим қолдилар ортда.
Боғдан боққа учиб ўтган қуш мисол
Умр кечирмадим енгил ҳолатда.

Не бир анҳорлардан, сойлардан кечиб,
Бирда этик ечмай, бирларда ечиб,
Гар ҳикмат дарёси дуч келса ичиб,
Не бир сирлар кўриб, қолдим ҳайратда.

Қуйилиб келса ҳам кўзларимга ёш,
Ҳар кимнинг олдида эганим йўқ бош,
То башар бор экан, бор экан қуёш,
Ҳақ эгилар, синмас, синмас, одатда.

Дилга доғ тушмади, сочга оқ тушди,
Андек инсоф қилмай эртароқ тушди,
Йўлим гоҳ орзудан айрироқ тушди,
Лек қолмадим улкан карвондан ортда.

Ошиқиб борадир умр ҳам ўтиб,
Баъзан ўзни эслаб, баъзан унутиб,
Муродига етмай ким, кимлар етиб,
Биров лочин, биров нор бу ҳаётда.

Фарқ қилмаганлар бор денгизни кўлдан,
Зоғни булбулдан-у юлғунни гулдан,
Тимсани тулпордан, фозилни гўлдан,
Ким яшар беҳуда, кимлар ғафлатда.

Юлдузлар йиғилиб ой бўлса кошки,
Ҳар қандай қуш ҳумой бўлолса кошки,
Ҳар ким ҳам Ҳотамтой бўлолса кошки,
Диёнат бўлмагай мунофиқ зотда.

Тўкис, баркамоллик — элга шайдолик,
Улусга муҳаббат — тилга шайдолик,
Кўкламга топиниш — гулга шайдолик,
Қабоҳат не қилсин баҳри нажотда...



Рўзи Қодирий

СИЗ БОРСИЗ БАХТИМГА ОДАМЛАР



Рўзи Қодирий — таниқли шоир, драматург, олим.

Уйғур шеърини камолотида Рўзи Қодирийнинг ўзига хос ўрни бор. Унинг шеър-достонлари ва драмалари инсонпарварлик, ҳаётга муҳаббат руҳига тўлгин, уларда эрк, истиқбол улғулангани, халқлар ўртасидаги дўстлик тараннум этилади.

Шу кунларда 60 ёшга тўлган Рўзи Қодирийни кўпминг сонли журналхонларимиз номидан чин қалбдан қутлаб, унга сиҳат-саломатлик, янги ижодий зафарлар тилаймиз.



Одамлар,
одамлар,
софдил одамлар,
Қалбимни ёндирган, жўшдирган — сизлар!
Умримга бағишлаб мусаффо дамлар,
Илҳом булоқларин тошдирган — сизлар!
Сизлар-ку, ҳожатни раво эткувчи —
Ғамхўрим, таянчим, фидокорларим!
Сизлар-ку, дардимга даво эткувчи —
Муруваткорларим,
шифокорларим!..

Ота-онам,
акам-укам ўзингиз,
Эй, меҳру шафқати уммон, одамлар!
Опа-синглим, ёрим, дил берганим — сиз,
Сиз борсиз бахтимга,

ғамим йўқ ҳаргиз,
Ташлайвергум олға чўнг-чўнг қадамлар!..

Мендан аямайсиз бисотингизни,
Узатасиз кўшиб жонингиз билан.
Нечун куйламай бу ҳимматингизни,
Тақдирим,
ғурурим,
фаҳрим сиз билан.

Одамлар!
Сизлардан қарздорман, қарздор,
Шу қарз бадалига қиламан хизмат!
Сизни ризо этмоқ қатъий аҳдим бор,
«Аҳдингни оқла!» дер виждон ҳар соат!
Уйда ҳам,

ишда ҳам,
йўлда ҳам сизни
Уйлайман, одамлар,
сиздадир ўйим!
Ҳалоллаб егумдир нон-тузингизни,
Сизга бахшидадир меҳнатим, куйим!..
Тилагим:
Ёзолсам сизларга арзир —
Сафоли ғазаллар,

маъноли дoston.
Нега интилмайин мақсадга, ахир,
Уша-ку дилдаги орзу ва армон!

Истайман қўшмоқни завқингизга завқ,
Шу ташвиш, шу ният тинчитмас ҳамон!
Қалб ва кўз нуримдан сепаман уруғ,
Яратмоқни истаб сўлмас гулистон!

Бу гулшан

Айтинг, ким бу боғни яшнатган,
Зебо, Гулнор ёхуд Дономи?
Ким бунчалар хуш бўй таратган,
Анбар, Райҳон ёки Раъноми?
Айтинг, дўстлар,
Билай қай бири,
Лекин қалбни ёқди бари бир.
Бу гулшандан кетолмам нари,
Бу гулшанга асирман, асир.
Шу боғ-бўстон хусну кўркидан
Гулгунлашиб боргандек жаҳон.

Нафосати, файзи баҳридан
Яйрар, қувнар, роҳатланар жон!..
Шайдолигим ошиб тобора,
Шу гулшанда кезаман бетин.
Ишқу меҳрим жўшиб тобора,
Билгим келур боғбонлар отин.
Балки Зебо гулидир бу гул,
Нафислиги Зебо туфайли!
Гулзорларни айланар кўнгил,
Балки Гулнор, Раъно туфайли!
Гулпарастдир Райҳон, Доно ҳам,

Бу бўстонга қўшганлар жамол!
Кўрк кашф бўлмиш бунда ҳар бир дам,
Қалб зийнати топганча камол.
Айтинг номин,
Кўрсатинг, дўстлар,
Қутлаб, бир-бир ўпай қўлларин!
Менга жондан азиздир булар,
Безаклайин юрган йўлларин!
Эҳтиромим йўллай, бош эгай,
Дил-дилимдан қилайин таъзим.
Юракдаги боримни тўкай,
Сизники, деб, қўшиғим, созим!

Гўзаллик

Уранибсан нафис либосга, ўлкам,
Сени кийинтирган хилма-хил гуллар.
Бекиёс жамолинг қадамба-қадам
Назокат нашъасин дилларга йўллар.

Чехраси мунаввар қизлар-жувонлар
Сенинг оғушингда юришар хандон.
Чарчамас, толиқмас олов ўғлонлар,
Меҳринг бўстонида уришар жавлон.

Шайдойинг, фидойинг бўлишиб бари,
Изҳор этишгандан меҳрин бу замон —
Гўзалликдан тағин гўзаллик сари
Бормоқдасан бу кун. Лол қотмиш жаҳон!

Сендан мен пайқадим дўстликнинг кўркин,
Қардошлик ҳикматин, жозибасин ҳам.
Сендан мен ҳис этдим аҳиллик зебин,
Ҳали айтганимдек, қадамба-қадам.

Сенинг оғушингда, сенинг туфайли —
Мен ҳам бормоқдаман
гўзаллик сари.

Йўлимда шамоллар дуч келсин, майли,
Бахтим чечаклари хазондан нари...



Фарҳод
Мусаҷонов

ЗИЁФАТ

Эр-хотин Бадиновлар машинадан тушиб, тўйхона томон йўл олишди. Эшикда уларни нотаниш кимса қарши олдию тўрга бошлади.

Бадинов қараса, хотинининг шашти баланд, ростдан ҳам энг юқорига чиқиб кетмоқчи. Шифтга тикилган бўлиб, хотинидан бўлак ҳеч ким эшитмайдиган овозда секин сўзланди:

— Тўрда келин-куёв ўтиради, сал пастроқни мўлжаллайвер.

Ўртароқдан жой танлашди. Ўтиришлари билан тепаларида тўй эгалари Зумрадхон билан Мидҳад ака пайдо бўлди.

— Жуда пастга тушиб кетибсизлар-ку, Муборакхон, юқорироқ чиқсанглар бўларди, — деди Мидҳад ака.

Бадинов уни биринчи кўриши эди. Чунки орада борди-келди йўқ, аёлларнинг ўзлари учрашиб туришарди. Муборакхон қўлидаги совғасини бериб, тўй билан табриклади. Мидҳад ака Муборак билан эски қадрдонлардек сўзлашарди. Бу ҳол Бадиновни сал ажаблантирди, тўғрироғи, бегона эркакнинг хотини билан шунчалик яқинлиги ғашига тегди. Бироқ сир бой бермади. Муборакхон дугонаси Зумрадхонни кига тез-тез бориб туради, ўшанда танишишган, кўришган бўлса керак, дея ўзини овутиди.

Бадиновлар ёнидан яна бир эру хотин, қаршиларидан иккита эркак ўрин олди. Уларнинг биттаси, Аҳёрхон дегани, анчайин келишган, истараси иссиқ киши экан. Иккинчиси — лўппиюз одам, худди аёллардек мулойим ва назокатли. Устига устак, жуда сертавозеъ, келаётганларни сергаклик билан кузатиб ўтирар, бош эгиб саломлашарди. Унинг юзидан, ялтоқланиб жилмайишидан қандай мартабали меҳмон келганини эшикка қарамасдан ҳам билса бўлади.

Ниҳоят, тўйхонага бир гуруҳ ёшлар билан келин-куёв кириб келди. Йиғилганлар уларни ўринларидан туриб, қарсақ чалиб қарши олишди. Кейин ҳамма жой-жойига ўтириб базм бошланишини кутди.

Бадинов мийиғида кулганича одамларни зимдан кузатиб ўтирарди. Баъзи амаллараст эркакларнинг кибру ҳаводан ёрилиб кетгудек шишинишлари, пачоқроқ кимсаларнинг ишлари тушиши мумкин бўлган одамлар атрофида жонсарак қилпиллашлари, сертаманно аёлларнинг бир-бирларини ҳасаддан ўлдиришга интилиб, олачипор либослар, зебу зийнатларга беланиб ўтиришлари, дарҳақиқат, кулгили эди.

Бу қадр-қиммат савдоси жой танлашдан бошланади. Аввало, оёқ остида қолиб кетмай тўрдан, айниқса мартабали одамнинг ёнидан жой олиш катта аҳамиятга эга. Кимнинг ёнида ўтирсанг, қайсидир маънода ўшанга тенглашган бўласан. Қолаверса, салом-аликда ҳам гап кўп. Агар мартабали одам қуоқ саломлашсанг, демак, ўзинг ҳам чакана эмассан. Бошлиқ билан омонлашганингни қанча кўп киши кўрса, шунча яхши.

Бадинов тўйма-тўй юришни ёқтирмасди: хотини мартабапарастроқ эди, ўзини, Бадиновни хижолатга солиб қўярди.

Бугунги тўйга келмасликнинг сира иложи бўлмади: хотинининг яқин дугонаси ўғил уйлантиряпти. Қолаверса, ўзи бир ойча касалхонада ётиб чиқди, энди касал боқиб чарчаган хотинини хурсанд қилмаса ҳам бўлмайди.

Муборакхон ўзида йўқ мамнун. Чунки у тўй-хашамга кунда боришдан ҳам қайтмайди. Умуман «юриш»ни яхши кўради, бирорта чақириқ, лозимандадан қолмайди.

Тўй бошланди. Аҳёрхон ичимликдан олиб шеригининг ва ўзининг қадаҳини тўлғазди, кейин Бадиновга қаради:

— Қани, оғайни, бу ёғи ўз-ўзига хизмат экан. Рюмкангизни тутинг.

— Раҳмат, мен ичмайман, — деди Бадинов.

Аҳёрхон ортиқ қистаб ўтирмади.

— Сизга-чи? — деб сўради у Муборакхондан.

— Вой, арақми?! — чўчиб тушди Муборакхон. Кейин андак карашма билан рад этди: — Йўқ, йўқ, раҳмат.

Муборакхоннинг чўчиб тушгани, сезилар-сезилмас нози Аҳёрхонга ёқди.

— Бўлмаса шампандан озгина қуйиб бераман.

Муборакхон ночорлигини билдириб елка қисди.

— Унда... бир қултумгина...

Ҳадисини олган чоғи, Аҳёрхон шампан тиқинини осонгина очди. Муборакхоннинг фужерини тўлдириб, ҳазиллашди:

— Жуда бўлмаса, биттанглар оила шарафини сақлаб ўтиринглар.

Муборакхон кулиб юборди. Кулиб турадиган аёлларга хушомад қилиш эса эркакларга ҳузур бағишлайди. Лекин Аҳёрхон Муборакхонга ортиқча эътибор бермади. Очиғи, Муборакхон ярқ этиб кўзга ташланадиган ҳусндор эмас, оқ-сарикдан келган, ўрта бўйли, суяги бузукроқ аёл. Аммо ўзини жуда табиий тутуши, соддалиги уни ёқимтой қилиб кўрсатади.

Биринчи қадах, табиийки, келин-куёвнинг соғлиғига кўтарилди. Кейин дастурхондаги нозу неъматларга гал келди. Бадинов хотинининг ликобчасига салат, яхна гўшт солиб берди.

Муборакхон эрининг икрани яхши кўришини биларди. Столдан икрали ликобчани олиб эрига узатди. Сўнг қилмишидан уялиб, ликобчани ўртага қўйди.

— Олинглар сизлар ҳам.

Бу гап ҳаммага тааллуқли эди, лекин фақат лўппиюз йигит жавоб қайтарди:

— Оляпмиз, кеннойижон, оляпмиз.

Унинг ишшайиши ғайритабиий, одамни калака қилаётганга ўхшарди. Зуваласи бўшроқ экан, бир қадахнинг ўзидаёқ суроби тўғриланиб ширмондек юзи баттар қизариб кетганди.

Аввалига давра анча тинч эди. Фақат жўрабоши гапирарди. Иккинчи қадахдан кейин аста-секин ғовур-ғувур бошланди. У ер-бу ерда жарангдор кулги ёки шанғиллаган овоз эшитилиб қолади. Жўрабошига эътибор камайиб, майда-майда гуруҳчалар пайдо бўлган.

Бадиновлар давраси ҳам анча жонланиб қолди. Айниқса Муборакхон очилиб-сочилиб ўтирарди. У эрининг қош-қовоғига қараб ўтирадиган кўрқоқ аёллар тоифасидан эмас, табиатан хушфеъл ва хушқақчақ. Дарров гапга аралашиб кета олади, сал нарсага шарақлаб кулиб юборади, хуллас, улфатга жон киритадиганлардан.

Аҳёрхон ўзларига яна озроқ кўйди, кейин шампанни олиб, Муборакхонга мурожаат этди:

— Бу қанақаси бўлди? Бир қултум ичмоқчи эдингиз, қадаҳингиз қимирламасдан турибди-ку?!

— Вой, ичдим, — деди Муборакхон. — Биноийдек экан.

— Шампан дегани газ қўшилган лимонаддек гап, — Аҳёрхон Муборакхоннинг фужерини тўлғазди. Кейин «пепси-кола» олиб, Бадиновга юзланди: — Сиз шундан ичяпсиз шекилли? Ижозат этинг...

— Азият чекманг, шундай ҳам хизматингиз кўп, — дея тишининг оқини кўрсатди Бадинов. «Тошкент суви» олиб фужерини тўлғазди.

Аҳёрхонга нисбатан ҳеч қандай ғарази йўқ эди унинг. Аксинча, Аҳёрхон унга маъқул тушди. Мана шунақа кўзидан ўт чақнаб, вужудидан шиддат ёғилиб турадиган, тили ширин ва бурро кимсалар ёқарди Бадиновга.

— Мана энди битта латифа айтиб бераман, — деди Аҳёрхон шеригига, аммо ҳамма эшитсин учун баланд овозда гапирди. Латифани айтиб бўлиши билан «гурр» кулги кўтарилди. Айниқса Муборакхон завқланиб кулди.

Бадинов пинагини бузмади. У сийқаси чиққан ҳазиллар, эскириб кетган латифалардан кулолмасди, пардали, нозик ҳазилларни ёқтирарди.

Кайфи бор одамларнинг суҳбатига ичмаганларнинг аралашishi қийин. Шу боисдан Бадинов индамасдан ўтирарди. Индамасдан ўтирадиган одам эса ҳамманинг кўзига ё тунд, ё кеккайган бўлиб кўринади.

Бадинов бир зумга қай аҳволда ўтирганини кўз ўнгига келтирди: ичмаяпти, гапга аралашмаяпти, ранги азалдан синиқ. «Роса тажанг одам экан деб ўйлашаётгандир?» Бадинов мийиғида илжайди. Фужеридан сув ҳўплади. Аслида манави Аҳёрхонга ўхшаб бир қоп ёнғоқ бўлиб ўтирса зарар қилмасди. Аммо, афсуски, сохта хушчақчақлик кўлидан келмасди. Аҳёрхон оғзини очди дегунча, нима дейишини Бадинов олдиндан билиб турибди. Келганидан бери шу ҳол.

Аҳёрхон кетма-кет яна иккита латифа айтди. Булари ҳам худди олдингисидек қийқириқ билан қарши олинди. Бадинов зерика бошлади.

Аҳёрхон ўзи сезмаган ҳолда аста-секин Муборакхоннинг атрофида гирдикапалак бўлиб қолди. Сабаби — жуда гаплашадиган аёл эди Муборакхон. Одамларни ўзига ром эта олади. Ҳамсуҳбатини энг доно, энг зукко, энг гапга уста одамга айлантириб қўяди. Бунга у ўзининг диққат ва эътибори билан эришади, ҳамсуҳбатининг гапидан таъсирланишни билади: шарақлаб кулади, ҳайратдан «вой» деб юборади, ё «а... а... а...» дея, оғзини очганича лол қолади, ё бирдан қарс уриб, чапак чалиб юборади. Биров гапидан шунчалик таъсирланса, соқов ҳам тилга кириб кетади-да, ахир!

У гўё судраган тарафга кетишга тайёрдек, жilовини бировнинг қўлига тутқазиб қўярди. Лекин қизиғи шундаки, пировардида жilов тутган одамнинг ўзи Муборакхоннинг етовига тушиб қолади, қандай тушиб қолганини сезмайди ҳам.

Машшоқлар чиройли куй ижро этдилар, қарсақвозлик бўлиб кетди. Айниқса Муборакхон қаттиқ чапак чалди. Буни кўрган Аҳёрхон шошмасдан турди-да, машшоқлар ёнига бориб, саргардон қилиб қайтди.

Чиройли куй қайта янгради. Аҳёрхон «Бу сизга совға» дегандек секин қараб қўйди Муборакхонга.

Куйни тинглаб ўтирган хотини Бадиновнинг кўзига бирдан жуда чиройли кўриниб кетди. Иссиғу димликдан ёноқлари лоладай қизил, кўзларида севинч. Бўлиққина лабларидан шарбат сизиб тургандек, қимматбаҳо матодан тиктирган кўйлаги ўзига ярашган. Шу ондаёқ Бадиновнинг лабига кинояли табассум қалқди. Шуни айтарканлар-да, одамга либос, деб. Мана бу ерда яшнаб ўтирибди, лекин уйда қандайлигини ҳеч ким билмайди...

Уйга эса Муборакхон ёмон қарарди. Ойлаб чанглари артмаслиги, кирларни ювмаслиги мумкин эди. Анча беғам ва иш ёқмас. Мана, ҳозир ресторанда тилидан бол томиб гаплашиб ўтирибди. Аслида эса шаддод ва

бетгачопар, одам билан баравар олишади. Ҳа, эр-хотин кўн жиқиллашадилар. Айниқса бирёққа борадиган бўлишса, албатта, хархаша чиқади. Муборакхон одатда гапни ҳукмдан: «фалон жойга борамиз» ёки «фалончиникига бормаса бўлмайди»дан бошлайди. Баланд келмасдан, юмшоққина қилиб, «фалон жойга борамизми?» деб сўраса-ку, олам гулистон. Йўқ, маслаҳатлашишни билмайди, шарт кесади. Муборакхоннинг худди шу қилиғи Бадиновнинг иззат-нафсига тегади. Бир тараф баланд турган сари иккинчи тараф нотавонроқ сезади ўзини. Шунинг учун ҳали бир қарорга келмаган ёки боришни истаб турган Бадинов хотинининг хуружидан кейин ўжарлиги тутиб, тархашлик қилади.

Сал ўтиб, лўппиюз йигит жуда сарҳаракат бўлиб қолди. Ҳадеганда қадаҳини кўтарганча туриб кетади, бориб мартабали одамлар билан уриштириб, ичиб келади. Аҳёрхон бўлса жойидан силжимамайди, Муборакхоннинг диққатини кўпроқ жалб этишга ҳаракат қилади.

Аҳёрхон хизматчи аёлни имлаб чақирди. У илдам келиб қулоқ тутди. Аҳёрхон бир нарсалар деб шивирлади, сўнг чўнтагидан пул чиқарди-да, бесўнақай ҳаракат билан хизматчига қистирди.

Зум ўтмай хизматчи аёл ичига ях тўлдирилган кумуш челакчада шампан келтирди. Аҳёрхон худди биринчи галдагидек эпчиллик билан шиша оғзини очди. Олдин Бадиновнинг ўнг томонидаги аёлга қўйиб берди, кейин Муборакхоннинг қадаҳига қўл узатди.

— Вой, раҳмат, бор менда, — деди Муборакхон.

— Беринг буёққа, эски лимонаддан фарқи қолмаган, — дея эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда гапирди Аҳёрхон. Қадаҳни олиб бошқа бир идишга тўкди, вишиллаб турган янги шампандан тўлдирди.

Кейин аёллар соғлиғи учун қадаҳ кўтаришни ва бу қадаҳни эркаклар ўринларидан туриб олишларини таклиф этди. Барча қатори Бадинов ҳам сув тўла фужерини кўтариб ўрнидан турди. Буни кўрган Аҳёрхон:

— Сувингизни қўйинг. Аёллар учун, ахир! — деди.

Қадаҳлар чўқиштирилди.

— Қани, аёллар учун! — жарангдор овозда хитоб қилди Аҳёрхон.

— Сен учун экан, жоним, — деди Бадинов ва сувдан ҳўплади. «Э тавба, — ҳайрон бўлди у, — истамасам ҳам гапим пичингга ўхшаб чиқади-я».

— Ака, айланай, ичмаганга яраша бундай олишиб ўтиринг, — Аҳёрхон жилмайиб Бадиновга мурожаат қилди, — ейишга қўйилган булар.

Бадинов, оляпмиз, дегандек бош силкиб қўйди.

— Халақит берманг, — дея гапга аралашди лўппиюз йигит. — Акам оғизларида қатиқ ивятияптилар.

Гур этиб кулги кўтарилди. Бадинов ҳам илжайди — яхши ҳазилнинг қадрига етарди у.

— Сизлар чарчаганда гапирарман... — деди.

— Э, еб ўтиринг, бўлмаса ҳамма нарсадан қуруқ қоласиз! — деди мазахли овозда лўппиюз йигит.

Бу гап, хотинингдан ҳам ажраб қоласан, дегандек эшитилди Бадиновнинг қулоғига.

— Индамасанг, олдиндагини ҳам олиб еймиз демоқчисиз-да?

Музыка янграб мавзуга чек қўйди. Ёшлар танца бошладилар. Бадиновнинг танцага унча шуши йўқ эди, бироқ Муборакхон яхши кўришини билиб ўрнидан турди.

Битта танцадан кейин эр-хотин бошқаларнинг ўйинини томоша қилиб ўтиришди. Аҳёрхоннинг олдига тушадиган бўлмади. Жуда уста экан. Уч-тўрт аёлни ўртага тортиб, ҳар қайсиси билан ўзгача ҳунар кўрсатиб, ўзгача услубда тушди. Ниҳоят, у Муборакхонни ҳам таклиф этди.

Муборакхон эрига қаради. Йўқ, деб бўлармиди. Фақат жоҳил ва худбин одамларгина рухсат бермаслиги мумкин. Эридан сўрамасдан, ўзи Аҳёрхоннинг думини тугворганда, бошқа гап эди.

— Хоҳишинг, — деди Бадинов.

Буни Муборакхон рухсат тариқасида қабул қилиб, ўрнидан турди. Танца жуда узоқ чўзилиб кетгандек туюлди Бадиновга. Муборак ҳаддан ошди-ёв, деб ўйлади у, сал инсоф қилса бўлармиди. Жаҳли чиқди, лекин ўзини тийди, кўнглини кенгроқ тутмоқ истади. Аввало, хотини енгиллик қилаётганини ўзи тушуниб етгани маъқул. Зўрлаб итоат эттиришдан не фойда. Садоқатни тилаб олиб бўлмайди, у ихтиёрий бўлиши керак — худди шу хусусияти билан қадрли у. Иккинчидан, Бадинов ўз қилмишларини тафтиш этиб, камчиликларидан қутулиш чораларини кўрадиган, муттасил ўзини ўзи тарбиялайдиган одам. Майли, модомики айтарли ҳусндор эмас экан, жуда бўлмаса мана шундай чақчақлашиб ўтирсин. Гапга аралашмай шумшайиб ўтирадиган хотинни ресторан тугул, меҳмонга олиб боришга ҳам номус қиласан. Қолаверса, биров эътибор бермайдиган аёл ўз эрининг кўзига ҳам шумшук кўриниши мумкин.

Хуллас, Бадинов хотинининг баъзи қилиқларига чидаб ўтирди.

Ниҳоят, танца тугаб, Муборакхон билан Аҳёрхон жойларига қайтишди. Аҳёрхон стулни суриб Муборакхонни ўтқазди, раҳмат айтди. Муборакхон бир қадар ҳаяжонда, энтикиб нафас олар, пешонасида тер томчилари пайдо бўлган эди.

— Икрадан яна олиб берайми?

Хотинининг гапи Бадиновга тилёғмаликдек туюлди. «Ниманинг эвазига» деб сўрашдан аранг ўзини тийиб қолди.

— Иссиқ овқат ҳам бўлиб қолар, — деди.

Музыка бошланиши билан Аҳёрхон яна дик этиб ўрнидан турди, мулойим жилмайиб Муборакхонга қаради:

— Мумкинми?..

— Э... чарчадим-ей! — деди Муборакхон чапанчасига.

Керак пайтида шилқим ва таъмагир эркакларнинг попугини пасайтириб қўйиш қўлидан келарди унинг!

Аҳёрхон хафа бўлмади. «Тошкент суви»дан қуйиб Муборакхонга узатди.

— Ҳовурингизни босади, — деди у, мўтеларча кулиб. Шу ерда у андак хато қилди — «ўлжа»си осонгина таслим бўлгани аёл зотига асло ёқмайди.

Бадинов Аҳёрхоннинг қилиқларини истеҳзо билан тафтиш қилиб ўтираркан, кутилмаганда миясига ғалати фикр келди: нима, сен ўзинг авлиёмидингки бошқаларни майна қилсанг? Сен ҳам ўзингга етгунча борсан. Ёнингда хотининг бўлмаса, сен ҳам бирортасига тегажоқлик қилардинг. Қолаверса, баъзида анчайин бетамиз истаклар келади кўнглингга.

Аммо ёш жазман — ширин хомхаёл, холос. Чунки бундай муносабатлар доим мураккаблашиб, илдиз отиб кетишини билади у. Оиласининг бузилишини, болаларини етим қолдиришни Бадинов асло истамайди.

Вақт ўтиши билан латифалар ҳам, ҳазиллар ҳам тобора пардасиз бўла бошлади. Айниқса лўппиюз йигит, кайфи ошиб қолиб, керилишни жуда оширворди. «Э, димоғидан ўргулдим, менга бир тийин унинг амали!» деб кимнидир сўка бошлади. Келганда жуда мулойим ўтирган одамнинг шу қадар зўравон ва чиранчиқ бўлиб кетгани Бадиновни ажаблантирди.

«Ҳаммаси касофат арақнинг касридан, э, шуни чиқарганинг!.. Тўппатузук одамни маймун қилади-я!..»

Энди кетиш керак эди. Бадинов кўп бор синаган; Муборакхон шу пайтгача хотини бўлиб, кетамиз, демаган, ҳамма тарқаб кетса ҳам ўтираверади. Шунинг учун хотини томон сал энгашиб:

— Келганимизга уч ярим соат бўлибди, нима қиламиз — деди.

— Кетамиз, — деди Муборакхон, — яна бирпас ўтирайлик, кетамиз.

— Бўлмаса, тўй эгалари билан хайрлашиб ўтирмасак, — Бадинов ҳазиллашмоқчи бўлди. — Индамасдан, инглизчасига жуфтакни ростлай қоламиз...

Ширакайф Аҳёрхон кетиш пайти яқинлашган сари «фаолияти»ни кучайтирарди. У ўзича тагдор гаплар қилмоқчи бўлар, Бадиновнинг кўзини

шамғалат қилиб Муборакхонга маънодор назар ташларди. Лекин Муборакхон гўё бунни сезмагандай бепарво ўтирарди.

— Янга, келганимдан бери сўрайман дейман, жуда кўзимга иссиқ кўриняпсиз. Қаерда ишлайсиз? — дея очиқ ҳужумга ўтди Аҳёрхон.

— Уй бекасиман, — ёлғон гапирётганини яширмасдан кулиб жавоб берди Муборакхон.

Бадинов хотинининг битта хусусиятини жуда ҳурмат қиларди. Муборакхон салга тойиб кетадиган, аврашларга лаққа тушадиган, кўнгли бўш нозанинлардан эмасди. Балки шунинг учун — ишига пишиқ бўлгани учун, ўзига ишонгани учун эркаклар билан ўзини эркин ва бемалол тутар.

— Ҳадеб хаёл сураверасизми, акахон?! Кабобдан олинг, совуб қолса еб бўлмайди! — деди Аҳёрхон.

Кабоб қўйиб кетилганини Бадинов пайқамай қолган экан. Икки сихини олиб хотинининг ликобчасига қўйди. Узи икки-уч сихни адо қилиб бўлди ҳамки, хотини эса ҳамон кавшаниб ўтирарди. У энгашиб секин сўради:

— Тўйдингми?..

— Бўлди, кетяпман... — деди Муборакхон пичирлаб. — Иккаламиз бирдан турсак сезиб қолишади. Мен олдин чиқиб пальтоларни олиб тураман.

Салфетка билан қўлини, лабини артди, нима учундир атрофга бир аланглаб олди-да, секин туриб, эшик томон йўналди.

Шу заҳоти Аҳёрхон ҳам дик этиб ўрнидан турди. Олдин кенг залнинг тўрига, машшоқлар ўтирган жойга йўл олди. У ердан одамларни оралаб ташқарига отилди. Бадинов ғижиниб қўйди, лекин ҳовлиқмади. Яна бир оз ўтирди. Кейин шошмасдан ўрнидан туриб, ташқарига йўл олди. Янглишмабди. Аҳёрхон шилқимлик қилгани аниқ. Муборакхон эшик ёнида ковоғи солиқ турар, Аҳёрхон эса, лабида сигарет, ундан узоқлашаётган экан.

Эру хотин пальтоларини кийиб кўчага чиқишди. Икки юз метрча жойда такси бекати бор эди, ўша ёққа йўл олишди. Муборакхон эрининг



Расми Алижон ХОЛИҚОВ чизган

турқидан унга ёқмайдиған иш қилганини сизди. Орани очиқ қилиб олиш кераклигини иккиси ҳам тушунарди. Бир оз жим кетдилар, сўнг Муборақхон сабри чидамай, гапни ўзи бошлади.

— Яхши ўтириш бўлди-я?

Бадинов кўринишидан хотиржам эди.

— Сенга ёққан бўлса бўпти-да.

— Менга ёқди, анчадан бери бунақа яйрамаган эдим.

— Ҳа, роса яйрадинг!

Муборақхон эри пичинг қиялпими, самимий гапирялпими, дарров ажрата олмади.

— Кесатяпсизми? — деб сўради.

— Нега энди? Жуда очилиб, ширин бўлиб ўтирдинг, — деди Бадинов мавҳум бир оҳангда, кейин очиқ «сасиди»: — Шунчалик ширин бўлиб ўтирдингки, атрофингдан пашша аримади.

Муборақхон бирдан ўзгариб кетди.

— Э, сизни ўзи ичингиз қора, — деди жаҳл билан. — Ҳамма нарсани эгриликка бурасиз. Бурнимдан чиқармасангиз кўнглингиз жойига тўшармиди?!

Бадинов индамади. Чунки хотини ҳозир бари бир ҳеч нарсага тушунмайди, ғазаб одамни гоҳида қар ва кўр қилиб қўяди. Бундай пайтда мантиқ ҳақида сўз бўлиши мумкин ҳам эмас.

— Ўзингиз тунд бўлиб ўтирганингиз ўтирган, бировга ҳам кўз очиргани қўймайсиз. Бунақада нима фойдаси бор тўйхонага борганинг, уйда кўмилиб ўтиравериш керак!

— Кечирасан-у, қўлимдан келадиган нарсани илтимос қил мендан, — деди Бадинов. — Сени кўмиб қўйиш қўлимдан келмайди.

— Э, замон кўтарса жон-жон деб кўмиб ташлардингиз! — Муборақхон шапати ургандек шанғиллаб гапирди. — Доим аҳвол шу-я, қачон бир ерга борсак, албатта, ишқал чиқарасиз. Эркак одам ҳам шунақа қитмир, майдагап бўладими? Сал бағрингизни кенгроқ қилинг!

— Кимга... ўхшаб?! — дея пичинг қилди Бадинов ўта хотиржам овозда. Ичи қайнаб кетаётган бўлса ҳам, олифтагарчилик қилиб ўзини хотиржам тутарди.

— Ўша найнов одамга рашқ қилаяпсизми? Нима қипти тўғри кўнгилда гаплашиб ўтирган бўлса?! Сизга ўхшаб ҳаммани фикри бузуқ эмас.

— Мен сенга бир нарсая деяпманми, худди айбдорлардек ўзингни оқлашга ҳаракат қиялсан?

— Нега оқлар эканман. Нима, бирор ножўя иш қилдимми? Ё оғзимни тикиб қўяйми? У ҳам ҳаддидан ошгани йўқ... Аёлларни ҳурмат қиладиган маданиятли одам экан.

Бадинов заҳарханда қилиб илжайди.

— Ҳа, нега куласиз?

— Агар сен айтгандек маданиятли одам бўлганида, тўйга хотинини олиб келарди, — дона-дона қилиб гапирди Бадинов.

Муборақхон сира гапдан қолмасди. Эрининг битта гапига доим иккитани қўндириб турарди. Аммо ҳозир умрида биринчи марта жавоб тополмай қолди...



Шойим Бўтаев

БАРИ ЭНДИ БОШҚАЧА

бўлди, — нима кераги бор, патирни, бўғирсоқни? Лўлига ўхшаб қоп кўтариб юраманми...

— Қоп кўтариб юриши бор эканми? Йўлда очиқасан...

— Сухпай беради.

— Сухпайнинг нимаси?

— Қоғозга ўроғлиқ қанд, қотган нон, консерва!..

— Қоғозга учта-тўртта қанд ўрар, битта-яримта консерва берар. У нимаям бўларди?..

Аскарликда ҳамма нарсага ўрганиш керак.

— Дарров ўрганиш қийин, болам. Аяннинг нонларини соғинасан ҳали...

Аяси, худди армияга бориб келгану ҳаммасини ўз бошидан кечиргандай гапирарди. Занжир пинагини бузмай уй ортидаги боғча-ҳовлига ўтди-да, деворга қапишиб ўсган олчага ҳазин нигоҳ ташлади. Икки баҳор олча шохидан Гулноранинг офтобруй сулада ўтирганча қошларига ўсма тортишини кузатолмайди. Унинг илкис ўгирилиб, ўгринча ҳады этган табассумлари-чи?!.

Занжир энтикди. Томоғи ачишгандай бўлди. Уни олча шохига чиқишга нимадир даъват этар, чорлар, нимадир оёғига кишан солгандай эди. Балки, андишадир... Боғда-ку қанча дарахт... Кўзига кўрингани фақат олча!.. Эҳтимол суюмли қизга боғлиқ ҳамма нарсанинг суюмли бўлиши, бошқача кўриниши хаёлига ҳам келмас.

— Занжир ака, армияга кетяпсизми? — томда каптар учираётган Гулноранинг укаси Зоир сўраб қолди.

— Ҳа-а, Зоир, кетаяпман...

— Қайтганда менга ременингизни берасиз-а?

— Албатта...

— Значокларингизни-чи?

— Уларни ҳам...

Зоир хурсанд бўлганидан ҳовлида юрган аясигами, опасигами бидиллади: «Занжир акам ременларини менга берар эканлар... Значокларини ҳам берар эканлар... Занжир акам-чи...»

— Ака, келинг каптар учирамиз!..

Занжир жилмайди. У ҳам кечагина каптар учирар, истаса сўрида, истаса томдаги похол ғарамида ухлаб қоларди. Э-ҳе, ўша пайтда каптарларининг осмону

У тахталари тоб ташлаган пастқам эшикни итариб, ичкарига қадам босиши билан ариқ бўйида қоса-товоқларни қумлаб юваётган аяси қўлларини чаяр-чаймас қаршисига пешвоз югурди. Ранги оқаринқираган. Ҳаяжонини босмоқчи бўлади-ю, уддасидан чиқолмай, кўзларини пирпиратганча қўл қовуштиради.

— Ростдан ҳам олиб кетар эканми?! — шундай деб ўғлининг шўх ўйнаб турган кўзларига, сепкил босган кулча юзига қаради.

— Кетяпман... — деди Занжир аясига қарамасликка тиришиб.

— Қачон?!

Йигит индамади. Бурилиб, сўри томон юрди. Уни аясининг бунчалик жонҳалак югуриб-елиши ҳайратда қолдирарди. Ахир уч-тўрт кун олдин: «Ўқишга киролмадинг, ҳеч жойда ишламай сандироқлаб юрганнинг етар; аскарликка бориб, қутулиб келганинг тузук... Бақо ўғлини қанча вақт дўхтирхонада сақлади, бари бир олиб кетди-ку?! Қайтанга ҳеч ким қизини бермай қўлини қайтаргани қолди...» демаганмиди?! Энди бўлса...

— Патир қилай, бўғирсоқ пиширай, — деди у ғилт-ғилт ўғлига қараб. — Ҳали ўтириш-зиёфат ҳам қиларсан?..

— Қўйсангиз-чи, — Занжирнинг қошлари ўртасида жаҳлдор, айтганини қилдирадиган кишиларники сингари тугун ҳосил

фалакда чарх ургани, ўзининг қийқирганлари!.. Ҳамма билан зумда урушиб, зумда апоқ-чапоқ бўлиб кетарди-ю, фақат ўз акаси... Жума билангина...

Улар тўрт киши: дадаси, онаси, Жума ва ўзи. Жуманинг онаси бошқа. Лекин Занжир буни билсаям хаёлига келтирмайди. Жума — тракторчи. Ҳар йили колхознинг олд мукофотини олади. Район газетасида бир неча бор суратлари чиқиб, унинг «кенг, поёнсиз далаларда жавлон уриши» тавсиф этилган... Мажлисларда ҳам, мушкул аҳволга тушишига қарамай, сўз беришади...

«Сўз — илғор тракторчи Жума Ворисовга!»

Қарсақлар.

«Сўзни билмайман» — қизариб-бўзариб ўрнидан туради Жума.

«Қанча ерни шудгор қилдингиз? Мажбурият... мусобақа... Кимларнинг катта ёрдами тегди?..» — мажлисни олиб бораётган гапдон мададга ошиқади.

«Шу-у, анча ерни шудгор қилдим... Тракторнинг кўп ёрдами тегди...»

Кулги. Қарсақлар.

«Раҳбарлардан?..»

«Раҳбарлар трактор ҳайдашмайди-ку?..» — Жума ҳайрон бўлиб қарайди, гапдон қизариб-бўзаради. Раис полвон одам, қувноқ: кўздан ёш оққунча кула-кула ўрнидан туриб, Жумани қучоқлайди.

Олқишлар. Қарсақлар.

«Раис жўрттага шундай қилди, Жума жа-а ландовур-да, — деди кимдир. — Муомала, муносабат деган нарсани билмайди. Хайриятки, пешонасига битта шалдир-шулдир трактир битган...»

Болалар катталардан гап олишади. Занжир тўп тепишдами, чиллак ўйнашдами, сал-пал сусткашлик кўрсатса, «Аканг Жумага ўхшайсан-да!» дейишарди ўртоқлари. Бундай пайтда Занжир тўполон кўтарар, ёқалашар, ландовурлиги учун ичида акасини сўкарди. Бориб-бориб сал гапга ҳам Жуманинг ёқасига тирмашадиган бўлди. Жума бўлса урмайди, сўкмайди, чарчоқ кўзларини унга тикканча: «Ука, қўй, одамлар нима дейди? Уят бўлади-я!..» деб қўя қолади.

Ака-уканинг қирпичоқ бўлгани ёмон. Уларнинг бу ахволидан аяси ёқа ушлайди, куюнади, гап нимадалигини билолмай йиғлаб ҳам олади. Гоҳо қўшниси Норвишга арзу ҳол қилади. Норвиш бу гапларни завжаси Ҳайитбойга зерикканида айтиб бериб ўтиради, у бўлса эснаб тинглайди-да, «оббо-ей!» деб қўяди.

Занжир ҳовли саҳнида Жума билан ёқалашини бошлади дегунча Ҳайитбойнинг етти яшар ўғли Бозор деворга миниб олади, томоша қилади — кулади, тилини чиқаради... «Томоша» тугагач, дадасининг олдида чопади:

— Дада-чи, дада, кўп сирияли пилмнинг давомини кўрсатишди! — у кўрсаткич бармоғи билан девор нарёғини кўрсатади.

— Қизиғаканми? — Ҳайитбой тиржаяди.

— Занжир зўракан!

— Йўғ-э?!

— Кичкина бўлса ҳам акасини қўрқитди!..

Ҳайитбой уларникига тез-тез чиқиб туради. Танчанинг бурчагида ўтириб, иссиқ-иссиқ чой ичиб, Занжир билан Жумани кураш туширади. Аслида Жуманинг кучи Занжирни йиқитишга етса ҳам жўрттага унинг остига тушиб қолар, бари бир охир-оқибат қизишиб жиққамушт бўлишарди.

— Ҳа-а, Занжир, яшша, бопладинг! — завқ оларди Ҳайитбой. — Оббо, Жума-ей, кап-катта бўб калтак еб ўтирибсанми, а-а?! — кейин, чойхонадами, йўлдами уларнинг дадаларига танбеҳ берган бўларди. — Болаларингиз тартибсиз, ака Ворисбек! Кеча чиқсам уйда ҳеч ким йўқ, жиққамуш бўб ётишибди. Қани ажратолсам! Семириб, кучайиб кетишганми... Билмадим, қўшни, қандоқ тарбия этяпсиз, билмади-им... Бир кунмас-бир кун панд беришмаса, деб қўрқаман...

Ворисбек ака қизариб-бўзариб ерга қарайди.

Кеча отасини «ерга қаратиб» юрган бола бугун...

Занжир кетадиган бўлиб ҳам буғдой ўримидаги акасига хабар беришни хаёлига келтирмайди. Аяси ялиниб-ёлвориб, қанд-қурс бериб кимнингдир боласини юборган экан, Жума келди. Кўзлари ҳорғин, ухламаганидан юзлари сарғайиб-салқиган. Занжир унинг қўлини истамайгина олди.

— Кетяпсанми?..

— Биларкансиз-ку!..

Бошқа гап-сўз бўлмади.

Утириш-зиёфатни кетишдан бир кун олдин қилди. Одам кўп. Суюн шоир косагул. Гапдан, ичишдан оғзи тинмайди: «Жигарбандим Занжи-ир, мен сени укам деганман. Тутинган бўлсак-да, туғишгандекмиз — шакар гуфторлик қилади у. — Бухгалтерлигимдан шоирлигимни устун қўяман! Ҳалиги, гарчанд лорд бўлмасак-

да, Байрон лордлигини устун қўйгандай... Шу, энг яхши шеърларимга сени кўшаман, жигарбандим Занжи-ир!..»

«Қандай яхши! Қандай ажойиб одам-а?!»

Занжирнинг кўнгли тўлиб, юзлари гоҳ совиб, гоҳ ёниб элликта-элликта ичиб ўтиради. Гоҳ останада чойнак ёинки товоқ кўтарган Жума пайдо бўлади, ўтирганлар чуғурлашади:

«Жумавой, ўтир, юзта ич одам бўлиб?!»

«Раҳмат ака, биз хизматда!»

«Ичмасанг, чекмасанг, қизларга қарамасанг...»

Хохолашади. Жума чиқиши билан Занжирга кўз қисишади. «Ўзи шунақа...» Занжир қизаринқирайди. Хона бадбўй. Жума чарчаган. Туриб кетмоқчи бўлади-ю, андишага боради: «Бизни ташлаб кетди, деб юришмасин. Занжирга айтишса...» Ўзини тутиб ўтиради. Суюн шоир «Адоғингда тепанг, бор, жонажоним қишлоғим» деган шеърини ўқиб туриб Жумага чақчаяди: «Са-ан, Жума-а, армияга бормаи чатоқ иш қилгансан... — бармоғини Жуманинг кўксига нуқади у. — Тўғри-и, жа-ан ҳам бормади-им. Шоирлиги-им учу-н бормади-им! А-а? Ташла-а, тракторчилиги-ни! Ташла-ю, ке-ет!..»

Ҳар сафар чақирик қоғози келганда раис ҳарбий комиссариатга бориб Жумани қолдириб келади-да, уни юпатган бўлади: «Кетсанг, колхоз чўқади, Жума! Мундо-оғ, ўйласам, колхознинг ярим ғалласини ўзинг ўриб, шудгорини ўзинг қилар экансан. Ижроқўмнинг такасалтанг ўғли борсин, тарбияланиб келади. Билсанг, сени давлат учун олиб қолаяпман. Бошингни тик тутиб юравер. Майорга: «Ўртоқ майор, шундоқ-шундоқ... Жумани ҳақиқий фронтдан бошқа фронтга кўчиришнинг кераги йўқ!» дедим. Қалай айтибман?! Дурустми?! Нодурустми?!»

Жума чойнакни кўтариб уйдан чиқди. Тонг отиб қолаёзганди.

Занжирни кузатгани маслаҳат бўйича область марказигача Ворис ака, Суюн шоир (у машинаси билан олиб бормоқчи), дўстларидан иккитаси борадиган, Жума шу ернинг ўзида хайрлашадиган бўлган. Қариндош-уруғлар йиғилиб келишган. Палов ҳам ейилиб бўлинди. Суюн шоирдан дарак йўқ. Кимдир биров: «Суюн шоир, мошинни аккумулятори ўтириб қолган, ўзим ҳам кечаги зормандадан кейин бошимни кўтаролмай ётибман, дебди», деган гапни қилди. Занжирнинг мияси қизиб, аяси узатган нонни тишлади...

Жума қопчиқни кўтарди. Аяси шашқатор ёш тўкарди: «Эҳтиёт бўл, у ёқларда саркашлигингни ташла... У, болагинам, улғайиб ташвиши каттарган болагинам!..» Қишлоқ аҳлининг даладагиси даладан, сойдагиси сойдан етиб келган. Ҳамма Занжир билан хайрлашмоқда:

— Яхши бор, Занжир!..

— Қишлоғимизни унутма!..

— Хат ёз!..

— Ой бориб, омон кел...

Занжирнинг кўзлари намланиб турарди...

Кейин дадаси, Жума биргалашиб тош йўлга қараб кетишди. Ҳовуз бўйига етишганда ортига ўгирилди. Қўшнилариининг дарвозаси ёнидаги қиз оёғининг учи билан ер чизиб, рўмолининг бир четидан тишлаганча уларни кузатиб турарди. «Гулнора нималарни хаёл қиляпти экан?» юраги ҳаприқиб ўйлади Занжир... Қиз қўлидаги рўмолча ҳавода силкингандек бўлди... Занжир бурилиб кетди...

Область марказида, эрта саҳар билан келинлар, дейишди. Ноилож қолишгач, Жуманинг синфдоши, институт талабаси Рўзвойнинг квартирасида тонг оқартирмоқчи бўлишди... Ош қилишди. Рўзвой магнитофон қўйиб берди: «Мени-и кутги-и-ил...»

— Энди бир ойча дарсларга чала қатнайман, — деди Рўзвой.

— Нега?

— Ҳамқишлоқларни аскарликка кузатиш керак!.. Баъзилари беш-олти кунлаб қолиб кетишади. Маишат бўлади. Ҳар куни ош, арақ...

— Чойдан қуй, Рўзвой ука, — Ворисбек ака унинг гапини бўлди. — Аскарлар — таянч, уларнинг юртга нафи кўп. Биз ҳам аскар бўлганмиз. Қарабсанки, бир, икки; бир, икки... Гурс-гурс қадам босасан, хаёлингдан сени кузатганларнинг қиёфаси ўтаверади, ўтаверади. Э-ҳе, чойдан қуй!..

Занжир парво қилмаётган эди, бирдан қариндошларсиз, қишлоқсиз яшашини ўйлаб, юраги сирқираб кетди. Ҳамма ухлаб қолганда ҳам кўзлари очик — шифтга қараб ётаверди. Ёнида дадаси; унинг қариётганини ўйлади. Бир текис нафас олиб Жума ўхларди. «Чарчаган!» Занжир уйқуга кетаркан, хаёлидан аясининг тўзгин сочлари ўтди...

...Боғчани олча гуллари қоплаган. Девордан «тошган» гулли шохлар... Бир оз шодона, бир оз хайрона боқаётган Гулнора... Унинг кулгуси олчага, деворларга, томга, осмонга, йодузларга, қуёшга — бари-барига гўзаллик бахш этаётгандек.

Улар илгарилари шунчалик гўзал-у, Занжир пайқамай қолганмиди? Уруш йиллари экилган толлар хомуш. Улар аллакимларни кутаётгандай... Занжир қўл силтади: «Хайр, қадрдон толлар. Мен қайтаман!.. Гулнора, хайр... Мен қайтаман!..» Гулнора жилмаяди: «Сен қайтасан, Занжир, қайтасан!..» Толлар хомуш. Кимдир елкасидан секингина тўртди-ю, у гарангсиб кўзини очди. — Тур, Занжир, — аллақачон кийиниб олган Жуманинг овози майин ва алланечук синиқ эди. — Кеч қолмайлик. Занжир апил-тапил кийина бошлади. Негадир ҳаяжонланарди...

— Бор, бор энди!.. Хат ёз...

Жума Занжирни қучоғидан бўшатди. Уни дадаси яна бағрига тортди... Ғалағовур, ҳар хил овозлар перронни босиб кетган.

— Увольненийга чиқсанг магазинларга қара, бўлса тўртта баллон посилка қиласан...

— Пулингни маҳкам тут.

— Тилингни эҳтиёт қил!

— Поезддан яхши жойни эгалла...

— Ёмонликни яхшилик билан енг...

— Бирортаси ғинг-пинг деса, сол жағига...

— Гражданликда повур бўлганман де...

— Писар бўлиб ол...

— Ҳалол бўл...

Бу сурон орасида қандай қилиб вагонга чиқиб қолганлигини билмайди. Дадаси, Жума қўл силкиб туришибди. Занжирнинг ичидан нимадир узилиб тушгандек бўлди. Чўнтагидан дастрўмолини олаётганди ғижимланган иккита ўн сўмлик пастга, бир йигитнинг тиззаси устига тушди.


— Оғайни пулингиз... олинг.

— Меникими?! — пуллари ички чўнтагида эди. У ҳайрон бўлиб қолди.

— Сизники... Рўмолча олаётганингизда чўнтагингиздан тушди...

— Ҳа-а...

Занжирнинг нам юзи ёришгандай бўлди: «Жуманинг иши!» Унга ҳамма нарса: осмон, ер, дарахтлар, қушлар, одамлар Жумага ўхшаб содда, самимий кўринар, юраги тўлиб, ўзини қаерга қўйишни билмасди...



Қулман Очилов

ПУФАК

Ўлжа бува ҳовлига лопиллаб кириб келаётган Теша полвонга кўзи тушдию чўчиб кетгандай илкис ўрнидан турди.

— Келинг, полвон!

Меҳмон чолнинг қўлини икки кафти орасига олиб, иссиқ кўришди.

— Димоғингиз чоқми, бува? Кайфиятингиз дурустми?

Қўра тарафда ҳўкиз мўъради.

— Шу, ҳаром ўлгур сигирнинг товуши ўчмади-ўчмади-да, — деди Ўлжа бува қўлини йигитнинг кафтлари орасидан бўшатиб олиб. — Ўзингиз бардам-бақувватгина юрибсизми?

— Яхши, яхши.

Ўлжа бува қўрада донлаб юрган товуқларга ердан кесак олиб отди. Товуқлар бўлса пинагини ҳам бузишмади. Уларнинг емиш мўл жойдан кетгилари келмаётганга ўхшарди.

— Уйингизга янги эшик қўндирибсизми, дейман?

— Нимаси янги, бўялган... Кишт-кишт! Сўйилгурлар ҳеч қочмайди-я.

— Бўёғини кимдан олгансиз, бува?

— Эскидан бор эди... Қани ичкарилайлик, эса? — дея тил учида манзират қилди Ўлжа бува.

Полвон шунга илҳақ тургандай, дарров уйга қараб юрди. Инқиллаб-синқиллаб ечган бошмоғини кавшандозда қолдириб, кўрпачага чиқди. Ўлжа буванинг ҳола-аҳолини қайтадан, эмин-эркин суриштириб чиқди. «Бир дарди бор, — деб хавотирланди Ўлжа бува. — Ҳа, текка келмаган. Эса, кеч пешинда бу ерда ити адашмагандир. Қарз-парз сўраб келган чиқар. Синглисини куёвга бераётган эмиш, деган гап юрувди, тўйига пули етмай қолган». Ўлжа бува сариқ рўмолчага тугиб, сандиққа ташлаб қўйган пулини эслади. Илло-билло, бериб бўлмайди. Тешадай дасти калта йигитга қарз бериб, кетидан лаби гезариб юрадими. Ўзи билиб муддатида қайтармас, сен қистаёлмассан, бир чети — қариндошчилик. Тўрваси майизга тўлиб, рўзғоридан бир нима орттиргунча, ҳали унинг сочи оқариб кетади. Олдида бўйи етиб турган икки синглиси бор.

— Аскар бола эсон-омонмикан, хат-пат ёзиб турибдими? — деб сўради полвон.

— Шу улимиз бизди ўтмас пичоқминан сўяпти, полвон.

— Тинчликми?

— Ҳеч айтгулиги йўқ чиқди бу бола. Худди пул зовутим бордай... сўрайверади. Бугун келган хатидаям, йигирма сўм жўнатинг, канурт¹ оламан, депти. Эса, тунов кунигина элликни жўнатувдим. Эрта-индин уйига қайтадиган баччағар йигирма сўмлик кануртни газাগига дори қиладими, полвон?

— Ҳа, энди, эркалангиси келган-да.

— Эркаликнинг ҳам чеки-чегараси бўлади. Хизматга кетгунча-ку, мошин оберинг, деб қўлоғимни қоқиб қўлимга берувди. Майли, раъйи қайтмасин деб,

¹ Конверт демоқчи

Холмурод жаржоқнинг товуккатагини опбердим. Уч кун минмай, тандирга уриб олди. Мен шўрлик жиззадай куйиб ўтирибман.

Чолнинг авзойи бузилиб, шиллик кўзлари олайиб кетди. Бурнининг учигача ажин босган юзи дам оқариб, дам кўкарди. Ҳозир ўғли қошида бўлса, қулоғининг тагига солиб юборадиган шашти бор. Полвон ростдан ҳам қарз сўраб келган эди, чолнинг аҳволини кўриб тарвузи қўлтиғидан тушди.

— Мунга қаранг, полвон, — дея чиллакдай оёғидаги ранги ўчиб кетган маҳсини кўрсатди чол. — Бу шўринг қурғур менга тушганига пушаймонлар еб кетган бўлса керак. Лекин оёқдан ўзи тушиб қолмаса, ташлаш йўқ. Аскар укангиз ҳали нонни нанна деб юрибди. Ётиб ейишга тоғ чидамас...

Ўлжа бува, гапимга тушундингми, дегандек меҳмонга қаради. Полвон ночоргина кулди. Чол, кўнгли сал тинчиб, тахмондан аввал полвонга, сўнг ўзига болиш олиб ташлади. «Кўҳна маҳсини кўрсатишдан олдин, бостирмада қантариғлик турган уч ҳўкизини эсладимикан, — деб ўйлади Теша полвон. — Эслади, эслади. Сигиримиз мўррапти, деб ўзича уларни яширмоқчиём бўлади. Ҳўкиз билан сигирнинг товушини фарқ этмасам, ўлган эканман-да...»

— Э, бува, кўп ҳам ёзгираверманг, — деди у. — От босмагани той босар, деб бежизга айтмаган. Қошиқ айланиб, бир куни сизга ҳам тегиб қолар.

— Ҳай, билмадим-да. Ҳали яна икки болани уйли-жойли қилишим керак. Эндигиларнинг тўйини биласиз-ку...

— Бу дунёнинг ками тўлармиди, бува. Ҳаммасиям аста-аста бўлади-да.

— Гапингиз маъқул-ку, полвон, лекин буёқда ёшимиз ҳам бир жойга бориб қолди-да, — деди Ўлжа бува сўлиш олиб. — Қариганда бир пиёла чойимизни мунда-ай, ёнбошлаб ичкас деймиз. Токайгача олахуржунни кўтариб чопамиз? Ўйлаб кўрсам, кечагина иштонсиз юрган бир бола эдим. Шу кунлари уч тукли соқолимниям ўзим ололмай қопман. Кўз қурғур ўтмайди. Ҳар ойда уста Сайдуллага бир сўм бериб қирдираман. Э-э, нимасини гапирай...

— Одамзод ўзи бола-чақани деб яшайди-да, бува...

— Мана, ҳаятимизни¹ кўриб турибсиз, — Ўлжа бува дераза пардасини очиб, боққа ишора қилди. — Шуларнинг ҳаммаси мункиллаган чолнинг ишими?

Полвон тиззалаб ўтириб, ташқарига қаради. Боғнинг чап буржидаги қатор сўриларга осилган тоқлар текис кузалган. Барглари қуёш нурида тиллодай ялтирайди. Тўр тарафи дарахтзор: олма, ўрик, шафтоли... Анори ҳам беш-олти туп борга ўхшайди. Теша полвон мийиғида кулди: «Бу киши тагин етим кўзидай қалтирагани-қалтирган. Шунинг бари пул-ку!»

— Қўлим бўшади дегунча, ҳаятга кириб куйманаман, — дея одатдаги дийдиёсини бошлади Ўлжа бува. — Бутайман, ўтайман, сув қўяман, ишқилиб, тинмайман. Майиз қилиш-ку — кўкай кесар иш. Уни бозорма-бозор ортиб юришни айтмайсизми. Елкаларим узилиб кетай дейди. Шўйтиб юриб зарилми менга? Ҳукумат берган пенсани майда чайна-аб еб ётсак, кампир икковимизга етади-ку, дейман. Бола-чақаям, шукр, нонини топиб ейдиган бўп қолган, бир кунини кўриб кетар? Лекин қайда, улар тинчиб кетсаям, мен тек ўтиролмасам керак-ов. Бир кун қўлим бўш қолса, ухлаёлмайман.

Боғда сочи тақир қирилган етти-саккиз ёшлардаги бола кўринди. Қўлида пучайиб қолган пуфак. Оғзининг катталигига қараганда, Ўлжа буванинг неварасига ўхшайди. Ниманидир кўрди чоғи, кунботишга қараб анқайиб қолди.

Теша полвоннинг аҳволи танг эди. «Шу қурумсоқдан қарз сўраб келгунча ўлганим яхшийди», деб ўйлади. Бир хаёли этак қоқиб чиқмоқчи ҳам бўлди. Лекин кетолмади, чиқараётган сингисини ўйлади. Унга тузукроқ сеп қилиб бериши керак, токи кўнгли ўксимасин, ахир, у — ака, ота ўрнида, рўзғорга бош...

— Ўтган куни шаҳардан келяпмидингиз, бува? — дея гап кўзгади Теша полвон.

— Қачон?

— Қассобхонанинг ёнидан қоп кўтариб ўтаётганингизда Эшбадал бува: «Ҳорманг, уста!» деб қолди-ку?

— Ҳа, эсимга тушди. Майизни ўтказолмай келаётувдим, алик олганиям эриндим. Буваларнинг гурунгида сиз ҳам бўлган экансиз-да?

— Бобойларминан ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб ўтирувдик. Сизнинг қулоғингиз ҳам қизиган чиқар?

Теша полвон оғзининг танобини қочирди. Ўлжа бува меҳмон гурунгни жўрттага йўқ ердаги гапларга бураётганини сезиб, қулоғини динг қилди. Сандиқдаги пули яна кўз олдидан ўтди. Нимага бу бола ҳалигача муддаосини айтмаяпти ўзи?

— Ҳўш, эштайлик, қани, қулоғимизни қизитадиган нима гаплар бўлган экан?

¹ Томорқа (шева).

Теша полвон яна боққа қаради. Боя анқайиб турган оғзи катта бола хаёлини йиғиб, пуфагини шиширар эди.

— Эшбадал буванинг ҳамишаги гапи-да. Ўлжа бу гал майизидан фойда қилмапти, дейди. Фойда қилсангиз, ўн чақирим наридан ҳам салом бериб ўтармишсиз. Бу ошнамининг соқоли оқарсаям, орқаси ерга тегмади, энди у ёққа борганда тинчийди, дейди. Эса, ҳўкиздай икки боласини ўқишга жўнатиб, ўзи кўннинг иссиғида шўйтиб юриши эпмикан, дейди.

Чолнинг бетига ўхшовсиз кулги ёйилди. У сал кейинга тисланиб, гинадорлик билан гап қотди:

— Қолганлар индашмапти-да, полвон?

— Қолганлар нима ҳам дерди: биров маъқуллади, биров — йўқ. Ўлжа бува ўзи омироқ одам бўлсаям, болаларини ўқитиб, дуруст иш қилди, дедим мен. Шўрбозордан яна кимнинг ули Москва минан Ленинградда ўқияпти? Ҳеч кимнинг! Улларини шўйтиб, қийналиб ўқитган ота бир куни уларнинг роҳатиниям кўради. Ўлжа бува кўрмаса, элимиз кўради, дедим. Нима бўпти, бир улингиз — дўхтир. Яна бирови — муаллим. Эртага ўқишни битириб келса, Эшбадал буванинг невараларини ўқитади, даволайди. Шундай дедим, бува!

— Улушини берибсиз, полвон! Яшанг! — Чол чап оёғини пойгакка томон узатиб юборди. — Эшбадал чумчуқ нима деб чирқиллади?

— Чирқиллаёлмай қолди. Дами ичига тушиб кетди!

— Ухшатибсиз-да, полвон! Худди оғзига урибсиз-да!

Чолнинг оғзи қулоғига етгудай бўлиб илжайди. Теша полвон кулиб юбормай, деб, тагин боққа қаради. Болакай ҳамон пуфагини пуфларди.

«Пуфла, шоввоз! — деди Теша полвон ичида. — Пуфлайвер!..»

— Ўлжа бувадай меҳнаткаш одам Шўрбозорда ё битта, ё иккита, дедим, элнинг калласиям, салласиям шундай одамлар бўлади, дедим.

— Вой-ай! — дея хитоб қилди чол ўтирган жойида ғимирлаб.

— Эшбадал чумчуқ гарданига мушт егандай, гарангсиз қолди!..

«Пақ!»

Боланинг қўлидаги пуфак ёрилиб кетди. Чол буни сезмади ҳам. У кўрпачанинг учида ётган ёстиқни биқинига тортиб, ёнбошлаб олди. Бошидаги эски бахмал қалпоғини олиб олди ташлади. Полвоннинг гаплари мойдай ёқди. Айниқса, бу гапларни унинг тенгқурлари эшитгани! Ахир, билиб қўйишсин-да Ўлжанинг кимлигини. Манави боланинг шундай гапларга ақли етибди, отасига раҳмат! Тили ҳам зуваласидай пишиққина экан.

«Қани энди, бизнинг уллар ҳам шундай гапдон бўлса!..»

Нон билан чой келди.

— Майиздан ҳам олинг, полвон.

Теша полвон чолнинг тарзига қараб, анча ийганини пайқади. Энди гап очса ҳам бўлади. Синглимининг тўйига, деб айтса бўлмайди. Ҳарна, орият деган гап бор. Начора, сал-пал тўқиб-чатмаса қийин...

— Энди... Ўлжа бува, биз бир ташвиш минан юрибмиз.

Чолнинг сийрак қошлари бир кўтарилиб тушди. Шошилмасдан чойини қайтарди. Кўз олдидан яна сандиқдаги пул ўтди.

— Биларсиз, Мойлижарда кексароқ бир аёл хешимиз бор... Шунинг мазаси йўқ.

— Билмас эканман.

— Эшик-орага чиқолмай қолди. Дўхтирларга кўрсатсак, Москвада бир професур бор, шундан бошқа одам момони тузатолмайди, дейишди.

Ўлжа бува хўриллатиб чой ичди. «Теша Москвадаги улимнинг адресини сўраб кепти-да», деб ўйлади.

— Иложи бўлса, Москвагаям обориб, дўхтирларга қаратинг, — деди салмоқ-лаб. — Момони тикка қип олинг, полвон.

Теша гапининг ярмини чойига қўшиб ютди. Пиёласидаги сўнгги хўплам чойни симириб, индаллосини айтди:

— Шунга озроқ қарз берасизми, деб келганим...

Чол кўзларини олиб қочди.

— Энам, дадилроқ пул Ўлжа бувангга бўлмаса, бошқадан топилишига кўзим етмайди, девди. Ўйлаб-ўйлаб, сизни қора тортиб келганим...

— Бизда пул нима қилади, иним?

Ўлжа бува шундай деди-ю, яна сандиқдаги сариқ рўмолча кўз олдига келди. Сандиққа суянган эди, унинг осма қулфи биқинига ботди. Тунукага ишқаланиб, секин шиқирлаб қўйди. «Асли шу пулни ўтган бозорда харажат қилиб юбориш керак эди», деб ўйлади.

— Майли, — деди яғринини сандиқдан узмай. — Майли, полвон. Тўйга деганингизда бермасдим. Шундай ташвишга сўрабсиз, «йўқ» деб бўладими.

Ўлжа бува кейинига сурилиб, сандиқ устидаги кўрпа-ёстиққа ёпилган

сўзананинг чап буржини кўтарди. Калит кўрпа-ёстиқларнинг тагида, йигирма йилдан бери тўшалишини кутиб ётган патли гиламнинг орасида эди. Гилам қатламларига суқилиб кирган бармоқлар уёқдан буёққа базўр сирғалиб, узоқ изландилар. Калитни топиш жуда қийин бўлди. Бармоқлар аввал қандайдир қаттиқ нарсага дуч келдилар. Лекин уни гиламнинг дағалроқ йигирилган арқоғи, деб ўйлашиб, ёнбошидан тезда ўтиб кетдилар. Ортга қайтаётиб йўл-йўлакай туртиб кўришсаки, арқоқ эмас... Туртки еган қараб турармиди, калит ичкарига қараб қочди. Нима қилишларини билмай, хийла талмовсираб турган бармоқлар уни қувлашга тушдилар. Бари бир бўлмади. Мўлжалдан қочириб қўйдилар. Уларнинг олдидан куядори ўралган қоғоз чиқди. «Изқуварлар» тагин орқага тисланишиб, калитни шу яқин-ўртадан излай бошладилар. Уҳ-ҳ! Буёқда экан-ку. У гилам тахининг четгинасида кир босиб қолган оқ гулнинг остида пусиб ётган экан. Бармоқлар унинг қулоғидан ушлаб, базўр судраб чиқдилар (буни қаранг-а!). Энди қулф тихирлик қила бошлади. Туйнугидан кириб борган калитнинг бошини дам уёққа, дам буёққа айлантириб, уни йўлдан урмоқчи бўлди. Лекин беҳуда тиртанглагани қолди. Туйқусдан «шарақ» этиб ерга тушди. Бармоқлар ним қоронғи сандиққа кирдилару сариқ тугунчани чангаллаб чиқдилар. Ана, у кўрпачадан жой олди. Тугунчани ечаётган бармоқлар, бўғинлари бўшашгандай, сезилар-сезилмас титрадилар. Димоқларига пул иси урилдими, уларнинг титраши кучайди. Бармоқлар шалдирагану шилдираган, тозаю кир, яшилү қизил, кўку сариқ пулларнинг юзларини бир-бир силашиб, дастурхоннинг нариги қирғоғидан чўзилган бегона бармоқларга узатдилар. Пуллар нотаниш қўлга тегар-тегмас, кўздан йўқолаверди. Сариқ рўмолча шалвираб қолди. Намланган кафтлар уни навбати билан фикимладилар.

Ховлига чиққанида Полвоннинг юзи ҳаммомдан чиққандай бўғриқиб кетган эди. У супада ўтириб, ёрилган пуфагидан сибизга қилишга уринаётган боланинг елкасига қоқди:

— Маладес экансан, жўра! Пуфагингни ахийри ёриб тинчидинг-а!

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ ХУЇ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

Шокирали Нуралиев

САВДО ВА БОЗОР

...Биз савдо шароитларини ҳисобга олишимиз, бу шароитларни аниқ билишимиз, ҳар қандай ўзгаришларни дарҳол ҳисобга ола билишимиз керак.

В. И. Ленин.

СОТУВЧИ - КУП БЎЛГАНДА

Маълумки, ҳозир савдо билан савдо министрлиги ва матлубот жамиятларигина шуғулланмайди. Бу иш билан 30 дан ортиқ министрликнинг таъминотчи бўлимлари (ОРСлари), бошқармалари (УРСлари) ҳам шуғулланади. Савдони бундай ташкил қилишни бир пайтлар турмушнинг ўзи тақозо этган эди. Чунончи, савдо министрлиги ҳали кучсиз бўлиб, шаҳарликларга хизмат кўрсатишга зўрға улгурарди. Қишлоқликлар эса «ўз араваларини ўзлари тортишларига» тўғри келган, пул тўплашиб, матлубот жамиятлари тузишган эди. Хўп, шаҳарликларга министрлик, қишлоқликларга матлубот жамияти хизмат кўрсатса, қонда ишлаётган ва яшаётган ишчиларнинг қорига ким ярайди? Чўлда ишлаётган ва яшаётган деҳқонларга-чи? Қолаверса, поездда, самолётда, пароходда кетаётган йўловчиларга-чи? Уларга хизмат кўрсатишни тегишли министрликлар зиммасига юклашга тўғри келган. Бундай тадбир, таъкидлаймиз, ўз вақтида иш берган эди. Ҳозир-чи? Ҳозир аҳвол ўзгарди. Ўзгариш аввало ҳар бир савдо ташкилотининг ўзида юз берди. Ҳар бирининг моддий-техникавий базаси кучайиб, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш кенгайиб борди. Ҳозирга келиб эса улар бир-бирлари билан туташдилар, тўғрироғи, «тўқнашдилар». Айтайлик, темир йўл министрлигига қарашли савдо бошқармаси магазин, дўкон, ошхонани бекатларга, вокзалларгагина эмас, шаҳарларнинг гавжум кўчаларига ҳам қураверади. Чунки «план керак». Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли савдо бошқармаси бундай муассасаларни янги барпо этилаётган массивларгагина эмас, қишлоқларга, район марказларига ҳам қураверади. Уларга ҳам «план керак». Шундай қилиб, ҳозир бир район, бир шаҳар, ҳатто бир массив, бир қишлоқнинг ўзида бир неча идорага қарашли магазин, дўкон, ошхонани кўриш мумкин.

Энди савол туғилади: ўша шаҳар ёки қишлоқда савдо хизматини яхшилаш учун асосий жавобгарлик қайси идора зиммасида? Буни билиб бўлмайди. Мақтайман десангиз, асосий жавобгар, деб ҳар ким ўзини, танкид қиламан десангиз, қўшнисини кўрсатади. «Бизнинг харидорни ўзига оғдириб оляпти. Планни бажаришимизга халақит беряпти», — деб бир-бирларининг устидан шикоят қилишади. Бундай шароитда уларнинг ҳеч бирида масъулият юқори бўлмаслиги ва ҳеч бири қўшнисига халақит бермай туролмаслиги табиий. Лекин бу ташвиш ҳали ташвиш эмас. Ташвишнинг каттаси ҳақида энди сўзлаймиз.

Ҳозир ҳар бир савдо ташкилоти олдида катта талаблар қўйилмоқда. Масалан, улар илғор иш методларини жорий этишлари, чунончи, умумшаҳар, умумрайон диспетчерлик хизматини йўлга қўйишлари лозим. Хўш, йўлга қўя оладиларми? Йўқ. Ҳеч қайси ташкилот бу талабни тўла бажаролмайди. Йўлга қўйилган

«умумшаҳар диспетчерлик хизмати» фақат бир идора доирасидагина «умумшаҳар» бўлади.

Яна: савдо ташкилотларидан йирик замонавий савдо марказлари, корхоналари кўриш, ишни автоматлаштириш, механизациялаш талаб этилмоқда. Хўш, улар бундай ишни қила оладиларми? Қийин. Нега? Модомики, савдо билан шуғулланувчи мустақил ташкилот кўп экан, тармоқни ривожлантиришга ажратилган материал-маблағни ҳам улар ўртасида тақсимлаш керак. Тақсимлангач, материал-маблағ нима бўлади? Майдаланади. Майда нарса билан йирик иш қилиб бўладими ахир?! Талаб йирик эканига қарамай, иш майдалигича қолаётгани шундан.

Тўғри, «майда», «оз» деб атаётганимиз ҳам ҳазилакам материал-маблағ эмас — миллионлар билан ҳисобланади. «Марказ»лар, «корхона»лар ҳам қуриляпти. Лекин, умуман олганда, майда магазин, дўкон қуришга зўр берилляпти. Статистика тили билан айтганда, уларнинг сони 696 мингтадан ҳам ортқ.

Энди ўйлаб кўринг: бу магазин ва дўконларни мол билан таъминлаш керакми? Керак. Хўш, молни уларга қандай тақсимлаймиз? Ахир, айни кўча, массив, қишлоқ, маҳаллада маълум бир молга эҳтиёж ҳақиқатда қанча эканини аниқ билмаймиз-ку! Эҳтиёж доимо ўзгариб туради. Кейинги йилларда савдодагина эмас, балки умуман социал-иқтисодий турмушимизда ҳам катта ўсиш-ўзгариш юз берди. Хусусан, транспорт тармоғи кенгайди. Шаҳар ва қишлоқлараро алоқалар активлашиб кетди. Бинобарин, кишилар энди ўз эҳтиёжларини қондиришда фақат тураржойларидаги магазинга ёки ўз министрлигига қарашли таъминотчининг хизматига кўз тикиб ўтирмайдилар. Хоҳлаган пайтларида, дуч келган жойдан мол харид қиладилар. Қачон, қаердан харид қилишлари маълум эмас. Шундай қилиб, молни савдо пунктларига тахминан тақсимлаймиз. Модомики, мол оз эмас — 696 мингта пунктга тахминан тақсимланар экан, боз устига диспетчерлик хизмати йўлга қўйилмаган, савдо ташкилотлари ҳали лозим даражада механизациялашмаган экан, бу ҳол нимага олиб боради? Мол бир магазинда (зонада) кўп, иккинчисида тақчил бўлиб қолаверади. Бу сунъий тақчилликдир. Шу билан бирга, сунъий сероблик ҳамдир.

ЧАЙҚОВЧИ ҲОЗИРГИ ВАЗИЯТДА

Биз савдони ташкил этишда, нарх белгилашда етарлича чаққон бўлолмадик. Лекин мол ишлаб чиқаришга келганда шундай йўл тутдикки, тасаввур тўла бўлиши учун гапни узоқроқдан бошлашимизга тўғри келади. Мол ишлаб чиқаришда биз авваллари қандай йўл тутардик? Маълумки, унинг миқдори ва турини муттасил кўпайтиришга зўр берардик. Танлаш имконияти чекланган даврларда бу йўл тўғри эди, албатта. Бироқ танлаш имконияти юзага келгач, мол миқдори ва турини муттасил кўпайтиравериш эмас, харидорнинг кўнглига қараб иш тутиш зарурати туғилди. Хўш, биз ўз йўлимизни ана шу заруратга мослаб олдикми? Йўқ.

Мўйноқ шаҳрида яшовчи пойабзалчи-инженер Г. Газиев мана бундай ёзади:

— Пойабзал ишлаб чиқариш плани йил сайин оширилмоқда. Ваҳоланки, пойабзал ўзи шундоқ етарли. Корхона бу планни бажариш учун куйиб-пишиб ишлайди. Баъзан сифатни ҳам, чиройни ҳам қурбон қилади. Планни бажаради, мақсадга эришади. Аммо бундан мурод ҳосил бўлмайди: харидор норози. Пойабзалнинг бир қисми корхонага қайтарилади. Бир қисми магазинларнинг омборларида чанг босиб ётади, вақти келгач арзонлаштирилади. Буларнинг ҳаммаси давлатга зарар. Савол туғилади: ишлаб чиқилгани реализация қилинмай тургани ҳолда планни оширавериш шартмикин?

— Эришилган натижага нисбатан планлаштириш ҳақида сўзлаш ҳам, тинглаш ҳам меъдага тегди, — дейди СССР Давлат стандарти стандартлаштириш институтининг директори А. Гличев. — 20-30 йилларда иш берган аммо ҳозир нуқул зарар келтираётган тартибга яна қанча чидаш мумкин? Планни база бўйича эмас, турмушдан келиб чиқиб белгилаш керак, деб яна қандай бонг уриш керак?

Кўрдингизми, бонг урувчилар бизсиз ҳам етарли. Лозим даражада обрўли ҳам. Шунга қарамай, планни «турмушдан келиб чиқиб белгилаш» ҳали йўлга қўйилгани йўқ. Планчилар ҳам бекор ўтиришгани йўқ. Планлаштиришни такомиллаштириш юзасидан турли чора-тадбир кўришяпти, инструкциялар, стандартлар, рағбатлантиришлар, чеклашлар тавсия қилишяпти. Бироқ буларнинг ҳеч қайсиси кутилган даражада самара бермаяпти-да.

Мол ишлаб чиқаришга келганда ана шундай йўл тутдик. Бизда куч-ғайрат ҳам, материал-маблағ ҳам бор эди. Гап халқ эҳтиёжи ҳақида кетганда биз ҳеч нарсани аямас эдик, ҳаммасини ишга солдик. Ва истеъмол товарларини 1975 йилда 1970 йилдагидан 37 фоиз, 1981 йилда эса 71 фоиз кўпайтиришга эришдик. 11 йил ичида 71 фоиз ўсиш! Майли, унинг бир қисми ўлик молга айланипти. Лекин қолган қисми ҳам ҳазилакам эмас эди. Турмушимизда қандайдир бир ўзгариш яшаши керак эди, ясади. Бироқ... ўзгаришни энг аввал чайқовчилар сезишди. Қарашса, давлат, биринчидан, шу қадар кўп мол ишлаб чиқаряпти ва ...савдо пунктларига шу

қадар сахийлик билан тақсимляптики, ҳамма жойда бирдек сероблик юзага келяпти. Иккинчидан, янги хил мол ишлаб чиқаришга киришилдими ёки бирор хил мол истеъмолчига ёқиб қолгани маълум бўлдимиз, уни шу қадар тез кўпайтиряптики, 1—1,5 йилдаёқ эҳтиёжни таъминляпти. Ваҳоланки, бунга авваллари 4—5 йил керак бўларди.

Чайқовчилар ана шуни, яъни ўзларининг яшаш шартлари — тақчилликдан маҳрум бўлиб қолишаётганини сезишди. Тақчилликнинг савдо ва нарх белгилаш тартибидан туғилиши барҳам топа бошлаган экан, энди уни чайқовчиларнинг ўзлари ярата бошлашди. Молларни пештахталарнинг тагига, олборларнинг, подвалларнинг қоронғи бурчакларига яширишга киришишди. Қарабсизки, шахсий манфаатини кўзлаб кеча ҳар қалай харидорга ёрдамчи бўлган кишилар бугун худди шундай ниятда зараркунандага — сунъий тақчиллик яратувчига айланишди. Чайқовчилар фаолиятида юзага келган янги хусусият ана шундан иборат.

МАҲАЛЛИЙ МАСАЛА

ИШГА ТУҒАНОҚ БЎЛАЕТГАН ИККИ ҲОЛ

Маҳаллий саноат, номидан ҳам кўриниб турибдики, маҳаллий эҳтиёжлар учун мол ишлаб чиқаряпти. Бироқ бу молларни сотишга келганда улар маҳаллий эҳтиёж учун ишлаб чиқарилгани назарда тутилмаяпти.

Республикамининг савдо министрлигига қарашли «Олмос» улгуржи-чакана савдо бирлашмаси ушбу саноат молларини сотиш билан шуғулланади. Бирлашманинг Фарғона ва Қўқондаги дўконларига кирганимизда, масалан, чуст дўппилари тахлам-тахлам бўлиб турганини кўрдик. Чуст дўпписи Чустда керак-да, уларни Қўқон, Фарғонада ким олади?

Йўқ... олишар экан. Сотувчиларнинг айтишига қараганда, туристлар ондасонда эсдалик сифатида олиб кетишар экан. Ана шунда биз бирлашманинг дўконлари нима сабабдан кўпинча меҳмонхоналарда жойлашганини, маҳаллий саноат моллари нима сабабдан маҳаллий эҳтиёж моллари деб эмас, балки дўконлар номлавласига ёзилганидек, бадий-ёдгорлик буюмлари деб аталадиган бўлиб қолганини билиб олдик. Кўриб турибсизки, бозорга таъсир ўтказиши керак бўлган саноатимиз унга лозим даражада таъсир ўтказолмаяпти. Аксинча, зарар келтиряпти. Бу — биринчиси. Энди иккинчи ҳолни кўрайлик. Гап аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳақида боради. Бу ерда ишни буюртма асосида бажариш рағбатлантирилади. Эркин равишда бажариш эса, мана мунча фоиз, деб чеклаб қўйилади. Истеъмолчиларнинг манфаатларини кўзлаб шундай қилинади, албатта. Бироқ, турмуш кўрсатяптики, истеъмолчиларнинг манфаатини кўзлаб қилинган бу иш истеъмолчиларга ёқмаяпти. У бир кун келиб, айтилик, кетмон буюриши, яна бошқа кун келиб олиб кетиши керак. Ундан кўра «ғиз» этиб бозорга бориб ишини битириб кела қолади-да.

Истеъмолчи буюртма беришдан кўра бозорга боришни афзал кўрар экан, хўп, хизмат кўрсатувчи нима қилади? Буюртма йўқ, деб бекор ўтиролмади-ку ахир, мол тайёрлайди. Тайёрласа, хўш, қандай реализация қилади?

Таққослаб кўринг, маҳаллий саноатчи ҳам, барча саноатчи синғари, фақат мол ишлаб чиқаришни билади. Ишлаб чиқардимиз, ҳақини олади. Унинг молини сотиш билан бошқа ташкилот шуғулланади. Матлубот жамияти эса одатда озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқаради, ўзи сотади, чунки ўзи савдо ташкилоти — магазинлари бор. Маиший хизмат кўрсатувчига келсак, унинг на магазини, на молларини сотувчи ташкилот бор. Хўш, молини қандай реализация қилади?

Тўғри, жойлардаги комплекс қабул пунктларига тарқатиши мумкин. Лекин бу билан мурод ҳосил бўлмайди. Биринчидан, пунктлар савдога эмас, бирор молни тайёрлашга мўлжалланган. У ерда пештахта ҳам, сотувчи ҳам йўқ. Иккинчидан, юқорида кўриб ўтдикки, мол пунктга қанча кўп тарқатилса, сунъий тақчиллик ва сероблик шунча ортади. Бинобарин, истеъмолчи учун пунктга боришдан кўра бозор қулай. Шундай экан, яна ўша савол туғилади: маиший хизмат кўрсатувчи молини қандай реализация қилади? Ваҳоланки, реализация қилиш нафақат план, балки ишчи иш ҳақи олиши учун ҳам керак. Тартиб шундайки, ишчига иш ҳақи у тайёрлаган маҳсулот сотилгач, тушган даромаддан белгиланган процент миқдорида тўланади. Ана шундай шароитда корхона бошлиғи хизматчисига дейди:

— Иш, маош керак бўлса муҳсулотингни сот, планни топшир!

Ўз навбатида хизматчи маҳсулотини кўтариб бозорга жўнайди. Энди у маҳсулотини преискурантдаги нарх бўйича сотмайди, албатта. Қимматроқ сўрайди. Ахир, вақт йўқотяпти, куч сарфляпти, сарф-харажат қияпти. Буни

чиқариб олиши керак. Устама нархдан чиқариб олади. Планни ҳам бажаради. Шундай қилиб, бозор йўқолмайди, аксинча, маиший хизмат кенгайган сари у ҳам кенгайиб бораверади.

**БОЗОРНИНГ
КЕНГАЙИШИ:
Фойда ва
Зарар**

Мисолга маиший хизмат корхонасининг темирчилик цехини олайлик. Темирчи иш вақтининг бир қисмида ўз иши билан шуғулланмаётгани — бозорчилик қилаётгани орқасида аллақанча маҳсулотдан маҳрум бўляпмиз. Бу — бир. Аслида бир киши сотиши мумкин бўлган

молни ҳар ким ўзи, яъни ўнлаб, ҳатто, айтиш мумкинки, юзлаб киши сотаяпти ва... ўз-ўзидан савдо харажатлари ортиб кетаяпти. Бу харажатлар юқини ҳам кўтаряпмиз — икки! Кўряписизми, зарар ҳозирнинг ўзида иккита. Энди буёғини эшитинг.

Маълумки, кейинги йилларда аҳолининг иш ва турмуш шароитларида бир қанча ўсиш-ўзгариш юз берди. Биз, хусусан, беш кунлик иш ҳафтаси жорий этилганини, яна: хоҳловчи ишчи аёллар фарзандлари 1,5 ёшга етгунча отпускаи олиш ҳуқуқига эга бўлганликларини назарда тутаяпмиз. Бу — кишиларнинг уйда бўлиш вақтлари кўпайди, демакдир. Лекин улар уйда вақтни фақат дам олиш, бола боқиш билан ўтказмайдилар. Рўзғорни моддий жиҳатдан янада яхшироқ таъминлаш учун шахсий ёрдамчи хўжалик билан шуғулланадилар. Ёрдамчи хўжалик билан дам олиш учун шуғулланувчилар ҳам йўқ эмас. Бундай хўжалик қишлоқда томорқа иши, шаҳарда ҳунармандчиликдир. Аёллар асосан тикувчилик, тўқувчилик, эркаклар эса асосан дурадгорлик, косиблик билан машғул бўлишади.

Кўриб турибсизки, бу маҳаллий эҳтиёжларни таъминлашда катта қўшимча имкониятдир. Гап ундан мақсадга мувофиқ фойдаланишда қолган, холос. Шундай фойдаланиш кераклиги, муҳимлиги партия-ҳукуратимиз қарорларида ҳам таъкидланган. Хўш, фойдаланяпмизми? Фойдаланяпмиз, албатта. Лекин талаб даражасида эмас. Яна ўша айтиб ўтилган икки ҳол халақит берапти.

Бадиий буюмлар фабрикаси директорини қўшимча имкониятдан фойдаланмаётганликда айблаганимизда қуйидагича жавоб эшитдик:

— Корхонанинг ўзида тайёрланаётган мол ўтмай ётибди-ю, нима қиламан уни уйда тайёрлатиб. Ишга оламан десам, ҳозир юзтаси ариза кўтариб келади.

Хуллас, уйда ишловчи фабрика учун ишлашга рози, лекин директор ишга олмайди. Маиший хизмат корхонасининг бошлиғи ишга оладию, лекин уйда ишловчи бу ерда ишлашни истамайди. Ахир, тайёрланган молнинг ўзини сотиб берасан, деб талаб қилиб туришгач, қандай истайди. Шундай қилиб, маҳаллий эҳтиёжларни таъминлашда юзага келган қўшимча имкониятдан маҳрум бўлиб турибмиз. Бу — зарар эмасми?!

**БОЗОР
«ҲОКИМИ»НИНГ
ТУҒИЛИШИ**

Гапни бошладик, энди охирига етказиб қўяйлик. «Директор ишга олмади-ку, энди нима қиламиз?» — деган савол бозорга боришга вақти ёки имкони бўлмаган уйда ишловчиларни ташвишга солиши турган

гап.

Хўш, бу ташвишдан уларни ким қутқаради? Модомики, биз қутқармаган эканмиз, қутқарадиган бошқа биров топилади. У шундай ҳожатбарорки... Таглик ахтариб юрмайсан, ўзи топиб келади. Сотиш ташвишини тортмайсан, ўзи сотиб беради. Йўқ, ҳали сотмасиданоқ ҳақингни бериб кетади. Ҳожатбарорлик бундан ортиқ бўладими?! Шундай қилиб, бу ҳожатбарорнинг қўл остида шундай бир кўринмас ишлаб чиқариш-савдо корхонаси пайдо бўладики, бу корхонада ҳатто юзлаб тикувчи, ўнлаб сотувчи, бир неча таъминотчи хизмат қилаётган бўлиши мумкин. Кўрдикки, ҳожатбарор ўз фаолиятида уйда ишловчининг, бир томондан мол сотишда, иккинчи томондан хом ашё топишда ёрдамга муҳтожлигига асосланади. Сунъий тақчиллик ва сероблик савдо шарт-шароитидан туғилиб турган пайтда уни ҳақиқатан ҳам ҳожатбарор дейиш мумкин эди. Бироқ энди, сунъий тақчилликни ҳожатбарорнинг ўзи яратаётган пайтда-чи? Йўқ, бундай деб бўлмайди. Аммо уйда ишловчининг кўзига у ҳамон ҳожатбарор бўлиб кўринади. «Таглик топиб келсам, молнингизни сотиб берсам», — дейди ва, масалан, битта дўппининг тепчиги учун 5—10 йил аввал қанча ҳақ тўлаган бўлса, ҳозир ҳам шунча, яъни арзимас ҳақ тўлайди, алдайди. Тикувчини уйда алдаса, бизни бозорда алдайди. «Давлат ишидан ортиб дўппи тикиш осонми? Совуқда дилдираб туриб (ёки иссиқда куйиб туриб) сотиш осонми», — дейди ва кўп ҳақ талаб қилади, олади ҳам. Хуллас, икки томонлама фойда кўради. Фойда бу — пул. Шундай қилиб, у бо-

зорнинг кўзга кўринмас «ҳокими»га айланади. Қани, бозорга «ҳоким»нинг рухсатисиз кириб, нарса сотиб кўринг-чи?!

Бир аёлга совхоз мукофот деб атлас берипти. Бироқ у атласни бозордан палон пулга сотиб олган, ўғлининг банносига энди «Сув париси» деган мато керак экан. «Ке, атласни сотай-да, ўрнига «Сув париси» олиб кела қолай», депти. Бозорга борипти. Бир-иккида нарса сотиб ўрганмаган аёл атласни ушлаб, бир чеккада қисиниб турса, бошига оқ шоҳи рўмол ташлаб, икки учини тилла тишларига қистириб олган, қошлари ўсмали, қўллари хинали оппоққина бир жувон олдига келибди. «Опахон, молингизни менга сота қолинг», — депти. Опахон молини унга сотмоқчи бўлипти-ю, лекин ҳеч нархини келишолмапти. У молига, табиийки, ўтган сафар ўзи қанчага олган бўлса, шунча нарх қўйипти. Жувон эса кулипти. «Бозор бирдай турмайди-да, ўргилай?» — депти. «Гапимга кираверинг, кейин хурсанд бўласиз», — деб қўшиб ҳам қўйипти. Бироқ она унинг гапига кирмапти. Жувон қошини чимирганча қайтиб кетибди. Ҳаял ўтмай билакларига қизил мато боғлаган икки йигит пайдо бўлиптию опани ушлаб, шу ердаги милиция идораси томон етаклаб қолишипти. «Мени қаёққа олиб кетяпсизлар? Чайқовчими, мен сизларга?» — депти опа. Пўлиса қилипти, ёлворипти, йиғлапти ҳам. Лекин йигитларнинг парвосига келмапти. «Пешонангизга чайқовчи эмас, деб ёзиб қўйилгани йўқ. Аниқлаймиз. Чайқовчи бўлмасангиз қўйиб юборамиз. Еб қўймаймиз», — дейишипти. (Аёлнинг чайқовчи эмаслиги пешонасидан бўлмаса, қўлларидан шундоқ кўриниб турган экану аммо улар бунга қарашмапти). Аниқлаш бир ой давом этипти. Аниқлашқи, «таржимаи ҳолингни ёз», «турар жойингдан справка олиб кел», «киш жойингдан характеристика ёздириб кел», «унга қўл қўй», «бунга имзо чек». Хуллас, аёл бир ойда қутулипти. Бир ойгача на овқатида маза, на уйқусида ҳаловат бўлипти. Қанча ишдан — тирикчиликдан қолгани-чи? Биз ундан воқеани тафсилоти билан сўзлаб беришни сўраганимизда аввалига истамади. «Қўйинг-э, бозори бошидан қолсин-э. Бозор деса юрагим зириллайдиган бўлиб қолди-я», — деди. Бозорга «ҳоким»нинг рухсатисиз кирсангиз шунақа. Бозор шундай. Йўқ, шундай бўлиб қолди. Кўрдикки, ўз-ўзидан эмас, балки маҳаллий эҳтиёжларни таъминлашда юзага келган қўшимча имкониятдан мақсадга мувофиқ фойдалана олмаганимиз орқасида содир бўлди бу ҳол.

Ниҳоят... маҳаллий масала ичида яна бир масала бор. Бу бозор ва комиссия савдо масаласидир.

3. Бозор ва комиссия савдо

Маълумки, биз бозорга фақат қўлбола мол сотиш ва сотиб олиш учунгина эмас, балки эндиликда ўзимизга керак бўлмай қолган, аммо ҳали фойдаланишга яроқли буюмларимизни пуллаш ва харид қилиш учун борамиз. Бундай мақсад билан комиссия магазинга ҳам кирамиз. Нега энди ҳар иккаласига ҳам борамиз? Бозорнинг ўрнини босиши керак бўлган комиссия савдо нега ҳануз бу вазифани бажара олмаяпти?

Бу саволга одатда қуйидагича жавоб беришади:

— Комиссия савдо бизда ҳали етарлича тараққий этмаган; бундай савдо қилувчи магазин кам.

Агар суҳбатдошингиз қўқонлик бўлса, фикрини далиллаш учун мана бундай мисол келтириши мумкин:

— Қўқонда (шундай катта бир шаҳарда) комиссия магазин бор-йўғи битта. Яна битта очамиз дейишганига неча йил бўлди. Лекин ҳали очишгани йўқ.

Комиссия савдони тараққий эттириш кераклиги ҳақидаги фикрга биз ҳам қўшиламыз, албатта. Лекин шу йўл билангина муаммонинг ҳал этилишига шубҳамиз бор. Чунончи, Қўқондаги комиссия магазин аҳолидан мебель, радиотовар ва кийим-бош қабул қилиб сотади. У ердагилар, жойимиз торлик қияпти, оқибатда буюм топширувчиларнинг ҳожатини тўла қондиролмаяпмиз, деб шикоят қилишгани йўқ. Аксинча, мана, жойимиз етарли, ҳозирдагидан кўра кўпроқ буюм қабул қилишимиз мумкин, лекин баъзилар буюмларни бизга топширишдан кўра бозорга олиб чиқишни афзал кўришяпти, деб қолишди. Демак, гап фақат комиссия магазин камлигида эмас. Хўш, нимада? Бизнингча, гап комиссия савдонинг амалдаги тартибида. Модомики, комиссия магазинга буюм топшираётган ва топширмаётганлар бор экан, демак амалдаги тартиб баъзиларга маъқул, бошқаларни эса қониктирмайди. Кимга нима учун маъқулу кимга нега номаъқул? Аввало шу саволга жавоб топиш керак.

**МАЪҚУЛ,
НОМАЪҚУЛ.
НЕГА!**

Ишга киришишдан олдин амалдаги тартиб билан қисқача танишиб олайлик: буюмингизни олиб борасиз. Ҳолатига қараб нарх белгилашади. Рози бўлсангиз, топширасиз. Чўчиманг, нархни келишиш муаммо эмас. Жуда унақа осмондан келмасангиз, сизнинг таклифингизга ҳам рози бўлишаверади. Буюм қимматроқ сотилишидан магазин ҳам манфаатдор. Фақат сотилса бас. Агар сотилмасачи? Бу ҳам назарда тутилган. Буюм бир ойда сотилмаса нархи 15 фоиз, икки ойда ҳам сотилмаса 20 фоиз ва ҳоказо шундай тартибда пасайтириб борилади. Сотилгач, ҳақингиздан 7 фоизи савдо харажатлари учун ушлаб қолинади, вассалом.

Ана шу тартиб баъзиларга маъқул. Хўш, нега маъқул? Кузатишларимиздан маълум бўлишича, улар буюмларини комиссиян магазинга қуйидагича мулоҳаза билан топширишади: «Чанг босиб, жойни бекорга банд қилиб ётипти. Ташлаб юборгани кўзинг қиймайди. Ахир, дуппа-дуруст нарса бўлса. Керак одам олсин, фойдалансин», — дейишади. Ёки: «Бекорга олмайди-ку, кўп бўлмаса, озроқ берар, чиритиб юборгандан кўра... майлида», — дейишади. Кўриб турибсизки, улар ўз буюмларини сотишга моддий жиҳатдан муҳтож эмаслар. Буюмни комиссиян магазинга моддий заруратдан эмас, балки кўпроқ маънавий заруратдан топширишади.

Энди гўё кимга нима учун маъқул эмаслиги ҳам равшандек туюлади: яъни комиссиян савдо моддий жиҳатдан яхши таъминланганларга маъқул, яхши таъминланмаганларга номаъқул. Улар савдо харажатлари учун 7 процент ушлаб қолинишидан чўчиб, қийнала-қистала бўлса ҳамки буюмларини бозорда ўзлари сотишади. Ҳақиқатдан ҳам шундаймикин? Йўқ. Бизнингча, бундай эмас. Тўғри, улар буюмни сотишга моддий жиҳатдан муҳтожлар. Уни сотиб, пулига (пича қўшиб ёки қўшмай) бошқа буюм олишмоқчи. Лекин, ҳар қалай, уларни чўчитадиған нарса савдо харажатлари учун ушлаб қолинадиган 7 процент эмас, балки комиссиян магазинда савдо сустлиги, буюмни сотиш учун кўп вақт талаб қилинишидир. Моддий жиҳатдан яхши таъминланган кишиларни буюм неча сўмга сотилиши унча қизиқтирмагани сингари қачон сотилиши ҳам унча қизиқтирмайди. Аммо моддий жиҳатдан яхши таъминланмаган кишилар учун эса бундай эмас. Хўш, нега комиссиян магазинда савдо суст?

Уйлаб кўринг. Сиз буюмингизни топшириб кетишингиз биланоқ унга харидор чикди. Бироқ нархи бир оз қиммат деяпти. Нарх эса бир ойдан кейин пасаяди. Бир йўла 15 процент тушади. У эса 15 процент қиммат деяётгани йўқ. 5—10 процент қиммат деяпти, холос. Эҳтимол ўзингиз шу ерда бўлганингизда 5-10 процент ён беришингиз мумкин эди. Савдо битиб кетарди. Аммо сиз йўқсиз. Не илож, харидор қайтиб кетади.

Энди қайтиб келмаслиги ҳам мумкин. Юрадим кутиб. Қани, бозорга борсинчи, эҳтимол у ерда ҳам шунақа буюм бордир. Қарабсизки, у бозорга қараб жўнайди. Сиз харидордан маҳрум бўласиз. Бунақада буюмингиз қачон сотилади? Буюмини сотишга моддий жиҳатдан муҳтож кишилар ана шундан чўчидилар ва ... қийнала-қистала бўлса ҳамки буюмларини бозорда ўзлари сотадилар. Ёки сотиб бериш учун буюмларини бирорта бозорчига топширадилар. Бунда ён бериш ва чиқим, албатта, комиссиян магазинда ушлаб қолинадиган 7 процентдан ортса ортиб кетадики, кам бўлмайди. Улар буни билишади. Лекин савдо тезлашини кўзлаб, рози бўлишади. Уларга бозор маъқул. Кўрдикки, бозор ҳалиги харидорга ҳам маъқул. Комиссиян магазинда анчагина буюм, ҳали анчагина бўш жой тургани ҳолда олувчининг ҳам, сотувчининг ҳам бир қисми бозорга қараб кетиб қолаётгани шундан. Хўш, энди айтингчи, Қўқондаги комиссиян магазиннинг иккинчисини ҳам тезроқ очиш керак эканми? Очиш керак. Шу билан бирга комиссиян магазинни ҳаммага бирдек маъқул қилиш йўлини ўйлаш, топиш ҳам керак.

Бунда, албатта мана бу факторни ҳам назарда тутиш лозим.

**ҲАММА
ЯНГИ
ОЛСАМ
ДЕЙДИ**

Кўриб ўтдикки, комиссиян магазин буюмни асосан моддий жиҳатдан яхшироқ таъминланганлардан қабул қилиб, нисбатан пастроқ таъминланганларга сотаяпти. Ҳали-ҳозир бундай харидор бор экан, яшаб турибди. Лекин эртага нима қилади? Турмуш тобора фаровонлашапти, аҳолининг пул ва реал даромадлари муттасил равишда ортапти. Моддий зарурат орқасида бугун комиссиян магазиндан эски буюм олаётган киши эртага янги буюм олишга кучи етадиган бўлиб қолар экан, янги буюм олади-да. Унда комиссиян магазинларимизнинг иши касод бўлмайдими?

Бундай ҳол юз бермасидан олдинроқ бирон-бир чора-тадбир кўришимиз керак. Ахир, комиссиян магазинга топширган, ёки эринчоқлик қилиб, ҳали топширмаган буюмларимиз ҳам ҳали буюм. Уларни ўлик молга айлантириб қўйиш эса... исрофгарчиликдир.

Ўзи шундоқ ҳам исрофгарчилик етарли. Бир мисол, янги телевизор олсангиз эскисини ахлат яшигига чиқариб ташламайсиз. Ҳали бу даражага етганингиз йўқ. Бир бурчакка тиқиб қўясиз, яъни ўлик молга айлантрасиз. Аммо олиб чиқиб ташлаётганингиз қанча? Эслаб кўрингчи, масалан, қанча туфли, ботинка, этик, калиш, махси олиб чиқиб ташлагансиз? Йиртиқмиди? Фойдаланишга яроқсизмиди? Эҳтимол, ямаб кийишга ярар? Ҳар қалай, ишончимиз комилки, 20—30 йил аввал уларни ахлат яшигига чиқариб ташлашга бу қадар шошмаган, ҳеч бўлмаганда ярмини ямашиб киярдингиз. Ҳозир-чи? Кўчада ямоқ нарса кийган кишини учратиш қийин. Хўп, майли, ямаб кийишга ҳам ярамас. Лекин сизга ярамаса, халқ хўжалигига, яъни ҳаммамизнинг хўжалигимизга ярайди. Иккиламчи хом ашё деб аталадиган хом ашё улар.

Дарвоқе, «иккиламчи хом ашё» деган ибора ўз-ўзидан туғилгани йўқ. Унга эҳтиёж туғилгани учун, бирламчи хом ашё ҳозиргидек сарф-харажатларга узоқ чидаш бермаслиги аллақачон маълум бўлиб қолгани учун туғилган. Ёзишларича, масалан, «биз темир рудасига жуда боймиз, жуда кўп қазиб оляпмиз. Аммо... бир неча жойдаги катта темир конлари тугамоқда. Рудани чуқурроқдан қазиб олишга тўғри келмоқда. Таннархи қимматлашмоқда. Иккиламчи металлдан фойдаланиш эса металлургияларга олий нав руданигина эмас, балки энергияни ҳам тежаш имконини беради. Металл арзонга ҳам тушади. Ваҳоланки, темир-терсакнинг анчагина қисми, чунончи, миснинг учдан икки қисми, алюминийнинг ундан ҳам кўпроқ қисми йўқолиб кетмоқда. Чехословакияда пўлатнинг 50, ГДРда ҳатто 70 проценти темир-терсакдан қўйилаётгани ҳолда, биз бор-йўғи 20 процентини қўйяпмиз.» Шунча исрофгарчилик етмагандек, яна дуппа-дуруст буюмларимизни ҳам комиссиян магазинларда, қазноқларда ўлик молга айлантириб қўйсақ, яхшими шу?! Йўқ, комиссиян магазинларимиз ҳали ўлик моллар омборига айланмасидан туриб, уларни мақсадга мувофиқ қилиб олиш чора-тадбирини кўришимиз керак.

II Таклифларимиз

1. Тақчилликни тугатиш бўйича

Бу борада биз дастлаб дуч келган муаммо — савдо билан шуғулланувчи мустақил ташкилот ниҳоятда кўплиги эди. Бинобарин, таклиф ё бу ташкилотларни бирлаштириш, ёки уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш (тартибга солиш) ҳақида бўлиши табиий. Қайси бири маъқул?

БИРЛАШТИРИШМИ, МУВОФИҚЛАШТИ - РИШМИ!

Биз бирлаштиришни таклиф этмоқчимиз. Нега энди мувофиқлаштиришни эмас? Савдони такомиллаштириш бўйича Украина ССРда амалга оширилган тадбирлар билан танишиш негалигини изоҳлашимизда ёрдам беради. Бу ерда шундай йўл тутилди: областга бўйсунувчи шаҳарларнинг ижроия комитетлари қошида хўжалик ҳисобида ишловчи савдо бошқармалари тузилди. Бу шаҳарлардаги барча савдо пунктлари, улар қайси идорага (министрликка) қарашли эканидан қатъи назар, ана шу бошқармалар ихтиёрига ўтказилди. Бошқармалар мол обороти планини тасдиқлайдилар, товар ресурсларини тақсимлайдилар. Территорияда маҳаллий Советларга, тармоқ бўйича эса савдо министрлигига бўйсундилар.

Шахталар, конлар, электростанциялар, саноат корхоналари яқинида жойлашган шаҳарларда эса (яъни нисбатан кичикроқ аҳоли пунктларида) қуйидагича тартиб кўзда тутилди; бу ерда қайси министрлик таъминот бошқармасининг товар обороти катта бўлса, савдо билан шуғулланиш ўша министрлик бошқармасига юклатилди. Бошқа министрликларнинг савдо пунктлари унинг ихтиёрига ўтказилди.

Районга бўйсунувчи шаҳарларда, шунингдек, қишлоқларда савдо билан фақат матлубот жамиятлари шуғулланадилар.

Хуллас, бу республикада савдо билан шуғулланувчиларнинг фаолият доираси аниқ белгилаб қўйилди. Бундай тадбир савдони ташкил этишда сезиларли ижобий самаралар берди, албатта. Масалан, аввал бир шаҳар ёки районда бир неча мустақил савдо ташкилоти мавжуд бўлса, энди улар битта; натижада аҳолига хизмат кўрсатишдаги сансалорлик барҳам топди. Айни шаҳар ёки райондаги савдонинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга ажратилган материал-маблағ аввал бир неча қўлга келган бўлса, энди бир қўлга тушадиган бўлди.

Территория бўйича қандай мол бор-йўқлиги ҳақида истеъмолчига ҳам, таъминотчига ҳам ахборот бериб туриши мумкин бўлган якка, ҳуқуқли диспетчерлик пункти ташкил этиш имконияти туғилди.

Биз иккинчи қадам сифатида савдо ташкилотларини бирлаштиришни, аниқроқ айтганда, турли министрликларни савдо билан шуғулланиш ташвишидан халос этишни, уларга қарашли идораларни территорияда маҳаллий Советларга, тармоқ бўйича эса бевосита савдо министрлигига бўйсундиришни таклиф этмоқчимиз.

2. Маҳаллий масала бўйича

Фарғона областидаги қайсидир фабрика бирор янги маҳсулот ишлаб чиқармоқчи, унинг тажрибавий нусхаси тайёр дейлик. У бу молни турли ҳомийларнинг кўригидан ўтказиб, овора бўлиб ўтирмасин. Областда савдо асосан иккита шаҳарда — Қўқон ва Фарғона шаҳарларида умумлашади. Молини ана шу шаҳарларда ташкил этилган зонал ярмаркаларга тўғридан-тўғри сотувга чиқараверсин. Харидорга тўғридан-тўғри рўбарў келсин.

Кўряпсизки, биз фабрика олдига мамлакатдаги жами харидорнинг кўнглини билиш, барчасининг эҳтиёжини қондириш вазифасини эмас, балки дастлаб енгилроқ талаб қўйяпмиз. Аввал ўз областидаги харидорларнинг кўнглини билсин, эҳтиёжини қондирсин. Бу унинг айни пайтдаги моддий-техникавий имкониятига мувофиқ келади. Узгарувчан талаб-эҳтиёжга мослашиши ҳам осонроқ кечади. Ҳар қалай энди эҳтимол тутилган зарар «олам жаҳон» бўлмайди.

Лекин бундан, таклиф аввал бошданоқ ўринсиз экан-да, деган хулоса чиқмаслиги керак. Саноатчидан дастлаб ўз областидаги харидорларнинг эҳтиёжини таъминлаш талаб қилинган, бу таклифни амалга оширишда энди катта имконият юзага келади. Саноатчи бутун мамлакатдаги бозор унинг молини қанчага кўтаришини аниқлаш ташвишидан халос бўлади. Молини ўз областидаги бозор қанчага кўтаришини билса, шунинг ўзи кифоя унга. Буни зонал ярмарка тез орада аниқлаб беради.

Таъкидлаш керакки, тез орада аниқлаб беради. Бир зумда эмас. Бозорда даллол «бор барака, денг» деб сотувчи билан олувчининг қўлини қанча силтайди? Улар ўзаро келишгунларича қанча вақт кетади? Зонал ярмаркада иш бундан мураккаброқ кечиши табиий. Мураккаблик бошланғич нархни белгилашдаёқ ўзини кўрсатади. Хўш, саноатчи унинг вакили бўлган сотувчи мол учун дастлаб неча сўм сўраши лозим? Маълумки, бозордаги сотувчи дастлаб осмондан келади. Кейин, шароитга қараб, аста пасаяди. Ярмаркадаги сотувчи бундай қилолмайди-ку. Хўш, дастлаб неча сўм сўраши керак? Биз ҳам бу борада «палонча» деб аниқ айтолмаймиз. Фақат саноатчининг олдига мана бундай шарт қўямиз. Масалан, телевизор тайёрловчига:

— Ҳозир оммавий тарзда элликка яқин маркадаги телевизор ишлаб чиқарилмоқда. Сиз яна бир турини ишлаб чиқармоқчи бўлибсиз. Майли, чиқаринг. Чиқаринг-у, у мавжуд телевизорларнинг ҳаммасидан яхшироқ, харидорга уларнинг ҳаммасидан ёқимлироқ бўлсин, — деймиз.

— Яхшироқ, ёқимлироқлигини қаердан биламиз?

— Бунинг йўли осон. Телевизорингизнинг нархини ҳозир сотилаётган энг қиммат телевизорнинг нархидан ҳам ошиқроқ қилиб белгилаймиз «Бозор кўтарадими?» — биламиз-қўямиз. Чекинш ҳам кўзда тутилади, албатта.

Маиший хизмат кўрсатувчи буюм созлаш ва янги молга қўшимча ишлов бериш («переделка») билан ҳам шуғулланади. Лекин улардан бири шаҳарлик, иккинчиси қишлоқлик. Харидор эса буюртма беришда, мен қишлоқликман, мен шаҳарликман, деб ўтирмайди. Шундай экан, хизмат кўрсатувчиларнинг қайси бирига қанча план бериш кераклигини қаердан биласиз? Ваҳоланки, план фақат ишни эмас, балки материал-маблағни тақсимлаш ҳамдир.

Шаҳарлик ошпаз билан қишлоқлик ошпазнинг иши тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Яқшанба кунлари қишлоқлик ошпаз (кабобпаз, сомсапаз) истеъмолчи тополмайди. Шаҳарлик эса хизмат қилиб улгуролмайди. Бири планни бажаролмай ҳалак. Иккинчиси, планни бажарадию аммо сифатни оширолмай, харидорнинг кўнглини ололмай ҳалак.

Ниҳоят, мана бу фактни ҳам айтиб қўйсақ зарар қилмайди; ҳозир мамлакатимизда шахсий енгил автомашиналарни созлаш билан маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, автотранспорт министрлиги, «Союзавтотехобслуживание», ДОСААФ каби ўндан ортқ министрлик ва маҳкама шуғулланади. Шулардан фақат биттаси — маиший хизмат кўрсатувчигина маҳаллий ҳукумат билан бевосита боғланган, холос. Қолганларининг бошлиғи юқорида.

Маҳаллий эҳтиёж учун ишлаб чиқарилган молни маҳаллий харидорга сотишни

сотувчиси йўқ корхонага савдо ташкилоти беришни таклиф этишнинг ўзи билан масала ҳал бўлмаслигини энди сезгандирсиз? Гап энг аввал ушбу министрлик ва маҳкамаларнинг ўзаро муносабатлари ва фаолиятларини мувофиқлаштириш ҳақида бўлиши лозим. Уларнинг ҳеч бирига дахл қилмай туриб бу ишни амалга ошириб бўлармикин ўзи? Бизнингча, бунинг иложи йўқ. Дахл қилишга тўғри келади. Модомики, ҳаммасининг иши аслида битта — маҳаллий эҳтиёжни таъминлаш экан, уларнинг ўзларини ҳам битта қилиб қўйиш зарур. Бу муассаса тармоқ бўйича маиший хизмат кўрсатиш министрлигига, территорияда эса маҳаллий ҳукуматга бўйсунсин.

Маҳаллий эҳтиёж учун чиқарилган мол маҳаллий харидорга сотилсин, деган таклифни ана энди айтса ярашади. Лекин шунда ҳам ҳали «маҳаллий харидор» деганда қайси территориядаги харидорни тушуниш кераклигини аниқлашга тўғри келади. Агар диққат билан қарасангиз савдо умумлашаётган зонадаги харидорларнинг маҳаллий эҳтиёжлари қарийб бир хил эканини кўрасиз. Масалан, Кўқон атрофи районларидаги кишилар қарийб бир хил кетмон, ўроқ ишлатишади, қарийб бир хил кўрпачада ўтиришади, қарийб бир хил тўн, дўппи кийишади, қарийб бир хил таом ейишади ва ҳоказо. Савдо умумлашаётгани ҳам аслида шундан. Бинобарин, маҳаллий харидор деганда биз ана шу зонадаги харидорни тушунамиз. Зонал ярмарка ана шу харидорларнинг маҳаллий эҳтиёжини худди кўзгудек акс эттириб туради. Бундан, маҳаллий эҳтиёж учун ишлаб чиқарилган мол зонада сотилсин, сотиш вазифаси зонал савдо ташкилоти зиммасига юклатилсин, деган хулоса келиб чиқади.

Лекин... Шошманг, яна бир масала бор. Молни сотишдан аввал уни ишлаб чиқариш зарур. Зонада: сотиладиган жами молнинг қанчасини қайси район (шаҳар) ишлаб чиқариши керак? Буни қаердан биламиз?

Худди шу ўринда фақат савдони эмас, балки маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳам тармоқ-зонал-территориал бошқаришга эҳтиёж сезилади. Савдо умумлашаётган жойдаги савдо ташкилоти зонада бошқарувчи ҳисоблангани сингари бу жойдаги ишлаб чиқарувчи ҳам зонада бошқарувчи вазифасини ўтамоғи лозим. У савдо ташкилотининг ахбороти асосида зонанинг эҳтиёжини яхлит ҳисобга олади. Шаҳар ва районлардаги муассасаларга уларнинг куч ва имкониятлари, шарт-шароитларига қараб вазифа (план) тақсимлайди. Бунда ўзига хос меҳнат тақсимоти юзага келади. Аслида ҳозир ҳам шаҳар ва районлараро меҳнат тақсимоти мавжуд. Давлат йўли билан тартибга солинмаган, холос. Зонал бошқарма тартибга солади. Тартибга солинган меҳнат тақсимоти, албатта, ҳозирдагидан яхшироқ самара беради. Энг муҳими — ҳар бир район бутун зонага, бутун зона ҳар бир районга хизмат кўрсатадиган бўлиб қолади. Аслида ўзи шундоқ бўлиб турган, лекин территориал чеклашлар орқасида чинакам умумлашолмаган иш чинакам умумлашиб кетади.

Маҳаллий саноатчи аввало маҳаллий ҳукумат фармойишига кўра иш тутадиган бўлиб қолган экан, энди у ҳар хил юқори ташкилотларга учраб, ҳой, бизнинг жойда жиякли тўн кийишади, адиби атлас бўлишини ёқтиришади, шуни ҳисобга олинглар, деб эланиб-ёлвориш ташвишидан халос бўлади. Муҳими, бозорда тўнфурушлар билан чинакамига рақобатлашиб, харидорларни тез орада ўзига оғдириб олади. Тўнфурушларнинг ўзларини-чи? Дарвоқе, уларни оғдириб олиш шартми? Маҳаллий саноатда ишлаймиз, деб дастлаб уларнинг ўзлари келишмаганмиди? Корхона бошлиғи, молингни ўзинг сотиб берасан, деб шарт қўйгандан кейингина қайтиб кетишмаганмиди? Шундан кейингина бозорчига айланмишмаганмиди? Ёки шундан кейингина учар бозорчининг кўринмас корхонасига хизматга киришмаганмиди? Энди, махсус савдо ташкилотига эга бўлгач, корхона бошлиғи уларга бундай шарт қўймайди. Бундай шарт қўймагач, уйда ишловчилар жон деб корхона хизматиغا киришади.

Бу гап уйда озиқ-овқат тайёрлаб сотувчиларга ҳам тегишлидир. Улар умумий овқатланиш корхонасига ишга олиндилар, деб фараз қилинг. Шунда ушбу корхона тайёрлаётган озиқ-овқат ассортиментда қандай ўзгариш юз беради? Ҳозир бирон бир ошхонада нўхатхўрак, хоним, сомса, кўк сомса, ошқовоқ сомса, қайнатма шўрва, патир нон, жиззали нон сотилаётганини кўрганмисиз? Кўрмагансиз! Энди кўрасиз.

Яна: озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини иложи борича истеъмолчига яқинлаштиришни кўзда тутяпмиз. Дуруст, завод, фабрика, мактаб ва ҳоказо йирик объектларга алоҳида ошхоналар, буфетлар очиб бериш, яъни бу ердаги истеъмолчиларга савдони яқинлаштириш мумкин. Лекин, айтайлик, бор-йўғи 5—6 киши ишлайдиган ремонт устахонаси, тикувчилик цехи, сартарошхона ва ҳоказо кичик корхоналарга савдони қандай яқинлаштирамиз? Алоҳида ошхона-буфет очсангиз, ўзини қопламайди. Очмасангиз, савдо яқинлашмайди. Умумий ошхона эса узоқроқ. Яқин бўлган тақдирда ҳам, унинг бир хил ассортиментдаги

таомини ҳар куни истеъмол қилавериш меъдага тегади. Хос ошхонанг бўлишига нима етсин?!

Бу масала Литва ССРда (Вильнюс шаҳрида) мана бундай ҳал этилган; алоҳида озик-овқат цехи қурилган. Цех буюртма асосида тамом тайёрлаб, истеъмолчиларнинг иш жойига элиб беради. Бу — жуда яхши. Лекин, бунга қўшимча, уйда ишловчиларнинг хизматидан ҳам фойдалансак, уларни бир ёки иккитадан майда корхонага биркииб қўйсак, янада яхшироқ бўлмайдими? Цехимизнинг ассортименти янада бойимайдими? Бу — аслида ўзи бўлиб турган гап. Ҳар бир уйда таом тайёрловчининг ўз миждози бор. Миждози — ўша созловчи, тикувчи, сартарош. Иш кунлари у маҳсулотини асосан миждозига, яқшанба кунлари эса бозорда сотади. Ана шу ишга расмий тус берсак қалай бўларкин? Аввало, уйда ишловчи бунга кўнармикин? Кўнади. Маҳсулотини сотиб беришни ўз зиммамизга олар эканмиз, ҳар бир уйда ишловчи жон деб хизматимизга киради.

«Дарров кира қолишмас, — шубҳа билдиришлари мумкин. — Ишга киришга кирган-у, корхона материал, масаллиқ билан яхши таъминлай олмагач, ундан чиқиб кетганларни ҳам кўрганмиз. Маҳаллий саноат, маиший хизмат соҳасида материал жуда оғир масала».

Ҳақиқатдан ҳам ҳозир шундай. Сунъий тақчилликни сунъий сероблик ҳисобидан эмас, балки янги куч-маблағ ҳисобидан бартараф этишга ҳаракат қилинаётган, ишлаб чиқариш реал эҳтиёж асосида эмас, балки база асосида планлаштирилаётган ва уни нуқул кенгайтириш кўзда тутилаётган бир пайтда бундай бўлиши табиий.

Иккиламчи хом ашё-чи? Бу маҳаллий саноатчининг хом ашё фондига нақадар катта қўшимча бўлиши мумкинлигини тасаввур қила оласизми? Тўла тасаввур қилишингиз учун пича кўмаклашиб юборайлик. Корхона сизнинг телевизорингизни созлаб бериш учун эҳтиёт қисмга зориқиб турипти. Мана, бир ойдирки, юқоридан шундай қисм юборилишини кутяпти. Нима экан ўша эҳтиёт қисм? Винт! Бор-йўғи битта винт учун бутун бошли бир телевизор ойлаб эгасига қайтарилмай ётганини ҳам кўрганмиз. Ваҳоланки, ўша корхона жойлашган қишлоқ ёки шаҳарда бир қанча эски телевизор ўрнини янги телевизорга бўшатиб бериб, ўнлаб, юзлаб шундай винти билан ўлик мол бўлиб ётипти.

Гап нима ҳақда кетаётганини пайқагандирсиз? Гап ишлатилган-у, ҳали фойдаланишга яроқли буюмдан тортиб то фойдаланишга мутлақо яроқсиз деб ҳисобланган буюмгача — ҳаммасини йиғиш, тасарруф этиш ҳақида, бу вазифани маҳаллий саноатчининг зиммасига юклаш ҳақида кетяпти. Йиғсин, тасарруф этсин, кўлидан келмаган қисмини катта саноатга топширсин. Маҳаллий саноатчи буни ҳозир шу вазифани бажараётган идора ва ташкилотлардан беқиёс даражада чаққонроқ ҳамда самаралироқ бажара олади. Масалан, у ишлатилган-у, ҳали фойдаланишга яроқли бўлган (айби фақат модадан қолганлиги) кўйлакни бирйўла пулини тўлаб сотиб олади. Лозим топса ва иложини қилса, қўшимча ишлов бериб, модабоп қилади. Савдога топширади. Сотилсаку хўп-хўп, бўлмаса, иккиламчи хом ашё сифатида ишлатади. Ҳар қалай, ўлик мол қилиб қўймайди.

Яна: ҳозир аҳолидаги увада, темир-терсакни йиғиш билан район тайёрлов идоралари қўшимча иш сифатида шуғулланишади (Асосий ишлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш). Йиққанларининг ҳаммасини юқорига жўнатишади. Увада — пахта бўлиб, темир-терсак бўлиб то маҳаллий саноатчига қайтиб келгунича аллақанча йўл босади. Ваҳоланки, маҳаллий саноатчи увадани юқорининг ёрдамисиз ҳам пахта қилиб олиши мумкин эди; машинаси бор. Ҳозир машинаси «Увадамни пахта қилиб беринг», деб келган одамга хизмат қилади, холос. Увада йиғиш, пахта қилиш билан ташкилотнинг ўзи шуғулланмайди. Шуғулланиши учун унга ҳуқуқ ҳам, штат ҳам берилмаган.

Темир-терсак ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Маҳаллий саноатчи юқорининг ёрдамисиз ҳам унинг бир қисмидан хом ашё сифатида фойдалана олади. Кетмон, теша, чопқи қилади ва ҳоказо.

Хуллас, иккиламчи хом ашё маҳаллий саноатчининг хом ашё фондиди беқиёс даражада бойтади. Энди саноатчи маҳаллий харидорнинг маҳаллий эҳтиёжини бемалол қондира олади. Зонал ярмаркани янги «қўлбола» мол билан, шунингдек, эски, аммо ҳали фойдаланишга яроқли мол билан тўлдиради.



Асқар Қосимов

ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРЛАР

Иссиқкўл манзараси

Тўрт ёғи тоғ, ўртаси кўл,
Нашвати боғ-роғлари мўл.
Ёмғирдан ер, барглари ҳўл,
Сув селгандай топ-тоза йўл —
Икки чети дарахт саф-саф.

Кўли синган шиша — чил-чил,
Товланади ажиб хил-хил...
Балиғи ҳам қуши мил-мил,
Қирғоғида шифобахш гил
Оёқларга тегар чап-чап.

Не мўъжиза, қандоғам сир,
Чўкиб ётар тепалик, қир!
Шабадаси эса ғир-ғир,
Ўрмонини айлансанг бир
Оёғингга кийиб шап-шап.

Паст-текислик ёқаси чок,
Гиёҳлари нақ садди пок.
Қорағату ёввойи нок
Бўлиб ётар бамисли хок,
Юксакликдан тушиб тап-тап.

Қир чечаги очилган тар,
Бир ёқда ўр, бир ёқда жар,
Харсанглари соқов ё кар...
Истироҳат истасанг гар,
Ҳар нарсадан излама наф.

Тоғларининг чўққиси қор,
Қуёш унга қилмайди қор,
Балки кучли зиёга зор,
Балки беҳад армони бор,
Мунча мискин, мунча камгап?..

Асқар Қосимовни талабалик йилларидан билардим. Чорпахилдан келган, истараси иссиқ, самимий... Баъзи одамларнинг сурати сийратига ўхшамайди. Асқарнинг эса феъл-атвори кўзлари, чеҳраси, гапларидан шундоқ кўриниб турарди.

Шеърлари ўзига хос оҳангга эга эди. Халқ кўшиқларини, классик шоирларимиз ижодини севиб ўрганганини, бунинг таъсирини унинг шеърлари оҳангида, образли ифодасида кўриш мумкин.

Асқар бешта шеърини тўплам, иккита дoston нашр эттирди. Қадимги юнон фожианависларининг икки шоҳ асарини ўзбек тилига таржима қилди.

Шоирнинг ёзув столида шеърлар, янги таржималар қолди. Биз, Асқарни дилдан хотирлаб, олдин эълон қилинмаган шеърларидан айрим намуналарни ҳурматли журналхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

Маъруф Жалил.

Шамол унда тортади ҳу,
 Тутиб бизга гулдан мушкбў.
 Сайр этади неча гулрў,
 Роҳатижон Иссиқкўл — бу,
 Чарчоғингни айлағай даф.

Қатъият

Кутиб бўлдим	энди ғунчалик!
фаслимни мен,	Мен
Чекмам	қанчалик
энди	аждодимни
сира	Юксакларга
ғам.	кўтарсам,
Очилмоқлик	Авлод
вақти	мени кўтаради
келди,	Юксакларга
Етар	шунчалик!

Отган тошинг «шалоп» этиб ҳовузда,
 Тўлқинсимон доиралар ясади —
 Бамисоли карашмалар қош-кўзда
 Ишва қилиб, юзларингни безади.

Нилуфарлар тутди менга оқ коса,
 Мушку анбар теваракка таралди.
 Уйнаётган насим эмас, раққоса,
 Қара, янги «Тановар»лар яралди!

Ох, бу фурсат, боларилар гул излаб,
 Зумрад тўнли водийларга жўнади.
 Ох, бу фурсат, шоир турмас йўл излаб,
 Гинанг бўлса, кел, ситам қил, кўнади...

Бичувчи-тикувчига

Қилаверма у либосни овоза,
 Нухасига асл дея бу чаман.
 Керак эмас, менга эски андоза,
 Янгисини ўзим тикиб оламан!

Мен ҳам илғор тикувчиман, кам дема,
 Нари борса, андек заҳмат чекаман.
 Бу тикувим келишмаса, ғам ема,
 Қайта бичиб, яна қайта тикаман!

Бу кун севган ёри билан
 Ҳар ким қувноқ, омон-омон!
 Кел, айтамин алёр, ўлан,
 Тараф-тараф, томон-томон!

Ваъдам-ваъда, буз демагил,
 Эй, сен жонон, жонон-жонон!
 Рақиб сўзин сўз демагил,
 Севдим инон, инон-инон!

Нечун элга ёй, эй хур,
Бу сир ниҳон, ниҳон-ниҳон!
Сенсиз нигор, қаро эрур
Еруғ жаҳон, жаҳон-жаҳон!

Боқма қиё ғайрига ҳеч,
Рашким ёмон, ёмон-ёмон!

Шукронаман, эртаю кеч
Дорилзамон, замон-замон!

Қош-кўзларинг ўқ отмасин,
Тийри камон, камон-камон!
Асқар ишқин йўқотмасин,
Шайдойинг у ҳамон-ҳамон.

Панд

(Болалар учун)

Отланганча Нор ака
Ўн беш кунлик сафарга,
Жўнар экан, вокзалда
Деди ўғли Зафарга:
«Энди, ўғлим, ёшмассан,
Ўн икки ёш — катта гап.
Ойинг юмуш буюрса,
Тўнғиллама, бурма лаб.
Сафар мени кутмоқда,
Сенга қолди бу ёғи.
Қўй-қўзига қарагин,
Камаймасин туёғи.
Утлоқларга олиб бор,
Оч қолмасин қўй-қўзи.
Сўнгак ташла итинга —
Ҳовлимизнинг юз-кўзи!
Дон-дун бергин товукқа,
Қақақласа хабар ол.
Бузоғинга бир кунда

Икки маҳал хашак сол...
Жўнаб кетгач, адаси,
У юмушга шайланди.
Қўшни боғ-роғ, ўтлоқни,
Гулзорларни айланди.
Режа тузиб узоқ вақт,
Янгича иш бошлади.
Қадамини шахдамроқ
Ҳовли томон ташлади.
Қўй-қўзию товук, ит,
Хуллас, барча хўжалик —
Энди унинг измида,
Бўлиб кетмас кўчалик.
Дабдурустан, ажабо,
Бузоқ курғур маъради.
Хавотирнок кўз билан
Зафар унга қаради.
Роса бир боғ ўт берди
Боғлиқ турган итига.

КУНЛАРДАН БИР КУН

Фарқ

Режиссёр бўлишни орзу қилиб юрган бир йигит Бернард Шоудан сўради:

— Комедия, драма ва трагедия ўртасида қандай фарқ бор?

— Яхши йигит, — деди Бернард Шоу, — сизнинг комедия, драма ва трагедия ўртасидаги фарқни билмаслигингиз — шахсан мен учун комедия, томошабин учун — драма, ўзингиз учун трагедиядир.

Тарбия

Бернард Шоунинг шўҳратини кўра олмайдиган душманларидан бири унга деди:

— Отангиз тикувчи бўлган-а?

— Ҳа, у тикувчи бўлган.

— Нима учун у ўз касбини

сизга ҳам ўргатмаган экан-а?

Бернард Шоу бир оз сукутдан сўнг деди:

— Сизнинг отангиз ким бўлган?

— Менинг отамми? Менинг отам жентельмен бўлган.

— Нима учун у сизни ҳам жентельмен қилиб тарбияламаган экан-а, — деди Бернард Шоу.

Муаллиф ва муҳаррирнинг ёзишмалари

Узундан-узоқ ҳикоясини машҳур журналлардан бирига юборган аёл узоқ муддат ўтмай ҳикоясини ҳам, унга ёзилган рад жавобини ҳам олди. Ҳикоясини қайта варақлаб, жаҳли чиқди ва муҳаррирга хат ёзди.

«Ҳурматли сэр!

Ҳикоямни қайтариб юборибсиз. Унинг ёмонлигини қаердан билдингиз. Сиз ҳатто уни ўқиб ҳам чиқмабсиз. Юборилган ҳикояларни ўқиш-ўқимаслигингизни билиш мақсадида мен 18,19,20-бетларни бир-бирига ёпиштириб қўйган эдим. Сиз уларни бир-биридан ажратишга ҳам уриниб кўрмагансиз, демак ҳикоямни ўқимагансиз. Сиз юборилган ҳикояларнинг ҳаммасини шундай ўқийсизми?»

Бир неча кундан сўнг аёлга куйидаги жавоб хати келди:

«Ҳурматли хоним!

Нонушта вақтида мен туҳумнинг яхши-ёмонлигини билиш учун унинг ҳаммасини емайман».

Инглизчадан
Тўлқин ЖУРАЕВ таржимаси.

Сўнгак отди бузоққа,
 Қарздорман, деб, этига.
 Беда солди товукқа,
 Қўй-қўзига берди дон.
 Не тонг, Зафар «даврида»
 «Камол топса» тирик жон!
 Ишдан келиб онаси —
 Аҳвол чатоқ, қараса.
 — Нима қилдинг бузоққа?
 — Сўнгак бердим, маъраса.
 — Оч қолибди итинг ҳам...
 Вой, товукқа дон қани?
 — Етмасмиди адамнинг
 Ҳамиша дон бергани!
 Беда солдим яйрашсин,
 Дон есин қўй-қўзилар!
 — Бунақада ҳаммаси
 Таппа-таппа чўзилар!
 Бундай қилма, ҳар бири
 Ичар суйган ошини...
 Бу гап ботди Зафарга,
 Ҳам қилди у бошини.
 Сир бой бермай, бироқ, у
 Қўй, товук, ит, бузоқни —
 Қамаб оғилхонага,
 Чамалади узоқни.
 Ўйлай-ўйлай, ниҳоят,
 Топди тадбир дарагин:
 — «Бу дон, бу ўт, бу сўнгак —
 Есин улар керагин!»
 Шундай қилиб, жонзотлар
 Жой-жойидан олинди.
 Ейилажак емишлар —

Бир идишга солинди.
 Аммо аллапайтгача
 Бузоқ итдан чўчиди.
 Қўй-қўзилар товукни
 Кўролмасдан, мужиди,
 Қайтиб келди шу асно
 Нор ака ҳам сафардан.
 Боғу роғни айланди,
 Ҳол сўради Зафардан.
 Йиғлагудек бўлиб у,
 Гап уқдирди дадага:
 — Қўшинг, итни итларга,
 Қўй-қўзини подага.
 Товук қолсин ҳовлида,
 Керак бизга тухуми.
 Сиз келгунча дош бердим,
 Йиғламадим — муҳими.
 — Баракалла, тойлоғим,
 Лекин берма йўл-йўриқ.
 Сенга қолса ҳовлимиз
 Қолар гулсиз, гуп-куруқ.
 Мен нимани ўргатсам,
 Сен шуларга зеҳн қўй.
 Шунда очдан ўлмайдди,
 Товук, ит ва қўзи-қўй...
 Аввало сен қамагин
 Товукни катагига.
 Итни эса боғлагин
 Ҳовлининг этагига.
 Қолсин оғилхонада
 Қўй-қўзи ва бузоғинг.
 Шундай тартиб ўрнатсанг,
 Яқин бўлар узоғинг...

Кунлардан бир кун

* * *

Санъат байрами ўтказилган кеча машҳур ҳажвчи Э. Т. А. Гофман ҳордиқ чиқариш ниятида ресторанга ташир буюради ва официант ҳисоб-китоб қилган пайт ўринсиз ажабланади:

— Ие, тўрт шиша деяпсизми, оғайни? Менинг қорнимга бор-йўғи уч шишадан зиёди кетмасди-ку, ахир!

— Бўлиши мумкин, ҳурматли жаноб, — эътироз билдиради кўпни кўрган югурдак, — балки тўртинчиси бошингизга кўтарилгандир!

* * *

Англиянинг энг гўзал аёлларидан бири Бернард Шоуга

қўйдаги мазмунда мактуб йўллайди:

«Мен Англиядаги яккаю ягона, чиройли хотинман. Сиз энг ақлли эркаксиз. Менимча, иккаламиз фарзанд кўрсак, ёмон бўлмасди».

Машҳур ёзувчи бунга жавобан қўйидаги сатрларни ёзиб жўнатади:

«Наслга қолдирганимизга менинг чиройиму сизнинг ақлингиз мерос бўлиб ўтса-чи?»

* * *

Нақл қилишларича, Гёте оммабоп китобларни бировларга жуда қийинчилик билан берадиган, аммо бошқа шахслардан олган китобларни эгаларига қайтариб беришни бутунлай «унутиб» қўядиган

китобхонлар сирасига кираркан. Даҳо санъаткор бир пайтлар энг яқин қаламқаш дўсти, истеъдодли шоир Виланддан Софокл драмаларининг энг ноёб нусхасини мутолаа қилиш учун олади ва машҳур кўҳна адабиёт дурдонасини қайтаришни хаёлига ҳам келтирмайдди. Шунда китоб эгаси доҳиёна санъат асари — «Фауст» муаллифига қўйидаги сатрларни йўллайди: «Қимматли Гёте! Касбдошлар Сизни грек классиксини ўзлаштиришда беназир, аммо уни қайтариш бобида нўноқрок, деб баҳолашмоқда!»

Немисчадан
Бойхўроз МАМАТҚУЛОВ
 таржимаси



«Темур Малик» романига
ишланган суратлар

Рассом Б. ХАИБУЛЛИН





Мирмуҳсин

Темур Малик

Тарихий роман¹

Ўттиз тўққизинчи боб

Нафрат алангасида тентираганлар...

Хўжанд қўлдан кетган, дарё ичида истехком жанги бораётган бир пайтда Парпирак²дан нари, Оҳангарон дарёси жанубида, Қурама тоғлари этагидаги мустаҳкам қўрғонга эга бўлган Келовчини ҳам қаттиқ жанглардан холи деб бўлмасди. Бу ердан бориб, Хўжандда, Темур Малик қўшинида жанг қилаётган йигитлар анча-мунча. Кўплари Чориқдарронда тупроққа бош қўйиб, шаҳодат топди. Гарчи Келовчида ола-тўполон бўлмаётгани билан жанг даҳшати қишлоқни тамоман қамраган эди. Ваҳимали хабарлар узоққа яна ҳам ваҳимали бўлиб етади. Тоғ оралиқларига яширинмоқчи бўлганлар ҳамда Ахсикат, Андижон, Уш, Узган томонларга қочиб кетаётган мулкдорлар аввал Келовчи, Чоркесарда тўхтамасликлари мумкин эмас. Фақат мулкдор қўрқоқлар эмас, Келовчида Хўжанддан ўзини четга олган баъзи мансабдорлар ҳам пайдо бўлиб қолди. Илгари жимжит ва орқалиқ ҳисобланган бу қишлоқ ҳозир анча гавжум. Қишлоқ оқсоқоли ҳам белига қилич осиб, ўн-ўн беш навкар билан қиладиган ишининг тайини йўқ, отда югуришиб, кўча чангитгани-чангитган.

Чоршанба куни қишлоқ бозорида башараси япасқи икки нотаниш одам пайдо бўлиб қолди. Бундан хабар топган қишлоқ оқсоқоли қуролли йигитлари билан от чоптириб келиб, одамлар кўзи олдида ўша нотаниш икки келгиндини ушлаб, қўлларини орқага боғлаттирди. Улар тилга тушунмас, аллақандай товуш чиқаришлари, устларидаги либосларидан ёғий эканликлари маълум бўлди. Уларнинг ёнида қурол йўқ. Қишлоқ йигитларидан бири дарҳол қиличини суғуриб, шу ернинг ўзидаёқ босқинчиларни чопиб ташламоқчи бўлди, аммо оқсоқол бунга йўл қўймади. Уларнинг бўйинларига арқон солиб, маҳкамага олиб келишди.

— Булар жосуслар! → деди йигитлардан бири. — Душман аввал одам юбориб, билиб, кейин изидан қўшин юборади, деган гапни эшитганман. Уларни дарҳол ўлдириш керак!

¹ Охири. Боши ўтган сонларда.

² Парпирак — Чирчиқнинг қадимий номи.

Маҳкама ҳовлисида икки мўғул ер тепиниб, бир нималар демоқчи бўларди, аммо ҳеч ким уларнинг гапига тушунмасди.

— Чингис-қа-а-н-чано¹! Цэргэ² — чано! — деди мўғуллардан бири, ер тепиниб. У қишлоқ оқсоқолига ялиниб, бизни ўлдирманглар, деган ишора қиларди. Иккинчиси ҳам шу гапни такрорлаб, яна бошқа гапларни ҳам қўшарди:

— Темеджэн — зандалч³! Чингис қа-а-н — могой⁴.

Бу гапларга мутлақо тушунмаган оқсоқол: «Мен саркарда отларига ем-хашак юборганмен, улуфа⁵ олмаганмен. Мен рият⁶га доимо хушмуомалада бўлганмен, аммо сенга раҳм қилмаймен! Келовчида сенлар фақат бир харвор⁷ бўлиб қоласанлар!» деди.

Хўжанднинг қўлдан кетганию саркарда Темур Маликнинг дарё ичидаги истеҳкомга ўтгани ҳам Келовчига етиб келган. Лекин шунга қарамасдан, бу қишлоқда саркардага мадад беришга тайёргарлик кетар, қишлоқ оқсоқоли ҳамма ишни югуриб-елиб бажарарди. Хўжанднинг босқинчилар қўлига ўтиши мутлақо вақтинчалик деб ўйларди.

Маҳкама ҳовлисида ерга ўтқазиб қўйилган қўли боғлиқ икки киши ўз фикрларини тушунтиролмаб бўғилишар, тинимсиз: «Чингис-қа-а-н чоно! Чингиз қаан чоно!» деб бўғилишарди. Ишораларидан, бўғилишларидан тепаларида турган йигитлар ниманидир пайқашар, лекин босқинчига раҳм-шафқат қилмоқ хиёнат эканини ҳам фаҳмлашарди. Эртасига Қуруқсой, Уткансой томонларда ҳам одамлар ўз нўенидан ажралган уч-тўрт ёғийни ушлаб олиб, обдан калтаклашибди. Уч кун ичида ўндан ортиқ сарбозлари Келовчига кириб келишди. Улар орасида тил биладигани борлиги жонларига оро кирди. Уни Келовчи оқсоқоли маҳкамасига олиб келишди. У, оқсоқолга бу мўғуллар бегуноҳ халқни қириб ташлаётган Чингизхоннинг қонхўрликларидан тўйиб кетганларини, улар жосус эмас, душман ҳам эмас, бири тақачи, бири пўстин тикадиган ҳунарманд кимсалар эканини, Чингизхон уларни зўрлаб қўшинга олганини, ўз юртларига қайтиб кетмоқчи эканликларини таржима қилиб берди.

Оқсоқол мўғулларни яна уч кун маҳкамада сақлади. Нима қилишини билмай боши қотди. Гуноҳим йўқ, деб, ёлбориб турган одамнинг бўйнига қилич солиб, бошини кесиш яна бир кечирилмас гуноҳ. Бу ишни қилмасликни ҳам билмади, чунки мўғуллар она-ерга бостириб кириб, қалъаю қишлоқларни ер билан теп-текис қилмоқда, одамлар қонини тўкмоқда.

Уйлай-уйлай, уч кундан сўнг уларни хашак тўплаш учун далага юборишди. Олисроқ пистирмага одам қўйишди, мабодо қочгудай, бирон ёмон иш қилгудай бўлишса, ҳамма гаплари ёлғон, жосус бўлиб чиқадилар... Шу сабабли ўша ернинг ўзида чопиб ташлаш топширилди. Пистирмадаги йигитлар, албатта, чопиб ташлаймиз, деб ўйлашган эди. Лекин асир мўғуллар оқсоқолнинг айтганидан ҳам ўтқазиб хашак йиғиб, араваларга босиб олиб келишди. Атайин уларнинг қўлларига ўткир ўроқ ва арқон беришган эди. Келовчи оқсоқоли уларга яхши ҳам, ёмон ҳам сўз айтмади. Тунашларига жой кўрсатди.

Эртасига у Қурама тоғи этаклари билан Чорикдарронга уч арава бориши, ундан Оқбел томонга — бу ерда аравадаги озиқ-овқатни кемаларга солиб, Темур Малик истеҳкомига етказиш лозимлигини айтди.

— Розимиз, — дейишди асирлар.

Келовчи оқсоқоли уларга таваккал қилиб, уч ҳамқишлоғини қўшиб юборди. Анча ергача ўзи отда кузатиб борди. Йигитлари мабодо ёв бош кўтарса, ўша ерда чопиб ташлашга кучлари етишини оқсоқолга айтишди. Икки кун деганда улар араваларни Оқбелда қолдириб, кемаларда сув оқими томон сузиб, озиқ-овқатларни Темур Маликка

¹ Чоно — бўри. ² Цэргэ — қўшин. ³ Зандалч — жаллод. ⁴ Могой — захарли илон. ⁵ Улуфа — аскарга маош ва хашак пули. ⁶ Раят — солиқ тўловчи авом халқ. ⁷ Харвор — бир ешак юк

топширишди. Хизмат қилиб юрган мўғулларга кўзи тушган Темур Малик ҳайрон бўлди. У нўёнларга алоқадор баъзи нарсаларни ҳам сўраб олди. Лекин келовчилик йигитларга эҳтиёт бўлишликни, уларнинг қўлига қурол бермасликни тайинлади. Дарёнинг оқимиغا қарши кемада сузиш амри маҳол бўлганлиги сабабли улар тунда ўнг қирғоққа чиқиб, тошлоқ, жарликлар билан Оқбел томонга юришди. Иттифоқо Унчи қишлоғи рўпарасида улар икки сарбозга рўпара келишди. Асар ўз тилида уларга мурожаат этиб бир нималар деди, Келовчи йигитларининг юрагига ваҳима тушди. Сарбозлар жаҳл билан қилич суғуриб, асирнинг бошига урмоқчи бўлаётган эди, иккинчи асир сарбоз қўлидан ушлаб, қорнига муштлади. Шу ерда тўполон жанг бошланиб кетди. Келовчилик йигитлар қиличларини қинидан суғуриб, мўғул сарбозлари гарданига уришди. Биринчи асир ерга йиқилган сарбоз қиличини олиб, бошқалари билан қиличбозлик қила кетди. Бир муддатлик тўқнашувдан сўнг икки сарбозни чопиб ташлаб, қуролларини олиб, Оқбел томон югуришди. Йўлда келовчилик йигитлар ўлжа олинган икки қилични асирлар қўлидан олишди. Улар ҳам бу ишга рози бўлиб, икки қилични келовчилик йигитларга беришди.

Бу муҳим ишни уддасидан чиқиб, бажариб келган кишиларга қишлоқ оқсоқоли миннатдорчилик билдириб, асирларни ўлимдан сақлаб қолди. Аммо бу билан уларга тамоман ишониб, қўлларига қурол берилмади.

Келовчи оқсоқоли асирларни обдон ишлатди: бир ҳафтадан сўнг улар яна оролга озиқ-овқат ташлаб келишди. Асирларнинг Чингизхондан тамоман юз ўгирганларига, бу ерлик халққа шикаст етказиш хаёлларида ҳам йўқлигига ишонган Келовчи оқсоқоли асирларга озиқ-овқат бериб, Чордара томон йўлга солиб юборди. Улар ўз юртларига, бола-чақалари олдига жўнаб кетдилар.

Қирқинчи боб -

Бир умр унут бўлмас жиноят

Ўша кун Шохмурод Кўхистоний тунда оёқ-қўлини боғлаб олиб келган асир Сўқту нўён асосан шаҳарда туришини, тоғ этагидаги қатор ўтовларда унинг юзбоши ва бошқа мансабдорлари бўлишини маълум қилди. Шу сабабли Темур Малик ёв ичига гулгула солишликни икки томонлама ва тинимсиз олиб боришни лозим топди. Муҳаммад Интизомга зудлик билан Ахсикат ва Ўш ҳокимлари ҳузурига боришни, ёзиб тайёрланган номани беришликни, улардан дарҳол минг тилла олиб, бу ақчани ўз одамларига бўлиб бериб, душман ичида путур етказибериш лозимлигини топширди. Нўённи қўлга олиш-олмасликдан қатъи назар, чангалига туширган хоинларни ўша ерда ўлдирабериш лозимлигини ҳам айтди. «Биз энди пайт пойлаб туролмаймиз, мўғуллар ниҳоятда кўп ваҳшийликлар қилмоқдалар. Ё Ватан, ё ўлим!» деди.

* * *

Уч яшар ўғлидан тўсатдан жудо бўлиб, унинг ўлик ё тиригини ҳамон билолмаётган Ойчечак ортиқ бардош қилолмай, дод солди. Сўқту нўён Темур Маликнинг боласи тирик эканини ногоҳ билиб қолиб, уни излашга ўзининг хуфияларини жалб этди.

Мўғул айғоқчилари туну кун болани қидиришди. Улар бу ишга ниҳоятда катта аҳамият бердилар.

Аҳмад ибн Мораз орқали маҳаллий халқдан йигирма чоғлик кишини маҳаллама-маҳалла, уйма-уй киритиб, болани излашди. Бу иш натижа беравермагач, қалъага илгари алоқадор бўлган, Ғулом билан ошначилик қилган икки кишини қийноққа солиб, илгариги қозихона ҳовлисидаги дарахтга боғлаб қўйишди. Аҳмад ибн Моразнинг ишораси билан Дамба деган барзанги жаллод уларни тоза қамчиледи. Улар ҳушдан кетиб ерга йиқилишди. Аммо ҳеч нарса айтишмади.

Бола қидирилаётганини сезган Муҳаммад Интизомнинг айғоқчиларидан бири, дўкондор Турди — пайтавачи шу куниёқ бу хабарни сардорга етказган эди. Кечга яқин «мункиллаган чол» қиёфасида Муҳаммад Интизом ва унинг одамларидан яна бир нечаси Турди-пайтавачи дўконида йиғилишди. Шу қулай фурсатдан фойдаланиб, Сўқтунни қўлга тушириш йўллари излашди. Улардан бири ўрнидан турди.

— Ул Ойчечакка нома ёзиб, «Бола бизнинг қўлимизда. Агар сен Тапқоқ маҳаллага келиб, бизнинг кишимизга минг динор берсанг, болангни қўлингга бериб юборамиз. Ёлғиз ўзинг ёки биронта аёл билан чодрада келишинг мақбул! Мабодо душманларни бошлаб келсанг, алар бизнинг изимизга тушсалар, унда болангдан умид қилма. Биз уни бўғиб ўлдирамиз...» десак, — деди ўтирганларга кўз ташлаб.

Бу гап сардор Муҳаммад Интизомга жуда ёқди.

— Яхши режа! Жуда яхши ўйланган! Номани елимлаб, Аҳмад ибн Моразнинг Абдусамад деган отбоқарига берилсин. У кимсанинг саводи йўқ, ғирт саводсиз ва тўнка. Инчунун, бу жуда махфий ва муҳим қоғоз, уни тезда элтиб хўжангга топшир дейилсин. Тухфа олурсан, деб у галварсни қизиқтириб қўймоқлик зарур!

— Маъқул!

— Аҳмад ибн Мораз бу хатни дарҳол Ойчечакка етказди.

— Унга номада писанда қилиб, кўрсатмоқ керакки, ёзилган хатдан босқинчилар огоҳ бўлса, бошинг кетади, деб тайинлаш лозим. Бизлар пулга муҳтож қароқчилармиз демаклик шарт!

— Ойчечак келармикан?

— Келади! Ғуломга хабар қилиб, болани бир-икки кунга, менимча, Рабод ёки Намозгоҳ маҳалдаларига олиб келиш керак. Боласини кўрсатамиз. Агар сен Сўқту нўёнга доруйи беҳуш берсанг, биз уни қалъадан олиб чиқиб кетсак, болангни ўзингга берамиз, жонинг омон қолади, деймиз. Бу шарт бузилса, ўзини ўлдирамиз! Болани яна Панжрудга қайтариб юборамиз!

— Маъқул! — дейишди ўтирганлар.

Хатни юпқа қоғозга Муҳаммад Интизомнинг ўзи ёзди.

«Ушбу хат билан етиб маълум бўлғайким, ўғлинг Метинбек биз, қароқчиларнинг қўлимизда. Бола керак бўлса, Тапқоқ маҳалласига келиб, катта ҳовуз ёқасидаги айланма кўчага кирасен. Шотут рўпарасидаги сағричи Қал-Маҳмуд деганнинг ҳовлисида кутамиз. Ўғлинг бунда бўлади. Мабодо мўғул ёки уларга сотилган бирон кимса бизни қўлга туширмоқчи бўлса, шу лаҳза ўзингни ҳам, болангни ҳам ўлдирамиз. Бизни ҳеч ким қўлга тушира олмайди! Ёнингда яна бир хотин киши бўлса, биз бунга монелик қилмаймиз. Жума куни пешин вақтида ўғлинг Метинбек бунда интизорлик билан сени кутиб туради. Минг динор ҳам олиб кел, бўлмаса болангни бермаймиз».

Айғоқчи йигитлар бу хатни буклаб, туморга ўхшатиб, Хўжандга «оқсоқол»лик қилиб, керилиб юрган Аҳмад ибн Моразнинг тўнка отбоқари Абдусамадга бериб, ҳозироқ хўжангга етказ, туҳфа оласан, дейишди. Шу билан айғоқчилар ғойиб бўлишди. Отбоқар хатни қўйнига солиб, бир нималик бўлиб қоламан, деди-да, шу лаҳза отга миниб, ўпкасини қўлтиқлаганча маҳмамага жўнади. Отбоқардан хатни олган оқсоқол Аҳмад ибн Мораз хурсанд бўлиб, унга бир тилла танга бериб, шу от билан қалъага жўнади. «Хурсандчилик, — деди у йўл-

йўлакай отбоқарига, — бола топилди! Қароқчилар олиб қочган экан. Минг динорни маликам учун ўзим ҳам берамен. Хайрият, бола топилди...» У терисига сиғмасди. Уч-тўрт ҳафтадан буён тинимсиз қидирилаётган боланинг дараги чиққани ҳатто нўён атрофидаги мансабдорларни ҳам хурсанд қилди. Аҳмад ибн Мораз от чоптириб келиб, қалъа дарбозасида отни мўғул навкарларига тутқазиб, ўзи ҳаллослаб югурганча қалъа ҳовлисига кирди. Баланд айвон зинасида рўпара келган қоровул ичкарига кириб, Бинафша бекани бошлаб чиқди. У оқсоқолдан бола топилганини эшитиб, хурсанд бўлганидан йиғлаб юборди. Тумор қилинган хатни олиб, очиб ўтирмай, Ойчечакка олиб кирди. Бир парча юпка қоғоз қўлида, кўзида ёш, югуриб айвонга чиққан Ойчечак дарҳол иккинчи бармоғидаги олмос кўзли узугини куч билан сидириб олиб, оқсоқолга узатди. Қулоғидаги сирғасини Бинафша бекага узатди.

— Олинг, олинглар! Сўйинчи. Метиннинг сўйинчиси бу!

— Йўк, маликам, узук қўлингизда турсин, — деди оқсоқол. — Минг динорни ўзим берамен! Уғлингизнинг саломат экани, қароқчилар қўлида тутқун экани, ёруғ дунёда тирик юргани мени бағоят хурсанд этди. Узига минг қатла шукр. — Аҳмад ибн Мораз кўзига ёш олиб, йиғлаб, энги билан артди. — Баъзи ярамас одамлар шундай вақтдан фойдаланиб қоладилар. Минг динор кетса кетар, малика! Мана олиб келдим, — у тўла халтачани Бинафша бекага узатди. Оқсоқолнинг садоқатидан хурсанд бўлган Ойчечак билан Бинафша бека айвон ёқасида илжайиб турардилар. Кеча шу Ойчечак Бинафшанинг юзларига чанг солган эди.

— Нўён жанобларига мен бунни айтамен.

— Албатта, айтинг, — деди оқсоқол, — у киши хурсанд бўладилар.

— Қароқчилар таъқиб этилмаслигини илтимос қиламен. Одам кўйманглар! Тагин боламини ўлдириб қўйишмасин!

— Хўп, — деди Аҳмад ибн Мораз.

— Боламини улар қўлидан эсон-омон қутқариб олсам, кейин уларни қириб ташлаш қийин эмас. Шунга нима дейсиз?

— Жуда тўғри! Аввал болани қутқариб олмоқ даркор. Бошқа иш кейин. Нўён жаноблари бунга рухсат берсалар керак?

— Ҳа.

Шу куни кечга яқин Ойчечак Сўқту нўён оёғига йиқилиб, атайи тилмочни чақиртириб, юрагидаги ҳамма гапни айтди. Нўён рухсат этгач, хурсанд бўлиб ўрнидан турди. Хўжанд халқ нўённинг «инсонпарвар» эканлигини кўриб, ҳамма ерда гапиришини, тобелар кўпайишини ўйлаган Сўқту одамларига «қароқчилар»ни таъқиб қилмаслик, уларга шикаст етказмаслик ҳақида буйруқ бериб, уларни анча наридан, ён маҳалладан кузатиб туришликни тайинлади. Ойчечакни олиб қочиб кетмасликлари учун шаҳар дарбозалари ёнида отлиқлар турсин, деб кўрсатма берди.

Жума куни пешин пайтида соябонли аравада Ойчечак билан Бинафша бека аввал Намозгоҳ, ундан Рабод маҳалласига кириб келиб, Тапқоқдаги катта ҳовуз бўйида аравадан тушишди. Турди-пайтавачи ҳовлиси томон юришди.

Ҳовли бўм-бўш. Икки чодрали аёл эшикдан мўралашлари билан орқадан келган жулдур чопон бир гадо: «Кираберинглар, бола ичкарида!» деди. Ҳовлида ўйнаб юрган Метинга кўзи тушган Ойчечак долондан югуриб бориб, боласини қучоқлади. Ҳовли ўртасида чўққайиб ўтириб, уни бағрига босганча хўнграб йиғлар, боласининг бошини силар, юз-кўзларидан ўпарди. Бинафша бека ҳам Метиннинг пешонасидан ўпиб, орқаларини силарди. Бола онасини жуда соғинган экан, она қучоғида гўё эриб кетди, ундан ҳеч ажралмади. Эшикдаги «гадо» дарбозани маҳкам ёпиб, кўчада қолди. Ҳовуз бўйлари, Тапқоқ маҳалла кўчалари, умуман Турди-пайтавачи ҳовлисига борадиган ҳамма йўлда Муҳаммад Интизом кишилари турли қиёфаларда,

белларида ўткир ханжар, шай туришарди. Она-болани анча қўйиб беришгач, бир муддатдан кейин пастқам, қоронғи уйдан икки киши чиқиб келди. Уларнинг бири — Темур Маликнинг хизматкори Ғулом, иккинчиси — бўйнига жанда осган, қора соқолли «дарвеш» эди. Улар Ойчечакка яқинлаша туриб, эшитилар-эшитилмас гаплашишди: «Илон бўлса ҳам она-да...»

— Ассалому алайкум, бека, саломатмисиз, бардаммисиз?

Ойчечак ялт этиб қараб, ўз хизматкори Ғуломни таниди. У чодра билан юзини беркитаётган эди, Ғулом яна деди:

— Бекам, мендан юзингизни бекитмасангиз ҳам бўлади. Тўнғиз Сўқту нўёндан қочмаган киши, мен отангиз тенги қари хизматкордан юз бекитасизми?

— Юрагимга алам берманг! Эрим Темур Маликни ўлдириб, мени зўрлик билан олди. Бундай кунни ҳеч кимнинг бошига солмасин! Ундан кўрасига менга бор ҳақиқатни гапиринг! Уғлим қаёқда эди?

— Мен олиб қочдим. Бўлмаса биринчи куниеқ мўғуллар уни бўғиб ўлдирарди.

— Нега менга бир оғиз айтмадинг?! Менга айтиш лозим эди. Сен мендан гуноҳингни сўрашинг керак.

— Вас! — деди «дарвеш» киёфасида турган Муҳаммад Интизом. — Вақт зиқ, бизлар бу хотин билан гаплашиб олишимиз лозим.

Ойчечакнинг ранги оқариб «дарвеш»га қаради. «Бу хотин» сўзи ҳам ботиб кетди. Уни таниди. У — сардор Муҳаммад Интизом эканини, Темур Малик билан кўп вақт айвонда ёлғиз гаплашишини хаёлидан ўтказди. Ойчечак бақрайиб қотиб қолди. «Дарвеш» масалани равшанлаштирди.

— Мени танидингиз. Ҳа, мен ўша сардор Муҳаммад Интизоммен!

Бу гапни эшитган Ойчечак билан Бинафша бека ўтирган ерларида бақадек қотиб қолишди. Ҳали Хўжанд қўлга ўтмаган, ҳали Темур Малик тирик, салтанати барқарор эканини фаҳмлашди. Чунки бу одам панжасидан Хўжанд душманларининг биронтаси омон чиққан эмас. Икки хотиннинг юрагига ваҳима тушиб, жонларидан умид уздилар. Муҳаммад Интизомнинг қаҳри қаттиқлигини Темур Маликдан кўп эшитган эди.

— Саркарданинг содиқ қўли Ғуломга миннатдорчилик билдиринг, у ҳокимнинг зурёдини душмандан қутқариб қолди. Бўлмаса аллақачон болангизни бўғиб ўлдирган бўларди. Сизни бу ерга қақаришдан мақсад минг динор олиш эмас! Бизлар қароқчи эмасмиз. Сизларни ўлдиришни ҳам бизга кераги йўқ! Менинг гапимга қулоқ беринг! Хатни ҳам сизга мен ёзганмен. Агар сиз бизнинг айтганимизни қилсангиз, гуноҳингиз енгиллашади. Болангизни ҳам оласиз.

— Айтинг, муҳтарам зот, — деди йиғлаб Ойчечак. — Ҳамма айтганларингизни қиламен. Фақат боламни беринг, бизни ўлдирманг.

— Бир тош йўлнинг ҳаммасида ҳозир бизнинг кишиларимиз пойлаб турибди. Сиз орқангиздан мўғулларни бошлаб ёки айтиб келмаганингиз билинди. Агар бундай қилганингизда яхши бўлмасди. Шу сабабли сиз билан бемалол гаплашамиз...

— Айтинг, муҳтарам зот. Динордан ташқари қўлимдаги, қулогимдаги ҳамма қимматбаҳо олмослар сизники!

— Яна айтамен, бизлар қароқчи эмасмиз! Шу юртнинг эгалари, шу тупроқнинг ҳимоячиларимиз! Биз босқинчиларни юртимиздан ҳайдаб чиқариб, тупроғимизни озод этамиз! Бизга фақат шу керак! Дарё ичидаги оролда жанг қилаётган саркарда Темур Маликка ҳам шу керак!

Ойчечак Темур Малик номи тилга олиниши билан бош эгиб, ерга қаради. Бинафша бека Муҳаммад Интизомдан кўз узмасди.

— Мана бу доруйи беҳуш, — деди Муҳаммад Интизом, тугилган рўмолчани узатиб, — бугун тунда хоҳланг май, хоҳланг сут, хоҳланг сувга қўшиб, Сўқту нўёнга ичирасиз. У қаттиқ ухлаб қолади. Ярим тунда бизнинг одамлар ёнингизга кириб, уни олиб чиқиб кетади.

Вассалом! Бошқа ишларга ҳеч эътибор қилманг, ёнингизга одамлар кирса кўрқиб, дод солманг! У ёғи бизнинг ишимиз! Шунга розимисиз? Шунга рози бўлсангиз, болангизни берамиз, рози бўлмасангиз, иложимиз йўқ, сизнинг ва бу хотиннинг ҳам баҳрингиздан ўтамиз.

— Хўп, айтганингиздек қиламен. Боламини олиб кетаманми?

— Болани ишни битиргандан кейин оласен!

— Не кунларга қолдик, болам, жоним болам!

— Бунда келишингдан, хатдан нўённинг хабари борми?

— Ҳа. Мен унга болам тирик экани, уни «қароқчилар»дан ажратиб олишимда халақит бермаслигини сўрадим.

— Тўғри қилибсен. Мана, боланг тирик. Аммо «қароқчилар» икки-уч минг динор сўрамоқда. Бунча пулни топиш учун яна икки кун муҳлат олдим, деб айт!

— Хўп, жаноб!

— Сен, Бинафша бека, иккинчи бор қўлимга тушдинг! Илгари ҳокимга хиёнат қилиб, Гурганжга жосуслик хати юбораётганингда қўлга тушган эдинг. Саркарда гуноҳингдан ўтган. Мамлакатга хиёнат қилгансен. Яна шу ишни қиляпсен! Аммо бизга ҳозир сенинг ўлимингдан кўра Сўқтунни тутиб олиш муҳим! Бекага ёрдам берсанг, гуноҳинг кечирилади. Агар бу сафар ҳам озгина ишни бузсанг, ўзинг эмас, Гурганждаги қариндошларинг билан бирга тухуминг ҳам қурийд! Танингда озгина одамгарчилик бўлса, бу ишнинг бажарилишида кўмак бер! Энди келган йўлингга қайтиб кет! Болани индинга оласен. Тунда учрашамиз!

Ойчечак билан Бинафша бека йиғлаб, қўрқа-писа ташқарига чиқиб кетишди. Шундан сўнг, болани кўтариб олган Ғулом отда чиқиб кетди. Муҳаммад Интизом ва унинг кишилари ҳам Турди-пайтавачининг кўчиб кетган чолдевор ҳовлисидан чиқиб, шаҳарнинг ҳамма томонига тарқаб кетишди. «Қароқчилар талаётгани...» ҳақида Сўқту нўён маълумот олди-ю, аммо Темур Малик қўшинининг бир қисми шаҳарда яширин жанг олиб бораётганини пайқамади.

Ойчечак икки ўт ўртасида қолди. У нима қилишини билмай, соябонли арава ичида Бинафша бекани туртди.

— Энди нима бўлади?

— Қўрғонларимиз қуламасин, дунёда тирик, айшу ишрат суриб юрайлик, десанг болангдан кечасен! Бошқа иложи йўқ! Улар болангни ўлдиришмайди, шунча вақт асрашибди, шунинг ўзи белги. Бир куни қутқариб оламиз. Аммо нўёнга ёмонликни кўзласанг, эртагаёқ у бизнинг ҳаммамизни судраб олиб чиқиб чопиб ташлайди!

— «Гуноҳингдан ўтамиз», демоқда-ку?

— Утмайди!

— Темур Малик тирик экан...

— Елғон! Бўлар иш бўлди!

— Эҳтимол, рост айтадур! Гапига қулоқ солсак бўлмайдимиз?

— Булар бари сафсата! Хоразмшоҳ салтанати тамом бўлди. Энди тахту тож Чингизхон қўлига ўтди! Бўйсунмаслик ўз жонимизга қасд қилмоқ билан тенгдур.

Соябон арава узоқдан кўриниши билан мўғул дарбозабонлари қалъа дарбозаларини ланг очиб, аравани ичкарига киритиб юборишди. Ойчечак билан Бинафша бека олдинма-кетин зинапоялардан кўтарилиб, қадимги «Дорус салтана» деб аталган ҳоким айвонига чиқишди. Ундан сўнг, боши лўқ-лўқ оғриётган Ойчечак ўз хонасига кириб кетди. Бинафша бека ҳам ўз хонасига кириб, бир муддат кўрпачага чўкди. Кейин Бинафша бека нўённинг бор-йўқлигини билиш мақсадида яна Ойчечак хонасига кирди.

— Ҳоким йўқми?

— Йўқ, — деди энсаси қотиб Ойчечак, — у ҳўппаз нега «ҳоким» бўлар экан?

— Тилингга эҳтиёт бўл! Нима қарорга келдинг?

— Ўзим биламен. Сен менинг ишларимга аралашма! Мен кичкина

бола эмасмен! — «Бола» сўзи беихтиёр оғзидан чиқиб кетган Ойчечакнинг кўз олдига бирдан ўгли Метинбек келди. — Сен бир марта менинг ишимга аралашиб, мана, нима иш қилиб қўйдим! Бундан кўра Кўҳистонийнинг хотини, икки қизидек ўзимни қалъа деворидан ташлаб ўлганим яхши эди. Бунча азоблардан қутулардим...

— Сенга яна такрор айтамен, нима қарорга келдинг?! Узингни ҳам ташвишга қўйма! Уйлаб иш тут!

Ойчечак индамади.

— Сўзимга кирасанми, йўқми?!

— Йўқол!!! — Ойчечак бор овози билан бақирди.

Ранги ўчиб, қони қочган Бинафша бошидаги шол рўмоли, кенг ва узун кўйлаги ёйилиб, катта ўргимчакка ўхшаб, ҳокимнинг бир неча ўймакор ганчин хоналаридан ўтиб, ўз хонасига кирди. Хона ичида айлана бошлади.

Кеч кириб, Хўжанд устига оқшом чўкди. Қий-чув, тўполонлар тугаган, отларнинг дукир-дукир югуриши, шарақа-шуруқ қиличбозликлар тўхтаган. Ҳаммаёқ жим, лекин душман босиб олгандан буён шаҳарда доимо бир қўрқув, қандайдир хавф куз шамолидек кўчамакўча изғирди. Шаҳар чети, овлоқ маҳаллалардаги йўғон овозли кўппакларнинг салмоқли вовуллаши ҳам йўқ, негадир шер бўлиб, виқор билан ўша вовуллайдиганларнинг ҳам овози ўчган.

7
Ечиниш хаёлига келмай хонада чўққайиб ўтирган Бинафша бека айвонда оёқ эшитилиши билан югуриб чиқди. У, Сўқту нўён келаётир деб ўйлаган эди. Йўқ, қоровуллик қилувчи Дамба деган барзанги мўғул экан. Унга ишшайиб хушомад қилди. У, мўғулларнинг мансабдорроқ оиласидан бўлса керак, чарм шим кийиб, нўён ёнига кўп кириб-чиқарди. Бинафша бека уни тўхтатиб, ўз хонасига бошлади. Дамба туркий тилни тушунар, эркинроқ гаплашарди. Бир зарур гап борлигини фаҳмлаган Дамба оёқ учиди юриб, Бинафша бека хонасига кирди. Бека кулогига шивирлаб, уни огоҳлантирди.

— Ҳовлида нўён жанобларининг келишларини пойлаб тур. У киши келишлари билан айтгинки, уйда ҳеч нарса ичмасинлар, емасинлар! Ойчечак нўённи тутиб бермоқчи...

— Кимга?!

— Ҳой, секин гапир! Кимга бўларди, нодон! Темур Маликка-да...

Дамба бир муддат каловланиб туриб, кейин шошилинич бир чеккага бориб, нўённи кутиб ўтирди. Бинафша беканинг ўзи ҳам ухламай, ҳақ деб ўтириб чиқди.

Ярим тунда Сўқту нўён бир неча отликлар билан қалъа ҳовлисига кириб, айвон зинапоялари ёнида отдан тушган эди, ҳовли бурчагида уни кутиб ўтирган Дамба тўрт отлик ёнига келиб, кутилмаганда нўённи тўхтатди. Уни отдан туширишга ҳаракат қилди. Бу ишни бажаришни кўзлаган мингбоши ва бошқа мансабдорларнинг гаши келди. «Бир қоровул йигит нўён қўлтиғидан олмоқда...»

— Сизда зурур, махфий гапим бор, — деди отдан тушаётган нўёнга Дамба ярим овозда. Нўён айвон пастиди ёқиб қўйилган аланга шуъласида унга қаради. Кузатган шериклари кетгач, у яна Дамбага қаради. Дамба Бинафша бека сўзини нўёнга батафсил айтди. Нўён ўйланиб қолди. У, бугун Ойчечак ўглини олиб келади, деган хаёлда эди. Ичкарида душмани турганини фаҳмлаб, Дамбага қисқагина деди:

— Шу айвонда шеригинг билан шай турасан! — деб нўён ҳеч нарсага қарамай ичкарига кириб кетди. Устки кийимларини ечди. Негадир белидаги энлик камарини ечмади. У Ойчечакнинг кўзларига тикилди, Ойчечак бидирлаб «қароқчи»лар ярамас одамлар экани, яна пул сўрашаётганини, ўглини кўрганини айтди. Ойчечакнинг ҳамма гапларига диққат билан қулоқ солган Сўқту нўён хона четидаги курсига ўтирди. Кўп йўл юрганлигини, жуда чарчаганлигини айтди. Ундан кейин ташна бўлаётганини маълум қилди.

— Май ичасизми, сув ичасизми?

— Сув.

Ойчечак курси четидаги сув тўла косани олиб, нўёнга узатди.

— Аввал ўзинг ич.

— Мен ташна бўлаётганим йўқ, — деди Ойчечак ранги ўчиб, нўён унинг юзига тикилиб, ранги ўзгараётганини сездди. У дарҳол ўрнидан туриб, Ойчечак қўлидан косани олди.

— Озгина ич, кейин мен ичаман, — деди кулимсираб, маккорона тикилиб Сўқту, — биз, қимизни бир косадан ичамиз. Аввал ҳурматли одам ичади. Қани, ҳўпла!

— Бу қимиз эмас-ку! Майли ичамен, — деди Ойчечак косадаги сувдан уч-тўрт ҳўплаб.

Сўқту нўён косани унинг қўлидан олиб, курсига қўйди. Ойчечакка ўрнингга бориб ёт, ишорасини қилиб, ўзи нариги хонага чиқиб кетди. Бир муддатдан сўнг у яна хонага қайтиб кирганида Ойчечак тўшакда қотиб ухлаб ётарди. Кўкрагига қўл босиб, юраги уриб турганини сездди. Демак, бу заҳар эмас, қаттиқ ухлатадиган дори... У қайтиб айвонга чиқди-да, Дамбага косани бериб, қолган сувни яна бирон кимсага ичириб, синаб кўр, деди. Шу пайт айвонда Бинафша бека пайдо бўлиб нўён йўлини тўсди.

— Бундан мақсади нима экан? — Сўқту нўён аланга шуъласида Бинафша бекадан сўради.

— Сени ўғирлаб кетиш...

Шу лаҳза қоронғуликда қаердандир бирдан пайдо бўлган тўрт киши югуриб келиб, қилич билан Дамба ва шеригини уриб йиқитди. Бир йигит Сўқту нўёнга ташланди, нўён белидаги ханжарини суғуриб олиб, номаълум йигит биқинига тикди. Яна бир йигит Бинафша бекани ерга босиб, «сен хоин ҳамма ишни буздинг», деб бир зарб билан тинчитди. Ичкарига қочиб кириб кетаётган Сўқту нўён орқасидан отилган ханжар унинг кифтига қадалди...

Шу тўполон устига ёпирилиб келаётган дарбоза қоровулларини кўрган номаълум кишилардан уч киши яна қаёққадир ғойиб бўлди. Улар қалъа деворлари остидаги учинчи яширин йўлдан дарёга чиқиб кетган эдилар.

Муҳаммад Интизом кишиларидан бири ҳалок бўлди.

Эрта билан қалъа ҳовлисига сарбозлар тўпланишди. Орқа кифтидан ярадор бўлган Сўқту нўён ҳам оғриқ ва иситма ичида қизариб, ҳовли четидаги курсига ўтирди. Хўжанд шахри аҳолисидан мингга яқин хотин-халаж, қари-қартанглар, болалар қалъанинг дарё томони деворлари атрофига тўпланган эди. Тўшакда ётиб, азонда ҳушига келган Ойчечакни соқчилардан иккитаси устидаги кийимларини ечиб, қип-яланғоч қилишди. Унинг «гапим бор...» деб оҳ-воҳ қилганига ҳам қарамай, ерга йиқитишди. Кейин сочидан судраб, айвонга, айвондан бақиртириб, қалъа ҳовлисига олиб тушишди. У ерда ётаркан, нўёнга тикилди. Сўқту нўённинг «олиб боринглар» ишорасидан кейин, соқчилар сочидан тортиб, қалъа девори тагига судрашди. Нарвондан кўрғон тепасига олиб чиқиб, жимирлаб оқаётган дарёга, дарё оқими пастидеги оролга рўпара қилиб, пастга тепиб юборишди.

Қирқ биринчи боб

Сайхун ҳам бир буюк йўлбарс мисол босқинчиларга човут соларди...

Дам тунда, дам кундузи дарёнинг ўнг қирғоғи — Қурама тоғи этакларидаги мўғулларга ҳужум қилиб, талафот етказаётган Темур Малик душманни яна чалғитди; уч катта кемага тушган юзга яқин хўжандликлар саркарда раҳнамолигида ярим кечада чап томондан

сузиб ўтиб, тўғридан-тўғри қалъага ҳужум бошлашди. Уларнинг мақсади посбонларни ўлдириб, қалъани эгаллаш, шу йўл билан ярадор ётган Сўқту нўённи ҳам қўлга олиш эди.

Шоҳмурод Кўҳистоний ўн олти манжанақдан ўнг томонга — тоғ этагига тўхтовсиз оловли тош отиб, атайи душманни чалғитиб турди. Белларига ханжар тақиб, қилич яланғочлаган хўжандликлар кутилмаганда қалъа дарвозалари олдида пайдо бўлиб, саросимада қолган посбонларни бир зумда тинчитиб, ичкарига киришди. Йўлларига тўғаноқ бўлган мансабдор босқинчиларни қулатиб, боргоҳга илгариларди. Саркарданинг ҳам вужудига ғайритабиий бир куч пайдо бўлиб, қўзлари ёниб, қоплондек ўкириб дуч келган ёғийга ҳамла қиларди. У бир зумдаёқ ўзининг хобхонасига бостириб кирди. Бир хонадан иккинчи хонага ўтиб, Сўқтуни қидирарди. Сўқту йўқ... Рўпара келиб қолган посбонларга қилич солиб, ерга ағдарарди. Қалъа дарбазасида қолдирган ўн йигитни ҳисобга олмаганда тўқсон хўжандлик сарбоз қалъа ичида обдон талатўп қилди.

Босқинчига нисбатан бешафақат бўлиш, ҳеч кимни аямаслик, нўённи тирик ушлаш кераклигини айтган Темур Малик, кўзлари ёнган, хонама-хона югурарди. Қалъа ичидаги ҳамма хоналарга бир-бир кириб чиқди. Сўқтунинг йўқлигини билгач, хобхонага ўт қўйиб юборишди. Айвонларга, ичкари хоналардаги гиламлар, ётоғу курси, тўшагу болишлар устига мой сепиб, алангани авж олдиришди. Шундан сўнг, вақтни ғанимат билиб, қалъадан чиқишди-да, соҳилда кутиб турган кемаларга тушиб, оролга сузиб кетишди. Темур Малик кемада ўтириб, қалъанинг мағриб томони, ўз хобхонаси ёнаётганини шундоқ кўриб турарди. Тун бўйи уни ўчирадиган кимса бўлмади. Дарёнинг ўнг томонидан — Қурама тоғи этақларига боргоҳ қурган душмanning асосий қўшини, мингларча асирлар қалъа ёнаётганини бемалол кўриб турардилар. Кенг далада, ўтови олдида чиққан Сўқту нўён билан Улоқ нўён ҳам қалъа ёнаётганини шундоқ кўриб туришарди. Қалъа ичида юз берган бир лаҳзалик тўполонда жароҳатланган Сўқту нўён қалъада қолишга юраги дов бермай, Улоқнинг ёнига келган эди.

— Малъунни ушлолмадик, — деди Темур Малик қирғоққа, дўсти ёнига келиб, қўлидан олган Шоҳмурод Кўҳистонийга, — у томонга кетганга ўхшайди. Шу сафар қўлга оламан деб ўйлаган эдим. Лекин ярамасларни тоза қирдик.

— Уни албатта қўлга туширамиз! Жазосиз қолмайди! — деди Кўҳистоний.

Қирғин қилиб келган йигитлар истеҳкомда ўзларини тартибга солишарди. Темур Малик билан Шоҳмурод Кўҳистоний аланга олиб ёнаётган қалъадан кўз узмасди. Улар ёнига келган Шаҳобиддин Хивақий, Хўжа Идрис Кубаро ва бошқалар ҳам қалъага тикилиб қолишди.

* * *

Босқинчиларга Хўжандда тинчлик бўлмади. Хўжанд дашту биёбон оша йўлида дуч келган нарсани домига тортиб, ютиб келаётган Чингизхоннинг томоғига тиқилган суяк бўлди.

Гарчи бу шаҳарни икки нўён қамал қилган бўлса ҳам, шу вақтда Бухорони, кейин орқага қайтиб Самарқандни босиб олган Чингизхоннинг кўзи Хўжанддан узилмади. Хўжанд қалъасида эски кишилардан ҳеч ким қолмади. Мансабдорларнинг оиласи батамом ҳалок бўлди ва қириб ташланди. Хоинлик қилганларни Темур Маликнинг ўзи маҳв этди. Авом оролда саркарданинг тириклигини билгач, қўлидан келганча босқинчига шикаст етказиб, унинг қарор топишига имкон бермасди. Шу сабабли, мана, тўрт ойдан бери Сўқту нўён нотинч, Чингизхонга бориб қўшилишига юзи йўқ. Орқа кифтидан ханжар еб, ярадор бўлиб ётиши аввалига мўғулларни дарғазаб қилди, кейинчалик Самарқанддан, Чингизхон ёнидан келган уч мансабдор «арқонни узун

ташлаш» лозимлигини унга маслаҳат беришди. Хўжандни ҳам Ўтрордек теп-текис қилиш мумкин, аммо бу қалъа келажакда Ахсикат, Ўш ва Ўзган томон юришда муҳим аммо таянч эканини эътиборга олиб, ҳар қандай ҳийла ишлатиб бўлса ҳам Темур Маликни тутиш ёки ўлдиришга қарор беришди.

«Қора ирвас» хужуми авжига чиқиб, талафот борган сари кўпаяберган кунларнинг бирида чингизийлар макр ўйлаб, Муҳаммад Хоразмшоҳдан айниб, уни лаънатлаб юрган кекса Абдулқодир мунший аш-Шошийни олиб келишди. Кекса муншийни ўртада воситачи қилиб, Темур Малик рози бўлса, уни ҳеч шубҳасиз, яна Хўжандга ҳоким этиб тайинлашга рози эканликларини айттирмақчи бўлдилар. Улар Темур Маликнинг Хоразмшоҳ билан муносабати кўнгилдагидек бўлмагани, Жалолоддин, Шаҳобиддин Хивақийлар бир тараф эканини, вазири аъзам Низом ал Мулк ўлдирилганини, Гурганжда энг катта ҳукмдор — Туркон хотун эканини, фақат саркардалар орасида эмас, Муҳаммад Хоразмшоҳ фарзандлари ичида ҳам тарафкашлик авж олганини, бир-бирларини ғажишга тайёр эканликларини, шохнинг хотинлари мамлакат хазинасини бўлишиб олганларини Маҳмуд Ялавоч ва бошқа жосурлари орқали билиб олишган эди. Бу маълумотлар уларда «Темур Маликни Муҳаммад Хоразмшоҳ эътиборидан қолган саркарда» деган фикр туғдирган эди. Шу сабабли унга мўғул ҳокимиятига бўйсуниб, унга хизмат қилишни таклиф этиш йўлини излашди.

Темур Малик ўзининг саккиз юзга яқин содиқ кишилари билан, мана, беш ойдирки, Сайхун ичидаги оролда, истеҳкомда туриб, мўғул босқинчилари билан бетиним жанг олиб борарди.

Кеч кириши билан ўн олти манжанақдан ёнартош отишар, дарё тепасидан шиғиллаб келаятган оташни кўрган отлар ҳуркиб қочарди. Мўғуллар дарё ёқасига келишдан анча чўчишарди, буталар орасида яшириниб ётган қасоскорлар ёввойи мушукдек сапчиб ёпишиб, ё ханжар, ё қилич уриб, ўлдириб кетишарди...

Орадан икки ҳафтача вақт ўтгач, эрта тонгдан ўнг қирғоқда чумолидек ўрмалаб тоғдан харсангтош ташиб, дарёга ташлаётган асирлар ҳаракати тўхтади. Оролдан одатдагидек ҳар куни кузатиб турадиган хўжандликлар бунга ҳайрон бўлишди. Яланғоч ва оч кишилари қилич тутган мўғул сарбозлари қуршовида ҳар ер, ҳар ерда тўпаниб ўтиришарди. Бу ҳолни тезда Темур Маликка хабар қилишди. Асирларнинг харсангтош ташимай, тўда-тўда бўлиб ўтиргани Кўҳистонийни ҳам, Темур Маликни ҳам, Хўжа Идрис Кубаро билан Хивақийни ҳам ўйлатиб қўйди. Лекин шу пайт душман томондан сузиб келаятган бир кичик қайиққа кўзлари тушиб, яна ҳайратлари ошди. Қайиқда уч киши бўлиб, икки одам эшкак эшар, ўртада бир кекса одам ўтирарди. Темур Малик, Шаҳобиддин Хивақий, Кўҳистоний, Хўжа Идрислар сув ёқасига бориб, яқинлашиб келаятган кемага кўз ташлашди. Эғнида янги либос, бошида оқ дастор, ўртада ўтирган кекса одам Абдулқодир мунший эканини танидилар. Йигитлар кемани ушлашди. Мемур Малик қарияни қўлидан тутиб, эҳтиёткорлик билан оролга ўтказди. Мунший оролга ўтибоқ саркарда билан қучоқлашиб, омонлашди.

— Не кунларга қолдик, азиз саркарда... — деди чол, кўзига ёш олиб.

Муншийни олиб келган қурол-яроғсиз икки мўғул кема ичида қолди. «Элчига ўлим йўқ» — йигитлар қовоқ солиб, улар тепасида туришди. Муншийни қирғоқда кутиб олган хўжандликлар истеҳком томон, ўз боргоҳлари томон бошлаб олиб боришди.

— Азизлар, улар мени Шошдан олиб келиб, сизларга мажбуран элчи қилиб юборишди, — деди чол ҳарсиллаб, — мен қандай қилиб ўртага тушамен? Бошим қотиб қолди. Менинг Гурганждан кетиб қолганим, сиз муҳтарам саркардага маълум. Иккиламчи, сизга нисбатан меҳру муҳаббатим ғойибона баланд эканини ҳам мўғуллар билибди. Мана бу устимдаги заррин либос, найза, Шош шаҳримда

менга ер-сув берилиши хусусидаги ҳужжатлар, бари сиз билан гаплашмоғим, ўртага тушмоғим учун...

Мунший гап орасида Темур Маликка Шош аҳволи, мўғуллар босқини ҳақида гапириб берди. Улар ичкарига киришгач, фотиҳадан кейин дастурхон ёзилиб, таом келтирилди. Юқорида мунший, унинг ёнида Темур Малик, Хўжа Идрис, Шаҳобиддин Хивақий, Шоҳмурод Кўҳистоний, Муҳаммад Интизом, Қанғли Арслон, сардор Олабуқа ва бошқалар ўтиришарди. Пойгакда Иброҳим Дўлдай тик турарди. Абдулқодир мунший ҳамма гапни лўнда қилиб ўртага ташлади. Сўқту нўён билан яраштириб, саркардани яна Хўжандга ҳоким қилиб қолдиришажаги ҳақидаги ишга бир воситачи эканини маълум қилди. Чол ҳамма гапни айтиб бўлгач, ўртага узоқ сукут тушди. Боши қуйи, ерга қараб ўтирган Темур Малик бир муддатдан кейин Абдулқодир муншийга боқди:

— Сиз ўзингиз қандай фикрдасиз?

— Мен? Мен бир муншиймен. Давлат ишлари билан ҳеч қачон алоқам бўлган эмас. Мен қари одаммен, гарчи кексалик — зукколик, деганлари билан бари бир менинг ақлим мамлакат ишларига етмайди. Бунинг устига, мен султоннинг номатлуб ишларидан норизо кимсамен. Вайрона шаҳримга қайтиб келиб, куйиб ётган одаммен. Лекин бари бир ватанимизга бостириб келган ёғийларни султондан баттар ёмон кўрамен! Агар вақтинчалик бир тадбир деб ҳисоблаб, мўғуллар билан сулҳга келсангиз... Мен буни бориб уларга айтамен...

Темур Малик кулди. Негадир бу лаҳза Хўжандда ўз қасрида барқарор ва масрур ўтирган вақтидагидай, қувнаб кулди.

— Муҳтарам зот! Сиз ҳар қалай бизнинг юрагимизни биласиз, чунки бизни яқин дўст деб билмаганингизда, Гурганждан юз ўгириб, алам билан кетаётганингизда Хўжандга тушмай, Нур ва Барчинликент орқали Шошга йўл солсангиз бўлаберар эди. Сиз, кўнгил тортиб, ўшанда Хўжандга келган эдингиз.

— Орий, рост.

— Бизлар, бу оролдаги етти юздан ортиқ киши ўзимизни ватан йўлида ўлимга тикиб қўйганлармиз. Биз, ана еримизни босқинчиларга берадиган номардлар эмасмиз! Улар билан ҳеч қандай сулҳ бўлиши мумкин эмас! Биз уларни бу заминда битта қўймай қириб ташлаймиз! «Ё Ватан, ё ўлим!» деган сўзимиз бор. Босқинчига қарши жанг қилаберамиз. Бошқа йўл йўқ! Ватанни босқинчилар оёқ остида кўриб, таҳқирлангандан кўра, жанг қилиб ўлган афзал!

Оғзи очилиб, Темур Маликнинг ҳаяжон билан айтаётган гапларини тинглаётган Абдулқодир мунший уйқудан уйғонган кишидек кўзларини уқалаб, ўзига келгандек бўлди. Темур Малик рўпарасидаги Шоҳмурод Кўҳистонийга қаради.

— Сиз нима дейсиз, сардор?

— Сиз саркарданинг ҳамма сўзларингиз — менинг ҳам сўзим! Сизнинг қарорингиз — менинг қарорим! — деди Кўҳистоний. — Бу ердаги ҳамма ватандошларингизнинг ҳам фикри шу! Бизнинг босқинчи билан сулҳ тузишимиз ақл бовар қилмайдиган ҳол. Бундай иш ҳар қандай шароитда ҳам бўлиши мумкин эмас. Душман билан сулҳ — хоинликнинг ўзгинасидир. Саркарда тўғри айтадилар. Бир томчи қонимиз қолгунча жанг қилаберамиз!

— Мен тушундим, — деди мунший, — мен уларга сулҳ ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, Хўжанддан чиқиб кетишингизни талаб қиламиз, деб айтадурмен. Шундан кейингина гаплашмоқ музокара этмоқ хусусида сўз бўлмоғи мумкин. Саркарда, мен сиз ҳазратни ўз тупроғини муқаддас биладурғон одам, деб билурмен. Юрагингизда юрт муҳаббати барқарор экан, юртимиз завол кўрмайди. Сизни ўз паноҳида асрасин. Хўжандлик ҳамма қадрдонларим, сиз жанобларни ҳам ўз паноҳида асрасин. Тезроқ юртимиз озод бўлсин. Энди мен кетай, — мунший ўрнидан қўзғала бошлади.

— Биз бу гапни қайикда ўтирганларга айтиб, жўнатармиз, ҳазрат,

сиз бунда қолинг. Мўғуллар бундай жавобни олиб борганингиз учун сизга ёмон кўз билан қарайдилар. Шикаст етказишлари мумкин.

— Мен, саркарда, ёшимни яшаган, ошимни ошаган кимсамен. Мен улардан қўрқмаймен. Элчига ўлим йўқ. Мен бориб уларнинг нўёнига бор гапни айтадурмен.

— Мунший ҳазратлари, жавобни хат билан айтамыз. Бунда қолинг, — деди Шаҳобиддин Хивақий, — ўзимиз бошқа йўл билан Шошга элтамыз.

— Йўқ, муҳтарам саркарда, бормоғлиқ лозим.

Муншийни яна эъзоз билан қайиққа туширишиб, қўллари кўксига, кузатиб қолишди. Икки мўғул эшакларни шалолатиб, ўнг қирғоққа сузиб кетишди.

Абдулқодир мунший икки томонни келиштиролмагач, ўз ўлими муқарар эканини фаҳмлади. Темур Маликни бундай йўлга бошлаш мумкин эмас эди. Мумкин бўлмагани уни гоётда хушнуд этди. У саркарданинг метиндек мустаҳкам инсон эканига имони комил бўлди. Худди шундай бўлади деб ўйлаган эди ҳам.

Маҳаллий уламо ва фузалоларнинг қирғиндан омон, ўлмай-нетмай қолганларини топиб китоб танлашга, фуқародан тортиб олинган китобларни ажратиб, уларни эли томон йўллашда фойдаланмоқчи бўлдилар. Хўжанддан Шошга жўнатишга Абдулқодир мунший даставвал Сўқту нўён хаёлига келди. «Темур Маликни кўндира олмадим, энди ундан китоб танлашда фойдаланамиз» деган гапни дилидан ўтказди у.

Сайхундан кемада ўтиб, кечга яқин яйдоқликда таом еб, ҳордик олишди. Атрофдаги мўғуллар таом чоғида чолга мақсадларини очик баён этишди. Бу нўённинг фикри, деб урғу беришди. «Хоразмшоҳдан жабр чеккан сиз, мунший ҳазратлари, бизга ёрдам бериб, шу йўл билан золимдан ўч оласиз! Алқасос! — деди улар. — Китоблар Хоразмшоҳники...»

— Китоблар — Мовароуннаҳр мамлакатининг мулкидир! Мен бу бебаҳо мулкнинг ўзга юртга ташиб кетилишига йўл-қўёлмаймен! Иккиламчи, сизлар ҳали бу китобларни мутолаа қилиш қудратига етмагансизлар. Жавоҳир саҳрода қолиб кетади...

Бу гапни эшитган уч мўғул бир-бирларига қаҳрли тиржайишди...

Орадан бир ҳафтача ўтгач, Муҳаммад Интизом, «соябон аравада Шош шаҳри томон кетаётган муншийни Чориқдаррон даштига етмай, қароқчилар йўлини тўсиб, ҳамроҳи билан бирга чопиб кетибди», деган хабар топиб келди. Бу машъум хабар Темур Маликка ҳам етди.

Шу куни тунда оролга ўтган Муҳаммад Интизом шаҳарда ўз махфий одамларининг мўғулларга етказган фожиа зарбалари ҳақида Темур Малик билан Шоҳмурод Кўҳистонийга ахборот берди. Темур Малик шаҳарда кўп ёмон ишларнинг сабабкори Аҳмад ибн Моразни жазога тортиш вақти етди, деб фармон берди. Аммо ўзи Абдулқодир муншийнинг фожиали ҳалокатидан бениҳоя қаттиқ изтироб чекарди. Бу одам Сўқту нўён олдида туриб Темур Маликнинг бундай иш қилмаслиги, бу — сотқинлик эканини, босқинчилар мамлакатдан чиқиб кетмас экан, сулҳ ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмаслигини айтганини кўз олдида келтирди. Мунший унинг кўз олдида оддий воситачи эмас, агар Темур Малик сулҳга рози бўлганда ҳам, уни бу йўлдан қайтаришга тайёр чинакам юртпарвар, босқинчилардан мутлақо тап тортмайдиган мард, фидокор инсон сифатида гавдаланди. У хўжандликлар хотирасида худди мана шундай буюк зот тимсолида сақланиб қолди.

Хўжандда гарчи катта тўқнашувлар бўлмай турган бўлса-да, ҳар куни қонли воқеалар юз берарди. Ҳар қанча уринмасин, мўғуллар «қароқчилар»ни тутишга ожизлик қилардилар. Кейинчалик бу ишлар баъзи аламзадalar эмас, оролдаги Темур Маликнинг бевосита фармони билан бажарилаётганини фаҳмлашди.

Қалъанинг шундоқ ёнгинасидаги Тапқоқ маҳалласида, ярим

кечада истилодан кейин дарбозалари ёнида мўғуллар посбон турадиган шаҳарнинг вақтинчалик «оқсоқоли» Аҳмад ибн Мораз дарбозаси ёнида «тунги отлик қоровуллар» пайдо бўлди. Улар «оқсоқол» ҳовлисини кеча-кундуз қўриқлаётган соқчиларни бир лаҳзада «тинчитиб», ичкарига кириб кетишди. Ҳарбий кийимдаги кишиларни кўрган «оқсоқол» яна бир жиддий гап борга ўхшайди деб хаёл қилди, хобхонадан чиқиб, ички кийимда «ўз валинеъматлари»га рўпара бўлди. Кейинги кунларда у тез-тез уйқусини бузиб, мансабдорлар олди-га чиқар, шаҳарда бўлаётган қонли фожиялардан хабар бериб турарди. Бу гал ҳам шунга ўхшаган бир нима деб, ҳовлиқиб, югурганча улар ёнига чиқди. Қамти келган икки йигитнинг бири Аҳмад ибн Мораз қўлини орқага қайриб боғлади, бири шу лаҳза унинг оғзига қандайдир бир томони узун латтани гижимлаб тикди. Аҳмад ибн Моразнинг типирлаб қаршилиқ кўрсатганига ҳам қарамай, отга ўнгариб, бозор майдони томон олиб кетишди. Йўлда рўпара келган мўғуллар бу отликларга унча эътибор беришмади, чунки улар нўённи муҳофаза қилувчи тулки тумоқли алоҳида мўғул қўшини кийимида эдилар. Ярим тунда кимсасиз бозор дарбозаси тагида чўққайиб ўтирган, устида жулдир, бошида кулоҳ, «қаландар» отликлар келиши билан ўрнидан турди. Отга ўнгариб олиб келинган Аҳмад ибн Моразни гурса ерга ташлашиб, «қаландар» ёнига судраб олиб келишди. Оғзидаги ифлос иштонни ўзи тортиб олди.

— Мени танийсанми? — сўради «қаландар» рўпарасида бўзариб турган Аҳмад ибн Моразга тикилиб. — Мен Муҳаммад Интизом бўламен! Хўжанд ҳокими Темур Маликнинг сарбози! Танимдан жон чиққунча она еримнинг садоқатли фуқароси бўлиб қоламен! Хўжанд хотинларини қўшиб, кун кўриб юрган разил сен эмасмисен?! Она еримни душманга сотувчи хоин сен эмасмисен?! Сени ўлдирамиз! Сен ҳозир мана шу бозор дарбозасидаги дорга осиласен! Одамлар эрталаб келиб, сенинг осилиб ётганингни кўради. Мамлакатимизни босқинчига сотган башарангга одамлар тупурадилар. Тарих сени лаънатлайди. Келгуси авлодларимиз бизни, бобокалонимиз, деб номимиз, ишимиздан фахрланади. Аммо, сен ярамас хоиннинг номидан жирканиб, лаънатлайдилар. Қани, гапир! Сўқту нўён касал, Улоқ қаёқда?

— Мен Улоқ нўённи боғлаб ёнингга олиб келамен. Улоқ нўён қалъа ичида. Мени ўлдирма, — деди титраб Аҳмад ибн Мораз, — гапларинг тўғри. Мен Улоқ нўённи сенга топшириб, кейин ўзимни ўзим ўлдирамен. Қасам ичаманки, муҳтарам Муҳаммад Интизом, менга муҳлат бер, — у титраб йиғлай бошлади. «Қаландар»нинг оёғига йиқилиб, юз-кўзини тупроққа суркади. Озгина бўлса ҳам раҳмини келтириш ниятида бор ҳунарини ишга солди.

— Бу хоиннинг гапига ишонманглар, уни дорга осинглар! — деди Муҳаммад Интизом. — Бу жон аччиғида қилинаётган талваса! Саркардамиз Темур Малик номидан фармон бераман: хоинни осинглар!

— Йўқ! Бунга ҳаққинг йўқ! Султоннинг фармонисиз менга теголмайсенлар! Мен султон кишисимен! Сирли гаплар бор, айтамен, муҳлат бер! Бинафша бека Туркон хотун кишиси... Унда гап кўп. Мен ҳаммасини айтамен... — у кўзларини ола-кула қилиб, сардор оёғи остига ўзини ташлади.

— Бинафша бека ўлдирилган, — деди Муҳаммад Интизом, — ҳаммасини биламен.

— Темур Малик менинг назоратимда. Унинг фармони ўтмайди! Бу иш учун ҳаммангизнинг бошингиз кетади!!!

— Султон тахтни ташлаб қочган. Қочоқнинг фармони бўлмайди!

— Шаҳзода Жалолиддин бор!

— Шаҳзода ҳам хоинни осиб тарафдори!

— Бир кун сабр қилинглари! Мен ўрикзорда ҳоким Темур Маликка отилган ўқ, суиқасд сирларини очамен. Бир кун муҳлат беринглари!

— Ўша заҳарли ўқни ҳам сен отгансен!

— Йўқ, мен эмас! Бу иш тепасида Бинафша бека турган...

— Сен тургансен! Ҳаммаси бизга аён! Сен хоинсен, саркарда билан Шоҳмурод Кўҳистоний орасига нифоқ солмоқчи бўлдинг!

Икки йигит шу лаҳза дарбоза тепасидан осилиб турган сиртмоқни Аҳмад ибн Мораз бўйнига солиб, арқонни тортишаётган эди, у бақирди:

— Дод! Дод! Тўхтанглар!

— Торғ арқонни! — буйруқ берди Муҳаммад Интизом.

— Ҳа, мен оттирганмен заҳарли ўқни! Мен...

Оёғи ердан икки газ кўтарилгунча тортишди. Бузоқбоши қуртидек тўлғаниб, бир муддатдан кейин у чўзилиб қотди.

Муҳаммад Интизомнинг қасоскор йигитлари арқонни дарбоза ҳалқасига маҳкам боғлаб, ярим тунда бу ердан тарқаб кетишди.

Аҳмад ибн Мораз жасади ғувиллаган шамолда уёқдан-буёққа бориб келар, туни билан тарашадек қотиб, эрта билан бозорга келганлар «ҳаммани ётқизиб-турғизаётган» «оқсоқол»ни кўриб, қўрқиб орқаларига қайтиб кетдилар. Одамлар олдинига ҳангу манг бўлишди. Кейин босқинчи истибдодидан қутулгандай енгил тортишди. Фақат пешинга яқин бу ишдан босқинчилар хабар топиб, арқонни узиб, оқсоқол жасадини дарбозадан олишди. Сўқту нўён ва Улоқ нўёнлар топшириғига биноан, вабодан ўлганлар кўмилган ҳандаққа ташлаб, устидан тупроқ тортиб юборишди.

Пайдар-пай талафот кўраётган мўғуллар хоин Аҳмад ибн Моразнинг тунда номаълум одамлар томонидан осилиши, саксондан ошган мунший чолнинг нўёнлардан қўрқмай тик боқиб, Темур Маликни ҳимоя қилишидан анча ўйланиб қолдилар. Улар энди Хўжандга қайтадан ҳужум бошлашга киришдилар. Мўғуллар ўттиз мингга яқин асирларни ишга солиб, дарёга шиддат билан харсангтош ташиштирдилар. Бир ой ичида ўнг қирғоқдан то оролгача тўғонйўл қурилиб, дарё сувини уч газ кўтармоқчи бўлдилар. Бунда оролни тамоман сув босарди. Тўғри устидан бостириб бориб, Темур Малик сарбозларни кириб ташламоқчи бўлдилар. Дарёнинг бу томонидагилар тўғон солиниши сувни уч газ кўтариб юборишини билишарди. Кейинчалик маълум бўлишича, бу Чиғатойнинг тадбири бўлиб, у Хўжандни «тинчитиб», Темур Маликни тирик ушлаб, отаси ёнига — Бухорога олиб бормоқчи экан.

Энг ёмони шу бўлдики, хўжандликлар харсанг ташиётган ўтрорлик асирларга ўқ отишолмас, тунда қилич билан чопиб келиша олмас эдилар. Ёйандозлар дарёнинг нариги томонида ғўдайиб турган душман сарбозларини нишонга олиб, ғувиллатиб ўқ отишар, манжанақлар бетиним тош ёғдириб турарди. Бошқа қалъалардек Хўжандни ҳам теп-текис қилолмагани Чиғатойни ғазаблантирарди. У аввалига Сўқту нўённи койимоқчи бўлади, аҳволни ўз кўзи билан кўргач, ўз фикридан қайтади. Лекин у: «Мўғул қўшинининг ҳамма вақт устун келишида ўқ-ёй асосий омил бўлганини нечун унутдинглар!» деб Сўқтуга дағдаға қилади. Оролга оловли ўқ ёғдиришини, истеҳком ва қайиқларга ўтли ўқ отишни қатъий буюради. Шу кундан бошлаб орол бетўхтов ўққа тутилади.

Темур Малик бунга қарши кемалар соябони устини сомонли лой билан суватиб, устидан сирка қуйдиради. Оғизга ғаров ёки қамиш най тутиб, дарёдан ўтишни ҳам Темур Малик ўйлаб топган. Сарбозлар бошларига қалқон тутиб, мўғулларга қарши оловли ўқ отишарди. Ҳар гал Муҳаммад Интизом ортидан кетган сардор Олабуқа ўзининг ўн чоғлиқ йигити билан Сарисанг маҳалласига ўтиб, бунда яширин ишлаётган камондозлардан қучоқ-қучоқ ўқ-ёй, дарё қирғоғига келтирилган катта-кичик тошларни кемага босиб, истеҳкомга ўтишарди. Сарисанг, Тапқоқ, Қаландархона маҳаллаларида пинҳоний дастгоҳлар тузган усталар, камондозлар оролдаги «Хўжанд ҳокимидан» асло алоқаларини узмас эдилар. Айниқса усталар бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораздан қўрқишарди. Аҳмад осиб ўлдирилганидан кейин улар анча енгил нафас олишди.

Орол мўғуллар томонидан бетиним ўққа тутилаётган кунларнинг бирида, ярим тунда Муҳаммад Интизомнинг кичик кемаси яна оролга ўтди. Кемада айғоқчилар сардоридан бошқа яна икки киши ҳам бор эди. Уларнинг бири — қўл-оёқлари боғлиқ мўғул, иккинчиси — бошига малла салла ўраган Хўжа Идрис Кубаро эди. У бундан уч кун аввал Муҳаммад Интизом ҳимоясида, тунда дарёдан ўтиб, ўз уйида оғир бетоб ётган хотинини яширинча кўриб, рози-ризалик тилашиб келаётган эди. Темур Малик, Шохмурод Кўҳистоний, Шаҳобиддин Хивақийлар кемани кўриб, дарҳол дарё ёқасига келишди. Хўжа Идриснинг қўлларидан олиб, қирғоққа ўтказишди. Хотинининг аҳволини сўрашди, шифо тилашди. Хўжа Идрис Темур Маликнинг ҳар қанча таъкидлаб айтганига қарамай, ундан ажралиб, Хўжандда қолгуси келмади. «Мен босқинчилар ичида туролмаймен. Саркарда, пешонамизга нимани ёзган бўлса, шуни кўрамыз. Сизлардан ажралиб қололмаймен...» деди. Темур Малик ўз маънавий отаси ваҳидни қабул қилди.

Эртаси кун кечқурун Муҳаммад Интизом чўққайиб ўтирган мўғулнинг оёқ-қўлидаги арқонни шартта кесди. «Уёққа ўт» ишорасини қилди. Асир ўрнидан туриб, оролга ўтди-да, Темур Маликдан нарироқда, Муҳаммад Интизом билан ёнма-ён оролнинг ўрта қисмидаги истеҳком сари юра бошлади. Машъалалар ўчирилган. Унг қирғоқдан дамба-дам ўқ учиб келаётгани сабабли саркарда ёнига югуриб келган сарбозлар уларни ўз қалқонлари билан тўсиб, баъзилари бошга соябон этишди. Кимдир ўз қалқонини Муҳаммад Интизомга бериб, бошига тутишини айтган эди, у мўғулнинг бошига ҳам тутишни сўради.

— Яна ўқ унинг калласига санчилиб, ўлиб қолмасин! Бу бизга керак.

— Бунинг уруғи кўп, соҳиб, керак бўлса топиб берамыз!

Асир тил билмаса ҳам, безовталаниб, уёқдан-буёққа олазарак қараб қўйди.

Муҳаммад Интизом одатдагидек асирни тўғри саркарда хонасига олиб борди. Бу мўғулларнинг «каттасидан кейингиси» эканини билган Темур Малик ҳайратланиб, сўради:

— Улоқ нўёнми?

— Ҳа.

— Офарин, соҳибқирон! Азизим, жоним оғам! Жуда зўр иш қилибсиз. Мен буни билардим. Сиз, ё унисини, ё бунисини қўлга олишингизни билардим! — Темур Малик хурсанд бўлиб кетди. У эшикда турган посбонга ҳамма сардорларни тезда чақириб келишни буюрди.

Девор четида икки аланга ёниб, хонани анча ёритиб турарди. Уй ўртасида гўдайиб турган Улоқ нўёнга илтифот юзасидан қўл билан ишора қилиб, ўтиришни таклиф этди. Нўён девор тагига ўтирди. Асир келганини эшитган тилмоч йигит хабар олмасданок ўзи югуриб келди. Бошқа сардорлар ҳам шошилишч саркарда хонасига тўпланишди. Бу асир — Улоқ нўён эканини дарҳол билишди. Бир неча дақиқа ичида хона тўлди. Юқорида ўтирган Темур Малик, Хивақий, Кўҳистонийни ўз ёнига чақирди. Хўжа Идрис Кубаро ҳам бир ёнига чўкди. Асирга яқин ерда Муҳаммад Интизом ҳам ўтирарди. Нўён ўзини жуда усталлик билан тузоққа туширган Муҳаммад Интизомдан кўз узмасди. Унинг «катта сардор»лардан эканини ҳам пайқади. У, ўнга яқин отликлар муҳофазасида қалъага кириб келаётганида, ҳовлида тўсатдан қўлга олинган. Мўғул либосидаги айғоқчилар уни уриб, йиқитиб, доруйи беҳуш сингдирилган рўмолни юзига ёпиб, қўл-оёғини боғлашган эди. Шериклари қалъа ҳовлисидаёқ чопиб ташланди. Улоқ нўённинг чертса юзидан қон томадиган семиз башарасига хўжандликлар бир лаҳза тикилиб туришди.

Темур Малик тилмочга «ағдарасан» деган ишора қилиб, асирга қараб мурожаат этди:

— Сени ҳамда шеригинг Сўқту нўённи қўлга тушириш учун анчадан бери ҳаракат қилардик. Мана, қўлга тушдинг. Мақсадимиз ўлдириш эмас, юртимизни озод этиш! Шу сабабли мўғул қўшини Хўжанддан чиқиб кетса, биз сени бўшатамиз. Сенга мутлақ шикаст етказмаймиз. Агар бундай бўлмаса, биз то қиёматгача жангни давом эттиравемиз. Сен ҳам, шубҳасиз, омон қолмайсен. Биз ҳеч қачон бўйсунмаймиз. Шаҳзода Жалолиддин катта қўшин билан бизга ёрдамга келмоқда. Тушундингми?

Тилмоч Темур Малик сўзларини таржима этди. Нўён диққат билан бу сўзларни тинглади. Кейин жавоб қилди:

— Мен Темур Маликнинг фикрини тушундим. Мен рози бўламан, лекин Сўқту нўён рози бўмайди. Гап менинг жонимни сақлаб қолишда эмас, Хўжанд бизга жуда қимматга тушди. Биз ҳисобсиз одам йўқотдик. Сув тагидан ўтишни, манжанақ отишни сизлардан ўргандик. Чигатойхон ҳозир шу ерда...

— Қўшин сони қанча?

— Жуда кўп. Ўн баробар кўп.

— Бу ҳаёт-мамонт жанги, — деди Шоҳмурод Кўҳистоний, сўроққа аралашиб. — Саркарда тўғри айтадилар, биз жанг қилаберамиз! Биздан кейин болаларимиз ҳам жанг қилади. Болаларимизнинг болалари ҳам жанг қилаберади! Уларнинг болалари ҳам жанг қилади! Агар шартларимиз бажарилмаса, нўён, биз сени бозор дарбозасига бўйнингдан сиртмоқ солиб осамиз! Жасадинг осилиб ётганини авом кўради. Буни сендан яширишнинг ҳожати йўқ!

— Мени тирик сақлашингизга кўзим етмайди! Мен буни яхши биламан. Қўлингизга тушдим, энди ўлдирасиз. Биз нўёнлар тақдирга тан берамиз.

— Эҳтимол, нўён биз томонга ўтар. Бизга ёрдам берар, — деди Муҳаммад Интизом, — султон Жалолиддин ўз қўшини билан бирга бунда етиб келгач, биз Хўжандни озод этамиз. Бу — аниқ. Шу сабабли, нўён биз томонга ўтиб, босқинчи шерикларидан юз ўгирса, жони омон қолади, уни эъзозлаймиз...

Нўён бош чайқаб, сарак-сарак қилди.

— Мени ўлдираберинглар. Бундай бўлиши мумкин эмас. Шу бугун тушимда отам мени ўз ёнига чақириб, ўзи билан олиб кетди... Мен бундай аҳвол бўлишини сезган эдим. Мен Сўқту нўёнга хат ёзмайман, хат ёзилса ҳам, у ишонмайди. Қўлга тушдим, тамом... Ўлдираберинглар.

Сўроқ шу билан тугади.

Ташқарида қилич яланғочлаб турган бир неча сарбоз Улоқ нўённи ўртага олиб, истехкомнинг бир чеккасига элтиб, ўтин қалаб қўйилган хужрага қамашди.

Келгуси ҳафтада, дарҳақиқат, султон Жалолиддин нома йўллади. Бу номани ҳам қаландар қиёфасидаги одам Муҳаммад Интизомга, у Темур Маликка етказди. У ўзининг бор қўшини билан дарё ичидаги оролдан чиқиб, Самарқанд яқинидаги Катвон даштига келиб қўшилишини таклиф этарди. Шу йўл билан Хоразмшоҳ хатосини тўғрилаш, салтанатнинг ҳамма кучларини бир ерга жамлаш, босқинчига қақшатқич зарба бериш кўзланаётганини маълум қилган эди.

Шаҳзодадан келган хат Темур Маликни ўйлатиб қўйди. Бу ишда Чингизхон жосуслари панд бериб қўймасмикин, деб Темур Малик хатни олибоқ султонга ҳам хат йўллади. Хатни Муҳаммад Интизом кишилари Катвонга элтиши топширилди. Темур Малик бармоғидаги султоннинг ўзи туҳфа этган узукни бериб, кўрсатишни илтимос қилди.

Темур Маликнинг Жалолиддинга жавоб мактубида шундай деб ёзилган эди:

«Шаҳзода олий ҳазратлари! Саломдин сўнг хабар қиладурменки, мактубингизни бундаги садоқатли дўстларингиз, соҳибқиронлар мажлисида ўқиб, сизга доимо саломатлик, салтанатимиз туғи доимо музаффар қўлингизда бўлишини тиладик. Заковатингиз олдида

таъзим этамиз. Қимматли мактубингизда айтилган фикрларни тасдиқлаб, фармонингизга итоат этамиз. Иншоолло, тез кунда йўлга чиқиб, хизматингизда камарбастадурмиз. Босқинчи Чингизийларни мамлакатдан ҳайдаб чиқарадурмиз... Хўжанд ҳокими Темур Малик.

Зулқаъда ойнинг йигирма биринчи куни, чоршанба...

Қирқ иккинчи боб

Бир сиқим она-ер тупроғи

Икки чопар ярим тунда махфий сўқмоқ йўллар билан Куркатга чиқишгач, бир лаҳза тўхтамай, Уратепа томон жадал юришди. Даштда уларни жануб осмонида ястаниб ётган ўроқ-ойдан бўлак ҳеч нима кузатмасди. «Ой ўзига тинч, аммо юртга нотинч...» деган гапни кўнглидан ўтказди чопарлардан бири.

Шитоб билан кетаётган суворийлар тонг отарда Шаҳристонга кириб боришди. Бунда тўхтаб, дам олиб, кейин тоғ оралиқлари билан Зарафшонга чиқиб, дарё ёқалаб Панжикент томон юришди. Эртасига бундан Самарқанд яқинидаги Катвон дашти томон от солишди. Улардан бирининг ёнида саркарданинг Катвонда қўшин тўплаб турган султон Жалолоддинга мактуби бор эди.

Шошилинич нома йўллаган Темур Малик душманга яна бир қақшатқич зарба бериш учун дарё ўртасидаги истехкомда ўз сарбозлари билан бирга тайёргарлик кўриб, тонг отишини кутиб ўтирарди.

Хужумдан аввал Темур Малик билан Шоҳмурод Кўҳистоний кеча қўлга туширилган Улоқ нўён ҳамда Кучумни ишга солишни ўйлашди. Асирларнинг босқинчилар қўшини учун қимматли кишилар, бири — нўён, бири — юзбоши эканлигини хаёлларидан ўтказиб, уларни гаровга қўймоқчи бўлишди. Улар эвазига Сўқту нўён Хўжанд атрофидан қўшинини олиб кетиши, қамал ҳолатини тугатиши... каби шартлар турарди. Аммо бундан фойда чиқмади. Тонг отарга мўлжалланган хужумни тўхтатиб, кун ёйилгач, Темур Малик икки асирни ўз ҳузурига олиб келишни буюрди. Унинг истехкомдаги хонасига яна одатдагидек Шоҳмурод Кўҳистоний, Шаҳобиддин Хивақий Қанғли Арслон, сардор Олабуқа ва Хўжа Идрис Кубаро бошлиқ барча сардорлар тўпланишди. Эшикдаги пардани очиб, ичкарига олиб кирилган Улоқ нўён билан эчки соқол юзбоши Кучум пойгакда ғўдайиб туришарди. Нўён ўз томонидан номақбул жавоб келганини биларди. Улимга ҳукм этилгани, ҳозир бу гап Темур Малик томонидан айтилишини кутиб турарди. Баланд бўй, қора мўйлаб, қирра бурунли, қарашлари ўткир Темур Малик унинг кўзига қўрқинчли бўлиб кўринди... Унинг ўлим даҳшатидан юраги орқасига тортиб кетаётгани гўштдор юзлари, бир-бирига тегиб тарақлаётган тишларидан шундоқ сезилиб турарди.

Хона юқорисида ярим доира ясаб сукут сақлаб ўтирган лашкарбошилар дам нўёнга, дам юзбоши Кучумга қараб қўйишар, лекин лом-мим дейишмасди. Бу «тўнғизлар Утрорда ёмон хунрезлик қилиб, тиззадан қонга ботган» и ўтирганларга маълум эди. Темур Малик билан Шоҳмурод Кўҳистоний атай гаплашиб ўтиришар, хонага ит кирдимиз, эшак кирдимиз, мутлақо сезмагандай, ўзларини бепарво тутишарди. Йўғон гўштдор нўён ўзини кеча ўлимга тикканини айтган бўлса ҳам, бари бир ҳозир «ўлим олдида» дағ-дағ титрарди. Орқасида турган эчки соқол Кучум ҳам аллақачон эс-ҳушини йўқотиб қўйган, жони омон қоладиган бўлса, Темур Малик хизматига ўтиб мўғул босқинчиларига қарши жанг қилишга тайёр эканини билдирмоқчи бўларди. Темур Малик икки асирни бир муддат турғизиб қўйгач, кейин эчки соқолига мурожаат этди:

— Бизнинг шартимиз шундай: нўённи майдонга олиб чиқурмиз. Қўлингга қилич берурмиз. Бошини узсанг, жонинг омон қолур... Қўйиб юборурмиз, хоҳлаган томонингга кетурсен.

— Бу гапга бовар қилсам бўлурми? — дея титраб, ёлбориб, йиғламосираб сўради Кучум.

— Ҳа!

— Майли, нўённи олиб чиқишсин, шартингизни адо этамен!

Нўённи ташқарига олиб чиқишгач, Кучумнинг қарорини унга маълум қилишди. Ранги оқариб кетган нўён кўзлари косасидан чиқиб, шеригига ўқрайди. Шериги ўзини нўёндан четроққа олиб, қўлига қилич тутқазишларини кутиб турди. Аммо хонада ўтирган лашкарбошилар ташқарига чиқишгач, уларнинг бошқача маслаҳатга келганликлари маълум бўлди. Лашкарбошилар Улоқ нўёнга тикилишди. Темур Малик ёнида турган тилмоч йигит орқали унга:

— Нўён, ана қайиқ, унга ўтириб, шерикларинг ёнига кетабер! — деди. — Биз асирнинг бўйнига қилич урмаймиз. Қуролсиз асирларни ўлдириш — сизларнинг ишингиз! Шеринг ҳозироқ сенинг бошингни узмоққа тайёр. Аммо биз бундай қилмаймиз. Бизларнинг таомилимизда бу — номардлик! Сенинг баҳойинг жуда арзон экан, сен азиз бўлганинда, мен сенинг бадалингга шаҳримни қутқариб қолмоқчи эдим. Сўқту нўён бунга унамади. Чунки бундай қилса, унинг бошини Чигатой узди. Энди кет бундан! Йўқол!

Тўнкадай эгилиб олган Улоқ нўён қўрқа-писа қирғоқ томон тисарилди. Кимнингдир ишораси билан тайёрланиб, сувда қалқиб турган кичик қайиққа тушди. У кўзларини ола-кула қилиб, Темур Маликка тикар, бу бир «ҳийла»дир, балки ҳозир ўқ узиб ўлдирурлар, деб ўзининг қутулиб кетаётганига ишонмасди. У эшакларни ушладию яна бир одам тушармикин дегандек юқоридагиларга жавдиради.

— Кетабер! — деди яна Темур Малик. — Лекин қайиқни бирон одамингдан қайтариб юбор! Сен билан жанг майдонида учрашурмиз, ўшанда мен сенинг жазойингни берурмен!

Нўён индамай турди-да, кейин эшакларни ишга солиб, ўнг томон қирғоққа сузиб кетди. У сув ўртасига етганида ҳам кўзларини Темур Маликдан узмасди. Хўжандликлар рўпарасида серрайиб турган эчки соқол Кучум ҳайрон бўлиб, нима бўлаётганини тушунмади. Ўзининг расволиги фош бўлганини пайқаб, бошини қуйи эгди. У ҳозироқ эгилиб Темур Малик оёғига бош уришга тайёр эди.

— Туф деган тупурик, қайтиб олса макруҳ. Сўзимиз сўз: сенинг ҳам жонинг ўзингга сийлов. Хоҳлаган томонингга кет! Йўқол! — деди Темур Малик. — Биз сотқинларни сафимизга қўшмаймиз! Сузишни билсанг, сузиб кет, сенга беришга қайиқ йўқ! Арзимаисен! Лекин ўзингникилар ёнига борсанг, гўштингни бурда-бурда қиладилар! Каракидан томонга қоч. У томонда сотқинлигинг, сурбетлигинг билан кун кўрурсен.

Кучум дарё бўйига тушиб, шу лаҳза этиги, кўйлагини апил-тапил еча бошлади. Кийим-бошларини чап қўли билан ушлаб, дарё оқими бўйлаб сузиб кетди. Қаёққа боришини ўзи ҳам билмас, фақат жони омон қолганидан хурсанд эди.

Темур Малик бири ўннга, бири чапга сузиб кетган икки душман ортидан тикилганча хаёлга чўмди. Атрофида садоқатли дўстлари, анча нарида тўда-тўда сарбозлар туришарди. Икки ашаддий душман қўйиб юборилганига сарбозлар ҳайрон эди. Темур Малик бош кўтариб, атрофда, унга ҳайрон бўлиб қараб турган йигитларни қўли билан яқинроқ келишга чақирди. Дарёнинг нариги қирғоғида ўз нўёнларини — чўккан хўкизни сувдан тортгандай қайиқдан чиқариб олаётган бир тўда ёғийларни кўрсатди.

— Ана, кўрдингизми, у ўз сарбозлари ёнига борди. Биз унинг бошини олманг бўлсак ҳам, олгандан беш баттар қилдик. Мўғул лашкари ўртасида аҳиллик йўқ. Жони омон қолиши учун бир-бирини ейишга тайёр. Буни билишимиз жуда ҳам муҳим эди. Мен бу гапни

Жалолиддинга айтамен, улар ўртасида иноқлик йўқ. Биз, Кўхистоний билан маслаҳатлашиб, Улоқ нўённи атайин қўйиб юбордик. Уни жангда ўлдирурмиз! Ҳозир пайти эмас.

Шу аснода оролнинг ўнг қирғоғи томон кичик қайиқчада сузиб келаётган яланғоч мўғул йигити қирғоққа етиб келиб, қайиқдан чиқди-да, унинг тумшугидаги арқонни илдиизга боғлади. Сўнгра қайиқча ичидаги халтачани олиб, қирғоқда тўпланиб турган йигитлар оёғи остига отди. Узи сувга шўнғиб, нариги томонга қулочкашлаб сузиб кетди. Қўрққанидан ҳар замон-ҳар замонда орқасига қараб қўярди: бирон кимса камондан ўқ бўшатиб қолмаса эди, деб юрагини ҳовучлаб сузарди. Сарбоз йигитлар кулиб, қийқириб, сиёсат қилиб қўрқитдилар. Аммо бирон киши қўлига камон олмади.

Оғзи боғланган халтачани саркардага етказишди. Шоҳмурод пичоғи билан ипни узиб, халтачадаги тилла тангаларни тўқди. Сарбоз йигитлардан бири атай санади. Роппа-роса минг тилла экан...

— Кўрдингизми, ҳазрат, — деди Темур Малик, — баҳойим минг тилла, демоқчи. У тўнғизни айирбошлаб олишмаганига хўрлиги келибдур. Майли, бу халтачани ёнингизга солиб қўйинг, асқотиб қолур.

Шу кеча йигитлар иккига бўлиниб бир вақтда ҳам ўнг қирғоқ, ҳам чап қирғоққа ҳужум қилажаклари, манжанақларга тайёрланган ҳамма тошларни отиш, кемалар устидаги соябон сувоқлари устига яна сирка қуйиб, нам қилиб қўйишни Темур Малик юзбошиларга, атрофидаги сардорларга тайинлади. «Эртага, ярим тунда етмиш кема дарё оқими билан Жанд шаҳрига қараб равона бўлур. Уч кеча-кундуз сузурмиз...» деди у.

— Бугун тунда ҳужумга бормайдиганлар қурол-яроғларни, хўрақларни кемаларга жойлаб қўйишлари лозим, — деди Шоҳмурод Кўхистоний атрофидаги сарбозларга.

— Бу ишимиз юртни ташлаб кетиш деган гап эмас, — деди Темур Малик, — биз Жалолиддин туғи остидаги катта лашкарга бориб қўшилурмиз, фармон шундоқ. Чингизга қарши катта куч билан ҳужум бошлаймиз! Душманни тору мор этиб, юртимизни асоратдан қутқарурмиз. Мақсад равшан. Бўлингани бўри ер. Бўлттак-сўлттак лашкар билан душманни енгиб бўлмагай. Жанг энди Катвон даштига кўчгай. Вақтинча Хўжандни ташлаб кетишга тўғри келаду. Бу жуда аччиқ, ўлимдан оғир... Аммо, на чора! Она-тупроқни ташлаб кетмоқдан ўлим афзал! Локин биз она-тупроққа яна қайтиб келишимиз учун ҳозир чекинишимиз лозим!

— Тадбир барчага тушунарли, муҳтарам саркарда, — деб Темур Малик сўзларини тасдиқлади Хўжа Идрис Кубаро, — сизнинг ва шаҳзода Жалолиддиннинг бу режаси кучларимизга куч қўшгуси, юртни озод этгуси! — деди у, қўлларини юзига тортиб.

— Сиз, ҳазрат, Хўжандда қолинг! Сардор Муҳаммад Интизом ҳамма вақт хизматингизда бўлур. Хўжандда яхши одамлар хонадонидан аҳтиёт сақлаймиз. Мен сардорга сизни тайинлаб айтганмен... — деди Темур Малик Хўжа Идрисга мулоимлик билан.

— Муҳтарам саркарда, мен сиз билан бирга кетурмен! Сиздек биродарларимдан ажралиб қололмаймен. Ҳазрат Шаҳобиддин, сардор Шоҳмуродлар ёнида бўламен, деб қатъий қарор қилганмен. Агар мен ўз фарзандларимдан аъло — сизларга эътиمود қўймаганимда бу оролга ҳам келмас эрдим. Кемага тушганнинг жони бир. Мен, бир кексанинг ватандошларимдан афзаллик ерим йўқдур.

Темур Малик яна жим бўлиб қолди. Кекса устознинг бу қатъий қарори унга яна далда берди.

— Оқ йўл сизга, ҳазрат! — деди хуфиялар сардори Муҳаммад Интизом.

Ярим тунда сардор Олабуқа, Қанғли Арслон бошчилигида уч кема ўнг қирғоққа ўтди. Манжанақлардан ўтли тошлар тинимсиз отилиб турди. Ҳар бири етмиш-саксон сарбоз йигитдан иборат бу уч тўда қирғоққа етиши биланок, кемада бир йигитни қолдириб, уч томонга

тўсатдан ҳужум бошлашди. Сарбозлар атайи қалқон кўтармай, ўнг қўлларида қилич яланғочлаб, сўл қўлларида найза тутган эдилар. Қутилмаганда бошланган ҳужум душманни саросимага солди — уйқуда ётганлар чодирларидан чиқиб, тоғ томонга қочишди. Бундай ҳужум бўлишини кутиб, қирғоқ атрофида ётган — Утрордан ҳайдаб келинган асирлардан бир қисми ҳам мўғулларга қўшилиб қочишди. Улар шу қочганларича асирликдан қутулишди. Кўпчилиги Келовчи тепаликлари томон кетишди. Тўс-тўполонда қочишга журъат этолмаган асирлар жойларида ётаберишди. Улар тинимсиз ташиган харсангтош уюмлари дарё суви юшасигача чиқиб, тўғон шаклини ола бошлаган, дарё суви ҳам кўтарилиб, оролни сув босиш хавфи тугилганди. Кейинчалик, ўша кечада бўлган ҳужум вақтида икки мингдан ортиқ ўтрорлик, сифноқлик ва шу атрофдан ҳайдаб келинган асирлар қутулганлари маълум бўлди.

Ўнг қирғоқда тўс-тўполон вақтида Темур Малик, Шаҳобиддин Хивақий, Шохмурод Кўҳистоний, Ҳусайн Гов, Иброҳим Дўлдай бошчилигида уч гуруҳ чап қирғоққа ўтиб, яна қалъага бостириб киришди. Бу ҳужумдан илгари хабардор бўлган Муҳаммад Интизомнинг йигирма йигити билан саркарда келиб қўшилиб, қалъа ичини тўс-тўполон қилди. Унинг йигитлари отхона қоровулини ўлдириб, хашакларга ўт қўйишди. Қалъа ёнидаги босқинчиларнинг Тапқоқдаги боргоҳига ҳужум қилиб, икки юздан ортиқ душман навкарларини қиличдан ўтказишди. Муҳаммад Интизомнинг хабар беришича, қаерда душман истехкоми, боргоҳи бўлса, унга ҳужум қилиб, ўт қўйишди. Бу ишга Хўжанд фуқаролари ҳам қатнашишди. Бир неча соатлик жангдан сўнг улар яна дарё бўйи томон юриб, ўз кемаларига туша бошладилар. Қалъа дарбозасидан қилич яланғочлаб чиққан Темур Малик йўл четидан бир неча сиқим тупроқ олиб, рўмолчасига солиб, маҳкам тугди-да, қўйнига солди ва бу ишини кузатиб турган Муҳаммад Интизомга тикилиб қаради:

— Сардор, биз эртага тунда оролдан чиқиб кетурмиз. Тақдирнинг тақозоси шундоқ бўлди. Катта куч бўлиб, ҳужум қилмай юртни озод этиш мушкулдир. Катта кучга бориб қўшилиш юртни ташлаб кетиш деган гап эмас.

— Саркарда, шундоқ.

— Хўжандни сизга, сизни яратганга топширдик.

— Амрингизга ҳамиша тайёрмен!

Улар кучоқлашиб хайрлашишди.

Шундан сўнг Муҳаммад Интизом ўз одамлари билан Темур Маликни дарё қирғоғигача кузатиб қўйиб, ҳар томонга тарқалишди. Темур Маликнинг уч кемаси тун қоронғусида яна орол томон сузиб кетди. Юрак олдириб қўйган ёғийлар саркарда сарбозларини таъқиб этиб, қирғоқкача келишга журъат этиша олмади. Бир-икки бор шундай қилишганида, атайи пистирмада қолдирилган сарбозлар дастаси орқадан келиб, уларни чопиб ташлаган эди. Темур Маликнинг Улоқ нўённи ўлдирмай, қайтариб юборгани ҳам душманни ўйлатиб қўйган эди.

Лекин ватанпарварлар учун энг ёмони шу бўлдики, Тапқоқдаги ёғийлар боргоҳида бўлган чопқинда Ҳусайн Гов қаттиқ яраланиб, ўрнидан туролмай қолди. Яна ўн уч навкар ҳам қалъа ичидаги жангда нобуд бўлган эди. Тунги жангларда илгари бунчалик кўп талафот кўришмаган эди. Ўнг томонда жанг қилиб, қайтиб келганлар ичида яна ўн беш йигит ҳалок бўлгани маълум бўлди.

Саҳарга яқин Темур Малик бир муддат мизғиб олди. Чарчаб-ҳориб келгани сабабли у белидаги салоҳларини ҳам ечмай болишга ёнбошлаб, уйқуга кетди. Унинг ёнига таом ва шарбат олиб кирган йигит саркарда ни уйғотиб юбормаслик учун қўлидаги патнисни оҳиста қўйиб, оёқ учиди чиқиб кетди.

Ташқарида одамларнинг ғала-ғовури Темур Маликни уйғотиб юборди. У кўз очиб, бир муддат карахт бўлиб ўтирди. Кейин лоп этиб

ўғилчаси Метин хаёлини олди-да, хомуш тортди. Уғли Метин садоқатли кишиси қўлида эканини ўйлаб, кўнгли таскин топгандай бўлди. У, ёстиқдан бош кўтарди-да, ёнидаги рўмолчасини ёзиб, яна бир рўмолча топиб, чўнтагидаги тупроқни қисмлаб-қисмлаб иккига бўлди. Рўмолчаларни тугиб, бирини белидаги белбоғи орасига солди. Иккинчи рўмолчадаги тупроқни Шоҳмурод Кўҳистонийга тутди:

— Буни олинг, ҳазрат, бу — Хўжанд тупроғи. Бу, биз учун бағоят қимматли, ҳамма нарсадан аъло она-тупроқ! Уни ҳамма вақт ёнингизда сақланг. Биз, албатта, ўз еримизга қайтиб келурмиз!

— Айтганингиз келсин, — деди Шоҳмурод Кўҳистоний, рўмолчага тугилган тупроқни кўзига суртиб.

Икки саркарда бир-бирларига тикилиб қолишди. Уларнинг қалбидаги айрилиқ изтиробини сарбоз йигитлар сезиб турардилар.

Қирқ учинчи боб

Рўйинтан¹ лар ўқ-бўрони ичида

Темур Малиkning яқин орада дарё ичидаги истехкомни ташлаб кетишидан хабар топган ёғийлар, қайси йўл билан бўлмасин, уни ушлашни ўйлашди. Хўжандликлар ўз режалари қандай қилиб душманга маълум бўлганини билишмасди, суриштириб ўтиришга ҳам вақт йўқ эди. Саркарда бу борада ўз шерикларидан мутлақо шубҳа қилмади, бунга асос ҳам йўқ. «Кетишга тайёргарлик сир эмас, бу гапни Улоқ нўён ҳам билган эди,» — деди у Шоҳмурод билан Шаҳобиддинга.

Жалолоддиннинг даъвати, яъни бирлашиб, катта қўшин тузиб, душманга зарба бериш Темур Малик учун айна муддао эди. Хивақий султон билан Туркон хотуннинг кўзига ёмон кўруниб, Хўжандга кетишга мажбур бўлган эди. Шунинг учун ҳам у Темур Маликни қўллади, балки бунга рағбатлантирди.

Кейинги кунларда душман айниқса асирларни шошилиш ишлатиб, оролга тўғон қуриш, узоқдан тош ташиш ишларини бирдан тўхтатди. Кечаю кундуз сурункасига дарё четига посбонлар қўйиб, Темур Малик қайиқларини кузатди. Камондозлар қопларда ўқ олиб келиб, дарё бўйида шай туришарди. Идишларда ёғу олтингургурт, пахтаю латталарни, каноп ипларгача шай қилиб қўйишган. Хўжанд қалъаси рўпарасида дарёнинг то оролгача бўлган икки томонида қатор қўйилган камондозлар Темур Малик кемаларини туну кун пойлашар, дарё ўртасига чиққан одам тўла кемаларни оловли ўқ бўрони остида қолдириб, сув ичидаёқ ёндириб юборишга шай туришарди. Оролча билан Жанд шаҳри оралиғида, беш қақиримча дарёга яширинча занжир тортиб қўйишган ҳам эди. Ер кавлаб, дарёнинг икки томонига тўғон ходалар кўмиб, узун занжир боғлашган, бу занжир кема у ёқда турсин, биронта қайиқнинг ҳам ўтиб кетишига йўл қўймайдиган қилиб тортилганди. Занжир тортилган ерга айниқса кўп камондозлар қўйилган. Занжир ҳам икки қават бўлиб, азамат йигит билаги йўғонлигида. Занжирга келиб урилган кемалар сувга ағдарилиши турган гап эди.

«Катвон даштида Жалолоддин катта қўшин тузаётгани»ни эшитган Чиғатой Хўжанд истилосини ҳал қилган бўлиб, зарур гапларни Сўқту нўёнга тушунтириб, тезда отаси ёнига отланди. Гарчи Улоқ нўённи мансабидан тушириб, бирон жазо берилмаган бўлса ҳам, Чиғатой унга ортиқча илтифот кўрсатмади. Фақат бир ўтиришда «...Албатта, сендан кўра ўша душманзимиз Темур Малик баҳодир ва кўп даража юқори туради. Кўплар жанг қилишни ундан ўргансин! Сен,

¹ Рўйинтан — Шарқ дostonларидаги танига ўқ ўтмас, қилич кесмас, ўтда ёнмас афсонавий паҳлавонлар.

хулгана¹ ни ўлдирганларида бу ерликлар ичида обрўйимиз ошган бўларди. Афсус! Қандай қилиб асир тушдинг, бунга ақлим етмайди! Ярамас хулгана!» деб роса изза қилди.

Чигатой тонг отишда ўзининг отлиқлари билан йўлга тушди. Йўлда отасини кўзга кўринган лашкарбошилар — Жалолиддин, Темур Малик, Шаҳобиддин Хивақий, Шоҳмурод Кўхистонийлар режасидан огоҳ қилишни, Самарқанд ёнидаги Катвон даштига иккинчи қатла қўшин тортиб боришга кўндиришни дилига тугди. Бу сардорлар ҳақида олган маълумотлари ичида дарёдан эчки терисини пуфлаб ўтиш, қамишдан най ясаб олган сарбозларнинг сув тагидан ўтиб, мўғул қўшинига кўп талофат бераётгани, бу ишларни ўйлаб топган Темур Малик экани унинг учун энг қимматлиси эди.

Жадди² ойининг учинчи кунни, илгари мўлжалланганидек тонготарда эмас қош қорайишига яқин етмишта катга-кичик соябонли кема қирғоқдан узилиб, дарё юзида оқим билан кетма-кет сузиб кета бошлади. Оқшом ғира-ширасида йўлга тушишдан мақсад кечаси билан сузиб, тонготарга яқин Жанд шаҳрига етиб, сувдан чиқиш эди. Яна шуниси ҳам бор эдики, мўғуллар кўп вақтлар айни тонготарда ҳужумга ўтишликларини яхши билишарди. Шу сабабли Темур Малик режани уч кун илгарига суриб, оқшомдаёқ йўлга тушишга фармон берди. Энг олдинги кема тумшугига аҳангар сандонини қўйиб, тигига обдон тоб берилган икки болтани ушлаб тумшукда ўтирарди. Беш одам сиғадиган икки кичик қайиқни олдинроқда суздиришди, бундаги йигитларнинг кўзлари сувда, ёғийлар тортган занжирни кўзлаб боришарди. Орол қирғоғидан дарё оқими томон силжиган биринчи, иккинчи кемага кўзлари тушган босқинчилар ўзларининг одатий ваҳшиёна шовқин-суронларини бошлаб, дарёнинг икки қирғоғида уёқдан-буёққа югуришиб қолди, кутилмаганда кема томон оловли ўқлар учиб кела бошлади. Шамол шарқдан келаётгани сабабли кемалар ой нурида жимирлаётган дарё оқими бўйлаб шитоб билан сузиб борарди. Айниқса дарёнинг ўнг томонида ёғийлар отлиқма-яёв сояларга ўхшаб кемаларни қувлашар, оловли ўқ узиб, одатдагидай ваҳшиёна ҳайқиришарди, Темур Малик тириклайин қўлга туширмақчи бўлган Сўқту нўён бир сакраб отига миниб, орқасидан отлиқ сарбозларини эргаштириб, дарё оқими томон бақириб-чақириб чопиб кетди. Улар беш фарсах нарида тепаликнинг нариги томонидаги «занжирга илинган», «сувга ағдарилган» хўжандликларни қириб ташлаш учун югуришарди. Уларни камонлардан ўқ узиб, чўктириб юборишни кўзлашарди.

Бир-биридан юз қадам, юз эллик қадамча ораликда келаётган кемаларнинг олдиндагисига қирғоқдан ўқ ёғдирилди. Думли юлдуздек осмондан ёниб келаётган камон ўқларининг аксари сувга тушиб ўчар, баъзан кема соябонига санчилиб, бир муддат жизиллаб ёниб турардида, кейин сирканинг таъсири билан ўчиб қоларди. Олдиндаги кема сал муддатда тамоман жайрага ўхшаб қолди. Унинг бутун ёғочлари, соябонлари, эшкакларига мингларча ўқлар қадалиб, четдан қараган одамга каттакон бир «жайра» сув устида сузиб келаётганга ўхшаб кўринарди. Биринчи кемагина эмас, орқадаги сузиб келаётган кемалар ҳам «жайра» бўлишган. Уларда тўлиб ўтирган йигитлардан баъзилари соябон устидаги сомон сувоқни сирка билан намлангани маънисига энди тушунишди.

Дарёнинг бир қадар тор, сиқилиб оқадиган жойига етганда ўнг томонда гала бўлиб қувиб келаётган душманга биринчи бўлиб Темур Малик камондан ўқ узди. Шундан сўнг олдинги иккита кичик кемадагилар, орқада келаётган кемадагилар ҳам душман устига ўқ ёғдиришди. Оқшом қоронғусида, ўнг қирғоқда баъзи отлиқларини гурсиллаб йиқилгани кўринди. Пиёда чопаетганлар қалқонларини

¹ Хулгана — сичқон.

² Жадди — январь.

паноҳ қилиб, югуришар, сувдагиларга ваҳима солиш мақсадида яна илгаригидай ваҳшиёна овоз чиқариб, ҳайқиришарди. Орқада келаётган кемадагилардан бирининг кўксига ўқ қадалиб, ҳалок бўлди. Лекин кемалар жанг қилиб олдинга сузишда давом этдилар. Улар борган сари занжирга яқинлашиб борардилар.

Темур Малик Жанд шаҳри ёнида сувдан чиқиб (чунки ундан нари боришнинг иложи йўқ эди), бу шаҳар орқали қумликлар оша Зарнук қалъаси, кейин Нур шаҳрига, ундан тош оралиқларидан ўтиб, Самарқанд яқинидаги Катвонга етиб олмоқчи эди...

Жалололдин билан Темур Малик сўнгги пайтда Чингизнинг асосий душмани бўлиб қолганди. Султон қочган, вазири Низом ал Мулк ўлдирилган... Ариллаган-дариллаган саркардалар йўқ, баъзи мансабдорлар ҳар тарафга бош олиб кетган. Майдонда қолган икки саркарда мамлакат туғини кўтариб, Катвонда куч тўпларди.

Қирқ тўртинчи боб

Бадахшон бургути Қалъай Хумбга етолмади...

Мовароуннаҳр шоирларининг оғзидан тушмайдиган «тўлин ой» осмон сатҳида бамайлихотир сузиб, ҳаммаёқни суддек ойдин қилиб юборган. У бу иши билан ҳозир хўжандликларга хиёнат қилаётганини хаёлига ҳам келтирмасди. Темур Малик, Шоҳмурод Кўҳистоний, сардор Олабуқалар учун бу кеча ғоят қоронғи бўлгани маъқул эди. Начора, омад кетгач, фалакдаги ой ҳам юз ўгирар экан. Дарёнинг икки томонидан шовқин солиб, қичқириб, тинимсиз оловли ўқ ёғдираётган ёғийлар дарё юзида қатор тизилиб, оқим бўйлаб сузиб бораётган кемаларни қий-чув қилишиб қувиб келишарди. Кемалардаги қурооллари шай жасур йигитлар ҳам обдон мўлжални олиб, уларга ўқ узишар, оломондан қайбирининг ўмбалоқ ошганини, кўксини чангаллаб, йиқилиб қолганини кўришарди. Ярим тунда яна жанг авж олиб кетди. Сардор Кўҳистонийнинг тинимсиз ўқ узаётганини кўрган йигитлар кеманинг икки томонига қатор тизилиб, унга қўшилиб, камонларини ишга солиб, душманга талафот етказа боришарди. Лекин тинимсиз жанг қилиб, сузиб бораётган охирги кема бирдан ағдарилиб, одамлар сувга тўкилиб тушди. Бу фалокат хабари шу заҳоти Темур Маликка етказилди. Ким устидаги салоҳларини ечиб ташлолмай ғарқ бўлди, ким душман кўринмаган томонни мўлжаллаб қирғоқ сари сузди. Кемадаги дўстларидан ажралган Шоҳмурод Кўҳистоний ҳам кимсасиз чап қирғоқни мўлжаллаб сузиб кетди. У сузиб бориб, дарё четидаги бир тош қиррасини ушлади, ярми сувда, дарё оқимига тикилди. Хўжанд кемалари анча узоқлашиб кетган эди. Энди саркарда орқасидан юриб, етиб бормоқ мушкул. Энди тоғма-тоғ ошиб, Шуроб ва Гарм орқали Қалъай Хумбга етиб олмоқ ва бунда одам тўплаб, яъжуж-маъжужлардан тоғлиқларни ҳимоя қилмоқ даркор!...

Кийим ва салоҳларини ғарқ бўлаётганида ечиб ташлаб, ярим яланғоч қолган Шоҳмурод Кўҳистоний бир амаллаб тош устига чиқиб, дарахт илдизига тирмашди. Юқорига кўтарилаётганида тепада пойлаб турган қандайдир икки киши қўлтиғидан ушлаб, тортиб олди. Кўҳистоний ҳайрон бўлиб, икки «халоскорга» кўз ташлади: ой нурида уларнинг қозон қопқоқдек ясси башаралари хумрайиб турганини

кўрди. Улар ўз тилида бир нимани гўдиллаб гаплашишди. Бу гапга Кўхистоний мутлақо тушунмади. Улардан қўлини тортиб олиб, даштга қочиб мўлжаллаган эди, улар Шоҳмуроднинг қўлини куч билан орқага қайириб, тепиб, ерга ётқизишди-да, бири ўз белидаги арқонни ечиб олиб, унинг қўлларини маҳкам боғлади. Ердан тургазиб, олдиларига солиб, ҳайдаб кетишди.

Қалъадан уч чақиримча нарида қўлга тушган Шоҳмурод Кўхистонийни ҳайдаб бораётганларга дуч келган шу орада қилич ушлаб чопиб юрган босқинчилар «яхши инъом оладиган бўлибсизлар...» деб, туртиб кетишарди. Сал юришгач, от чоптириб келаётган икки отликқа дуч келишди. Улардан бири яланғоч ҳайдаб кетилаётган одам ёнида оти жиловини тортиб, унга тикилди. Бир нима деб бўрига ўхшаб увиллаган эди, олдиндаги суворий ҳам оти бошини буриб, асир ёнига келди. Биринчи отликнинг кийимидан ўзларининг нўёнларини таниган сарбозлар унга итга юзасидан қотиб қолишди. Биринчи отлик асирга тикилиб, кўзига танишроқ кўриндими, отдан тушиб, жуда яқин келиб қаради у ўз тилида нимадир деди. Шоҳмурод Кўхистоний ҳам уни дарҳол таниди — бу Улоқ нўён эди. Иккинчи мўғул ҳам отдан тушиб, ой нурида Кўхистоний юзига боқди-да, сарбозларга нималарнидир тайинлаб, яна отга миниб шитоб билан дарё оқими сари чопиб кетишди.

Қилич яланғочлаган икки сарбоз сардор Шоҳмурод Кўхистонийни қалъага олиб келиб, дарбоза ёнидаги отхонага олиб киришди. Эрталабгача икки сарбоз отхонада Кўхистонийни пойлаб чиқишди. Унга сув ҳам беришмади. Бу отхонага илгари сардор Кўхистоний икки-уч бор кирган эди. Худди шу ўтирган ерида унинг «Кўк бургут» оти, нарироқда саркарданинг «Қарчиғайи» боғлоғлиқ турарди. Қисматни қарангки, ўз оти охури ёнида ўзи банди бўлиб турибди. Қани энди шу лаҳза Кўк бургут бўлиб қолсаю, бир лаҳзада икки сарбознинг кўзини ўйиб, тоғ томон учиб бориб, Қалъайи Хумб аҳлини, ёш бекни, ҳаммани босқинчиларнинг ваҳшийликларидан огоҳ этса, уларни бир томчи қон қолгунча жанг қилмоққа даъват этса...

Шу бўйи Кўхистоний бир ҳафта бунда қолиб кетди. Унинг қўлларини ечиб, сув ва хўрак беришди. Шоҳмурод нўёнлар Темур Маликни қувиб, Жандгача борганини, қумда қаттиқ жанглари бўлаётганини, Темур Маликни ушлаб олиш учун ёғийлар қўлларидан келган бутун тадбир-чорани қўллаётганини тахмин қилди. Бўлмаса ўзини таниб қолган Улоқ нўён дарҳол чақиртириб, ўлимга ҳукм этиши, балки ўз қўли билан чопиб ташлаши аниқ эди. Чунки Улоқ қўлга тушганида Шоҳмурод уни чопиб ташлашни таклиф қилган, Темур Малик уни қўйиб юборган эди.

Бир ҳафтадан кейин Шоҳмурод Кўхистонийни ўша икки сарбоз Сўқту нўён ёнига олиб кирди. Юқорида сарғиш, икки ёноғи туртиб чиққан, кўзлари қисик Сўқту нўён икки-уч қават намат устига ташланган йўлбарс териси устида ўтирарди. Унинг ёнида бир кўзини қалин латта билан ўраб олган, лунжлари шишган, семиз Улоқ нўён чордана қурганди. Бу ер Темур Маликнинг нақш-нигорли хонаси — Дорус салтана эди. Сарбозлар унга нимадир дейишди. Кўхистоний тушунмай каловлини турган эди, ёнида қўл қовуштириб турган чўққи соқол бир одам таржима қилиб тушунтирди:

— Тиз чўкиб ўтир!

Шоҳмурод Кўхистоний «Дорус салтана» эшиги ёнида росмана чордана қурди. Унинг ўтириши Сўқту нўён ўтиришига жуда ўхшарди. Тилмоч «тўғри ўтир!» деб хитоб қилган эди, нўён қўли билан «қўябер, қандоқ ўтирса ўтираберсин» деган ишорани қилди. Шундан сўнг, юқорида ўтирган Сўқту нўён бир нима деди. Тилмоч Кўхистонийга қараб, унинг сўзини айнан айтди:

— Сен кимсан? Мансабдормисан?

— Хўжанд сарбозлариданмен.

— Йўк, у сарбоз эмас, у катта мансабдор! — деди Улоқ нўён. —

Мен асирликда уни Темур Малик ёнида кўрганман. У мени ўлимга ҳукм этган, лекин Темур Малик мени ўлимдан ҳам оғир жазога ҳукм қилди — қўйиб юбориб, шарманда қилмоқчи бўлди. Чингизхон гуноҳимдан ўтди. Мана Темур Малик ўқ отиб, чап кўзимни кўр қилди. Мен бир кўзим билан ҳам сени таниб турибман!

— Отинг нима?! — дўқ уриб сўради Сўқту.

Сардор бир лаҳза ўйланиб, Сўқтуга бақрайганча қараб қолди. Кейин уларни алдашдан манфаат йўқлигини, агар қалъадан олиб чиқиб, тўғри келган бир хўжандликка кўрсатса, айтиб беришини ва умуман ўз исмини яшириш бефойдалигини ўйлаб, тўғрисини айтди.

— Сардор Шоҳмурод Кўҳистониймен, — деди фахр билан. «Сиз, босқинчиларга кўп талафот етказганлардан бири ҳам мен бўламен», деган гапни дилидан ўтказди.

Сўқту нўён билан Улоқ нўён бир-бирларига қараб қўйишди. Тилмоч ҳам асир ўзининг илгари катта мансабдор эканини тан олганидан хурсанд бўлди. Чунки бундай «катта ўлжа»ни қўлга туширишгани ҳақида Чингизхонга, Чигатой, Удэгейга хабар етса, нўёнларнинг обрўси ошарди. Улоқ нўённинг кўр кўзи, юзидаги шиш оғриқлари ҳам бир лаҳза сезилмагандек бўлди. Бир гувраниб, ўтирган ерида мамнуният билан Кўҳистонийга тиржайди. Сўқту нўён бўлса, сохта мулоийм бўлиб, савол берди.

— Биз яхши сардор, баҳодир жангчиларни қадрлаймиз. Бизга хизмат қилсанг, илгариги мансабингда бўласан. Темур Малик қум ичига қочиб кетди, энди ундан умид узавер. Бизга ўтиб, хизмат қилсанг, ҳаётингни сақлайсан, яна илгаригидай обрў-эътибор топасан.

Сардор Кўҳистоний ўйланиб, жим бўлиб қолди. Бу ҳам нўёнларга ёқди. Чунки Ўтрорда қўлга тушган кўпгина мансабдорлар мўғуллар томонига ўтишдан олдин мана шундай ўйланиб, сукут сақлашарди. Асирлар терс жавоб бериб, юртига хиёнат қилмаслигини пайқаган ёғийлар гапни чўзиб ўтирмай, тезда масалани ҳал қилиб қўяқолишар эди. Тоққа, Қалъай Хумбга қочиб, укаси Элмурод билан бирга қўшин тузиш Шоҳмурод Кўҳистонийнинг сўнги илинжи эди. Шу сабабли имкон топди дегунча қочиб кетиш ниятида сукут сақлади. Узил-кесил фикр айтишдан ўзини тийди. Эҳтимол, у, вақтни бир-икки кунга чўзсам, Муҳаммад Интизомни топиб, унинг кўмагида Бадахшон томон қочарман, деб умид қилгандир.

— Яна бир ўйласин, — Сўқту нўён, сардорнинг мўғул томонига ўтишга хоҳиши бор-у, аммо одамлар ўртасида «хоин» деган номни олмаслик учун индамай турибди, деди. Кейин икки сарбоз Кўҳистонийни ташқарига олиб чиқиб, отхонага эмас, қалъа ичидаги кичик хоналардан бирига олиб кириб, овқат беришди. Сардорнинг илтимосига кўра, чой ва эгнига кийим ҳам беришди. Енига кирган тилмочга: «Мен Хўжанд ҳокимидан кейин турадиган мансабдормен. Қалъа бошлиғимен. Мени Хўжанд аҳли яхши танийди. Мен, нўённинг сўзи хусусида чуқур ўйлашим керак. Буни бориб айт! Мен уч-тўрт кун ўйлашим даркор. Агар нўён шовша, мени ўлдирар беринглар, тақдиримга тан берамен», — деди.

— Албатта, мен бу сўзингни нўёнга айтаман. Шошилиш не керак, — деди тилмоч, — сиз каби мартабали одамни ўлдирувга мумкин эмас! Агар биз томонга ўтсангиз кўп ақлли иш қилган бўласиз. Эҳтимол, нўён амри ила яна ўз қалъангизга ҳоким этилурусиз.

Шоҳмурод Кўҳистоний тилмочга тикилиб қараб турарди. Дарё ичидаги истеҳкомда эканларида қўлга тушган Кучумга ҳам жуда ўхшаб кетарди. Унга «тўрт томонинг қибла, кетабер!» дейишганида, либосларини қўлга ушлаб сувга ўзини ташлаб, ғойиб бўлгани кўз олдида келди.

Эртасига қалъа хонасида ёлғиз ўтирган Кўҳистоний ёнига яхши либослар кийиб, обдон безанган, бармоқларида тилла нигин, бўйнида марварид, кўзларида сурма... ёш бир жувонни киритишди.

— Кимсен? Отинг нима? Нега сени юбордилар?! — деди кўзлари

ола-кула Кўхистоний, бу разолатдан жирканиб. Бундан кўра ўлдириб қўяқолганларида, қутулган бўларди. Хўжандга ота бўлган сардор энди Хўжанд қизлари билан ишрат қуриши керакми? Кўз олди-га ўз қизлари келди. Вечора қизлар, ваҳшийлар қўлига тушгандан кўра, опа-сингил ўзларини қалъа кунгурасидан ташлашни афзал кўришди. Шўрликларнинг бу дунёдан кўзлари очиқ кетди... Мехрибон, мушфиқ кексайиб қолган хотини-чи?! Муҳаммад Интизом уни «тоғ оралиқларига — хешларини паноҳ тортиб қочи-чиб кетди» деганича ном-нишонсиз кетиб боради...

— Мен — Зебомен, ҳазрат. Яшириниб юрибмен... — деди хаёл суриб жувон. Унинг хаёли паришон, ҳуши ўзида эмас эди. — Менинг бегим душман қўлига тушиб қолди. Уни сўйиб ўлдирмасинлар, деб айтганларини қилиб юрибмен...

— Бу ердан кет.

— Ҳазрат... — У ўрнидан туриб эшикка чиқиб кета бошлади. Ҳеч нарсага тушунмаган тилмоч билан икки соқчи бир-бирларига қарашди.

— Сизга шарбат киритарлар, ичингиз, эртан суйлашарбиз... — дея тилмоч билан соқчилар чиқиб кетишди. Кўхистоний ичкарида ёлғиз қолди.

Хўжа Идрис Кубаронинг: «Қазосига рози бўл, балосига сабр қил» деб такрор-такрор айтиб юрадиган сўзлари Кўхистоний ёдига келди. У, мана, бир-икки кундан буён қалъадан чиқиб тоққа қочиш режасини тузади. Тунда, хона эшигида қоровуллик қилаётган сарбозни уриб, сулайтириб, унинг кийимлари, аслаҳа-қуролини тақиб, қалъанинг отхонадан ташқарига чиқадиган йўлагига бориш, биронта отга миниб, тўғри келган душманни қилич билан чопиб, шаҳардан чиқиб кетишни ўйлайди. Агар у отга миниб, қилич яланғочлай олса, бир неча душманга сўз бермай, бу ердан чиқиб кетишига ишонарди. Асирнинг уч-тўрт кун муддат сўраганидан айёрлик, деб шубҳаланаётган тилмоч унинг ёнига қутилмаганда тез-тез кирар, гўё у билан гаплашиб ўтирмақчидай атрофида айланишарди. Баъзан унинг кўнглини билиш учун мўғулларни ёмонлар, уларни ваҳшийликда айблашгача бориб етарди. Бу билан тилмоч Кўхистонийнинг юрагига қўл солар, кўнглидаги гапни сиртига чиқариб, буни нўёнга айтишини ҳам сардор биларди. Тилмоч «Сиз ақлли сардорсиз», деган гапни ҳадеб ишлата-бергач, Шоҳмурод Кўхистоний бир ҳикматни унга эслатди:

— Ақллилик бор, айёрлик бор... Уларни бир-бирига қўшиб бўлмайди. Бири — туғилган юрти манфаатини, иккинчиси ўз манфаатини кўзлайди. Ипак қурти ҳам, бузоқбоши ҳам қурт, кўринишда улар бир-бирига ўхшайди. Бири инсонга ипак беради, иккинчиси унинг ризқи бўлган дарахт илдизини кемириб, қуритади. Шундай! Ҳозирги одамлар ҳам икки хил: бири — юртини сотган, иккинчиси — юртини ҳимоя қилади. Сен қайси бирига кирасан?

— Сен ўзинг-чи? — деди ранги оқариб, титраб кетган тилмоч.

— Меники аниқ!

— Эртага сени ўлдирарлар! Тушундингми?!

— Йўқ, ўлдирмайдилар! Эртага кўрасан! Мен ўз сўзимни Сўқту нўёнга айтаман, сенга эмас!

Тилмоч ранги оқарганча ташқарига чиқиб кетди. У қайтадан эшикни очиб, ичкарига кирди-да, «Сен итни Дамба қўлига топширарлар!» деб кўзини олайтириб, эшикни ёпди. Қоровуллик қилаётган соқчи нима бўлаётганига тушунмади. Шоҳмурод «Дамба» сўзини эшитиб, у жаллод бўлса керак деди. Ўлдирадиган бўлгандан кейин, жаллод ўлдирадими ёки Сўқтунинг ўзи ўлдирадими, бунинг нима фарқи бор?.. Энг муҳими, шу бугун ярим тунда қочиш лозим. Бу фақат жонни сақлаб қолиш эмас, курашиш, укам Элмурод билан бирга она тупроқни душман оёғи остига ташлаб қўймаслик учун жанг қилиш демакдир! Бу — кўп воқеадан хабари йўқ Бадахшон элини оёққа тургазиш, эл жонини омон, бола-чақани саломат сақлаб қолмоқ демакдир! Биз, тоғлиқлар ҳеч қачон жанг майдонидан қочган эмасмиз.

Аммо ҳозирги дамда мен душман қўлидан сирғалиб чиқиб, тоққа боришим қарзу фарз!

Ярим тунда сардор ердан топиб олгани чинни парчасини қўлига олиб, ёввойи мушукдек пусиб, эшик ёнига чиқди. Яланғоч қиличини тиззасига қўйиб, деворга суяниб ухлаб ўтирган соқчига қаради. Кўкда ярқираб, кемада сузиб кетаётганларни душманга кўрсатиб қўйган «хиёнаткор ой» ҳам аллақачон ғарб уфқига оғиб кетган эди. Лекин, бари бир атроф ғира-шира ёруғ, киши кишини яқиндан таниб олмоғи мумкин эди. У ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмай, дарҳол соқчи тиззасидаги қиличини олиб, бир зарб билан уни тинчитди. Шоҳмурод дарбоза томонга бормай, қалъа деворига чиқиб, кунгура бурчагидаги наҳрадан сирғалиб тушиб кетишни мўлжаллади. Бу ерда наҳра борлигини биларди. У шарпадек ўша ерга бориб, қалъа деворига чиқди. Кунгура билан девор бурчаклашадиган ерда пастга туша бошлади. Беш-олти газ юқориликдан ерга ўзини ташлади. Аммо ўн қадамча нарида турган посбонларга кўзи тушди. Ўзини четга олмоқчи бўлган эди, посбонлар сезиб қолиб, ўзларини у томон уришди. Ўртада қиличбозлик бошланиб кетди. Улар кўплашиб ялангоёқ Шоҳмуродни атайин оёғидан жараҳатлаб, ерга йиқитишди-да, қўл-оёғини боғлаб, тепкилаб, яна қалъага олиб кириб, отхонага ташлашди.

Энди ўлим аниқ бўлди. Тонг отиб, ҳаммаёқ ёришгач, отхонага тилмоч кириб, ерда ётган Шоҳмурод Кўҳистонийга истехзо билан боқди.

— Сенда калла бўлганида шу ишни қилармидинг?! — деди ёнидан пичоғини чиқариб Шоҳмуродга яқинлашиб. Шоҳмурод Кўҳистоний, менинг қотилим шу экан, деб ўйлади. Лекин тилмоч унинг оёқ-қўлини сириб боғлаган тизимчаларни пичоқ билан кесиб, уни бўшатди. — Мен сени озод этмоқчи эмасмен, бундай қилсам, хоин бўламан. Хотиржам бўла бер! Биз сени одамларингга кўрсатиб, катта душманларимизни қандай ўлдирган бўлсак, шундай ўлдирамиз. Чингизхон саркардалари қўлидан ҳеч ким чиқиб кетган эмас! Сен ҳам қочиб қутулолмайсан! Сенга биз ўз шахрингни қайтариб, хонга хизмат қилгин, дедик. Сен бунга унамадинг. Энди Дамба қўлига топширилсан, у ҳамманинг кўз-олдида нима қилишини ўзи билади! Еки бизга хизмат қиласанми? Ўлим олдида озгина ақлинг киргандир? Мен сени нўёндан сўраб олмоғим мумкин.

Шоҳмурод Кўҳистоний қаноти синган бургутдек девор тагида ётганича кўзларини катта очиб, унга тикилиб тураберди.

— Розимисан, йўқми?! — у зарда билан ерни тепди.

— Бекор айтибсан! Мен сенга ўхшаб ўз халқи эркини сотадиганлардан эмасмен!

Тилмоч энди бутунлай сурбетликка ўтди:

— Олтинларингни, қимматбаҳо тошларни қаерга яширгансен?!

— Мана бу ерга! — дея кулди Шоҳмурод, қорнидан пастини кўрсатиб.

— Сенга ўхшаганларни қорнини ёрдик. Гавҳарларни ютиб юборган экан, Чингизхон уларнинг қорнидан қимматбаҳо тошларни олди. Сенинг ҳам қорнингни ёриб, гавҳар тошларни оламиз!

Шоҳмуроднинг кўзи олдида қоринлари ёрилиб, ундан гавҳар қидирилган Хоразмшоҳ вазирларининг пажмурда гавдалари келди-да, эти сесканиб кетди. Агар у Темур Маликка сотқинлик қилиб, душман томонига ўтганида, бундай кўргиликлар йўқ эди унга. Босқинчилар унинг обрўсидан фойдаланмоқчи эдилар. Бўлмади. Энди у «тиқ» этса, эшикка ҳадиқсираб қараб, ўлимини кутиб ётишга маҳкум эди. Кечгача ҳеч ким кирмади. Аксинча унинг олдида қотган нон, сув олиб кириб беришди. Одамларни тўплаб ўлдирадиган бўлса, бу иш тунда эмас, кундузи бўлади, деди у фикран. Асабу қўрқув уйқу бермаса керак деган эди, негадир ўз қишлоғини, тоғни, ёшлиklarини, тоғдаги қадрдон дўстларини хотирига келтирди. Сал кўзи илинган экан, кекса онаси келиб, тепасида турган эмиш. Шоҳмуроднинг бошини кўксига

босиб, эркалармиш... У, йигитлик вақтлари, булоқлар, чўққилар тепасида айланган бургутларни эслаб, хаёл сурди. Кўзи илиниб ухлади ҳам. Чап оёғининг лат еган жойининг оғриғи уни уйғотиб юборарди. То азонгача шу аҳволда тонг оттирди.

Эрта билан унинг ёнига қилич яланғочлаган икки сарбоз ва кечаги тилмоч кирди.

— Сўнги муддат етди. Ўрнингдан туроласанми ёки қўлтиғингдан кўтаришсинми?

— Ўзим юрамен! — Шоҳмурод Кўҳистоний ўрнидан туриб, оёғи алам берса ҳам, чўлоқланиб, қийналиб, ташқарига чиқди. Қалъа ҳовлисидан ўтиб, ташқарига, катта майдонга олиб ўтишди. Бунда юзларча одам тўпланган, душман отлиқлари орқасида туришарди. Улар мажбуран ҳайдаб келинган хўжандликлар эди. Бу одамлар ичида мўйсафид, қўлида асо ушлаган Муҳаммад Интизомга ҳам кўзи тушди. Кекса хўжандликлар ёнидан ҳайдаб олиб кетишаётганида, у атайи Муҳаммад Интизомга эшиттириб, «Саломимни саркардага етказинглар, Қалъайи Хумбдаги қариндошларимга ҳам...» деди. Уни майдон ўртасида турғазиб қўйиб, Сўқту билан Улоқ нўёнларнинг келишини кутишди. Мўғул отлиқлари ёнида тери шим кийиб, яланғоч турган йўғоң, япалоқ ва бадбашара мўғулга кўзи тушди. Майдонга тўпланганлар бу бадбашарадан кўра ҳам Шоҳмурод Кўҳистонийга тикилишиб, кўзларига ёш олишар, ерга қарашарди... Асирликдаги авом катта мансабдорларини душман қўлидан қутқариб олишга ожиз эди. Муҳаммад Интизом Шоҳмурод Кўҳистонийнинг айтган сўзларини эшитди. Сўқту билан Улоқ нўёнлар отда қалъадан чиқиб, майдон ўртасида бошини баланд кўтариб турган Кўҳистонийга қараб кулишди. «Ҳамма мансабдорларнинг аҳволи шундоқ бўлади. Сенинг биз билган Темур Малик, Хоразмшоҳ, Жалолиддин, Шаҳобиддин Хивақий ва бошқа мансабдорларингнинг ҳоли ҳам шундоқ бўлади!» деди. Бу гапни тилмоч тўпланиб турган авомга баланд овозда маълум қилди. Сўқту нўён майдон четида кўзига қон тўлиб турган сўйлоқ тиш, бадбашара Дамбага ишора қилди. Дамба битта-битта қадам ташлаб, кўзларини ола-кула қилиб, Шоҳмурод томон кела бошлади. Шоҳмурод бу жаллоднинг қўлида қурол йўқлигини кўриб ҳайрон бўлди. Барзанги, сардорнинг елкасига ранг солиб, итга ўхшаб ириллаб, тишларини кўрсатган эди, Қўҳистоний мўлжаллаб туриб, унинг энгагига мушт билан чунонам урдик, Дамба орқасига гандираклаб бориб, ўртада ўтириб қолди. Атрофда турган хўжандликлардан бири жонҳолатда қичқирди: «Сардор, бу одамхўр худди қашқарга ўхшаб томоқни тишлайди, жағига тепинг!» Отлиқ сарбозлар хўжандликнинг нима деётганига тушунмади-ю, аммо уни қамчи билан уриб, «бақирма» деб дўқ урди. Сўқту бу ҳодисани завқ билан томоша қиларди. Дамбанинг ўтириб қолгани ҳам ёқди, у энди жон-жаҳди билан «курашга» тушишидан умидланарди. Дамба ўрнидан туриб келиб, Шоҳмуродга яна ёпишди. У тишларини иржайтириб, қурбонининг кекирдагини мўлжалларди. Бу гал Шоҳмурод тиззасининг кўзи билан Дамбанинг човини мўлжаллаб урди, у оғир гавдаси билан чайқалиб, ихраганча орқасига тисланди. Оғриққа чидолмай, човини ушлаб, хўкизга ўхшаб бўкириб юборди. У қуни кечагина худди шу вақтда қўлган тушган хўжандлик сарбоз — паҳлавонлардан бирини тўғри бориб, қучоқлаб, бўйинини ғарчча тишлаб, кекирдагини узиб ташлаган эди. То қурбони жим бўлмагунча Дамба унинг тепасида икки қўлини ёзиб, қузғундай айланиб юрар эди. Қурбони жимиб қолгач, нўён олдига бориб, тухфа оларди. Ҳозир унинг ўтқир тишлари Шоҳмурод бўғзига теголмаётгани, уни енголмаётганидан дарғазаб, човини ушлаб бўкирарди. Агар у енгилса, нўён югуриб келиб, ўзини чопиб ташлашини биларди, шунинг учун ҳам қандай бўлмасин, рақибини маҳв этишга интиларди. Шовини ушлаб, бўкириб турган Дамба, кутилмаганда Шоҳмуродга ташланиб, уни қаттиқ қучоқлаб олди-да, шу лаҳза томоғини тишлаб, кекирдагини ғажиб, катта бўлак этни узиб ташлади. Қонга беланган

Шоҳмурод ерга йиқилди-ю, жон берди. Оғзи қон Дамба ерда ётган сардор атрофида «қанот қоқиб» бир-икки айланганда, кейин Сўқту нўёндан инъом олгани бир қўли човида, оғзидаги қонни туфлаб ташлаб, бораётган эди, қаёқдандир учиб келган ўқ унинг орқа кураги остига қадалди. Дамба ерга қулаб, шу лаҳза тил тортмай ўлди. Бирпасда майдонда тўс-тўполон кўтарилди. Лекин ўқни ким отганини ҳеч ким билолмади. Сўқту билан бир кўзли Улоқ отлари бошини буриб, қалъага кириб кетишди. Ўзларига ҳам шундай ногаҳоний ўқ қадалишидан қўрқишди. Дарҳақиқат, яна бир ўқ шиғиллаганча Сўқту қулоғи тагидан ўтиб, қалъа дарбозасига санчилди. Ур-ур, сур-сур, олатўполон бошланиб, одамлар тўрт томонга қоча бошлашди. Бир лаҳзада майдон бўшаб қолди. Бу олатўполонда Шоҳмурод Кўҳистоний жасади ҳам ғойиб бўлганди. Лекин Дамбанинг жасади кечгача бунда ётди, кечга бориб уни вабода ўлганлар кўмилган ҳандаққа ташлаб, устидан тупрок тортишди.

Шу куни ярим тунда Муҳаммад Интизом кишилари ёғийлар шубҳа қилмайдиган тақачи йўлагига сардор жасадини ювиб-тараб, Хўжанд қабристонига кўмишди. Ногаҳоний отиладиган ўқлардан қўрққан Сўқту билан Улоқ илгаригидай хўжандликлар ичида, отда ғўдайиб юришдан ўзларини тийишди. Ўш, Ўзган, Ахси... томонларга юришни вақтинча тўхтатишди.

Муҳаммад Интизом дарёда кема ағдарилганидан хабар топган эди-ю, аммо сардор Шоҳмурод Кўҳистоний душман қўлига тушганидан мутлақо беҳабар эди.

У жуда ачинди, хабар топганида қутқариб қолишнинг иложини, албатта қилган бўларди. Кўнгли ғаш бўлиб, саркарда Темур Маликдан ташвишлана бошлади. У кўп хаёлга бориб ўтирмай, кеча икки айғоқчи йигитини — уларга қора лас билан хат ёзиб, Зарнук қалъасига йўллади. Чунки Барчинликентда дарёдан чиққан саркарда Зарнукда тўхтаб, ундан Нур ва Дархон ота орқали Гурганжга ёки Митан ва Қорадарё орқали Самарқанд яқинидаги Катвон даштига бориши лозим эди. Ҳарқалай, саркардани топиб, Хўжандда босқинчилар мутлақо қарор топмасликларини, халқ душманга пайдарпай зарбалар бераётганини, хўжандликлар саркардага содиқ эканликларини ва охирида Шоҳмурод Кўҳистоний қатл этилганини ҳам айтишни топширди.

Бешинчи қисм

В а т а н г а д о л и к

Қирқ бешинчи боб

Занжирбанд дарё

«Кучли жанг, оловли тийри-барон билан Темур Малик сарбозлари ўз кемаларида Жанд шаҳри томон сузишди. Душман буни пайқаб, Жўжи ва Чигатойлар фармонига мувофиқ Хўжанддаги зобит нўёнлар, дарё устига занжир тортиб, мустаҳкам тўсиқ қурдилар. Темур Малик бу тўсиқни узиб ўтиб, Жанд шаҳрида қирғоққа чиқди. Шундан сўнг Қизилкум орқали Хоразмга жўнади. Орқадан таъқиб этиб келаётган душманни йўл-йўлакай чопиб, камондан ўққа тутиб пароканда этди, мўғул сардорларидан бирининг кўзини кўр қилди. «Яна икки ўқ-ёйим бор, икковингизга ҳам етади! Яхшиси, орқага қайтинглар!» деб хитоб қил-

Дарёга икки қават йўгон занжир тортилганини аввалдан пайқанган Темур Малик бош кема тумшугига темирчиларнинг оғир сандонини, тиғи обдон тобланган икки катта болта қўйиб олган эди.

Орқадаги кеманинг ағдарилиб, Шохмурод Кўхистоний бошлиқ сарбоз йигитлар фарқ бўлганидан хабар топган саркарда қаттиқ ташвишга тушди. Хўжа Идрис, Қанғли Арслон билан Сардор Олабуқа: «Сайхун дарёмиз ўзимизни ютмайди!» деб унга таскин беришди. Аммо у гаплар бўлаётган пайтда қадрдонини қирғоқда мўғуллар ушлаб олганини, уни қийноқларга солишини, азоб билан ўлдиришини хаёлига келтирмас, келтиришни истамасди ҳам.

Тун. Тўлин ойнинг дарё тепасида ўз жамолини намойиш қилиб ярқираб туриши Темур Маликнинг ғашига тегар, ҳатто ғазабини қўзғатарди. Кемадан туриб, ўнг қирғоқда ёғий суворийлари, пиёдалар югуриб юргани ойдинда яққол кўринарди. Оловли ўқлар галаси дарё томон шигиллаб учиб, қатор сузиб кетаётган кемаларни, ундаги одамларни янада яққолроқ кўрсатарди. Истеҳкомдан чиққандан сўнг уч фарсахча сузишгач, дарҳақиқат, сув юзида қалқиб турган узун занжирга кўзлари тушган кичик кемадаги сарбозлар, уни саркардага кўрсатишди. У болтани қўлига олди. Иккинчи болтани девқомат Олабуқа олди.

— Занжирни сандон устига кўтариб бўлмайди, — деди Темур Малик, — шундоқ урамиз!

— Маъқул, — деди қисқагина қилиб Олабуқа.

Олдинги кема занжирга яқинлашгач, Темур Малик катта болтани боши узра кўтариб зарб билан урди, қирқ киши ўтирган катта кема қалқиб кетди. Кема ёнламасига бурилаётганида, Олабуқанинг зарби билан икки қават занжир ҳам узилиб, кемалар равон оқиб кетишди. Темур Малик болта занжирни кесолмаса орқадаги кемалар етиб келиб, бир-бирига урилиб, ағдарилишидан қўрққан эди. Хайрият, болталари панд бермади.

Кемалар ўз суръатини бузмай, илгаригидай равон оқишда давом этишди. Бу ҳолни кўрган душман сарбозлари ҳангу манг бўлиб, кемалар кетидан итдай ҳаллослаб чопа бошлашди. Сўқту билан Улоқ нўёнлар энди Жўжию Чигатой олдида дамлари чиқмай ўтирадиган бўлишди. Бу занжирни тайёрлаш учун улар қанча овора бўлган эдилар. Икки зарб билан режалари чиппакка чиқди!

Тонготарда улар дарёнинг икки томони дашт, дам торайиб, дам ёйилиб оқадиган Нав ва Куркат қишлоқлари рўпарасидан ўтишди. Лекин бари бир дарёнинг икки томонида тилини осилтириб, тўда-тўда ёғийлар югуришар, кемаларга қараб тинимсиз ўқ узишарди. Оловли ўқлар бўрони то Жанд шаҳри остоналарига етиб боргунча тўхтамади. Эртасига яна кун бўйи сузиб, тонгга яқин саркарда учун қадрдон бўлган Жанд шаҳрига етиб келишди. Кемаларни сўл қирғоқда тўхтатиб, қурол-аслаҳа, озиқ-овқатларни шитоб билан қирғоққа олиб чиқишди. Сарбозлар бу ишни шу даражада тез бажаришдики, саркарда ҳам, бошқа саркардалар ҳам ҳайратланишарди. Кемаларни боғламай, оқизиб юборишди. Фармон шундай эди. Душман қўлига тушгандан кўра Дашти Қипчоқ томон оқиб кетгани маъқул. Хўжа Идрис Кубаро оқиб кетаётган бўш кемаларга ачиниб, маъюс қараб турарди.

Сўл қирғоққа от чоптириб келган бир тўда ёғийлар билан қисқагина жанг қилиб, пиёда, жондан тўйган, дарғазаб хўжандликлар душманнинг деярлик барчасини чопиб ташладилар. Фақат икки отлиқ орқасига қараб қочди. Хўжандликлар бир миқдор қурол-яроғ,

¹ «Тойеро-монголы в Азии и Европе». Москва, изд. «Наука», 1977 г., 127 с.

ўлжаларини олиб, жароҳатланиб, даштда қолган баъзи отларни қўлга киритишди. Шу тариқа, улар Жанд шаҳрида бир лаҳза ҳам тўхтамай, оғир юкларни отларга ортиб, Чордара даштига қадам қўйишди. Дашту кум йўллари билан Катвонга етиб боришни кўзладилар. Аммо Катвон мағлубияти хабари ҳам Муҳаммад Интизом одамлари орқали иттифоқо саркардага етиб келган эди. Кейинги бир номада Жалолддин уни Жайхун бўйида кутажагини маълум қилган эди.

Темур Малик сарбозлари уч юз қирқ баҳодир (бу ҳисобга саркарда дарёда ғарқ бўлган Шоҳмурод Кўҳистоний кемасидаги қирқ кишини ҳам қўшади), қирғоқда бўлган қисқа жангдан кейин, Жанд шаҳрини четлаб, Қизилқумга кириб, Томдибулоқ томон шитоб билан йўлга тушди. Икки жароҳатланган сарбозни, Хўжа Идрис, Шаҳобиддин Хивақийни отларга миндириб, саркарда ўзи пиёда юрди. Дарёдан омон-эсон чиқиб олганига қувонган йигитлар мешларга обдон сув тўлдириб, ўн от олдинда, узун сафга тизилиб, қум ичига кириб боришарди.

Кун ботишга яқин Жанд томонда гард намоён бўлди. Саркарда тўхтаб, ўз сарбозларига жангга ҳозирлик кўришни буюрди. Тўсатдан ёғийлар отда қувиб келиб, юз қадамча масофада туриб камондан ўққа тута бошладилар. Шу сабабли Темур Малик ўз сарбозларига бир ерга тўпланмай, сочилиб, камондан ўқ узишга фармон берди. Душман буларга тобора яқинлашар экан, сарбозлари сафларини зичлаб олишга уринардилар. Жанг чўзилиб, тунга кириб борарди. Жангни чўзиб, сувни эҳтиёт қилишни уқдирди Темур Малик. Душман эса ишни ўқ-ёй отишдан бошлаб, бир неча отлиқ қулагандан сўнг, яқин келиб, қиличбозлик қила бошлади. Жанг ярим кечагача чўзилди. У томондан ҳам, бу томондан ҳам анча-мунча сарбозлар ҳалок бўлишди. Шу жангда Хўжа Идрис Кубаро ҳам завоқ топди. Ярим тунда ёғийлар ярадор ва ўлганларни саҳрода қолдириб, орқаларига чекиниб, қочиб қолишди.

Саркарда бошчилигида Хўжа Идрис Кубарони расм-русумни жойига қўйиб, қумга кўмишди. Бошқа ҳалок бўлган сарбозларни ҳам қумга топшириб, яна йўлга тушишди. Темур Малик тонготарда душман орқадан қувиб келиб, яна жанг бошлашини тахмин қиларди. Шу сабабли Томдибулоқ сари юришни давом эттирди. Саркарданинг тахмини тўғри чиқди. Иккинчи жангда ҳам Темур Малик анча-мунча йигитларини йўқотди. Учинчи кунги жангда Шаҳобиддин Хивақий ҳам ҳалок бўлди. Улимларни кўп кўрган Темур Малик Хўжа Идрис билан Шаҳобиддин Хивақий тимсолида она-заминга садоқат, ўз халқига чексиз муҳаббат рамзини кўрди. Бу камсуқум, қариялар юрагида шунчалик жасорат борлигига Темур Малик билан бирга сардор Олабуқа, Қанғли Арслон, Ҳусайн Говлар ҳам тан бердилар.

Ниҳоятда ҳолдан тойган Темур Малик сарбозлари янтоқзор даштда тунаб, тонготаргача дам олишди.

Тонг билан яна гард намоён бўлди. Бу сафар Улоқ нўён сардорлигида икки юзга яқин мўғул отлиқлари қуюндек бостириб келиб, даштда яна чопди-чопди бошланиб кетди. Туш маҳалигача икки томондан бениҳоя кўп одам ер тишлади. Жанг тўполони ичида отга миниб олган Темур Малик билан елкаси қон Олабуқа, Ҳусайн Говлар тинимсиз қилич солишарди. Темур Малик уч-тўрт отлиқ ичида турган Улоқ нўённи таниб, камондан ўқ узди. Ўқ унинг соғ кўзига санчилиб, нўён ерга қулади. Лекин икки мўғул навқари сакраб ерга тушиб, нўёнларини отга ўнгариб қочишди. Темур Маликнинг ҳайқириб хитоб қилаётганини ҳам тушунишмади. Тирик қолган уч ёғий орқасига қараб, шаталоқ отганча қочиб борарди. Ҳусайн Говнинг елкасига қадалган ўқ унга анча азоб берди. Аммо у жароҳат оғриғини саркардага сездирмасди.

Бепоён қумлик. Атрофда янтоғу саксовуллар... Чопилган сарбозлар жасади қумга сочилган. Ким тўнгарилиб ётар, ким чўққайиб инграр, тўлғанар, жон талвасасида қийналарди. Отлар ҳам худди эгаларига ўхшаб, жон бериш қийноғида қимирлаб ётишарди.

Босқинчилар кетгач, Темур Малик, Қанғли Арслон, Иброҳим Дўлдай отдан тушиб, чўққайиб ўтиришди-да, ўз ватандошлари, қурбонларга тикилишди. Шаҳидларни қумга топшириб, яна йўлга тушишди...

* * *

Мажоли қуриган Темур Малик кўп юрмай, дўстлари билан биргаликда қумга ётиб, бир лаҳза бўлса ҳам, куч тўпламоқчи бўлди.

Қуёш аста уфққа чўкиб борарди. Темур Малик юзига пастаккина саксовул шохларини соябон қилиб чалқанча ётарди. Шериклари негадир миқ этишмас, гўё гаплашмоққа мажоллари етмас, умуман, гаплашадиган гапларининг ўзи йўқдай эди. Саксовул соясида ётиб, Темур Маликнинг кўзи илинди... Хўжанд, дарё ёқасидаги «Боғи насим»... Катта хоналардан бирида, қалин ипак тўшакда ётган Темур Маликнинг ёнига Нигина кириб келиб, саркарданинг елкасига чиройли бошини қўйиб, эркаланиб, анча вақтдан буён кўринмагани, унутиб юборгани учун ундан гина қилармиш. Темур Малик эса, ўзини оқлашга уриниб, менинг дунёда сендан бўлак севиқли кимсам қолмади. Ахсикат бегининг қизи — Қоракўз бека жангда ҳалок бўлди. Ойчечакни ёғийлар қўрган деворидан дарёга ташлаб ўлдиришди. Сен, ази-зам, ёруғ дунёда мен учун танҳосан. Сен бўлсанг...» дермиш.

Қуёш ботди. Аллақаерда чақалоқ бола йиғисига ўхшаб чиябўриларнинг овози эшитила бошлади. Мурдалар ётган томон югуриб, бир-бирларига бақиришган қашқирлар шовқини Темур Маликни уйғотиб юборди. На Хўжанд, на «Боғи насим» ва на Нигина... Саркарда бўм-бўш саҳрода, бир тепалик ортида тупроққа беланиб ётганини кўрди. У дарҳол ўрнидан туриб, ёнида ётган Ҳусайн Говни уйғотмоқчи бўлди. Елкасига қўл қўйди. Лекин у уйғонмади. Темур Малик сапчиб туриб, дўстини қимирлатиб, чақирди: «Ҳусайн, азизим, туринг! Йўлга тушамиз!» Ҳусайн Гов миқ этмасди. Унинг елкасидан қўл узатиб, бошини кўтармоқчи бўлди. Гавда қотиб қолган эди. У дарҳол Ҳусайннинг ёқасини очиб, елкасидаги жароҳатга қаради. Қуёш ботганига қарамай, ҳали анча ёруғ эди. Ҳусайннинг елкаси шишиб, қовоқлари бўртиб, юзи кўкариб кетганини кўрди. Бошқа шерикларини уйғотди.

— Бечора, — деди Темур Малик, ўз пешонасига қўли билан уриб, — мен қотиб ухлаб қолганимда қийналиб жон берибди. Номард ўқ учини заҳарга ботирган экан!

Тун бўйи Темур Малик дўстлари билан Ҳусайн Говнинг жасади тепасида бўлишди. Эрта тонгда уни қумга дафн қилишди.

Улар яна йўлга тушиш олдидан осиб олган кичик мешлардаги сувдан ичиб, қаттиқ нон танавул қилдилар. Хоразм, қайдасан, деб қум барханлари оша пиёда жўнаб кетдилар.

Қирқ олтинчи боб

*Чексиз даштда чексиз алам билан
кетаётган, қиличи синиб,
қалқони тешилган Темур Малик...*

Инсон бошига оғир мусибат тушиб, ғам билан эзилган кунларида унинг ёдига шодумон онлари келади. Бу онларнинг энг порлоғи — муҳаббат.

Саҳрода кетаётган Темур Малик хаёлида яна Нигина пайдо бўлди. У кунботарда, узоқ уфқдан бош кўтариб: «Менинг ёнимга тезроқ кел!» деб чорлаётгандай бўларди. Унинг бўйи булутларга теккудай бўлиб,

чексиз саҳрода манаман деб қад кўтариб турар эди. «Мен телба бўлиб қолдим, — деди ўзига-ўзи Темур Малик, — қиличи синиб, қалқони тешилган, мағлуб бир жангчи у гўзал раққосага нега керак?! Ўз юртини ҳимоя қилолмаган кимса кимга керак? Унинг энди гўзал Нигина ҳақида ўйлаши ва умуман бу дунёда бош кўтариб юриши мумкинми?! У Хўжандга янги бинолар, қасрлар, Сайхун устига кўприк қурмоқчи эди...

Қумда юз берган жангларда кўп сафдошларидан ажралди, баъзилари дарёдан чиқишдаёқ тўрт томонга тўзиб кетган эди. Қум бўронида қолиб Иброҳим Дўлдайни, Қанғли Арслонни, сардор Олабуқаларни ҳам йўқотди. Унинг ёлғиз ўзи қолди.

Икки ҳафта деганда либоси тўзиган, жулдур кийимда Темур Малик Қизилқум ичидаги Оқтоғ этакларидан ўтиб, Айтим деган чўпонлар қишлоғига етиб келди. Беҳудуд қумликлар ичида, олисдан бир неча пастак уйлари кўзга чалинган қишлоқ тепасида, бўйи булутга етиб, кулиб, яна Нигина уни чорлаётгандек бўларди. «Тезроқ келинг, саркарда. Мен сизга интизормен! Ҳар хил хаёлларга борманг, сизни ватандошим, баҳодирим, деймен. Сиз қўлингиздан келган ҳамма ишни қилдингиз! Сизнинг Хўжанд қалъангиз Чингизийларга ҳаммадан кўп, ҳаммадан кучли, қақшатғич зарбалар берди. Хўжанд жангида ёғийларнинг бели синди, силласи қуриди. Энди улар бошқа мамлакатга бостириб боришга мажоллари етмайди. Бу ишни сиз қилдингиз!» дегандек бўларди. Айни чоқда у Темур Маликка гинали қараб, ундан ўпка қилар, ёни юртимиздан қувиб юборишга кучингиз етмади сув бошидан лойқа эди... Сиз, олижаноб бўламан деб, Аҳмад ибн Мораз каби хоинларни вақтида жазоламадингиз. Лекин паҳлавон ҳеч қачон енгилдим, деб ўзини мағлуб ҳисобламайди... деб унга таъналар тошини ёғдиргандек чимирилиб қарарди гўё.

Темур узоқ уфқда, қизғиш булутлар остида рўёдек эласланиб, таъна қилаётган раққосага данг қотиб қараб қолди. Бу ҳол тушми, ўнгми? — дегандек атрофига аланглаб, беҳудуд саҳрога қаради, билагини чимчилаб кўрди. Йўқ, бу туш эмас! У рўпарада оқ кўйлак кийиб, ўзини имлаб чақираётган рўё томон интилди...

Рўпарадаги Айтим қишлоғига яқинлаша бошлади. Қишлоқ аҳли аллақачон даштда ёлғиз келаётган одамни узоқдан кузатиб турарди. Темур Малик чеккадаги биринчи хонадонга яқинлашиши билан четан аравалар, хашак ва таппи уюмлари ортидан чиққан уч-тўрт азамат йипит Темур Маликни ёқасидан тутиб, урмоқчи бўлиб турган эди, бошқа томонлардан югуриб келган кишилар уни ўраб, оломон бўлиб дўппослай кетишди. Темур Малик ортиқ чидаб тура олмай қаттиқ наъра тортиб, қиличини ғилофдан суғурди.

— Тўхтанглар! Эсингизни едингизми?! — Агар яна бир лаҳза қараб турса, ўлдириб қўйишлари мумкин эди. Кимдир мушт билан уриб, лунжини ёрди, кимдир бурнини қонатди.

— Бу, душман! Ана, қиличига қаранглар! Душманларнинг қиличи! Хўрак халтаси ҳам босқинчиларники!

— Мен душман эмасмен, хўжандликмен!

— Хўжанд? Қанақа Хўжанд? Хўжанд қолибдими?! — деди кекса бир одам, этиги қўнжидан пичоқ суғуриб. — Сенлар Хўжандни сотдиларинг! Сенлар саркарда Темур Маликни ўлдирдиларинг! Хоинлар!

— Йўқ, йўқ, бул душман эмас, биродарлар, бул одамни мен танийман, — деди чўзинчоқ юзли, кўк кўз бир кимса. — Бул киши Темур Малик! Ҳа, бу одам Темур Маликнинг ўзи-ку!

Оломон данг қотиб қолди. Темур Малик ҳам у кимсани таниди, бир ярим ой муқаддам дарё ичидаги истехкомда асир олиниб келинган Улоқ нўён ёнидаги Кучум деган киши эди. Темур Малик кўтарган қиличини тушириб, учини ерга тиради.

— Шундай эмасми? — у Темур Малик ёнига келиб, юз-кўзига тикилди. — Сиз, дарё ичидаги оролда мени қўйиб юборганингиздан

сўнг, кум-сахро оша бу қишлоққа келдим. Чўпонлар менга хўрак бериб, ўз паноҳларига олдилар. Булар яхши одамлар экан...

— Мени таниганинг учун ташаккур! — деди Темур Малик, Кучумга тикилиб. — Ушанда сени ўлдирмай тўғри иш қилган эканмен.

— Уғлим, қиличингизни қинига солинг. Бу томонга ҳам ёғийлар келади, деб йигитларимиз хавотирда эди. Янглишибмиз. Сиз Темур Маликмисиз, бошқамисиз, кейин билармиз! Юринг! Ҳозир ўзини Темур Маликмен, дейдиганлар кўпайиб кетган. Мана бу ҳам ўзини Темур Маликмен, деб айтган..

Темур Малик боши қуйи, қиличини қинига солиб, кекса одам кетидан юрди. Оломон ҳам унинг атрофини ўраб, аста-секин келабошлади.

— Бу калтаклар менга кам, — деди Темур Малик, — яхшилаб калтаклаш керак эди! Хўжандни эмас, бутун қўшинни, энг яхши йигитларни йўқотиб келаётирман. Ўзимга ўлим тилагани тилим бормайди, аммо менга бир ўлим камлик қилади...

— Бу гапни айтманг, жаноб, — деди Кучум.

— Яхши калтакладинглар, қўлларингиз қаттиқ экан, — деди Темур Малик ўз атрофидаги йўғон гавдали йигитларга қараб. — Бу қўллар билан қилич ушлаб, душманни уриш керак эди. Ҳали ҳам кеч эмас! Мен шаҳзода Жалолиддин ёнига кетаётирмен. Хоразмга! Жанг қилишни хоҳлаганларни олиб кетамен.

Чўпон йигитлари ҳам, уларнинг оталари ҳам жим бўлиб қолишди.

— Аввал қорнингизни тўйдириб олинг! Маслаҳатим шу! Бошқа гапларни қўйиб туринг, йўловчи! — деди кекса одам.

Кучум айтганига қарамай, Айтим қишлоғининг одамлари унинг Темур Малик эканини тан олмаётганликларини фаҳмлаб, ортиқча сўз айтгуси келмади.

— Ўзининг эгари қийшайиб қолибди-ю, саркарда Темур Маликмен дейди! — деди чўпон йигитлардан бири, ўз шеригига пичирлаб.

— Мен тиланчилик қилиб юриб, шу қишлоқ аҳлидан паноҳ топдим, — деди Кучум, Темур Маликка юзланиб. — Бўлмаса, булар чет кишиларни ўз ораларига қўймайди.

Темур Малик жавоб қилмади.

Ҳамон ёвқараш қилиб, хўмрайиб турган чўпон йигитлар секин-аста тарқала бошлашди. Кекса чўпон Темур Малик, Кучум ва яна бир қарияни уйига бошлади. Ҳовли девори йўқ, атрофига қозик қоқилиб, ғов билан ўралган, кираберишдаги пичан ғарами ёнида тўсатдан қулоқлари диккайган бир ит Темур Маликка ташланди. Темур Малик орқасига тисарилиб, қоча бошлади. Икки кекса чўпон Темур Маликнинг ҳолига хоҳолаб кулиб юборишди.

— Меҳмон! Ўзингизни Хўжанд ҳокими саркарда Темур Маликман, дейсиз-у, лекин бир кучукваччадан шунчалик кўрқиб лўкиллаб қочасиз.

— Мен босқинчиларга қарши ҳеч кўрқмай жанг қилдим, — деди нарироққа бориб Темур Малик. — Бу кучуквачча ўзимизники. Ўзимизнинг кучукчалардан, дарҳақиқат, кўрқамен!

Бу гап иккала чўпонга ёқиб кетди.

— Сиз, жанобнинг Темур Малик эканингизга энди ишондик, — деди улардан бири, кучукчани ҳайдаб юбориб, — кўрқмай юраберинг.

Темур Малик чўпонлар билан бирга ичкарига кириб кетди. У Айтим қишлоғида уч кун бўлиб, қўли, елкасидаги жароҳатларини боғлади, либосларидаги тупрок, қон юқларини ювиб тозалаб беришди, ўзини тартибга солди...

Айтим қишлоғи тинч ва осуда... Бунда на жанг суронлари ва на елиб-югуришлар бор. Кун ўтиши узоқ, бир кун бир йилга ўхшаб кетди. Лекин дарё бўйи шаҳарларида бўлаётган қонли жанглар сурони, ваҳимали хабарлар етиб келарди.

Эртасига у ҳовлига чиқиб, тўнкага ўтирди. Уёқ-буёққа аланг-лади. Йигитлар ўз ишлари билан кетишган, болаларни ҳам оналари

нотаниш одам ёнига юборгилари келмай, ушлаб турардилар. Ҳамон унга шубҳа бор эди. Бир таначадай қари кўппак салмоқлиниб, Темур Малик ёнига келиб, қорнини ерга берди. У «келгинди кишига» бир-икки қараб қўйиб, ўзини уйқуга солди. Темур Малик мудраётган кўппакнинг бошини силаб, бўйнига уриб эркаларди. Қарчиғай отини у баъзан шундай эркаларди. Қари кўппак бу илтифотдан сўнг яна «меҳмон» ёнига яқинроқ сурилди. Тўнкада ўтирган Темур Малик шу пайт ногоҳ оёғи остида, ердаги кичкина тешикчадан тинимсиз чиқиб-кириб турган қўнғир чумолиларга тикилди. Бир озгина муддатда бу тешикча ўнларча чумолилар кириб, ўнларча чумолилар чиқиб, тинимсиз бир ҳаракат собит эди. Митти жониворлар баъзан ўзига беш баробар катта буғдой ёки арпа донини узокдан тишлаб, кўтариб келиб, инларига олиб кирардилар. Йўл-йўлакай тўхтаб, бир-бирлари билан оний саломлашгандек бўлишар, яна пилдираганча йўлларида давом этардилар. Тиниб-тинчимас бу митти полвонлар чарчашни ҳам билмасдилар.

Темур Малик оёғи билан тупроқ суриб, тешикчани кўмиб ташлади. Бу ерда тўпланиб қолган чумолилар тешикчани очишга киришиб кетишди. Бир лаҳза ўтар-ўтмай, ичкаридан тупроқни итариб, очаётган чумолининг боши кўринди. Тупроғу майда кесакчаларни тишларида тишлаб, ташиб, инлари оғзини очишди. Яна илгаригидай тинимсиз ҳаракат бошланиб кетди. Бир муддатдан кейин Темур Малик яна этиги учи билан инни кўмди. Чумолилар тўпланиб қолди. Лекин улар қараб турмай, яна инлари оғзини очишга киришиб кетишди. Бир муддатдан кейин ичкаридаги чумолилар ҳам чиқиб, илгаригидай яна ўрмалашлар бошланиб кетди. Темур Малик учинчи бор, тўртинчи бор... Инни кўмди... Чумолилар бўлса, илгаригидай инларини очиб, илгаригидай югуришларини, дон ташиб келишларини давом эттирабердилар. Темур Малик дик этиб ўрнидан турди. Қари кўппак ҳам қайрон бўлиб, беихтиёр ўрнидан кўзгалди. «Бир кичик жонивордаки шунчалик ирода, шунчалик қатъият бор экан, биз ахир одаммиз-ку!» — деди ўзига-ўзи Темур Малик, — Нечун енгилишга бўй бериш керак? Нечун йўқ бўлиб кетишимиз керак?!» Темур Малик қаттиқ ўйланиб қолди. Танига қайтадан жон кираётгандек бўлди. Йўқотган нарсасини топган кишидек, кўнгли ёришди. Қари кўппак ҳам гўё буни сезиб, думини хотиржам ликиллатди-да, яна ерга қорнини қўйиб, ётиб олди. Темур Малик турган ерида яна чумолиларга тикилди. Унга ҳеч бир доно айтолмаган гапни чумолилар айтгандай, унинг жароҳатли юрагига оташ солгандек бўлди.

Темур Малик кекса чўпоннинг олдига бориб, ҳозироқ йўлга тушишини, тезда Жайхун ёқасига етиб олиб, Жалолиддин ёнида бўлиши кераклигини маълум қилди. Агар йигитлар хоҳласа, она-тупроқни босқинчилар оёғи остига ташлаб қўймаймиз деган мардлар чиқсин, бирга олиб кетамен, деди. Аммо ҳеч кимдан садо чиқмади. Кекса чўпон Темур Малик учун йўлга хўрак, сув, пишлоқ... бериб, хайр-хўшлашмоқчи бўлиб турганида, белини камар билан боғлаб, шай турган Кучум саркарда ёнига келди. «Мен сиз билан кетамен! Мен бу элга қилич кўтариб келдим, энди шу қилич билан уни ҳимоя этамен. Яхши эл, яхши инсонларни босқинчилар оёғи остига ташламаймиз! Темур Малик жаноблари, мен сиздан ажралмаймен! Сиз нима бўлсангиз, мен ҳам шу», деди.

— Сен мард экансан, биз икки киши эмасмиз, икки минг киши бўлдик. Шундай деб ўйлайбер!

Темур Малик белида қилич, Кучум камарида ўзининг анча вақтдан буён асраб келаётган қуроли — ўткир ханжар, елкаларида йўл озиклари, чўпонлар билан хайрлашиб, йўлга тушишди. «Босқинчилик билан қўлга киритилган ҳукмронликнинг умри қисқа...» деган фикр Темур Малик хаёлидан ўтди. Улар — икки жангчи Жайхун бўйига, Хоразм элига шитоб билан юриб кетишди.

Эртасига Айтим қишлоғига жулдир кийимли яна икки киши кириб

келди. Уларнинг бири ярадор бўлиб, отда эди... Иккинчиси — тик қомат, қилич осган йигит. Қишлоқ аҳли югуриб чиқиб, икки жангчини очиқ чеҳра билан кутиб олди. Пешвоз чиққан кекса чўпонлардан бу ерга Темур Малик келган, келмаганини суриштиришди. Чўпонлар у бунда икки кун бўлганини, кеча эрта тонгда Кучум деган бир қочқин билан йўлга жўнаб кетишганини айтишди. Икки жангчининг отдагиси Темур Маликнинг содиқ сардорларидан Қанғли Арслон, иккинчиси ҳам энг яқин йигити Иброҳим Дўлдай эканликларини маълум қилдилар. Чўпонлар тезликда икки от олиб келиб, саркарда изидан уларни жадал йўлга солиб юборишди. Ўбдан совутилган отлар икки сарбозни кўтариб, дашту қумликлар оша учиб кетди.

Шу куни кечга яқин улар Жайхун сари даштда кетаётган Темур Малик билан Кучумга етиб олишди. Иброҳим Дўлдай отдан сакраб тушди-да, саркардани қучоқлади: «Саркардам, сизни омон кўрар эканман, минг қатла шукр». Темур Малик ҳам икки қадрдонини кўриб, бениҳоя хурсанд бўлиб, кўзига ёш олди. Бир фурсатли салом-аликдан сўнг, сарбозлар Темур Маликни отга миндириб, жиловини Иброҳим Дўлдай ушлаб, олдинда йўл бошлади. Иккинчи отга Қанғли Арслон билан Кучум мингашиб олишди...

Қирқ еттинчи боб

Жайхун ёқасидаги жанг

Мағлубият отига минган тўрт баҳодир яна икки ҳафтача дашту биёбонларда юриб, дам адашиб, дам сувсизликдан азоб чекиб, шишган жароҳатлари қийноқларига бердош бериб, охири Жайхунга етишди. Бир неча кимсасиз эски кема боғлаб қўйилган Чалиш деган ерга келиб, отларига дам беришди. Жанубда, Ҳазорасп тагида Чингиз билан Жалолоиддин қўшини бир ойдан буён жанг қилаётганини эшитган Темур Малик Чалишда бир кун тўхтаб, ўша томон юрди.

«Юртимизда босқинчилар бор экан, бизда ҳаловат бўлмайди».

Улар дарё ёқалаб юриб, Ҳазораспга бир тош қолганда, уч гужум дарахти тагидаги кулбага киришди. Бунда қабристон шайхлари, ундан сал нарироқда, пастқам кулбада Жайхуний ота деган аллақандай назаркарда бир қария турарди. Илгари Темур Малик Гурганжда, султон қўшини сардор бўлганида бу ерларга келган, қария ҳақида, унинг юлдузларга боқиб, саркардалар қисматини айтиб беришини эшитган эди.

Соч-соқоллари ўсган, ориқ, ярим яланғоч қария ўз ҳужрасида тўрт йўловчини кутиб олди. Қурол осган, лекин либослари жулдир, йиртилган бу йўловчилар анчайин одамлар эмаслигини сизди. Кейинги пайтларда мағлуб бўлган кўпгина қалъа ҳокимлари мамлакатда шу аҳволда дайдиб юрганларини биларди. Қария Темур Маликка илтифот кўрсатди:

— Кел, бўтам, хуш келибсен! Мени кўрмак истаганинг боиси надир?

— Пир, бошимизга кулфат тушди. Босқинчиларнинг қўли баланд келиб, юртдан ажралдик. Ватангадолармиз... — Темур Малик ёнидаги халтачасидан бир дона олтин танга олиб, исқиртгина дастурхон четига қўйди. — Қисматимиз хусусида бир нима айтинг.

Жайхуний ота ўйланиб қолди. Тилла тангага кўзи тушиб, бу одам шаҳзодалардан бўлса керак, деб дарҳол тилга кирди. «...Ҳали сенинг музаффар туғинг синмаган, у ҳали яна устивор бўлади. Гумроҳ ва бадкирдорларнинг сўзларига қулоқ осма! Бу йил қонли йил эди, мана қон тўкилди, султон Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳи — соний

Ҳазар томон қочди. Куч ва қудрат шаҳзода қўлида. Тушундингми сўзларимга?»

— Тушундим.

— Кайхон юлдузлар тўдаси — Жайхун устига тик келди. Юртга оғир бўлди. Шу ярим ой ичи қамар ҳам баҳри фалакда кемадек қалқиб, чалқанча ястаниб ётибди... Бу ҳам юртнинг нотинчлигидан далолат. Бўтам, шамширингни маҳкам ушла, сен ватангадо эмассен, мана ватанинг! Юртингни қайтариб оласен.

Тўрт йўловчи Жайхуний отага ташаккур айтиб, ташқарига чиқишди. Шу юрганча, сўраб-суриштириб, Жалолоддин қўшини боргоҳи томон шитоб билан кетишди. Кўп ўтмай улар йўлда, пистирмада турган Жалолоддин посбонларига дуч келишди. Темур Малик ўзини танитгач, уни шаҳзода боргоҳига бошлашди. Жанд яқинидаги жангда ярадор бўлиб, тупроқда қолган, асли исми Сулаймон бўлиб, лақаби — Ботмон Дахсар, ўнбоши ҳам Темур Маликни излаб, бошқа йўл билан Жалолоддин қўшинига келиб қолган экан. Унинг етиб келганини эшитиб, от чоптириб, ёнига келди. Шу куни Темур Малик Жалолоддин билан унинг боргоҳида учрашди, шаҳзода уни энг қадрдон дўсти сифатида кутиб олди. Унинг шарафига зиёфат берди. Зиёфатдан сўнг, чодир ичида шамлар ёқилиб, курси устига Муҳаммад ал Хоразмий замонидан қолган, Бағдоддан олиб келинган харита ёзилди. Курси юқорисида ўтирган Жалолоддин харитадаги ҳамма белгиларни саркардаларга тушунтириб берди. У узоқ вақт кўрмаган қадрдони Темур Маликка дамо-дам қараб кўярди. Курси атрофида Темур Малик, Узлоғшоҳ марҳум вазири аъзам Низом ал Мулкнинг ўғли Фатх ал Мулк, Вадахшон беги йўллаган, Шоҳмурод Кўхистонийнинг иниси — Элмурод Кўхистоний, Қанғли Арслон, сардор Олабуқа, Иброҳим Дўлдай ва бошқа саркардалар ўтиришарди. Бир ҳафтадан буён Жайхун ёқасида бўлаётган жанг Чингизхоннинг энка-тинкасини қуритгани, агар Чигатой билан Жўжининг ўн мингдан ортиқ қўшини Бухородан бу ерга етиб келмаса, тез орада Чингизхоннинг қочиши, қўшинининг тор-мор этилиши аниқ эканини Жалолоддин исботлаб берди. Чингизхон жуда кўп талафот кўргани сабабли Хуросон ва Эронга ўтмай, Жайхун ёқасидан орқага қайтиш ниятида экани, аммо ўғиллари бу ишга қарши тургани сабабли фикри ўзгараётганини ҳам маълум қилди.

Сарбозларнинг руҳини кўтармоқлик, душман тор-мор этилгач, ҳар бир сарбозга юз тилла тангадан ақча берилишини маълум қилмоқлик кераклигини айтди, султон Жалолоддин саркардалар мажлисида.

Эртасига тонготарда Хоразм қўшини жанг карнайлари садоси билан саҳрода найзаю қалқонларини ушлаб, саф тортиб, ҳужумга ҳозирлик кўрди. Даштнинг узоқ чети, тепалик остида ёғийлар ҳам даштда кезиб, икки мўғул сарбозини тутиб, Жалолоддин билан Темур Малик ёнига олиб келишгани, айниқса Темур Маликнинг бунга етиб келиб, Жалолоддин ёнида тургани қўшинининг руҳини кўтариб юборгани, улар назарида, қўшинга катта бир лашкар келиб қўшилгандай бўлди. Шу куни Темур Малик Иброҳим Дўлдай, Қанғли Арслон, сардор Олабуқа, Ботмон Дахсар, Кучум ва бошқа хўжандликларни ёнига олди. Элмурод Кўхистоний ҳам мингбоши бўлишига қарамай, бир ерликмиз, деб Темур Малик ёнида жангга киришни лозим кўрди. Темур Малик шаҳзода ёнида, тепаликда жангни кузатиб туришликка рози бўлмади. Отга миниб, қўлига қилич ва қалқон ушлаб, жангга кирмоқликни сўради.

Офтоб ёйилгач, эрта тонгда карнаю ноғоралар нидоси остида Хоразм қўшини ёғийлар устига селдай бостириб борди. Отларнинг чинқириб кишнаши, чанг-тўзон, баҳодирларнинг юракдан наъраю радиовор тортиши оламни тутди. Икки лашкар бир-бирига аралашиб, қилич солишар, найза уришарди. Отдан йиқилган, пешонасидан қон оққан, бошлари узилиб, ерда ётган сарбозларнинг ҳисоби бўлмай қолди.

Жанг кечгача чўзилди. Икки томон ҳам ҳаёт-мамот учун олишди. Хоразмликларнинг қўли баланд келиб, босқинчиларнинг ўнг қаноти даштга сочилиб, чекина бошлади. Узоқ тепада, жангни кузатиб турган Чингизхон ўша томонга от чоптириб кетди. Унинг кетидан уч-тўрт отлиқ ҳам югурди. Шу томонда тинимсиз наъра тортиб қичқириб қилич солаётган Темур Маликдан душман отлари ҳуркиб қочар, саркарда эса от устидаги сарбозга қутилмаганда қилич солар ёки яқинроқ масофа бўлса, шамшир учини тикиб, отдан қулатарди. Душман сарбозлари беҳато тиг ўраётган сарбоздан ўзларини четга олишарди. Темур Малик, Иброҳим Дўлдай, Қанғли Арслонлардан унча узоқ бўлмаган жойда Олабуқа билан Кучум ҳам душман суворийларига қирон келтиришарди. Шу жангда сарбоз сифатида олатўполонга кириб, йигирмадан ортиқ душманни ер тишлатганини кўрган хоразмликлар Хўжанд ҳокимининг аближлиги, наъра тортиб, ваҳима солиб, душман сафини пароканда қилишига қойил бўлардилар.

Яна узун ва машғум овоз — жанг карнайи янгради. Хоразмликлар ўз томонлари — шаҳзода Жалолоддин боргоҳи томон от суришди. Ёғийлар ҳам ўз қўшинини чақириб олди. Жанггоҳ — кенг даштда мингларча жасадлар сочилиб ётар, эгасиз отлар қаёққа боришини билмай, тўрт томонга тўзиб кетган. Баландликда турган Жалолоддин от жilовини буриб, Темур Малик ёнига тушиб келди.

— Офарин, саркарда, офарин! Яхши жанг қилдингиз! Энди ёнимда бўлғайсиз. Мабодо тўполон ичига кириш лозим бўлса, бирга кирурмиз!

— Айтганингиздек бўлади, шаҳзода. Мен енгилиб келган одаммен, юрагимда қасос ўти ёнади. Сизнинг қанотингиз остида бир кучга юз куч қўшилиб, жанг қиладурмен.

Қўшинга дам бериб, қозонлар қайнаб, тун бўйи куч тўплаш одат тусига кирган эди. Жалолоддин Чингизхон қўшинига Жўжи ва Чигатой қўшини етиб келмасданоқ тор-мор этмоқ ниятида ўз қўшинини ярим тунда оёққа тургазиб, ўзи Темур Малик билан биргаликда душман устига тўсатдан бостириб борди. Шошиб қолган душман уч томонга бўлиниб, жанг қилди. Чингизхон юзга яқин отлиқлари — фидойилари муҳофазасида Дархон Ота томон қочди. Агар у чекинмаганида, Жалолоддин билан Темур Малик қўлига тушиши жуда аниқ эди. Дархон Отага яқинлашиб қолган Жўжи ва Чигатой қўшини унинг жонига оро кирди. Капалаги учиб кетган Чингизхон ўғиллари бошлаб келган қўшини ўзининг йигирма минглик отлиқлари билан эрталаб хоразмликлар устига тўсатдан ёпирилди. Бу гал ҳам хоразмликлар дош беролмай, Қиёт томон чекиниб, тарқалиб кетди. Кемада Жайхунни кесиб ўтиб, нариги қирғоқда турган Жалолоддин, Темур Малик, бадахшонлик Элмурод Кўҳистонийлар дарё қирғоғига етиб келган ёғийларга узоқдан қараб турардилар. Шу орада душман сарбозлари икки томонга сурилиб, ўрталик очилди. Дарё қирғоғига келиб оқ отидан тушган, Чингизхонни дарёнинг нариги қирғоғида турганлар бемолол кўриб турардилар. Чингизхон қўлини пешонасига соябон қилиб, нариги ёқда турган Темур Малик билан Жалолоддинга тикилди. Ёнида турганлар қайси бири Жалолоддин, қайси бири Хўжанд ҳокими Темур Малик эканини унга тушунтириб бердилар. Шу лаҳза дарёнинг нариги томонида турган Темур Малик қиличини қинидан суғуриб, осмонда ҳавола қилиб, Чингизхонга кўрсатди. Қилич офтобда ярақлаб кетди. Қилич Чингизхонга ўқтали-наётганини кўриб турган мўғул сардорларининг сочи тикка бўлди.

Чингизхон дарғазаб бўлиш ўрнига ёнидагиларга мамнуният билан кулиб қаради-да:

— Қани энди Жалолоддин билан Темур Малик менинг ўғлим бўлса. Улар ҳавас қилса арзийдиган баҳодир саркардалар, — деди.

Чингизхоннинг атрофида турган нўёнларнинг дамлари ичларига тушиб, миқ этмай қолишди. Бу гап уларнинг бошига калтак бўлиб тушган эди.

Аммо, Ҳазораспадаги, ундан кейин Қиёт, Гурганж ва Хива жангларида ёғийлар кўп талафот кўрганига қарамай, Хоразм кўшинини тор-мор қилдилар. Жалолоддин яна кўшин тузмоқ мақсадида бир қисм сардорлари билан Наса, ундан сўнг Рей, Исфаҳон томонларга жўнаб кетди. Темур Малик атрофидаги ҳамма сардорларни Жалолоддин хизматига тайинлаб, ўзи Иброҳим Дўлдай билан Наса шаҳрида қолди. Хасталикдан бир оз соғайгач, шу атрофи жонибда босқинчилар галаси изгиб юргани сабабли, ҳамёнлари қуриган хўжандлик савдогарлар карвонига қўшилиб, Бағдод сари йўл олдилар.

Жайхун бўйидаги оғир жангда у барча дўстларини йўқотди. Улар ҳалок бўлдимиз ёки бирон томонга бош олиб кетдимиз, мутлақо билолмади. Фақат садоқатли дўсти, иниси Иброҳим Дўлдай, Жанд яқинидаги жангда бир адашдим, энди ёнингиздан кетмайман, деб Темур Маликни асло ёлғиз ташламасди.

Наса шаҳрида бетоб ётганида ёнига талабаларга ўхшаш хушбичим бир йигит кириб: «Шаҳобиддин Муҳаммад ан Насавий, шахзода Жалолоддин муншийсимен, «Сират...» ёзадурмен,» — деб ўзини таништирди. У эрта ё индин ўз отасидан оқча ва от, йўл харажатлари олиб, Жалолоддин орқасидан Рей шаҳрига жўнашини маълум қилди. Иситма ичида ёнаётган Темур Малик ёстиқдан бошини кўтариб, Шаҳобиддинга тикилди. Бу йигит унинг диққатини тортди. Унинг бу иши жуда маъқул экани, лекин босқинчилар «Сират...» ёзишга имкон бермасликлари мумкинлиги, умуман ҳозир «Сират...» эмас, қўлга қилич ушлаб, жанг қилмоқ, босқинчиларни қирмоқ лозим эканлигини таъкидлади.

— Бунинг учун лашкар керак. Лашкарсиз юртни озод этиб бўлмайди, — деди ан Насавий.

— Лашкарни биз тузамиз, сиз, мавлоно, ёнингизда ўтқир ханжар олиб юринг, битта душманни ўлдирсангиз ҳам савоб!

— Бу, биз, ёшларнинг кўнглимиздаги гап, муҳтарам саркарда! Мени афв этинг. Бизлар, Хоразм фарзандлари, Шаҳобиддин Хивақий ҳазратлари айтганларидай, қалъаларнинг мустақил мудофаага ўтиши, тўдалар ва яққа кишиларнинг ҳужум қилишлари... нотўғри бўлди. Барча лашкарни тўплаб, босқинчига қарши жанг қилмоқ лозим эди, деб ҳисоблаймиз. Хатолик бўлди!

Темур Малик ан Насавийга бақрайиб қараб қолди. Бу ёшлар кўп нарасага тушунади, султоннинг асосий хатосини ҳам билишган экан, деди ўзига-ўзи.

— Бир талаба сизни излаб юрибди. Ижозат беринг, кирсин.

— Ижозат, — деди ёстиққа суяниб ўтирган Темур Малик.

Шаҳобиддин ан Насавий ташқарига чиқиб, ўша йигитни бошлаб кирди-да, ўзи ва бунда хизмат қилиб турган Иброҳим Дўлдайни ташқарига олиб чиқиб кетди.

Нотаниш йигит ичкарига кириши билан салом бериб, бўйнидаги туморини саркардага узатди. Саркарда туморни яна қайтариб йигитга берди.

— Очинг, иним, — деди.

Йигит этиги қўнжидан пичоқ чиқариб, тумор ипларини қирқиб, бир варақ қоғозни ёпиб, саркардага узатди. Йигитнинг қўлидаги пичоққа кўзи тушган Темур Малик дарҳол нима гап эканини пайқади. Бундай тиглик, сопи гулдор пичоқни фақат Хўжанд усталари ясарди. Шу пичоқдан юз эллик дона ясатиб, Темур Малик Муҳаммад Интизомга берган эди. Сопи гулдор, кичкина лочин тасвири тушган пичоқ фақат Муҳаммад Интизомнинг айғоқчиларида бўларди холос.

— Сардор Муҳаммад Интизом менга бу ишни топширдилар...

— Ташаккур, иним! — деди Темур Малик ва унинг исми шарифини ҳам сўраб ўтирмай, номани ўқишга тутинди:

«Муҳтарам саркарда! Жонимиздан азиз Малик ҳазратлари! Етиб маълум бўлғайки, босқинчилар обдон шаҳарни талаб, фуқарони тамоман ўзларига душман қилдилар. Хўжанд юзаки қараганда бир

қадар тинч кўринади, аммо ҳар бир юракда қасос ўти ёнадир. Босқинчиларга фуқаро ишонмагач, шу ерлик кимсалардан бирини ҳоким қилмоқчи бўлдилар. Ҳеч ким унамади. Уғлингиз Метин топилган, у Хўжандда, ундан хавотир бўлманг. Ҳокимлик мартабасига одам топилмагач, ёғийлар Маҳмуд Ялавочни олиб келиб қўядилар, деган гап бор. Биз, Хўжанднинг садоқатли фидойилари жанги пинҳонийни бетўхтов давом эттираберамиз. Ҳозир мўғуллар саросимага тушиб, калаванинг учини тополмай қолди. Нўёнлар отличлар муҳофазасида ҳам шаҳарда бемолол юролмайдиган бўлиб қолган.

Муҳтарам саркарда! Танзимизда жон бор экан, она шахримиз она юртимизни оёқ ости қилаётганларни жаҳаннамга йўллайберамиз... Садоқатли қулингиз Муҳаммад Интизом. Жавзо ойининг ўн еттинчи куни, Хўжанд шаҳри».

Темур Малик хатни ўқиб, ўрнидан туриб кетди. Чордана қурди. Бундоқ хушхабар унга гўё қайта жон бағишлади. Хатни кўзига суртди.

— Исминг нима, йигит? Аслинг қаердан?

— Исминг Муҳаммад Али. Узим ахсикатликмен. Бекнинг кичик ўғли.

— Ий-я, вой, оғанг сандан ўргулсин, бормисен! — Темур Малик ўрнидан туриб, йигитчани қучоқлаб, бағрига босди. — Бундоқ деб айтмайсанми! Бек ҳазратлари саломатмилар?

— Отам дунёдан ўтдилар...

Темур Малик хомуш бўлиб қолди. Унинг кўз олдида водийдаги энг салоҳиятли, энг зукко одам — Музаффар Оталиқ келди. Шу доно ва тадбиркор одам ёнида баҳодир қиз — Қоракўз бека ҳам акс этиб, юзидаги пардани кўтаргандек бўлди. Қутилмаганда шунча янгилуғи шунча ҳаяжон! У бир лаҳза тилига сўз келмай, соқов бўлиб қолди.

Темур Малик билан икки «талаба» — Шаҳобиддин ва Муҳаммад Алилар хайрлашиб, чиқиб кетишди. Иброҳим Дўлдай меҳмонларни кузатиб, қайтиб кирди. Темур Маликка табибнинг иситмани туширадиган дорусидан ичириб, ухлашга даъват этди. Лекин ухлолмади. Кеч кирди тунда ҳам кўзига уйқу келмади. У ўзини яраланган, болу паридан айрилган кимсадек ғариб ҳис қиларди. Лекин бугунги хат унда умид уйғотди. У қаноти қайрилиб, болу паридан айрилганига қарамай, душмандан ўч олишга интиларди.

Қирқ саккизинчи боб

Раққоса Нигинанинг сўнгги кунлари

Ватангадоликда йиллар ўта бошлади. Мана, тўққиз йилдирки, Хоразм салтанати қулаб, қалъалар вайрон этилиб, Чингизхон қўшини ҳаммаёқда ҳукмронлик қиларди. Ватандан жудо бўлган Темур Малик жанубий Эрон ва Шом мамлакатларида ғурбатда юрди, ҳамма ерда у кичик тўдалар билан Чингизхон ва Жўжи қўшинига қўққисдан зарбалар берарди-ю, лекин душманни тор-мор этмоққа қурби етмасди. Сўнгги кунларда Темур Малик Бағдод карвонсаройида Иброҳим Дўлдай билан бирга ётиб-туриб юрарди...

Балиқ сув билан тирик. Ўз санъати, рақси билан тирик юрган Нигина ҳам «мамлақати қўлдан кетган» ҳокимлардек сарсон-саргардон юриб, охири Бағдодга келган эди. Авваллари ҳукмдорлар базмини обод қилган ва унча-мунча бисот-бағал орттирган Нигина юрагида ҳам баҳодир Темур Малик яшарди.

Темур Маликнинг эса қора кунлари бошланди. У Бағдод карвонсаройига Мовароуннаҳрдан — Бухоро, Самарқанд, Кешу Хўжанддан келган савдогарларни кўргани келар, улар билан мулоқотда бўлар эди. Бировлар уни танир, бировлар танимас, саркарда ҳолига ачингандай бўлиб, кейин лоқайд ўтиб кетар эдилар. Баъзан бошига қулоҳ, эгнига жанда кийиб, қаландарлик ҳам қиларди.

Шу аҳволда пул тўплаб, қурол-яроғ олиш мумкинми? Баъзи ватандошлари — савдогарваччаларнинг ҳарбу зарбга тоқатлари борми?! Уларга молу ақча керак, улар энди мўғул истибдоди барқарор деб билиб, босқинчиларга бўйсунгани Темур Маликни бениҳоя ғазаблантирарди. Улар учун она ердан кўра ҳам бойлик керак. Ватанни, халқни деб қариндош-уруғларидан, дўстларидан ажралган Темур Малик ҳамда Иброҳим Дўлдай билан уларнинг ишлари йўқ. Бағдод карвонсаройида мусофирликнинг барча ғурбатларини бошидан кечираётган фақирларга ҳеч ким қайрилиб қарамади.

Афтодаҳол, ғамнок кунларнинг бирида бозордан хўрак олиб карвонсаройга қайтаётган либослари ҳам ғарибона Темур Малик йўлини асога таянган бир мўйсафид одам баногоҳ тўсди. Афтидан, анча вақтдан буён кутиб турганга ўхшарди. Унинг юз-кўзларига бир фурсат тикилиб тургач:

— Жаноб, бир лаҳза тўхтанг, гапим бор! — деди мўйсафид.

— Марҳамат, — деди Темур Малик, кетаётган ерида андак тўхтаб, салом-алик қилиб.

— Сизда ишим бор, мен билан юринг! Мендан ҳайиқманг, мен бир мискар одаммен...

— Ҳурматли сайид, сувдаги одам сувдан ҳайиқмагандай, ўлган одам ҳеч нарсадан кўрқмайди, — деди Темур Малик илжайиб.

— Ундоқ деманг, бўтам. Тирик одам доимо умидвор яшамоғи керак. Менинг ҳамсоям бунда эканингизни билиб, сизни анча вақтдан бери бир кўрмоқ истайдир. У бечора оғир хаста. У асли Мовароуннахрдан, менинг болохонамда ижарага туради. Сиз жанобнинг Бағдодда эканлигингизни эшитиб, ҳаловати бузилди. Сиз, жаноб, унинг қариндоши экансиз. Хижолат бўлмай, юраберинг, хаста одам аёлми, эркакми — ҳол-аҳвол сўрамоқлик савоб. Яна, бунинг устига, қариндош экансиз. Сизларнинг бошларингизга жуда оғир кунлар тушди — ватанингизни ёғийлар босиб олган, ғурбатдасиз. Сизларга ҳамдардмиз...

Темур Малик ҳайрон бўлди. Лекин иккиланмай кекса мискар орқасидан тор кўчаларга кириб кетди. Улар бир муддат юришгач, кўримсизгина эшик олдида тўхтаб, ҳовлига олдинма-кейин ўтишди. Ҳовли ҳам жуда тор ва захкаш эди. Бу араб мамлакатларида бир тупгина дарахт анқонинг уруғи. Э, Хўжанд, Хўжанд... Шафтолию ўриклар, тераклар... Қани энди улар! Чол ҳовли бурчагидаги эски ёғоч зинани кўрсатди, юқорига чиқаберинг, деб ишора қилди. Қаландарсифат Темур Малик қўлида тугунча, лопиллаб турган зинапоялардан эҳтиёткорлик билан юқорига кўтарилди. Унинг ярни кўриниши биланок, хонада кўрпа-тўшак қилиб ётган аёл ёстиқдан бош кўтарди.

— Келаберинг, саркарда! Марҳамат, манави курсига ўтиринг! Кўнглингизга ёмон нарсалар келмасин! Мен хўжандлик, асли vorухлик раққоса Нигина Абдул Саид қизи бўламен... Сизнинг ватандошингиз...

— Ассалому алайкум! Азизам, нечун кўрпа-тўшак қилиб ётибсен, сенга нима бўлди?

Темур Малик бемор рўпарасидаги курсига ўтирди.

Унинг дардига шифо тилади. Дарди оғир, озиб-тўзиб кетган Нигина саркардани соғ-саломат кўргандан кейин тетик тортиб юзларига қон югурди.

— Саркарда Темур Малик эмас, ватангадо бир қаландармен, азизам! — деди қайғу билан Темур Малик. — Тақдирнинг тақозоси шундоқ бўлди. Юртимни душман забт этди. Мен ўлган одаммен.

Темур Малик қўлидаги хўракни дастурхонга қўйди. Лекин шу лаҳза уй эгасининг болалари меҳмон олдига дастурхон ёзиб, ноз-неъмат ва қаҳва олиб киришди. Темур Малик раққосанинг ўзичалик камбағаллашиб қолганини сезмади. У хизматкор сақлаши, кийими асл матодан тикилгани, озода хонада туриши, хаста бўлса ҳам, гапларининг дадиллиги шундан далолат бериб турарди. У ҳазил-мутойиба

гапларни ёқтирарди, султоннинг сўнги базмидаги рақси, Амир Шаҳобиддиннинг синглисининг таннозлигию усталиги, султон Жалолдиддиндан фарзанд кўрганини эслашди...

— Муҳтарам саркарда! — деди раққоса, ётган ерида Темур Маликка кўзларини ўткир қадаб. — Мен гарчи аразлаб Гурганжга кетиб қолган бўлсам-да, аслида, сизни жонимдан ортиқ севардим. То шу пайтгача юрагимда муҳаббатингиз доимо барқарор. Бир одамдан «Хўжанд ҳокими Темур Малик ҳазратлари ҳам Бағдодда юрибдилар...» деган гапни эшитиб, бир ойдан буён сизни бозору карвонсаройлардан қидиртирамен... Сизнинг иродангизга ўшанда бўйсунганмен, ўшанда севиб, ўз ихтиёрим билан қилганмен бу ишни. Энди, сиз менинг иродамдан бўйин бурмайсиз! Сиз — мен учун азиз одам, умрим бўйи сиздек олижаноб кимсага дўст бўлишни орзу қилган эдим. Минг қатла шукрки, сиз кадрдонимни яна кўрдим. Муборак номингиз ҳеч қачон дилимдан узоқ кетган эмас. Менинг иродам шуки, — деди у, бошидаги ёстиғи остидан катта бўғчани суғуриб олишга интилиб. Кучи етмаганидан, Темур Малик унга кўмаклашиб юборди. Кейин у хона бурчагидаги сандикни очиш, ундан яна бир тугунни олишни ҳам сўради: — буларни олиб, харажат қилинг, саркарда. Карвон билан Хўжандга қайтиб бориш керак. У ерда одамларни тўпланг, қурол-яроғ, отлар сотиб олинг. Шоша, Ахсиқату Ушга бориңг. Бадахшон, Қалъаи Хумб томонларда қўрқмас, ёвқур йигитлар бор, унутманг уларни! Босқинчидан еримизни озод этинг! Бу жавоҳирлар анча нарсага етади... Умр бўйи йиққанмен... Наҳотки сиздек саркарда Хўжандни озод этолмаса?! Мени бунга ишонгим келмаётир. Сиз, астойдил бел боғласангиз, бутун Мовароуннаҳрни ҳам озод этасиз!

— Э, маликам, сиз хастасиз, бу қимматбаҳо жавоҳирларни ўзингизга ишлатинг. Мени хижолат қилманг...

— Саркарда! Қолган кунларимга етадиган тилла тангаларим бор. Гапимга қулоқ солиңг. Сиз ҳеч қачон энгилишни тан олмайдиган, мақсадиңгизга етмагунча жанг қиладиган сарбосиз. Шу фазила-тингизни яхши биламен. Мен бу бойликни гўримга олиб кетолмайман-ку! Булар — Мавороуннаҳр бойлиги. У заминда йиққанмен. Буни ишлатиб, юртни озод этинг! Бу — ҳам савоб, ҳам фарз. Мени шунчаки бир раққоса деб камситманг, мен ҳам Мавороуннаҳр фарзандимен. Бу бойликлар ўзга юртда қолиб кетмасин, Хўжандга олиб кетинг, уни қайтадан озод этинг!

— Маликам, мен сизни оқила, гўзал, мислсиз раққоса деб билар, аммо юртпарвар, фидокор, мард, олижаноб инсонлигингиздан беҳабар эканман!..

— Сизлар ёш соҳибжамолларга баъзан кўнгилхушлиги учун, ишрат учун қарайсизлар. Мен буни ҳам биламен. Аммо, бари бир раққосани на шоҳ, на бек, на саркарда хотин қилиб олади! Чунки у раққоса! Раққосага жавоҳирлар тухфа этишади, лекин ҳеч ким унинг юрагида нима борлигини сўрамайди. Мен ҳам бир эр билан яшаб, ватан қилиб, бола туғиб, кун кўргим келарди. Ҳа майли, ўтган ишга салават. Энди ўтмишни қайтариб бўлмайди... Менда бутун мамлакатга етарли бойлик бор. Орқамда қоладиганим бўлмагандан сўнг, унинг менга не кераги бор! Аммо ҳамма вақт, сизнинг менга нисбатан инсон сифатида муносабатда бўлганингиз қалбимни ҳамиша офтобдек ёритиб туради.

Темур Малик Нигина илтимосини қабул қилди. У мискар чолдан хуржун сўраб, эски-тускилар билан бирга ҳамма бойликни унга жойлади. Нигина билан хайр-хўшлашиб ташқарига чиқди.

Умрида йиғламаган Темур Малик ўпкаси тўлиб йиғлади...

Орадан бир кун ўтгач, Темур Малик билан Иброҳим Дўлдай бозордан Нигинанинг дидига мос гулу ифор, доруйи дармон, қуритилган зирк, Самарқанд кишмиши харид қилиб унинг ёнига келишди. Энг қимматбаҳо жавоҳирларни белларига боғлаб олишган, бир қисмини карвонсарой хужрасига яшириб, эшикни маҳкам қулфлашган эди. Тухфалар ичида Темур Маликнинг ўзи берган жавоҳирлар ҳам бор

эди. Хаста ётган Нигина лопиллайдиган зинапоялардан чиқиб келаётган ватандошларини кўриб, бениҳоя хурсанд бўлиб кетди. У ётган ерида дарҳол қўнғироқчани чалиб, мискар чол неваралари — бўйи етган қизларга дастурхон ёзишни буюрди. Мискар оиласига яхши ҳақ тўлаганими ёки бу хонадоннинг гоятда инсонпарварлигими, ҳар қалай улар унинг айтганини беминнат бажо қилишар, Нигина ҳам улардан жуда мамнун эди. Анча вақтгача суҳбатлашиб ўтириб, беморнинг кўнглини кўтариб, чиқиб кетишди.

Ўша куннинг эртасига Темур Малик Бағдоддаги энг яхши табибни топиб, аравада олиб келиб, хаста Нигинани кўрсатди. Нигина ўз дардининг бедаволигини билар, ётабериб табибларга ҳам унча ҳуши қолмаган эди. Фақат дилига яқин дўстлар билан ўтган-кетгандан гаплашиб ўтиришни, саркардаларнинг саргузаштларини эшитишни ёқтирарди. Темур Малик унинг ҳолидан тез-тез хабар олиб турди. Назарида беморнинг дарди кундан-кунга енгиллашаётгандек бўларди. Лекин бир куни ҳовли эгаси — мискар чол тонготарда карвонсаройга кириб келиб, қоронғу ҳужрада ухлаб ётган Темур Маликни уйғотиб, тунда хаста Нигина тўсатдан қазо қилганини айтди. Кир, қорайиб кетган ўриндан дик этиб турган Темур Малик наридан бери юзини ювди-да, Иброҳим Дўлдайни ҳам олиб чол билан бирга учовлон ичкари маҳалла кўчаларига лўкиллиб чошиб кетишди. У халтадаги бир ҳовуч Хўжанд тупроғини ҳам олган эди.

Шу куни марҳумани шаҳар четидаги қабристонга олиб бориб, тупроққа топширишди. Бу одамлар йигирма кишидан ошмай, улар асосан карвонсаройдаги муҳожирлар, кўпчилиги мовароуннаҳрлик ватангадолар эди. Нигинани Темур Маликнинг ўзи лаҳадга қўйди, боши остига тўққиз йил ёнида олиб юргани — Хўжанд тупроғини тўкди. Шу пайт кўнглида туғилган ички нидо вужудини титратиб юборди. «Эй малика! Шу бир қисм тупроқ туғилиб ўсган еринг тупроғидир, она-тупроқдан буюрмади, деб ҳеч ўксима!» У ўпкаси тўлиб хўнграб йиғлаб юборди.

Қирқ тўққизинчи боб

Она-ер нидоси

Тўқайга ўт кетса ҳўлу қуруқ баробар ёнади... Чингизхон босқинидан сўнг тўрт томонга путраб кетган Мовароуннаҳрнинг «шеру йўлбарслари» Хуросону Эрон, Бағдоду Димишқ — Шом араб мамлакатларигача борди. Хазинани олиб қочган шаҳзодаю вазирлар бир ёқда қолиб, хўжандлик бир раққосанинг юрагидаги она-юрт муҳаббати ҳамма муҳожирларни ҳайратга солди. Қилич осиб, ариллаб-дариллаб юрганлар лол қолди. Унинг узоқ йиллар мобайнида йиққан жавоҳирлари, бебаҳо гавҳар тошлари, шода дурлари, тилла қошу узуги, сирғаю тақинчоқлари, тангалари бир ҳуржун бўлиб, ҳамёнга солиб юриш мумкин эмас эди. Темур Малик билан Иброҳим Дўлдай бу бойликни қандай асрашлик кераклигини ўйлашди. Агар шунча бойлик борлигини карвонсарой атрофидаги қароқчилар билиб қолгудай бўлишса, бир кечадаёқ икковларини ҳам саранжомлаб, уларни босиб олиб кетишарди. Марҳуманинг «йигирма»сидан кейин улар гўё пул тўплаб, мрамар тош ўрнатиш баҳонаси билан ҳовли эгаси — мискар чол ёнига боришди. Чол ҳам, қизлари ҳам Нигина беканинг шунча бойлиги борлигини билишмас, «марҳума асли Хўжанд ҳокимининг иккинчи хотин бўлганини ўз тилидан эшитишган, кейинги йилларда муҳожирликда ҳам камбағаллашмаганини сезишарди. Нигина бир куни кайфи чоғлигида мақтаниб, бу гапни айтиб юборган эди. Ахир

унинг никоҳида бўлганман-ку, деб ўзини-ўзи юпатарди. Лекин хасталаниб, хонанишин бўлиб қолганида у жуда эзиларди.

Темур, Иброҳим Дўлдай ва мискар чол биргаллашиб, Нигинанинг қабри белгили бўлиб турсин учун каттагина оқ мрамор сотиб олиб, остига «Хўжандлик раққоса Нигина Абдул Саид қизи» деб лавҳа ёзиришди-да, унга ўрнатиб қўйишди.

Орадан икки ой ўтгач, бир куни ногоҳ Иброҳим Дўлдай карвонсаройда адашиб-улоқиб юрган Қанғли Арслон билан сардор Олабуқага кўзи тушди. Қанғли Арслон гўё юз йил кўришмаган инисини топгандек йиғлаб, унга ёпишди.

— Бор экансен-ку, уагинам, ватандошим, сардорим... Мен Ҳазораспдаги жангдан сўнг, Жалолиддин билан кетиб қолган эдим... Шаҳзодамиз ўз дўстларини бир хотинга алиштириб кетдилар! Саркарда Темур Малик бормилар? Саломатмилар? Қани, гапир!

— Саркарда саломатлар, шу ердлар... — деди Иброҳим Дўлдай, уларга синовчан боқиб. — Нима иш қилиб юрибсизлар?

— Ҳар нима... — деди Қанғли Арслон. — Ҳаммолик қилдик, кема ҳайдадик, мешкоччилик қилдик, савдогарчилик қилиб, синдик... Қимор ўйнадик, ютқаздик...

— Сиз билан биз жанг кўрган сарбозлармиз!.. Қароқчилик қилсак бўлмасми? Одам ўлдириш, бош олиш ҳунаримиз... — деди Иброҳим Дўлдай.

— Ундоқ деманг, иним... — ўйланиб қолди Қанғли Арслон. У, Иброҳим Дўлдай билан Темур Малик шу йўлга кирибдилар, деб хаёл қилди. Бир нафаслик сукутдан кейин юмшади. — Иним, қилган гуноҳларимизни ўзи кечирсин. Бағдод орқали Маккаи мукаррамага жўнамоқчимен. Бизлар қароқчилик қилолмаимиз, саркардага салом айтинг, агар шу ишни ихтиёр этган бўлсалар, биздан умид узсинлар.

Унинг ёнида қовоғини солиб турган давангир Олабуқа ҳам индамай, ундан юз ўгиргандай кўринди. Иброҳим Дўлдай мабодо ватандошларимизга йўлиқсак, шу йўл билан синаймиз, деб Темур Малик билан маслаҳатлашиб олган эди. Қанғли Арслон билан Олабуқанинг тарвузи қўлтигидан тушиб, тумшайиб кетишаётган эди, Иброҳим Дўлдай тўхтатди. Қанғли Арслоннинг елкасига қўлини қўйди:

— Оға, бизлар ҳам ғурбат азобини тортадурмиз. Лекин ҳеч қачон қароқчилик қилмадик. Мен сизларни синаш мақсадида бу гапни айтдим.

— Бизнинг нимамизни синайсен? Синайдиган ҳолимиз қолибди-ми?! Юртдан ажралганлар одамми? Йўк, чумолидан ҳам хор! Саркарда бардамилар, ахир! У зотнинг яхшиликларини кўп кўрганмиз.

— Шукр, у кишини, албатта, кўрасиз. Аммо у зот ҳам катта андуҳда, хотинлардек кўзёш қилманглар, яхши гаплар айтиб, умидвор бўлмоқни хўш кўрадурлар.

— Балли, иним! Сиз саркарданинг садоқатли дўсти экансиз. Биз буни билдик. Бир дўст бўлса сизчалик бўлар! Шоҳмурод Кўҳистоний ҳам садоқатли дўст эдилар. Қандай паҳлавон, мард одамлар бор эди. Бағрим ёнадир, бағрим ёнадир!..

— Шоҳмуроднинг иниси Элмурод ҳам бунда деворзанлик қилиб юрибди. Мовароуннаҳр саркардалари хору хас, — деди гапга араллашиб баҳайбат Олабуқа йўғон овозда.

— Уни қайдан топмоқ мумкин? — деб сўради Иброҳим Дўлдай, кўзлари чарақлаб кетиб. Уч кундан буён Темур Малик билан Элмурод хусусида сўзлашишарди.

Иброҳим Дўлдай Хоразм қўшинининг икки собиқ сардорини карвонсаройга, Темур Малик ётган ҳужрага олиб келди. Улар аллавақтгача суҳбатлашиб, қоринларини тўйдириб, чиқиб кетишди. «Саркардада ҳамон кўр-кут бор» лигига хурсанд бўлиб, ҳар куни «ватандоши» ҳолидан хабар оладиган бўлишди. Темур Маликнинг

хамма хизматларини қилишар, оқар сувга бориб, кирларини ҳам яширинча ювиб келишарди.

Бир ҳафта ичида Олабуқа Элмурод Кўҳистонийни ҳам топиб келди. Темур Малик бу йигит билан кўп мулоқотда бўлмаган, аммо негадир оғаси Шоҳмурод каби юлдузи иссиқ кўринди. Уни, атайи ирим қилиб, хомболликка чиқармай, Иброҳим Дўлдай қатори ўз ёнида олиб қолди. Яна бирон ҳафта ичида Бағдод бозорида Аҳмад билан Кучумботирни ҳам учратди. Уларни ҳам саркарда ҳужрасига олиб келишди. Куркат қишлоғидан бўлган Мулла Ҳожиб, қамишқўрғонлик Садриддин, Аштлик Нуриддин Сайхуний, ахсикатлик Муҳаммад Али, паҳлавон Ботмон Дахсар, Қанғли Арслонлар ҳам бир-бирларини топиб саркарда ҳолидан хабар оладурғон бўлдилар. Халифа айғоқчилари бу ерда Мовароуннаҳр сарбозлари тўпланаётганидан хабар топмаслиги учун улар ўзларининг мулоқотларини яширин тутдилар. Карвонсарой атрофидаги миршаб ва бошқа мансабдор кимсаларга ниҳоятда хушмуомалали, хайр-эҳсонли бўлиш лозимлигини Темур Малик уларга уқтирди.

Шу зайлда ҳафталар, ойлар ўта бошлади.

Кунлардан бир куни Темур Малик Иброҳим Дўлдай билан Элмурод Кўҳистонийга, ҳадеб тухум босиб ётаберамизми, дегандек гап қилди. Улар учовлон бу ерда дайдиб, «насибасини териб юрган» лардан Қанғли Арслон, сардор Олабуқа, мулла Ҳожиб, Муҳаммад Али, Нуриддин Сайхунийларга тамоман ишонса бўлади, деган қарорга келиб, раққоса Нигина қазоси ва васиятини баён этишди. Ярим тунда, икки шам ёруғида, ҳужрада ўтирганларнинг оғзи очилиб лол қотди.

— Бир ўйинчи хотинда шунчалик мурувват, юртга муҳаббат! — деди аштлик Нуриддин Сайхуний. — Бундай тантиликни кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган...

— Ўтзор, Чориқдаррон, Хўжанд, Катвон, Бухоро, Ҳазорасп, Жанд, Гурганж... жангларида минг-минг одам шаҳодат топди, — деди Темур Малик. — Уларнинг ҳар бирининг юрагида ҳам она-тупроқ муҳаббати барқарор эди. Аммо, бу марҳуманинг олижаноблиги ҳар қанча таҳсинга сазовор!

— Хўш, шундай ётаберамизми ёки ўрнимиздан туриб, ҳаракат қиламизми? Бу — тирик ўлим-ку! — деди Темур Малик, — инсон тирик экан, ҳаракат қилмоғи, она-тупроғини озод этиш учун жангга кирмоғи лозим! Тирик туриб ўзимизни ўлган ҳисобласак, болаларимиз, авлодларимиз олдида нима деган одам бўламиз! Ер остида ётган шаҳидларнинг руҳлари ҳам бизларни босқинчиларга қарши курашга даъват этадур.

— Саркарда, сиз нима десангиз шу! Биздек ўлган одамларни тирилтирдингиз. Танзимизга иссиқлик югуриб, қонимиз жимирлашиб кетди, — деди кўзёшини енги билан артиб Қанғли Арслон.

Сардор Олабуқа ҳам бош қимирлатиб, бу фикрни тасдиқлади.

Бошқалар ҳам бу фикрни қувватлашди.

— Марҳума васият қилиб қолдирган бойликни мен бир неча бўлакка бўлиб, сизларга берамен. Бу бойлик қўшин тузишга етади. Бу пуллардан ўзингиз ва бошқа харажатларга сарф этмаслик учун она-юрт ҳаққи, қасам ичасизлар! Мен ҳам қасам ичамен! Ҳар биримиз алоҳида-алоҳида карвонга қўшилиб, савдогарлар қиёфасида Бағдоддан чиқиб кетамиз. Йўл харажатларини ўзингиз ишлаб ёки сарбонга хизмат қилиб топасиз. Шу тариқа, аввал бир қисмимиз Шошга, Келовчи, Қамишқўрғон қалъаларига, Ўзганга, Ўшга, Куркату Навга жўнаймиз. Менинг қадрдон иним Элмурод Кўҳистоний эртагаёқ Бадахшонга Қалъайи Хумбга — ёр-биродарлари ёнига жўнайди. Мен унга ҳам тилла тангалардан, жавоҳирлардан бердим. У Қалъайи Хумбда икки юз отлиқ черик тайёрлайди.

— Ундан ҳам кўпайтирамиз, — деди Элмурод.

— Балли! — деди Темур Малик. — Қўлингиздан келади. Қалъайи Хумб бозоридан яхши отлар сотиб олиб, темирчиларга қилич ва

қалқонга буюртма берилсин! Мулла Ҳожиб Аштга жўнайди, унда яхши дўстларимиз бор. Ахсикатга Муҳаммад Али соҳибқирон ва бошқа дўстларим ўз ерларига жўнайдилар. Сардор Олабуқа, Қангли Арслон Шош ва Келовчига... Бу ишлар ёғий амалдорлари ва уларга хизмат қилаётганларга мутлақо маълум бўлмаслиги лозим!

Ийгилганлар жим қулоқ осишарди. Саркарда Темур Малик бунчалик тадбиркорлиги, ҳеч кимга керак бўлмай қолган, руҳан ўлган одамларга қайтадан жон ато қилаётганидан ҳамма мамнун эди. Уларнинг кўплари, бу бойлик марҳума раққосанинг эмас, Темур Маликнинг ўзиники деб ҳам ўйлашарди.

— Кимда ким аҳдини бузса, сардор Муҳаммад Интизомнинг қўли ёқасида бўлади! — деди Иброҳим Дўлдай. — Муҳаммад Интизом бир юз эллик йигити билан Хўжандда! У бир кун ҳам жим тургани йўқ! Босқинчиларнинг жазосини берадур. Орамизда Аҳмад ибн Мораздек хоинлар бўлмасун. Мен бу гапни шу ердаги биродарларимизга айтиб қўйишим керак! Сардор Муҳаммад Интизом саркардага нома йўллаганлар. Алоқамиз бор. Саркарда, номани беринг-а!

Темур Малик Муҳаммад Интизом номасини ёнидан чиқариб, Иброҳим Дўлдайга узатди. У ўқиб эшттирди. Тўпланган сардорларда қатъий ишонч ҳосил қилмоқ учун Иброҳим Дўлдай олдиндан буни Темур Малик билан келишиб олган эди.

— Биз, Иброҳим билан келаси ҳафтада худди шу куни йўлга чиқамиз. Ҳар қалай, бир ойлар ичида Узганга етсак керак. Сизлар олдинма-кейин йўлга чиқаберинглар, — деди Темур Малик. — Юртга етиб боргач, энг ишончли, иложи бўлса, яқин қариндошларимизни ишга солиб, бир-биримиз билан алоқа қилмоқ даркор. Мен сизларни етиб борганимиз ҳамон топиб оламен. Муҳаммад Интизом йигитлари ёнида Хўжандда ясалган сопи гулдор ва унга лочин тасвири туширилган пичоқ бўлади... Унинг йигитлари билан бемалол гаплашмоқ мумкин. Ичимизда қўрқоқлик ва хиёнат йўлига ўтган кимса Муҳаммад Интизом йигитлари томонидан махв этилади! Янглишиб, пушаймон бўлманглар. Мақсад — янги қўшин тузиб, Хўжандни озод этмоқ! Қангли Арслон, Аҳмад Дажжол, Кучум ботирлар Шош шаҳри ва Келовчи қишлоғига боражаклари, агар қишлоқ оқсоқоли ҳаёт бўлса, Темур Малик саломини етказиб, ишга кириша беришлари мумкинлиги айтилди.

Темур Малик илгаригидай ишчан, ғайратли эди.

Ҳафтани ўтказиб келаси пайшанба куни Темур Малик билан Иброҳим Дўлдай марҳума Нигина қабрига келиб, уни сўнгги бор зиёрат қилиб, қабристон шайхига садақа беришди.

— Марҳумага бегона эмас эрдим, — деди ерга қараб хомуш Темур Малик. — Иним Иброҳим сенга дилимни очамен. У бағоят дилбар эди. Мен энди уни ташлаб кетаётирмен. Белимни камар билан боғлаб, жангга тушамен! Менинг юрагимда марҳума ёди, билагимда шамшир қудрати, мазлум юртимиз муҳаббати барқарор. Менинг кўз олдимда Хўжанд ёш боладек зор-зор йиғлаб турипти. Биз тезроқ у томонга боришимиз лозим, қанча тез борсак, шунча яхши!

Темур Малик билан Иброҳим Дўлдай Бағдоддаги барча ватандош сардорларини бирин-кетин жўнатиб юборгач, пайшанба куни Ҳамодон, Машҳад, Кеш орқали Уш ва Узганга эмас, Бағдоддан Рей, Мурғоб, Бухоро, Нур ва Зарнук орқали шаҳри Шошга, ундан Келовчи, Ахсикатга... ўтишни маъкул кўришди. Душман камроқ эътибор берадиган йўллари танлашди.

Қимматбаҳо гавҳару тилла тангалардан қолганини Иброҳим Дўлдай билан Темур Малик иккига бўлиб, белларига боғлаб олишди. Мовароуннаҳрдан чиқиб кетган баҳоси йўқ гавҳарлар яна Сайхун ёқасига қайтаётганидан саркарда мамнун эди. Дажла дарёси бўйидан йўлга тушган карвон Херирўд, Мурғоб каби ўн етти дарёни ўтиб, Бухорога кириб боради. Эрта тонгда «икки дарвеш» ҳам йўлдош бўлган туя карвони даранг-дурунғ қилиб, Бағдод карвонсаройидан чиқиб

кетди. Қиличу қалқонларни қопга ўраб, фақат ёнларида ўткир ханжару дори-дармонларни туғиб олишган, дам пиёда, дам туяда сахрома-сахро, даштма-дашт кетиша бошлади. Карвон эгалари — Ироқу Шом савдогарлари башанг, серпул ва яхши кийиниб, катта гапиришар, баъзан беватан дарвешларга хизмат буюриб, қўллари белларида, гўдайиб туришарди. Иброҳим Дўлдай саркардага паст назар билан қарашларга гаши келиб, газаби қайнарди. Лекин Темур Малик уни босар, ножўя ҳаракат қилишдан тийиб қоларди.

Ун беш кун деганда карвон Мурғобдан ўтиб, Марвга етди. Бир кунлик дам олишдан сўнг, Қорақумга киришда карвонни ногаҳон қароқчилар тўдаси босди. Ундан ортиқ тиш-тирноғигача қуролланган қароқчи олдинги туядаги сарбонни ушлаб, қўл-оёғини боғлашди, қандай қимматбаҳо мол олиб кетаётганини сўраб, савалашди. Савдогарлар туя устида қотиб, қуролларини ҳам кўтаришга юраклари дов бермай турарди. Темур Малик охириги туядан тушиб, Иброҳим Дўлдайга: «Жим турсак уят бўлади! Бу ярамаслар ёнимизни кавлашдан ҳам тоймайди. Қилич ва қалқонни олинг! Қалқонни айниқса унутманг, чунки қароқчиларда қалқон бўлмайди, узоқ жанг қилишни мўлжалламайди улар. Шамширим билан қалқонни тез узатинг! Кўнглимдан ўтган эди, буларга бир ўйин кўрсатамиз...» деди. Иброҳим Дўлдай қароқчиларга сездирмай қилич ва қалқонларни олди. «Дарвеш»ларнинг ғимирсиётганига улар кўп эътибор беришмасди ва яна охириги туяда карвон хизматчилари келишини билишарди. Тиллаю ақча, ипак буюмлар, дори-дармонлар олдинги туяларда, сарбон муҳофазасида бўларди.

— Ҳей, нобакор қароқчилар! Карвонга шикаст етказсангиз ҳаммангизни шу ерда чопиб ташлаймиз! — деди наъра тортгандай баланд овоз билан Темур Малик. Саркардадан беш қадамча ўнгда Иброҳим Дўлдай қиличи, сўл қўлида қалқонини ушлаб, шай турарди.

Қилич ушлаган икки «дарвеш»га кўзи тушган қароқчилар сардори қийшиқ, димишқий қиличини баланд кўтариб, югурганча келиб, Иброҳимга ҳужум қилди. Иброҳим Дўлдай биринчи зарб уришдаёқ қалқонсиз қароқчинини чопиб ташлади. Кетма-кет югуриб келган қароқчилар ерда ётган сардорларини кўриб, капалаклари учди. Темур Маликка ҳужум қилишди. Саркарда бехато қилич уриб, икки қароқчинини ҳам ерпарчин қилди. «Жанг қилмай юрган экансизлар, ҳаромилар! Қўлларинг қилич ушлашга қовушмайди-ю, қароқчилик қилиб нима қиласанлар!» дея Темур Малик билан Иброҳим Дўлдай қолган қароқчиларни қувлашган эди, улар тўрт томонга қуён бўлиб қочишди.

Шу кундан бошлаб, карвон аҳли, сарбондан тортиб барча савдогарлар Темур Малик билан Иброҳим Дўлдайни катта эҳтиром билан олдинги туяга олишди. Ҳар куни уларга ширин таомлар тайёрлаб, то Бухорога етгунча эъзозлаб келишди. Уларнинг муҳожирикдаги Хўжанд ҳокимлари эканини билишмади-ю, аммо дарвеш эмас, мўгул босқинчилиги туфайли ватанларидан чиқиб кетган сарбозлар эканликларини фаҳмлашди.

Бухородан улар бошқа карвонга ҳамроҳ бўлиб, Кармана орқали Нур ва Зарнукни босиб, Шош вайроналарига, ундан Келовчи қалъаси билан Янтоқ, Қамишқўрғон, Ахсикатдан ўтиб, Қорадарё йўли билан Ўзган шаҳрига йўл олишди. То баҳоргача Ўзгану Ўшда туриб, сардорлар билан алоқани яхшилаб, Исфисор ёки Унчи қишлоғи атрофига бадахшонликларни чақириш ниятлари бор эди.

Саркарда Сайхунга яқинлашгач, Жандга киримади. Бу ердаги жангда у жуда кўп асл сарбозларини, қадронларини йўқотганди. У, Жандни пастлаб, тўғри Шош сари юрди. Шош шаҳри аста-секин қайтадан тикланарди. Саркарда яширин кириб келганига қарамай, бу ердаги Қанғли Арслон, Кучум баҳодир уларни топиб, уч кун обдон меҳмон қилишди. Тайёрланган қурол-яроғ, ўттиздан ортиқ йигит ўзлари кўнглили бўлиб, уюшганликларни маълум қилишди. Йигитлар

ичида марҳум мунший Абдулқодир Шошийнинг икки фарзанди ҳам борлигини кўшиб кетишди. Сардор Олабуқа ҳам Келовчида эканини айтишди. Темур Малик баҳор ойларида Хўжандга яқин, Чориқдарронда тўпланиш, кейин дарёдан ўтиб, Унчи ва Исфисордан жанг бошлаш кераклигини, ўзининг Куркатга келганидан сўнг хабар беришини айтди. У, эртасига Қангли Арслон, Кучум баҳодир, Мунший фарзандлари билан Қафтол Шоший мақбарасини, ундан сўнг Абдулқодир мунший қабрини зиёрат қилди. Тонготарда Қангли Арслон тайёрлаган отларда Келовчига жўнашди. Бунда икки кун тунаб, эртасига тоғ оралиғи билан Қамишқўрғон сари йўл олишди. Гўё отасиз қолган оиладек Келовчида ҳам, Чориқдарронда ҳам, Қамишқўрғонда ҳам саркарда Темур Маликнинг ҳаёт экани, унинг кемаси дарёда ағдарилмаганини билишиб, фуқаронинг кўнгли кўтарилди. Яна унинг номи одамлар тилида зикр этилди. Темур Маликнинг Сайхуннинг ўнг қирғоғидаги қишлоқларда бўлгани тезда Чоркесарга ҳам етди. Бу ерда ёғийлар борлигини унга хабар қилишгач, у қишлоққа кирмай, Иброҳим Дўлдай билан Сайхундан қайиқда ўтиб, Ахсикат сари йўл олди. Бағоддан чиққанларида, қилич ва қалқонни яшириб, отни ҳам бир деҳқонда қолдиришган эди. Ахсикатда босқинчилар шаҳарни қаттиқ жанг билан олгани, шаҳар ҳокимининг катта ўғлини кейинчалик «ўз халқидан» деб Ахсига ҳоким қилиб тайинлаганини, кичик ўғли Муҳаммад Али оғаси туфайли шаҳарда эркин юришини ҳам эшитишди. Икки кун бозорда юрган Темур Малик билан Иброҳим Дўлдайни Муҳаммад Али топиб, дарҳол уйига олиб кетди. Бу ерда беҳатар эканликлари, ҳатто кўчаларда қилич тақиб юрган Муҳаммад Алига ҳам мўғуллар ёмон кўз билан қарамаётганларини сезишди. Муҳаммад Алининг оғаси Хўжанд билан алоқа қилиб тургани, Маҳмуд Ялавочнинг иниси шунчаки номига ҳоким бўлиб, аслида иш Сўқту нўён қўлида эканини билишди. Улар ёш Метин Маликни шаҳарга ҳоким қилиб тайинлашмоқчи, бу билан тинчимаетган Хўжандни тинчитмоқчи бўлишибди. Бу ҳақда шимолда босқинчиликни давом эттириб юрган Ботухонга нома юбориб, ундан ружсат сўрашганида, ундан аниқ бир жавоб олишолмаган экан.

Хўжандда ёғий мансабдорларини ўлдириб кетиш ҳоллари тез-тез бўлиб турарди. Бу ҳодисалар Сўқту нўённинг тинкасини қуритар, у ўз жонини сақлаб қолиш чораларини излар эди. Маҳаллий халқ босқинчи нўёнларни ҳеч ёқтирмаётганлиги сабабли Жўжи билан Чигатой фармонига мувофиқ Хўжандга Катағон ўғлонни расмий ҳоким қилиб тайинлашди. Лекин унинг жилови Улоқ нўён билан Сўқту нўёнлар қўлида эди. Шунга қарамай, орадан ойлар, йиллар ўтган сайин эл ичида мўғулларнинг нуфузи камая борди, уларнинг аксарияти маҳаллий халққа қўшилиб, сингиб кетабошлади.

Инисининг Ахсикатда куч тайёрлаётганидан хабарсиз, Катағон ўғлон кўп сирни Муҳаммад Алига оғзидаги гуллар эди. Муҳаммад Али оғасида шубҳа қолдирмаслик, тамоман ишонч ҳосил қилмоғи учун «аҳтиёт бўлинг, мўғулларингиз ўзини гўл қилиб кўрсатгани билан ўлгудай айёр, зимдан кузатади...» деб уни огоҳлантирар эди.

Бу гапларнинг барини Муҳаммад Али Темур Малик билан Иброҳим Дўлдайга гапириб берди. Уттиздан ортиқ йигитни яширинча қуроллантиргани, мақсадни маълум қилгани, баъзиларининг ўз отлари борлиги ва бунинг устига оғасига тобе сардорлардан икки киши билан қадрдон бўлганини, сарбозлар, ватан хизматига бош беришга тайёрмиз деяётганини ҳам айтди. Оғаси қўрқоқроқ бўлса ҳам, ёмон одам эмаслиги, Ахсикат халқига кўп зиён етмасликни ўйлаб отаси ўрнига ҳокимликни ихтиёр қилганини, агар мўғул мансабдорлари водий халқига зиён-заҳмат етказса, оғаси ҳам шу лаҳза ўз ватандошлари тарафида туриб, золимга қарши қилич кўтаришига амин эканини ҳам маълум қилди. Муҳаммад Али оғасидан ҳам шу лаҳза ўз ватандошлари тарафида туриб, золимга қарши қилич кўтаришига амин эканини ҳам маълум қилди. Муҳаммад Али оғасидан кўра

эътиборлироқ эди, чунки Хўжанд Чорикдаррон, Жанд ва Ҳазораспдаги қонли муҳрабаларда мардлик, жасорат кўрсатиб, черик аҳли эътиборини қозонган эди. У ахсикатликларга Хўжанд ҳокими Темур Маликнинг тирик эканини билдириб, уларни қўлларига қилич олиб, ўзининг атрофига тўпланишга ундаганлигини, «синглим учун, Ахсикатда қурбон бўлган йигитлар учун босқинчидан қасос оламиз», деган гаплар билан уларнинг юрагини қизитиб қўйганлигини, баъзи йигитлар ҳозироқ душман истибдодига қарши ҳужумга ўтишга тайёр эканликларини айтди.

Темур Малик Муҳаммад Алига катта миннатдорчилик изҳор этди. Ахсикатдан қилиб кетишда у билан қучоқлашиб, хайрлашиб, «азизим, укам, яқин орада Хўжандда, бу замин эгалари сифатида учрашайлик. Савр ойнанинг биринчи ҳафтаси, Унчи ёки Исфисорга тўпланамиз! Ёки Қистакўз қишлоғи билан Лайлак дарёси оралигида... Буни яна аниқроқ қилиб, сизга сардор Муҳаммад Интизомнинг одамлари етказадилар...» деди. Темур Малик билан Иброҳим Дўлдайни Муҳаммад Али қаландар сифатида эмас, яхши отларда, яхши либосларда то Қорадарё бўйигача кузатиб қўйди. Улар йўлда бир тунаб, эртасига Ушга кириб боришди. Бу ердаги аҳвол ҳам Ахсикатдан қолишмасди. Темур Малик назарида энг муҳим нарса шу эдики, ерлик халқ босқинчиларга қарши оёққа туриб, жанг қилишга тайёр эканлигини, Ўзганда ҳам аҳвол ёмон эмаслигини кўришди. Кейин йигитлардан уч-тўрттасини ажратиб, уларни Каркидон, Даравутқўрғон — Қизилсув дарёси бўйлаб, Жирғатолга, ундан Қалъай Хумбга ўтиб, Элмурод Кўҳистоний аҳволидан хабар олиш, у ердагиларга Темур Малик саломини топшириш учун юборишди. Темур Маликнинг ўзи Куркатда ёки Қистакўз билан Лайлак дарёси орасида бўлиши, ҳужум савр ойнанинг биринчи ҳафтасида эканлигини маълум қилишни топширишди.

Темур Малик Ўзган ва Ушда икки кундан бўлиб, сардорлар билан маслаҳатни бир жойга қўйиб олди. Озодлик учун курашга тайёргарлик харажатларини фуқаронинг ўзи ҳам баҳоли қудрат тўплаб бераётгани, оти борлари от, қиличи борлар қилич бераётганидан, дони борлар дону озиқ-овқатини аямаётганликларини билиб, қувониб кетди. Айниқса Уш билан Ўзганда фидойи кишилар ниҳоятда кўплиги уни қанотлантириб юборди.

Эндиги йўл Олой ва Туркистон тизма тоғлари этаклари билан Шўроб, Воруҳга, ундан Робот орқали Куркатга. Бу ер саркарданинг «боргоҳи» бўлади. Башарти хавф туғилса, бир кечада Лайлак дарёсини кечиб, Қистакўзга ўтиб олиш мумкин.

Темур Малик юриб чарчамасди. Инсон бир ерда ўтирмаслиги, доимо дарёдек оқиши керак. Шундай қилсагина у ҳар қандай андуҳдан фориг, оқар сувдек беғубор бўлади, дерди у.

Улар Куркатга етиб келиб, даранг-дурунғисиз кадхудо ҳовлисига ими-жимиди жойлашдилар.

Қиёматлик дўст, саркарда эътимод қўйган одам Муҳаммад Интизом ҳам бундан икки кун аввал Қоравшин томондан, тоғда қолган иниси сифатида оқсоқол ҳовлисига келиб, саркардани кутиб ётарди. Тўққиз йилдан сўнг, қишлоқ оқсоқоли ҳовлисида, анча озиб, ранглари кетган Темур Малик билан хипча, қорачадан келган Муҳаммад Интизом қучоқлашиб, омонлашишди.

— Хуш келибсиз, саркарда!.. Бандаси ҳамма нарсага чидаркан, — деди Муҳаммад Интизом, энги билан кўзёшини артиб. У ўпкаси тўлиб, бошқа сўз айтолмади. Қулги ҳам, кўзёши ҳам мутлақо бегона бу қаҳри қаттиқ одам саркардани кўриб, мумдек эриб кетгандай бўлди. Қишлоқ оқсоқоли билан Иброҳим Дўлдай уларни кузатиб турарди.

— Бола-чақангиз саломатми? Ўзингиз бардамсиз? — деди Темур Малик, садоқатли биродарини бағридан бўшатгиси келмай. — Мана тақдирнинг тақозоси билан яна она юртга қайтдик...

Қишлоқ оқсоқоли меҳмонларни уйга олиб кирди. Муҳаммад Интизом қишлоқ оқсоқоли Абдусалом отага саркарданинг қишлоқда

эканини ҳеч кимсага сездирмасликни тайинлади. У саркарда билан ҳам баъзи масалаларни гаплашиб, зарурат туғилганда ўзини қишлоқ гузаридаги атторлик моллари дўкони эгаси Турди-пайтавачидан сўрашларини айтди. Иброҳим Дўлдайга ҳам баъзи гапларни тайинлагач, олиб келган хуржунини унга берди. Темур Маликка яна бир ой — саврнинг аввалини кутиш лозимлигини, яқин орада Элмурод Кўхистоний яширинча Куркатга келиб кетишини ҳам маълум қилди.

— Шош, Келовчи, Чорикдаррон, Қамишқўрғонликлар барвақтроқ дарёдан ўтиб, Қистакўз, Навга тўпланишса яхши бўларди, — деди Темур Малик Муҳаммад Интизом билан Иброҳим Дўлдайга. — Улоқкўпқар, чоршанба отбозор баҳонаси билан келишсин, ундан ташқари, тўрт-бешта бўлиб юриш ёғийларда шубҳа туғдирмайди. Бу томонга келадиган отликлар ўндан ошиб кетмаслиги лозим. Ўз кишиларимизга, савр ойининг биринчи ҳафтаси... деган гапни маълум қилсак бўлаберадим.

— Тўғри, — деди Муҳаммад Интизом. — Элмурод Кўхистоний бирон ҳафталардан кейин ўзи кичик бир отликлар дастаси билан ёнингизга келади. Орадан кўп ўтмай, менга маълум бўлишича, Гарм, Жирғатол орқали беш юзга яқин отлик Сўхга чиқади. Робот, Қистакўз орқали Исфисорга ўтиб, шу ердан ярим тунда Хўжандга ҳужум қилиб, тонготарга қалъани қўлга олмоқчи. Элмурод Кўхистонийнинг режаси мана шундоқ. Эрта ёки индин унинг ўзидан ҳам эшитарсиз.

— Бу жуда яхши! Халқимиз қулликни мутлақо тан олмайдиган мард халқ! Ҳали биз хонавайрон бўлган, шаҳар, қишлоқларимиз асоратга солинган фуқаро ва қатл этилган биродарларимиз қасосини оламиз! Босқинчилар кўп қотилликлар қилди. Буни наннки биз, авлодларимиз ҳам кечирмайди!..

Муҳаммад Интизом энгагига узун соқолини ёпиштириб, бошда кулоҳ, йўрға эшак миниб, қишлоқдан чиқиб кетди.

Темур Малик билан Иброҳим Дўлдай қишлоқ оқсоқолиникида уч кеча ётиб, тўртинчи кун и она шаҳри Хўжандни бир кўриб келиш ниятида от-арава тайёрлатди. Муҳаммад Интизом қолдирган турли айғоқчилик анжомлари билан соқол-мўйлаблар ёпиштиришди, эски чакмон, оёқларига деҳқонлар киядиган чорик, малларанг салла ўраб, Хўжанд бозорига йўл олишди. Шаҳарнинг Уратепа дарбозасидан бозорга келишди. От-аравани майдон четига қўйиб, ўзлари кичик мазорни ёқалаб ўтиб, дарёга яқинлашишди. Сарисанг тепалигига чиқиб, тўлиб жимирлаб оқиб ётган Сайхунга тикилишди. Темур Малик тўйиб, кўкрагини тўлдириб нафас олди. У тепалиқдан туриб, узоқдаги қалъага ҳам тикилди, шу қалъадан сал берироқда — Намозгоҳ маҳалласида ҳовли-жойи бор. Бунда ёлғиз фарзанди Метин Малик туради. У отасининг келганини билмайди.

Қалъанинг кун чиқиш томонидаги бозор майдони, одам гавжум, аравалар, отлар — бозор ёқасидаги каппону чап томондаги мискарларнинг ғовури, тинимсиз тарақа-туруқи Сарисанг тепалигига шундоқ эшитилиб туради. Темур Малик ерга ўтириб, қўлларини тупроққа теккизди. Худди шу атрофдан ёлган бир ҳовуч тупроқни Бағдодда марҳума раққоса Нигина қабрига тўкди. У олижаноб хотиннинг умр бўйи йиққан бойлиги буларга асқотди. Мана, саркардаю сардорлар ўзга юртда қолиб кетмай, ўша маблағ туфайли она-тупроқларига келиб олишди.

Темур Малик ўрнидан туриб, дарё оқимида, Чорқишлоқдан ярим фарсахча нарида дарё ичидаги истехкомга кўз ташлади. Узоқда хирагина кўриниб турган оролчада олти ой туриб, жанг қилишди... Шаҳар ичида, бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз ва унга ўхшаганлар хиёнат қилмаганларида шаҳарни асраб қолиш мумкин бўлармиди...

Сарисанг тепалигидан улар тўғри бозорга қайтиб келиб, Иброҳим Дўлдай даъвати билан Куркатга жўнашди. Саркарда жуда мамнун бўлди, тўққиз йиллик ватангадолик жонига тегиб, суяк-суягидан ўтиб кетган эди. У Хўжандни қайта кўрганига фикран шукроналар айтди. Оч одам қаттиқ нонга ҳам тахаммул қилади-да, ахир!

Орадан яна икки кун ўтказиб, Темур Малик, ўғлимни кўриб келаман, деб туриб олди. У Иброҳим Дўлдай: «Сардор Муҳаммад Интизом бундай эркинликларга рухсат бермаган», деди. Темур Малик кичик болага ўхшаб ўжарлик қилиб туриб олди. Қишлоқ оқсоқоли Абдусалом, дўкондор Турди-пайтавачилар ҳам Темур Маликнинг Хўжандга боришини маслаҳат кўришмади.

— Энди сир йўқ, энди биз бекиниб ётолмаймиз! — деди Темур Малик қишлоқ оқсоқолига. — Элмурод Кўхистоний қўшини Бадахшондан йўлга чиққанига бир ҳафта бўлди. Узи бугун ёки эртага кириб келади. Худди шу пайтда Ахсикатдан сардор Муҳаммад Али тўрт юз йигити билан ҳозир бўлади. Ҳаммалари йўлга чиққан... Мен қачонгача кўршапалакдек яшириниб ётишим керак?! Бир минг икки юз отлиқ билан мен босқинчилардан Хўжандни озод этишим мумкин! Қўрқманглар, азизларим!

Бундай пайтларда унинг раъйини қайтариб ҳам бўлмаслигини Иброҳим Дўлдай биларди. Абдусалом билан Турди-пайтавачи бир-бирларга қараб қўйишди. Уларнинг бу қарашларида «ёғийлар ёмон, улар жуда ҳам маккор, шунча қўшин келар эмишу улар ухлаб ётармишми?..» деган маъно бор эди. Бу андишани дўстлари кўзидан пайқаган Темур Малик кулди.

— Нимани ўйлаётганингизни фаҳмлаб турибмен, — деди у Турди-пайтавачига тикилиб. — Энди энг яхши пайтаваларни ўзимизнинг сарбозларга тўқиб берасиз. Насиб этиб, омад кулиб боқса, шаҳар озод бўлади!

— Саркарда, менинг лақабим «пайтавачи», ўзим ҳозир атторлик қиламен. Пичоғимга қараб қўйинг! — деди аттор мақтаниб. — Шаҳар озод бўлса, йигитларга пайтава топилади. Мен сардор Муҳаммад Интизомга тобе кишимен!

— Узр, азизим, — деди Темур Малик. — Менга қаландар либосини кийдиришлар, бориб ўғлимни кўриб келаман!

Шу куни тушки таомдан сўнг, саркарда Иброҳим Дўлдай билан отда яна Хўжанд сари юрдилар. Улар чиқиб кетгач, икки отлиқ билан Элмурод Кўхистоний кириб келди. Саркарданинг ўғлини кўрмоқлик учун Хўжандга жўнаганини эшитиб хафа бўлди. Қош қорайгунча кутишди. Абдусалом ҳовлисига ахсикатлик Муҳаммад Али ҳам ўз одамини юборибди, тўрт юз отлиқ билан Лайлак дарёси бўйида турган экан. Шу куни Шошдан Қанғли Арслон, Ушу Узгандан ҳам одам келиб, отлиқлар Қистакўз қишлоғи атрофида эканини айтишди. Қақиш — қўрғон, Келовчи қишлоғидан ҳам элликтадан юз отлиқ аллақачон дарёдан ўтгани Элмурод Кўхистонийга маълум бўлди. Бағдодда гаплашиб олганларига кўра мана салкам уч ойдан буён кўришмаган Элмурод Кўхистоний саркарданинг Куркатга кириб келишини бесабрлик билан кутарди.

Темур Малик билан Иброҳим Дўлдай бошқа ёққа алаҳсимай тўппа-тўғри қалъа ёнидаги Намозгоҳ маҳалласига киришди, йўлда бир неча мўғул отлиқларига рўпара келишди. Улар ўзи билан ўзи овора эди. Ҳокимнинг катта дарбозаси олдида тўхтаб, остонада туриб дарбозани тақиллатишди. Кимнингдир ичкаридан келаётган шарпасини сезиб, Иброҳим Дўлдай атайи орқага тисланиб, отларни тор кўчага олиб кирди. Дарбозани очган ўн уч ёшлардаги, бўй-баста баланд, мўйлаби шафтоли тукидек эндигина сабза ураётган бола узун соқолли қаландарга тикилиб қолди.

— Ассалому алайкум! — деди «қаландар».

— Ассалому алайкум! — деди дарҳол йигитча, хижолат бўлиб. У кекса одамга аввал салом бермаганидан қизариб кетди.

Бу «қаландар»га ёқди.

— Мен ҳоким ҳазратларининг яқин кишилариданман, — деди «қаландар».

— Мен ўша ҳоким ҳазратларининг ўғиллари бўламен. Отим Метин Малик, — деди йигитча дадиллик билан.

Мўғулларнинг умумий фармони билан бундан уч йил муқаддам ўзларига қарши курашган, қалъаларни мудофа қилган мансабдор ёки оддий кишиларнинг «гуноҳи» кечирилиб, баъзи мансабларга улардан қўйила бошланган эди. Шу сабабли илгарилари отаси номини айтишдан қўрқиб юрадиган Метин Малик кейинги йилларда уни фахр билан тилга оларди. Йигитча «қаландар»га тикилганча, сезилар-сезилмас жилмайиб турарди.

— Отангиз ҳалок бўлган эмас!

— Сиз буни қандай исботлайсиз? — деди лоқайдлик билан Метин. Кейинги йилларда Темур Малик номи билан бир неча қишлоқларда босқинчиларга қарши исёнлар кўтарилиб, охири фожиа билан тугаган эди. Лекин мўғул мансабдорлари чуқур тафтиш этишганида, бошқа одамлар Темур Малик номи билан қўзғолонга сардорлик қилгани маълум бўлган экан. Бу гап Метин Малик қулоғига ҳам етиб келган эди.

— Отангизнинг Ғулом деган хизматкори бор эди. У киши ҳаётми?

— Ҳа.

— Ғулом ҳозир етмиш саккиз ёшга кирган бўлмоғи мумкин.

— Худди шундай.

— У киши қаерда?

— Ҳозир қақирамен. Ичкарида... — йигитча «қаландар»ни дарбо-за ёнида қолдириб, ичкаридан соқол-мўйлаби ўсган, мункиллаб қолган Ғуломни бошлаб чиқди. «Қаландар» Метинга сездирмай, узун бармоғини лабига босиб, Ғуломга тикилди. Ғулом «қаландар»ни кўри-боқ, ҳушидан кетиб йиқилди. У ерда ўтириб, бир нима дейишга оғзини чоғлаган эди. «Қаландар» уни гапиришга қўймай, гапни ўзи илиб кетди:

— Сизга нима бўлди? Ўзингизни қўлга олинг! Мен ўша сизнинг ёшликдаги танишингиз бўламен. Мен ҳоким ҳазратларидан яхшилик кўрган ғариб бир қаландармен, шу остонага келиб, бир салом бериб кетишни кўнглимга тугиб юрардим. Мана, сизни ҳам саломат кўриб, кўнглим таскин топди. Энди бизга рухсат... Яхшилик билан дийдор кўришайлик...

Икки «қаландар» отга миниб, айланма кўчалар билан шаҳарнинг Уратепа дарбозаси томон юришди. Узоқдан, дарбоза атрофида бир тўп душман отлиқлари турганини кўриб, Деҳнави пастлигидаги Чорчироғ дарбозаси томон юришди. Лекин шитоб билан етиб келган ўн отлиқ «икки қаландар»ни ўраб олди. Қуролсиз Темур Малик билан Иброҳим Дўлдай доғда қолишди. Қаршилиқ кўрсатишдан фойда йўқ эди. Отлиқлардан бири Темур Маликнинг сунъий соқолини юлиб олиб ташлади. Бу отлиқ мўғулларга ўхшамасди. Уларни отларидан туширмай, жировни бояги кимса ушлаб, қилич яланғочлаган бир тўда сарбозлар муҳофазасида тўғри қалъа ичига олиб киришди. «Изимизга сотқин тушган экан...» деди қалъага кираберишда Темур Малик. «Бу томонга келмаслик айтилган эди, хато қилдик...» деди Иброҳим Дўлдай.

— Сўзларингизни тушуниб турибмен, — деди Темур Маликнинг сунъий соқолини юлиб ташлаган кимса, — мана энди қўлга тушдингиз! Саккиз ой дарё ичида ётиб, қочиб кетган Темур Малик, тўққиз йилдан кейин қўлга тушди...

— Ўз ватандошингни ушлаб беришга сени нима мажбур қилди? — деди Иброҳим Дўлдай унга нафрат билан қараб.

— Менинг оғамни бозорда, одамлар ичида ўлдирган...

— Оғанг қўшин сирини сотган, — деди Иброҳим Дўлдай, бу одам кимлигини эслаб топиб, — оғанг қўрқоқ, саркарда қўшинидан қочган. Бундай ярамас одамни...

— Жим бўл! Йўқса чопиб ташлаймен!

Уларни қалъа ичида отдан тушириб, тўппа-тўғри Қатағон ўғлон ёнига олиб киришди. Темур Малик катта хонага кириши биланоқ бурнини ушлади. Ҳид... Атрофда қилич яланғочлаган, ўқ-ёй ушлаган

мўғул сарбозлари шай турарди. Аллақаердан бир кўзи кўр, семиз Улоқ нўён ҳам келди. Сўқту нўён ҳам чиқиб унинг ёнига чўқди. Сўқту нўён билан Қатағон ўғлон рўпарада турган Темур Малик билан Иброҳим Дўлдайга ўтирган ерида бир нима деди. Тилмоч Темур Маликка мурожаат этди.

— Утиринг, тик турманг, демоқчи мўътабар шаҳар ҳокими Қатағон ўғлон жаноблари. Ундан кейин Сўқту нўён ҳам бир нима деб гўдиллади. Тилмоч Иброҳим Дўлдайга қараб. — Сиз, Темур Маликнинг хизматкорисиз. Сизни пастга тушиб, нарида тик туришингизни айтади. Сизнинг, мўътабар ҳоким ва нўён билан қамти туриб, гаплашишга ҳаққингиз йўқ! Анави мўғул навқарлари орқасида туринг. Сизнинг қўл-оёғингизни ҳам боғламаймиз, у вақт ўтди. Улдирмаймиз ҳам, у вақт ҳам ўтди. Мўғул ҳокимияти жуда мустаҳкам!

Иброҳим Дўлдай айвондан пастга тушиб, орқароқда тик турди. Саркардага ёмонлик қилмасинлар, дегандек қўл қовуштириб, бўйнини эгиб, кузатиб турди.

— Темур Малик! — деди Қатағон ўғлон. — Сенинг Хўжандда пайдо бўлганинг уч кундан буён бизга маълум. Изингга одам қўйиб, мана ушладик. Сенинг баҳодирлигингга улуг Чингизхоннинг ҳаваси келгани ҳам бизга маълум. Сени ўз ўғилларидан ҳам юқори баҳолаганини биламиз. Хўжандга келибсан, яхши иш қилибсан. Сен бизга итоат эт, биз сени яна ўз мартабангга қўямиз. Сени бунда ҳамма танийди. Ҳамма ҳурмат қилади. Энди бошқа йўл йўқ. Кел, сўзларимга рози бўлиб, бизга хизмат қил.

Темур Малик бир лаҳза жим қолди. У тадбир ишлатиб, бу ердан чиқиб кетишни ўйларди.

— Нима дейсен? — Сўқту нўён мулоимлик билан мурожаат этди.

— Йўқ, мен бу ишни қилолмаймен! Менинг Хўжандга қаландар қиёфасида кириб келганим сизларни ташвишга сояган бўлса, чиқиб кетамен ва бундан кейин келиб сизларга халақит бермаймен. Мен бу келишимда ҳеч кимга зиён етказганим йўқ...

Бу сўз Улоқ нўёнга ёқмади.

— Сен бизга шикаст етказолмайсан!!! Ҳеч ким бизга шикаст етказолмайди! Иккиламчи, сен Темур Малик эмассан! Шубҳам бор. Ҳозир ўзини Темур Маликмен, дейдиганлар кўпайиб кетган. Мен сенинг Темур Малик эканингга ишонмаймен! Темур Малик сенга ўхшаб оч арвоҳ эмас, у йўғон одам эди. Мен у билан дарё ичидаги оролчада учрашганман. Сен шу ерлик фирибгар мусулмонлардан бирисен. Бу ердаги мусулмонлар ичида фирибгарлари кўп. Дарёнинг нариги томонидаги қишлоқда пайдо бўлган Темур Малик номи билан юрган фирибгардан учтасини ўз қўлим билан ўлдирдим.

Бу гаплар Қатағон ўғлонга ёқмади, у бетамиз нўёнидан энсаси қотиб, рўмолга бурнини қоқди.

— Бир кўз билан мени танимаётирсен. Оролда сени қўйиб юборган эдим. Жанд шаҳри ёнида камондан ўқ узиб, кўзингни кўр қилган ҳам мен! Энди ким эканимни билгандирсен?! — деди Темур Малик Улоқ нўённи масҳара қилгандек нописандлик билан.

Ўтирган ерида ўсал бўлиб қолган Улоқ нўённинг бирдан ранги оқариб кетди. У ёнида турган сарбоз қўлидан камонни олди-да, шошапиша ўқлаб Темур Малик кўксини пойлаб отди. Шунчаки пўписа қиялпти, деб ўтирган Қатағон ўғлон билан Сўқту нўён буни кўриб, бошларидан ҳушлари учди.

— Номард! — деди ёнига қийшайиб йиқилаётиб Темур Малик. Иброҳим Дўлдай югурганча келиб, Темур Маликни суяб қолди.

— Нега бундай қилдинг?! — деди Сўқту нўён билан Қатағон ўғлон. Улоқ нўёнга дўқ уриб, — нега керак эди бу иш!

Улоқ нўён, тили калимага келмай, титраганча ерга бўз бўлиб қараб тураберди.

— Эй, — деди Сўқту нўён Иброҳим Дўлдайга, — хўжайинингни кўтариб, бу ердан олиб чиқиб кет!

— Азизим, укам, ўқни суғуриб олманг. Унда қон кўп оқади. Мени опичиб, ҳовлимга, остонамга етказинг. Зора Метинни кўриб қолсам... Агар жон бериб қўйсам ҳам ҳовлим остонасига етказинг. Мен остонамни ушлаб ўлай. Ундан сўнг Куркатга югуринг, Кўҳистоний хужумни бошласин! Ҳеч кимни аямасин!

Иброҳим Дўлдай Темур Маликни опичганча қалъадан чиқди. Қалъадан чиққач, ўша қадимий Намозгоҳ маҳалласига кириб, майдон четидаги ҳоким дарбозаси ёнида тўхтади. Опичиб олгани — саркардани остонага қўйди. Жон бераётган Темур Малик остонани қучоқлаб, ётган ерида ўғлини чақирди. Нима бўлаётганига тушунмай, бу ерга келган кекса Ғулом Иброҳим Дўлдайнинг ишораси билан Метин Маликни чақириб келиш учун ичкарига югурди. Улар чиққанича бўлмади, Темур Маликнинг жони узилган эди.

Ичкаридан ҳовлиқиб чиққан Метин Малик остонада ётган «қаландар»га кўзи тушиб, ҳайрон бўлди.

— Бу зот отангиз саркарда Темур Малик! — деди Иброҳим Дўлдай, унга тикилиб.

— Не дедингиз?

— Бу киши отангиз!

— Бу киши отангиз Темур Малик! — деди Ғулом оҳ уриб, йиғлаб. Ўша кун келиб сизни кўриб кетган эдилар. Мен сизга, у зотнинг отангиз Темур Малик эканликларини айтмаслигимнў буюрдилар. Оҳ, бу қандай мусибат! Саркардага ким ўқ отди?!

— Улоқ нўён! — деди Иброҳим Дўлдай. — Бир хоин бизни мўғулларга сотиб қўйган. Қўлга тушдик...

Темур Малик жасадини Иброҳим Дўлдай билан Ғулом кўтаришиб, ҳовлига, ундан уйга олиб киришди. Иброҳим Дўлдай саркарда кўксиданги ўқни суғуриб олди. Метин Малик нима воқеа бўлаётганини билмай, саросимада эди. У йиғлашини ҳам, йиғламаслигини ҳам билмасди.

Бу воқеани иттифоқо кўриб қолган, эшитган маҳалла аҳли ҳоким ҳовлисига югуришди. Бир-бирларидан нима ҳодиса бўлганини сўрашарди. Иброҳим Дўлдай мурдани Ғулом билан Метин Маликка топшириб, ўзи қўлида саркарда кўксидан суғуриб олган ўқ, вақтни бой бермаслик учун шаҳарнинг Уратепа дарбозасидан чиқиб, Куркат қишлоғига югурди. Йўлда бир отликнинг қўлига уч тилла бериб, отини олиб минди-да, қишлоққа қараб учди.

Куркатда — қишлоқ оқсоқоли ҳовлисида калаванинг учини тополмай бетоқат ўтирган Элмурод Кўҳистоний отдан гурсиллаб ерга тушган Иброҳим Дўлдайни кўриб ҳайрон бўлди. Унинг саркардадан ажралиб қолдик, деб ранги қув ўчиб, Кўҳистоний рўпарасида қонли ўқ ушлаб тургани бу ердаги барча сардорларни ларзага келтирди. Атроф қўни-қўшниларникида ўтирган йигитлар ҳам югуриб киришди. Иброҳим Дўлдай дўстлари юзига, айниқса Кўҳистоний ёнида турган Муҳаммад Интизом юзига қаролмасди. «Нега сен саркардани қайтармадинг?» деяётгандек бўлишарди. Дарғазаб кўзлар олдида у зил кетар, бу «гуноҳи» учун ҳозироқ Кўҳистоний қилич суғуриб чошиб ташлайди деб кутиб турарди. Қошлари чимирилиб, дарғазаб турган Муҳаммад Интизом Элмуродга қаради:

— Саркарда Иброҳимни зўр билан олиб кетганлар, унинг айби йўқ.

— Жангни бошлаймиз! — деди Элмурод Кўҳистоний, атрофидаги ўн беш, йигирма чоғлиқ сардорлар ва уларнинг юборган вакилларига мурожаат этиб, — биз, тоғлиқлар, дарё бўйи Унчига келиб турибмиз. Ахсикатликлар Ўзгану ўшлиқлар сардор Муҳаммад Али раҳнамолигида тўрт юз отлиқ Исфисорга келиб тушганини эшитдик. Қангли Арслон билан Шош, Келовчи, Қамишқўрғондан келганлар ҳам Исфисорда. Бу томондан борадиган отлиқлар хоҳласа Исфисор,

хоҳласалар Унчига бораберсинлар, масофа бир хил. Шу кеча, ой тик келганда шаҳарга ҳужум бошлаймиз!

— Барча отлиқларга сизни саркарда бўлишингизни таклиф этурмиз! — деди Муҳаммад Интизом. — Ҳозирги аҳвол шуни тақозо этади. Сардор Муҳаммад Алига бизнинг бу қароримизни маълум қилиб, тушунтирмак керак. Ҳужум тунда, ой тик келганда дейилди. Бу маъқул! Мен ҳозироқ шаҳарга жўнайман, йигитларим белида кўк белбоғ бўлади, отлиқларга айтиб қўйинглар, кўк қарға шоҳи белбоғлилар чопилмасин! Қуркат ва навликларни Иброҳим Дўлдай биздан кейин, кетма-кет Исфисорга олиб боради.

— Қанча одам? — Элмурод Кўҳистоний отга минатуриб Иброҳим Дўлдайга қаради.

— Эллик...

— Етмишга боради, — деди гапга қўшилиб қишлоқ оқсоқоли Абдусалом.

Ҳовлидан кетма-кет отлиқлар шитоб билан чиқиб кетишди. Энди уларнинг пусиб, яшириниб юришларига эҳтиёж қолмаган эди. Душман кучлари ҳар қанча тўпланиб, тайёргарлик кўрмасин, бари бир, бир ярим мингга яқин отлиқнинг бўрондек ҳужумига дош беришликлари амримаҳол!

Ярим тунда, ой тик келганда шаҳар ичида, қалъадан бери, Намозгоҳ маҳалласида турган Муҳаммад Интизом йигитларининг қулоғи динг, Хўжандга яқинлашаётган дукур-дукурларни кутишарди. Сардор Муҳаммад Интизомнинг ўзи Темур Малик жасади ётган хонада эди. У Метин Малик, Ғулом ва шу ерлик кексалар билан гаплашишарди. Жасад тепасида шивирлаб, қўрқа-писа гапираётган масжид имоми билан баланд овозда гаплашишарди. Эҳтиёткор сардор Интизомнинг бу одатига хонадагилар ҳайрон. У, саркарда жасади устига чойшаб ёпиб, пешинга чиқарамиз, деди. Ўзи ташқарига чиқиб, кўчаларда шай турган йигитларига отлиқлар пайдо бўлиши билан қалъа посбонларини йўқ қилиб, дарбозаю эшикларни очишни тайинлади. Қалъадан дарёга чиқадиган махфий йўлни ҳам пойлашни буюрди. Қоронғуда ўтгиз-қирқ ёғий отлиқлари аллақердан келиб, қалъа атрофида отдан тушганлари, сардорлари ичкарига шошилиб кириб кетганини кўрган Муҳаммад Интизом қандайдир бир хоин зимдан ҳаракат қилаётганини фаҳмлади. Тоғлик қўшин Унчида турганини сезиб қолганга ўхшайди булар, деди ўзига-ўзи. Бу орада яна бир неча душман отлиқлари шаҳар ичида пайдо бўлди. Кўк белбоғли йигитларнинг юраги така-пука, ой тиккага келганига қарамай, ҳаммаёқ жимжитлик экани юракларга кўрқув соларди. «Ишқилиб, режаларимиз барбод бўлмасин-да!»

Ой тиккага келганида, Хўжанднинг Хўканд, Чўянчи дарбозаларида, ундан сўнг Уратепа дарбозаси, Масжиди Савр томонларда ола-тўполон, қийқирик, ёғий отлиқларининг бетартиб қочиб келаётгани сезилди. Бадахшон отлиқлари Хўжандни тамоман ўраб олиб, қув-қув, ур-ур бошланиб кетди. Кутилмаганда бошланган ҳужум шаҳар аҳлини аввал кўрқувга солди, кейин «Балх ва Мурғоб томонларда кучли қўшин тузган саркарда Темур Малик Хўжандга етиб келди...» деган хаёлга боришди. Ҳеч ким ҳовлисидан чиқиб, ёғийларга ёрдам бермади. Тонг ёришгунча кўчаларда, майдонларда душманнинг юзларча ўлиги ётарди. Қалъа дарбозалари очилиб, бунда посбонлик қилаётган барча соқчилар чошиб ташланди. Шаҳар кўчаларида бадахшонлик отлиқлар босқинчи сарбозларнинг деярлик ҳаммасини қиличдан ўтказишди. Элмурод Кўҳистоний фармони билан бирон ерга ўт қўйишмади, лекин бош қўтарган биронта ёғийни омон қолдиришмади. Босқинчилар Хўжандни олишда мадрасаю кутубхоналарга ўт қўйганлиги, ноёб китобларни ёқиб юборганлари сабабли Темур Малик Элмурод Кўҳистоний билан ҳужум режасини тузишда кутубхоналарга ўт қўймасликни алоҳида уқтирган эди. Ола-тўполон вақтида, Хўжанд қўлдан кетаётганини сезган Қатағон ўғлон, Сўқту нўён, Улоқ нўён яна

бир саллали кимса, қалъанинг яширин ер ости йўли билан дарёга чиқиб, доимо тайёр турадиган кемаларга ўтиришаётганида бу ерда пойлаб турган Муҳаммад Интизом бошчилигида йигирмадан ортиқ йигит уларнинг ҳиқилдоғидан бўғиб, ларҳол оёқ-қўлларини маҳкам боғладилар. Тонг ёришиб, шаҳардаги ур-ур, сур-сурлар бир қадар тинчиб, Хўжанд қўлга олингач, уларни қалъа рўпарасидаги бозор майдони-га олиб келишди. Ахсикатлик, Бадахшону Ўзганлик отлиқлар Хўжандни тамоман эгаллаб, уни дарбозалардан ташқарида муҳофаза қилиб турардилар. Муҳаммад Интизом отда турган Элмурад Кўхистоний, Муҳаммад Али, сардор Олабуқа, Қангли Арслон, Аҳмад Дажжол, Иброҳим Дўлдай ва бошқаларга асирларни кўрсатди.

— Буниси ким? — Элмурад Кўхистоний сурра чопон кийиб, бошига оқ салла ўраган ўрта яшар одамга ишора қилди.

— Бу хойн Маҳмуд Ялавочнинг иниси. Ўзи Бухорода. Хўжандга ҳокимлик қилаётган хуноса мана шу! Номи Қатағон ўғлон!

— Саркардага ўқ отгани қайси бири?

— Анави, бир кўзлик тўнғиз!

— Оғамни ўлдирган жаллод Дамба қайси бири?!

— Икки Дамба бор экан, бирини ўлдирдик, бири тирик.

— Ҳув анави яланғоч барзанги, — деди сардор Муҳаммад Интизом, ушлаб олиб келинган йигирмадан ортиқ душман мансабдорлари орасида тери шим кийиб, белига энлик бир қалин чарм камар боғлаган хўкиздек қориндор, яғринлари тепадек, тишлари тўрсайиб чиққан, атрофидаги одамлардан йўғонлиги билан ажралиб турган жаллодни кўрсатиб.

Кун ёйилиб кетган. Қалъа рўпарасидаги майдон отлиқлар ва Хўжанд фуқароси билан тўлиб кетган эди. Майдон ўртасига суриб олиб келинган нўёнлар титраб, отда турган Элмурад Кўхистонийдан асло кўз узишмасди. Элмурад Кўхистоний ёнидаги сардорлар билан ниманидир гаплашди-да, кейин Хўжанд фуқаросига мурожаат этди.

— Босқинчилар юртга бениҳоя кўп зулм етказди. Ҳар бир босқинчининг қилган гуноҳи даражасини аниқлаш учун бизда вақт йўқ. Уларга нисбатан бизда шафқат ҳам йўқ! Оғам, олижаноб сардор, Хўжанд аҳли учун кўп яхшилиқлар қилган Шоҳмурад Кўхистонийни номардларча бўридек бўйнини ғажиб ўлдирган жаллодни ўртага олиб чиқиб, тишларини суғуриб олинглар!

Шу лаҳза хўжандлик бир аравасоз каттакон омбурини кўтариб келиб, Дамбани чалиб, ерга ётқизди-да, оёғи билан кўксидан босиб, бақиртириб, арава михини суғирадиган бир газ узунлигидаги омбур билан ҳамма тишларини битта-битта суғуриб ташлади. Дамба ўрнидан турган эди, Муҳаммад Интизом йигитларидан бири ўткир шамшири билан чопиб ташлади. Шу лаҳза Элмурад Кўхистоний ишораси билан Иброҳим Дўлдай қўлидаги камонга қонли ўқни ўрнатиб, қўрққанидан дағ-дағ титраб, тирик мурда бўлиб қолган Улоқ нўён ёнига от суриб келди.

— Қайтар дунё, нўён! Сен шуни биласанми?! Сени у бир марта асир олиб ўлдирмай, қўйиб юборган эди. Сен шу мардликни билмай, унга ўқ узиб ўлдирдинг, — деди нўённи нишонга олиб. — У камонни куч билан таранг қортиб, Улоқ нўён кўксини мўлжалаб отди. Ўқ унинг орқасидан тешиб чиқди. Нўён хўкиздек ерга ағанади. Шу лаҳза Сўқту нўённи ҳам, сурра чопон кийиб, қалтираб турган Маҳмуд Ялавоч иниси Қатағон ўғлонни ҳам, бошқа ҳамма мўғул мансабдорларини қилич билан чопиб ташлашди...

Шу куни бир қурум сардорлар Темир Малик тобутини елкаларида кўтариб, Кичик мозорга дафн этишди.

Кечга яқин улар қалъага кириб, илгариги Дорус салтана, деб аталган уйда тўпланишди. Машварат мажлиси тузиб, Қангли Арслон тақлифи билан минг отлиқ қўшин сардори, тоғлик паҳлавон Элмурад Кўхистонийни Хўжандга ҳоким қилиб тайинламоқчи бўлишган эди, у Хўжанд ҳокими мартабасига Темир Маликнинг садоқатли дўсти

Иброҳим Дўлдаини таклиф этди. Кўп муҳокама, мунозарадан кейин Элмурод Кўҳистоний гапида қаттиқ туриб Иброҳим номзодини ёқлаганлиги сабаб бўлиб, уни Хўжандга ҳоким қилиб тайинлашга келишишди.

Хўжандни озод этган отлиқлар бир ойгача бу ердан кетмай уни, Чингизхон ҳужумидан ҳимоя қилишга қарор беришди. Лекин аслида Чингизхон орқага қайтиб, катта қўшин билан Хўжандга келаётган эди...

Кеч кира бошлади. Жангда ҳалок бўлган ватанпарварлар жасадини Иброҳим Дўлдай фармони билан йиғиб олиниб, қабристонга дафн этилди.

Савр ойи.

Не-не жабру жафоларни бошидан кечираётган замин биринчи баҳор нашъасини сура бошлади. Илгари сезилмаган — Хўжанд заминига хос эртапишар ўригу шафтолилар, ранго-ранг гуллар, сарв мирзатераклар лиммо-лим оқаётган Сайхун, мусаффо осмонда қанот қоққан қушлару адирларга ёйилган подалар бу он кишилар диққатини тортиб, уларнинг нашъу намоси сезила бошлади.

Шу куни кечга яқин қаердандир пайдо бўлган девона Зебо бир даста чучмўмани кучоқлаб олиб, кўчаларда тентираб, мурдаларга тақдим эта бошлади. Бу гулларни у Рукниддинга олиб кетаётганини уларга эркаланиб айтарди. Унинг дунё билан мутлақо иши йўқ эди. Аммо шу биргина Зебодан бўлак мингларча хўжандликлар, атроф қишлоқлардан келган қуроли кишилар, Бадахшоннинг баланд бўққилари бағридан тушган отлиқлар, ярадорлар, болалар ва ҳатто бўрибосарлардан тортиб, бўғотларда жунжикиб ўтирадиган мусичаларгача босқинчилардан қутулиш завқу шавқини сурардилар.

Хотима

Инсон умри қисқа. Лекин, адиб бари бир шошмаслиги керак. Кўп йиллар мобайнида тарих саҳифаларини варақладим, она-тупроқ, она юрт саодати йўлида курашиб қурбон бўлганлар ҳақида асар ёзиш ниятим эди. Мозийдаги мислсиз ватанпарвар баҳодирлардан бири Тему́р Малик¹ жасорати доимо диққатимни жалб этиб келарди. Қадим Урта Осиё заминида номдор Тему́рлар кўп бўлган: Туғо Тему́р, Жаҳон Тему́р, Мангу Тему́р, Буқо Тему́р, Темир-тегин, Амир Тему́р... Аммо Тему́р Малик ўз ватанпарварлиги билан уларнинг ҳаммасидан ажралиб туради. Кундалик юмушларимнинг кўплиги, саломатликда ҳам «Рустами дoston» эмаслигимга қарамай, ушбу романни ёзишга киришдим.

Адабий ҳаётимизда яна ҳам қайноқ ижодий иқлим яратилди, бу чинакам сўз усталарига илҳому парвоз бахш этмоқда. Шу боисдан, кейинги йилларда турли мавзуларда кўпгина йирик асарлар дунёга келмоқда.

«XIII аср бошларида мўғуллар босиб олган мамлакатлардаги тараққиётни икки юз эллик йилча орқага кетказдилар», деб ёзган эди Карл Маркс.

Тараққиёт деярлик йўқолди, Россия ерлари, Урта Осиё ва Хуросон икки асрдан мўлроқ чингизийлар истибдоди остида эзилди.

¹ Тему́р Малик (1189—1233) (мелодий). «ЎзССР тарихи» китобида саркарда номи «Тему́р Малик» шаклида ёзилади. Акад. В. В. Баргольд «Тиму́р Малик», устод Садриддин Айний «Тему́рмалик» ва яна бошқа рисолаларда «Темир-Малик», «Тиму́р-Мелик» шаклида ҳам учрайди.

1220 йил (мелодий), кеч куз, эскича ҳисобда 617 ҳижрия, жадда, далв ойлари ўргасида бениҳоя қатта кучга эга бўлган 65 ёшли Чингизхон бошчилигидаги лашкар мўрмалахдай Урта Осиё устига ёпирилди. Ун тўрт йил кейин унинг набираси Ботухон бошчилигидаги қўшин шимолга — Рус ерларига бостириб келиб, талон-тороғ қилганликлари, хунрезликлари оқибатида мавжуд тараққиёт издан чиқди.

«...Мўғуллар Сайхуннинг жануб оқимида жойлашган шаҳарларни бирин-кетин эгаллаб, мислсиз ваҳшийликлар кўрсатиб, Хўжанд томон юрдилар. Шаҳарни саркарда Темур Малик ўз қўшини билан мардонатор мудрофаа қилди. Тарихнавис Аълоиддин Муҳаммад Жувайний таъриф этиб ёзишича, Темур Малик шундай жасоратли саркарда эдики, агар паҳлавон Рустам тирик бўлганида унинг отига жилвдорликка яради, холос».¹

«...Хўжанд шаҳри ҳокими ва маҳаллий иқтаъдор Темур Маликнинг наслу насаби туркий уруғдан бўлиб, Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳга маълум ва унинг ўғли шаҳзода Жалолиддин била дўст эди».²

«...Яна бири Хўжанддур, Андижондин ғарб сориға йигирма беш йиғоч йўлдур. Хўжанддин Самарқанд ҳам йигирма беш йиғоч йўлдур, қадим шаҳарлардиндур... Меваси фаровон ва бисёр яхши бўлур. Анори яхшилиққа машҳурдир. Нечунким, «себи Самарқанд» дерлар ва «анори Хўжанд» дерлар. Вале бу тарихда Марғишон анори кўп ортиқдур.

Қўрғони баланд ерда воқе бўлубтур. Сайхун³ суйи шимол жонибидин оқар. Қўрғондин дарё бир ўқ отими бўлғай. Қўрғон била дарёнинг шимол тарафида бир тоғ тушубтур».

Самарқанд яқинидаги Катвон даштида, Хўжандда — Сайхун ёқасида, Утторда,⁴ Бухоро ва Хоразм тупроғида бўлган қонли муҳоробалар Мовароуннаҳр ва Хуросон тақдирини ҳал этган. Новгородда, Рязанда, ундан кейинроқ Дмитрий Донской бошлиқ қўшиннинг Куликов даштидаги жанги босқинчиларни тор-мор этиб, Россия ижтимоий, иқтисодий ҳаётида катта бурилиш ясади. Шу даврда Катвон даштида яна шиддатли жанг бўлиб, тўқнашувлар давомида Самарқанд кўчаларигача кириб борди. Аввал сарбадорлар, кейинчалик Амир Темур (1370) қўшини мўғул истибдодини батамом тор-мор этди.

Она-тупроқ қисмати ҳамма нарсадан муқаддас! Катвон даштида бўлган икки жанг рамзий тарзда ёдга олинди. Икки дарё оралигидаги бу тупроқ кўп муҳоробаларни бошдан кечирган. Қўлингиздаги ушбу асарда Темур Малик, Шоҳмурод Кўҳистоний, Жалолиддин Мангуберди, Қанғли Арслон, Шерюрак Шоший, Муҳаммад Интизом, Қоракўз бека, Иброҳим Дўлдай, сардор Олабуқа ҳамда бу музофотда халқ ичидан чиққан бошқа бир кўп баҳодирларнинг мўғулларга қарши қаҳрамонона кураши тасвирланади. Широқ, Томруз (Тўмарис), Бобак, Муқанна, Маҳмуд Торобийлар қаторида ибн Маҳмуд ўғли — Хўжанднинг ёш ҳокими Темур Маликнинг шарафли номи абадулабад ярқираб туради. Унғача шу тупроқда Қаюмарс, Афросиёб, Сиёвуш салтанати ва қаҳрамонликлари ҳақида ривоятлар кенг тарқалган эди. Аммо анча йиллардан кейин дунёга келган Темур Малик, унинг қаҳрамонлиги-ю, она-тупроққа, она юргга муҳаббати ҳамма паҳлавонлар ҳақидаги ривоятлардан баланд кўтарилди. Баҳодирнинг ўтқир қиличи, оташ қалби Чингизу Удегэй, Жўжию Боту, Тулуй, Улоқ ва Сўқту нўёнларни қаттиқ таҳликага солди, Олтой кенгликларидан ёпирилиб, Талас тоғлари оралигидаги Маймоқ, Оқсой, Тулкибош

¹ «Татара—монголы в Азии и Европе», Москва, изд. «Наука», 1977.

² «История Узбекской ССР» т. 1, стр. 419, 1967 г. Ташкент, Редколлегия тома: В. А. Шайкин, С. П. Толстов, Т. Н. Кари-Низзи, Я. Т. Гулямов, И. М. Муминов, Р. Н. Набиев, Х. З. Зияев, М. А. Ахунова.

³ Сайхун — Сирдариёнинг қадимий номи.

⁴ Уттор — мўғуллар ер билан яқсон этиб, йўқотган Сирдарё бўйидаги катта қалъа-шаҳар. Уттор — «ўтроқлик» маъносиди.

дараларидан ўтиб келган беадад босқинчи қўшинга биринчи бўлиб Утрору Хўжанд қақшатқич зарбалар берди.

1200 йили Хоразмшоҳ — Отсизнинг набираларидан Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — соний тахтага чиққан эди. Бу даврга келиб Мовароуннаҳру Хуросоннинг ҳамма шаҳарларида савдогар ва бошқа кимсалар ниқобида Чингизхоннинг айғоқчи-жосуслари изғиб юрарди. Аммо Хоразмшоҳ кунчиқар томон мамлакатларидан унча хабари йўқ, «базми жамшид» авжиди, ўзи билан ўзи овора эди... Чингизхон мелодий ҳисоб билан 1218 йили Маҳмуд ялавоч¹ Ҳожии Алиакбар Бухорий ва Юсуф Утрорийларни нома билан Хоразмшоҳга йўллайди. Хатида чину мўғул ерларини батамом қўлга киритгани, Турону Эронни тобеъ этиши лозимлигини ва бу ишда ҳамкор бўлишлиги кераклигини ёзиб, агар бу гапга унаса, уни ўз фарзанди қаторида ҳисоблашини, маълум этади. Хоразмшоҳ «ғайридиннинг номаси»дан дарғазаб бўлиб, элчиларни ҳайдаб солади.

Уша вақтда мўғул эли чегараларида катта найман уруғи яшарди. Чингизхон даставвал уларни тобеъ этди. Қабила бошлиғи Кучлукхон бир тўда навкарлари билан Шарқий Туркистонга қочди. Чингизхон шу йил катта ҳужумга тайёргарлик кўриб, Дашти-қипчоқ ерларида яшовчи такрит ва бошқа уруғларни ҳам бўйсундирди. Аммо бу пайтда Хоразмшоҳ ўз сардорларини ўзидан бездириб, бўлар-бўлмасга жазолар, бирларини бирларига мухалиф қилиб, уларни таъқиб остига олар эди. Бир ривоятда уни савқи табиий² дардига мубтало бўлган дейилади.

Бундан безор бўлган саркардалар ўртасида парокандалик бошланади, ҳар ким бошини қутқариб қолиш пайига тушади. Чунони, Хоразмшоҳ ўз саркардаларидан бирини қатл этмоқчи бўлганида у қочиб, Чингизхон ўрдасига боради. Душман Гурганжга бошқа саркардаларнинг ҳам Чингизхонга сотилганини, «хоин эканини...» далилловчи мактублар йўллайдилар. Яна кўпларни зиндонга ташлайди. Уша йиллари Сайхун бўйидаги Утрор шаҳрида Инолхон ҳокимлик қиларди. У олтмиш мингли лашкари билан шаҳарни беш ой қўлида тутиб туради. Лекин амалдорларидан Қорача Ҳожиб ўз навкарлари билан Чингизхон томонига ўтиб, шаҳар дарвозаларини душманга очиб беради. Бу хоинлик Мовароуннаҳрнинг кейинчалик кунпаякун бўлишига илк сабаб бўлади. Чингизхон Қорача Ҳожибни, ўз ҳокимингга вафо қилмадинг, менга вафо қилармидинг, деб ўлдириб юборади. Утрорнинг тутунни осмонга чиқиб ёнаётгани, Қорача Ҳожибнинг хоинлиги Сайхун ёқасидаги Жанд, Барчинликент, Сиғноқ, Бинокент, Хўжанд, Ахсиқат аҳли қулоғига ҳам тезда етиб келади.

Бу хабарни эшитган Хўжанд ҳокими Темур Малик камаридаги димишқий шамшири дастасини беихтиёр қаттиқ сиқади, вужудини ғазаб ўти қоплайди...

Қонли тарих сабоқлари ва уни қаламга олиш боиси келажак авлодни огоҳ этиш, бундай ваҳшатли қирғинлар бўлмаслиги ва унинг олдини олиш, тинчликни тарғибу ҳимоя этиш мақсадида бу асар ёзилганини алоҳида қайд этмоғим лозим.

Урта Осиё тарихини анча одил ёритиб бергани учун улуг рус олими, академик Василий Владимирович Бартольдга ҳам (1869—1930) биз, ҳозирги барча тарихнавис қаламкашлар ғойибона ташаккур айтамыз! У Шарқ мутафаккирларига: Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Исмоил ал-Асир, Сирожиддин Муҳаммад ал-Жузжоний, Шаҳобиддин ан-Насавий, Мирзо Муҳаммадхон Қазвиний, Ота-Малик Муҳаммад Жувайний ва унинг «Таърихи жаҳонгушай» (681 ҳижрия, 1283 мелодий), «Таърихи Наршахий», «Разват ус-сафо», Шарифиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си, Алишер Навоийнинг «Хамса» ва «Ҳайратул аброр»и, Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират ушшуаро»си, «Бобурнома» ва бошқа бебаҳо китобларга чуқур ҳурмат

¹ Ялавоч — элчи.

² Савқи табиий — ҳар нарсадан бад олиш дарди.

кўрсатгани яна бир карра унга нисбатан эҳтиромимизни оширди. Илғор фикрли Европа олимлари Шарқ халқлари тарихини ўрганишида жуда катта ва муҳим илмий ишлар қилганлар. Аммо тарихдаги «европацентризм» отлич ирқчи назариётчилар: «Шарқ халқлари европаликлар даражасида ҳеч қачон ўз тарихига эга бўлган эмас, бу йўсинда улар тарихини ўрганиб бўлмайди...» деб Шарқ халқларини камситганида, академик В. В. Бартольд: «Халқ ҳамма ерда халқ. Шарқ маданияти билан Ғарб маданиятини ҳам халқ яратган...» деб уларга зарба беради. Академик В. В. Бартольд 1925 ва 1927 йилларда бир неча бор Тошкентда бўлган. Кейин Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Хива шаҳарларида ҳам борган. Қозоғистон ерларида ҳам бўлган. Ўзбек олимлари ва Ўрта Осиё халқларининг бошқа вакиллари билан учрашган. У кўп тиллар қатори ўзбек тилини яхши билган. Академик В. Д. Греков, академик А. Ю. Якубовскийлар ўзларининг «Золотая Орда и ее падение» китобида мўғул-татар хонларининг рус ерига босқинчилигини ҳаққоний кўрсатганлар.

Уша давр тарихи ва айниқса, Шаҳобиддин ан-Насавийнинг «Сират...»и ҳақида биринчи бўлиб тараққийпарвар француз олими К.д'Оссон тўрт жилд илмий асар ёзиб, бу давр тарихи ҳақида тўғри маълумот берди. Узининг тўрт томлик асарида Ўрта Осиё тарихи ҳам «Сират...» китобини жуда уқори баҳолади. Д: Оссондан кейин тарихчи Октава Удас ҳам бу тарихий ва маданий ёдгорликларнинг Европада кенг тарқалишида анча хизмат қилди. Октава Удас «Сират...»ни француз тилига таржима этди. У д'Оссон китобларига ҳам юқори баҳо берган. Академик Зиё Бунёдовнинг ёзишича, юқорида тилга олинган иккала олим қатори А. Мюллер, В. Аллен, Х. Хорст, В. Розен, А. Ализода, И. Петрушевский, Кд. Каэнларнинг ҳам хизматлари каттадир. Буни алоҳида қайд этмаслик инсофдан эмас, албатта. Илғор фикрли Европа олимлари Шарқ халқлари маданияти тарихини ўрганишида биринчилардан бўлган ҳамда жаҳон фанига катта ҳисса қўшганда.

Устоз Садриддин Айний Шарқнинг буюк мутафаккирлари Рудакий, Саъдий, Жомий, Навоий, Восифий, Бедил... ҳамда буюк саркардалар Муқанна, Темур Малик ҳақида қимматли рисоалар ёзди. Бу ажойиб асарлар улуғ адибдан бизга бебаҳо меросдирки, у халқларимизнинг чинакам мулкига айланди. Устод қалби байналминал туйғу нурлари билан тўла ва ниҳоятда халқлар дўстлигини улуғлаган совет адиби сифатида биринчи бўлиб бундан қирқ йил муқаддам, Улуғ Ватан уруши йилларида (1944 й.) Темур Малик ҳақида бадиий очерк яратди. Яхши манба ҳисобланган «Развит ус-сафо» ёнига кейинчалик академик Зиё Мусаевич Бунёдов таржимасида «Сират ас-султон Жалолоддин Менкбурни»нинг қўшилгани, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёевнинг илмий китоблари бу давр ҳақидаги маълумотлар уфқини яна ҳам кенгайтди. Ўзбек ва тожик, қолаверса, Ўрта Осиёдаги барча халқлар тарихини яхши билган, маданий ёдгорликларни ўрганишида улкан совет адиби ва доно академигига хос, интернационалистик ғоямизга содиқ бўлган устод Садриддин Айнийнинг қалби кенг, олижаноб қалам соҳиби экани ҳаммамизга маълум. У Ўрта Осиёда ўз даврининг алломаси эди. Бир ёш қаламкаш сифатида камина устод билан тўрт бор учрашганман. Тошкентда, Душанбеда (Тожикистон ёзувчиларининг II съездида). Кейинчалик у мўғтабар зот тобутини елкамда садоқатли фарзанд сифатида кўтарганман...

Улуғ Октябрь қуёши мўғул халқини асрий қолоқликдан, феодал қирғинларидан, жаҳолат ва зулмдан озод этди. Инқилобий мўғул халқи Сухэ-Батор раҳнамолигида феодал зулмига, чет эл босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашди, ўз Ватанини истибдод зулмидан озод этди. Сухэ-Батор ёнида мўғул халқининг асл фарзандлари Чойболсон ва бошқа инқилобий халқ арбоблари ҳам курашдилар. Мўғулистон Халқ Республикаси қадрдони СССР ва бошқа социалистик давлатлар билан бир сафда тараққиёт йўлига ўтиб, гуллаган, яшнаган, қудратли мамлакатга айланди. Мўғул халқи ўтмишида «Жангар» ва

«Эрийн Мэргэн» каби үлмас эпосларни яратган. Буюк адиблар Д. Нацагдорж ва Ц. Дамдинсүрэр, кейинчалик Чимид ва Удвал каби машхур қалам соҳибларини дунёга берган талантли ва захматкаш халқдир. Мўғул халқи ва Мўғулистон Халқ Республикасига нисбатан биз ниҳоятда катта ҳурмат, дўстона меҳр-муҳаббат билан қараймиз. Унинг йилдан-йилга камол топишини тилаймиз.

Қонли тарих сабоқлари ва уни қаламга олиш боиси келажак авлодни огоҳ этиш, бундай ваҳшатли қирғинлар, оға-уни жанглари бўлмаслиги ва унинг олдини олиш, тинчликни тарғиб ва ҳимоя этиш мақсадида бу асар ёзилганини алоҳида қайд этмоғим лозим.

Ҳозирги кунда СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академик П. Н. Федосеев марказий матбуотда шундай ёзди: «Ал-Хоразмийнинг юбилейи фақат Урта Осиё халқлари учунгина эмас, балки бутун Совет Иттифоқи халқлари учун ва прогрессив инсоният учун катта воқеадир. Фан тарихида узоқ вақтлар давомида Европани илмий-маданий марказ деб қараш ҳукм суриб келарди, Шарқ олимлари ва мутафаккирлари фаолиятининг моҳияти етарли баҳо-ланмасди.

Бу нотўғри фикрга бутунлай хотима берилди ва Шарқ тарихининг ўрганилиши илмий тафаккур ва турли соҳалардаги илмий идрок тараққиётнинг ажойиб намуналари мавжудлигини кўрсатди».

Мўғулларнинг «Яширин маъноли қисса» китобида Жалолоддин билан Темур Маликнинг номи тилга олинади, аммо Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — сонийнинг ўз душманига қарши муносиб жангчи бўлолмагани, қўрқиб қочгани сабабли мўғуллар уни ўз тарихига киритишни лозим топмаганлар. Уша даврнинг машхур тарихчиси Рашидиддин ҳам ўзининг «Жомеъ ат-таворих» китобида ватанини ташлаб қочган Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳақида гап айтмаган.

Хўжанд шаҳри Фарғона водийсига кираберишда юқоридан Қурама тоғлари, жанубдан Ҳисор ва Туркистон тизма тоғлари орасидаги ниҳоятда гўзал воҳага жойлашгандир. Бунинг устига Хўжанд Мовароуннаҳрнинг икки улкан дарёсининг бири — Сайхун ёқасида бўлиши шаҳарни борган сари юксалтириб, жаҳонга танитди. Эрон шоҳи Доро ҳам, Исқандар ҳам, султон Санжар ҳам бу шаҳарга кўз тиккан. Хўжандда қадимдан туркий ва тожик уруғларининг ажодлари яшаб, асосан деҳқончилик, савдо ва майда ҳунармандчилик, кemasозлик билан шуғулланганлар.

Тарихчи Муҳаммад Наршахий Хўжандда катта бозорлар бўлганини ва бу бозорларга атрофдаги қишлоқлардангина эмас, ҳатто Хуросоннинг Балху Ҳирот, Машҳаду Шибиргон шаҳарларидан ҳам савдогарлар келиб турганини ёзади.

Она юрт муҳаббати, бу эзгу туйғу мутлақо қаримайди, у ҳамма даврларда ҳам янгидек ярқирай беради. Бу ноёб туйғу ҳеч қачон тупроқ қатламларида қолиб кетмайди. Шу сабабли мозийдаги юртга содиқ паҳлавон ватандошимиз жасоратини куйлаш — ҳозирги кунда айниқса муҳимдир.

Тарихий ҳужжатларда Темур Маликнинг саркардалик тадбиркорлиги-ю, жасорати ҳамда Хўжанд мудофаасида мислсиз жангчи бўлгани ҳақида хабар берилади. Дарҳақиқат, у ҳозирги ўзбек, тожик, қозоқ, туркман, қирғиз, қорақалпоқ, уйғур халқларининг ажодидир. Икки дарё оралиғидаги турли халқ ва уруғлар, Сирдарё ёқасидаги Уттор, Жанд, Барчинликент, Сигноқ, Шош, Хўжанд қалъа-шаҳарлари, ундан нари Самарқанд, Бухоро, Кеш, Марв, Нур¹, Зарнук, Гурганж, Хивақ, Қиёт, ундан нари Балх, Нишопур, Машҳад шаҳрию Шом вилоятларида ҳам Темур Малик, Жалолоддин жасорати ҳақида ривоятлар юради.

Қардош озарбайжон олими, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, академик Зиё Мусаевич Бунёдов Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг «Сират

¹ Нуроза шаҳри.

ас-султон Жалолоддин Менкбурни» китобини таржима этиб, нашр этди. Бу илмий ишни генерал Собир Раҳимов хогирасига бағишлади. Унинг ўша давр ҳақидаги илмий тадқиқотлари, Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро»си билан ҳам танишдим. Ўзбекистон ССР. Фанлар академияси Тарих институтининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёев ушбу асар қўлёзмасини ўқиб, ўзининг қимматли маслаҳатларини берди. Ҳурматли олимга чин юракдан ташаккур айтаман!

Мўғул нўёнлари Темур Маликни «Ирвэс» деб атаган. Бу, қоплон демак. Темур Малик мардлигини наинки нўёнлар, наинки Удегэй, Жўжю Чигатою Тулуйлар, уни Чингизхоннинг шахсан ўзи «кучли рақиб, ҳавасимизни келтирадиган даражада зўр лашкарбоши», деб тан олган. Бўйсунмас, абжир «қоплон» беадад йиртқиш душман қўшинини энка-тенкасини чиқарган, кўп талафот етказган қудратли куч эди.

Искандар, Қутайба, испан зобитлари, салб юришлари, Гурхону Хоразмшоҳ, Амир Темур, Наполеоннинг босқинчилик юришларини тарих қоралаганидек, Чингизхону Удегэй, Чигатою Тулуй, Ботухонларнинг қонли юришларини ҳам мутлақо қоралайди!

Ватанпарварлик тимсоли сифатида мен, анча-мунча асарлар бўлишига қарамай, Темур Малик ҳақида ушбу романни ёзишни лозим топдим. Лекин, минг афсуски, кейинги йилларда чет элларда даромад ва шуҳрат кетидан кетган баъзи кимсалар муҳим мавзуларга қўл уриб, энса қотирадиган даражада сохта-юзаки нарсалар ёзиб, сийқасини чиқариб юбормоқдалар.

Урта Осиё халқлари тарихи ва археологияси ҳақида чуқур ва ҳаққоний асарлар ёзган, юқорида номлари зикр этилмиш улуг рус олими, академик В. В. Бартольд, профессор Е. Э. Бертельс, академик Т. Қори-Ниёзий, академик И. Мўминов, адиблардан Николай Тихонов, Иван Ле, Садриддин Айний, Василий Ян, Ойбек, Уйғун, Одил Еқубов, Пиримқул Қодиров, Миркарим Осим ўз асарларида тарихимизни тўғри акс эттирганлар.

Келажакда кўпгина билагон, халқимиз тарихи ва маданиятини севадиган, чуқур ўрганган тарихнавис ёш адиблар чиқиб, енг ишлари, яхши ишлар қилишига имоним комил. Уша яхши укаларимиз иш бошлашини кутиб ўтирмай, камина ҳам ёшим кетиб бораётгани шошилтирдими, бу муҳим вазифани зиммамга олдим. Инсоннинг дунёга келиши ҳам, кетиши ҳам ўз ихтиёрида эмас. Шу сабабли бу ишга қўл урдим, шояд, тупроқ остида биз, тирикларнинг сўзимизга илҳақ ётган ватанпарварлар сиймосини яна ҳам ёрқинроқ тасвирлай олсам, шу тупроқ фарзанди сифатида бурчимни адо этган бўлур эдим.

Муаллиф
Тошкент

1975—1985 йиллар.

¹ Нурута шахри



Муҳаммад
Юсуф

Тўрт ботир

Улуғ Ватан урушида Совет Иттифоқи Қаҳрамони
Тўхтасин Мирзаев ва унинг сафдошлари танк билан
Днепрга чўкиб кетишган...

Кўряпсизми, боғларни?
Шарқираган сойларни?
Сой бўйида қизғалдоқ,
Ҳилпираган жойларни?

Осмонни кўряпсизми?
Офтобни кўряпсизми?
Кўряпсизми, юзларин
Сувга чайган ялпизни?

Кўряпсизми, хиёбон
Аро мажнунтолларни?
Тол тагида хандон лаб,
Лаб устида холларни?

Қувалашиб юрган шўх,
Болакайлар — болларни.
Кўряпсизми?..
Бориб бир,
Қисиб қўйинг қўлларин —
Уруш кўрган ЧОЛЛАРНИНГ!



Юртим, сенга даъвогар
Бўлди қанча жаҳонгир.
Ҳаммасига бир жавоб,
Ҳаммасига бир тақдир.
Улуғ жанг кетаётир!
Мен ҳам бугун бировин

Мўйловига тупирдим.
Тупирдим-у, тилим қон,
Майдон сари от сурдим.
Улуғ жанг кетаётир!
Ҳаммамизга шу она —
Диёр-ку, энг аълодир.
Энди аён бўлади,
Ким кўрқоғу ким ботир.
Улуғ жанг кетаётир!

Боболарим қўлласин —
Марди майдон, баҳодир...
Дарёга тушиб кетди
Танк ичида тўрт ботир...
Улуғ жанг кетаётир!

Қирқ биринчи йил

Сўнгги йўқ пўлат излар,
Еғоч вагон поездлар —
Минг тўққиз юз қирқ биринчи йил...

Юртимга келган қаҳат,
Сумка-сумка қорахат —
Минг тўққиз юз қирқ биринчи йил...


Тул қолган келинчаклар,
Жонга чиққан чечаклар —
Минг тўққиз юз қирқ биринчи йил...

Мардонавор Москва
Ва барқарор Москва —
Минг тўққиз юз қирқ биринчи йил...

Қор кўммаган бир жуфт из,
Ҳайкалга айланган қиз —
Минг тўққиз юз қирқ биринчи йил...

Ёнаётган Гастелло,
Қулаётган Гастелло,
Кулаётган... Гастелло —
Мана сизга, қирқ биринчи йил...





Зо'ҳир Аълам

ДЕҲҚОН ЎҒЛИ

Қисса¹

Бир гал, «Сирдарё билан Тошкентнинг ораси қанча?» деган саволга Зайниддин Фаҳриддинов: «Йигирма олти тонна», деб жавоб бердию кулгига қолди. Ўзи ҳам кўшилишиб кулди. Сўнг ёлғиз қолганида шуни эслаб, бирдан маънос тортди.

Фаҳриддинов аслида янглишмаган эди: поезднинг Тошкентдан Сирдарёга бориб келиши учун роппа-роса йигирма олти тонна кўмир кетарди. Уша пайтлар бутун дунё Зайниддиннинг назарида ана шу қоп-қора кўмир, каттакон белкурак ва дўзахнинг оғзидек ебтўймас печдан иборат эди. Ям-яшил Яланғоч даҳаси, ота-онаси, хотини Ойдиной билан жажжи ўғли Носирлар эса қачонлардир кўрган, олисда қолган ажойиб бир тушга ўхшарди.

Уруш энг авжига чиққан — Сталинград жанглари кетаётган пайт. «Брон» билан қишлоқ хўжалигида, қолдирилган одамларнинг бир қисми темир йўлга жалб қилинсин, деган буйруқ чиқди. Колхозда бу буйруққа жавобан ташланган чек Зайниддинга ва оёғи яссилиги учун урушдан қолган Абдурашидга тушди. Зайниддин машинист ёрдамчиси бўлди, Абдурашид — гўлаҳ.

Интизом — ҳарбийча. Илгари бунақа ишда бир кеча ишлаб, уч кун дам олинарди, деган гаплар чўпчакдек эшитилади.

Смена азонда тугарди. Паровоздан пуф деса йиқилгудек бўлиб тушиб, вокзал олдидаги майдончага келишарди. Машинист Ермолай Серафимович билан хайрлашишардию ётоқхонага бориб, ювиниш, нонушта қилишга ҳоллари келмай, таппа ўринга ташлашарди. Онда-сонда кечқурун, ётоқхона навбатчиси сменага уйғотгунча ётишларини айтмаса, аксар, уч-тўртларда турардилар. Аммо кечки соат еттида навбатчи эшикни тақиллатиб огоҳлантириши шарт эди. Барвақт уйғонган кезлари вокзал атрофидаги гузарларни, Госпиталь бозорини айлана-верганларидан у ерлар ёд бўлиб кетганди. Баъзан Полторацкий кўчасидаги янги уйда яшовчи Ермолай Серафимовичникига ўтишарди-да, у билан сменага бирга қайтишарди.

Ойига икки марта — маош кунларигина ўттиз олти саотлик дам бериларди. Агар мадорлари етса, шу кунларигина уйга тушиб чиқиш имкони бор эди.

Ойдиной Байтқўрғонга кўчиб кетган эди. Аниқроғи, гап-сўздан қочиб, унинг отаси шундай қилишга мажбур бўлди. Бечора Марайим ота куёвини ҳам айблол-

¹ Қисқартириб босилмоқда.

мас, қизига ҳам қаттиқ гапиролмасди. Чойхонага чиқса, қудаси билан дуч келишидан юраги безилларди. Шунинг учун ҳовлини сотди, Байтқўрғондан иморати кўримсиз бўлса-да, ери каттароқ бир чорбоғни арзонгаровга олди. Битта автокачкага кўч-кўронини ортиб жўнади.

Байтқўрғон оила учун беҳосият бўлди. Бир ярим йил ичида Ойдинойнинг ота-онаси қазо қилди. Гарчи чол-кампир ўлимликларини тайёрлаб кетган, одамлар маъракаларни анча камсуқум ўтказаётган бўлсалар-да, бари бир Ойдиной қийналиб қолди. Зайниддин Ермолай Серафимовичдан беш юз сўм қарз сўраб, унга элтиб берди.

— Абдурашид, ҳой Абдурашид!

Абдурашид уйғонди:

— Ҳа, вақт бўлдимми?

— Уйқусирама, бугун ишга бормаймиз-ку!

— Э, яхши уйғотдинг. Қош қорайгунча уйга етиб олганимиз яхши. —

Абдурашид чаққон туриб, шимини кия бошлади.

— Абдурашид!.. — Зайниддин ерга қараганча ялинчоқ оҳангда гапирарди.

— Нима дейсан? — Абдурашид ерга қараганча жавоб берарди.

— Бугун ҳам Ойдинларникига борақолайлик!?

— Ия, жиннимисан! Ойимларни соғиниб кетдим. Ойликни ҳам икки сафардан бери берганим йўқ уйга. Сен ҳам бир гал уёққа, бир гал буёққа боргин-да!

— ... Хайҳотдек ҳовли, ёлғиз ўзи... Қўрқади бечора... Кўргим келади... Ўғлим бор... — деди Зайниддин узоқ сукутдан сўнг.

— Одамлар ўғлини ташлаб урушда юрипти. Бир ойда бир марта бординг, бўлади-да! Хотинингда ҳам инсоф йўқ экан. Бир марта бизникига келдингиз, иккинчисида уйингизга боринг, деб ўзи айтиши керак.

— Каттакон ҳовлида ёлғиз ўзи... Қўрқади...

— Яна ёлғиз, ёлғиз дейсан-а. Урушга кетганлар-чи? Ундан кейин, холаси бор, деб эшитганман. Анави қўшниси ҳам кириб-чиқиб тураркан. Биноидек меҳрибон кампир экан. Оти нимаиди?

— Э, ўшанинг боридан йўғи!..

— Нима, ёмон одамми?

— Э, қўявер... Урушга кетганларнинг хотини ўтирибди-ку, дейсан... Абдурашиддон, уларнинг эри бор-да! Урушда бўлса ҳам бор. Буники эса йўқ ҳисобида! Шу аллозда, муросага келишмай, йўлга тушдилар. Зайниддин дўстини айболомас, Абдурашид ҳам иложи йўқлигидан кўнгли хижил эди.

Улар Чирчиққа қатнайдиغان охириги автобусга илиниб, Шўртепада тушиб қолишди.

— Юр энди, онасидан айрилган бўталоқдек автобуснинг кетидан қарамай.

— Ахир у Байтқўрғондан ўтади, Абдурашиддон, ўғлимни кўргим келяпти, — деди Зайниддин ҳамон ғира-шира қоронғиликка сингиб кетаётган автобусдан кўз узмай. — Мен бормасам бўлмайди, Абдурашиддон, — Зайниддин уйга бориш фикридан айниркан, бирдан ҳаракатга тушиб қолди. — Ма, ойлигимни обориб бер. Жавоб беришмади, дегин.

Зайниддин пулдан икки юз сўмини ажратиб, беш юз сўмини Абдурашидга берди.

— Утган гал шунақа деганимда, аданглар бир тикилдилар! Сал қолди айтворишимга.

— Ия, хол қўйма яна!

— Кўрқма, жа бўлмаса адамдан бервораман пулингни.

— Ойлигим сеникидан икки юз сўм ортиқлигини ҳам гуллаб қўйма, баравар оляпмиз, деявер.

— Қоронғида бир ўзинг юрасанми? Автобусдан тушиб нима қилардинг? Ёмон кўп, — Абдурашид уч-тўрт қадам юриб тўхтади.

— Иложим йўқ, оғайни, ўғлимни бир кўрай...

— Ҳа, майли... Ишқилиб эҳтиёт бўл.

Абдурашид кетди, Зайниддин йўл ёқасида гарангсиб турганда, Шўртепанинг бозоридан бир эшакарава чиқиб Чирчиқнинг йўлига бурилди.

— Ола кетинг, муллака, ассалому алайкум!!

Аравакаш бир зум тўхтаб, унга синчков тикилди:

— Қаёққача борасан, укам?

— Т-троицкийгача... — деди Зайниддин ростини айтиб юбормаслик учун бир лаҳза тутилиб.

— Ўтир. Мен Байтқўрғонгача.

— Уёғи бир қадам. Етволаман секин.

Зайниддин аравакашнинг орқароғига ёнбошлаб олди.

— Нима иш билан кетвоссан, кимникига? — Аравакаш саволни бердию

кетидан жавоб бергулик вақт қолдирмай, сўкиниб, ўзининг дардини тўка кетди: — Мен аллақачон етиб олган бўлардим уйимга. Иккитаси, бизни ҳам ола кетинг, деб ялиниб шу пайтгача ушлаб ўтирди-да, энди бўлса, кетаверинг, биз қоладиган бўлдик, дейди. Узлариниям тоза сўкдим.

— Маниям битта шеригим бор эди, билмадим қаёққа йўқолди? — деди Зайниддин ҳам жим турмаслик учун.

— Мана шунақа-да, ...лар, ваъдани бериб қўйиб, айнишади. Одам деганда субут бўлса-да! — Аравакаш ўзини куттирганларни ҳам, Зайниддиннинг сохта шеригини ҳам бўралаб сўкди. Аравакашнинг сўкишидан бир дам ўтмай, орқадан дўпир-дўпир қадам товуши эшитилиб «Ҳой, шошманглар!» деган овоз келди ва кимдир лип этиб аравага ўтириб олди.

— Ия, Абдурашид! — дея бақириб юборди Зайниддин.

— Ёлғиз ўзингни юбориб, яна товонингга қолиб ўтирмай! — деди Абдурашид аравакаш билан саломлашиб бўлгач, нафаси оғзига тикилганча. — Аммо эрталаб уйга қайтаман. Утган галдагидек кечгача қололмайман. Ойимни кўргим келяпти.

— Майли, оғайнижон, майли, раҳмат сенга!

Қишлоқ тугаб, Яланғоч мозори яқинлаб қолди. Аравакаш хавотирланди шекилли, ёнламасига ўтириб олди.

— Хўш, йигитлар, сўраганнинг айби йўқ, қаерга кетяпсизлар?

— Биз мана шу яланғочлик бўламиз, ака, — Зайниддин аравакашнинг таҳликага берилмаслигини хоҳларди. — Фаҳриддин ака деган одамни эшитганмисиз? Мен ўшаларнинг ўғиллари бўламан. Мана бу оғайним иккаламиз Тошкентда, темир йўлда ишлаймиз. Троицкийга бир иш билан кетаяпмиз.

Аравакаш эслашга ҳаракат қилиб:

— Фаҳриддин ака, Фаҳриддин ака, — деб такрорлай бошлади. — Ану Юздан Яланғочга ариқ тортиб борган Фаҳриддин аками?

— Ҳа, танийсизми? — Зайниддиннинг юраги «шув» этиб кетди.

— Танимайман-у, эшитганим бор... Қишлоқларингдан бир киши Байтқўрғонга кўчиб келди. Танийсизларми?

— Таниймиз.

— Шу бечора ўлиб қолса-я. Ҳозир қизи битта боласи билан ёлғиз ўтирибди. Билмадим, эри урушдами-ей, ўлганми-ей, дейишади. Биров келиб кетади, деган гап ҳам юрибди.

Абдурашид билан Зайниддин бир-бирларига қараб қўйишди.

— Қишлоғимизда Шобарот деган бир енгилтакроқ одам бор, — дея давом этди аравакаш, улардан садо чиқмагач. — Ёши қирқдан ошган, қамоқдан боши чиқмаган. Яқинда яна қутулибди. Тавба қилдим, бу йўлга кирмайман, деганмиш. Ҳалиги жувоннинг қўшниси бор. Ёшлиги шўх ўтган Майрам кампир. Шобарот ўша орқали оғиз солганмиш...

Зайниддин нафаси ичига тушиб кетди.

— ...Зора-мора ишлари пишиб қолса. Икки дардисар тўғри йўлга тушиб кетарди...

Аравакаш гапини маъқуллатмоқчи бўлгандай, дўстларга қаради, лекин улардан рағбат кўрмагач, тагидаги чурук кўрпачанинг бир чеккасини қайириб, хотиржам олдинга қараб ёнбошлади.

Дала жойнинг зимзиё жимжитлигидан анча чиқиб қолишган экан. Абдурашид ё пинакка кетди, ё аравакашнинг гапидан кейин ухлаганга солиб ётибди ўзини. «Соат ҳозир нари борса тўққиз бўлди, бунча гўристонга ўхшамаса!» Зайниддин, кўнглида кўтарилган ғалаён туфайли, гоҳ вокзал атрофида тўполонни кўмсарди, гоҳ — ёлғиз қолишни. Аравакашдан сўраб-суриштирай деса, сирни ошкор этишдан ҳайиқади.

Ниҳоят, Дўрмондан чиқишди. Аравакаш аста ғимирлаб, томоқ қириб қўйди. Ҳозир гап қотиши аниқ.

— Уч-тўрт кундан бери олди-сотди чаққон. Бозордаги карнайни эшитолмадим, фронтда нима янгилик бор? Қисталоқ Черчил, нариги ёқдан лашкар тортаман, деятувди, ҳали бошламадимми?

— Йўқ, унақа гап бўлмади, — деди Зайниддин, аравакашнинг гапи ўзи истаган нишабга бурилишини жуда-жуда истаб.

— Шу касофат, бу иккови тоза сўқишиб, иккови ҳам ҳолдан тойсин, деб кутмаяптими, а?

— Ҳа, шу-да? Нима бўларди.

— Ҳей, менга қаранглар, бу Маъруфбой деган раисларинг қанақа одам ўзи?

— Билмасак, — деди Зайниддин. Шу мавзунни тўхтатиш умидида батафсилроқ гапирди: — Биз у билан бор-йўғи олти ой ишладик. Ушандан кейин темир йўлга ўтганмиз. Қаттиқ, пишиқ, одамга сўзи ўтадиган эди.

— Э, ҳозир қайси раиснинг сўзи ўтмайди. Одамни урушга жўнатиш ё обқолиш

ихтиёрида бўлса... Энди, гапнинг индаллоси бундоқ. Ҳали икки киши юк минан Яланғочга кира қилди. Йўлда гаплашиб кетишди. Тушунишимча, раисинглар Аҳад кемшик деган одамми келиниминан дон олишиб юраркан. Таний-сизларми?

— Таниймиз. Уғлини Жалил эчки дейишарди уришқоқлиги учун. Калла қўйишга уста. Нима, ундан қора хат келган эканми? — сўради Абдурашид уйқуси қочиб ҳовлиққанча.

— Уёғидан беҳабарман. Хуллас, сири ошкор бўлгандан кейин, боласини олиб, келин қочиб кетипти. Ҳалигиларнинг биттаси гумон қияптики, Маъруфбой унга Тошкентдан жой обериб, ҳалиям қатнаб юраркан.

— Бировнинг хасми-я! — деди Абдурашид ёниб кетгудек бўлиб. — Гуноҳдан қўрқмадимикин, а? Вой, ит эмган, расво қипти-ку! Бечора Жалил куйибди-ку, а?..

Зайниддин вужуди ғазабдан дағ-дағ титраб, тишини тишига босиб ўтирарди. Асли ўтган сафар келганда кўнгли сезувди. Ойдинойнинг чарслик қилгани ҳам эсида: «Тез, уч-тўрт кун ичида кўчиб келинг буюққа. Бунақа турмушдан тўйдим. Одам чиқиб қолса — тегаман! Ана, Майрам хола ҳам шунақа деяпти!»

Бундай гапларни Зайниддин аввал ҳам эшитгани учунми, навбатдаги эркалик, деб тушунган эди. Қолаверса, шу кунда эркак анқонинг уруғи, ким ҳам оғиз соларди, деб ўзини юпатган эди.

«Ахир, мен ўлганим йўқ-ку?! Талоқ қилганим йўқ-ку! Жалил ҳам юрибди-ку, қон кечиби?!»

...Эртасига эрталаб Байтқўрғондан қайтгач, Абдурашид иккови тўппа-тўғри колхоз идорасига бориб, Маъруфбойнинг ёқасидан олишди. Деворга бир-икки тузуккина уришди. Москвага кетаётганлардан тўппа-тўғри Кремлга тушадиган қилиб хат жўнатворамиз, деб, дўқ ҳам қилишди.

Маъруфбой қишлоқда ҳокими мутлақ даражасида эди, колхозчиларнинг тақдири қўлида эди. Лекин Абдурашид билан Зайниддин қишлоқда эмас, темир йўлда ишлардилар. Маъруфбой улардан кўрқди. Югурдакларига «ҳайт» дейишнинг ўрнига, уларни жўнатиб юбориб, ялинишга ўтди. Ҳеч қанақа гуноҳим йўқ, ҳаммаси туҳмат, деб қасам ичди. Содда йигитлар эмасми, гарчи кўнгилларида ишонмасалар-да, Зайниддин билан Абдурашид гарангисиб қолишди. Ҳар балони оғзига олиб, ўламан саттор, беайбман, деб қасам ичиб тургандан кейин илож қани? Нима қила олардинг?

Маъруфбой бир амаллаб, Зайниддин билан Абдурашидни тинчитиб, жўнатди-ю, «хап сеними» деб, кўнглига тугиб қўйди.

«Болам, бу дунё — қайтар дунё, — дерди отаси. — Биров сенга ёмонлик қилса, хунимни оламан деб, эртаю кеч ўйлаб юрмагин. Уша одамни шундоқ кўз олдинга келтириб, қилмишингдан топ, дегин-у, бу ёқда тирикчилигингни қилавер.»

Фаҳриддин ака бу гапни Зайниддин Маъруфбойни яниб юрган пайтларида айтган. Уғлининг унчалик қўшилмаётганини, эътироз билдиришга эса ийманаётганини сезиб батафсил изоҳлаган: «Агар ёмонликни ўйлаб юраверадиган бўлсанг, ўйинг ичингда ачиб кетиб, нақ заҳарга айланади. Хаёл ҳам сувга ўхшаган нарса, оқиб турмаса бузилади. Ёмондан қасд оламан, деб ўйлаб юриб, жўн меҳнат эсингдан чиқади. Топиб-тутмасанг, оқибатда кимга ёмон? Ўзингга, бола-чақангга, ёр-биродарларингга. Хулоса шуки, ёмонликка жавоб бераман, деб, умрингни ўтказиб юборишинг, мумкин. Сенга ёмонлик қилган бошқага ҳам албатта қилади. Жабрдийдалар кўпайиб, биттаси бўлмаса биттаси ёки кўплашиб, ёмоннинг жазосини беради. Бизнинг замонимизда ноҳақлик жавобсиз қолмайди.

«Сен билан мен меҳнатимиз билан кун кўрадиган одамлармиз. Маъруфбой эса ҳужжат билан иш кўрадиган одам. Қўлнинг кучи қоғозга етмайди. Унинг йўлига биз тушунолмаймиз.»

Зайниддин ана шу деҳқонча гапларнинг ростлигига амин бўлган. Бу гаплар унчалик тўғри бўлмаслиги мумкин. Зеро, отаси ҳам буларни «ҳақиқати мутлақ» деб минбардан жар солмаган. Деҳқон отанинг деҳқон ўғилга айтган гаплари. Ва улар деҳқон ўғил учун тўппа-тўғри келган. Айниқса, лимон билан шуғуллана бошлаган пайтда. «Аччиқ нарсами экяпсан», деб мазаҳ қилганларнинг, ўзига қараб шиша отганларнинг, теплицасига тош отганларнинг кетидан қувмаган. Отасининг айтгани бўйича, кечирворган-у, ишнинг пайдан бўлаверган.

Аммо бу кечиримлар кўп қимматга тушган. Ушанда кўрган азоблари ҳозир ҳам худди ёмон тушдек таъқиб этиб юради...

* * *

— Ермолай Серафимович, биласизми, дарахтлар орасида юргим келади. Зайниддин белкурак сопига суянганча, ташқарига тикилганди. Паровоз

дарчасидан шаррос ёмғир, март оқшомининг тунд осмони кўринарди. Уфқ вокзал ортидаги пастак ҳовлиларнинг устига келиб қолган ва ундаги дарахтлар панжаларини кўтариб, исканжага олмоқчи бўлган осмондан ерни ҳимоя қилаётганга ўхшарди.

— Боғингни соғиндингми? — деб сўради Ермолай Серафимович меҳрибон овозда. У приборларни бир-бир текшириб, зарурати бўлмаса-да, ўргамчи бўлиб қолгани учун тоза дока билан артиб чиқаётганди.

— Соғиндим, Ермолай Серафимович. Мақтанчоқлик деманг-у, мен дарахтларнинг тилини тушунаман.

Шу пайт вокзал радиокарнайдан Олий Бош қўмондон Сталиннинг буйруғи янгради:

«1944 йил 25 март куни Иккинчи Украина фронтининг жангчилари ҳужумларини кучайтира бориб, бизнинг давлат чегарамиз — Прут дарёсига, 85 километрлик фронт кенглигига чиқдилар».

Зайниддин билан Ермолай Серафимович бирдан «ура» дейишганча қучоқлашиб кетишди. Кейин шаррос қуйиб ётган ёмғирга қарамай Зайниддин бошини ташқарига чиқариб, буйруқнинг давомини эшита бошлади. Ермолай Серафимович эса, «Ниҳоят ниҳоят-ей!..» деганча, қўлидаги латтани ғижимлаб силкирди.

«...Бугун, 26 март куни, соат йигирма бирда Ватанимиз пойтахти Москва бутун Ватанимиз номидан давлат чегарамизга чиққан Иккинчи Украина фронтининг шавкатли жангчиларини уч юз йигирма тўпдан йигирма тўрт карра мушак отиб шарафлайди».

— Ҳечқиси йўқ, кўпи кетиб, ози қолди. Мана, еримиз фашистлардан деярли тозаланди. Уруш тугасин, кейин ўша боғингга қайтасан, — деди Ермолай Серафимович бояги гапини давом эттириб.

— Агар мен ҳам урушга борганимда тезроқ тугарди, — Зайниддин бошини ичкарига олиб, жаҳл билан ўчоққа кўмир ташлай бошлади. — Уруш тугаганда, сен нима қилиб юрдинг, деб сўрашса, гўлаҳлик қилдим, дейманми?! — У тўхтаб, худди буларга Ермолай Серафимович айбдордек, унга тикилди: — «Девдек қоматинг билан кўмир ташладингми, ўл!» деб айтишмайдимми?

— Ҳўш, сену Абдурашид бўлмаганда, шунча ишни менга ўхшаган қариқартаң ёки хотин-халаждан биронтаси эплармиди? Гўлаҳлик осон эканми? Шундай деганнинг тумшуғига солмайсанми?!

Зайниддин асабий қўл силкиб, ташқарига тикилди.

— Темир йўл — Ватаннинг қон томирлари, — деди Ермолай Серафимович. — Мияга, қўлга, оёққа озиқ олиб борадиган томирлари. Қон юрмаса, гавдани ким кўтаради? Қўл, калла қандай қилиб уришади?

Зайниддин яна қўл силтади:

— Бу гапларни биламан! Акам ўлиб кетди. Ҳеч бўлмаса шунинг қасосини олгим келади! Уҳ-ҳ! — Зайниддин тишини ғижирлатиб қўйди. — Уйдаги аҳвол, хабарингиз бор, бундан беш баттар!

— Биламан! Лекин дилингда қаттиқ тутгинки, сен Ватан учун керакли ишни қиялсан.

— Э, Ватан билан гўлаҳликни аралаштирманг!

— Гўлаҳ эмас, машинист ёрдамчисисан, каттакон составни юргизялсан, нодон! Мен ҳали сени машинистликка ўқишга тавсия қилмоқчиман. Урушдан кейин ҳам машинистлар энг керакли одам бўлиб қолади.

Зайниддин бирдан тутаб кетди:

— Йўқ, отахон, яхшиси, мен колхозимга бориб, дон экай. Теплицамга бориб мева етиштирай. Дехқон бўлмаса машинистларингиз ҳам керак бўлмайди.

Шу пайт эшикдан иккита термосда чой кўтарган Абдурашид кўринди. У тамом кириб олгандан кейин Зайниддин давом этди:

— Биласизми, Ермолай Серафимович, теплицада иш баъзан бу ердагидан ҳам оғирроқ бўлади. Лекин у ерда кечасию кундузи қолиб кетсам ҳам билинмайди.

Ермолай Серафимович буни кўп эшитгани учун бошини ташқарига чиқариб, сигнал берди.

— Утдан ташланглар! — деди у ўша турганча.

Паровознинг вишиллаши авжга чиқди. Ёмғир ҳам.

— Челаклаб қўйяпти жонивор. Ун минутнинг ичида шилтам чиқиб кетди, — деди Абдурашид шинелини ечиб иларкан.

Ниҳоят, йўл ошилди, шекилли, паровоз уста-уст сигнал бериб, составни силтаб тортди-да, аста кўзғалди.

Тошкент устига қоронғулик чўккан, челаклаб ёмғир қуярди. Поезд, тезроқ юрса ундан қутуладигандек тобора жадалларди.

Эшик қоқиб, девор дукилллатишларига ит жавоб берди, аммо танидию унинг ҳам овози ўчди. Хиёл вақт ўтмай, ҳовлида уй эшиги очилгани эшитилди, кимдир юриб келди. Зайниддин унинг Ойдиной эмаслигини сезди. Эркак киши, қадамлари залворли...

— Ким у?!

Зайниддин кўлидаги қопини ерга тушириб юборди.

— Ким у?!

— Эшикни очинг...

Ичкаридан шивир-шивир, гўнғир-гўнғир овоз эшитилди, сўнг занжири шарақ-шуруқ қилиб эшик очилди. Зайниддин бостирмага кирди.

— Ҳа? — деди у Шобаротга қараб.

— Узингга ҳа! Кечаси бировнинг уйига кириб, сўроққа тутишини қара?!

Зайниддиннинг титроғи йўқолди. Қўлидаги таёғини маҳкам сиқди. Ойдиной бостирманинг тоқчасига қорачироқ қилиб қўйилган мўндининг пилигига ўт илаштириб, эркакнинг орқасига ўтди. Шунда Зайниддин гапнинг бефойдалигини тушунди.

— Нимага серрайиб турибсан? Санга айтганмиди ҳамма гапни?!

Зайниддин тилига тушов тушгандай, кўлидаги таёқни маҳкам чангаллаб турарди. Ойдиной Шабаротнинг елкаси оша қараб, секин гапга аралашди:

— Олдинги гал айтувдим сизга... Уч кун ичида кўчиб келмадингиз. Энди бўлди. Буёқ менинг кишим бўладилар... Никоҳдан ўтдик, ис чиқардик...

— ...

— Нимага турибсан, э? Жўна, ичак-чавоғингни ағдариб ташламасимдан!.. — Шобарот тўнининг барини кўтариб, гўё пичоққа қўл юбораётганга солди ўзини.

Зайниддин чўнтагидан пул чиқарди:

— Ойдин, болага яратасан...

— Керакмас пулинг! — Шобарот унинг қўлини итариб ташлади.

Зайниддин пулни тоқчага, мўнди чироқнинг ёнига қўйди-да, чиқиб кета бошлади.

— Тезроқ жўна, девомман санга!

Зайниддин эшик олдида ўгирилди:

— Болага қўлингни текказадиган бўлсанг!..

— Вей, ман сандақаларнинг уч-тўрттасини учқўрғон қилганман! — Шобарот ўзича яна хезланган бўлди. Ойдиной кўлидан тутди. Шобарот баттар «авж» қилди: — Яна биттаси ҳеч гап эмас. Ану ёқ мани уйимдек бўлиб қолган, яна кетавераман!

Зайниддин индамай эшикни ёпди. Кўчада ётган қопини олиб, йўлга тушди. Умрининг бир парчаси орқада қолаётганди.

Атроф қоп-қоронғи эди. У пайт қишлоқларда одамлар барвақт ётишарди.

Уруш охирларига бориб, қишлоқдан темир йўлга жалб қилинган мутахассисларни ўз жойларига қайтариш ҳақида буйруқ чиқди. Шу йили Тошкент атрофидаги колхозларнинг ҳар бирига Пскент тарафлардан юз гектар қўриқ очиб, дон топшириш мажбурияти юкланди.

Пскентдан ўтгач, Нурота деган жойдан чапга бурилиб, уч-тўрт километр юрсангиз, жуда обод манзилларни кўрасиз. Булар бари «Ленин» колхозини обод қилган жойлардир. Гуркираб ётган боғу роғларнинг ўрни бир вақтлар сийқа адирлар эди. Уларнинг юзини тракторда биринчи тирнаган эса Зайниддин Фаҳриддинов бўлади.

1946 йилнинг июль ойларида қўриқнинг ғалласи фарқ пишди. Қорасув райони МТСидан комбайн олиб, ғаллани ўриб, зудлик билан «Заготзерно»га топширишни ташкил эта оладиган бир одам юбориши керак эди. Токи у одам ғайратли бўлсин, йўқса шунча ҳосил нобуд бўлиши мумкин...

Маъруфбой жавобгарлиги катта бу ишни Зайниддинга юклади. Пскент деганимиз ҳозирги кунда нари борса бир соатлик йўл. У пайтда бир соат пиёда юриб, Асака майдонидаги автостанцияга базўр етиб олардингиз. Пскентга автобус кутиш, автобусда бориш, Пскентдан янги ергача етиб олишни қўшсангиз, кам деганда ярим кун вақт кетарди.

Асака майдони — шаҳарнинг катта гузарларидан бири. Куйбишев районининг ижрокоми, ҳарбий комиссариати, политехника институти, магазинлар, ошхонаю чойхоналар, Чирчиқ, Паркент, Пскент томонларга кетадиган автобусларнинг станцияси — ҳаммаси шу ерда. Бир томонга беш юз қадам юрсангиз Олой бозори, иккинчи томонга беш юз қадам — ТошМИ, Тельман парки, ҳайвонот боғи. Одам ҳаммиша гавжум. Аммо шу сонияда бу гавжумликнинг жон жойи магазинда нонга

навбатда турганлар эди. Кўчага чиққан одам бир буханка нон топаманми, йўқми, деб чиқадиган замон бўлгани учун, ўтган-кетган навбатдагиларга қараб ўтади. Чунки очликдан гувиллаб ётган қоринлар, «Ойи, нон!» деган нидолар юрагига тўпланган оналар турарди бу навбатларда. Бир амаллаб қоринни алдаб, сўнгра ишлаш, қуриш истаклари, эрта-индин бу азоблардан қутулишга ишончлар туради бу навбатларда.

Атрофда айланишадиган олибсотарлар билан очлар нон навбатларини янада сергавжму қиларди. Очларнинг ичида ёш болалар ҳам бўларди. Жисму танларидан севинчу соғиниш, қўмсаш каби туйғуларни қорин туйғуси сиқиб чиқарган болалар эди улар.

Зайниддин ана шулардан бирини кузатарди. Боланинг кўзларидан гўё қорни қараб турарди. Тўс-тўполон, бақириқ-чақириқ ичида фақат қўлдан-қўлга ўтаётган нонларни кўрарди. Одамлар яримталиқ гиждаларни авайлаб ўраб халталарига солганда, сўнг бу ердан узоқлашганда, бола уларни кузатиб бориб, яна қайтарди. Шунда унинг кўзлари одамларни эмас, гиждаларни кўрарди. Агар бошқа замондан келиб қолган кимса, «ҳой, сен нима қилиб юрибсан?» деб сўраса, бола ҳеч нарса тушунмаган бўларди.

Бир пайт бола сичқонни кўрган мушукдек таққа тўхтади. Ундан каттароқ ва бақувватроқ бир ўсмир яримта гиждани чайнаб, навбат ичидан чиқиб келди. Унга яқинлашди. Шунда бола шарт ташландию гиждани юлиб олиб, шу жойнинг ўзида апил-тапил ея бошлади. Нонидан ажралган ўсмир бир зумга ўзини йўқотди. Кейин:

— Бер нонимни, ҳайвон! — деб бош-кўзи демай ура кетди. Кўзларидан қорни қараб турган бола эса зарбаларга заррача аҳамият бермай, шошилганча нонни оғзига тикарди.

Ўсмир дўппослаш орасида боланинг гавдасини тўғрилашга, гиждани унинг оғзидан узоқлаштиришга ҳаракат қилар, «нонни бер» деб бақирарди.

Орага икки-уч киши тушиб, боланинг қўлидан нонни олиб беришди. Лекин эгаси бир тишлаган яримта гиждадан бир тишладан сал каттароқ нон қолганди. Ўсмир йиғлаб юборди.

Орага тушганлар оч болани эмас, нон эгасини койишди: «Эҳтиёт бўлмайсанми? Ураб, яхшилаб ушлаб олмайсанми?»

Кейин автобус келди. Паттачи хотиннинг бақириб-чақиришига қарамай, одамлар «гурр» этиб ўзларини эшикка урдилар. Кимдир нон талашган болаларга маънос боқиб турган Зайниддиннинг биқинига туртди: «Анқайма, биродар, автобусдан қопкетасан!» Йигит бирдан ўзига келди, автобусга қараб югурди...

Йўл бўйи ўйлашиб кетди. Кўнгли ҳеч ёришмади. Кўз ўнгида ҳамон ўша очу яланғоч болалар турарди.

Манзилга етиб, МТСни излаб топди. Станция директори, қотмадан келган қопқора киши, дарвоза олдида биров билан гаплашиб турган экан. Зайниддинни кўриши билан бақира бошлади:

— Бу нима деган гап?! Буғдойларингга менинг бошимни тиккансанларми? Бир ҳафтадан бери кутаман-а!..

— Узи менга кеча айтишди, — деди Зайниддин хижолат чекиб.

Директор роса жонидан тўйган экан шекилли, жаҳлдан тушмай, ёнидаги кишига мурожаат этди:

— Бунинг гапини қаранг, ўртоқ Шоназаров! Ғалласи исроф бўлай деб турибди-ю, пинагини бузмайди! Кейин қарабсизки, ким айбдор — эмтэсчи бечоралар айбдор! Инсофи йўқ буларнинг, Жўра ака!

Зайниддин Жўра Хоназаров деганлари Қорасув район партия комитетининг биринчи котиби эканини биларди. Гап эшитсам кераг-ов, деб, юраги увишиб қўйди. Хайрият, Шоназаров индамади. МТС директори энди Зайниддинни унутиб, ҳовлига қараб бақирди:

— Эдуард! Кармисан, нима бало, қара, мижозинг келди!

Дарвоза ортидан жавоб бўлмади. Директор чўнтагидан «Прибой» чиқариб тутатди, сўнг ўзича бир-икки тўнғиллаб, МТС ҳовлисига кириб кетди. Шоназаров бирпас ўтиб сўради:

— Кечагина айтишди, денг?..

— Ҳа, кеча айтди.

— Шу, раисларингнинг айрони ачимайди-да, — деди Шоназаров андак тундлашиб. — Сизнинг бу ишлардан хабарингиз борми ўзи? Донни «Заготзерно»га топшириб...а?

— Кейин ўша ердан справка беради-да, — деди Зайниддин унинг гапини илиб олиб.

— Яшанг. Донни топшириб, қоғозини олиб, кейин ижроком билан райкомни хабардор қилиб кетасиз. Энди буёғига эҳтиёт бўлиб ишлайсиз, ука.

Шоназаров Зайниддиндан ўн ёшлар катта бўлса-да, суҳбатини эшитган одам бу фарқни анча кўп, деб ўйлаши мумкин эди.

Шоназаров директор ортидан кетди. Бир оздан сўнг ичкаридан иккита СХТЗ трактори иккита «Коммунар» комбайнни судраганча олиб чиқди. Уларга лўкидонга ўхшаган ўртаси чуқур, кичкина эшакарава эргашганди. Зайниддинни ўшанга таклиф қилишди.

— Аввал бир келишиб олайлик, — деди комбайнчилар бригадасининг бошлиғи Эдуард, буғдойзорга етиб келишгач. — Сен янги одамсан, бизнинг ишларимизни билиб қўйсанг тузук.

— Биламан. Ҳар бир меҳнат кунига уч килодан буғдой берамиз.

Зайниддиннинг гапидан жиккаккина комбайнчи хоҳолаб кулди. Қолган иккови комбайннинг моторини кавлаштиришарди.

— Нимага куласизлар? — деди Зайниддин жаҳли чиқиб.

— Билмай туриб «биламан» деганинг учун.

Зайниддин, булар мени калака қияпти, деб ўйлаб қизиша бошлади. Сув ичкиси келди.

— Хирмон бошидан ҳар биримизга юз килодан буғдой берасан. Уни сотиб, тўрт кунлик чайнов обкеламиз, ана ундан кейин ишлашни биздан кўр, — деб тушунтирди Эдуард.

Комбайн «тузатаётган» иккитаси Зайниддиннинг жавобини эшитмоқчи бўлиб, ишни тўхтатишди.

— Ия, биродарлар, инсофларинг борми? Тўрт юз кило-я?! Мен нима деб жавоб бераман?!

— Бу гапларни қўй, — деди Эдуард ва ёнидаги шеригига юзланди: — Остонақул, ҳамма жойда шунақалигини сен тушунтир, менинг турқим буни ишонтирмаяпти!

— Шунақа, — деди Остонақул ишшайиб. — Биздаям бола-чақа бор, рўзғор бор.

— Сен қўрқма, — деб яна гапга аралашди Эдуард. — Мана, ҳозир Остонақул битта комбайнни йўрға қилиб юборади. Унисининг сал ремонтталаб жойи бор. Ғаллани тақсимлаб, сендан тилхат олгунимизча, уни ҳам тузатиб оламиз.

— Тилхат?! Ҳеч қанақа тилхатни билмайман! — Зайниддин ёшлигидан негадир «тилхат» деган сўздан қўрқарди.

— Сотаётган жойимизда ушлаб, донни кимдан олдинг, деганда миқ этолмасак, тиқиб қўяди обориб! — деди Остонақул.

— Ишимиз пишмас экан, — деди Эдуард ҳафсаласи пир бўлиб, сўнг бир томоқ қириб, шерикларига қаради: — Ремонтларинг қалай, тузаладиганми?

— Бе, қаёқда! Занжир бўшаб, дон янчадиганнинг подшипниклари ейилибди. МТСга тушиб чиқишга тўғри келади.

— Ахир тахт бўлиб чиқмайсизларми? — деди Зайниддин куюниб.

Саволи ҳавода муаллақ қолди. Комбайнчилар унга қарашмади ҳам. Зайниддин томоғи қақраб, эски темирўл формасининг кўкракларини очдию ерга ўтирди.

Эдуард билан битта комбайнчи ғалла ўришга тушиб кетди. Остонақул билан иккинчиси эса тракторнинг соясига ётиб, папирос тутатишди. Остонақул унга узоқ қаради-да:

— Менга қаранг, ака, — деди хуноби ошиб, — ишонмасангиз, ана, лубой колхоздан сўраб келинг. Ҳаммаси шунақа қилиб ишини тез битириб кетади.

Зайниддиннинг чанқоғи ошгандан ошди. Офтоб аямай қиздирарди. У бир зум нигоҳини кўтариб узоққа қараганди, сап-сарик буғдойзор устида кўтарилаётган ер тафтини кўрди. Жимир-жимир. Нарироқда арава қўшилган эшак ниманидир курт-курт чайнарди.

— Туриб тузатмайсизми, бузук бўлса? — деди у секин ва нажотсиз оҳангда.

Остонақул ерга чирт этказиб тупуриб, ўрнидан турди-да, шеригига гап қотди:

— Мен бир сув опкелай.

Остонақул эшакаравани ҳайдаб кетди. Сояда ётган комбайнчи қўлини ёстиқ қилиб кўзини юмди. Буғдойзорда ишлаётган комбайннинг ҳам овози ўчди. Зайниддин кўрдикки, Эдуард сояга ўтиб олиб, шериги билан бемалол гаплашиб ётибди.

— Бунақада дон куйиб кетади-ку! — Зайниддин шарт ўрнидан турди.

Сояда ётган комбайнчи қимир этмади.

— Ҳозир бориб ўртоқ Шоназаровга айтаман! — дедию Пскентга қараб жўнади.

Аввал МТСга кирди. Лекин у ерда ўзи танийдиган бошлиқлардан бирортасини ҳам учратмади. Идорада пашша қўриб ўтирган тепакал кишига аҳволни тушунтирган эди, у бобиллаб берди: «Комбайнчиларимизга туҳмат қилманг,

йигитча! Улар юз фоиз онгли кишилар! Ҳафтасига икки марта информация ўтказамиз!!!»

— Демак, ёмон ўтказаркансизлар ўша информацияни. Комбайн бузилди, деб, ҳаммаси соялаб ётибди.

— Бузилгандан кейин нима қилади? Тузатади, териб беради донингизни!.. Зайниддиннинг яна силласи қуриб кўз олди қоронғилашди.

— Бўпти! Бу ерда иш битмас экан. Шоназаровга учрашаман!

— Учрашсангиз учрашаверинг! Бузуқ нарсани бузуқ дейди-да, — ғулдиради МТС ходими. Лекин оҳангидан Зайниддиннинг пўписаси таъсир қилгани сезилди.

Райкомдан Шоназаровни тополмади. Котиба аёл Зайниддинни бир инструкторга учраштирди. У одам ўша заҳотиёқ телефон қилган эди, МТСдан жавоб бўлмади.

— Сиз бораверинг, мен биронтасини топиб кетингиздан юбораман, — деди инструктор.

Зайниддин, тарвузи қўлтиғидан тушиб, райком биносидан чиқди. Гузардаги чойхонага кирди. У аввал, бу масалани эшитиб райкомдагилар тикка турса керак, деб ўйлаганди. Сездики, райкомдагиларнинг бошқа, муҳимроқ ишлари ошиб-тошиб ётган экан. Хиждолат бўлди.

— Битта чой беринг, ака. Памилчой, — деди Зайниддин томоғи қақраганидан хириллаб, кейин тугунидаги зоғора нондан бир бўлак ушатиб олди.

Чойхоначи памилчой буюрганлигиданоқ Зайниддиннинг меҳмон эканлигини сездди. Чойнакни қўйиб, самоварларининг ёнига қайтиб боргач, сўради:

— Уғлим, хомуш кўринасиз? Ишқилиб, киссавур-писавурга йўлиқмадингизми?

— Раҳмат, ака, тинчлик. Киссавур бўлса-ку, шарт гирибонидан оласиз, ундан баттароқми дейман...

Зайниддиннинг дарду ҳасратини эшитиб бўлгач чол жилмайди. Аслида у гапни бошдаёқ тушуниб жилмая бошлаган эди. Аммо қарияларга хос босиқлик билан охиригача эшитди. Бу орада яна иккита чойхўр кирди. Чол уларнинг ҳам хизматини бажо қилиб, Зайниддиннинг ёнига келиб ўтирди.

— Энди гап бундоқ, уғлим, — деди. — Ҳо хафа бўлинг, ҳо хафа бўлманг, ўшаларнинг айтганини қилмасангиз ишингиз битмайди. Йўқ, роса ота гўриқозихона қилсангиз битади, битади-ю, аммо ўша тўрт юз кило буғдойдан кўра кўпроқ зарар қиласиз.

— Нима, бузуқ деб ётаверишадими? Умунан ўришмайдими?

— Йўқ. Нега ўрмас экан?! Уради. Урмасин-чи, онасини Учқўрғондан кўради. Лекин чўзади. Уни баҳона қилади, буни баҳона қилади, хуллас, сизни чунон югуртирадики, сочларингизга оқ тушиб, тўрт юз килони бермаганингизга минг пушаймонлар бўласиз... Энди, шунақасига учрабсизми, айтганига юрасиз.

— Нима?! Мисол учун, райком келиб, сиқувга олиб «тузат ҳозир комбайнингни!» — деса, баҳона топадими?! — Зайниддин худди ишёқмас комбайнчилар чолнинг ака-укаларидек гажакланиб сўради.

— Нега тузатмас экан? Тузатади. Аммо райком кетадию ярим соат ўтмай, машинаси яна бузилади.

Зайниддин жим бўлиб қолди. Унинг боши оғрир, жуда ҳолсизланган эди. Юзидаги маржон-маржон терини артаркан, чойхоначи айтган манзарани аниқ кўз олдига келтириб, чуқур хўрсинди.

— Ҳа, ўзи бу ерда адолат деган нарса йўқ экан-да!

— Нега унақа дейсиз? Нега унақа дейсиз? — деди чол гина билан. — Жудаям ошириб юборманг, меҳмон. Мен сизга айтсам, ўша комбайнчиларингизнинг ичида урушда қон тўкиб келганлари бўлиши мумкин...

Чойхоначининг гапи узилиб қолди. Боя МТС идорасида ўтирган тепакал киши эшикдан кириб келиб, дағдаға қила кетди:

— Қанақа одамсиз ўзи, оғайни! Райкомга бориб, ҳаммаёқни кўтар-кўтар қилиб, ўзингиз чойхонада чой ичиб ўтирибсизми! Юринг!

Зайниддин шошиб қолди. Бояги келган иккита чойхўр ҳам унга «бу нима бало қилган экан», дегандай шубҳаланиб қаради.

— Ҳой-ҳой, Абдураимбой! — дея гапга аралашди чойхоначи чол Зайниддиннинг жонига оро кириб. — Аввал бундай ўтиринг, бир пиёла чой ичинг. Узоқ жойдан келган мусофир бўлса, бунақа ишга биринчи марта қўл ураётган бўлса... Узи уёқдан дилини хуфтон қилишипти. Сизнинг ёшингиз анча катта, мурсоёю мадора қилиш сиздан жоиз, Абдураимбой. Қани, ўтиринг.

— Қилғиликни бошқалар қилиб, жазосига сен қолсанг алам қиладида, Мирсамат ака! — деди Абдураимбой пастга тушгиси келмай.

— Менда нима айб, ака? — деди хаста овозда Зайниддин. — Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ — ҳамманинг кўзига ёмон кўриниб ўтирибман. Итдан баттар

чарчадим. Оғримаган бошимни оғритиб, менга зарил кептими? Бор гапни райкомга доложит қилиб қайтиб кетаман, деб ўтирибман.

— Ув, йигит, ўйлаброқ гапиринг, ғалла бизга эмас, сизга керак!

Бу гапдан сўнг Зайниддин бадтар хижолатга тушди.

— Йўқ, йўқ, ака, чарчадим, қўлимдан келмас экан, демоқчийдим, холос. Майли, райкомга кирмай ҳам қўяқолай. Бировга атай ёмонлик қилгин деб, таълим беришмаган менга.

Абдураим билан Зайниддин бир отга мингашиб буғдойзорга келишганда эндигина бир тоннача ғалла ўрилган экан. Уч комбайнчи соялаб ётишар, биттаси аллақайёққа кетган эди.

Зайниддин сирғалиб отдан тушди. Абдураим бақирганча отни комбайннинг олдига ҳайдади:

— Қани, нимаси бузилган бунинг? Тракторими, комбайними? Тузатларинг ёки менга кўрсатларинг. Ё саботаж учун ҳаммангни... — Абдураим отдан сакраб тушдию бирдан букчайганча оёғини ушлади: — Вой, вой, касофат, томир тортишди!

Остонақул билан Эдуард югургилаб бориб, ўнинг қўлтиғидан олишди.

— Саботажми, а? — Абдураим инграниб, чала қолган гапни давом эттирди. — Нарй турларинг! Нон масаласини саботаж қияпти деб, чора кўрворса, биласанларми, нима бўлади? Умрларингни камида беш йилини тут емай ўтказасанлар!

— Ия, Абдураим ака, ким саботаж қияпти?

— Ҳа, юз килодан буғдой сўраган ким? Нима бу саботаж бўлмай? Анави Бозорбой қаёққа кетди?

— Аравасида нон-пон опкелади ҳозир, — деди Остонақул парвосизгина. — Буғдой сўраганимиз йўқ ҳеч кимдан. Ҳазил гапни кўтариб юрибсизми?

Зайниддин ханг-манг бўлиб қолди: киприк қоқмайди-я, муттаҳам!

— Шу ҳазилларингни райкомдагилар ҳам эшитди, — деди Абдураим. — Нима деб жавоб берай бориб у ерга?

— Биринчидан, мана — теряпмиз. Иккинчидан, Остонақулнинг молотилкасида подшипник ейилибди. Бозорбой опкелсин, дарров тузатамиз.

— Хўп, энди нима қиламиз? Мени ишонтирасанларми, кетаверайми ёки ишни тутатиб, оламга сассиғини чиқарасанларми?

— Кетаверинг. Тез тугатсак ўзимизга ҳам фойда-ку?!

Абдураим ишонқирамай, тагин бир оз тергасаммикин, дегандек энсаси қотиб, афтини тириштирганча қараб турди-да:

— Буёққа юр, бир гап бор, — деди Эдуардга.

Улар нарироқ бориб ниманидир гаплашишди.

Зайниддин худди нажот сўрагандек атрофга боқди. Бийдек сап-сарик чўл. Буғдойзор ҳам сап-сарик. Мана шу бегонаю бепоён дала ва «ўл» деса «дард» дейдиган тўртта тракторчи билан ёлғиз ўзи қолажагини тасаввур қилиб, юраги орқага тортди. Сездики, кўнгил тубида ўжарлиги бош кўтармоқда, нима қилиб бўлса ҳам бир ҳафта ичида ғаллани ўриб топширади. Эҳ қани энди, саккиз таноб ерни кўрсатиб, шуни дунёда топилмайдиган бир боғ қилиб бергин, деса-да, ундан кейин Зайниддинга баҳо берса! Йўқ, ҳозир унинг баҳосини боғ эмас, мана шу ўрим белгилайди. Бу иш Зайниддиннинг бир ўзига эмас, тўрт юз кило буғдойни силлиққина ютиб юбормоқчи бўлган комбайнчиларга, уларнинг машиналарига, Абдураимга, буғдойни ташиб олиш учун ажратилган машиналару унинг шофёрларига боғлиқ. Уёқда Маъруфбой ҳам унга кўз тиккан, хаёлидан кечадигани аниқ: «Ғалла масаласи Зайниддинга топширилган, қани, бажарармикин, йўқми?»

Зайниддин аста ўрнидан турди. Тўртта одамга бош бўлишнинг нақадар оғирлигини ҳис қилди. Кўз олдида ўзи килган турли каттаю кичик бошлиқлар келди. Уларга нисбатан ҳурмати ошди.

— Кўп сиқилманг, Зайниддинбой, бу ишлар бир кун кеч, бир кун эрта бўлаверади, — деди Абдураим отга мина туриб. Зайниддин унга жавобан зўраки жилмайди.

Абдураим кетдию комбайнчилар ўзгарди-қолди: яна ўша терслик, бепарволик. Соядаги ўринларига таппа-таппа ташлаб ётиб олишди. Зайниддин юраги безиллаб, узоқлашиб бораётган Абдураимнинг ортидан қараб қолди. Мана, у райкомнинг топшириғини бажариб ёки бажаргандек бўлиб, бўйнидан соқит қилганидан хурсанд, отини йўрттириб кетяпти.

Зайниддин чойхоначи чолнинг гапи тўғри чиқишини тушунди. Комбайнчилар росмана ишласа икки кунда қилиб берадиган ишни ҳафта-ўн кунга чўзишлари аниқ. Яна Зайниддин бу буғдойни «Заготзерно»га топшираман деб, машина ундириш учун қанча югуриши керак? Ҳали шофёрлар ҳам нағма чиқарар? Булар

донни ўйлайдими, йўқми? Тошкентдаги нон навбатларини, кўзидан қорни қараб турган болаларни кўрганми, йўқми?

Ҳадемай, Бозорбой аравасида етиб келди. Эдуард ва Остонақул билан нималарнидир ғўнғир-ғўнғир гаплашди. Ора-сира норози қараб қўйишларидан Зайниддин гап ўзи ҳақида кетаётганини сезиб турарди.

— Бўпти, ака, — деди Остонақул унга узоқдан туриб. — Бугун энди кеч бўп қолди. Эртадан иш бошлаймиз энди.

Зайниддин индолмади. Мана, раис берган бир ҳафталик муҳлатнинг бир куни ўтди. Эртага нима бўлади номаълум. Шаҳардаги аҳволни папиришдан фойда бормикин? Нима бўлганда ҳам ғаллакор жойлар-да, бари бир гахтакор жойларда-гидек очлик сезишмайди. Бу комбайнчилар шунинг учун ҳам тушунмайди.

— Сиз шу ерда донни қўриқлаб ётасизми? — деб сўради Остонақул. — Ёки бизлар билан Пскентга тушасизми?

Зайниддин яна индолмади. Комбайнчилар йиғиштирина бошладилар. «Шуларга тўрт юз килони бериш керак. Майли, жиғилдонларига урсин. Қолганини тезроқ топшириб олсам — марра меники!» Зайниддин тонна-тонна доннинг «Заготзерно»га, ундан тегирмонларга топширилишию хушбўй гижда нонларнинг навбатдагиларга тарқатилаётганини тасаввур қилди.

— Шошманглар! Мен кўндим.

Комбайнчилар ағрайиб қолдилар. Фитнамикин, деган гумонга бораётганлари сезилди.

— Қани, қоғоз-қаламларинг борми, тилхат ҳам бераман.

Комбайнчиларга жон кирди. Қоғозу қалам дарров топилди. Тилхат ёзиш жараёнида бири олиб, бири қўйиб, шундай далиллар келтира бошладилар:

— Биз бу доннинг юз kilosини ҳозир сотиб, ўзимизга овқат олиб келамиз. Кейин кечасию кундузи тинмай ишлаб берамиз. Бўлмаса, қош қорайиши билан уйга қайтишимиз керак. Эрталаб уйдан яна буёққа етиб келишимиз керак. Анча вақт кетади. Сизга ҳам осонмасми? Кечаси ҳайҳотдек чўлда ёлғиз қолмайсиз. Ҳозир бир халта буғдой учун одам ўлдириб кетаётганлар бор. Ёки районга тушиб чойхонада ётасизми, донни буёқда қолдириб, юракни ҳовучлаб?

Зайниддин бу тарафларини ўйламаган экан. Хирмонни тунлари қўриқлаб ётишнинг азоби шундоқ кўз олдига келди-қўйди.

— Тўрт юз килони бекордан-бекорга йўқотворишингиз мумкин. Лекин бизга берсангиз — бошқа гап, эвазига то «Заготзерно»га топширгунингизча ёнингизда туриб берамиз. Уч кунда ҳаммаси битади. Чўлда ишлаш осонмас, биродар.

Зайниддин таслим бўлдию нуқул кетиш, қорин ташвиши ҳақида гап сўқиётган комбайнчилар гуриллатиб ўримга тушиб кетдилар. Трактор ҳам, комбайн ҳам бузуқмас экан. Зайниддиннинг кўнгли кўтарилиб, Бозорбой олиб келган самоварга ўт қалади, темирўчоққа декчани қўйиб, қайнатмага гўшт солди. Қўлига пиёз ва пиқоқ олиб тўғрашга ўтирганда тахтлаб қўйилган саккиз қоп буғдойга кўзи тушди: «Қаранг-а, қоплар ҳам тайёр турган экан-да? Менинг кўнишимни аввалданоқ билишган булар!» Қўлида яримта пиёз, кўзёшларини билакларига артганча, ўзини юпатди: «Майли гуноҳи ўзларининг бўйнида, қолганини нест-нобуд қилмай топширса бас. Ноинсофлар ўрмай кетиб қолса нима қилардим, шунча ҳосил куйиб кетарди-да!»

Шундоқ хирмон устида ухлаб қолган экан, саҳарлаб Остонақул уйғотди. Қолган комбайнчилар аллақачон ювиниб-тараниб, энди ишга уннаш ҳаракатида эдилар. Буни кўриб Зайниддиннинг кайфи чоғ бўлди.

— Гап бундай, ака, — деди Остонақул. — Буёқдаги чой-пойни ўзимиз эплайвераимиз. Бугун — чоршанба бозор. Бозорбойди аравасига кеча берган буғдойингизни ортиб қўйибмиз. Ҳайни баққол деган одам бор. Хоҳланг ўшанга, хоҳланг истаган одамнингизга сотинг. Килосига ўттиз сўмдан сўрайсиз. Юз kilosининг пулига бизга уч кунга етадиган харажат қилиб чиқинг. Олти шиша ароқ ҳам бўлсин ичида.

Остонақул «гап тамом», дегандай, ўгирилиб кета бошлади.

— Ҳой, тўхта! — Зайниддин буғдой устидан туриб эгнини қоқди. — Мен... менга тўғри келмайди. Биров кўриб қолса нима дейди?

— Ҳайни баққолнинг дўконини сўрасангиз ит ҳам, бит ҳам танийди. Шундай топширасизу келаверасиз. Ўттиз сўм-а, ўттиз сўм! Пскентда — юз, Тошкентда — икки юз сўмдан оёғини ерга теккизмай олиб кетишади. Бизни ишдан қолмасин десангиз, буёғини ўзингиз келиштирасиз, ака.

Зайниддин нима дейишини билмай, ўйлиниб қолди.

— Хоҳласангиз, ўзингизгаям юз кило олволинг. Ё чўнтак қаппайганми? Пулингиз кўп бўлса, буғдойни олиб, бизга ҳақини чўзинг.

— Йўқ, лекин бўлгандаям...

— Нима қипти? — дея қўлини пахса қилди Остонақул. — Дон энди бизники,

шундайми? Мана, тилхат билан бердингиз. Биз уни сотяпмиз. Ким олишидан қатъий назар, нима фарқи бор? Биз — сотувчи, сиз — харидор.

Зайниддин жавоб бермади.

— Бўлди, Зайниддин ака. Вақтимиз йўқ. Индинга азонлаб ишингизни битирмоқчимиз. Қайтиб, чой-пойга қарашиб турасиз. «Заготзерно»га топшириб беришни бўйнимизга олдик. Сиз ҳам бизга мундоқ қайишинг-да!

Остонақул кетди. Зайниддин аравага ортилган саккиз қоп буғдойга қаради. Аравага қўшилган эшак уватнинг тагида қуриб улгурмаган кўкларни топиб ерди...

...Пскентда бозорга киришга юраги бетламади. Аравани таниш чойхонанинг олдида тўхтатди.

— Самоварчи ака, — деди Зайниддин чойхонанинг олдига келиб, — сизга бир маслаҳатли иш билан келувдим.

— Ия, меҳмон келинг! — деди чол табассум билан. — Чой-пой ичинг, маслаҳат қочмас!

— Зарилроқ эди-да...

— Хўш-хўш?

— Кеча сиз айтган гап тўғри чиқди. Энди шуни сотиб, пулига бозор қилиб келасан, деб жўнатишди. Килоси ўттиз сўмдан, жуда арзон, сиз олиб кўяқолмай-сизми?

— Майли, оламан. Юз килосига пул бериб турай, ўзингиз ҳам олинг, ука.

— Йўқ, ака, бўлмайди... Борини олганингиз тузук, — Зайниддин синик илжайди. — Ҳарна виждоним қийналмайди...

— Бемалол, бемалол...

Шу билан савдолари пишди. Чойхоначи қопларни тушириб олиб, пулини берди. Зайниддин иши енгил кўчганидан боши осмонга етиб, бозорга кирдию тўрт кунга етадиган масаллиқ харид қилди.

Ўрим бунчалар тез тугайди, деб ҳеч ўйламаган эди. Комбайнчилар «ҳақ»ларини олиб шундай ғайрат билан ишлашдики, тўртинчи куни пешиндаёқ «Заготзерно» берган справка Зайниддиннинг қўлига тегди. «Ғалла плани юз эллик фойиз бажарилди», деб ёзилган эди унда. Лекин қувончи Зайниддинга татимади. Эл ҳақидан уриб қолган тўрт комбайнчи кўзига балодай кўринар, ўзини ҳам бўралаб сўкар эди. Кўнглига оғир бир тош чўккандай туюларди. Минг хил шубҳаю гумон вужудини кемиради. «Яхши иш қилмадим, бир куни уволи тутмаса», деб ўйлайди...

Ўшанда янглишмаган экан. Комбайнчилар ўмарган ғалланинг «уволи» олти ой ўтганда тутди. Зайниддин ҳозиргача бу ишда Маъруфбойнинг қўли борми-йўқми ва бўлса нечоғлик эканини тушунмайди. Баъзида, балки ўша юҳо комбайнчиларни раиснинг ўзи авраб «йўлга» солганми, деган гумонга боради. Ҳарҳолда, қинғир ишнинг қийиғи чиқдию балога қолган ёлғиз Зайниддин бўлди. Комбайнчилар судда: «Ғаллани сотган Зайниддиннинг ўзи», деб туриб олишди. Зайниддин буни тан олди. Лекин кимга сотганини айтмади — ҳарна, чойхоначи чолнинг тузини еган эди. «Сотдим, — деди, — лекин пулига манави тўрт одамни боққанман». Турган гапки, комбайнчилар бу гапга иқрор бўлишмади. Хуллас, айбнинг бариси Зайниддиннинг бўйнига тушди. Бошқача бўлмоғи мумкин эмасди, негаки, асосий даъвогар Маъруфбойнинг ўзи эди. Бутун бир колхоз аҳли номидан гапириб, «ўрим-ийғим кампаниясини барбод қилишда», «ягона давлат сиёсатини ўзбошимчалик билан бузишда» айблади, «қанча етим-есирлар бир бурда нонга зор бўлиб турган айна дамларда, юртимиз уруш жароҳатларини битказишга ҳақд этган ушбу оғир дамларда Зайниддин каби саботажчиларга орамизда ўрин борми?» дея масалани «кескин» қўйди. У даврларда дон-дун масаласи ростдан ҳам оғир эди — Зайниддин беш йилга кесилди. Лекин қамоқда бир ярим йилга яқин ўтирди, холос. Бунга отасию унга ўхшаш колхозчилар сабаб бўлди. Бир куни Фаҳриддин ака ўғлини кўргани келди. Гап орасида: «Айт, ростдан ҳам айбинг йўқми?» деб сўради. Зайниддиннинг жаҳли чиқди: «Э, дада, сизки менга ишонмасангиз!..» Фаҳриддин ака йўриғи билан тушунтирди: «Мен-ку ишонаман, ўғлим, лекин халқниям ишонтириш керак. Мени буёққа оқсоқоллар юборди, бегуноҳ бўлсанг, кел, майли, қасам ич». Зайниддин қасам ичмади. Ўзининг айбини «чегараси» билан тушунтирди:

— Ғаллани сотган — мен, лекин пули ўша тўртовининг жиғилдонига тушган, дада. Менга бир мириси ҳам юкмаган, неки қилсам, колхозни деб қилдим.

Фаҳриддин ака қайтиб кетди. Зайниддин кейинроқ билдики, отасининг бормаган жойи қолмабди. Хуллас, отаси, колхознинг гапга етадиган яна беш-олти одами биргалашиб ҳақиқатни тиклади. Тўғрисини айтганда, бу орада Зайниддинни судда айблаган Маъруфбойнинг ҳибсга тушгани ҳам бир оз қўл келди.

Зайниддин эллагинчи йилнинг қишида қамоқдан чиқди. Зайниддинни

отаси кутиб олди. Қучоқлашиб кўришдилар. Ҳол-аҳвол сўрашиб, икковлари секин пиёда йўлга тушдилар.

— Маъруфбой қамалдими?

Зайниддиннинг бу саволи отага кўп ёқмади.

— Ҳа, яқинда, — деди сал сукутдан кейин. — Иши жуда катта экан, тергови чўзилармиш.

— Озодликда юргани чўзилмаганда, балки тергови ҳам чўзилмасди!

Фаҳриддин ака тўхтади:

— Сен, кўп чирсиллама!

— Бўпти, дада. Алам қиларкан-да!

— Алам қилади-и? Сен ўзингнинг хатоинг учун ётдинг! Тўғри, ёшсан, билмагансан, тушунмагансан, лекин айб ўзингда!

— Бўпти.

Зайниддин аллақачоноқ отасининг айтганидан четга чиққани учун қамалганини тушунганди. Абдурашид иккови Маъруфбойнинг ёқасидан олганию Маъруфбойнинг кеку қасоси шунчаки баҳона, холос. Лекин айб Зайниддиннинг ўзидан ўтди. Узи тўғри бўлса, мингта Маъруфбой ҳам бас келолмасди.

— Эски адоватини қўй, ўғлим, — деди отаси. — Энди экин-тикинни ўйла, ёмонликни ўйлаб, ҳали ҳеч ким фойда топгани йўқ. Яхшиликнинг пайдан бўл.

Маъруфбой катта ҳажмдаги ўғирликлари ва ахлоқий бузуқлиги учун йигирма беш йилга кесилди. Халқ буни олқишлар билан кутиб олди. Фақат Жалил эчкигина аччиқ-аччиқ йиғларди. Уни юпатишга юрак бетламасди. Жалил сариқнинг кўнгли нималарни истаётганини Зайниддин яхши тушунарди.

— Ўғлим боғ қилгин, серфарзанд бўлгин, албатта мол-туёқ боққин. Мен буларни осмондан олиб айтаётганим йўқ. Илло, минг-минг йилдан бери ота-боболаримиздан ўтиб келаётган гаплар. Амал қилсанг, асло кам бўлмайсан. Шулар қаторида яна бир нарсани қулоғингга қуйиб ол: ўртоқ Лениннинг номини кўнглингда маҳкам тутасан. Ленин ўн еттинчи йилда инқилоб қилмагунча, мен бир парча ерсиз, ҳар кимнинг хизматида юрган, уйланишга қурби етмаган ўттиз етти яшар бўйдоқ эдим. Билиб қўй, инқилобдан кейин пешонамга офтоб тегди, уй-жой қилдим, уйландим, фарзанд кўрдим...

Фаҳриддин аканинг бу ўғити Зайниддиннинг ёдидан чиқмади. Лимонарий бошқармасининг бошлиғи бўлгандан клубнинг рўпарасига (бинони отаси билан биргалашиб тиклаган эди) Лениннинг катта ҳайкалини ўрнатди. Бу отасининг ерли бўлишига, уйланишига, фарзанд кўришига яратиб берилган имкон шарафига қурилган ҳайкал эди. Шу имконсиз Зайниддин ҳам, ака-укалари ҳам ва улардан туғилган авлодлар ҳам бўлмас эди.

Зайниддин ЛИМОН деган сўзни биринчи марта Абдусаттор Абдуваҳобовдан эшитган. Эллагинчи йилнинг баҳори эди. Абдуваҳобов республиканинг турли жойларидан келган ўттиз икки агроном, иккита ёш грузин олими ва уч-тўртта раҳбарни Зайниддинларнинг колхозига тўплаб, катта мажлис ўтказди. Узи сўзга чиқиб, лимоннинг аҳамиятини тушунтирди:

— Дўстлар, лимон меваси С витаминга бой, саломатликка фойдаси кўп. Мамлакатимиздаги ҳар бир одам йилига ақалли иккитадан лимон истеъмол қилиши керак. Грузия — кичкина республика. Бир ўзи шунча лимонни етиштириб беролмайди. Шунинг учун бу мевани ҳамма республикаларда ҳам ўстиришга қарор қилдик. Грузия уларни кўчат билан таъминлайди, иккитадан агроном беради. Бу агрономларга маҳаллий мутахассислардан керагича биркитилса, ҳар бир республика мустақил тарзда лимон меваси берса — нур устига аъло нур бўлади. Масаланинг яна бир томони шуки, лимоннинг саломатликка фойдаси етарли даражада ташвиқот қилинмаяпти. Ҳозирча ҳамма жойда ҳам лимоннинг қадрига етишяпти, деб бўлмайди. Бизнинг бурчимиз — уларга тушунтириб қўйиш. Хуллас, ҳамма жойда лимон экилсин. Гапим тамом. Саволлар бўлса, марҳамат.

Мажлиسدан кейин колхозга лимон кўчати келтирилди. Бу ўсимлик Москва назоратида бўлгани учун, унга «ҳукумат ўсимлиги» деган ном ҳам берилди. Лимончилик масъулияти жуда оғир эди. Икки метр чуқурликдаги зовурларга экилган лимон кўчатлари қишда устларига шох-шабба бордонлар, чийлар, хашақлар ташланиб, росмана сомонсувоқ билан беркитиб ташланарди. Апрель ойларига келиб, «том» очилганда лимон кўчатларининг барглари оқариб кетган бўлар, ичкаридан димоққа гуп этиб моғор ҳиди уриларди. Аммо орадан кўп фурсат ўтмай, лимонлар батамом тикланар, барглари Ўзбекистон ўсимликларида

учрамайдиган кўзни қувонтирувчи яшил тусга кирарди. Гулларди ҳам. Аммо бутун «каромат» шу билан соб бўларди. Бу жараён ўн икки йил давом этди. Ҳар хил лавозимдаги кишилар, раислар, агроном ва колхозчилар титраб-қақшаб кутишди. Балки лимон дарахтлари сал бақувватлашгандан кейин натижа чиқар, деган умид билан ўн икки йил боқишди.

Бу вақтларда Зайниддиннинг лимонларга ҳеч алоқаси йўқ эди. Мажлисга ҳам тасодифан, чой-пой ташиб туриш учун таклиф этилганди. Тўғри, эртасига миндинига икки метрлик траншея қазиб берди. Лекин шу билан тамом, алоқаси узилганди.

«Ҳукумат ўсимлиги» қаттиқ назорат остида сақланар, панжаралар билан ўралиб бегоналарнинг яқинлашиши қатъиян ман қилинарди. Бундай вазиятни ҳам «бўркини ол деса, бошни олиш» кайфиятига берилиб, мутассадди тайинланганлар яратган бўлишлари мумкин. Жон ҳаммага керак. Ҳарҳолда, Зайниддин олтмишинчи йилгача лимонга яқинлашишни жуда истаган, лекин иложини тополмаган.

Олтмишинчи йилда у лимонзорга кирди. Кирдию Туроб акадек кучли рақибни учратди.

Туроб ака мўйловдор эди. Чўрткесар. Жаҳли тез. Узи яхши одам эди. Лекин лимонга биринчи тўғаноқ ҳам, кейин ёрдам берган ҳам шу эди...

Лимонни у бошдан ёмон кўрарди. Лимонни экиб, лекин лоақал бир дона мевасини кўрмай... тоқати тоқ бўлган, қачон бу даҳмазадан қутуламан, деб кутиб юрарди. Ниҳоят, у «орзу»сига эришди. Олтмишинчи йилда, лимончилик иши бошланганидан сўнг роппа-роса ўн икки йил ўтгандан кейин лимонзорларга эътибор жуда сусайиб кетди.

Ўн икки йил! Жами республикалардаги юзлаб олимлар, раҳбарлар, колхоз раислари, агроном ва деҳқонлар шунча йил курашдилар. Қанча меҳнат, миллион сўмлаб пуллар бекорга кетди. Шунга қарамай, одамлар «шукр» қилиб воз кечишдию лимонларни кўма бошладилар.

Зайниддиннинг у лимонларга алоқаси бўлмаган ҳисоб. Ҳа, дарвоқе, бошида икки метрлик траншея қазиб берган; баҳор кезлари баъзи-баъзида устини очишга жалб қилишарди уни...

Гарчи лимончилик билан Ўзбекистон бўйича ўттиз икки колхоз шуғулланган бўлса-да, ишинг асосий маркази шу колхозда эди. Грузиядан келган икки мутахассис — Чхотуа билан Гололишвили институтга, цитрус ўсимликлари бўлимига штатга қўйилганликларига қарамай, кунда-шунда эдилар.

Зайниддин лимонга яқин боролмаслигига қарамай, унга кўп қизиққан. Отаси билан маслаҳат ҳам қилганди. «Мен лимонни билмайман, ўғлим, — деганди отаси. — Аммо, дунёдаги экин борки суву ҳаво, иссиғу совуққа боғлиқ». Экин-тикинга анчагина кўзи пишиб қолган Зайниддиннинг ҳам фикри шу эди. Табиатдаги ўсимлик, балки одамзотнинг ҳаёти ҳам шу тўрт унсурга, тўрт унсурнинг меъёрига боғлиқ.

Шундай қилиб, ўн икки йил траншеяларда жон сақлаган пайтда лимонга яқинлашолмаган бўлса, энди кўмилаётган пайтда олдиларида турарди. Лимон дарахтлари шохларини худди инсон қўлларидек осмонга нажот сўрагандек чўзиб, кўмилиб борарди. Шунча вақт ҳаёт бағишлаб келган траншеялар тайёр қабрга айланди улар учун. Зайниддин бульдозернинг тупроқ суриб келишини, траншеяни тўлдиргач, гўрга ўхшатиб сал дўнг қилишини, кейин устидан юриб текислашини кўриб турарди. Енида колхоз раиси Туроб ака ҳам бор эди. Туроб ака ҳам ачинарди. Лекин раиснинг қиёфасида ўн икки йил мобайнида унмаган бу «инжиқ» ўсимликдан қутулганидан мамнунлиги ҳам сезилади. Зайниддин чидаб туролмади:

— Туроб ака, — деб юборганини билмай қолди, — илтимос, бир-иккитасини кўммай турсин, айтинг!..

Туроб ака учун бу илтимос — елкасида кўтариб келаётган эллик килолик қопни ташламоқчи бўлганда, «Амаки, яна бир оз кўтариб туринг, худди ўзингизга ўхшатиб расмингизни чизиб бераман», дейиш билан тенг эди.

— Кўмади! — деди у. Кейин маза қилиб елкаларини ўнглаб, чуқур нафас олдию қўшиб қўйди: — Битта қўймай кўмади.

— Туроб ака!..

— Нарӣ тур, Зайниддин. Бўлмаса бир нарса деб сўквораман! — Раис гўё ерпарчин қиладиган назар билан гапини мустаҳкамлади. Зайниддин елка қисиб нари кетди.

— Сендан цинерария билан примулани сўрайман! Билдингми? Чунки мenden ўшаларни сўрашяпти! Бунӣ эса кўмиб ташла, дейишди. Ўзбошимчалик қилишга зиғирча имкониим йўқ! Ва хоҳламайман. Хўш, нима бўляпти гуллар?

— Бўляпти, — деди Зайниддин нарироқда тўхтаганча.

Раис номини тилга олган гуллар Кениядан келтирилган бўлиб, уларни урчитиш ва давлат идораларига етказиб бериш колхозга юклатилганди.

— «Бўляпти» деганинг нимаси? Қанақа тушуниш керак?!

— Икки-уч кунда очилиб қолади, агар биздаги гулларнинг йўриғига бўйсунса. Лекин кун иссиқлик қиляптими дейман-да.

— Африкадан келган гул-а? Иссиқлик қиляпти? Ҳей, менга қара! Уёқдаги одамлар кўмирга айланиб кетган. Уша офтобдан ҳам иссиқ эканми бизнинг офтоб? Ўйлаб гапиряпсанми?!

— Бу гул уёқда катта дарахтларнинг остида, намроқ жойда ўсса керак, менимча.

— Кўп маҳмаданагарчилик қилма! Агар тутмасин ўшалар, менинг олдимда қаддингни қанақа қилиб кўтариб юраркансан!

Туроб аканинг мўйловида бир қизиқ хусусият бор эди. Агар эгасининг кайфияти яхши бўлса, учлари ўз-ўзидан тепага қараб қоларди. Жаҳли чиқиб турганда эса, ивигандай... пастга осилиб тушарди. Бунақа пайтда, унинг кўзига кўринмаган тузукроқ, деб одамлар қочиб кетаверарди.

Кечқурун яна лимонни сўраш ниятида Зайниддин Туроб аканинг олдига, идорага келди. Кўрдик, раиснинг мўйлови «ўртаҳол» — на диккайган ва на осилган.

— Ҳа, нима гап?

— Туроб ака, цинерария билан примула лоҳасланиб қоляпти... — Зайниддин бу рост гапни кўрқа-писа айтди. Шу билан эса раиснинг шубҳаси ошарини билмади.

— Хўш, энди нима демоқчисан? — Туроб ака унга еб қўйгудек қаради-ю, мўйловининг учи пастга осила бошлади. Зайниддин хатосини тушуниб, гап оҳангини ўзгартирди:

— Билмадим, Туроб ака, ақлим етмай қолди. Миродил ака, Қодир акалар билан маслаҳатлашсам: «Билмаймиз, лекин офтоб зўрлик қилаётгани аниқ.» — дейишди. Энди, сиз кўпни кўрган деҳқонсиз, бир олдингиздан ўтмасам бўлмайди. Товонига қолиб ўтирмай, деб кўрқяпман.

Туроб аканинг мўйлови ҳаракатдан тўхтаб, кўзларидаги одамнинг кулини кўкка совуришга тайёр ёлқин анча пасайди.

— Ҳайронман бу Миродил акаларга ҳам, — деди раис орадаги хиёл чўзилган сукутни бузиб. — Шу, бизнинг офтоб Африканикидан ҳам иссиқ эканлигига сира ишонгим келмайди. Дунёдаги жони энг қаттиқ одамни ҳам қоп-қорайтириб, кўмир қилиб юборган офтоб бўлса у. Ҳа, энди, тўғри, бу хунаса гул қайсидир дарахтларнинг тагида ўсган, димга, нам ҳавога ўрганган бўлиши мумкин. Тагига сув кўлоблатиб тураман, деб эдинг, қилдингми?

— Ҳа.

— Бўлмаса яна нима керак унга?! Теплицада экани дарахт соясига ўтмасаканми?! Диму намлигидан теплицага кириб бўлмайди-ку?!

Туроб ака каттакон толнинг тагига қўйилган сўрига бориб ўтирди. Шунга монанд Зайниддин ҳам уч-тўрт қадам олға босди. Раис «ўтир» демагани учун туриб қолди.

Туроб ака паст овозда нимадир деб тўнғиллади, сўнг дўпписини орқароққа суриб, сочи тап-тақир олинган бошини қашиди.

— Бир нарса топ ўзинг. Ким айтади сени Тошкентга донғи кетган Фаҳриддин боғбоннинг ўғли деб. Даданг нима дейди? — Раис бу гапни ерга қараб туриб айтди-да, охирида бошини кўтарди. — Ўзинг ҳам, мана, яқин ўн беш йил шу теплицанинг нонини еб юрибсан.

— Мен бир нарса ўйладим...

— Хўш? — Раис орқага суриб қўйган дўпписини тўғрилаб кийди. — Фақат лимондан гап очма, ишқорим ошади.

Зайниддин ўзи аслида бошқа таклифни айтиб, кейин лимонга ўтмоқчи эди. Лекин раис унинг асосий мақсадини бошданоқ кесиб қўйгани учун тугилиб қолди.

— Ҳа?

— Шу теплицанинг ойнасига лойқа оқизиб, иссиқни сал кессакми...

Туроб ака Зайниддиннинг гапини эшитиб анқайиб қолди.

— Бутун бошли теплицани-я?! Лойқа билан қоплаб чиқиш?!

— ...

— Буни қандоқ қиласан? Ким қилади? Осонми? Теплица эмас, ертўлага айланмайдими? — Раис гапни гапириб қўйиб, шошилмай нос отди.

— Билмадим энди. Қалламга келган ўй шу бўлди.

Орага узоқ жимлик чўкди. Кейин раис носини тупурди-да, диққат бўлганидан, тупуришнинг давомидек қилиб деди:

— Билганингни қил. Аммо бир балони кўтариб келмаслиги учун ярмида тўхтатиб, бир қараб ол.

— Хўп бўлади. Агар жуда мазаси қочадиган бўлса, лойқани дарров ювиб ташлаш мумкин.

— Ҳа, бўпти.

Зайниддин, муддаоси битмай, кўнгли хижил бўлиб қайтар экан, ҳам Африка гулининг инжиқлиги, ҳам раиснинг лимонга боғлаб қилган дағдағаси таъсирида: «Бор-э, менга нима?» деб ҳам қўйди. Лекин теплицанинг йўлида тракторнинг тариллаб ишлаётганини эшитиб, яна бурилди.

— Ҳа, — деди бульдозерчи бошини чиқариб, ҳиссиз бир товушда, — раисдан рухсат олдингми?

— Тўхта, бир минутга, — Зайниддин бульдозернинг ўрма ғилдирагига чиқди. — Бирпас ўчириб, гапимга қулоқ сол?!

— Э, рухсат олмаган бўлсанг, миямни ачитма! — дея қўл силтади бульдозерчи. — Туш, бошимни балога қолдириб сўкиш эшитиб юраинми?!

Зайниддин тракторчининг қўлларини ушлади:

— Менга қара, сен ҳам бир деҳқоннинг фарзандисан-ку, ахир? Дарахтларга раҳминг келсин!

— Бола-чақам бор, ўшаларга раҳмим келади! Қоч!

— Бир кунга тракторим бузилди, деб айта қол, — Зайниддин ҳамон бульдозерчининг қўлини ушлаб турарди.

— Зайниддин, — деди тракторчи тўнглик оҳангидан бир оз тушса-да, ҳамон гапга кўнмай, — Туроб аканинг ғазабига мени бекордан-бекорга рўпара қиляпсан. Инсофинг борми? Бир кунлик иш ҳақимдан қолдиришингни ҳисобга қўшмаганда ҳам? Сенга нима? Таёқнинг ҳамма зарби менга тушади. Нега энди гапингга кўнишим керак? А?

Зайниддин руҳи синиб, тракторчининг қўлларини бўшатаркан, ўзига-ўзи гапиргандек ғўлдиради:

— Таёқнинг каттаси менинг бошимда синади, Зиё. Сен, бузилди, кўчатлардан хабарим йўқ, деб қутуласан. Мен буларни берухсат теплицага экмоқчиман. Туроб ака уларни ҳар кун кўради, ҳар кун сўкади...

— Хўп, шундай қил, деб мен айтяпманми?! Ия, сеники қизиқ бўлди-ку! — Бульдозерчи Зайниддинга раҳми келса-да, кесатиброқ гапирди: — Йўқ, санга ўзи нима кераги бор бу падарлаънат лимоннинг? Биров пул бераман, дедими? Ҳамма қутулганига шукур қилиб турганда-я?!

Зайниддин жавоб бермади. Лимонларга узоқ қараб турди-да, пастга тушди. Мунғайиб юриб кетди. Бульдозерчи ишини давом эттириверди.

Теплицадан лимонлар кўмилаётган жойгача ярим километрлик масофа. Бульдозернинг тинмай тариллаши эшитилиб турибди. Соат бешдан ошиб, кун қайта бошлаганига қарамай ҳаво иссиқ. Худди бир замонлар Пскентда комбайнчилар ғирромлик қилган пайтдагига ўхшатиб боши ғувиллаб, кўз олди жимирлашиб борарди. Зайниддин буни теплицадаги димликдан деб ўйлаб, ташқари чиқди-да, эшик ёнидаги супачага ўтирди.

Шунда бульдозерчининг «бекордан-бекорга рўпара қиляпсан» деган гапи хаёлида айланиб қолди. «Бекордан-бекорга, бекордан-бекорга»... Э, шошма, бу нима дегани ўзи? Шама эмасми? Ахир, «юзта-юзта» отиб туради-ку, балки томоғи шунга тусганидир? Зайниддин чўнтагини кавлаб, маошгача асраб қўйган беш сўмини чиқарди. Уйланиб қолди. Сабаби, у ҳамisha бульдозерчига, ичкиликни ташла деб, насиҳат қилиб юрарди. Энди ўзининг гапига қарши чиқиб, вино келтириб берса, қандоқ бўларкин? Ахийри лимонни асраб қолиш истаги устунлик қилди. Урнидан турди-да, «Соцгородок» деб аталувчи жойдаги магазинга бориб, икки шиша «Портвейн» олиб келди.

Бульдозерчи бирпасда «эриди». Ёз кунни, ҳали уч-тўрт соат ишлаши мумкинлигига қарамай, бугун ва эртага машинаси бузилди, деб баҳона қилишадиган бўлди.

Зайниддин вақтни бой бермай, бел ва кетмон келтирдию ишга киришди. Танлаб қўйган траншеясида бақувват-бақувват йигирма бешта лимон бор эди. Биринчи белкуракни урган заҳотиёқ, дарахтларнинг тагини кенг қилиб олиш, теплицага кўтариб бориш нақадар оғир эканлигидан бир зумга боши қотган бўлса-да, шаҳди пасаймади.

Тўртта дарахтнинг тагини очгунича кеч бўлди. Дам олгани ўтираркан, бирдан кўнглида қаттиқ кўрқув тўйди: мабодо булар униб-урчиб кетмаса нима бўлади? Траншеядан бошини чиқазди. Кўкдан ёруғлик қочганди. Шошилинчда ёруғликнинг бисотидан тўкилиб қолгандек, биринчи юлдузлар сочилибди. Ердаги нарсалар худди қўланкалардек бўлиб кўринарди.

Зайниддин траншеядан илдам чиқиб теплицага кетди. Дарахтларни орқалаш учун қанорга ўхшаган нарса керак эди. Лекин теплицага келиб, аввал кўчат ўтқазадиган ўра қазिश лозимлиги эсига тушди. Бунга ҳам бир соатдан ортиқроқ вақт кетди. Жуда ҳолдан тойди. Қоровулнинг хонасига кириб бир пиёла чой ичгиси келди, лекин дамни ғанимат билди. Ниҳоят, қазилган ўраларга сув қўйиб, қанор кўтарганча траншеяларга қайтди.

Шарифа эрини кута-кута, ахийри кўзи илинди. Нимадандир чўчиб уйғониб

кетганда осмон зулматига путур етиб, тўқ кўк ранг аралаша бошлаганди. У уйқули кўзларини ишқалаб, қатор ётган болалари орасидан тўнғичи Камолиддинни топди-да, турткилаб уйғотди:

— Тур! Аданга бир бало бўлдими, уйга келмадилар. Теплицага бориб келайлик.

Камолиддин онасичалик хавотирга берилмаса-да, бир оғиз қаршилиқ билдирмай шай бўлди. Уларнинг ортидан ит ҳам эргашди.

У пайтларда қишлоқ билан теплицанинг орасидаги хийлагина масофада одам яшамасди. Шарифанинг юраги шундан така-пука. Лекин ўғлининг хотиржамлиги сал таскин берарди.

Қишлоқда тик ётган садо чиқмасди. Тонг ота бошлагани учун вазифа ўталганини билиб, итлар ҳам мудроққа берилган. Теплицанинг хира чироқлари милтиллаб кўринди. Она-бола қадамларини тезлатдилар.

Қоровул йўқ, эшик ланг очиқ эди. Теплицанинг тўрида узала тушиб ётган гавдани кўриб, Шарифанинг юраги музлаб қолди.

— Вой, болагинам! — у, гавдани кўрмасин деб, Камолни бағрига босди.

— Ҳа, ойи, нима бўлди? Нега кўрқасиз?

— Шўримиз қуриди, болам! Шўримиз қуриди!

Камолиддин онасининг шубҳасини элас-элас тушуниб, унча ишонмай, ерда ётган гавдага қараб юрди.

— Ҳай, борма... тилдан қоласан!.. — Шарифа қимир этолмас, овози ҳам базўр чиқарди.

Камолиддин отасига аста яқинланиб, тик турганча бир оз кузатди.

— Ойи! — деди у чала дўриллаб, чала чийиллаб чиққан овозда. — Нафас олаятдилар-ку?..

Шарифа бирдан енгил тортиб, учиб келди. Унинг ҳар хаёлга бориши бежиз эмасди. Эри жуда беўхшов чўзилганди. Ётар пайти қанорни ёстиқ қиламан деганми, кўли юқори чўзилган, боши эса ғайриоддий равишда олдга эгилиб, нақ кўлтиғининг тагига кириб кетганди.

Шарифа уни тўғрилаб ётқизмоқчи бўлиб, авайлаб кўлидан тутган ҳам эдики, Зайниддин чўчиб туриб кетди:

— Ҳозир, ҳозир, қимирлатма, — деганча тирсакланди. Қизариб, олакула бўлиб кетган кўзлари билан хотини ва ўғлига қараганча, уларни тушининг ичида деб билди: — Сизлар ҳам шу ердамисизлар? Ҳозир, қимирлатманглар уни.

Зайниддин чалқанча ётди-ю, бироқ шу дақиқада бутунлай уйғониб, туриб ўтирди.

— Нима қилиб юрибсизлар? — Зайниддин теплицанинг ойналарига қараб, кўкнинг бўзарганлигини кўрди.

— Тинчликми? — деди Шарифа. — Нимага уйга бормадингиз?

— Келганларинг яхши бўлди. Бугун ҳамма ишларингни бир ёққа қўйиб, менга ёрдам берасанлар. Сен бор, Шарифа, нон-пон, кечаги овқат-повқатингни олиб кел. Камол, сен мен билан юр.

Зайниддин ўрнидан турди-ю, аъзойи-бадани зирқираб оғриб, бошини чангаллаганча, чўнқайиб қолди.

— Бир чўмич сув обке!

Ўғли сув келтирди. У катта чўмичдаги сувнинг бир қисмини ичиб, қолганини ўтирган жойида бошидан қуйди. Туриб белбоғига артинди-да, кетмон ва белни олиб ташқарига чиқди. Камолиддин индамай унга эргашди.

Беҳузурлигининг сабаби, биринчидан очлик бўлса, иккинчиси — теплицанинг ҳавоси экан. Траншеяга яқинлашганда дили анча равшан тортди. Аммо иккита дарахтни томири билан кўпориб улгурмай, қорни очлигидан кўнгли айний бошлади.

Узоқдан хотинининг қораси кўринди. Зайниддин унга, боравер, деб имо қилди-да, таги бўшатилган лимонларга сув қуйиб, ўғли билан бирга теплицага йўл олди.

Хотини келтирган кечаги макарон ош Зайниддин учун ўттиз учинчи йил очарчиликдаги овқатлар, уруш давридаги темирйўлчи устозининг карам шўрваларидек тотли туюлди.

Таомдан кейин Шарифага дарахт экиш учун ўра кавлашни топширди. Узи траншеяларда қолди. Камолиддин эса гоҳ отасига сув ташийдиган, гоҳ эса келиб онасига ёрдамлашадиган бўлди.

Соат ўн иккиларда бульдозерчи маст бўлиб келди. Уни кўрган заҳотиёк Зайниддин винони кеча кечқуруноқ олиб бериб хато қилганини англади.

— Зайниддин, бош жуда оғриятти-ку! Агар кўча-кўйда сандироқлаб юрсам, битта-яримтаси раисга етказди. Яна яримтага пул бер, дардисарни йўқотиб, бир ухлаб олсам, шу билан кеч бўлади.

— Зиё, ахир инсофинг борми? Мендаям бола-чақа бор, шуларнинг ризқидан қийиб, сенга берадиганимни бердим.

Бульдозерчининг ишшайган башарасида инсофга ўхшаган нарса бир кўриндию ўша заҳоти яна учиб кетди.

— Энди, жуда бошим оғрияпти-да, Зайниддин ака, озгина отмасак бўлмайди.

— Субутинг борми ўзи?! Кечгача тракторнинг ёнига йўламайман, дединг-ку? Бор энди, эркак кишида лафз бўлиши керак-да! — Зайниддин шу гапларни айтarkan, ўзини-ўзи жуда ҳам ночор, аянч бир аҳволда кўрарди. Айтаётган гапларнинг бефойдалигини сезгани баттар алам қиларди.

Тракторчи хунук ишшайиб тураверди. Ҳозир унинг қўли устунроқ эди. Рақибининг иложи йўқлигини, бир оғиз рад сўзи билан у бошлаган ишни чиппакка чиқара олишини биларди.

— Бир сўмлимиз бор, — деди Зайниддин ахийри безор бўлиб. — Икки оёғимни бир этikka тикиб қўймаганинда буни ҳам ололмасдинг. Агар шунга кўнмасанг, ана, бориб айтақол. Бу ғалванинг менга нима кераги бор?

Тракторчи севиниб кетди:

— Бўлади шу бир сўм. Майда-чақа ўзимда бор.

Зайниддин тракторчига кўрсатмаслик учун тескари ўгирилиб, шимининг соат чўнтагидан учта бир сўмликини чиқарди, бирини ажратди-да, этидан узиб олаётгандек қилиб берди.

— Ма, заҳармаргинга ич!..

Тракторчи пулни юлиб олди-да, шошиб қишлоққа қараб кетди.

Соат учларга борганда йигирма битта лимон кўчиришга тайёрланди, экиладиган ўралар қазилди. Эр-хотиннинг, ўғилнинг афтларига қараб бўлмасди.

Зайниддин Шарифага жавоб берди. Уғлига эса бот-бот лимонларга сув сепиб-қуйиб туришни тайинлаб, ўзи Абдурашидни қидириб кетди. Темир йўлда бирга ишлаган дўсти Абдурашид ўшанда шаҳарни ёқтириб қолган экан, тез орада яқинларидаги кабелъ заводида ишга кирди. Ҳозир шофёрликни ўрганиб, заводнинг юк машинасини ҳайдарди. Шу тарафда яшовчи ишчиларни эрталаб ишга ташир, машинаси тунлари уйда турарди.

Абдурашидни топиб, кеч соат тўққизлардан ошганда траншея олдига етиб келишни бўйнига қўйди.

— Вақтлроқ қилишининг иложи йўқми, — деб тўнғиллади Абдурашид, гарчи кўнган бўлса-да, — намунча кечқурун қоронғу тушгунча сақлаб қўйиш керак? Нима, тилладанмиди дарахларинг, биров кўз олайтирса?!

Зайниддин эринмай вазиятни тушунтирди.

— Ўзи сенга теккан касал шу, ҳамма ишинг тескари.

Зайниддин хурсанд бўлиб қайтди. Қорни очиб, силласи қуриётгани ҳам билинмасди.

Абдурашиднинг тўнғиллаши бежиз эмасди. Мана, неча йилдирки, у Зайниддинни заводга оғдирмоқчи бўлиб юрарди. Узининг туриш-турмуши яхшилигини, саккиз соат ишлаб бергандан кейин бировнинг ғиринг дейишга ҳаққи йўқлигини ҳам маошининг уч юз сўмлигини ҳам далил қиларди-ю, аммо Зайниддинни колхоз ишидан айнитолмади...

Теплица шаҳар билан қишлоқ туташган жойда, шундоқ гавжум йўл бошида эди. Рўпарасида — катта чойхона. Бу ердан эртаю кеч ошхўрлар аримайди. Агар шаҳарлик ошхўрлар қоронғу тушгунча жўнаб қолсалар, қишлоқлари баъзан ярим тунгача қийқириқ қилиб ўтиришади.

Зайниддин тўғри йўл қолиб, теплица деворининг пастак қисмидан ошиб ўтди. Теплицага кирса — иссиқ, нақ хумдоннинг ўзгинаси. Лоҳасланиб, остонадан сал нарида ўтириб қолди. Хайрият, кўп ўтмай, яна бардам тортди. Қотган-қутган нон бормикан деб столга борса, усти ёпиқ бир коса турибди. Хотинидан миннатдор бўлиб, кўнгли ийиб, коса устидаги қоғозни сурди. Мошхўрда экан. Совубгина турибди. Косадаги овқат эмас, сувдек — бир кўтаришда бўшатди.

Кейин шу воқеаларни хотирлаганда улар бир кунда юз берганми ёки бир неча кундами — ҳеч ажратолмайди. Бир эсласа: кун қизиган — ўғли ва хотини билан ишляпти. Бир эсласа: ярим кечаси... яна ишляпти. Гоҳида бутунлай сулайиб қолган, гоҳида бардам. Гоҳида кунми-тунми, фарқ этолмай қолади. Кўз олдида лимон дарахлари, ер кавлагани, сув қуйгани... Уғли билан хотинига нималардир дейди, улар ҳам нимадир деб жавоб беришади, яна ишлашади. Гоҳ исиб кетгани, гоҳ бошидан сув қуйганини билади, холос... Лекин ўша пастак девордан ўғринча ошиб келганию Шарифа қолдирган мошхўрдани аниқ эслайди.

Юзларидан шундай тер оқардики, тахтадай қотиб қолган солдатча кўйлаги яна юмшаб қолди. Кўзлари ачишди. Ичига овқат кириб, яна лоҳаслиги ошди. Ётса

туриши қийин. Ўғли Камолиддин траншеяларда қолган, унинг ҳоли не кечдийкин? Бир амаллаб ўша ёққа етиб борди.

— Камол! Ҳой, Камол!

Жавоб бўлмади. Зайниддин, юраги тўла хавотир, траншеяга энгашди. Ўғли зовур тубида донг қотиб ухлаб ётарди. Усти-боши тупроққа беланган, афтодаҳол... Зайниддиннинг кўзларига ёш келди. «Бунчалар ношуд бўлмасам!.. — деб ўйлади алам билан. — Менга бу ишларнинг нима кераги бор, хотинга, болага шунча азоб бериб!..»

Эҳтимолки, ўшанда тупроққа қоришиб ётган ўғлига боқиб, ўпкаси тўлиб турганда ҳаммасидан воз кечиб юборса, — ким билсин, тақдири не бўларди!.. Воз кечишга асос бордай эди. Чунки Ўрта Осиёда ҳеч вақт лимон экилмаган. «Сен шуни экмадинг-а, ноинсоф», деб маломат қиладиган кимса топилармиди? Йўқ, ҳеч ким унга таъна қилмаган бўларди. Зайниддин бир лаҳзалик ожизликка берилиб, одамларнинг ўн икки йиллик меҳнатини еган, эндиликда осонгина кўмилиб кетаётган дарахтларни кўрдию гўё уларнинг ҳам жони бордай, гўё улар ҳам одамлар қатори армон билан кетадигандай туюлиб, миясида бир фикр чақмоқдай чақилди: «Ахир, бизда теплица деган нарса бор-ку, у ерда аллақандай бежама гуллар ўсиб ётибди, бу бечора лимонларни қиш бўйи лойшувоқ остида сарғайтириб ўтирмасдан ўша жойга кўчирсак, балки қайта амал қилиб кетар, балки яна гуллар, гуллари бесамар қолмас?..»

Ожизлик эди унинг ўйлари. Кейин билдики, ўша ожизлик онлари умрининг энг ёруғ, энг салмоқли дамлари экан.

Энди у ўша ожизлигидан қувонади. Ўзини аяса, хотини билан ўғлини аяса... кейинчалик у турли навларни чатиштириб топган, Ўрта Осиё қолиб, бошқа минтақаларда ҳам экила бошлаган лимонлар ҳам бўлмаслиги муқаррар эди.

Кейинчалик газетчилар у ҳақда ёзатуриб, «кашфиёт» деган сўзни кўп ишлатишди. Бу сўз Зайниддиннинг хаёлига ҳам келмаган. Ушанда, зовур тубида донг қотиб ухлаётган болага боқиб турган пайти, «Э бор-э!» деб этак қоқиб кетиши осонроқ эди. Лекин у кетолмади. Гўё чуқур тубидаги дарахтларнинг рангпар барглари сеҳрлаб қўйгандай эди. Гўё улар ялиниб-ёлворгандай... Кўзларига қуйилган ачиқ ёшларни бир ҳимо билан артиб ташладию кўлига кетмон олди. Зовур тубига сакраб тушди, ўғлини уйғотди:

— Борақол, Камол, дамингни ол.

Ўғил унга ялт этиб қаради. Кўнглидан ўтганларини уққандай бўлди.

— Йўқ, — деди. — Сизга озгина ёллашай. Бирпас дам олай, деб ўтирувдим, билмасдан ухлаб қолибман. Атай ухлаганим йўқ, ада...

Зайниддиннинг яна ўпкаси тўлишди. Юзини четга бурди. Ҳозиргача Камолиддинга мудомроқ тикилиб қолса, ўша пайтни эслайди, ҳозиргача унга меҳри ўзгача.

Олтмишинчи йилларда Ҳамроқул Турсунқулов, Абдужамил Матқобулов сингари ҳурмат қозонган қаҳрамон раислар авлоди бўларди. Улар ўзлари раис бўлган колхозни тузган, оёққа турғазган, суронли урушлардан, оғир тикланиш йилларидан бекаму кўст олиб чиққандилар. Давлат планини ҳамisha ошириб бажариб, қарамоғларидаги халқнинг бошқа колхозларга нисбатан фаровонроқ яшашига эришгандилар. Туроб ака ана шундай айтгани айтган, дегани деган раислар сирасидан эди. «Эркин» колхози унинг раҳбарлигидаги «Ленин» колхозига қўшилганда «қайси раис қолади» деган савол туғилмаган. Туроб акани ҳамма бир овоздан сайлаган.

Зайниддин билан лимон хусусида айтишиб қолганларидан сўнг уч кун ўтгач, Туроб ака қандайдир бир мажлис муносабати билан обкомга бориши керак эди.

Оппоқ жужун костюм-шим кийиб, яхши кайфият билан машинасида ўтиб бораркан, теплицага яқинлашганда бирдан африқоний гуллар ёдига тушди. «Ҳойнаҳой шуни ҳам суриштириб қолишар», деган хаёлда шофёрни тўхтатди.

Остона ҳатлагач, у аввал бошқа жойга тушдимми, деб ўйлаб ҳанг-манг бўлиб қолди. Ҳеч ким йўқ. Қатор дарахтларнинг лимон эканлигини ҳам бир-икки дақиқа ўтгач тушунди. Уларнинг остида ўзини қийнаб юрган арзанда гулларни кўрди. Улардан биттаси сал очилгандай эди.

— Зайниддин! — деб бақирди у бор овози билан.

— Лаббай, Туроб ака, — Зайниддин яшириниб турган жойидан овоз берди.

— Бу нима, а? Бу нима?! — Туроб ака турган жойида аланглаб Зайниддинни излай бошлади. — Қаёқдасан ўзи сен... қаёқдасан? Буёққа чиқ! Кўзимга бир кўрингин?!

— Кечиринг мени, Туроб ака, гулларга яхши бўлармикин деб ўйлаб... — Зайниддин ҳамон яшириниб турарди.

— Кечирмайман! Теплицани сенга шунинг учун топшириб қўйганмидим?! Чиқ

буёққа! — Туроб ака лимонларни суғуриб ташламоқчи бўлиб бир-икки уринди-ю, кучи етмади. Кейин уларни чошиб ташлаш учун аланглаб кетмонми, белми қидирди. Лекин Зайниддин унинг феълени ва воқеанинг шу тахлитда кечишини билгани учун уриш, янчишга қўл келадиган жамики яроқни яшириб қўйган эди. Раис ҳозир обкомга бориши кераклигини, эгнига оппоқ жужун костюм-шим кийганлигини эслаб, бутун жаҳлини яна бир бақирриққа юклади:

— Чиқ буёққа! Агар бу гулларни қуритиб қўйсак нима бўлишини биласанми?

— Биламан, Туроб ака, биламан. Ана шу лимонни экканимдан кейин гуллар очилди-да. Кеча биттаси, бугун яна биттаси кўз оча бошлади.

Туроб аканинг жаҳли заррача пасаймаган бўлса-да, овози сал титради:

— Қани?!

Зайниддин ана шу саволдан кейингина писинган жойидан чиқди.

— Лимонларни кўмиб, эсдан чиқаринглар дейишган. Энди шу кўмиб ташланглар деганини азиз қилиб теплицага экиб ўтирсаг-а? Сен, нима, шунча қаршимисан? Қарши бўлсанг, айт, сен билан бошқа жойда гаплашамиз!

Гапнинг рости, раис иккита янги очилган гулни кўриб, бир оз таскин топди. Лекин гапини ўтказиб ўрганган одам эмасми, бари бир Зайниддинни жазоламаса бўлмайди, деб ўйлади. Энди лимонларни суғуриб ташлатса ўвол, балки ростдан ҳам гуллар шуларнинг шарофатидан очилгандир. Майли, ҳозирча ўсатурсин, лекин Зайниддинни жазосиз қолдирмайди — ўзбошимчалик не бўлишини бир билиб қўйсин!

— Билиб қўй, — деди у Зайниддинга, — бу падарлаънатларга қарашингга бир тийин ҳақ тўламайман.

— Майли, Туроб ака, майлингиз. Кўнгил-да, бир қараб кўрай...

— Умуман ойлигингни ярмига камайтираман.

— Майли...

— Мана бу тўртта дарахтинг помидорнинг устига экилибди, зарари етиши мумкин! Агар бунга алаҳсиб пландагидан бир кило кам помидор берсанг, ёки биров кўриб қолиб гап теккизадиган бўлсанг, колхоздан бадарга қиламан.

— Майли, Туроб ака.

— Ўл «майли» демай! Кўмил, «майли» демай!

Раис яна бир нарсалар демоқчи эди-ю, обкомга бориши эсига тушди...

Агар шу куни Туроб ака шошиб турмаганида, эгнига оппоқ костюм-шим киймаганда, агар кетмон, беллар яширилиб қўйилмаганида, энг муҳими, раиснинг бутун таъна-дошноларини кўтарган Зайниддиннинг юраги бўлмаганида... Хуллас, «агар»ларнинг сони мингта. Ушалар сабаб, қарабсизки, қаттиқ иқлимли жойларда ҳам лимондан тонна-тонна ҳосил олинапти. Кейинчалик Зайниддиннинг, фақат Зайниддиннинг хизмати сифатида амалга ошган бу ишнинг «эгалари» кўп чиқади. Уни алдаб, ялиниб, дўқ қилиб, ютуқларини ўзлаштирмоққа ҳам уринди. Лекин аслида лимоннинг янги минтақаларга кириб бориши — 1960 йилнинг эзидаги икки-уч кун оралиғида жамланиб, сўнг ижобий ҳал этилган «агар»ларга боғлиқдир. Уртада бир неча майда тасодифлар ҳам бор. Улардан биттаси — Зайниддиннинг шу ишни бошлагандир.

Зайниддин янги ишни бошлашга бошладую қишлоқдаги айрим одамларга халақит бераётганини ўзи ҳам билмади. Шунгача лимонга ёлчишиб қизиқмаган одам, бирданига лимон «жинниси» бўлди-қўйди. Бир даста китоб топиб келди. Ўқиди. Навни навадан фарқлашни ўрганди. Дастлаб «Янги Афон», «Лисбон», «Грейфрут», «Янги грузин», «Мейер» деган навларни ўрганди. Кўп ўтмай Ўзбекистон учун «Янги грузин» ва «Мейер» навидан бошқаси тўғри келмаслигини англади. Учинчи йилиёқ уларни чапиштириб кўчат олди.

Уша йили март ойида ҳаво исиб кетди-ю, кейин бирдан айнади, қор ташлади, қаттиқ совуқ турди. Зайниддин дарахтларидан хавотир олиб, азонлаб бешда етиб келди. Аввалига дарвоза олдида турган «Ераз» юк машинасига ҳам, янги солинган катта теплицада кўзига чалинган иккита қорага ҳам аҳамият бермади. Эски теплицадаги ўзининг бурчагига ўтиб кетди. Ҳарорат жойида эди. Дарахтлар яшнаб турибди. Бари бир, кўнгли тинчимай, ҳар бир лимоннинг атрофида гаргиттон бўлиб, баргларига синчиклаб қараб чиққунча бир соатлар вақт ўтди. Ана шундан кейин у нарироқдаги иплагга осилган помидор ва бодринг кўчатларига эътибор берди. Куни кеча меваси мўлдай эди. Бугун сал сийраклашиб қолгандай. Қараса, қип-қизил бўлиб пишганлари жойида, аммо энди ранг урганлари битта қўймай териб кетилибди. Бирдан эшик олдидаги машинани, нариги теплицада одамлар юрганини эслади. Зайниддин шошиб чиқди. Машина йўқ, ҳаммаёқ жимжит, қоровул ўзини ухлаганга солиб ётибди. Бориб уни қаттиқ туртди.

— Ким, қанча нарса олиб кетди? — деб сўради.

— Ҳеч ким нарса олгани йўқ, — дея талмовсиради қоровул. — Нима деяпсан,

Зайниддин? Совуқ тушгани учун бригадир келиб хабар олиб кетди.

— Мени алдаяспизми? Майли, унда раиснинг ўзига жавоб берасиз.

Зайниддин эски теплицага қайтди. Қоровул бирпас ўтиб орқасидан келди:

— Мен ҳозир бригадирни айтиб келаман, — деди. — Ўзи гаплашсин.

Ярим соатлардан кейин бригадир билан Бойбўта кириб келишди. Бойбўта номигагина мактабда қоровул бўлиб ишлар, асосан Сибирь тарафларга қатнаб савдогарчилик қиларди.

— Гап бундоқ, Зайниддин, — деди у. — Бола-чақа сендаям бор. Мана сенга эллик сўм. Олган бир яшик помидор, бир яшик бодрингимнинг нархи ўзи шунча турмайди. Лекин гапнинг туташини хоҳламайман.

Бригадир сувга тушган мушукдай бир чеккада шўппайиб турарди. Бойбўта давом этди:

— Бундан кейин ҳар сафар саниям улушингни бериб тураман...

Зайниддин кўнмади.

...Кўп ўтмай бригадир ҳам, қоровул ҳам ҳайдалди. Зайниддиннинг ўзини бригадир қилиб тайинлашди.

— Аммо-лекин суюлиб кетмайсан, — деди Туроб ака аввалги гуноҳини эслатиб, — ойлигинг ҳамон ярим окладлигича тураверади.

Бригадир бўлгандан сўнг уч кун ўтиб, кечаси теплицанинг лимон ўсадиган қисми тошбўрон қилинди. Сабабки, янги қоровуллар топилгунча Зайниддин ўша ерда тунаб юрарди.

Ҳай, буни-ку бир амаллаб брезент ёпиб суробини келтирди. Аммо янги орттирган душманларининг: «ўзи ҳам емайди, бировга ҳам едирмайди» деган пичинглари, тарқатаётган тўхматлари туфайли Зайниддин чойхонага киролмайдиган бўлиб қолди. Айниқса, Бойбўта сафардан қайтиб, у ерда қўр ташлаб ётган кезлари жуда қийин бўларди. Боз устига чойхонанинг теплицага рўпаралиги, эшикларининг ораси йигирма қадамлигини айтмайсизми?!

Ҳаётнинг қизиқ жиҳатлари борки, баъзида мана шу Бойбўта, ҳайдалган бригадир ва қоровуллар билан бошланган можарога ўхшаш вазиятларда Зайниддиндек бир чеккада ишга шўнғиган одамлар зарба ёйди. Албатта — вақтинча! Кейинроқ ҳақиқат ўз ўрнини топади. Лекин, шу муваққатлик ичида, уй ва ишидан ортмайдиган одамни чуқилайверса — асаб билан юрак деган жонивор тоб ташлаб қолиши ҳам мумкин-ку! Ишини ташлаб, ғийбатчию тўхматчиларни тириктиришга киришинми? Унда иш қолиб кетади-ку! Отаси айтгандек, умр бир нарсадан бир нарсани ундиришга эмас, кераксиз нарсаларга сарф бўлади-ку?! «Андишанинг отини қўрқоқ қўясанми?» деганлари худди шундай вазиятда туғилган бўлса, не ажаб.

...Ёз пайти эди. Ичкаридаги термометр етмишни кўрсатиб турибди. Лимон гуллади-ю, лекин бу йилги гуллари ҳам бесамар тўкила бошлади. Теплицадан чиқмай кўйган Зайниддин қоп-қорайиб, чўп бўлиб кетган. Кунни кеча уйига бирров борганда отасидан бошқа одам уни танимади.

Соат тўртларга борганда тамом ҳолдан тойди. Чеккаларига тол экилган муздек ариқ бўлсаю киргоғига кўкрагини бериб ётса. Зайниддин беихтиёр эшик олдига келди. Чойхонадан ошхўрлик қилаётганларнинг қийқириғи эшитилди. Уларнинг орасида Бойбўтанинг «Во-оҳ-эй!» деган овози ажралиб турарди.

Қани энди, кириб, оёғини ечиб, аччиққина чойдан бир-икки чойнагини ичса. Лекин у ерда Бойбўта бор. Шотирлари бор. Ичиб олишган. Тирғалишлари мумкин. Тирғалишса, ҳарбу зарб қилиши тайин. Унда иш қолиб кетади.

Зайниддин эшик кесақисига суюнганча кўзларини юмди. Ўзига салқин ҳаво урилди. Алам қиларди унга: эртаю кеч қаро терга ботиб меҳнат қилаётган одам ўшаларнинг дастидан чойхонага ҳам киролмайди...

...Зайниддин кўзини очди. Очдию юзини четга бурди: ундан ўн беш қадам нарида, чойхонанинг эшигидан сал берида Бойбўта, ҳиринглаб кулганча, унга қаратиб пешоб қиларди... Зайниддиннинг вужудига олов тушгандай бўлди, беихтиёр кетмонини излаб кўз югуртирди. Аксига олиб, қўлга илинадиган нарса кўринмади. Ниҳоят, кетмонни каттакон ёғоч тувакнинг ортидан топди. Ма-дорсизликдан кўз олди қоронғилашганча, уриниб-суриниб ташқарига отилиб чиқаркан, остонага қоқилиб юзтубан йиқилди. Кейин эмаклаб-эмаклаб, йиқилганидан номус қилиб, теплицага қайтиб кирди. Яхшиямки, Бойбўта кириб кетган экан. Бўлмаса, палид қаҳ-қаҳасини яна бир эштишга тўғри келарди.

Аъзои бадани зирқираб оғриётган, аллақаери шилинган, кетмон зўғатасига қорни билан тушган Зайниддин, етмиш даражани кўрсатиб турган термометрнинг остида икки букчайиб, бўжмайиб кетган юзини чангаллаганча ўтирарди.

Орадан беш-ўн дақиқа ўтгач, эшикдан бўшаган ароқ шишаси учиб кирди. Ерни озгина ўйиб, нарига сакради-да, алланарсага урилиб жаранглади. Синмади. Фақат

жаранглади. Бойбўтанинг ва унга эргашиб кўчага чиққанларнинг бақириклари эшитилди: «Ўлиб кетасан, қаро меҳнатда куйиб! Ул шу кунингдан кўра! Ўзи ҳам емайдиган, бировга ҳам едирмайдиган аблаҳ! Во-ҳа-ҳа!»

Баъзан ўтган умрини отасининг ўгитларига монанд эмас, балки уларга қарши курашиб кечиргандек туюларди унга. У негадир бошқа йўллари истар, отаси эса қайриб ўз йўлига соларди... Кейинроқ ўйлаб-ўйлаб, отаси кўп ҳолларда ҳақ эканини тан олган. Фақат... биринчи хотини масаласида, отасини бутунлай ҳақ деб айтолмасди. Ўзи-ку аслида, ёшинг палон жойга бориб, кейинги хотининг билан қўша қариганда, набираларинг бир кўчани тўлдиргулик бўлганда, бу масалани муҳокама қилиш ўринсиздай кўринади. Одам уялади ҳам. Худди агар, отам тўғри қилмаган, мен ўша биринчи хотиним билан яшашим керак эди, дегудай бўлса, унда иккинчи хотини, ундан орттирган ўн фарзанди, улардан кўрган набиралари: «Ия, бу ёлғончи экан-ку», деб юз ўгираётгандек. Шундай десанг, бас: «Сенлар ҳамманг, менинг эмас, отамнинг истаги туфайли пайдо бўлгансанлар», деган маъно чиқиши тайин.

Хўш, ўшанда Байтқўрғонга кўчиб кетганда нима бўларди? Ҳозирги Зайниддин Фаҳриддинов ўша ерда ҳам юзага келармиди ё йўқми? Бу саволни яхлит олиб, унга ишонч билан «ҳа» ёки «йўқ» дейишга қурби етмасди. Ҳатто «номаълум» дейишга ҳам қийналади. Аммо ўша саволни бўлақларга а ж р а т с а бошқа гап. Унда жавоб топиш мумкин. Чунки унда «сен шу аҳволда бўлармидинг-йўқми», деган йирик ва қўрқинчли эмас, сал майдароқ ва жўнроқ саволларга айланади улар. Масалан, «Ўша жойда ҳам ҳалол меҳнат билан кун кўрармидинг, бировни ҳақини емасдан яшашни кўзлармидинг?» ёки «Ўша ерда ҳам ўзингнинг боғингни яратишга ҳаракат қилармидинг?» ёки «Ўз жуфти ҳалолнингга хиёнат қилмай, бошқа хотинларни ўйламай яшармидинг?» ёхуд «Болаларингни меҳрибон, касб-ҳунарли, отабоболарининг ҳалол удумларига содиқ қилиб тарбиялармидинг?» — деган саволларга биттама-битта «ҳа» дея жавоб бериш осонроқ. Лекин: «Ўша ерда ҳам Туроб акага ўхшаш тажанг, сени азоблаган, лекин бари бир ахийри бир куни ёрдами теккан раис учрармиди? Ўша ерда ҳам ғанимларинг енгилиб, дўстларинг кучлилик қилармиди? Биронта одам ёмонлик қилганда ва сен унинг уйини куйдиришга бел боғлаганинга, қўлингдан тутиб қоладиган отанг бўлмаса, нима бўларди?» қабалида унинг ўзига мутлақо боғланмайдиган саволлар ҳам бор. Бас, шундай экан, машҳур ёзувчи ва журналистлар, хориждан келган не-не обрўли меҳмонлар билан қўл олишиб сўрашадиган Зайниддин Фаҳриддинов бўлармиди ёки йўқми, деган саволга қандай қилиб аниқ жавоб бериш мумкин?

Худди шунингдек, биринчи хотининг яхшимиди ёки иккинчисига уйланиб яхши қилдингми, деган савол ҳам муаммо. Униси — ёшлик даврнинг бир парчаси. Буниси эса, ҳар бир одам орзу қиладиган бахтнинг чўққиси — ували-жували қарилик. Бир нарса ғаройибки, ёшлик тамом ўтиб, кексайган чоғда ҳам шу саволни ўйлаш мумкин.

Бошқаларнинг ёшлик орзуларию амалда топган турмушлари бир яхлитдай. Уники эса иккига бўлинган. Қани эди, қайси хотин биланлигидан қатъи назар, унинг ҳаёти ҳам шундай яхлит бўлиб қолса!.. Нималарни тиквормасди? Ҳозирги бекордан-бекорга ажралиб кетаётганлар ҳам шуни билишармикин?..

Бу гапларни ўйлашига, эҳтимол, ишидаги муваффақиятларига қизиқувчилар сабабчидир. Айниқса журналист халқи ҳоли-жонингга қўймайди, ҳаммасининг саволи битта: «Сиз бу муваффақиятларга қандай эришдингиз?» Гапнинг рости, баъзида меъдага ҳам тегаркин. Шу сабаб, ҳалиги саволни бердирмаёқ, ўзи гапира бошлайди.

Қани энди, жўнроқ, тушунарлироқ қилиб, биров: «Ҳой, сен ўзи кимсан, кимнинг зурёдисан, қандай яшадинг, қоқилиб-сурилмадингми, не мушкулотлар бошингдан ўтди?» деб сўраса?!

Бу воқеа ҳам ёзда, теплицанинг термометри бултургидек етмиш даражани кўрсатиб турган пайтда юз берди. Пешин эди. Фақат бу сафар Зайниддин чойхонага қараган эшикнинг рўпарасида эмас, теплицанинг бурчагидаги биринчи эккан лимон кўчатига қараб турарди. Тўнғич дарахтида иккита лимон олдинмакетин пишиб келарди. Биттаси олтин рангга кириб, ҳатто узиш давридан ҳам ўтиб кетган, иккинчисининг эса ич-ичида сақланган яшиллиги соат сайин хиралашиб-сарғайиб борарди. Шу пайтда, четдан кўрган одам, Зайниддиннинг қимир этмай дарахтга тикилиб туришида ҳаёт мазмунига тенг дард борлигини билмагани учун, ҳар хил хаёлга бориши мумкин эди. Агар қисқароқ муддат томоша қилса, уни чуқур ўйга толибди, дер, узокроқ томоша қилса, жинниликнинг индамас хилдан теккан экан-да, деб ўйлаши ҳам ҳеч гап эмасди.

Зайниддин айниқса шу кунда лимонларини еру кўкка ишонмасди. Лимон

меваси етилганини эшитишган шекилли, бир ҳафта бурун, теплица яна тошбўрон қилинди. Боз устига, кичкина халтачаларга солиб қандайдир кукун ҳам отишди. Натижада битта лимон дарахтининг барглари тўкилиб, танаси қурий бошлади.

Буни кимлар қилаётгани аниқ. Уша Бойбўта, ўша ишдан бўшатишган бригадиру қоровуллар. Лекин исботлаб кўр-чи? Исботлаш учун вақт қани?

Зайниддин ўша йиллари энди пайдо бўла бошлаган полиэтилен плёнкадан топиб келиб, теплицанинг устини ёпди. Ичкарида ҳам лимонларни панжара билан тўсиб, у тарафга ўздан бошқа одамнинг ўтишини тақиқлади. Кечаю кундузи у ердан жилмади. Кейинроқ эшитди, ғанимлари ўша кезларда унга «курк товук» деб лақаб қўйишган экан.

— Ассалому алайкум, ака!

Зайниддин чўчиб тушди. Нарироқда оқ-сарикдан келган йигирма беш ёшлардаги нотаниш йигит турарди. Афтидан, Зайниддинни узоқроқ кузатган шекилли, келбатида ҳадик аломатлари ҳам йўқ эмас.

— Валлайкум-ассалом.

Йигит чаққон келиб, қўш кўллаб сўрашди. Қироат ва ҳурмат билан ҳол-аҳвол сўради.

Калта, қалин сочлари тиканакдек, чағир кўзларининг андак ғилайлигини айтмаса, чеҳраси ёқимли эди. Юзларида — чексиз илтижо ва умидворлик ифодаси.

— Ака, бошимга оғир бир ташвиш тушган... Шунга сиз ёрдам беришингиз мумкин. Битта мўминнинг бахтига сабабчи бўлишингизни дил ва ақл-заковатингиз амрига ҳавола қилиб, дардимни эшитишингизни илтимос қиламан.

Йигит ўрта бўйли, аммо миқти, полвонсифат эди. Китобий сўзлар келбатига ҳеч ярашмасди.

— Сиз мени биров билан чалкаштираётган бўлманг? — Зайниддин бир кишининг бахтидек катта вазифа елкасига юкланишидан хавотирланган, шу билан бирга йигит уни адаштириб, бошқа одам деб ўйлаётганига ишончи комил эди. — Мен шу теплицада ишлайдиган оддий бир ишчиман.

— Биламан. Отингиз Зайниддин аками?

— Ҳа.

— Бизга керакли одам ўзингиз. Ака, менинг хотиним ҳозир туғруқхонада ётибди. Аввал иккита боласи тушган. Етти ухлаб тушга кирмаган нарсага бошқоронғи бўлиб, боламиз нобуд бўляпти. Қўйворай десам, номардлик бўлади — синаб, яхши кўриб олганман. Илгари қиш пайти ўрикка бошқоронғи бўлиб, бир суткагача туғолмай қийналган. Компот-помпотларни ичиб, бир амаллаган. Лекин бола сал кунда нобуд бўлган. Иккалови шунақа бўлган. Энди бу галгисида бошқоронғиси лимонга қараб бурилиб кетибди. Буни қаранг?! Қишда — ўрикка, ёзда — лимонга! Кеча кечаси дард тутганда Эскижўвадаги туғруқхонага кўйдим. Бозор яқин — икки сумкани ҳар хил мевага тўлдириб, эшикда пойлаб ўтирибман. Азонлаб соат бешда энагани чиқарибдики, битта дона лимон олиб келсинлар, деб! Кеча эшитганимда уни топиш бунчалик қийин, деб ўйламагандим...

Йигитнинг оғзидан «лимон» сўзи чиққандан кейин Зайниддиннинг юраги шув этди. Қолган гапларни эшитмади ҳам. Сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади дегандек, миясига келган биринчи сўз «Фитна!» бўлди. Лекин яна бир қараса, йигит жуда астойдил сўраётгандай.

Шунинг учун Зайниддин иккиланиброқ гап бошлади. Мабодо, йигит Бойбўтанинг қутқусига учган бўлганда ҳам, бари бир унинг виждонига ҳавола қилмоқчи бўлди. Ўзининг лимон деб тортган азобларини, тўрт йилдан бери ярим маошга ишлаётганини, бола-чақаларининг аҳволи оғирлигини, атрофдагилар тушунмаётганлиги туфайли қарийб тавқилаънатга учраб яшаётганини, пишган бир-икки лимон шунча йил заҳматларининг меваси эканини айтди. Шуларни гапираркан, йигитнинг ўзини не тахлит тутишини ҳам назаридан қочирмади.

Йўқ, йигит астойдилга ўхшарди.

Сирасини айтганда, шу лимонни бериб юборса ҳам бўларди. Ана, кейингилари ҳам етиляпти. Лекин Зайниддин учун айна лимонлар нишона эди. Тўрт йиллик азоби, эшитган таҳқирлари эвазига берилган инъомки, ишонмаганларни ишонтириб, Зайниддиннинг юзини ёруғ қилади. Ғанимларига: «Мана, етишдим-ку!» дейдию кўксини тўлдириб нафас олади. Бу нишонани у тоқати тоқ бўлиб кутди, яна кутарга ҳоли қолмади ҳисоб, яна кутса, юраги тарс этиб ёрилиб кетадигандай!..

Агар бу келган Бойбўтанинг одами бўлса-ю, улар яна аллақандай Зайниддин билмайдиган йўллар билан дарахтларни қурийтиб юборишга аҳд қилган чиқса-чи?!.

Йигитнинг рангида ранг қолмаган. Юзларида изтиробу чорасизликнинг аянч кўланкаси. Тўрт томонига аланглаб-аланглаб, кўйлагининг ёқаларини ечди. Дастрўмол олиб, манглайини артди.

— Мен энди бефарзанд ўтайинми, ака?!

— Мен унақа деётганим йўқ. Ана, махсус дўконларга боринг, топилиб қолар?
— Топилмади! — деди йигит куюниб. — Бордим, Зайниддин ака! Бордим, ҳеч қайда йўқ. Агар бир куним бўлганда ҳам Кавказга бориб келардим. Лекин вақт йўқ. Шўринг қурмагурнинг бошқоронғиси бир сутка қолганда маълум бўлади. Ҳозир шу уч-тўрт соат ичида обориб бермасам, тамом деяверинг!..

Зайниддин бўшашди. Йигитга ишонди. Лекин бари бир чеккан заҳматлари эсида, лимонни бергиси келмасди.

— Раисга ҳам айтиб қўювдим. Шу фурсатда келиб сўраб қолиши мумкин. Сизни танимасам, билмасам, ука... Сизга лимонни «ма» деб тутқазвораверсам, у киши, бу қанақаси, яна алдаясан, демайдимми? Жиллақурса биров ўртага тушиб, сизни, бу палончи-пистончи, таниш-синашта одам, десин ҳеч бўлмаса. Кейин бир ўйлашиб кўрайлик...

— Зайниддин ака, сизнинг қариндош-уруғларингизни топгунимча вақт ўтиб кетади. Мен ўзим Эски жўвадаги тимнинг тагидаги магазинда ишлайман. Отим — Содиқ, нимаики хизмат бўлса, майли, айтинг...

Йигит чўнтагини кавлаб иккита янги элликтиликни олди.

— ...Бекорга олади деб тушунманг. Мана, битта лимонингизни беринг шу юз сўмга. Бола нобуд бўлмасин. Кам кўринса, яна айтинг, бераман!

Бу усул Зайниддинга Бойбўтанинг «нағма»сини эслатди.

— Сизга лимон йўқ! — деди у жаҳли чиқиб.

Йигит нима гапигига тушунмай, мунғайиб нари кета бошлаганда, Зайниддиннинг юрагидан бир нарса чирт этиб узилгандек бўлди. Эндигина қўл кўтариб овоз бермоқчи эди, йигит теплицадан чиқди. Зайниддин кўкрагини силаб, савқи табиий равишда эшикка юрабошлаган, ҳали эс-ҳушини йиғиб олмаган ҳам эдики, йигит кампир онасини бошлаб кирди.

— Бўлди! Бўлди! — шундай дея Зайниддин иккала қўлини она-болани ҳайдагандек қилиб силкитиб, улардан узоқлашди. Шаҳд билан бориб иккала мевани ҳам узди. Узган заҳоти юраги яна бир дуқиллади. У неча ойдирки, биринчи лимонини не завқу ҳаяжон билан узиб олишини минг хил кўйда кўз олдига келтирган эди. Лекин у фарахбахш манзаралар ичида бунақаси йўқ эди...

Кампир ўзича пичирлаб, таҳсинлар ўқир, йигит ҳалиги элликтиликларни тутқазмоқчи бўлар, Зайниддин эса, кўз олди қоронғу, иккала қўлини силкитгандай, «Кетинглар, кетинглар!..» дея такрорларди.

Зайниддин бирдан кўнгли бўм-бўш, ҳувиллаб қолганини сезди. Лекин бу ҳол кўпга чўзилмади, бўшлиқ йўқолиб, вужудини буюк бир қаноат, шукрона эгалладики, севинчидан кўзлари ёшга тўлди. Ҳозир бу воқеа ўзининг лимон туфайли топган энг катта хурсандчилиги бўлиб қолишини билмасди.

Содиқ эртаси кунни теплицага шамолдек учиб кириб келди:

— Зайниддин ака! Ойнаниб кетай сиздан! — унинг овозидан ойналар зириллаб кетгандек бўлди. — Уғилли бўлдим! — Қўлидаги тугун ва қоғозга ўроғлиқ нарсалар сирғалиб тушиб кетди. Кафтлари билан юзини яширди-да, йиғлаб юборди: — Уғилли бўлдим, Зайниддин ака!!

Зайниддин бир пиёла сув олиб келди. Лекин Содиқ ичмади, Зайниддинни даст кўтариб, айлантирди.

— Раҳмат, дунё тургунча туринг, ака, — деди у Зайниддинни ерга қўяркан. — Ҳали оймларга ҳам хабар бермадим. Энди сизга бир сарпо кийдирай, ака.

У тугунни ечиб, ичидан беқасам тўн олиб, Зайниддиннинг «ҳай-ҳай» деганига қарамай, елкасига ташлади, бошига дўппи кийгизди. Сўнг қоғозга ўроғлиқ нарсани кўрсатди.

— Хафа бўлманг, ака, бошдан-оёқ сарпо, деб тилга олувдим. Манави костюм-шим сизга тўғри келади. Туфлига қарздорман: Размерингиз нечи?

Зайниддиннинг «керакмас» деб каловланаётганини кўриб, оёғига бир разм солди-да:

— Ҳа, майли, айтмасангиз ҳам билдим, — деди. — Яна келаман, Зайниддин ака. Мен сизнинг аҳволингизни ҳам билиб олдим. Ҳали кўп келаман. Ўша сизга бутилка отилган чойхонада ош еймиз. Мен ҳаммасини эшитдим, — Содиқ шундай деб эшиккача борди. — Қўрқманг улардан, қўлингиз асло дард кўрмасин, — у Зайниддиннинг қўлини олиб юзига суртди, сўнг йиғлаб юбормаслик учун, шарт бурилдию эшикка қараб юрди.

Зум ўтмай, ташқаридан тўлиққан овози келди:

— Отини Зайниддин қўяман! Сизнинг отингизни қўяман. Ҳали бир йигит бўлсин!.. Яна келаман, гаплашамиз!..

Зайниддин бориб теплица остонасига ўтирди. Аъзои баданидан шаррос тер қуйиларди. Кўнглида тасвирга сиғмайдиган бир қувонч, гўё бутун ранжу аламлари шу тер томчиларига қўшилиб вужудини тарк этаётгандек эди.

Биринчи дарахлари икки юз эллик, икки юз етмишадан мева қилиб

берганидан кейин, Туроб ака: «Бў, лимон деганлари колхозга нафи тегадигандай кўринади-ку», деб гапирадиган одат чиқарди. Энди, намгарчиликда қийналиб ёқилган гулхан зудлик билан ўтин талаб этгандек, Зайниддинга майдон керак эди.

Ҳеч қаерда кўрсатилмаган экин учун ер, теплица бериш, боз устига пландаги экинлар ҳисобига бериш эса, минг қариллаган раис бўлишига қарамай, Туроб аканинг ҳам кўлидан келмасди. Буни энг юқори ташкилотлар ҳал қилиб берарди.

Бу иш роса икки йилга чўзилди. Иш бошида Туроб ака турди. Мард раис эди у, хатосини англадию тузатмагунча тинмади. Зайниддиннинг иши фақат раисни нуқиб-нуқиб юришдан иборат бўлди. Туроб аканинг феъли чарсроқ экани эсланса бас, бу нуқиллар қон ютиш билан тенг бўлгани ойдинлашади. Намгарчиликда қийналиб ёқилган гулхан икки йилгача Зайниддиннинг жонидан, сабру тоқатидан алангаланиб юрди.

Ниҳоят, вазият ўзгарди. Республика газетасида ишнинг аҳамиятию тарихи ҳақида катта мақола босилди. Эртасигаёқ институт директори келди. Уша директор, Зайниддин илгари ёрдам сўраб борганида, «Кўйсангиз-чи, ўн беш йилдан бери олимлар эпполмаган ишни сиз қанақа удалайсиз?» деб жеркиган одам ўз оёғи билан кириб келди.

Зайниддин кекчи одамлардан эмасди. Директор келганида севинганидан ўзини кўярга жой тополмай қолди.

Директор унга ота қадрдон таниш эди. Гарчи ораларидаги фарқ ўн ёш бўлса-да, Ризмат отанинг даврасида учрашганларида Директор ўзини худди отаси тенгидек тутарди. Унинг назарида Зайниддин чой ташиб, хизмат қилиб юрадиган бола қаторида қолгандай эди.

— Оббо, азамат-ей! — деди Директор ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач. — Хайрият-э! Шунча йил олимлар нима қилди экан? Мамлакатлар бўйича сарфланган миллионлар қаёққа кетди экан? Қонда бор-да, а? Қонда бўлгандан кейин бари бир бир жойдан тешиб чиқаркан-да?

Директор бу гапларни Фаҳриддин аканинг деҳқонлигига шама қилиб айтди.

Зайниддин оғзи қулоғига етгудек бўлиб жилмайганча, кичикроқ дастурхон тузади. «Лимон кўйяйми-йўқми», деб ҳам ўйлади-ю, тагин мақтанчоқлик бўлмасин, деган мулоҳазага борди.

— Қани, бундай ўтиринг, Зайниддинжон, — деди Директор, гўё ўзи мезбондай, мулозамат қилиб. — Энди гапни чўзиб ўтирмайман. Келишдан мурод шу эдики, шароитингизни кўрдим. Ҳовлингиз торроқ кўринди кўзимга, иморатингиз ҳам бир аҳволда. Айни шароит билан сиз уйга қарайсизми ёки фанга хизмат қилиб, янги навларни етказасизми? Бола-чақа ҳам қийналиб қолади, ўз жонингиз ҳам азобда қолади.

Директор Зайниддинга қаради. Турган гапки, у ҳеч нарсага тушунмади. Директорга ҳам унинг тушуниши эмас, ана шу бир сония каловланиб қолгани керак эди.

— Гап бундай, Зайниддинжон. Бизга ишга ўтасиз, ходимларимизга атаб қурилаётган икки этажли, йигирма беш сотих ҳовлиси бор коттеджларимиздан энг биринчи битадигани ҳам сизники.

Зайниддиннинг кўз олдига бир зумда икки хонаси аранг эпқага келтирилган уйи, кейин эса қайсидир расмда кўргани икки этажли шинам коттедж келди. Болаларининг севинишини, ўзининг «уй азоби — гўр азобидан» қутулишини ўйлади. Рози бўлиб юборай деди-ку, лекин ўзини тийди. Гапнинг ўғини ҳам эшитиш лозим эди. Нега бирдан ўзгарди бу одам? Илгари энсаси қотиб, гаплашишни ҳам истамаган эди-ку?

Директор Зайниддинни гарангситиб қўйганини сизди-да, «зарба»ни давом эттирди:

— Фиштин коттедж жуда зўр, ҳамма ашқол-дашқоли ичида. Сизникига кўшимча қилиб, ташқарида ҳам ошхона, кейин молхона ҳам қуриб берамиз.

— Энди, отадан қолган, болалигим ўтган, қадрдон жой бўлса... — Зайниддин бу гапларни савдолашиш учун эмас, таклифга кўниб қолишидан чўчиб гапирди. Кўз олдидан дарвоза олдига кулимсираб «яхши келдингми» деб кутиб олаётган марҳум отасининг сиймоси, эски кўчалари, биринчи эккан кўчатлари, болаликда асраган Холдор лақабли итлари бирин-сирин ўтди.

Директор ҳамон «ташвиқот»га зўр берди:

— Ўзингизни «садовник» деб оформит қиламиз. Маошингиз бир юз қирқ сўм. Институтнинг каттакон боғи ихтиёрингизда. Мол учун истаганча ўт бор. Болаларингизнинг ўқишига, ишга жойлашишларига ўзим бош-қош бўламан...

У ўзича, шунча марҳамат етарли, деб ўйлади шекилли, гапдан тўхтади. Зайниддин кулимсираб ерга қаради.

Бу таклифлар зўр эди. Моддий жиҳатдан анча қийналган одамга жуда қўл келарди. Эҳтимолки, бир йил, бир ой, ҳеч бўлмаса бир ҳафта аввал айтилганда,

баъзи бир талабларни қўйган ҳолда, жиддийроқ ўйлаб кўрса арзирди... Аммо...

«Коттедж, молга етарлик ўти бор экан. Яхши уй беради, сизир, қўй боқшимга шароит яратиб беради, болаларимни ўқишга киритади, лекин лимончиликда шунчаки экин суғориб юрувчи боғбон сифатида қолавераман. Мен ўстирган лимонларни китоб қилиб ёзиб, кейин, кези келганда, яна мени оёқ учида кўрсатиб юраверади. Бу ҳам майли. Иш амалга ошса, кимнинг номидан бўлишининг аҳамияти йўқ! Лекин мени шунчалик галварс, аҳмоқ, паст, яшашдан муродим — бола-чақа боқиш, деб ўйлайдими, а?»

— Мен ўйлаб кўраман — деди у кулимсираганча.

Директор бу жавобни ҳеч кутмаган эди. «Зайниддин нега дўпписини осмонга отмади? Ташаккур билдирмади? Қуллуқ қилмади?!»

— Ия?! Сизга берадиган иморатни, биласизми, одамлар эллик мингга ҳам тополмайди!? Оладиган йигирма беш сотих ерингизни ҳар бир сотиги минг сўм туради. Эски ҳовлингизни сотиб, бутун кам-кўстингизга яратасиз-а!..

Зайниддин унга ҳайратланиб қаради: «Қаердан олган экан Директор бу маълумотларни? Ута ночор аҳволдалигини ва айни шу нозик жойига уриш кераклигини қайдан билган экан?» У «Хўп» деб юборишдан кўрқиб ўрнидан туриб кетди.

— Бир ўйлаб кўрай, ака. Мен бир ўйлаб кўрай...

Директор ҳам ўрнидан кўзгалди.

— Жавобини қачон айтасиз?

— Эрта-перта етказарман.

— Яхшилаб ўйлаб кўринг. Маслаҳатлашинг, биродарларингиз билан, бола-чақалар билан. Ҳа, яхшилаб ўйлаб кўринг. Биз бунақа шароитни профессорларга ҳам яратмаймиз.

Директордан сўнг орадан икки соатлар ўтмай, шошилиш равишда Туроб ака кириб келди. Институт директорининг ташрифидан, ташрифнинг мазмунидан хабар топгани бежо кўзларидан сезиларди. Кўзлари бежо-ку, гап оҳанги юмшоқ, муросали. Энди сержаҳл, лекин аломат қария Зайниддинни яхши кўриб қолган, эски «қулоқсизлиги» учун аллақачон кечирган эди. Ярим маош бераётгани ҳам ярим йил аввал эсига тушиб, «тўлдириб» қўйган эди. Иши кўп эди унинг. Балки маош масаласи барвақтроқ эсига тушганда барвақтроқ ҳал бўларди.

Дилида бир олам афсус, аввал кўрсатмаган меҳрини энди кўрсатишни, бу ўжар, ўзбилармон одамнинг иззатини жойига қўйишни жуда-жуда истарди. Уни ҳар неки ҳужумдан асрашга шай эди.

— Ҳа, Зайниддинбой, ишларинг яхшими?

— Раҳмат, Туроб ака. Сиз бўлмаганда, менинг ишим назарга тушармиди? Энди, Туроб ака, бу жонвор лимоннинг турган битгани даво экан. Энг нозик аъзо — жигарни ювади, қонни тозалайди. Қани энди бу нарсани магазинда мўл-кўл қилиб қўйсагу пахтазордаги метилмеркаптафоснинг ичида юрган хотин-қизларимиз ҳеч бўлмаса йилига биттадан еса.

Раиснинг кўзлари ҳайронликдан катталашди. Илгари ҳам шу хил гапларидаги маънога аҳамият бермаганиданми, Зайниддин ҳозир кўзига бошқача кўринди.

— Зайниддин, мана, сен лимонни биринчи марта бизнинг ерларда ўстириб, колхозимизга обрў олиб бердинг... Хўш, сенинг уйингни кўрдим... Узинг ҳам энди катталарнинг назарига тушдинг. Энди, уйнинг рахт-рехтини сал тузатиб олгин. Мен ўзим ишингга рағбат қилмаганимга сабаб, аввал юқори ташкилотларнинг олдидан ўтиш зарур эди. Агар ўзбошимчалик қилиб, сенга жарақ-жарақ пул, ер ажратганимда унда чиройли бўлмасди. Сен кўриб гаплашган оқсоқол шунақа одам, агар ўзидан чиқмаса — тўхтатиб қўйиши мумкин эди. Энди, мана, гўёки ўзи бошлаб бергандек бўлди. Бундан буёғига ишимиз яхши кетади. Хўш... Ҳозир ўтиргин-да, устаканнинг қолган қисмини битириш учун нимаики зарур бўлса, шуни сўраб битта ариза ёз. Ҳали идорага олиб кирасан.

Зайниддиннинг кўзлари олақула бўлиб кетди.

— Нега бақраясан? — деди раис, сўнг бирдан кўзларини олиб қочди. — Сен энди колхозда пешқадам бўлиб қолдинг. Олдинга мухбирлар келиб турипти, бундан кейин яна кўпаяди. Уйингни кўриб айтишмайдами, бу қанақа колхоз экан деб? Ёзи Қанча тунука ёки шифер, қанча тахта, алебастр, сомон — ҳаммасига қўл қўйиб бераман. Бола-чақанг кўп, бу ёнбошингга яна икки уй билан бир даҳлиз солиб олсанг тузук. Жамини уйингга олиб келгандан кейин, Шомурод бошлиқ қурувчиларимизни юбораман, бир ҳафта-ўн кунда битириб беришади...

Зайниддин бу гапларни элас-элас эшитарди. Бирдан димоғига урилган аччиқ бир нарса кўзини ёшлантириб, ҳеч нарсани кўрсатмай қўйди. Бу аччиқ нарса нафақат кўзига, балки юрагига, миясига ҳам уриб, теккан жойини шириллатиб юборди. Раиснинг кетаётганини ҳам элас-элас илғади.

Қалбида хушқўвчи, аламлардан фориг бир ҳорғинлик сезиб, жойида ўтириб қолди. Ичидаги сўзлар ҳам аламсиз эди: «Илгари қаёқда эдиларинг? Эй сен,

коттеджи Директор? Сиз, Туроб ака? Ахир мен ўша-ўша, кечаги Зайниддинман-ку! Ҳеч жойим ўзгаргани йўқ. Кеча нима иш қилган бўлсам — бугун ҳам шу. Наҳотки, тепадан биров айтмагунча, хайрли ишга жиндек қиё боқиш қўлларингдан келмайди? Нима учун шунча вақт қаршилик қилдиларинг? Кўрган кунимни ит кунига айлантирдиларинг? Ҳеч нарсаларинг керак эмас. Икки қаватлик коттеджларинг ҳам, тунукаю тахталаринг ҳам ўзларингга буюрсин. Қаршилик қилмасаларинг, турткиламасаларинг, бола-чақамни ризқини қиймасаларинг бас. Майли, шунисига ҳам шуқр. Бари бир айтганимни қилдим-ку!?»

Лимонарий йилдан-йилга кенгайиб борарди. 1968 йилда у йигирма гектар жойни эгаллаб, йилга тонна-тонна ҳосил бера бошлади.

Зайниддиннинг нави энди Сурхондарёда, Тожикистонда катта лимонарийларга ҳам экилган. Иттифоқнинг турли чеккаларидан кўчат сўраб келган одамларнинг кети узилмасди. Зайниддин эса ҳали бу навларга диплом олиш кераклигини ҳам хаёлига келтирмасди. Бу фикрни биринчи бўлиб айтган одам — Чхотуа Евгений Васильевич бўлди. Ҳа, ўша — 1950 йилда Ўзбекистонга келган икки грузин олимининг бири. У айни кунларда ўша Директор ишлайдиган институтда цитрусчилик бўлимини бошқарарди.

Ўша кезларда бутун мамлакат бўйлаб, бутун жаҳон бўйлаб доҳий Лениннинг юз йиллик юбилейига тайёргарлик бошлаб юборилган эди. Зайниддин ҳам бу қутлуғ санага «Юбилей» деган янги навини совға этмоқчи эди. Грейфрут билан ўзининг «Ф-1 Тошкент» «Ф-2 Тошкент» навларини чатиштиришларидан пайдо қилган янги навда фақат насл масаласи қолган эди. «Юбилей» эски навларга қараганда сувни икки ҳисса ортиқ буғлантиргани учун Зайниддин унинг баргларини дам-бадам ювиб турарди. Ана шу ювиб турган пайтларидан бирида негадир орқасига бир ўгирилдию узоқдан, дарахт шохлари орасидан Чхотуанинг юзини кўриб қолди. Ҳозиргина Чхотуани хаёлидан ўзгазгани учунми, аввал уни рўё деб ўйлади. Қўлидаги латтани аста челақка солди. Ҳам ўзи кўрқиб, ҳам кўрган нарсасини кўрқитиб юборишдан чўчиб, бир оз индамай кузатди.

Ҳалиги «рўё» бирдан ҳаракатга тушди. Қўлини орқасига қилди-да, ерга қараганча, индамай, эшик олдиғача бир-икки бориб келди. Сўнг яна ҳалиги лимонга тикилганча, овоз берди:

— Ҳой, кимса борми бу ерда?

— Бор, бор бўлганда қандоқ!.. — деди Зайниддин унга пешвоз чиқиб.

— Мени кечирасиз, — деди Чхотуа. — Бунда бир кимсани кўрмаганим учун тўғри кириб келдим. Мен... институтида цитрус бўлими мудури бўламан. Чхотуа Евгений Васильевич.

— Танийман сизни, ўртоқ Чхотуа, танийман. Сизни илгари колхозимизда ишлаганингизда кўрганман.

Чхотуа миннатдор бўлиб жилмайди, сўнг озарбайжончага ўтди:

— Ман бурда ишлади-им, аммо сизни кўрмади-им, аввал?

— У пайтда бизларни лимонларга яқин йўлатишмасди. Қани, идорага кириб гаплашамизми ёки теплицамизни кўрасизми? — деб сўради Зайниддин.

— Кўрамиз, ажойиб лимонларингизни кўрамиз, — деб Чхотуа яна русчага ўтаркан, ичкарига йўл олди.

У ҳар бир дарахтнинг олдида гўё мўъжизани кўраётгандек тўхтар, ишонқирамай лимонларни ушлаб-ушлаб кўярди.

...Улар жуда узоқ суҳбатлашдилар. Чхотуа «Ф-1» қирқ етти карра қилинган пайвандининг натижаси эканлигини билиб, бу тамомила янги нав эканлигини таъкидлади. Сўнгра эса Ленин юбилейига атаб тайёрланган янги нави кўрди. Оғирлиги бир килодан ортиқ келадиган ва одатда тўрт метрлик дарахтда ўсадиган грейфрутдан ҳам йирикроқ меванинг икки метрлик пастак дарахтда битганию ҳосилдорлиги уч-тўрт чандон ортиқлигини кўриб лол қолди. Директорнинг: «Э, бир чаласавод сурбет сал чатиштириб, янги нав деб даъво қиляпти-да!» деган гаплари бўҳтон эканини англади. Гарчи илмий жиҳатдан шарҳланмаган бўлса-да, бу мевалар саводсизлигининг эмас, минг йиллик деҳқончилик илми, халқнинг ҳар битта вақилига ёд бўлиб кетган чуқур тажриба асосида яратилган мева эканини тушунди.

— Сиз, Зайниддин ака, — деди у ҳаяжонланиб, — фанда мутлақо янгилик яратибсиз! Грузияда лимоннинг янги нави етиштирилса, бошқа гап. Сизнинг бу ишингиз икки карра янгиликдир! Сиз ҳам янги нав яратгансиз, ҳам уни янги минтақада ўса оладиган қилгансиз. Бу жуда зўр! Бу янги сортларга диплом олишингиз зарур! Диплом олиш фақат сизга эмас, фан ва ҳўжалик иши учун ҳам керак.

Зайниддин ўзи учун маъносиз бу гапларни эшитиб ўйланиб қолди. Чхотуа баттар қизишиб кетди:

— Агар бу иш бизнинг институтда бўлганда эди, камида иккита одам фан доктори бўларди. Тушунасизми?

Зайниддин бошини сарак-сарак қилди.

— Профессор бўларди! Профессорни тушунасизми?

— Ҳа, профессорни тушунаман, — деди Зайниддин гарчи «профессор» дегани катта олим эканлигидан бошқа нарсани билмаса-да.

— Сиз ана шунақа иккита профессорнинг ишини қилгансиз. Келинг, сизни бир ўпай!

Кейин Чхотуа меҳмонлар дастхат қолдирадиган семиз китобни олиб, шундай деб ёзди: «Зайниддин Фаҳриддинов цитрус ўсимликларини вегетатив дурагайлаштириш соҳасида катта иш қилган. «Ф-1», «Ф-2», «Юбилей» навларини яратган. Хусусан, ҳосилдорлиги ва мазаси жиҳатидан «Юбилей» нави алоҳида диққатга сазовордир. Бу ишларни кенг ёйиш керак».

Зайниддин етмишларга борган бу грузин чолни кузатиб чиққанида, «диплом» деган сўзнинг асл моҳиятидан мутлақо беҳабар эди. Тўғри, «палон навни палон одам яратган» деган ёзув бўлишини тушунарди. Лекин бунинг Зайниддинга нима кераги бор? Мана, ўша навни ҳамма экаяпти, газеталарда ҳам «Ф-1 Тошкент» «Ф-2 Тошкент» деб ёзишади. Бошқа юртлардан келиб олиб кетишяпти. Мана шу Чхотуа билан бир қаторда, лекин Тожикистонга бориб қолган Цулая деган грузин олим ҳам олиб кетган. Энди «диплом олинг» дегани нимаси?

Зайниддин ўйланиб қолди.

«Меҳнат қилганда, — дерди марҳум отаси, — жиндек ҳам таъма аралаштирмагин. Акс ҳолда дилингдан равшанлик қочиб, меҳнатинг азобга айланади. Хотиржамлик, дил равшанлиги эса энг катта давлат».

Дипломнинг кетига тушса ўша отаси айтган таъмани аралаштирмайдими? Кундалик хотиржамлигини, дил равшанлигини йўқотмайдими? Отасининг ўғитларига тескари қарамайдими? Бу ўғитлар бугунги кунда, отадан айрилгандан кейин, худди болаликда эшитган афсоналаридек азиз эди унга. Олис бир ёруғлик ўтмишда ёқилиб, қалб ва тафаккур осмонининг энг чўққисига чиқиб, келажакни ҳам ёритиб турарди. Дилни чароғон, атрофни шинам қиларди. Унга, яъни болаликка интилсан-у, лекин келажакка қараб кетаётган бўласан. Жуда кизиқ!

Болаликдаги эшитган гаплар — сени олға етаклаётган тафаккуру шууринг бўларкан.

Қани, одамнинг вужудидан шу болалик афсоналарни ўчириб ташланг-чи, яшагиси келармикин? Ахир улар — ота, она, бобо, момо дегани. Ўтмишинг, ўқ томиринг дегани!..

1976 йил ноябрь кунларининг бирида эрталаб райкомдан сим қоқишиб, лимонарийга СССР Қишлоқ хўжалик министри бормоқчи эканини айтишди. Бу пайтга келиб Зайниддин аканинг доврўғи мамлакат бўйлаб таралган эди. Етмиш гектарлик лимонарий кўргазмали хўжалик қаторига кириб, йилига бир миллиондан ошириб даромад бера бошлаган эди. Лимонарий туфайли қишлоқ ҳам ободонлашган. Республикага келадиган меҳмонларнинг аксариятини, агар ўзлари истак билдирсалар, Зайниддин аканинг бригадасига олиб келишарди.

Меҳмонларни, айниқса, ўша кўҳна теплица лол қолдирарди. Ун бешу ўттиз метр катталиқдаги бу теплицада дунёнинг ҳар бир бурчагидан келтирилган юздан ортиқ ўсимлик барқ уриб яшнаб ётарди. Бир ёқда анвойи гуллар очилиб, бир ёқда апельсину дарахтда ўсадиган қовунлар... Ташқаридан, хусусан, қиш ойларида, кириб келган киши ўзини жаннатга тушиб қолгандек ҳис қиларди.

Министрнинг ташрифи Зайниддиннинг хотирасига бир пайтлари Чхотуа кўнглига солиб кетган янги навга патент олиш ҳақидаги гапини келтирди.

Бу гапни у ўша пайтлардаёқ кераксиз, деб ташлаб қўйган бўлсада, патент масаласи уч марта кўтарилди. Қизиғи шундаки, бунинг ниҳоятда муҳимлигини, республиканинг, ўзбек халқининг обрўси эканлигини таъкидлаган, жон куйдирганларнинг учови ҳам қардош халқларнинг вакиллари эди.

Ушанда Чхотуа лимонарийга уч кишини бошлаб кириб келди. Гап-сўзларидан меҳмонлар ҳам грузинлар эканлиги кўриниб турарди.

— Уртоқлар! — деди Чхотуа грузинча ёқимли баландпарвозлик билан. — Бу киши — мен сизларга айтган буюк деҳқон! Буюк олим! Фан тарихида, биология тарихида катта институтларга татиғулик буюк янгилик яратган одам Зайниддин Фаҳриддинов! Буюк ўзбек деҳқони Зайниддин Фаҳриддинов!

Зайниддин ака мўлзам бўлиб турганда, Чхотуа меҳмонларнинг отини айта бошлади. Улардан фақат бир кишининг номи ёдида қолган. Бу — грузиялик профессор Голлошвили эди. Қолган меҳмонлар ҳам бари — профессор, доцент — деҳқончилик илмининг алломалари экан.

Чхотуа меҳмонларни бошлаб лимонарийни ва боғ-теплицани айлангани кетди. Зайниддин ҳисоб-китоб ишларига шўнғиди. Бутун мамлакат бўйлаб лимонлару

кўчатлар сотила бошлагандан кейин, даромад ва буромад ишлари унинг анчагина вақтини ола бошлаганди.

Орадан ярим соат ўтгач, меҳмонлар идорага қайтиб келишди.

— Ростини айтинг, Зайниддин ака, мени танидингизми, йўқми? — Гололишвили бу саволни бераркан сирли равишда жилмайиб турар, бошқа меҳмонлар ҳам унинг сирига кўшилишган эди.

Зайниддин ўздан йигирма ёшлар улўроқ, мўйлов ва сочлари оппоқ бўлишига қарамай уни «ака» деб атаётган бу одамга узоқ қараб турди:

— Йўқ, чин гапим — танимадим!

Меҳмонлар хохлаб кулиб юборишди.

— Илгари ҳеч ерда кўрмаганмисиз, учратмаганмисиз мени? — Гололишвилининг саволида жиндек гинахонлик ҳам бор эди.

— Кечирасиз, таний олмадик, ўртоқ Гололишвили.

— Э, сизга юз йил умр берсин, — деб «қарғади» профессор. Кейин ўзини оқлагандек шерикларига изоҳ бера бошлади: — Дарҳақиқат, бирга ишламагандан кейин қандай эслаши мумкин? Биз у пайтда шахсан таниш ҳам эмас эдик.

— Ўртоқ профессор, рост гап, танимаяпман. Ўзингиз эслатинг.

Гололишвилининг ўрнига Чхотуа жавоб бера бошлади.

— Сизларнинг кўлхозда биринчи марта лимон экишга келган иккита грузин бор эди-ку, кўрганмисиз?

— Ҳа кўрганман. Биттаси сиз эдингиз... — Зайниддин шундагина Гололишвилининг юзларидан таниш белгиларни илғаб олгандек бўлди. — Э-э! Бўлди, бўлди!..

— Иккинчиси ана шу одам бўлади. Бесамаъ иш, деб қочиб юборган, — дея гапни илиб кетди Чхотуа.

Зайниддин билан Гололишвили қайтадан қучоқлашиб кўришдилар.

— Ақли мендан сал ортиқроқ бўлганда бунинг! — дея Чхотуа изоҳ бера бошлади. — Уч йилдаёқ ишимиздан наф чиқмаслигини сезгану қочган. Бориб докторлигини ёқлаб, ҳозир Тбилисини «сўраб» ётибди.

— Мен сизнинг ишларингизни ўқиб, эшитганман, — Гололишвили Зайниддиннинг елкасига қоқиб, бақириб, ҳаяжон билан гапирарди. — Энди ўзим кўрдим. — Профессор кўзларини кўрсатди. — Узим татидим. — Профессор оғзини кўрсатди. — Ўртоқ Зайниддин ака! Бу — мўъжиза! Дунёдаги ҳамма лимонларни мана шу ҳар куни тартибга келтирадиган мўйловимдек яхши биладиган одам сифатида бир гапни айтаман: бу — дунёдаги ҳамма лимонлардан ширинроқ. Бунақаси ҳеч ерда йўқ! Яшанг! — Гололишвили шляпасини олиб таъзим қилди. — Рухсат этинг, мен сизни бир ўпай!..

Шундан кейин гап ана негадир патент олиш хусусига келиб тақалди. Зайниддин министрнинг ташрифини, ундан кейинги савдоларни айтиб берди. Чхотуа Директор тутган позициядан жуда дарғазаб бўлди. Сўнгра Зайниддинга деярли қасам ичириб, икки кундан сўнг институтга келишини тайинлади.

...Икки кундан кейин патент хусусидаги гап бевосита Директорнинг хонасида давом этди. Фақат бу ерда Гололишвили йўқ эди. Олдиндан келишилгандек Чхотуа ҳам кабинетга кейинроқ кирди. Аввал Зайниддиннинг ўзи Директорга Чхотуа билан Гололишвилининг фикрларини айтди ва дафтарларни кўрсатди.

— Бу гапларнинг ҳаммаси катта илм олдида, янги нав деган юксак гап олдида ҳеч нарсага арзимайдиган гаплар, — деди Директор дафтарларни ҳазар қилгандек Зайниддиннинг олдида итариб. — Буларнинг бари тузингизни ичган меҳмонларнинг сизга кўрсатган илтифоти. Бўлдими? Менинг фикрим шу.

Директор бу гапларни «айтганимни қилмаганинг учун хоҳлаганимни қиламан» деган оҳангини яширмай, Зайниддинни сариқ чақага олмай гапирарди.

Чхотуа худди ана шу пайтда кириб келди.

— Келинг! — деди Директор унга зарда билан. Сўнг ҳали салом алиқ қилишга улгурмасиданоқ бақира кетди: — Сиз, ўртоқ Чхотуа, нима ҳаққингиз бор институтнинг номидан илмий хулоса ёзиб беришга? Одамларни чалғитасиз ана шундай қилиб!

— Мен институтнинг номидан ҳеч нарса ёзганим йўқ. Энг асосийси, ўртоқ Директор, мен ҳеч кимни чалғитганим йўқ. — Чхотуанинг босиқлик билан айтилган бу гаплари жуда қаттиқ чиқди.

— Мана бу нима? — Директор қўлини бигиз қилиб, Зайниддин кўтариб келган дафтарни кўрсатди.

— Рухсат этинг, мен сизнинг биринчи гапингизга жавоб берай. «Бировларни чалғитиб» дедингиз. Бировларни чалғитиш учун ёлғон гапириш керак. Мен ҳеч қачон ёлғон гапирмаганман. Бу ердаги ҳамма гапларим рост. Ўз кўзим билан кўрган нарсани ёздим. Лимонни ушлаб кўрдим, еб кўрдим. Ана шундай — кўрган, билган нарсамни «бор» эмас, «йўқ» деб ёзгин деб, менга ота-бобом ҳам, партия ҳам ўргатмаган.

— Бу бўлмаган гап! Елғон гап! Янги лимон йўқ!!

— Энди буёғига келсак, ўртоқ Директор, бу сиз билан менинг сезги органларим ўртасидаги фарққа бориб тақалади. Сизнинг кўриш, таъм билиш органларингиз «йўқ» деб айтибди, меники «бор» деб айтяпти...

— Ҳа, меники «йўқ» деяпти, бутун институтники «йўқ» деяпти! Ва мен буни ҳозироқ қоғозга тушириб, яна бир марта Москвага юбораман!.. — Директор гапира туриб, тугмани босдию секретарини чақирди: — Ҳозироқ илмий секретарни чақиринг-да, унга менинг номимдан «Ленин» колхозидаги лимонарийдаги лимонларнинг янги эмаслиги ҳақида хулоса ёзиб, ҳаммага имзо чектириб чиқишини илтимос қилинг. Узи қўл қўйсин, цитрус бўлимининг муовини — Лукинга қўл қўйдирсин. Ҳозироқ тайёрласин! Яхшими?!

Директорнинг охирги саволи котибига ҳам, буёқдаги икки кишига ҳам қаратилган эди.

— Яхши! — деди Чхотуа. — Мен ҳам ҳозир ўзимнинг хулосамни ёзаман. Хулосамнинг остида на директорнинг, на муовиннинг ва на бошқаларнинг имзоси бўлади. Унда битта Чхотуанинг имзоси туради. Лекин бу имзо — кўриш, сезиш органлари тўғри ишлайдиган одамнинг имзоси бўлади.

...Бу гаплар лимон навларига патент олиш ҳақидаги охирги гаплар бўлди. Чхотуа кўп ўтмай вафот этди. «Ф-1», «Ф-2», «Юбилей» навлари эндиликда росмана мустақил нав ҳисобланарди. Шу ўринда Краснодар ўлкасининг Абадзех станциясидан унинг навларини юборишни сўраб ёзилган бир хат қизиқ факт бўлиши мумкин. Чунки бу хат Кавказдан, Грузиянинг нақ биқинидан келган эди. Демак, ўша ерда ҳам Зайниддинники ўсаркан-да...

...Фақат Директоргина тан олмасди буни. Ҳатто, «...дипломсиз нав ҳам навми» деб орқаворатдан кулиб юрарди. Гўёки паспорти бўлмаган одамни одам ҳисобламагандек йўл тутарди.

Хуллас, СССР Қишлоқ хўжалик министри Валентин Карпович Месяц келишига қадар аҳвол шунақа эди. Зайниддин уч хил лимоннинг автори эди. Тажрибаларини умумлаштирувчи китоби рус тилида икки марта ва ўзбек тилида бир марта нашр қилинди. Зайниддиннинг бригадаси етмиш гектарлик жойдан миллион сўмдан ошириб даромад олади...

Зайниддин хаёл билан бўлиб, лимонарий агрономи Акбаралининг чақираётганини ҳам эшитмади. Акбарали меҳмонлар учун одатий дастурхонни тузаб бўлган, энди кетишга рухсат сўраётган эди. Зайниддин Акбаралининг соқоли олинмаганини кўриб жаҳли чиқди.

— Ҳали шу башаранг билан меҳмонларга кўринмоқчимисан? Бор, тезда соқолингни олиб чиқ.

Акбарали индамай чиқиб кетди.

Министр келди. Ҳамроҳлари Зайниддинни таништирмоқчи эди, парво қилмай:

— Эшитганман, биламан, — деганча Зайниддин билан кучоқлашиб кўришди. — Сизнинг жаннат боғингизни бир кўриб қолиш иштиёқида келдик. Ҳа, дарвоқе, фаромушхотир бўлибман, бу киши... — деб министр ёнидаги баланд бўйли, қирқ ёшлардаги одамни кўрсатди. — Андрей Платонович Турбин, ВАКнинг масъул ходими! — Министр ВАКнинг аҳамиятини ҳазил маъносида таъкидлаш учун кўрсаткич бармоғини тепага кўтарди. — Шу бугун Москвадан келиб бизга кўшилдилар.

— Ҳозир отпусқадаман, — деди Турбин ҳаммага қарата. — «Ўртоқ министр-ни» суриштирсам, Тошкентда дейишди. «Агар малол келмаса эргаштириб юринг» деб, сим қоқсам «майли» деди. Мана... каминани кўриб турибсизлар.

— Андрей Платонович, асосий ишдан ташқари жамоатчилик асосида бизнинг нав саралаш комиссиямизнинг фаол аъзоси ҳамдир, — Министр яна кўрсаткич бармоғини тепага кўтарди. Бундан янги навлар ҳақидаги можаро унга аён эканлиги равшан бўлди.

Теплица-боққа кирган ҳар қандай одамнинг оғзи очилиб қолишини Зайниддин минг марта кўрган. Меҳмонни, аввало боғдаги ранг жилолари мафтун этади. Турфа меваларни кўятуринг, яшилликнинг ўзи бирнеча хилда бўлишини кўриб ҳам кўзлари қувониб кетади. Орадан бир нафас ўтгач, хушбўй ҳидлар «хужум»га ўтади. Ширин ва майин ҳидлар, саримсоқ ва гармдориларнинг ўткир ҳидлари билан алмашиниб туради...

Меҳмонлар, айниқса ВАК ходими Турбин, оҳ-воҳ қилиб, яна томоша қилишди. Ҳар замон-ҳар замонда Зайниддинни олдиларига чақириб ёки узоқдан туриб қайси ўсимликнинг қаердан келганини, нима хосиятлари борлигини сўраб олишарди.

¹ Иттифоқ арбитраж комиссияси.

Меҳмонлар, айниқса Министр теплицаларни, турли ботаника боғларини, бундан ҳам ўтиб тушадиган боғу бўстонларни кўп кўрганди. Бироқ улар Кавказнинг иссиқ, субтропик минтақаларида. Уёқларда ташқаридаги об-ҳаво билан ичкаридаги вазият бунчалик кескин фарқ қилмайди.

Ярим соатлар вақт ўтгандан кейин идорага қайтиб киришганда (теплица-боққа идорани босиб ўтиш керак эди), Зайниддин дастурхонга ишора қилди:

— Шу бир пиёла чойимизни ичиб кетсанглар... Ҳаммаси ўзимизнинг деҳқончиликдан.

Зайниддин докани олиб ташлади. Акбарали чойнак олиб келди. Кейин, меҳмонлар унчалик рўйхушлик бермасалар ҳам, Зайниддин нариги хонада алоҳида дастурхонда тамадди қилишаётган кузатувчилардан бирини — республика қишлоқ хўжалик министрлигининг масъул ходимини чақиртирди.

Сухбат ҳам таъбга қараб иккига бўлинди: бирёқда министр, унинг ёрдамчиси (бир оғиз ҳам гапирмаган одам) ва Зайниддин; иккинчи ёқда — Турбин билан кузатувчи ва уларга ора-сира қўшилиб турган Акбарали.

Министр теплицанинг иқтисодий структураси, кирим-чиқим, қанча одам ишлаши, маҳсулотнинг сотилиш географияси, нархи билан қизиқди. Уёқда Турбин ўз сухбатдошини илмий ишнинг тасдиқланиш қонун қоидалари билан таништирди.

Кейин авторлик шаходатномаси ўртага чиқди-да, сухбат бирлашиб кетди.

Зайниддин Чхотуа билан бўлган воқеаларни гапириб берди. Фақат Директорнинг фирромлиги тарихини тушириб қолдирди. У гапираркан, республика министрлигининг масъул ходими унга маънодор қилиб қараб-қараб, «сирни очаверманг» деган маънода луқмалар ташлаб турди.

Министр ўйланиб қолди. Жимликдан фойдаланиб, кузатувчи Зайниддинга қараб минғиллади:

— Нима кераги бор шу гапларни? Ҳайронман, бизларнинг қачон ақлимиз киради?

— Нима бўпти? — сўради Зайниддин. — Мен зиғирча ҳам ёлғон қўшмадим-ку?

— Ўзимизда ҳал бўлиб кетадиган ишга меҳмонларни аралаштиришнинг ҳеч кераги йўқ эди. Булар сизнинг кўнглингизни кўтаришади. Сиз ҳам меҳмонларнинг кўнглига ёқадиган гаплардан гапириб жўнатвормайсизми? — Кузатувчи бу гапларни «пайғамбарона» баландпарвозлик билан: «Шуни ҳам билмайсанми?» деган оҳангда гапирди.

— Мен бир деҳқон одамман, ука, — деди Зайниддин ўсал бўлиб. — Сўрадилар — айтдим.

Бунга жавобан кузатувчи яна «афсус» дегандак бош чайқади.

— Ёлғон гапираймиди? Тўғри гапни айтдим-да.

Кузатувчи бу гапларни министр сезмади деб ўйлади. Лекин у янглишган эди. Министр мунозарани сездди. Гарчи ўзбекча гапирган бўлсаларда, сухбатнинг мазмунини яхши англади.

— Мени ҳозир институт директори билан телефонда улашнинг иложи борми? — деб сўради у кузатувчидан.

— Уртоқ министр! — дея хитоб қилди кузатувчи. — Асло безовта бўлманг! Биз ўзимиз бу масалани ҳал қиламиз. Ҳеч ташвиш тортманг.

Министр ўзининг ёрдамчисига мурожаат қилди:

— Сиз ҳаракат қилинг!

Ёрдамчи дик этиб турди. Кузатувчи ҳам эргашшга мажбур бўлди.

Сухбат яна давом этди. Турбин Зайниддиннинг умр бўйи ароқ ичмаганлигига қизиқиб қолди:

— Зайниддин Фаҳриддинович, ҳеч, бир грамм ҳам ичмаганмисиз, а? — деб сўради у ишонқирмай.

— Йўқ, умримда бир томчи ароқ ҳам, вино ҳам, пиво ҳам ичмаганман.

Гап шу ерга келганда министрнинг ёрдамчиси телефон уланганлигини айтиб қолди. Министр «менга беринг» дегандек қўл узатди-ю, телефон кўчма эмаслигини эслаб, ўрнидан турди-да, бурчакка борди.

— Салом алейкум, ўртоқ директор! Раҳмат, раҳмат. Мен сиздан бир илтимос қилмоқчи эдим. Ҳозир биз Андрей Платонович ва яна бизнинг ҳурматли кузатувчиларимиз билан Зайниддин аканинг лимонарийсида ўтирибмиз. Бу ердаги ишларни кўрдик. Учта янги нав лимон яратилибди. Биз шуларга аллақачон авторлик патенти берилиши керак экан, деган хулосага келдик... Арзийди, жуда арзийди. Шунинг учун, ишлар расмий жиҳатдан тўғри бўлиши учун кимдир аттестацион комиссияга тавсия ёзиши керак. Менимча, бу бевосита институтингиз тасарруфидаги нарса. Институтингизга ҳам шарафининг бир чеккаси тегади... Мен ўз кўзим билан кўриб турибман. Уз қўлимда уни ушлаб турибман, — Министр қўлини узатиб, «лимондан беринглар» деган маънода панжаларини ўйнатди.

Ёрдамчиси югуриб туриб, бир дона лимон олиб берди. — Ҳа, ўз кўзим билан кўриб, ўз қўлим билан ушлаб турибман. Илтимос қиламан, ҳа, шундай, илтимос қиламан! — Афтидан, уёқдан яна гап чувалашаётган эди шекилли, министр охириги гапни тоқатсизланиброқ айтди. — Бир ой ичида тавсия қоғози менинг столида бўлсин. Биз бу дипломларни шу йилнинг ичида топширайлик. Агар имилласак, хайрли ишни яна бир йилга кечиктирган бўламиз. Келишдикми? Бу менинг шахсий илтимосим, деб қабул қилишингиз мумкин... Хайр, саломат бўлинг!

Министр трубкани ёрдамчисига берди. Ҳеч тушуниб бўлмайдиган тўпори гожиликни кўрганда бўлгандагидек, кифтини учуриб, чуқур нафас олди.

— Ҳайронман, республика обрўси, бир томони институтнинг обрўси. Йўк, менга қаранглар! Ҳеч ақлим етмайди бунақа ишга! Биронта чет эллик хабар топиб олиб кетса эртага фанга «Ф-1 Тошкент» деб эмас, «лимониус Бауэрс» бўлиб киради. Тарихда бунақа фактлар камми? — Министр шуларни гапириб столга қайтиб келаркан, Зайниддинга мурожаат қилади: — Зайниддин Фаҳриддинович, ўзингиз тушунтиринг, бу нима деган гап?

— Билмайман, ўртоқ Министр, лекин шундай қилади. Мана ўн йилдан бери. Зайниддин яна масаланинг асл моҳиятини айтмади.

— Мен тушунтирайми, Зайниддин ака? — гапга аралашди Андрей Платонович. Зайниддин розилик аломатида бош ирғади, Турбин эса давом этди: — Аниқроғи, тушунтирмайман, фақат битта мисол келтираман, холос. Шунда ҳам сиз, Зайниддин ака, сиз, мезбонлар, хафа бўлмасанглар.

— Айтинг, айтинг, нимасидан хафа бўламиз.

— Фақат битта қисқагина мисол, битта қисқагина мисол. У ҳам бўлса бутунлай бошқа соҳадан. ВАҚдаги мисол. Узимнинг кузатувим-да. Бирон яхши ният амалга ошса ўша одамларнинг ортидан юмалоқ хатлар келверади. Хафа бўлмайсизлар-у, лекин бор гап.

Шу гапдан кейин Зайниддин ўз юртдошларини оқламоқчи бўлиб, тижирликнинг асл сабабини айтишга мажбур бўлди. Директор бу ишни ўз институти номидан чиқармоқчи бўлганини, боғбон қилиб ишга олмоқчи бўлганлигини, икки қаватлик коттедж, йигирма беш сотих боғ бермоқчи бўлганлигини айтди. Гарчи, кузатувчи, жуда норозилик билан пешонасини тириштириб ўтирган бўлса-да, битта одамнинг айби бутун республикага ағдарилишини истамаган Зайниддин қизишиб-қизишиб, батафсил гапирди.

— Яхшики, сиз кўнмабсиз! — деди Министр. — Энди у фанни ўйлаши керак, мамлакатнинг обрўсини ўйлаши керак?!

— Унақа қилмади-да! Сенга кўрсатиб қўяман, дегандек, тиш-тирноғи билан қаршилиқ қилиб келяпти, — Зайниддин гапини тугатиб Андрей Платоновичга қаради, — шунақа.


— Ҳа, мен олдиндан сўраб олдим-ку, хафа бўлмайсизлар деб!.. — дея кулди Андрей Платонович.

— Хафа бўлмадик, хафа бўлмадик, — дейишди бир оғиздан меҳмонлар.

Шу гапдан кейин кузатувчи ҳам кутилмаганда мунозаранинг бу тарафига ўтиб кетди. Аллақерларда ўтган аламлари унга бирдан таъсир қилганди шекилли:

— Лекин сизнинг гапингизда жон бор, Андрей Платонович, — деди у қизишиб кетиб. — Шунақа одатимиз ҳам бор. Тан олиш керак, бор. Ута маҳаллийчимиз, қишлоғимиздан чиқмаган бўлса, ҳатто ашулачиға ҳам чапак чалгимиз келмайди.

... Диплом янги йилдан кейин келди. Аниқроғи — иккита диплом. Лекин уларнинг тасдиқланган санаси эски йил ҳисобидан экан. Министр сўзининг устидан чиққан эди.



Сафо Очил

ТАРЖИМА ВА ТАҲЛИЛ

Шеърӣ таржима масалалари кўпдан бери тадқиқот ва баҳслар манбаи бўлиб келмоқда. Бу борада адабиётшунослигимизда бир қанча ишлар амалга оширилган. Шу жиҳатдан «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида ёритилган шеърӣ таржима муаммоларига бағишланган Ортиқбой Абдуллаевнинг «Мен на дейману кўбизим на дейди?...» (1983 йил 3-сон), Нажмиддин Комилонинг «Илҳом ва муҳаббат фарзанди» (1983 йил, 6-сон), Нинель Владимированинг «Эски масала ва янги муаммолар» (1984 йил, 8-сон) каби мақолалари алоҳида диққатга сазовордир. Шу сабабдан дастлаб шу ишлар тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашишни маъқул кўрдик. Чунки уларда кенг ўқувчилар оммасини қизиқтирувчи баҳсли фикрлар илгари сурилади.

О. Абдуллаевнинг мақоласида Расул Ҳамзатов шеърӣ таржимаси баҳонаси билан таржима танқидчилигимиз шуғулланиши зарур бўлган долзарб масалалар ўртага ташланади. У тўғри таъкидлаганидек, «таржиманинг ютуғида услубий муштараклик, ижодий қиёфадаги ҳамоҳангликда гап кўп». Мазкур мақоланинг қизил ипи ҳам шу. У бу муаммони Р. Ҳамзатов шеърларининг русча ҳамда ўзбекча таржималарини қиёсий ўрганиш жараёнида ҳал қилишга интилади. Бу илмий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам тўғри йўл.

Нинель Владимированинг «Эски масала ва янги муаммолар» номли мақоласида таржима назариясига доир зарурий фикрлар илгари сурилади. Чунончи, мунаққиднинг лисоний-услубий ва адабий йўналишлар уйғунлиги ҳақидаги мулоҳазалари диққатга сазовордир. У ўз мулоҳазаларини йирик олимлар ва адибларнинг фикрлари билан асослашга ҳаракат қилади. Бироқ Нинель Владимирова мақоласида баҳсли ва мунозарали фикрлар анчагина. Олима таржима санъатига ҳунар деб қарайди. Тўғри, бошқа кўпгина олимлар ва адиблар ҳам бу терминни шу маънода ишлатганлар. Таржимачиликнинг бадий ижод экани ҳаммага маълум. Ҳунарни истаган дидли, фаросатли, қунти бор киши эгаллаши мумкин. Лекин бадий ижодни, айниқса, шеър ёзишни ўрганиш мушкул. Чунки у ўзгача бир истеъдод, туғма қобилият билан боғлиқ.

Нинель Владимирова мақола бошларида таржима мунозараси тўғрисида гапириб, «эсизки, гоҳо турли-туман сершовқин, машашали тортишувлар пўртанасида ҳақиқат гули ном-нишонсиз сўниб, йўқ бўлиб кетади» дейди-ю, сўнгра «Алқисса, мунозара қизиқарли ҳодиса, аксарият, зараридан кўра нафи кўпроқ» деган хулосага келади. Биз биринчи гапдан ҳақиқат мунозара туфайли йўқолади, иккинчисидан эса мунозаранинг фойдаси бор деган маънони англадик. Бу қарама-қарши, зид қарашлар орқали олиманинг нима демоқчи эканини тушуниш қийин. У шу хилдаги баҳсли фикрларидан кейин «Мен на дейману кўбизим на дейди?...» мақоласига муносабат билдириб ёзади: «Ортиқбой Абдуллаев услубни қайта яратиш ҳамда бундай услубий инкишоф жараёнида таржимон маҳоратига эътиборни қаратади, булар, дарҳақиқат, муҳим ва актуал таржима проблемаларидан биридир. Расул Ҳамзатовнинг «Бир хонадон фарзандлари» номи остига жамланган, турли-туман ижодкорлар қаламига мансуб шеърӣ таржималари таҳлиliga бағишланган бу мақола айнан шу проблема билан боғлиқ». Шундан кейин олима «Тўғриси айтиб қўя қолайлик. Танқидий баҳс учун танланган объектни унчалик муваффақиятли деб бўлмайди» дейди. Яна бир неча сатрдан сўнг «Начора: Расул Ҳамзатовнинг шеърӣ китоби ўзбек тилида чоп этилди (бундан муқаддам, 1964 йилда шоирнинг «Юксак юлдузлар» номли тўплами ҳам босилиб чиққан эди), ўзбекча таржималар иложи борича яхши жаранглаши, бадий асар ўзбек тилида бор бўйи билан қаддини ростлаши, таржима чинакам таржимадай бўлишидан маънафатдор тадқиқотчилар, таржимашунослар, назариячи ва танқидчилар машҳур авар шоирининг ўзбек тилида қандай янграши масаласига бефарқ қарай олмайдилар?» каби фикр билдиради. Олиманинг фикрлари етарли асосланмаган, негаки, мақолада кўйилган масалани гоҳ у «муҳим ва актуал проблемалардан бири» деб ёқлайди, гоҳ уни «муваффақиятли деб бўлмайди» дея рад этади. Яна шуни айтиб ўтиш кераки, ҳар қандай таржимон бирор асарни таржима қилар экан, тадқиқотчи, таржимашунос ва танқидчиларга ёқиш учун эмас, балки ҳалқ маънафини кўзлаб иш кўради. Бундан ташқари, О. Абдуллаев мақоласида яна бир муҳим фикр илгари суриладики, олима бунга умуман эътибор бермайди. Бу — таржимачиликдаги маънавий ҳуқуқ масаласи. Маълумки, илгари Р. Ҳамзатовнинг шеърӣ асарлари Мамарасул Бобоев ва Зоҳиджон Обидовлар томонидан таржима қилинган асарларнинг тўқсон фоизи бошқа шоирлар томонидан (аксари ёш ижодкорлар) қайта ўғирилди. Афсуски,

бу қайта таржималарнинг кўпчилиги қисми аввалги таржималарга нисбатан заиф бўлиб чиққан. Нега илгариги яхши таржималардан воз кечиб, «янги» бўш, бадийи саёз таржималар китобга киритилди экан? Бу — авар шоирга ҳам, шоир-таржимонларга ҳам, қолаверса ўқувчига ва таржимачилик анъаналарига ҳам ҳурматсизлик эмасми? Мана шу куюнчақ фикрлар «Мен на дейману кўбизим на дейди?...» мақоласининг асосий мазмунини ташкил этади.

Олима сал пастроқда шундай ёзади: «Эркин Воҳидов таржимаси ҳақида кўплаб мақтов сўзлар айтилади-ю, ҳар иккала таржимани ўқиганда дарҳол кўзга ташланадиган бир нарса: «Эркин Воҳидов таржимасини жанранглишга жуда кўмаклашган восита асарнинг илк таржимаси — Мамарасул Бобоев шеърляти (?) (тагини биз чиздик — С. О.) эканлиги эслатилмайди». Бу фикрга асло қўшилиб бўлмайди. Нега? Чунки Эркин Воҳидов Р. Ҳамзатов шеърларини таржима қилар экан, унга Мамарасул Бобоев шеърляти қандай кўмаклашиши мумкин? Ахир, таржимон ўз ижодий имкониятлари орқали таржима қилади-ку! Балки олима бир асарнинг кейинги таржимонига аввалги таржима ёрдам беради демоқчидир? Бу фикрга ҳам қўшилиш қийин. Чунки таржимон аввалги таржима вариантларига қараб иш тутса, чалғиб кетиши мумкин. Натижада, Р. Ҳамзатовдан Эргаш Муҳаммад ва Нурилла Остонов қилган «таржима»ларга ўхшаб «қовун тушириши» ҳеч гап эмас. Кўплаб мисоллар келтириб ўтирмасдан, фақат биттасини эслатиб қўя қолайлик. «Мен на дейману...» мақоласида мунаққид Мамарасул Бобоев таржима қилган бир саккизликни кейинги таржима билан қиёслар экан, жиддий танқидий фикрлар билдиради. Келинг, бирга қиёслаб ўқиб курайлик.

**Бу ерларнинг ҳамма сатҳини,
Қонимиз-ла суғоради ғам.
Уроқчидай билиб вақтини,
Уриб олар бир кун бизни ҳам.**

(Мамарасул Бобоев таржимаси)

**Бу бепоен далалар кўксин
Қонимиз-ла суғоради ғам.
Худди шундай, ҳасратлар бир кун
Уриб кетар буткул бизни ҳам...**

(Нурилла Остонов таржимаси)

Нурилла Остонов Н. Владимирова тавсия қилган йўлдан борган, яъни юқоридаги Мамарасул Бобоев таржимасини ўрганиш билан иш тутган. Шунинг учун ҳам Нурилла Остоновнинг бу ишини, О. Абдуллаев айтмоқчи «бадий ижодга муносиб иш деб баҳолаб бўлмайди», балки у кўчирма таржимадир. Нурилла Остонов Мамарасул Бобоев таржимасидаги «бу», «Қонимиз-ла суғоради ғам», «бир кун», «ўриб кетар», «бизни ҳам» каби сўз ва иборалар, сатр ва қофиялар (ғам-ҳам)ни айнан ўзлаштирган. Бу кўнгилсиз ҳодиса асл нусхага эмас, балки ўғираётган тилдаги мавжуд таржимага суяниш оқибатида содир бўлган. Демак, бирор асарни таржима қилганда, таржимон таржима қилинаётган тилдаги мавжуд вариантларнинг барчаси билан танишиб чиқиши мумкин. Масалан, Эркин Воҳидов Гётенинг «Фауст»ини таржима қилар экан, ўша асарнинг рус тилидаги Б. Пастернак, Н. Холодовский, В. Брюсов, В. Жуковскийлар амалга оширган таржималар билан танишгани ва Б. Пастернак вариантыни манба қилиб олганини кўзатамиз. Ҳатто ўзбек тилидаги «Фауст»нинг айрим жойлари оригинал (немис тилидаги асл нусхаси)га жуда яқин. Яна бир хил таржимонлар борки, улар ўз тилидаги мавжуд таржима вариантларини ўрганадилар. Бу яхши. Лекин улар ўша таржималардаги айрим сўз ва ибораларни бошқа синонимлар билан алмаштириб ёки жиндек таҳрир қилиб қўйиш билан қифояланадилар, ёки сатрлар ўрнини ўзгартирадилар. Бу тақлидчи-таржимонлар иш услубидир.

Расул Ҳамзатовнинг шеърлари ва дostonлари рус тили орқали ўзбек тилига ағдарилган. Нинель Владимирова эса уларга негадир бошқача талаблар билан ёндошади. Яъни, у «мен авар тилини билмайман» дейди-ю, рус таржимонларига «...кўпгина ҳолларда рус таржимонлари ишни ланж қилишган», «...ўзбекча таржимага асос бўлган русча матн ўзи аниқликдан жуда эзоқ», «...ўзбек шоирдан аллақачон олдин, рус таржимонлари «кўз чиқариб» улгурган диллар», «қўлингизда ғирт саводсиз, ланж, чучмал русча матн тураркан, таржимоннинг изланишлари-ю, танқидчининг таъна дашномларига тўтоқиб кетасан киши» каби айбларни юклайди. Шу сатрларни ўқиган ўқувчи Нинель Владимирова «ўзи авар тилини билмаса рус таржимонларининг қовун тушириб қўйганини қаердан билар экан?» деган саволни беришга ҳақли. Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Р. Ҳамзатовдек катта шоир шеърларини рус тили орқали таржима қилишга бел боғлаган ижодкор рус таржимони «кўз чиқариб» қўйган жумлаларнинг фарқига етмаган ва унга танқидий қарай олмасдан ҳарфхўрлик йўлидан борган экан, уларни оқлашга қандай асосимиз бор?

Шунингдек, Омон Матжоннинг Р. Ҳамзатовдан қилган таржимаси тўғрисида ҳар иккала танқидчи фикрларига муносабат билдириб ўтишни истардик. О. Абдуллаев Омон Матжон таржимаси хусусида шундай ёзади: «Бундай камчилик (яъни, қофияга эътиборсизлик — С. О.) Омон Матжон таржималарида ҳам тез-тез кўзга ташланади. Мисол:

**Тонг билан шом, тун билан кундуз
Оқ балиқчи, қора балиқчи.
Олам-денгиз, бизлар балиқчимиз,
Чўқур ерда сузиб юрувчи.**

Қофияларнинг оҳангдош эмаслиги мисралардаги равонликка путур етказган. Бундан ташқари, таржимон (Омон Матжон — С. О.) сўзларни ишлатишда меъёрдан ташқари

иктисод « — тежамкорликка берилиб кетадики, оқибатда сатрлар керакли ширадан маҳрум бўлиб, қуруқлиб қолгандек кўринади». Мазкур таржима ва танқидчи фикрлари тўғрисида Нинель Владимировна ёзади: «Омон Матжон таржимасини баҳолаш йўриғига келганда, танқидчининг фикрига қатъиян қўшила олмайман...

Не кўз билан кўрайликки, гап мана шу мисралар хусусида экан (бу ерда юқоридаги тўртлик келтирилади — С. О.) «Равонлик, «ширадорлик»дан баҳс очиш не ҳожат, шеърда булар барчаси муҳайё ва унда наинки равонлигу ширадорлик... булардан ташқари — поэзия бор». Тўғри, Омон Матжоннинг Е. Евтушенкодан қилган таржималари анча муваффақиятли чиқяпти. Лекин унинг юқоридаги таржимаси хусусида айтилган танқидий фикрларни тўла қувватлаймиз. Чунончи, «Мен на дейману кўбизим на дейди?..» мақоласида мазкур саккизлик илгари Мамарасул Бобоев томонидан яхши таржима қилинганлиги тўғри таъкидланади. Қофия масаласига келсак, «балиқчи-юрувчи» сўзлари қофиядош эмас. Сўзлар охиридаги **чи** кўшимчалари уларни қофия бўлишига ёрдам бера олмайди. Шунингдек, ҳар бир қофия шеърга ўзгача бир поэтик маъно ташиши лозим. Кейинги таржимада бу фазилат сезилмайди.

Айрим шоирлар борки, улар, айтайлик, «Ҳейне» ёки «Тютчев»дан деб, бўш шеърни нашр қилдириб юбордилар. Оқибатда ўқувчида ўша буюк шоирларга нисбатан нотўғри тасаввур ҳосил бўлиши мумкин. Бу ачинарли ва кечириб бўлмайдиган аҳволдир. Андижонлик ҳаваскор шоир Иброҳим Жабборов (немис тили ўқитувчиси) Ҳейненинг «Қарағай турар якқаҳол» номли машҳур шеърини таржима қилибди. Бу уринишни табриклаш лозим. Шу таржима область газетаси («Коммунист» газетаси, 1968 йил, 5-октябрь)да эълон қилинган. Ҳейне шеърининг иккинчи бандида «Қарағай олис шарқдаги хурмони тушида кўради». Шу фикрни Иброҳим Жабборов эса:

**Узоқ саҳро, қуёш юртида
Қарағайни тушда кўргандай**

каби таржима қилган. Ҳейне «эр» мужской род, учинчи шахс бирлик формасидаги кишилик олмоши орқали **дер фиктенбаум** (қарағай)га ишора қилаяпти. **Қарағай** хурмони тушида кўради ва унинг ишида кўнади. Таржимада эса тескариси, яъни **хурмо** қарағайни тушида кўради. Иброҳим Жабборов-ку, бир ҳаваскор — таржимон. Бу унинг илк уринишидир. Бироқ айрим иқтидорли, танилган шоирларимиз ҳам борки, улар асл нухсани умуман тушуниб, ҳис қилиб «таржима» қилишга етарли эътибор бермайди. Рус классик шеърининг буюк вакилларида бири Ф. Тютчевнинг «Оққуш» («Лебедь») деган ажойиб шеъри бор. Унинг иккинчи бандида гўзал оққушнинг ўзи каби пок, ҳавас қиладиган нарсаси йўқлиги ва унга фақат даҳшатли қисмат бағишлагани ҳақида гап боради.

**Но нет завиднее удела,
О лебедь чистый, твоего —
И чистый, как ты сам, одело
Тебя стихией божество.**

Бу ўйчан, киши ҳаёлини олис-олисларга олиб кетадиган гўзал мисраларни Тўлқин куйидагича ўйради:

**Бегубор оққушим, сен учмайсан тик
Ва лекин табиат ўзингдай оппоқ —
Эзгулик бахш этмиш баридан буюк,
Шеърият доимо сен билан ҳамроҳ.**

[«Ёшлик» альманахи, 1979, 6-сон]

Бу тўртликда Тўлқин Тютчев шеърининг оҳанги, шакли уёқда турсин, ҳатто мазмунини ҳам бўзиб берган. У табиатда содир бўладиган, киши қаршилиқ кўрсатолмайдиган, ўзгартиролмайдиган ҳодисаларни акс эттирувчи «стихия» сўзини «шеърият» деб таржима қилган.

Ёки Расул Ҳамзатовнинг «Севадирман алвон баҳорни» деган шеъри таржимасини олиб кўрайлик. Бу шеърнинг ўзбек тилида Мамарасул Бобоев (1964) ва Эргаш Муҳаммад (1982) таржима қилган вариантлари бор. Улар қислаб кўрилса, кўз олдингизда ғалати манзара келади. Русчасидаги:

**Я без крова обошелся б даже
Мне не надо в жизни ничего**

деган сатрларда гап «бошпана» ҳақида боради. Шу фикрни Мамарасул Бобоев тўғри англаган ва ўз маъносида тўғри таржима қилган.

**Зарур эмас уйлар, бўлмалар,
Ҳеч нарса ҳам менга керакмас.
Фақат тоғлар, узун тизмалар
Юрагимни суяб турса бас.**

Мамарасул Бобоев русча шеърдаги фикрни, оҳангни беришга интилган. Лекин ўша русча сатрлардаги маъно Эргаш Муҳаммад таржимасида ўзгариб кетади.
Солиштиринг:

**Топажакман яшаш иложин,
Хатто менга қон ҳам керакмас.
Фақат тоғлар, чўққилар тожи
Юрагимга яқин бўлса бас.**

Кўриниб турибдики, Эргаш Муҳаммад таржимасида мужской роддаги «кров» (бошпана) сўзи женский роддаги «кровь» (қон)га айланиб қолган ва Р. Ҳамзатов шеъри маъно жиҳатдан ҳам, лисоний-услубий жиҳатдан ҳам бузилган. Бундан ташқари, Эргаш Муҳаммад О. Абдуллаев айтганидай, аввалги таржимадаги (Мамарасул Бобоев таржимасидаги — С. О.) қофияларни ҳам айнан такрорлагани ҳолда, «менга», «ҳам», «фақат тоғлар», «юрагим» каби сўз ва ибораларни тўлиқ ўзлаштиради. Бу жиддий қусурлар Эргаш Муҳаммад таржимасининг ўта жўнлигидан далолат беради.

Такрор айтамикки, шеърни таржима қилувчи киши ўз услубига, ўз овозига эга бўлиши шарт. Сабаби барчага аён. Бас, шундай экан, асар таржимасини шунчаки тўғри келган киши эмас, балки яна таъкидлаймикки, асл нусха муаллифининг руҳига, услубига яқин турадиган ва айти чоқда оригинал тилини ҳамда ўз тилини яхши биладиган шоирга ишониш мумкин.

Бадий адабиётда атрофни ўраб олган табиат ҳодисалари, инсонлар ўртасидаги ҳар хил муносабатлар, алоқалар образлар орқали тасвирланади. Бу, шубҳасиз, ижодкор юрагидаги гаплар, ҳис-туйғулар билан боғлиқ. Таржимон эса шу нарсаларни ўз она тилида қайта тиклар экан, оригиналнинг барча миллий хусусиятларини эсдан чиқармаган ҳолда аниқлик, равшанликка эришиш зарур. Яна шунга айтиш керакки, ҳар қандай «аниқлик» ҳам таржима асарининг гўзаллигини, бадийлигини, маъносини сақлаб қолишга путур етказиши мумкин. Масалан, немис тилида «Холсбрух байнбрух» деган матал бор. Агар уни аниқ сўзма-сўз «оёқ кесилсин, бўйин кесилсин» каби берилса кулгили бўларди. «Холсбрух байнбрух» ибораси «Омад ёр бўлсин» деган маънони англатади. Демак, айниқса, шеър таржимасида, Белинский сўзлари билан айтганда, «Таржима қилинган ифоданинг ички ҳаёти асл нусханинг ички ҳаётига мос келиши лозим».

Шеър — одамлар кўнглидаги гапларнинг жонли, рангин ифодаси. У киши қалбидаги туйғуларни камолот сари етаклайди, ўйлашга мажбур қилади, дилларга завқ ва шавқ бағишлайди. Буюк немис шоири Ҳенрих Ҳейненинг 1822 йилда ёзилган «Қарағай турар яккаҳол» шеъри ҳам шундай шеърлар сирасига киради. Шу шеър ва унинг таржималари тўғрисида фикр юритишдан олдин ўша пайтдаги (яъни, шеър яратилган даврдаги) шоирнинг ҳаёти, кайфияти билан боғлиқ айрим шарт-шароитлар, муаммолар, ҳолатлар ҳақида қисқача маълумот беришга тўғри келади. Чунки ҳар бир асар, айниқса, шеър шоирнинг ички кайфияти, руҳияти, кечинмалари билан бевосита боғлиқ. Хусусан, «Қарағай турар яккаҳол» шеъри, бизнинг фикримизча, ана шу ҳолатлар тўлиқидан яралган. 1816—1819 йиллар давомида Ҳейне Ҳамбургдаги бадавлат тоғаси Соломон уйда яшайди. Шоир кисторлар муҳитида тарбияланган Амалия (тоғасининг қизи)ни севиб қолади. Қиз эса Ҳейне устидан кулади, уни масхаралайди ва муҳаббатини рад этади. Бундан шоир қаттиқ изтиробга тушади ва анча йиллар шу кайфият қуршовида яшайди, ижод қилади. «Қарағай турар яккаҳол» ҳам шоир ҳали севгилисини унутмаган ва қалбидан муҳаббат алангаси ўчмаган бир даврда, яъни (1822 йил) Берлин университетида ўқиб юрган кезларида ёзилган. Шоирнинг лирик қаҳрамони «кўзёшлардан гуллар унади», севгилисига «сен мени севмайсан, сен мени ёмон кўрасан» дея азият чекади ва дил «оғриқларини йўқотиш учун ёлғиз юради». Мана шундай кайфиятлар қалбида, руҳида ҳукмронлик қилаётган бир пайтда Ҳейне «Қарағай турар яккаҳол» шеърини ёзган.

Бу гўзал, чуқур лиризм билан сўғорилган шеър дастлаб Германияда машҳур бўлиб кетди. Ҳенрих Ҳейне тадқиқотчиларидан С. Гиждеунинг хабар беришича, шоирнинг биринчи рус таржимони Ф. Тютчев ҳисобланади. Унинг таржимаси илк бор «Северная лирика 1827 года» номли альманаҳида босилиб чиққан. Кейинчалик у М. Л. Михайлов, А. Фет, Л. Н. Майков ва бошқа жуда кўп таржимонлар томонидан рус тилига ағдарилган. Табиийки, шу таржималар бир-биридан анча фарқланадилар.

«Қарағай турар яккаҳол» шеъри ва унинг таржималари рус танқидчилигида анча баҳсларга сабаб бўлган. Шу шеърнинг юксак бадийлиги; теран мазмунини эътироф этган ҳолда таржима вариантыдаги ютуқ ва камчиликларни чуқур таҳлил орқали кўрсатганлар. Уни буюк рус шоири М. Ю. Лермонтов турли вариантларда таржима қилди ва сўнгги варианты рус ўқувчилари ўртасида кенг тарқалди, шунингдек, у барча русча таржималари ичида энг яхиси деб топилди.

Ҳейненинг «Қарағай турар яккаҳол» шеъри Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Миртемир каби атоқли шоирлар ва Абдулла Шер томонидан ўзбекчалаштирилди.

Атоқли шоир Миртемир бу шеър таржимаси устида анча ишлади ва бир-биридан услубий бўёқлари ва образларни шахшлаштириш (жонлантириш) жиҳатидан фарқланадиган турли вариантларини яратди.

Миртемирнинг иккала таржимаси ҳам бир хил вазнда. Биринчисидаги «тоғ», «тол», «бечора тол», «овлоқ ерда», «лол», «жим» каби сўзлар ва сўз бирикмалари оригиналда йўқ. Натижада бу вариантда кескин стилистик силжиш рўй берган. Иккинчи вариантда эса «тол», «бечора тол» сўз ва сўз бирикмаларидан воз кечилган ва русча таржимага бир оз яқинлаштирилган. Бу вариант мазмун ва услуб жиҳатидан ҳам русча таржимага, русча нусхага анча ҳамоҳанг.

Таниқли тадқиқотчи Файбулла Саломов Эргаш Муҳаммаднинг шу мавзуга бағишланган кичик бир ишини ўзининг «Таржима назариясига кириш» («Ўқитувчи» нашриёти, Т., 1978) деган қўлланмасига шундоқ қиритади ва ёзади: «...ёш шоир, тадқиқотчи Эргаш Муҳаммад «Ҳенрих Ҳейне ўзбек тилида» мавзuida илмий иш ёзиб, китобда (ўзининг «Тил ва таржима» деган китобига ишора — С. О.) қўйилган проблемани атрофлича мушоҳада қилгани ҳолда, уни ҳал этиш мумкинлигини исбот қилишдан ташқари, ўша «таржима-муаммо»ни ечишининг

бир неча йўларини кўрсатди. Қуйида тадқиқотчининг ушбу масалага қандай ёндошганлиги ва уни не йўсинда ёритганлиги келтирилади» (198-бет). Шуни ҳам айтиш керакки, олим Эргаш Муҳаммад иши тўғрисида бошқа ҳеч нима демайди. Демак, Ғайбулла Саломовнинг шу сўзларидан Эргаш Муҳаммаднинг «Қарағай турар яккаҳол» деган шеър таржималари ҳақидаги фикрларини тўла эътироф этгани яққол сезилиб турибди.

Эргаш Муҳаммад Ҳейненинг «Қарағай турар яккаҳол» шеърининг маъноси тўғрисида шундай дейди: «Қизиғи шундаки, шоир фақат қиз билан йигит ўртасидаги муҳаббатнигина тасвирлаш билан чегараланиб қолмаган. Қиз ва йигит тимсолида Европа билан Осиёни ҳам назарда тутган. Ҳейне ўзининг идеал мамлакатни бўлган Осиёни (?) сулув ва гўзал қиз (?) ваҳший шамолдай совуқ, дин оғушидаги Европани эса ридо кийган йигит тимсолида тасвирлар экан, Европа ва Осиё мамлакатларининг бир-бирларига интилишларини ҳам шеърга сингдириб юборган» (Уша китоб, 201-202-бетлар).

Шоир бу шеърини, яна тақрорлаймизки, Берлин университетиди (1822) ўқиб юрган пайтида, яъни Амалияга (у Берлиндан сал шимолроқдаги Ҳамбург шаҳрида) қўйган муҳаббати топталганлигидан уч йил кейин ёзганини эсланг. Наҳотки, севги изтиробларини ёниб куйлаган шоир ўз севгилисини атиги уч йилда унута олади? Шимолдаги дер фихтенбаум (қарағай) ва кун чиқиш томондаги ди палме (хурмо) орқали тасвирлаган муҳаббат дарди ёш Ҳейне билан Амалия ўртасидаги аянчли муносабатга айнан тўғри келаяпти. Ундай бўлса, яъни Ҳамбург сал шимолроқда экан, нега ошиқ образини шимолда, маъшукани эса кун чиқар томонда деб, тасвирлаяпти, дейишлари мумкин. Бу ижодкорнинг ихтиёри.

Ёш тадқиқотчининг «Европа ва Осиё мамлакатларининг бир-бирига интилишларини ҳам шеърга сингдириб юборган» деган сўзларини қандай тушуниш керак?

Ҳейне шеърда «сулув», «гўзал» эпитетлари йўқ, бироқ Лермонтов «прекрасная» («гўзал») эпитетини ишлатади ва шу билан шеърга нафис оҳанг бағишлайди. Эргаш Муҳаммад эса, Осиёни гўзал ва сулув қиз каби тасвирлайди, деган нотўғри фикр билдиради. Шунингдек, у Европанинг дин оғушидалигини уқтиради. Хўш, Осиё мамлакатларида дин кучсизмиди?

Ҳейне ошиқ ва маъшуканинг ҳижрони ва севги изтиробини тасвирлашни мақсад қилиб қўяр экан, у шимолнинг аччиқ совуғига, қор-бўронларга чидамли **дер фихтенбаум** (қарағай) ҳамда шарқ иқлимига мос, майин, иссиқ иқлимга мойил **ди палме** (хурмо) дарахтларига мурожаат қилади. Бироқ М. Ю. Лермонтов женский роддаги **сосна** ва **пальма** сўзларини қўллайди, натижада шеър бир қизнинг иккинчи қизга муҳаббати, уларнинг ҳижрони тасвирига айланиб қолган.

Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Миртемир ва Абдулла Шер **сосна** ва **пальма** сўзларини айнан маъноси билан **қарағай** ва **хурмо** каби таржима қилганлар.

Ўзбек тилшунослигида бир вақтлар род аломатлари ҳақида мунозаралар бўлган эди. Тўғри, ўзбек тилида род категорияси йўқ. Лекин шарқ адабиётида сифатлаш аънаналари мавжуд. Шарқ шеърлятида гул ва булбул сўзлари ошиқ ва маъшук, каптар — тинчлик, мусича, қўй — беозор, ювошлик, фил, туя — катталик, тулки — айёрлик, шер — мардлик, кучлилик ва ҳоказо... рамзи сифатида қўлланилади. Бундай сифатлаш аънаналари хусусан Ҳейне шеърлятига ҳам ҳосидир.

Қарағай ҳар қандай қаҳратон қишнинг аччиқ совуқларига, қор-музларига чидамли дарахтдир. Хурмо чиройли, шох-шаббаси думалоқ, барги тўқ яшил, ялтироқ, у тўкилиш олдида тўқ қизил рангга қиради. Меваси эса зарғалдоқ ёки тўқ қизил бўлиб, дарахтнинг кўркига кўрк қўшиб туради. Шу гўзаллик, кўркамлик, майинлик хотин-қизларга тўғри келадиган белгилар эмасмикан? Шундай, албатта.

Сифатлашнинг тарихий аънаналарини ҳисобга олсак, **сосна** ва **пальмалар** ўрнига қўлланилган **қарағай**, **хурмо** сўзлари поэтик мазмунни жиҳатдан немисча **дер фихтенбаум** ҳамда **ди палмеларга** жуда ақин туриши аён бўлади. Шу ўринда профессор Ғайбулла Саломовнинг бир фикрига аниқлик киритиб ўтиш лозим. У ёзади: «Немис тилида қарағай дарахтини билдирувчи иккита сўз бор: бири женский родда — ди фихте, иккинчиси эса мужской родда — дер фихтенбаум». (Қаранг: «Тил ва таржима, «Фан», нашриёти, Т., 1966, 193-б). Ди фихте ва дер фихтенбаум сўзларининг сўзма-сўз таржимаси ҳам, маъноси ҳам бир, яъни ель (арча). Бироқ қарағай дарахтининг пихта деган бошқа бир тури ҳам бор. Немис тилида **сосна** дарахтини аниқ билдирувчи **ди кифер** деган сўз ҳам мавжуд. Ҳейне **ди кифер** ёки **ди фихте** сўзларини ҳам қўллаши мумкин эди, лекин уларнинг иккаласи ҳам женский роддаги отлардир. Демак, шоирнинг ошиқ образини бериш учун мужской роддаги ясама от **фихтенбаум** сўзини танлагани аниқ.

Ғ. Саломов «Қарағай турар яккаҳол» шеъри ва унинг русча таржима вариантлари тўғрисида тўхталар экан, «бу шеърнинг таржимаси ҳақида қаранг», деб Л. В. Шерба, Л. С. Виготский, Л. Успенский, Р. А. Будагов, А. В. Фёдоровларнинг ишларини тилга олади. Бироқ, фикрларнинг ҳеч бири қўштирноқ ичида берилмайди. Уларнинг қай бири кимники эканлиги ноаниқ, тўғривоғи, муаллифнинг ўз фикрига айланиб қолган. Эргаш Муҳаммад «... род категорияси туғдирган мушуллик сабабчи бўлган... масалада, айни шу шеър («Қарағай турар яккаҳол». — С. О.) мисолида бошқа таржима назариётчилари ҳам фикр юритганлар. Шулардан баъзилари билан танишамиз» деб ёзади ва ўша бир саҳифа чамаси гапларни нуқта, вергулигача кўчириб, Л. В. Шерба, А. В. Фёдоров ва бошқаларга эмас, балки Ғайбулла Саломовга нисбат беради. Натижада, Ғ. Саломовнинг бошқалардан олган фикрлари унинг шахсий «мулк»ига айланган. Профессор Ғ. Саломов эса шуларни кўра-била туриб, ўз ҳолича китобга киритган. Бизнингча, Ғ. Саломов ўша фикрларнинг қай бири Л. В. Шербаники, қайсиниси Л. С. Виготскийники эканлигини аниқ кўрсатиши лозим эди.

Немис тилидаги траурет феъли хафа бўляпти, ғамгин бўляпти, куйинаяпти маъноларини билдиради. Уша сўзни М. Ю. Лермонтов растет феъли билан берган. Бу грустна сўзи билан бирикиб келгани учун оригинал мазмунни англайди. Рус тилидаги **растет** феълени Ғафур

Фуллом, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Шер «ўсиб» дея таржима қилган бўлсалар, Миртемир «куйинар» деб, русча ва асл нусхага муқобил сўз танлай олган.

Хуллас, «Қарағай турар яккаҳол» шеърининг ўзбек тилидаги таржималарида ютуқлар ҳам, қусурлар ҳам бор.

Яна шуни эслатиб ўтиш лозимки, Эргаш Муҳаммад немисча трауерт сўзини траурный (мотамли, мотамсаро, азадор) каби беришни талаб қилади. «Трауерт» траурный каби таржима қилинмайди. Чунки «Трауерт» учинчи шахс бирликдаги феъл, траурный (траурих, лайдфолл) эса сифатдир. Бироқ таржима жараёнида ўша сўзнинг контекстдаги туб маъносига эътибор бериш лозим. Енаётган чўққи устидаги хурмо, Эргаш Муҳаммад таъкидлаганидек, мотам тутаетгани, мотамсаро бўлаётгани йўқ ёки азадор ҳам эмас, балки у айрилиқ дардида куйинапти, ғам чекаяпти.

Эргаш Муҳаммад ўша шеърининг Миртемир таржимасини қаттиқ танқид қилгандан сўнг ўз таржимаси ҳақида шундай ёзади: «Хуллас, мазкур шеърининг рус ва ўзбек тилларидаги таржималари билан танишиб, буюк Ҳейне даҳосини ифодалаш йўлида устодларнинг тажрибалари изидан бориб, биз ҳам ўзимизнинг ожиз бир уринишимизни маълум қилишга журъат этдик.

**Ваҳший шимол, яланг чўққида,
Сўққабош бир қарағай турар.
Оппоқ ридо кийгандай гўё,
Музу қорга буржаниб мудрар.
Ва туш кўрар, тушида мудом:
Олис Шарқда жимгина таңҳо,
Чўғдай қоя узра куйинмиш,
Мотамсаро сулув бир хурмо.**

[Ўша китоб, 201-бет].

Бу таржимадаги «Сўққабош бир қарағай турар» мисраси йигит образини маълум даражада кўз олдимишга келтирармикан, чунки сўққабош сўзи фақат эр кишиларга айтиладику деган андишага борилади. «Мотамсаро сулув бир хурмо» деганда ҳам хурмо жонлантрилаётгандай кўринади. Мотам тутиб турган хурмога сулув сифатини бериш билан кўз ўнгимизда қиз гавдаланади» (Ўша китоб, 201-бет).

«Сўққабош» сўзи наҳотки фақат эр кишиларга нисбатан айтилар экан? Бизнингча, у эр кишиларга ҳам, хотин-қизларга ҳам тегишли. «Бўйдоқ» сўзи фақат эр кишиларга нисбатан ишлатилади. Бу аниқ, хурмога сулув сифатини бериш билан наҳотки кўз ўнгимизда қиз гавдаланар экан? Ғўзал хурмо дарахти келади-да кўз олдимишга. Сулув гул, сулув товус десак, кўз ўнгимизда қиз пайдо бўладими? Албатта, йўқ, чиройли гул ва чиройли товус хаёлимизда намоён бўлади.

Демак, Эргаш Муҳаммаднинг бу таҳлил принципи тўғри эмас, чунки таҳлил таржима объекти ва таржима материали, уларнинг семантик синтактик қурилишидан келиб чиқиб, қиёсий асосда олиб борилади.

Хуллас, шеър Белинский таъбири билан айтганда, «ўз руҳи ва шакли эътибори билан ўз даврининг нафасини акс эттирса ҳамда унинг барча талабларини қондирсагина ҳамма замон ва ҳар маҳалда қадрлидир». Шунингдек, у бошқа тилларга санъаткорона таржима қилинса, ўша халқларнинг ҳам шеърят хазинасини бойитиши, ҳам уларнинг сирдошига айланиши табиий. Натижада ўша шеър ва унинг муаллифи ҳамма ерда ўз бахтини топади. Афсуски, ҳозирда барча имкониятлар бўла туриб, яъни малакали, иқтидорли, истеъдодли таржимонлар кўплигига қарамай, баъзан классик асарлар нўноқ таржимонлар қўлига тушиб қолмоқда. Бундай нохуш аҳволга таржима танқидчилигимиз панжа орқасидан қараётганга ўхшайди. Тўғриси айтганда, жаҳон халқлари адабиётидан ўзбек тилига қилинаётган таржима асарлар (барча жанрларда) жуда кўп, бироқ улар ўз вақтида ҳаққоний баҳосини олмаётир. Ёки аксарият ҳолларда тақризлар фақат мақтовдан нарига ўтмайди. Яна шуни айтиш керакки, таржимачилигимиз ҳақида қайғуриб, жони ачишиб дөдил фикр айтишга интилаётган танқидчиларни қўллаб-қувватлаш лозим. Бу ағдарилаётган асарлар сифатининг яхшиланиши ва айни чоқда таржима илмининг янада равнақи учун асосий омилдир.

МЕҲР ЖИЛОЛАРИ



Замондош ижодкорлар портретини ихчам, лўнда ва жозибали тарзда чизиш усули қадимдан мавжуд. Ўзбек адабиётида улуғ Навоий унинг ажойиб намунасини яратган. Адиб ўлмас ва нодир «Мажолис-ун нафоис» асарида 459 шоирнинг ҳаётда, жамиятда тутган ўрни ва ижодининг йўналиши, моҳияти, камолот даражаси ҳамда шахсияти хусусида зарур маълумот беради. Навоийдан кейин ҳам бу анъана давом этди. Бундай усул жаҳон адабиётида, жумладан, рус адабиётида ҳам мавжуд. Ҳозирги замон рус адабий танқидчилигида, айниқса, йирик ёзувчилар фаолиятида замондошлар портретини ихчам шаклда чизиш тажрибаси кўп учрайди. Узоққа бормай, таниқли адиб Сергей Баруздиннинг 1982 йилда босилган (иккинчи нашри) «Одамлар ва китоблар» асарини мисолга келтириш мумкин. С. Баруздин бевосита ўзи ижодий алоқа боғлаган, ҳамкорлик қилган ва шахсий муносабатда-мулоқотда бўлган ижодкорлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашади.

Таниқли олим ва танқидчи Лазиз Қаюмовнинг «Замондошлар» китоби ҳажми, йўналиши ва моҳият жиҳатидан худди ана шу асарга монанддир. Фақат бунда 43 қалам аҳлининг ижодий портретига доир муҳим нуқталар чизилди. Муаллиф ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан тортиб то унинг ёш авлодигача бўлган таниқли вакиллари ижодини қамраб олади. Китобда Сергей Бородин, Валентин Овечкин, Александр Удалов, Борис Пармузин ҳақидаги портретлар тадқиқотчининг Ўзбекистондаги адабий жараёнга ахлит, бир бутунлигича қараганига ёрқин мисолдир.

Мазкур китобга кирган ёзувчиларнинг деярли ҳаммасини муаллиф яхши билади, шахсан мулоқотда бўлган, улар ижодини тарғиб-ташвиқ этишда ёки асарларининг босилишига ҳиссаси қўшилган. Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий ва Сотти Ҳусайини муаллиф шахсан кўрмаган. Лекин улар билан бир замонда яшагани учунгина «замондошим» демайди муаллиф. Унинг бундан бошқа муҳимроқ маънавий ҳуқуқи ҳам бор. Муаллиф Ҳамза тўғрисида ўнлаб китоб чоп эттирган, айниқса «Ажойиб кишилар ҳаёти» туркумига мансуб «Ҳамза» китобини яратиш жараёнида улуғ санъаткорни шахсан билган, у билан бирга ишлаган ва курашган одамлар хотираларини муфассал тўплаган эди. Бундай одамлар орасида муаллифнинг падари бузруквори, улуғ бурилиш йилларининг илғор зиялиси ва ўзбек классик адабиёти, маданиятининг зукко билимдони, жонкуярларидан бўлмиш Пўлатжон домла ҳам бор эди. Лазиз Қаюмовнинг Ҳамза ҳақидаги тадқиқотлари яратилишида бу устознинг хизмати катта бўлган. Лазиз Қаюмов ўз китобида «Мен адабиёт даврасига кириб келганда Сотти Ҳусайн оламдан ўтган эди. Шунинг учун учрашиш насиб этмаган. Аммо... у отамни яхши таниган ва отамнинг хотиралари асосида, унинг шахси ҳақида анча аниқ тасаввурим бор», — деб эътироф этади.

Шу ўринда китобнинг яна бир фазилатини таъкидлаб ўтиш зарур. Муаллиф адабиётшунослигимизда кам ўрганилган ижодкорларнинг портретига атайин кўпроқ ўрин берган. Масалан, унинг Сотти Ҳусайн, Ҳусайн Шамс, Асқарали Чархий, Шариф Ризо тўғрисидаги маълумотлари фақат кенг китобхонлар учунгина эмас, балки адабий жамоатчилик, айниқса илм аҳли учун ҳам қимматлидир. Чархийнинг адабиётимизда тутган ўрнини белгилаш ва асарларини баҳолашда Лазиз Қаюмовнинг хизмати катта бўлгани маълум. Шариф Ризо тўғрисидаги мақолада олим адибнинг адабий жараёнда муҳим роль ўйнагани, «Қор ёғди, излар босилди» повести ҳамда тарихий очерклари билан мазкур жанрлар ривожига ўз улушини қўшгани, Муқимий ва Завқий, Ҳамзаларнинг таржимаи ҳолини ёритишда, ўзбек фольклорини — мақоллар ва афанди латифаларини йиғиш, нашр этишда, шунингдек, таржима соҳасида ибратли ишлар қилганини муфассал кўрсатиб беради. Муаллиф Шариф Ризо ижоди махсус ва чуқур тадқиқотларга лойиқ эканлигини тўғри таъкидлайди. Ҳусайн Шамс ижодини ўрганишни ҳам Лазиз Қаюмов бошлаб берган эди. Кейин адиб ижоди тўғрисида диссертациялар ёзилди, кўплаб мақолалар эълон қилинди. «Душман» романи коллективлаштириш даври ҳақидаги пишиқ асарлардан бири сифатида баҳоланди.

Китобдаги С. Бородин, В. Овечкин, А. Удадов ва Б. Пармузинларнинг портретлари ҳам катта илмий-маърифий қимматга эга. Мазкур ёзувчилар ўзбек адабий жараёнининг ривожига, айниқса ўзбек адабиёти шухратининг ёйилишига катта ҳиссасини қўшдилар. С. Бородиннинг «Самарқанд осмонида юлдузлар» номли йирик эпик полотноси совет адабиёти-

нинг ютуғи тарзида баҳоланди. В. Овечкин-дин очерклари эса совет адабиётида янги самарали йўналишни бошлаб берди.

«Унинг очерклари, — деб таъкидлайди муаллиф, — бу жанрга қайтадан ҳаёт берди, уни яна ўқувчиларнинг диққат марказига қўйди. Бу муваффақиятларнинг сабаби эса санъаткорнинг ижодий новаторлиги билан изоҳланади. Мазкур очерклар ёзувчининг типиклаштириш ҳуқуқи ва принципларини яна бир бор тиклади. Чунки, унга очерк фақат ҳужжатли бўлиши ҳамда аниқ адресга эга бўлиши мажбурий ҳол деб қараларди. Лекин Овечкин бу йўлдан бормади, балки у ҳаётда бор ҳодисаларни умумлаштириб, адрессиз, лекин ғоят реал, фақат бир районгагина хос бўлмай, балки кўпчилик районларда турли шаклларда учровчи ҳодисаларни ифодаловчи бадий ҳужжатли асар yaratди... Унинг очерклари ҳаётни ҳақоний тасвирлаш, энг муҳим проблемаларни дадил кўтариб чиқиш ва бадий новаторлиги жиҳатидан совет адабиётида янги саҳифа очди».

Лазиз Қаюмов мазкур ёзувчига хос бош фазилатини ана шу тарзда тўғри кўрсатади. Ижодкорнинг шахсий, ўзига хос инсоний фазилатларини бир-икки ёрқин детал орқали таърифлаб, уни ижодий услуби, эътиқоди билан боғлаб ёритади. Сергей Бородинни очик кўнгил, меҳмоннавоз, ақлли, мантиқли мунозара қиладиган шахс сифатида таърифлаб туриб, «у эски чақа-тангаларни тўп-лашга ишқивоз эди», дейди. Бу фазилат унинг ёзувчилик тажрибаси билан жипс боғланган эди. «Зотан, — дейди Л. Қаюмов, — у бундан бир неча аср муқаддам яшаган кишилар ҳаётини, характерини, даврининг руҳини, урф-одатларини, тартиб-қоидаларини, ахлоқ-одобини, кийими ва тилини фикран тасаввур қила билиши керак. Жанрнинг тарихийлиги эса буларнинг ҳаммасида ҳақиқат меъёри бузилмаслигини тақозо қилади.»

А. Удалов ва Б. Пармузин тўғрисидаги портретларда муаллиф диққатини мазкур ёзувчилар асарларида ўзбек халқи ҳаётининг акс этиши ва ўзбек миллати характерининг яратилиши масаласига қаратади. Сир эмас, ҳозирги адабий жараён хусусида ёзганимизда Ўзбекистонда яшаб ижод этаётган бошқа миллат ёзувчилари асарларини ҳар доим ҳам таҳлил доирасига тортавермаймиз. А. Удалов ўзбек-рус халқининг қардошлик илдизи ва тарихини ёритувчи «Сабр косаси», «Муҳаббат барҳаёт», «Ватан фарзанди» каби китоблардан иборат бўлган йирик асарлар ёзди. Унда Арслоннинг камолот йўли теран кўрсатилади. Б. Пармузиннинг «Махсус топшириқча», «Пахта» ва «Узилган тола» каби асарларида ҳам ўнлаб ўзбек кишилари образи чизилган.

Ёзувчи ютуғидан, ўз халқининг адабиёти ва маданияти камолотидан фохрланиш, севина билиш туйғуси мазкур асарда яққол сезилади. Баъзи олимларимизнинг китобларини ўқисанг, гўё адабиётимизда яхши ёзувчи ҳам, мукамал асар ҳам йўқдай тасаввур оласан. Талабчанлик баҳонасида ўз ҳаётини бадий ижодга бахшида қилган ҳалол ижодкорни ҳам, ғоявий-бадий етук асарни ҳам камситавериш адолатдан эмас. Сўнгра ижодкор фаолиятига хурмат ва одоб билан баҳо бериш лозим. Унинг ижодий қийинчиликлари, камчиликларининг илдишларини топиб, таҳлил этиш ва ундан қутулиш йўлларини аниқ далиллаб кўрсатиш орқалигина унга кўмак бериш мумкин.

Шунингдек, адабий-танқидий ишлар ҳақида

фикр юритганда, аввало, жанр нуқтаи назариндан келиб чиқиб баҳолаш керак бўлади. Обзор мақолага қўйилган ўлчов билан проблематик мақолани баҳолаб бўлмайди, юбилей мақоласи билан тақризни тенглаштириш ярамайди. Баъзи адабий танқид ҳақидаги мақолаларда жанр табиатини ҳисобга олмай, танқидчининг у ёки бу мақоласи асоссиз камчиланиб қолади.

Л. Қаюмов мазкур китобида бир ёзувчи тўғрисида сўзлаганда «у одамларимиздаги ижобий хусусиятларни излаб томади, уни бўрттириб кўрсатади ва таъсирли ташвиқ қилади», деган жумлани ишлатади. Бу принципни муаллифнинг ўзига ҳам нисбат бериш мумкин. Китобдаги барча портретларда у диққат-эътиборни турли адиблар ижодидаги ибратли жиҳатларни ёрқин ва лўнда қилиб кўрсатишга қаратган. Айтайлик, Нормурод Нарзуллаев тўғрисидаги мақолада бу шоир ортиқроқ мақталгандай туюлади. Лекин танқидчининг: «Мен унинг бундан кейинги ижоди ёзганига нисбатан ҳам буюроқ, мазмунлироқ, бадийроқ, жозибалироқ бўлишини умид қиламан», деган мулоҳазасини ўқиганимиздан кейингина масала ойдинлашади. Танқидчи шоирнинг ўз устида янада жиддий ишлашга очик даъват этганига ишонамиз. Муаллиф бошқа қатор ижодкорлар хусусида ҳам мана шундай авайлаб, меҳр билан фикр юритади.

Китобдаги қатор портретлар устозларга меҳр-муҳаббат, садоқат руҳида ёзилган бўлса, бир қанчаси устознинг ўз шоғирдлари камоли, парвозидан ғурурланиш ҳисси билан туғилган. Биринчи тоифага кирувчи мақолалар қаторига Садриддин Айний, Ойбек, Фафур Гулом, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Яшин, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Иззат Султон, Ҳомил Ёқубов ҳақидаги портретларни киритиш мумкин. Садриддин Айний билан бўлган илк учрашувда туғилган ўчмас таассурот унда маънавий қарздорлик ҳиссини уйғотади. Шу туйғулар у атоқли адиб тўғрисида фикр юритар экан, уни ҳам ўзбек, ҳам тожик ёзувчиларининг устози тарзида талқин қилади. Ёки муаллиф Ҳамза ижодини ўрганишга дастлаб киришган пайтларида баъзилар рўй-хуш бермай, тўсқинлик қилган экан. Шунда Ойбек аксинча уни қўллаб-қувватлайди ва ўзи бош муҳаррирлик қиляётган «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида кетма-кет бешта мақоласини чиқариб беради. Бу меҳрибонлик олимга илҳом бахш этиб, Ҳамза тўғрисида йирик монографиялар яратишга олиб келди. Муаллифнинг Ойбек тўғрисидаги мақола ва рисоалари улғу устоз руҳи олдидаги маънавий бурч ифодаси ҳисобланади.

Фафур Гулом тўғрисидаги портретда улкан шоиримиз ижодининг ўзига хос жиҳатлари, граждандлик сиймоси самимият билан ёритилди. Муаллиф Фафур Гулом билан учрашувлари ва суҳбатларини қизиқарли тасвирлайди. Айниқса, «Сизга», «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!» шеърларнинг ёзилиш тарихи ҳақидаги фикрлари адабиётшунослик учун қимматлидир. Мақолада Фафур Гуломнинг сўнги йиллардаги ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ қимматли маълумотлар бор. Менинг эсимда, Лазиз Қаюмов докторлик илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлаганда Фафур Гулом мазкур илмий иш тўғрисида мазмундор тақриз ёзиб берган эди. Лазиз Қаюмов Фафур Гулом китобларини ўқиб вояга етгани учун ва илмда ўзига раҳнамо бўлгани учун улғу адибни чин устозларидан бири деб фохрланади.

«Биз... ҳар жанрда Фафур Фуломнинг адабиётдаги шогирдларимиз, — дейди у. — Устоз қанча-қанча ёш истеъдодларни кашф қилган, ёшларнинг ҳар бир қадамидан қанча қувонган, қанчаларга ўз ижодий намунаси билан йўл кўрсатган эди. Бу маънода бугунги ўзбек адабиётида Фафур Фуломдан умрбод қарздор бўлмаган кимса топилмас.»

Ёшлар ютуғидан қувониш ва уларга кўмак бериш туйғуси муаллифда кучли. Китобдаги Улмас Умарбеков, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ҳақидаги мақолаларда бу ёзувчиларни адабиётнинг катта даргоҳига кириб боришларида уларга ҳамдард, кўмакчи бўлганини тасдиқловчи ҳаётий далиллар бор. Китобда Фафур Фуломнинг Улмас Умарбеков ижоди тўғрисидаги бир фикри келтирилади. «Талант ва маҳорат» деган бу мақолача «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1962 йил 8 сентябрь сонида босилган эди. Мақола ёш ёзувчилар семинари муносабати билан шу газетанинг муҳаррири Лазиз Қаюмов илтимосига кўра ёзилган эди. Мен Фафур Фуломнинг уйига борганимда, у хомаки план тузиб ўтирган эканлар. Сўнгра менга айтиб турдилар, мен эзиб олиб, газетага элиб бердим. Лазиз Қаюмов Улмас Умарбековнинг ҳар бир асарини изчиллик ва сезгирлик билан кузатиб борди, ютуқларини фаол қўллаб-қувватлади, айрим камчиликларини айтиб турди. Китобга кирган бу портрет кўп йиллик кузатувларнинг хулосаси тарзида майдонга келган. Мақолада Улмас Умарбеков лирик кайфиятли прозаик, фалсафий мушоҳадали ва чуқур инсонпарвар ёзувчи тарзида таърифланади.

Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги мақолада улкан ёзувчимизнинг ижоди атрофлича таҳлил этилади. Муаллиф адибнинг совет адабиётида тутган катта ва муҳим ўрни хусусида сўзлайди. Абдулла Қаҳҳорнинг тасвирдаги чуқур психологизми, тилининг бой ва қудратли эканлиги, «Сароб» романи ва «Синчалак» повестининг гоёвий-бадий етуқ, намуна бўлувчи асар сифатида қимматли эканлиги тўғрисидаги мулоҳазалари эътиборга лойиқ. Мунаққид «Синчалак» асарининг сарлавҳаси хусусида ёзувчи билан баҳс қилади, кейин «баҳсда ёзувчи ҳақ экан», деб эътироф этади (Синчалак сўзи Қўқон томонда ингичка деган маънони англатади, китобхон тушунармикан, деган мулоҳазага боради мунаққид). Ёки «Ўтмишдан эртақлар» қиссасида ёзувчининг ўз отаси тасвирланган баъзи ўринларни мунаққид қисқартириш зарур деган фикрini айтади. Ёзувчи дастлаб бу мулоҳазага қўшилмаса-да, кейин асар китоб ҳолида нашр этилганда бир оз таҳрир киритади. «Замондошлар»даги мана шундай ҳаётий далиллар уни янада қизиқарли қилган. Лекин шу ерда бир нарсани эслатиб ўтиш керак. Адабиётшунослигимиз ва танқидчилигимизда Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртақлар» қиссасини автобиографик асар деб юритадилар, «Замондошлар» китобининг муаллифи ҳам шу фикрда. Қисса қўлёзмаси муҳокама қилинганда ҳам сўзга чиққанларнинг деярли ҳаммаси уни автобиографик асар деб баҳолаган эди. Абдулла Қаҳҳор муҳокама охирида: «Бу автобиографик асар эмас. Шунинг учун «Ўтмишдан эртақлар» деб ном қўйганман. Бу — Абдулланинг бошидан кечирганлари эмас. Автобиографик асарни ёзаманми-йўқми, ҳали номаълум», деган эди. Асар жанрини белгилашда ёзувчининг ана шу эътирофини

назарда тутган маъқул. Ҳарҳолда, бу махсус мулоҳаза ва баҳсни талаб қилувчи нукта.

Китобда мунаққиднинг Уйғун, Яшин, Зулфия, Собир Абдулла, Миртемир, Ҳабибий, Ҳомил Ёқубов, Иззат Султон, Мирзакалон Исмоилий, Иброҳим Раҳим, Раҳмат Файзий, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин каби ўнлаб адабиёт алломалари тўғрисидаги кузатишлари ҳам ўрин олган. Буларнинг барчасида мазкур ёзувчиларнинг адабиётимиз ривожига ўрни, маънавий камолотимиздаги роли, ижодкор ва граждон сифатидаги ўзига хос сиймоси билимдонлик билан чиғиб берилган.

Мунаққид ҳар бир ижодкор руҳий дунёсига, ижодий йўсини ва маънавиятига кириш йўлини топа олган. Уз замондоши бўлмиш ҳар хил услуб ва йўналишдаги ёзувчиларнинг бир ният, бир мақсад, бир орзу билан — халқимизни маънавий баркамол қилиш, жамиятимизни тараққий эттириш истаги билан яшаганлиги ва яшаётганлигини кўрсатиб беришга эришган. Китобнинг ибратли ва салмоқли жиҳатлари, энг аввало, мана шу фазилатларида кўринади.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
филология фанлари доктори

Тарҳи тоза, беандоза мисралар

Омон Матжон ДАРАХТЛАР ВА ГИЁҲЛАР КИТОБИ



Омон Матжон. Дарахтлар ва гиёҳлар китоби. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент—1984.

Шоирликнинг масъул жиҳатлари кўп. «Шеърятни қисмат деб билган» Абдулла Орипов истеъдод учун ижодий принцип ҳисобланадиган сифатлардан баъзиларини таъкидламоқчиман: қалб амри, рўй-ростлик ва самимият туйғуси билан ёзиш. Бу сифатлар Омон Матжон шеърятини «Дарахтлар ва гиёҳлар китоби» мисолида баҳолашга етарли асос беради. Аввало «Илҳом парисига» шеърининг қуйидаги бандига диққат қилайлик:

**Кипригинг майсасин қатор ёш айлаб,
қоронғулик ўзра ёқиб вулқонлар,
бир олмос нуқтага жамлаб оламни,
тафаккур ўқингда отган қай тонглар!!**

Шоир қахрамони тасаввурича, мўъжизакор қудрат — анъанавий маънодаги илҳом париси эмас, балки «элнинг зўр эҳтиёжидан шоир юрагига тушган ғулғула»дир. Шу боисдан шоир ўзининг ёруғ хаёли билан тун зулмати ичида «вулқонлар ёқиб», «олмос нуқтага оламни жамлай» олишига ҳамда ўзининг шеърый «тонглари»ни яратишига ишонамиз. Бунинг сабаби бор: шоир илҳомни қандайдир ғойибдан келадиган қудрат деб билмайди. Уни ҳаётнинг ўзида, замондошларимиз тақдирида кўради.

**Менга Ўзбекистон — Илҳом париси,
унинг қувончлари, унинг дардлари!**

Чиндан ҳам элу юртнинг қувончлари-ю, дардлари билан уйғунлик, бутунлик касб этмаган илҳом, айниқса, социалистик реализм ижодкори учун бегонадир. Демак, актив граждандлик позицияси, ҳақиқат ва виждон туйғуси билан синоним тушунчадир. Бу Омон Матжон шеърларида турлича талқин қилинади. Масалан, «Микеланжелло» деган шеърда лирик қахрамоннинг граждандлик туйғуси шиддаткор тусга киради:

**Шоир! Сенинг зеҳнинг қанотли чақмоқ,
Бир лаҳза ёритсин йиллар қаърини...
Машъум хатоларни Замона бугун
Унглагани кўриб севинсанг гоҳо,
Яна тош қотасан, кўп сотқинларнинг
Юрганини кўриб фаришталиқо...**

Омоннинг лирик қахрамони «адолатнинг нафасидан тирилган эзгу номлар» (Мақсуд Шайхзода) тимсолида халққа қайтарилган бутун маънавий обидалар учун миннатдорлик, шукрона туйғуларини кечирса-да, бу билан кифояланмайди. Бунинг сабаби маълум: шоир зотининг меҳри қанчалик улуғ бўлса, нафрати шунчалик қаттиқ, аёвсиз.

Санъаткорнинг рост сўзни баралла айтишдек маънавий заруратни ҳис этиши партия-мизнинг кейинги қатор плenumлари билан боғлиқ тарихий жараён махсулидир. Омон Матжоннинг «Абдулла туғилган кун» шеърисида шундай сатрлар бор:

**Ниҳоят, ҳар томнинг, ҳар бир бўғотнинг
ҳадеб бизга қовоқ уйиши тинди —
сонсиз найза-киприк сумалаклари
ёки эриб тушди, ё чил-чил синди.
Ниҳоят, йўлларни кенг қоплаб ётган
яхмаклар битди — сохта жозибам...**

Ҳаётнинг ўзи маънавий-ахлоқий масалаларга тобора кўпроқ аҳамият беришни тақозо этмоқда. Масалан, шоирнинг «Кўрдим: Шукур Бурҳон «Ҳамза»дан чиқиб...» деб бошланган шеърисида савдо растасидаги «бировнинг ҳақини гизлаб, беш-ўнни юлиш» пайида, «сохта сумбатларни сийлаб» турган манфатпараст «оломон»нинг қаллобликлари фош этилади. Савдо растасидаги аччиқ киноявий лавҳа ҳозирда партиямиз ва бутун жамоатчилик қатъий курашга киришган долзарб муаммо даражасига кўтарилди:

**Халқми шу, хаёлу орзуларини
ўзидан баландроқ тиклолмаганлар.**

**Халқми шу, халқининг номидан сўзлаб,
мингдан бир ваъдасин оқполмаганлар!**

Нишонга беҳато урувчи сатрлар шундай таассурот қолдиради: қачонлардир очик айтиш имконсиз туюлган ҳақиқат бугун заруратга айланаётган бўлса не ажаб? Албатта, шоирнинг рост сўзи гоъвий юксак позициядан айтилиши лозим. Ҳаёт мураккаб, унда янги-янги, жумладан, дастлаб бирданига ҳал қилиниши мушкул муаммолар учраб туради. Масалан, «Хоразм пахтакорларига» шеърисида барча софдил кишиларнинг граждандлик бурчи тақозо қилган туйғу — пахта терими манзаралари чизилади:

**Юлдузлар ухлайди, бунда тиним йўқ,
идроқлар сафарбар компютердан тез...
Ҳамма бир фаслики Хоразмий бу пайт —
тушида — маълумот, унда — саноклар...**

Кейинги икки сатрдаги бадий мантик кучига эътибор қилинг: Уйғониш даври олимнинг номи, шунчаки ташбеҳ сифатида қўллангандай. Лекин бугунги хоразмликлар — «ёшулли»дан тортиб мактаб ёшидаги ўқувчигача туну кун пахта «саноғи» билан яшаши, булар кутилмаганда улуғ ватандош математикнинг ором билмаган тафаккурига нисбат берилиши ҳар икки жиҳатни — асосий тасвир предметини ҳам, бадий восита объектини ҳам баб-баравар ифодаламайди? Шоир «ўқувчи, талаба укажонлари» — ажойиб ватанпарвар ёшлар билан фахрланиб, айна чоғда уларнинг келажagini ўйлаганда дилдан куйиниб айтган сўзлари қанчалик самимий:

**Оқ дафтар устида узилди қўллар...
Сизда савод ярим, менда ҳам ярим.
Гўё оғзидагин олдиргиси йўқ,
нозанин қўлларни тишлар чаноқлар.**

Шоирнинг чуқур оптимизм билан суғорилган шеърларидан бири «Ёлғончи дунё ҳақида Жуманиёз Қўзиев монологидир. Унинг қахрамони ҳаёт зиддиятларини назарписанд қилмайдиган баъзи бир ҳавойи кишилардан эмас.

**Баҳорий чакиндек ўтади умр,
тутиб улгурмайсанг ҳеч бир нарсани.
Хаёлот берилган лекин одамга
йиллардан ўздирмоқ учун лаҳзани.**

Бу — инсоннинг мислсиз имкониятлари олдида жуда қисқа бўлган умрнинг ҳисобдаги соатларини, кунларини меҳнат самараларисиз тасаввур қилолмайдиган олийҳиммат халқ фарзандининг яшаш тарзи. Жуманиёз эътиқодининг курашчан характери шундаки, у баъзи қаллобларнинг тубан, нопок қилмишлари касридан «бу дунёда ҳақиқат йўқ» деган ғариб тасаввур билан ўзини курашдан четга тортган баъзи «бировлар»га лоқайд қарамайди. Аксинча, уларга фаол тасвир этиш лозим, деб билади.

**Илк сароб кўрибоқ мақсаддан қайтиб,
дунёни ёлғончи этишлик нечун!!
Ҳей! Минг бир турланиб чиқавермасми,
асло ён бермасмиз алдов, риёга:
Ёлғончи дунёни рост этмак учун
аканг қарағайлар келган дунёга!**

Бу иши ҳам, сўзи ҳам шижоатли қахрамоннинг дил сўзлари. Лекин халқимизнинг

шундай саховатли, фидокор фарзандлари ҳам борки, улар бир қарашда Жуманиёзга ўхшамайди. Узининг меҳнат жасорати билан яхшилик ва ҳақиқат тантанаси учун курашаётганини айтишни лозим ҳам топмайди. Мана шу халқчил камтарлиқни ёрқин ифодалаб бериш шоирнинг ўзига ҳос маҳоратидан далолатдир. «Малик Қайом санъати» шеърида ҳам шундай типдаги қаҳрамон сиймоси гавдаланади.

**Касбингиз — меҳнаткаш халқимнинг рамзи,
ўзин кўз-кўзламас ўзбек уялиб.
Юртмани оламга кўрсатасиз сиз,
ўзингиз доим кадр ортида қолиб!**

Лирика китоби ошиқона шеърларсиз нотугал бўлур эди. Ундаги «Аёлга мақтов» туркуми муҳаббат мавзуда битилган. Унинг ёниқ сатрлари Навоийнинг қуйидаги байтини беихтиёр ёдга туширади: «Ишқким ҳар бир ишида ёзди юз минг турфа халқ, Турфароқ будурки, юз мингдин бири ёзилмади». Омон Матжон ўзининг ўн икки қисмдан иборат «Сени яхши кўраман» шеърида ўша муҳаббатнинг «ҳар бир ишини ўзгача ранг ва оҳангларда тасвирлаб берган: «туш бирдан узилди... Армонлар қолдилар қатлари бузилмай. Лекин сен келишга ваъда бер, Майлига тушимда, бир замон — Муҳаббат, мен сени кутаман, Кутаман уйғонмай ҳеч қачон!» Бошқа бир қисмда шундай мисралар бор: «Қишдан яратганман ўзимга кўклам... Шоирнинг ҳолидан кулма, илтимос: Хаёлдир ягона овунчи унинг, Тириклик манбаи — орзуси холос». Қанчалик аламли бўлмасин, ўтли ҳижрон, «ёдгор қолган нурли қайғу» — хаёлни тиниқ образлари бизни ҳайратга солади:

**Турналар учди,
Булутлар кўчди,
Оғочларнинг барги
Ерлара тушди...
Жавобсиз сўзим,
Зор ўлди кўзим.
Дардинг надир, айт,
Жон тутай ўзим...**

Маълумки, кўшиқбоп шеърларнинг ўзига ҳос ифодавий қирралари бўлади. Биринчиси — сўзнинг классик ғазалларга ҳос мусиқийлиги, «навобахш», «тарҳи тоза, беандоза» (Навой) характери. Айни чоғда кўшиқ санъати оммавий тус олган замонамиз учун ҳар бир сатр, ҳар бир сўз санъаткорона тарашиланган, шеърхонни ўйга толдирувчи, нуктадонлик меваси бўлиши керак. «Сени яхши кўраман» шеърининг кўпчилик ўринлари шу талабга жавоб беради, деб айтсак бўлади.

**Умр — йўл, қайрилиш кўп,
Учрашиш, айрилиш кўп.
Унутиш, айтилиш кўп.
Лекин ҳеч чиқмас ёдимдан
Ўша кулишларинг, ўша келишларинг...**

Мазкур шеърнинг ҳали куйга солинмаган бошқа қисмларида ҳам муҳаббатнинг ёниқ эҳтироси барқ уриб туради: «Бир илинж истайди юрагим сендан, фақат юпатмагил ва ичма қасам».

Омон Матжон шеърий эҳтирос билан яратган, эҳтирос билан тарашиланган образлар ўқувчини ўзига жалб этади.

Китобдаги «Хоразмийнинг тўрт саёҳати ва саккиз башорати» номли дostonга келсак, унда мўъжазгина шаклига нисбатан кенг масштабни тақозо қилган муаммолар қаламга олинган. Дoston ўқувчида катта бир ишнинг истеъдод билан битилган эскизлари таассуротини қолдиради. Шунинг учун унда фалсафий-лирик лавҳалар ишланган бўлса-да, асар муқаддимада қайд этилган даражада бадий бутунликка эришмагандай таассурот қолдиради. Олимнинг ҳар бир саёҳати, айниқса унинг «башоратлари» китобхонда у қадарли аниқ ва ёрқин тасаввур қолдирарли даражада салмоқдорлик, бадий жозибадорлик касб этмаган.

Муҳими, «Дарахтлар ва гиёҳлар китоби»дан жой олган барча шеърларда ҳароратли лиризм, шоирнинг «таби мавзун, зеҳни солим» (Навой)лиги сезилиб туради.

Ботирхон АКРАМОВ,
филология фанлари кандидати

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

[Звезда Востока]

№ 7

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1985

Рассом Х. Лутфуллаев.

Техник редактор М. Аҳмедов.

Корректор М. Ёқубова

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 6.05.85 й. Босишга рухсат этилди 8.07.85 й. Қоғоз формати
70×100¹/₁₆. Р-05904. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли
босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 155994. Заказ 849.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли
босмаҳонаси. Тошкент — П. Ленин проспекти 41.

© «Шарқ юлдузи», 1985.

Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.